




ЎТКИР ҲАСАНБОЕВ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ВА ДИН МУНОСАБАТЛАРИ: ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР, ОҚИМЛАР, МАФКУРАВИЙ КУРАШНИНГ ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРИ





66.3(39)

12.186c

Х - 31

ЎТКИР ҲАСАНБОЕВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ВА  
ДИН МУНОСАБАТЛАРИ: ДИНИЙ  
ТАШКИЛОТЛАР, ОҚИМЛАР,  
МАФКУРАВИЙ КУРАШНИНГ  
ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРИ



«Тошкент ислом университети»  
нашириёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2014

УЎК: 86.38

66.3(5Ў)

Х31

**Ҳасанбоев, Ўткир**

Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари / Ў.Ҳасанбоев; масъул муҳаррирлар К.Камилов, А.Мансуров. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. - 552 б.

КБК 66.3(5Ў)+86.38

Китобда Ўзбекистонда расмий рўйхатдан ўтган диний ташкилотлар, тасаввуф ва республикада бугунги кунда фаолияти кузатилётган сүфий «тариқатчилар» жамоалари Марказий Осиёда фаолият кўрсатаётган диний-экстремистик ташкилотлар, норасмий диний жамоалар, миссионерлик билан боғлик масалалар ҳакида батафсил маълумотлар, шунингдек, диний экстремизм, миссионерлик ва диний соҳадаги қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган аксилтариғибот ва профилактик ишларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар берилган.

Маънавий-маърифий тарғибот ишларида ишлатиладиган айрим атамаларнинг изохи, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар виҷдан эркинлигини таъминлаш ҳамда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи қонунлари, айрим конун, халқаро шартнома ва меъёрий хужжатлардан кўчирмалар келтирилган.

*Масъул муҳаррирлар:*  
**К.Камилов, А.Мансуров**

*Муаллиф:*  
**Ў.Ҳасанбоев**

*Тақризчилар:*  
**З.Исламов, филология фанлари доктори, профессор**  
**О.Юсупов, фалсафа фанлари номзоди**

*Маслаҳатчи:*  
**Х.Юлдашходжаев, тарих фанлари номзоди**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўймитанинг 2013 йил 10 декабрдаги № 3456-рақамили тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-390-92-8

© «Тошкент ислом университети»  
нашириёт-матбаа бирлашмаси, 2014

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	6
<b>I боб. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган диний конфессиялар ва ташкилотлар.....</b>	<b>11</b>
1.1. Ўрта Осиё худудида дин ва диний муносабатлар шаклланишининг қисқача тарихи .....	15
1.2. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари .....	25
1.3. Ўзбекистонда расмий рўйхатдан ўтган диний конфессия ва ташкилотлар .....	30
1. Ислом .....	30
Ўзбекистон мусулмонлари идораси .....	36
Христианлик.....	38
2. Православлик .....	45
Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон Епархияси .....	50
3. Рим католик черкови.....	51
Рим католик черкови администратораси .....	55
4. Арман апостоллик черкови .....	56
Протестантлик .....	59
5. Немис евангель-лютеранлар черкови.....	63
6. Евангель христиан-баптистлар черкови.....	65
7. Еттинчи кун христиан адвентистлари черкови .....	70
8. Корейс протестант черковлари .....	74
9. Тўлиқ инжилчи христианлар черкови (пятидесятниклар).....	77
10. Новоапостол черкови .....	80
11. «Иегов шоҳидлари» ташкилоти.....	83
12. «Голос Божий» черкови .....	89
13. Баҳоййлик .....	91
14. Буддавийлик .....	96

15. Кришнаийлик .....	100
16. Яхудийлик.....	103
Ўзбекистон Библия жамияти .....	107
1.4. Миссионерлик ва прозелитизм: тарих ва бугунги кун, юзага келаётган ижтимоий муаммолар, ҳукукий баҳо .....	108
1.5. Тасаввуф ғоялари ва суфийлик: тарих ва замонавий ҳолат	125
<b>II боб. Ўзбекистонда фаолияти қузатилаётган диний- экстремистик оқимлар ва норасмий диний жамоалар.....</b>	<b>141</b>
2.1. Диний экстремизм ва терроризм: мафкура ва амалиётнинг ривожланиши .....	141
2.2. Ўзбекистонда фаолияти қузатилаётган диний-экстремистик гуруҳлар .....	164
1. «Жиҳодчилар» жамоалари .....	164
2. «Ўзбекистон ислом ҳаракати» .....	170
3. «Ислом жиҳоди иттиҳоди».....	175
4. «Салафийлар».....	177
5. «Акромийлар» .....	183
6. «Нурчилар».....	186
7. «Ҳизб ат-тахрир ал-исломий».....	192
8. «Таблиғчилар».....	198
2.3. Республикада фаолияти аниқланган норасмий диний жамоалар.....	205
1. «Маърифатчилар» .....	207
2. «Шоҳидийлар» .....	208
3. «Бахшиллочилиар» .....	210
<b>III боб. Диний экстремизм, терроризм ва деструктив диний ғояларға қарши қурашнинг ҳуқукий ва ғоявий асослари .....</b>	<b>212</b>
3.1. Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва терроризмга қарши қураш соҳасида халқаро ҳамкорлиги .....	212
3.2. Диний экстремизм ва терроризмга қарши қурашнинг ҳуқукий асослари .....	216
3.3. Диний-экстремистик оқим ва норасмий диний жамоаларнинг даъволарига раддиялар .....	220

<b>Хулоса .....</b>	<b>242</b>
<b>Иловалар.....</b>	<b>255</b>
<b>1-и洛ва. Диний экстремизм ва терроризмга қарши ахборот-мафкуравий курашни ташкил этиш юзасидан тавсиялар.....</b>	<b>255</b>
1. Ахборот-тарғибот ва аксилттарғибот ишларини ташкил этиш .....	255
2. Аудитория билан тарғибот ва аксилттарғибот ишларини ўтказиш .....	263
3. Таъсирчан маъруза қилишнинг психологик технологиялари .....	266
4. Якка тартибдаги профилактик тадбирлар .....	276
5. Диний соҳадаги қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган якка тартибдаги профилактик сұхбатларни ўтказиш .....	281
<b>2-и洛ва. Тарғиботчи учун айрим атамалар изохи.....</b>	<b>284</b>
<b>3-и洛ва. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва айрим қоиун ҳужжатларидағи диний соҳага оид нормалар.....</b>	<b>420</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>	<b>539</b>

## КИРИШ

Глобаллашув шароитида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг шиддат билан ривожланиши, коммуникация ва ахборот технологияларининг тараққиёти ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши ҳамда ушбу соҳадаги услуг ва воситаларнинг такомиллашувига сабаб бўлмоқда. Мафкура<sup>\*</sup>дан кураш воситаси сифатида фойдаланиш умумбашарий тус олмоқда.

Турли геосиёсий куч марказлари ўзларининг геостратегик мақсадлари йўлида «нишон» сифатида танланган мамлакатни қарам қилиб олиш учун аввало мазкур ҳалқни қадрияллари\*, тарихи ва маънавият<sup>\*</sup>идан жудо қилишга эътибор қаратмоқда.

Эндиликда геосиёсий назорат ўрнатиш турли «рангли инқилоблар»\* шаклида, Интернет тармоғи, хорижий теле- ва радиоканаллари ва босма нашриётларида йўналтирилган «ахборот уруши» олиб бориши, мамлакат ичидаги миллий-сепаратистик, диний-экстремистик ёки радикал сиёсий ғоялар билан онги заҳарланган «бешинчи колонна»ларнинг қўпорувчилик<sup>\*</sup> фаолиятини йўлга кўйиш, «демократия экспорти»\* ёки «гуманитар интервенция»\* каби жозибали шиорлар остида, аслида эса суверен мамлакатларнинг ички ишларига очикдан-очиқ аралашиш каби усусларда олиб борилмоқда. Бунинг тасдигини 2000-йилларда Сербия, Грузия, Украина, Қирғизистон, Ирок, Афғонистон, Покистонда, 2010-йилларда Тунис, Миср, Ливия, Сурия каби мамлакатларда рўй берган ва ҳозирги кунида кузатилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар мисолида кўриш мумкин.

Айниқса, юқорида кайд этилган бузғунчилик ишларига тажовузкор кучлар томонидан, биринчи навбатда, ҳали онги тўлиқ шаклланмаган ёшлар жалб қилинаётгани алоҳида эътибор талаб қиласди. «Араб баҳори»\* шиддатли кечган давлатларда қўзғолончиларнинг асосини мамлакатнинг 40-50 фоизини ташкил этувчи 15-30 ёшлар оралиғида бўлганлар ташкил этди. Галаёнлар хукуматнинг ағдарилиши билан ниҳоя топган давлатларда асосий омиллардан бири ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан бир қаторда ақидапарастлик<sup>\*</sup> руҳидаги оким фаолларининг турли нодавлат

\* Ушбу белги мазкур атамага 2-иловада изоҳ берилганини англатади.

ташкилотлари, хайрия жамғармалари, маданий марказлар, касаба ўюшмаларга мустаҳкам ўрнашиб олгани ва яширин тарғибот-ташвиқот олиб боргани бугун ҳаммага аён бўлиб турибди. «Араб баҳори»дан сўнг ҳокимият тепасига Тунисда «Ал-Наҳда», Мисрда бир йилдан зиёд «Мусулмон биродарлар»\* каби исломий партия ва ташкилотларнинг келиши, Ливияда янги Конституция шариат\*га асосланиши эълон қилингани фикримизни исботлайди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли заарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас»<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, кишилик жамиятининг турли тарихий даврларида дин\* жамиятда фақат эътиқод манбаи сифатидагина эмас, балки муайян табақаларнинг бошқа инсонларга таъсир этиш, уларни дунёга муносабати ва турмуш тарзини бошқаришга хизмат қиувчи мафкуравий восита вазифасини ҳам ўтаб келган. Диний омилдан айрим манфаатпараст кучлар сиёсий мақсадларда фойдаланиши мутаассиб диний ҳаракатларнинг вужудга келишига сабаб бўлган.

Мустақиллик йилларида Марказий Осиёда турли геосиёсий кучларнинг манфаатлари ўзаро тўқнаш келиши минтақадаги ижтимоӣ барқарорлик\*ка салбий таъсир ўтказмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларига қарши йўналтирилган таҳдидлар каторида диний соҳада қуйидаги омиллар алохида ўрин тутмоқда:

- турли диний-экстремистик оқимларнинг (ДЭО) ғоявий ва мафкуравий қўпорувчилик фаолияти ва террористик хатти-ҳаракатлари;
- баъзи ДЭОнинг хорижга чиқиб кетган деструктив сиёсий мухолифат ва республика ичида фаолият кўрсатаётган нохолис «кисон ҳукуки химоячилари» билан бирлашиб, «аҳборот уруши»ни ягона позициядан туриб амалга ошираётгани;
- юқорида қайд этилган носоғлом кучлар халқаро террористик ташкилот\*лар томонидан ўз манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда молиявий ва сиёсий-мафкуравий жиҳатдан қўллаб-куvvatланаётгани;

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 15 б.

- айрим ноисломий диний конфессия вакилларининг туб аҳоли ичида миссионерлик\* ва прозелитизм\* билан шуғуланаётгани;
- баъзи норасмий диний жамоа етакчи ва фаоллари, «отинойилар»\* томонидан аҳоли ичида «исломлашув» жараёнларини чуқурлаширишга интилиб, соф диний турмуш тарзини давлатнинг дунёвийлик асосига зид равишда тарғибот-ташвиқот қилинаётгани.

Шу ўринда араб мамлакатларида рўй берган сиёсий инқизорзлардан хорижда яшаб, ўз юргига нисбатан иғво қилиш ҳисобига манфаат кўриш дардидаги юрган сохта «демократ»ларнинг жонланганини, «Ўзбекистон халқ ҳаракати» каби уюшма тузиб, аввалги «демократик» шиорларига эндилика диний омилни хам кўшган ҳолда турли йўллар, масалан, Интернет тизими орқали ёшлиаримизни ўз сафларига тортишга ҳаракат қилаётганини ҳам таъкидлаш лозим. Жиноят содир этиб жазодан қочиб юрган кимсалар бошқарувда бўлган ушбу ҳаракат Фарбдаги айрим ҳомийларининг манфаатлари йўлида уларнинг кўлида кўтирчоқ бўлиб, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка зимдан таъсир ўтказишига уринмоқда.

Қайд этилганлар давлат ва жамоат ташкилотлари олдига диний экстремизм ва миссионерликка қарши кураш, диний соҳадаги қонунбузарликларининг олдини олинига қаратилган тарғибот, аксилтарғибот ва профилактик ишларнинг савиаси ва таъсирчанлигини оширишда ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш масаласини долзарб вазифа сифатида кўймоқда. Бошқача айтганда, мафкуравий тарбия\* ишларини кучайтириш орқали шахс, миллат\*, жамият ва давлатнинг мафкуравий хавфсизлиги\*ни таъминлаш ҳаётий муҳим масалалардан бирига айланди, десак муболага бўлмайди.

Фуқароларда диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий иммунитет\*ни кучайтиришда аҳолида, айниқса, ёшларда дин ҳақида холис тушунчалар шакллантириши, ушбу тушунчалар замирида жамиятга ватангпарварлик\*, миллатпарварлик, даҳлдорлик ғояларини чукур сингдириш, турли диний мутаассиб оқимларнинг сохта иддаоларига нисбатан муросасиз муносабат шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишдаги ишларда мафкуравий профилактик ишларнинг ўрни катта. Мафкуравий профилактика\* ижтимоий институтлар томонидан хилма-хил шаклларда амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, тўғри ташкил этилган бутун тарбия тизимини қамраб олади.

Хозирги кунда мафкуравий профилактика ишларининг долзарблиги айрим носоғлом сиёсий кучларнинг ҳомийлигидаги мутаассиб гурухлар энг қабиҳ ва алдамчи усуулар билан аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшларни ўз сафларига жалб қилмоқчи экани билан белгиланади. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, шу жумладан, мафкуравий майдонларда хужумкор, ташаббускор бўлиши ва олдинроқ ҳаракат килишга асосланиши ушбу соҳага мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасаларининг дикқат-эътиборида бўлиши лозим.

Китобхонларга тақдим этилаётган ушбу китобда куйидаги йўналишларни ёритиб беришга ҳаракат қилинди:

– Ўзбекистонда расмий рўйхатдан ўтган диний ташкилот\*лар, ушбу дин ва конфессия\*ларнинг вужудга келиши тарихи, асосчилари, ақидаси\* ва диний гоялари\*, ибодат\* ва диний маросимлари\*, диний байрамлари\*, республикага кириб келиши тарихи ва ҳозирги кундаги фаолияти;

– миссионерликнинг тарихи, бугунги куни, Марказий Осиё минтақаси, ғусусан, Ўзбекистонда айрим ноисломий диний конфессиялар томонидан амалга оширилиши сабаби, ижтимоий муаммоларга сабаб бўлаётган миссионерлик ва прозелитизм билан боғлиқ ҳолатлар, ушбу қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ҳуқукий асослар ва профилактик ишлар;

– тасаввуф тарихи, Мовароуннаҳрда кенг тарқалган «тарикатлар», бугунги кунда республикада фаолият юритаётган суфий «тарикатчилар» жамоалари, уларнинг фаолиятидаги айрим салбий ҳолатлар;

– диний экстремизм, терроризм тушунчалари, исломий шиорлар билан фаолият кўрсатаётган диний-экстремистик оқимларнинг тарихий илдизлари, бугунги кундаги фаолиятлари, ҳозирги замонда ҳалқаро террористик ташкилотларнинг фаолиятида кузатилаётган жараёнлар;

– республикада фаолияти кузатилаётган диний-экстремистик оқимлар, уларнинг ташкилотчилари, бошқарув тузилмалари, мафкураси, содир этган жиноий ҳаракатлари, бугунги кунда амалга ошираётган хатти-ҳаракатлари;

– норасмий диний жамоаларнинг асосчилари, ушбу жамоаларнинг диний қарашлари ва амалий фаолиятининг салбий оқибатлари;

- Ўзбекистон томонидан диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўналишида халқаро миқёсда ва республикада амалга оширилаётган ишлар, уларнинг ҳукуқий асослари;
- диний экстремизм ва диний соҳадаги бошқа қонунбузарликларнинг олдини олишида жамоат ва диний ташкилотларнинг ўрни ва фаолияти юзасидан тавсиялар;
- дин ниқобидаги экстремистик ташкилотлар\* ва норасмий диний жамоаларнинг соҳта диний иддаоларига қарши раддиялар;
- аксилтарғибот тадбирларини ташкил этиш, аудитория олдида таъсирчан маъруза қилишнинг психологик технологиялари, диний экстремизм, миссионерлик ва диний соҳадаги ҳукуқбузарликларга қарши якка тартибдаги профилактик сұхбатларни ўтказиш юзасидан услугубий тавсиялар;
- бугунги кунда диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, огоҳликка даъват, умуман, маънавият ва мағкуравий тарғибот йўналишида кўп ишлатиладиган айрим атамаларнинг изоҳи;
- Ўзбекистон Республикасининг виждан эркинлиги\*ни таъминлаш ва терроризмга қарши кураш билан боғлиқ қонунлари, айрим қонун, халқаро шартномалар ва норматив ҳужжатлардан кўчирмалар.

Китобни тайёрлашда ёритилган мавзуларга оид илмий ва диний маърифий адабиётлар, даврий нашрлар, турли диний конфессияларнинг ақидавий қарашлари баён этилган доктринал ҳужжат ва мұқаддас китоб<sup>\*</sup>лардан, шунингдек, Интернет тармоғидаги расмий ва хусусий сайтларда берилган маълумотлардан кенг кўламда фойдаланилди.

✓ Кўлланма ҳукуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, маънавият йўналишида фаолият юритувчи давлат, жамоат ва диний ташкилот ходимлари, олий ва ўрта маҳсус билим юрти ўқитувчи ва талабаларига, мавзуга қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Китобда ёритилган мавзуларга дунёвийлик ёки динийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, келтирилган тарихий фактларга турли баҳо бериш мүмкинлигини эътиборга олиб, шунингдек, кўлланма нуқсонлардан холи эмаслигини эътироф этган ҳолда муаллиф барча эътиroz ва таклифларни миннатдорлик билан қабул қиласи.

Ушбу китобимни Падари бузрукворимиз Мелибой ота хотираларига бағишилайман.

## I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, НОРАСМИЙ ОҚИМ ВА ЖАМОАЛАР

Дин тушунчасига олимлар дунёвийлик, илмийлик нуқтаи назаридан, дин арбоблари эса муайян диний таълимот асосида ёндашишлари боис ушбу тушунчага турли таърифлар берилади. Умумий тарзда, дин (арабча – эътиқод, ишонч, лотинча «religio» – диёнат, синганиш, «relegere» – ортга қайтиш, «reliгare» – боягламоқ) ижтимоий онг шаклларидан бири ҳисобланади. Дин муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўладиган, олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида шакли, уни идрок этишнинг ўзига хос усули саналади<sup>2</sup>.

Дастлабки диний тасаввурлар асосида инсоният тафаккурида яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик каби ахлокий категорияларнинг ilk тарихий элементлари шаклланган. Ижтимоий тараққиёт давомида дин инсонларнинг яшаш ва фикрлаш тарзи, қадимий маданият ва маънавият кўринишларидан бирига айланган. Айни чоғда, ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида дин жамият сиёсий тизимининг шаклланиши ва фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган.

Президентимиз И.А.Каримов диннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти хакида фикр билдириб, шундай деганлар: «Энг аввало жамият, гурух, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умум-инсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор коидаларига айлантирган. ... Дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва кийинчиликларини енгиги ўтишларида куч бағишилаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни саклаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишга ёрдам бериб келган. ... Шунинг учун

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллый энциклопедияси. 12 жилдли. 3-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллый энциклопедияси» Давлат илмий нашри, 2002. – 300 б.

ҳам дин инсоннинг ишончли ҳамрохи, одамзод ҳаётининг бир қисми бўлиб келмоқда.

Диннинг юксак ролини эътироф қилиш билан бирга, диний дунёкараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганини таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган»<sup>3</sup>.

Диннинг таркибий қисмлари қўйидагилардан иборат:

– диний таълимот: мазкур дин билан боғлик ақидавий қарашлар тизими;

– худо: илохий онг ва кудрат соҳиби бўлган олий мавжудот;

– ибодат: мазкур дин кўрсатмаларига мувофиқ амалга ошириладиган маросим, расм-руsum, удумлар мажмуи;

– диний жамоа (масжид, черков\* ёки ибодатхона қавми): мазкур динга эътиқод килувчиларни бирлаштирувчи ижтимоий институт;

– ахлоқ меъёрлари: мазкур дин таълимотларида муқаддаслаштирилган ижтимоий муносабат қоидалари.

Динлар ягона худога сифиниш ёки кўпхудоликка асосланганлиги, эътиқод килувчиларнинг таркиби ва сони каби қатор мезонларга кўра таснифланади. Жумладан ислом, христианлик, сикхизм ва яхудийлик дини яккахудоликка (монотеизм), буддавийлик, хиндуийлик эса кўпхудоликка (политеизм) асосланган. Афрохристиан, дзен-буддавийлик каби динлар турли динлар кўшилиб кетиши орқали (синкретик динлар) вужудга келган.

Диний эътиқодда муайян тимсоллар, рамзлар (буюм, ҳаракат, сўз, матнлар) диний маъно ва мазмун касб этади. Ҳар бир дин ёки дин ичидағи йўналишлар ўзига хос асосий ақидалар ёки эътиқод рамзларига\* эга.

Ижтимоий тараққиёт босқичлари – тарихий омилни хисобга олсак, қуйидаги таснифни ишлатиш мумкин:

– ибтидоий жамоа ва уруғ-қабилачилик даврларидағи фетишизм, тотемизм, анимизм, шаманизм каби муайян буюм, табиий ҳодиса ёки сеҳргарларга сифинишга асосланган **уруг-қабила динлари**. Уларнинг баъзилари Австралия, Жанубий Америка, Африка қитъаларидағи айрим қабилаларда айни кунга қадар сакланниб қолган;

– минтақа динлари: қадимги Миср, қадимги Хиндистон (ведалар, брахманизм), қадимги грек (Олимп худолари) динлари ва ҳ.к.;

<sup>3</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т. : «Ўзбекистон», 1999. – 441–442 б.

– муайян миллат ичидаги юзага келгандынлар: синтоизм (япон миллати), яхудийлик (яхудийлар), хиндуийлик (хиндлар), сикхизм (сикхлар), конфуцийлик (хитойлар) ва х.к.;

– дунё бўйлаб энг кўп тарқалган, турли миллатга мансуб одамлар эътиқод қиласиган жаҳон динлари: буддавийлик, ислом ва христианлик;

– ноанъанавий динлар ва янги диний ҳаракатлар: Гарбда кўпроқ христианлик асосида вужудга келгандар (масалан, «Иисус Масих черкови», Мормонлар ва х.к.); Шарқда шаклланганлар (Кришнаизм, Шри Чинмоя маркази ва х.к.); синкетик (фарб ва шарқ йўналишлари аралашмаси) йўналишлар («Буюк оқ биродарлик», Баҳоийлик ва х.к.);

– Иблисга сифинувчилар (сатанизм), мистик (оккультизм) оқимлар ва х.к<sup>4</sup>.

Бир динга эътиқод қилувчи шахсларнинг диний маросим ва ибодатларни биргаликда бажаришлари натижасида диний бирлашмалар шаклланади. Диний уюшмалар диний ташкилот\*, секта\* ва деноминация\* шаклларида бўлиши мумкин. Хусусан, диний ташкилотлар – муайян давлатдаги бир динга эътиқод қилувчи шахсларнинг диний эҳтиёжларини биргаликда бажариш мақсадида тузган кўнгилли бирлашмалари ҳисобланиб, улар амалдаги қонунларга асосланган ҳолда давлат рўйхатидан ўтиши билан ташкилот сифатида кўрилади. Деноминация эса аксарият ҳолатларда христианлиқда черков ва секта оралиғидаги диний бирлашма сифатида мавжуд бўлади.

Секта – диний қарашлари ва маросимларидаги тафовутларига кўра муайян диндан, масалан, расмий черковдан ажralиб чиққан гуруҳ ёки ташкилот бўлиб, одатда, давлат ҳокимияти ва расмий черковга муҳолифатда туради. Шу боис кўп ҳолатларда секта аъзолари давлат ҳокимияти ва анъанавий дин вакиллари томонидан таъқиб қиласиди<sup>5</sup>.

Жаҳон динларига фаол миссионерлик ва тарғибот-ташвиқот ўтказиш хос бўлиб, улар турли миллат ва элат, ижтимоий табакаларга мансуб одамлар ичидаги даъват қилинади. Шу билан бирга жаҳон динларининг барчасида умуминсоний қадриятлар, барча одамларнинг тенг экани ҳақидаги ғоялар илгари сурилади.

<sup>4</sup> Сайт «Справочник по религии. Религиозный справочник – словарь». URL: <http://sr.artap.ru/protestantism.htm>

<sup>5</sup> Нарбеков А. В. Диншунослик асослари: Ўқув кўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – 20 б.

Дунё аҳолисининг диний таркиби ҳакида турли манбаларда бир-бираидан фарқ қилувчи кўрсаткичлар акс эттирилади. Соҳа мутахассислари томонидан кўпроқ АҚШнинг «Pew Research Center» (Вашингтон) тадқиқот маркази томонидан бериладиган маълумотлардан фойдаланилади. Жумладан, мазкур марказнинг 2010 йили ўтказилган ва 2012 йил декабрида эълон килинган тадқиқотлари натижасига мувофик, ҳозир дунёда христианлар 2,2 млрд. (Ер аҳолисининг 32%), мусулмонлар 1,6 млрд. (23%), буддавийлар 500 млн. (7%), шунингдек, ҳиндуйлар 1 млрд (15%), яхудийлар 14 млн. (0,2%) ҳамда сикхизм, синтоизм, жайнизм, баҳоийлик каби миллий дин ва диний конфессияларга 58 млн. киши (1%) эътиқод қиласиди. Ҳали бирор динни танламаган ва атеистлар сони 1,1 млрд (16%)ни ташкил этади<sup>6</sup>.



1-расм. Динларнинг тарқалиш харитаси

<sup>6</sup> The Global Religious Landscape. Pew Research Center. Washington, D.C. 2012. P.9.

## 1.1. Ўрта Осиё ҳудудида дин ва диний муносабатлар шаклланишининг қисқача тарихи

Ўзбекистон қадимдан турли динларга эътиқод қилувчи халқлар тинчтотув яшаган ўлка бўлиб келган. Аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан муносабатда бўлгани тарихий манбаларда қайд этилган.

Тош асрида Ўзбекистон ҳудудидаги халқлар турли ҳайвонлар (тотемизм) ва Қуёшга сифинишган (астралмифология) бўлса, кейинчалик фетишизм, анимизм ва афсунгарлик каби илк диний қарашлар тарқалган. Бошқа минтақалар билан ижтимоий-маданий алоқаларнинг ривожланиши билан Марказий Осиёга буддавийлик, монийлик, маздакийлик ва христиан-несторианлик динлари кириб келган. Зардуштийлик дини атроф ҳудудларга кенг тарқалган.

Ислом кириб келгунига қадар минтақани ўз таркибига киритган Гарбий турк ҳоқонлиги вақтида туркий қабилаларда бош худо – Тангрига сифиниш (тангризм) ривожланган эди.

Ислом дини мазкур минтақада VII аср охирларида араб юришлари ва уларнинг ҳукмронлиги даврида тарқалди. Арабларнинг Марказий Осиёга юришлари 643–644-йилларда бошланган бўлиб, қаттиқ қаршиликлар туфайли минтақанинг араб халифалиги таркибига киритилиши Кутайба ибн Муслим ал-Боҳилий (704–715) даврида рўй берган. Халифаликнинг шимолий ҳудудлар, хусусан, Чоч (хозирги Тошкент) устидан назорати фақат 751 йилга келиб ўрнатилган. Араблар назорат ўрнатган худуд «Мовароуннахр» (дарё ортидаги ер) ва арабларга бўйсунмаган ҳукмдорларнинг ҳудуди «Ароди ат-турк» (Турклар ерлари) деб аталган<sup>7</sup>.

Мовароуннахрда ислом динининг тарқалиш жараёнлари турли шаклларда кечган. Даставвал истилочилар томонидан туб аҳолини «исломлаштириш»\* тайзиқ ўтказиш, динга кирганларга иқтисодий имтиёзлар яратиш, масалан, хирож ва жизя – жон солигидан озод этиш орқали амалга оширилган<sup>8</sup>. Жума намозига чиққанларга пул улашиш каби усувлардан ҳам фойдаланилган<sup>9</sup>. Бироқ арабларнинг зулми ва маҳаллий

<sup>7</sup> Ислом маърифати: аслият ва талқин.- Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – 6 б.

<sup>8</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 1 том. – Т. : Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1956 йил. – 171–173 б.

<sup>9</sup> Абу Бакр Мұхаммад Ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Форс-тожик тилидан таржима А. Расуловники. Масъул муҳаррир Ўринбоев А. - Т.: Фан, 1966. – 47 б.

халкнинг бойликларини талаши, қолаверса, халифа\* томонидан тайинланган айрим ноибларнинг йигилаётган соликлардан манфаатдор бўлгани сабабли ислом динини қабул қилганлар доим ҳам жизъя ва хирождан озод этилмагани оқибатида туб ахолининг ислом динини қабул килиш жараёни аста-секинлик билан кечган.

Кейинчалик минтаقا аҳолиси исломдаги яккахудолик, инсонпарварлик ва тенгхукуқлик ғояларини ижобий баҳолаб, мазкур динни ихтиёрий қабул қила бошлаган. Савдогарлик ва деҳқончилик анъаналариңгривожланган Мовароуннаҳро қосилиси чида исломнинг тез тарқалишида ушбу дин таълимотидаги савдогарлик ва деҳқончиликнинг рағбатлантирилиши, араб халифалиги доирасида карвон савдоси учун кенг имкониятлар очилгани, шунингдек, рибо (фоизга қарз бериш) ва шахсий мулкка тажовузни ман этилиши ҳам муҳим омил бўлган, дейиш мумкин.

IX асрдан эса Мовароуннаҳр ислом таълимотини ривожлантирувчи марказлардан бирига айлана бошлаган. Ўрта асрларда Самарқанд, Бухоро, Қарши каби шаҳарлар ислом илм ва маданияти ўчғи сифатида эътироф этилган. «Ислом Ренессанси» номини олган IX–XII асрларда буюк мутафаккирлар – И мом Бухорий\*, И мом Термизий, Абу Мансур Мотуридий\*, Беруний, Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний\* ва бошқа олиму фузалолар нафақат ислом таълимоти, балки, жаҳон фани ва маданияти ривожланишига улкан ҳисса қўшилдилар.

Шарқ Уйгонишининг иккинчи босқичи Темурийлар Ренессанси бўлиб, XIV–XVI асрларга тўғри келади. Ушбу даврда давлатчилик, маданият, фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур фаолият юритганлар<sup>10</sup>.

Хонликлар даврида Ўрта Осиё мамлакатларида кечаётган сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий-маърифий жараёнларда диний уламолар\* муҳим ўрин тутган. Биринчи тоифа уламолар маъмурӣ бошқарув тизимида амалдорлар – шайхул-ислом, қозикалон, аълам (муфтий\*), раис (Қўқон хонлигида – муҳтасиб), қози лавозимлари, таълим тизимида мударрислар бўлган. Жумладан, Бухоро амирлигида

<sup>10</sup> Мовароуннаҳр муҳаддис ва фақиҳларининг жаҳон ҳуқуқий маданиятига қўшган ҳиссаси. Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси. /Халқаро конференция тезислар тўплами/. Тошкент-Самарқанд. –Т.: И мом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. – 113 б.

хукмдордан кейинги лавозим қозикалон ҳисобланиб, расмий ҳужжатларда «адолат устуни (шариат паноҳ)» деб аталган. Қозикалон хузурида кўрилаётган масалалар бўйича шаръий хукм (фатво) тайёрловчи аълам (олий муфтий) ва 12 та муфтийлардан иборат девон бўлган.

Кози ва муфтийдан кейинги муҳим лавозим раис ҳисобланиб, у фуқароларнинг шариатга амал қилишини, шунингдек, бозорлардаги тартиб, тарози тошлари ва газлама ўлчагичларнинг тўғри эканлигини назорат килган. Шунингдек, жойларда суд ишлари вилоят ва туманларнинг қозилари томонидан шариат асосида кўрилган. Шундай килиб, уламоларнинг кўлида суд ҳокимияти, назорат функцияси (иҳтисоб) ва шаръий масалалар бўйича хукм чиқариш (фатво) жамланган<sup>11</sup>.

Иккинчи тоифа уламоларга аҳолининг тури табақалари ичida кенг тармоқ ортган «пир-мурид» муносабатларига асосланган суфий жамоаларнинг шайх ва эшонлари кирган.

Ўрта Осиёning чор Россияси томонидан босиб олиниши минтақадаги конфессионал манзарани ўзгартириб юборди. Истилодан сўнг Ўрта Осиёning асосий қисми Туркистон ўлкаси (1867–1917) номи билан аталиб, таркибида бешта область: Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Семиречье, Закаспий бўлган. Ўлкада олий ҳокимият генерал-губернатор кўлида бўлиб, у бир вақтнинг ўзида Туркистон ҳарбий округининг бош қўмондони бўлган.

Россия империясида Рус православ черкови давлат томонидан муҳофаза қилинган бўлиб, миссионерлик ва прозелитизм қонунан факат православ дини учун рухсат этилган<sup>12</sup>. Барча конфессиялар уч гурухга бўлинган: давлат дини (православлик), рухсат этилган динлар (ислом, католицизм, протестантлик, буддавийлик, арман-григориан черкови, яхудийлик) ва ман этилган («духоборлар», «иконоборлар», «молоканлар» ва ҳ.к.). Православларга ўз динини ўзгартириш, улар ичida бошқа динни даъват қилиш ман этилган бўлиб, бундай ҳаракат учун сургунга жўнатиш даражасида жазо кўлланган<sup>13</sup>.

<sup>11</sup> История Узбекской ССР. В 4-х томах. Т. 2. – Т. : Фан, 1967. – С. 95.

<sup>12</sup> Тимощук А. С., Федотова И. Н., Шавкунов И. В. Введение в религиоведение : Учеб. пособие. ВЮИ ФСИН России. – Владимир : Владимирский юридический институт Минюста России, 2011. – С. 31.

<sup>13</sup> «Уложение о наказаниях уголовных и исправительных» 1845 г. п. 190–205. Сайт «Богословия и жизнь». Что полагалось за отступление от православия в царской России. URL: <http://theologian.msk.ru/history/194-chto-polagalos-za-otstuplenie-ot-pravoslaviya-v.html>

395481 — 17 —

ЧЧ145

Эски маъмуриятдаги шайхул-ислом, қозикалон, аълам, раис каби лавозимлар бекор қилинган. Масжид ва мадрасалар устидан қатъий назорат ўрнатилиб, янги масжид ёки мадраса қуриш, янги вакф ери ажратиш генерал-губернаторнинг ваколатига киритилган. Туркистон туб аҳолисига тааллуқли суд ишларини кўрувчи «халқ судъялари»нинг сайланиши ва мадраса мударрисларининг тайинланиши губернаторликнинг розилиги билан амалга оширилиши белгиланиб, одатда лавозимга тайинланаётган шахснинг малакаси эмас, балки янги маъмуриятга «садоқати» ҳал килувчи омил саналар эди<sup>14</sup>.

Шунингдек, чор ҳукумати томонидан вакф мулки устидан назоратни кучайтириш ва уни босқичма-босқич тортиб олиш сиёсати юритилган. 1886 йили қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»да мавжуд вакф мулкларини расмийлаштириш учун қисқа муддат (1887 й. 1 июлига кадар) берилиб, ҳужжатлари расмийлаштириб ултурилмаган вакф мулклари давлат ихтиёрига ўтказилган. Жумладан, Самарқанд уездиде 94%, Тошкент уездиде 98% ва Фарғона уездиде 72% вакф ерлари тортиб олинган<sup>15</sup>. Шахсий вакф мулклари ҳам меросхўр бўлмаган тақдирда давлат тасарруфига олинган. Низомнинг 266 ва 267-моддаларига кўра, тан олинган вакф мулкидан фойдаланиш область ҳокимлари томонидан назорат қилинган. Янги вакф мулки ташкил этишман этилиб, фавқулодда ҳолатларда Туркистон генерал-губернаторнинг ваколатига киритилган<sup>16</sup>. Оқибатда, асосан вакф мулки даромади хисобидан фаолият юритувчи ва маҳаллий аҳоли учун илм олиш манбаи бўлган мактаб ва мадрасаларнинг аҳволи ёмонлашган.

Туркистон генерал-губернатори Кауфман ўлка мусулмонлари эҳтиёжларини «писанд қилмаслик ва рад этиш» сиёсатини юргизган. 1788–1789-йилларда Уфада Оренбург мусулмонлар диний йигини, 1831 йили Симферопольда Таврия диний бошқармаси, 1872 йилда эса Тифлис (ҳозирги Тбилиси)да Кавказорти диний бошқармаси тузилган бўлса-да,

<sup>14</sup> Зияева Д. Роль исламских ценностей в духовной и социально-экономической жизни Туркестана в условиях колониализма // Сборник докладов международной научной конференции «Исламские ценности Центральной Азии: толерантность и гуманизм». – Т., 2008. – С. 48.

<sup>15</sup> Айдагулов М. Институт вакуфов в Туркестане в период Российской империи. Сайт «Idmedina.ru» URL: <http://www.idmedina.ru/books/islamic/sng/1/10-marat-aidagulov.htm?>

<sup>16</sup> Положение об управлении Туркестанского края. Издание 1892 года. Свод законов Российской Империи. Том второй (извлечение). Сайт «Русский переплет». URL: [http://www.pereplet.ru/history/Russia/ Imperia/Alexandr\\_III/pol1892.html](http://www.pereplet.ru/history/Russia/ Imperia/Alexandr_III/pol1892.html)

Туркистон мусулмонларига муфтият тузиш ман этилган. Бунинг устига, Кауфман 1879 йилинг декабрида Чор Россияси ички ишлар вазирига юборган 8509-сонли хатида Оренбург муфтиятига Туркистон ўлкаси мусулмонлари билан алоқа қилишини «зараарли» деб баҳолаб, ман этишни сўраган. Россия ички ишлар вазирлиги хорижий эътиқодлар дин ишлари Департаменти (Департамент Духовных дел иностранных исповеданий) ушбу талабни қондириб, Оренбург муфтиятига Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси ва мусулмон ташкилотлари билан алоқа қилишни ман этган<sup>17</sup>.

1887 йили амалга киритилган «Туркистон ўлкасини бошқариш хақидаги Низом»нинг 141-моддасига мувофиқ, христиан динига қарши чиққанлар жазога тортилиши белгилаб қўйилган<sup>18</sup>.

Туркистонни мустамлакага айлантириш доирасида 1880–1890-йилларда минтақага кўчиб келган казаклар, рус ва украин дехқонлари хисобига ўлкада кўплаб православ жамоалари шаклланиб, уларнинг яшайдиган аҳоли пунктларида православ черковлари курилган. Мустамлакалаштириш жараёни Туркистоннинг барча худудларида кечган бўлиб, кўчманчи дехқонлар кўпроқ ҳозирги Сирдарё вилояти худуди – Мирзачўл воҳасига жойлашган. Православлар билан бир қаторда «Эски маросимчилар (старообрядцы)», «Молоканлар» ва «Бичилганлар (скопцы)» каби православ секталари вакиллари ҳам Туркистонга кўчиб келганлар<sup>19</sup>.

Чор ҳукумати кўчиб келганларга хосилдор ва суғориш қулай жойларни ажратишга катта эътибор қаратган. Жумладан, 1909 йили Тошкент уездининг Ақджаар волостига Кавказдан кўчиб келган молоканлар сектасига мансуб 46 та оила жойлаштирилиб, Алексеевка кишлоги барпо этилган<sup>20</sup>.

Шунингдек, Тошкент шаҳри Туркистон ўлкасининг маъмурий бошқарув ва сиёсий-иктисодий маркази сифатида шаклланиши, турли табака ва динга мансуб шахсларнинг кўчиб келиши оқибатида мусулмон бўлмаган диний йўналишларга эътиқод килувчиларнинг сони ортишига сабаб бўлган. 1897 йилда тайёрланган маълумотга кўра, Тошкент шаҳри

<sup>17</sup> ЎзР МДА, 1-фонд, 19-рўйхат, 818-йиғма жилд, 22–24, 26-вараклар.

<sup>18</sup> Положение об управлении Туркестанского края. Издание 1892 года. Свод законов Российской Империи. Том второй (извлечение). Сайт «Русский переплет». URL: [http://www.pereplet.ru/history/Russia/Imperia/Alexandr\\_III/pol1892.html](http://www.pereplet.ru/history/Russia/Imperia/Alexandr_III/pol1892.html)

<sup>19</sup> К истории христианства в Средней Азии (XIX–XX вв.) / Сост. Л. И. Жукова. – Т. : Ўзбекистон, 1998. – 251 с.

<sup>20</sup> ЎзР МДА, 16-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 50–51-вараклар.

аҳолисининг диний таркиби куйидагича бўлган: мусулмонлар – 139935 та, православлар – 15221 та, рим-католиклар – 1590 та, арман-григорянлар – 130 та, протестантлар (менонитлардан ташқари) – 517 та, менонитлар – 133 та, яхудийлар – 1244 та, «раскольниклар (православликтан ажралиб чиқкан ва «динни бўлувчилар» сифатида кўрилган жамоалар)» – 24 та, бутпастлар – 47 та<sup>21</sup>.

Туркистон маъмурлари ислом динини мусулмонларни бирлаштирувчи куч ва мустамлака ҳокимиятга таҳдид сифатида кўрганлар. 1899 йили Туркистон генерал-губернатори Духовский ўзининг Чор Россияси хукмдорига юборган «Туркистонда ислом» номли докладида ислом динини «христиан маданиятининг мутлақ душмани» сифатида таърифлаган<sup>22</sup>.

Маълумотларга кўра, 1900 йилнинг 1 январи ҳолатига кўра, Туркистон ўлкасида 12733 та масжид фаолият юритган<sup>23</sup>. Улардан 1503 та жоме масжид бўлса, 11230 таси маҳалла масжидлари ва намозхоналар бўлган<sup>24</sup>. 6376 та мактаб ва мадрасаларда 6496 та мударрис 72307 та ўкувчига таълим берган<sup>25</sup>.

1905 йилнинг апрель ойида император Николай II томонидан имзоланган «Дин эркинлигини мустаҳкамлаш ҳақида»ги қонун билан православларнинг бошқа динга ўтиши жазоланмайдиган, «раскольниклар» жамоаларига «эски маросимчилар (старообрядник)» мақоми берилган. Бирок ушбу хужжатда мусулмонларга ҳеч қандай енгиллик берилмаган<sup>26</sup>. Шу билан бирга, Россия хукумати фуқароларнинг православ динидан бошқа динга ўтиши ҳолатларига «фавқулодда муҳим» салбий ҳолат сифатида эътибор қаратиши давом этган. Россия ички ишлар вазирлиги хорижий эътиқодлар дин ишлари Департаменти 1909 йилда чоп этган 2906-сонли циркуляри асосида империя худудида ҳар йилнинг 1 январь кунига мазкур ҳолатлар юзасидан маълумот тўплланган<sup>27</sup>.

<sup>21</sup> ЎзР МДА, 269-фонд, 1-рўйхат, 125-йигма жилд, 10-варак.

<sup>22</sup> ЎзР МДА, 1-фонд, 32-рўйхат, 384-йигма жилд, 7-варак.

<sup>23</sup> ЎзР МДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 3966-йигма жилд, 6-варак.

<sup>24</sup> Кенжаев Д. М. Роль религии в жизни мусульманского общества Туркестана в конце XIX – в начале XX в. Сайт «Информационно-аналитический центр» URL: <http://www.ia-centr.ru/expert/4799/>

<sup>25</sup> ЎзР МДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 3966-йигма жилд, 6-варак.

<sup>26</sup> Указ об укреплении начал веротерпимости. Именной Высочайший Указ, данный Сенату, «Об укреплении начал веротерпимости», 17 апреля 1905 г. Сайт «Древо». Открытая православная энциклопедия. URL: <http://drevo-info.ru/articles/10330.html>

<sup>27</sup> ЎзР МДА, 18-фонд, 1-рўйхат, 2620-йигма жилд, 1–9-вараклар.

Чор Россияси Йчки ишлар вазирлиги таркибида «сиёсий қидирув» билан шуғулланувчи полиция департаментига бўйсунган Туркистон район кўриқлов бўлими ўлқадаги мусулмон етакчиларини ягона исломий давлат қуриш каби гўёки Россия империясига қарши фитнада айблаб, улар устидан доимий назорат ўрнатган эди. Ҳаттоқи, жадидларнинг янги услубдаги мактабларни очиш, ягона ўкув дастурига асосланган таълим тизимини яратишга қаратилган ҳаракатлари ҳам империянинг манфаатларига зид жараён сифатида кўрилган<sup>28</sup>. Жумладан, Туркистон генерал-губернаторининг ўлка бўйича таҳлилий ҳисоботларида янги услубдаги мактаблар маҳаллий аҳоли ичида чор ҳукуматига қарши инқилобий ҳаракатларни юзага келтирувчи омил сифатида қайд этилган<sup>29</sup>.

Айни чоғда, Чор Россияси маъмурлари Афғонистон, Туркия каби мамлакатларни Туркистонда ўз таъсир доирасини кенгайтириши мақсадида аҳоли ичида исломий давлат қуриш ғояларини тарқатади, деб ҳисоблаган ҳолда, ушбу мамлакатлар билан алоқаларни қаттиқ назорат остига олган. Туркистон район кўриқлов бўлими биринчи жаҳон уруши даврида тайёрлаган ҳисоботида 1909 йили Константинополь (Туркия) шахрида Туркистон ўлқасида пантуркизм\* ва панисломизм\* ғояларини тарқатиш учун «Бухоро маърифат тарқатиш хайрия жамияти» ташкил этилгани, Афғонистоннинг Бухородаги савдо агенти Хўжа Абдул Набий томонидан Тошкент, Бухоро, Чимкент, Пскентда «Мужоҳидин» ташкилоти тузилгани қайд этилган<sup>30</sup>.

1914 йилнинг 21 июнь куни Россия императори имзолаган маҳсус қонунга мувофиқ, Мирзачўлнинг сугориладиган ҳудудларига христианликдаги барча конфессия вакилларининг кўчиб келишига рухсат берилиши натижасида мазкур ҳудудга православлардан бошқа христиан жамоаларининг кўчиб келиши кенгайтган<sup>31</sup>.

<sup>28</sup> Арапов Д., Ларина Е. Среднеазиатские мусульмане в 1914 году (по материалам Туркестанского районного охранного отделения) // Расы и народы. Ежегодник. Вып. 32. – М. : Наука, 2006. – С. 278–305.

<sup>29</sup> ЎзР МДА, 2-фонд, 2-рўйхат, 369-ийғма жилд, 13-варак.

<sup>30</sup> Арапов Д., Ларина Е. Среднеазиатские мусульмане в 1914 году (по материалам Туркестанского районного охранного отделения) // Расы и народы. Ежегодник. Вып. 32. – М. : Наука, 2006. – С. 278–305.

<sup>31</sup> Высочайше утвержденный 21 июня 1914 года, одобренный Государственным Советом и Государственную Думою Закон об отводе орошаемых системою Романовского канала казенных участков Голодной степи, Ходжентского уезда, Самаркандской области // Вопросы колонизации. – СПб., 1914. № 16. – С. 221.

Биринчи жағон уруши вактида чор Россияси томонидан Туркистанга асирға олинган немислар, венгерлар, поляклар келтирилиши билан католик ва лютеранларнинг сони ортиб, ушбу конфесиялар йұналишида янги жамоалар вужудға келган.

XIX аср охири – XX аср бошларыда Туркистан миңлий мустақиллигиғояси бирлаشتырган ҳур фикрли ва тараққийпарвар кишилар томонидан маданий-маърифий йұналишида ташкил этилған жамият ва уюшмалар асосида жадидчilik (арабча «янгиланиш») ҳаракати шаклланди. Жадидлар Туркистан халқини диний хурофотдан озод қилиш, шариатни ислоҳ қилиш, ахоли ичида маърифат тарқатиши, босқичма-босқич демократик жамият куриш каби мәксадларни илгари сурған эди.

Айни өткізу, маҳаллий уламолар ичида жадидларнинг юкорида келтирилған ислоҳий ғояларига қарши консерватив мухолиф гурух – «қадимчилар» вужудға келган. «Қадимчилар» барча янгиликтер ва христиандар билан алоқа мусулмонларнинг ҳаёт тарзига салбий таъсир үтказиб, ислом цивилизациясыга бузғунчи таъсир еткәзади, деб хисоблар эди.

Мазкур қарама-қаршиликтер асосида 1917 йил воқеалари олдидан Тошкентде Туркистан жадидларининг «Шурой-Исломия» ва «қадимчиларнинг» «Шурой-Уламо» (Тошкент) ташкилотлари вужудға келган. Хеч шубҳасиз, үзаро зиддиятлар миңлий озодлік ҳаракатини заифлаشتырган<sup>32</sup>.

1917 йил чор Россияси подшоси таҳтдан кеттегач, ҳокимият тепасига келган Вақтли хукумат фуқароларнинг диний эътиқодларига нисбатан белгиланған аввалги чекловларни бекор қилған бұлса-да, православ черковининг имтиёзли хуқуқини сақтаб қолған.

1917 йилнинг күз фаслида Россияда шүролар ҳокимият тепасига келгандан сүнг Туркистанда бошқарув тизими большевикларнинг Туркистан үлкасы халқ комиссарлари Совети құлиға үтган. 1917 йил Күкөн шаҳрида үлка мусулмонларининг фавқулодда түртінчи курултойи үтказилиб, «Күкөн мұхторияти» әзілон қылған ҳамда ислом диниге давлат дини мәкоми берилған. Мұхторият раҳбариятининг ислом шиорлари остида маҳаллий ахолини бирлаشتырышта қаратылған ҳаракатлари муваффакиятсизликка учраб, 1918 йили шүролар томонидан

<sup>32</sup> Абдуллаев Р. Мусульманские общественные организации Туркестана в 1917 году // Сборник докладов международной научной конференции «Исламские ценности Центральной Азии: толерантность и гуманизм». – Т. : 2008. – С. 54, 57.

«Кўқон мухторияти» барбод қилинган. Туркистонда шўролар ҳокимияти мустаҳкам ўрнашиб олган.

РСФСР Халқ комиссарлари Советининг 1918 йил январдаги «Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш ҳақида»ги декретига мувофик фуқароларнинг диний эътиқоди шахсий иши деб эълон қилинган. Черковлардан фуқаролик ҳолатини рўйхатдан ўтказиш олиниб, давлат ихтиёрига ўтказилган. Диний уюшмалар юридик шахс хукукларидан маҳрум қилинган. Барча черков ва диний жамиятларнинг мол-мулки халқ мулки, деб эълон қилинган<sup>33</sup>.

Шўролар хукумати ҳам чор Россиясининг ўлка мусулмонларига нисбаган сиёсатини муайян даражада давом этириб, мусулмонларнинг марказлашган уюшмаларини ташкил этишга йўл қўймаган эди<sup>34</sup>.

1920-йилларнинг охирида шўролар тузумининг атеизм\*га асосланган диний сиёсати кескин тус олган. 1929 йилнинг апрель ойида РСФСР Халқ Комиссарлари кенгашининг «Диний уюшмалар ҳақида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра, диний уюшмаларга йиғин ўтказиш, муқаддас зиёратлар узошириш, хайрия билан шугулланиш, кутубхоналар очиш каби фаолиятлар ман этилган<sup>35</sup>. Коммунистик партия (б) Марказий Кенгашининг 1929 йил 29 июнида ўтказилган XI Пленумида «Мусулмон руҳонийлари ва мактаби тўғрисида» қарорида «Ислом бошқа динлар каби социалистик маданият ва пролетариат тоялари ривожланиши ҳамда мустаҳкамланиши, умуман социализм курилиши йўлидаги катта ғовдир», деб таъкидланган.

Ушбу қарорга биноан оммавий равишида масжид, мадраса ва черковларни ёпиш, уларнинг мулкларини мусодара қилиш, уламоларни аёвсиз қатагон килиш бошланган. Ҳатто, аҳоли ичиди динсизликни тарғиб этиши мақсадида «Худосизлар» жамияти ташкил этилган<sup>36</sup>.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий туб аҳоли томонидан ўз ҳаётини таҳдидга қўйиб бўлса-да, мусулмон уламолари билан бирга христиан

<sup>33</sup> Сайт «Конституция Российской Федерации». Об отделении церкви от государства и школы от церкви [Декрет Совета Народных Комиссаров]. URL: <http://constitution.garant.ru/history/act1600-1918/5325/>

<sup>34</sup> Арапов Д. Мусульманское духовенство Средней Азии в 1927 году (по докладу полномочного представителя ОГПУ в Средней Азии) // Расы и народы. Ежегодник. Вып. 32. – М. : Наука, 2006. – С. 305–339.

<sup>35</sup> Совет народных комиссаров РСФСР. Постановление от 8 апреля 1929 года. О религиозных объединениях. Сайт «Lawmix.ru». URL: [http://www.lawmix.ru/docs\\_ccsp/5380/](http://www.lawmix.ru/docs_ccsp/5380/)

<sup>36</sup> Бердиев С. XX аср 30-йиларида Ўзбекистонда дин масаласига тарихий назар // Илмий-таҳлилий ахборот. –Т.: Тошкент ислом университети, 2011. 1-сон. – Б. 16.

рухонийларини ҳам таъқибдан яшириб, жонларини сақлааб қолган ҳолатлари бўлган.

Собиқ Совет Иттифоқининг 1936 йилги Конституциясида эътиқод эркинлиги эътироф этилган бўлса-да, амалда жамиятга атеистик мафкура зўрлаб сингдирилиб, диндорларнинг хуқуқлари поймол этилар эди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Ўрга Осиё республикаларининг мусулмон уламолари фронтта озиқ-овқат етказиш, қурол-яроғ ишлаб чиқариш учун маблағ тўплаш ишларида фаол иштирок этганлар. 1943 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўрга Осиё ва Қозогистон мусулмонларининг 1-Курултойида Ўрга Осиё ва Қозогистон мусулмонларининг Диний бошқармаси (САДУМ) тузилган.

1940-йилларнинг охирида минтақага Фарбий Украина, Белоруссия, Бессарабия (ҳозирги Молдавия), Шимолий Буковина ва Прибалтика республикаларида истиқомат килувчи «Иегов шоҳидлари», пятидесятниклар, баптистлар ва адвентистлар сургун қилинган. Ушбу конфесия вакиллари янги яшаш жойларида ҳам яширин миссионерлик фаолияти билан шуғулланган. Даъват кўпроқ славян миллатига мансуб аҳоли ичиди олиб борилган<sup>37</sup>.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг атеистик сиёsat қайта кучайтира бошланган. Айниқса, Коммунистик партия Марказий комитети томонидан 1954 йилда қабул қилинган «Илмий-атеистик тарғиботдаги жиддий камчиликлар ва уни яхшилаш чоралари ҳақида» (07.08.1954) ва «Аҳоли ичиди илмий-атеистик тарғиботни ўтказишида йўл кўйилаётган хатолар ҳақида» (10.11.1954) қарорларидан сўнг динга қарши кураш кескин тус олган<sup>38</sup>. Хусусан, 1945 йил САДУМ ихтиёрига берилиб, 1956 йилдан фаолият кўрсага бошлаган «Бароқхон» мадрасаси (Тошкент) 1961 йилда тутатилган. САДУМ ихтиёрида факат Бухоро шаҳридаги «Мир Араб» мадрасаси қолган<sup>39</sup>.

Бундай сиёsat диний ташкилотларнинг фаолиятига тўсиқлар яратиш, фуқароларнинг, ҳаттоқи майшӣ даражада диний амалларни

<sup>37</sup> Крылов А. Православие и ислам в Средней Азии: полезный опыт для Европы. Сайт «Narodru.ru». URL: <http://www.narodru.ru/article9465.html>

<sup>38</sup> Записка Отдела пропаганды и агитации ЦК КПСС по союзовым республикам «О недостатках научно-атеистической пропаганды». Сайт «Объединение Исследователей Религии». URL: <http://www.rusoir.ru/03print/02/239/>

<sup>39</sup> Тогаев А. 1940–1970-йилларда Ўзбекистонда диний таълим тизими ҳолати // Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат . Илм. мақ.тўпл. – Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – Б. 112–117.

бажаришининг қораланиши шаклларида кечиб, амалда фуқароларнинг виждан эркинлиги чекланган эди.

Бироқ чор Россияси тузуми ва большевиклар империясининг Ўрга Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги диний сиёсати жамиятнинг маънавий-маданий ҳаётига жиддий тарзда салбий таъсир этган бўлса-да, ўзбек халқининг матонатини енга олмади, имон-эътиқодидан айира олмади.

## 1.2. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари

Ўзбекистон мустақилликка эришган илк йилларидан диний соҳага ўзбек халқининг миллӣ маънавиятининг ажralmas қисми сифатида алоҳида эътибор қаратилди. 1992 йил 2 июль куни Олий Кенгашнинг X сессиясида Президент И.А.Каримов куйидаги муҳим фикрларни баён этган: «Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёning ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундан туради. Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Диний расм-руsumларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга юртимизда доимо жиддий эътибор берилади»<sup>40</sup>. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари куйидаги тамойиллар асосида олиб борилмоқда:

- диндорларнинг диний туйгуларини хурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий или деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал килмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳукукларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулокоғот қилиш йўлларини излаш зарурати;
- диндан бузгунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўймасликни эътироф этиш<sup>41</sup>.

Мустақиллик йиллари диннинг ҳукуқий давлат, фуқаролик жамиятида тутадиган ўрни ва мавқеи аниқ белгиланиб, бу соҳада мустаҳкам қонунчилик пойdevori яратилди. Жумладан, Ўзбекистон

<sup>40</sup> Муқаддас динимизга юксак эътибор ва эҳтиром. Имом Бухорий халқаро маркази. – Т. : Тошкент ислом университети, 2010. – 8 б.

<sup>41</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т. : Ўзбекистон, 1999. – 448 б.

Республикаси Конституциясида «диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар», деган демократик тамойил мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқаролар миллати, ирки ва динидан қатъи назар, тенг хуқуқли эканлиги белгиланиб, уларнинг виждан эркинлиги, урф-одатлари, миллий анъаналари хурмат қилиниши кафолатланган<sup>42</sup>.

Ушбу конституциявий қоида 1998 йил 1 май куни қабул қилинган янги таҳрирдаги «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Қонунда тарихий, маданий, ижтимоий омилларни ҳисобга олинган ҳолда давлат ва диний ташкилотлар орасидаги муносабатлар белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди<sup>43</sup>.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод килмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва хурмат ўрнатилишига кўмаклашади, мутаассиблик ва экстремизм асосида диний муносабатларни кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоваратни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди. Муайян динга эътиқод қилувчиларни бошқасига киритишга қаратилган прозелитизм ва миссионерлик фаолияти қонунан ман этилади.

Секуляризация\* тамойилларига асосланган ҳолда давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришин юкламайди, уларнинг қонун хужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди ҳамда ҳеч қайси диний ташкилотнинг фаолиятини ёки даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятни маблағ билан таъминламайди. Ўз навбатида, диний ташкилотлар ҳеч қандай давлат вазифаларини бажармайди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакилларига диний омил асосида тазиик ўтказишга йўл қўйилмайди. Яширин диний фаолият таъкиқланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати ҳамда республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузиш, тероризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган бошқа

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2007. – 6, 8, 12 б.

<sup>43</sup> 2-иловага қаранг.

гаразли мақсадтарни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолиятини ман этади. Шунингдек, диндан давлат ва жамиятга карши тарғибот олиб борища, динлар ва миллатлараро адоват уйғотиш, ижтимоий барқарорликни издан чиқариш, аҳоли ўртасида вахима уйғотиш ҳамда давлат, жамият ва шахсга карши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга асло йўл қўйилмайди.

Фуқаролар ўзларининг диний ҳуқук ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳукуклари ва эркинликларига путур етказмасликлари ушбу соҳадаги қонунчиликнинг муҳим тамоилии саналади.

Диний ташкилотлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита томонидан амалга оширилади.

2014 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, республикада 16 конфессияга мансуб 2223 та диний ташкилот, шу жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қоракалпогистон мусулмонлари қозияти, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги вакилларини, Тошкент ислом институти, 9 та мадраса, 2037 та масжид, Рус Православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон епархияси, Православ семинарияси, Рим-католик маркази, Евангель христиан-баптистлар черковлари уюшмаси, Тўлиқ инжил христианлар черковлари маркази, Протестант семинарияси, Библия жамияти, 151 та христиан черкови, 8 та яхудий, 6 та баҳоий жамоаси, 1 та Кришна жамияти ва 1 та Будда ибодатхонаси фаолият юритмоқда. 130 дан зиёд миллатта мансуб аҳолининг 94% дан зиёди ислом, 3,5% га яқини православ динига мансуб, қолганларини бошқа конфессия вакиллари ташкил этади<sup>44</sup>.

Хозирги кунда диний таълим соҳасида Тошкент ислом институти, 9 та ўрта маҳсус ислом билим юрти, шунингдек, Православ ва Протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда.

Истиқбол ийлари Ўзбекистон ҳукумати томонидан виждан эркинлигини таъминлаш, диндорларга қулай шароит яратиш, диний қадриятларни тиклаш ва авайлаб-асрашга қаратилган кўплаб ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга жорий қилинди. Рамазон ва Курбон ҳайитлари умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

<sup>44</sup> Ўзбекистон этноконфессионал атласи. Муаллифлар грухи. Т.: «Картография», 2011 йил. – 9 б.

**АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ  
ДИНЛАРГА ЭЪТИҚОД ҚИЛИШИ**  
(2011 й. 1 январь. Минг киши ва % ҳисобида)



2-расм. Ўзбекистон аҳолисининг диний таркиби

Мустақиллик йилларида юзлаб черков, синагога ва ибодат уйлари, хусусан, Тошкент, Самарқанд, Навоийдаги православ ибодатхоналари, Тошкент шаҳридаги католик костёли, Самарқанддаги Арман-апостол черкови, Тошкентдаги Будда ибодатхонаси қайта барпо этилди, таъмирланди. Ҳазрати Имом, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳаким Термизий, Имом Мотуридий, Шоҳи Зинда, Қосим Шайх, Занги ота каби қадимий ёдгорлик мажмуалари обод қилинди ва янгилари курилди.

Истиқлол даврида Қуръони карим, ҳадислар тўпламлари, Библия\* таркибидаги Янги аҳд ва Қадимий аҳднинг бальзи қисмлари, масалан, «Сулаймон ҳикматлари», «Рут, Эстер ва Юнус пайғамбарлар тарихи» ўзбек тилига таржима қилиниб, оммавий ададда чоп этилди. Ўзбекистон кўзи ожизлар учун маҳсус Брайл ёзувида Қуръонни нашр қилган учинчи мамлакат ҳисобланади.

1999 йил Тошкент ислом университети ташкил этилди. Мазкур олийгоҳда талабаларга дунёвий ва диний фанлардан кенг кўламли таълим берилади. Университетда «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳукуқ таълимоти», «Тарих (Ислом тарихи ва манбашунослиги)», «Диншунослик», «Психология (Дин социопсихологияси)», «Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар», «Информатика ва ахборот технологиялари» каби йўналишларда бакалавр мутахассислар, «Исломшунослик», «Диншунослик», «Хорижий мамлакатлар иқтисоди

ва мамлакатшунослик», «Ахборот ва мультимедия технологиялари» йўналишларида эса магистрлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августда қабул қилинган «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги 364-қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра:

– Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги ислом ўқув муассасалари битиравчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим хужжати сифатида эътироф этилди;

– республикадаги маданий мерос объектлари сифатида рўйхатга олинган бир қатор зиёратгоҳлар Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига берилди;

– диний ташкилотлардан коммунал хизмат учун олинадиган тўловлар жисмоний шахслардан олинадиган микдорда белгилаб қўйилди.

Ушбу енгилликлар ислом ўқув муассасаларининг битиравчилари исталган ўқув масканида таҳсилни давом эттириши, коммунал тўловларда яратилган имтиёзлар туфайли қоладиган фойда ва зиёратгоҳлардан келадиган хайрия маблағ эвазига масжид ва мадрасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун катта имкониятлар яратди.

Давлат томонидан Ўзбекистон ахолисининг асосий қисми эътиқод қилувчи ислом динига мансуб фуқароларнинг ҳаж ва умра сафарларини ташкил этиш ишларига ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, 2006 йил август ойида Президент И. А. Каримовнинг Фармонига асосан «Ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Жамоатчилик кенгаши» тузилди. Давлат Раҳбарининг 2008 йил 20 май кунидаги қарори асосида эса ҳаж ва умра зиёратларини амалга оширувчи фуқароларга давлат томонидан зарур ёрдам кўрсатиш мақсадида Жидда шаҳридаги Ўзбекистон Бош консулхонаси таркибига «ҳаж» ва «умра» ишлари бўйича атташе лавозими киритилган.

2008 йили Самарқанд вилоятида Имом Бухорий халқаро маркази очилди. Марказ юртимиздан етишиб чиқсан буюк алломалар меросини ҳар томонлама теран ўрганиш, кенг тарғиб этиш, маърифий ислом йўналишида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни олиб бориш, Имом Бухорий мероси ва ҳадис илмини ўрганиш борасида халқаро

ҳамкорликни йўлга қўйиш, диний ходимларнинг билим ва тажрибаси, касб маҳоратини ошириш каби йўналишларда фаолият олиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, юкорида қайд этилган диний соҳада эришилган улкан амалий натижалар авваламбор мухтарам Юргашимиз раҳбарлигига давлат томонидан диний соҳада олиб борилаётган оқилона ва изчил сиёсат натижасидир.

### 1.3. Ўзбекистонда расмий рўйхатдан ўтган диний конфессия ва ташкилотлар

#### 1. Ислом



Ислом (арабча «ўзини топшириш», «итоат этиш», «бўйсуниш») – буддавийлик ва христианлик қаторида учта жаҳон динларидан бири бўлиб, милодий VII асрда Арабистон яриморолида вужудга келган.

Ислом динининг пайдо бўлиши ва тарқалишида V–VI асрларда Арабистон яриморолида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва иқтисодий ҳолат муҳим ўрин тутган. Фассонийлар, Лахмийлар, Кинда ва Химёр давлатлари инкиrozга учраган. Икки йирик империялар – Византия ва Эрон Арабистон яриморолининг шимолий чегаралари бўйича тулаш бўлган. Ўша даврда ярим оролнинг ғарбида жойлашган Ҳижоз воҳасидан ўтган ва жанубда Яман орқали Ҳабашистон ва Ҳиндистонни, шимолда Сурия орқали Миср, Византия ва Эронни боғлаган карвон йўли ушбу худудда савдогарлик, ҳунармандлик ривожланишига, Тоиф, Мадина ва Макка каби йирик шаҳарларининг тараққий этишига туртки бўлган.

Бироқ вакт ўтиши билан Византия ва Эрон яриморолнинг жануби ва шимоли устидан ўз назоратини ўрнатиши, шунингдек, Форс қўлтиғи орқали Ҳиндистонга борадиган савдо йўлларининг ривожланиши Ҳижоз орқали ўтган транзит савдо йўлининг аҳамиятини пасайтириб, ушбу худудда иқтисодий тангликтини юзага келтирган. Инкиroz

аҳолининг турли қатламлари орасида, кўчманчи ва ўтроқ қабилаларда ўзаро низоларни кучайтирган<sup>45</sup>.

Айни чоғда, кўчманчи-чорвадор қабилаларнинг қудрати ошиб, кўчманчи қабила ва шахарларда яшовчи аҳоли ўртасида янги шаклдаги иттифоқлар юзага кела бошлаган. Ярмаркаларга асосланган ички савдо алоқалари ривожланиши аввалдан диний марказ бўлиб келган Макка шаҳрининг қайта ривожланиб, йирик савдо ва сиёсий марказга ҳам айланишига олиб келди.

Бироқ ҳалқаро савдо имкониятлари чекланганлиги ва Макканинг кам сонли ҳарбий кучи аҳоли хавфсизлигини таъминлай олмаслиги Арабистон ярим оролининг барча ўлкаларини бирлаштирувчи марказлашган давлат тузишни тақозо этарди<sup>46</sup>. Ўз навбатида, қабила ва шахарларни бирлаштиришга қаратилган интилишлар қабилавий динлар ўрнига ягона яккахудоликка асосланган динга эҳтиёж уйғотган.

Ўша даврда Арабистон аҳолисининг катта қисми «vasania» деб аталган, бут\* ва санамларга сифинишга асосланган қўп худоликка эътиқод қиласр эди. Шу билан бирга, IV асрда христианлик Рим империясининг расмий динига айланганидан сўнг мазкур дин секин-аста ярим оролга кириб кела бошлаган. V асрнинг ўрталарида Исо Масихни фақат инсон табиатига эга деб эътироф этгани учун Рим империясидан кувғин қилинган несториан-христианлар Арабистон ярим оролининг шимоли-шарқий қисмида яшаган лахмийлар ичидаги ўз динларини кенг тарқатганлар. Ярим оролнинг шимоли-гарбидаги эса маҳаллий араблар – фассонийлар ичидаги монофизит христианликка эътиқод қилувчилар мавжуд эди. Яманда, Арабистоннинг марказий ва гарбий қисмларида, Хайбарда эса ўз динига эга яхудий жамоалари бор эди. Шунингдек, сахро худудларида на яхудийлар, на христианларга эргашган, ҳалқ ичидаги Иброҳим пайғамбар ўйтлари асосида турмуш кечириувчи ва Халоскор – Мессия\*нинг келишини кутиб яшовчи оз сонли араблар бўлиб, уларни «ханифлар» деб аташар эди<sup>47</sup>.

Шундай қилиб, араблар исломга қадар асосан кўпхудоликка эътиқод қилиб келган бўлсалар-да, яккахудоликка асосланган динлар билан таниш эдилар.

<sup>45</sup> Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – С. 103.

<sup>46</sup> Ҳасанов А. А. Қадимги Арабистон ва илк ислом: I китоб. Жоҳиля асри. – Т. : Тошкент ислом университети, 2001. – 213 б.

<sup>47</sup> Доктор Раҳман. Краткая история ислама. Хронология событий 570–1000 гг. от Рождества Христова / Перевод Хайретдинова Д. – Москва : Ummah, 2006. – С. 25–26.

V–VI асрларда Маккада арабларнинг Курайш қабиласи хукмрон бўлиб, мазкур қабила асосан Умавийлар ва Ҳошимийлар оиласидан иборат эди. Умавийлар кўпроқ ҳарбий соҳага, Ҳошимийлар эса Каъба\* фаолиятини тъминлаш, зиёратчиларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланар эди.

Мұхаммад Аҳмад ибн Абдулоҳ\* – Мұхаммад пайғамбар (570–632) ўша даврда арабларнинг Курайш қабиласининг камбағаллашган Ҳошимийлар уругига мансуб оиласада дунёга келган. 610 йилдан ислом динини тарғиб қила бошлаган<sup>48</sup>. 622 йилнинг июлида Макка зодагонларининг қаттиқ қаршилиги ва тазиқи остида Мұхаммад пайғамбар оз сонли мусулмонлар билан Ясирибга (Мадина) кўчишга – хижрат\* қилишга мажбур бўлган.

Мадинада мусулмонлар нисбатан қисқа давр ичида кўп араб қабилаларини бирлаштириб, кучли давлатга айланган. Мусулмонлар ва Макка ҳарбий кучлари орасида бир неча иирик қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтган. Ниҳоят, мусулмонларнинг қудратини тўғри баҳолаган Макка зодагонлари келишув йўлини танлаган ва 630 йили мусулмонлар Макка шаҳрини жангсиз эгаллаган. Мұхаммад пайғамбар Каъбадан барча бутларни олиб чиқиб синдириб ташлаган. Маккаликлар оммавий равишда исломни қабул қилган.

632 йили Мұхаммад пайғамбар вафот этган. Ислом тарихида унинг вафотидан кейин давлатни (халифалик) бошқарган тўрт халифа «хулофай рошидин» деб ном олган. Уларнинг хукмдорлиги даврида мусулмонлар Византия ва Эрон билан урушда муваффақиятга эришган. 639 йили Миср забт этилган.

656 йили халифа этиб сайланган ҳошимийлар оиласига мансуб, Мұхаммад пайғамбарнинг амакиваччаси ва күёви бўлган Али ибн Абу Толиб\*га нисбатан Абу Суфённинг ўғли Муовия бошчилигига Умавийлар сиёсий мухолифатда бўлганлар. Муовия Дамашқда ўзини хукмдор деб эълон қилган. 657 йил икки томон орасида бўлиб ўтган жангдан сўнг Али ибн Абу Толиб халифани сайлаш масаласида сулҳга рози бўлган. Ушбу қарор Али ибн Абу Толибнинг тарафдорларидан бир қисмида норозилик келтириб чиқарган. Мазкур жамоа кейинчалик хорижийлар\* деб аталган.

661 йилнинг январь ойида Куфа шаҳрида хорижийлар томонидан уюштирилган суйқасд оқибатида Али ибн Абу Толиб ҳалок бўлган. Али ибн Абу Толибнинг тарафдорлари унинг ўғли – Ҳасан ибн

<sup>48</sup> Куръон нозил бўлиши (Лайлатул Қадр) Рамазон ойининг 27 куни бошланган, деб ҳисобланади.

Алига қасамёд қылғанлар. Бирок у күп ўтмай ҳокимиятни Муовияга топширишга мажбур бўлган. Шу билан «хулофаи рошидин» даври тугаб, ҳокимият халифалик дейилса-да, амалда монархия шаклида бўлган Умавийлар сулоласи қўлига ўтган. Ислом уламолари Мұхаммад пайғамбар томонидан ҳадисда ушбу ҳолат, яъни халифалик даври тугаб, подшоҳлик даври бошланиши бащорат қилинганини қайд этадилар: «Саъид ибн Жумҳон Сафийнадан ривоят қўлган ҳадисда Сафийна: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Халифалик ўттиз йил бўлади. Ундан кейин подшоҳлик бўлади ...» деганларини эшигтганман», – дейди»<sup>49</sup>.

Айни вакътда, Муовия пойтахтни Дамашққа кўчириши муносабати билан Мадина ва Макка давлатнинг сиёсий маркази мақомларини йўқотган. Араб юришлари оқибатида ислом Ўрта Осиё ва Яқин Шарққа, кейинчалик Узоқ Шарқ, Жануби-Шарқий Осиё ва Африкадаги Ливия, Тунис, Марокаш каби мамлакатларга тарқалган. 711 йилда араблар Гибралтар орқали Пиреней яриморолига бостириб кириб, уч йил ичида уни босиб олганлар. Фақат 732 йили Франциянинг Пуатье шаҳри ёнидаги жангдан сўнг арабларнинг Европага юриши тўхтагилган.

Х асрнинг бошига келиб сиёсий ҳокимият асосан ёлланма аскарлардан ташкил топган кўнин кўмондонлари қўлига ўтган. Халифаликдаги молиявий муаммолар айрим амирларнинг мустақиллигини оширган. Оқибатда аста-секин Шимолий Африка, Испания (Андалусия) ҳамда Эрондан Ҳиндистонга қадар шарқий ҳудудлар халифаликдан ажralиб чиққан<sup>50</sup>.

Ислом таълимоти Куръон\* ва сунна\*га асосланган бўлиб, асосий ақидалар: ёлғиз Аллоҳга сифиниш, унинг фаришталарига, нозил қилинган муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охират\* куни ва қиёматга, тақдирнинг яхши ёки ёмонлиги Аллоҳдан эканига ишонишдан иборат. Ислом динига эътиқод қилувчи шахс мусулмон\* саналади. Ислом таълимотига кўра, ушбу дин инсоният пайдо бўлгандан буён барчага нозил қилинган.

Ислом рукнлари (арабчада «аркон ад-дин» – «дин асослари») – исломда энг мухим саналган «бешта устун» бўлиб, унга имон\*, намоз\*, рўза\*, закот\* ва ҳаж ибодатлари киради. Ҳукукий нормалар, ахлокий тамойиллар ва мусулмон кишининг ўзини тутиш қоидалари мажмуи шариат\* деб аталади. Шариатда ҳалол ва савобли саналган ишлардан четга чиқмаслик ўлимдан сўнг жаннат\*га тушишга, аксинча, ҳаром

<sup>49</sup> Имом Муслим. Саҳихи Муслим. – Байрут: Дорул-Фикр, 1996. 8-жуз. – 5075 б.

<sup>50</sup> Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 217.

хисоблангани гунох\* ишларга күл уриш дўзах\*да жазоланишга сабаб бўлади, деб ҳисобланади. Шу нутқай назардан, мусулмонларнинг барча амаллари шариат категориялари\* асосида тавсифланади.

Исломда диний маросимлар\* қаторига ақиқа\*, амри маъруф\*, рӯза, Рамазон ва Курбон ҳайитлари, намоз\*, суннат, никоҳ, жаноза\*, дағн ва бошқалар киради.

Исломда ибодатлар якка ва жамоа таркибида амалга оширилади. Мусулмонлар жамоа бўлиб ибодат қиласидаган жой масжид деб аталади. Масжид ичида намозни бошқарувчи имом\* турадиган жой меҳроб қиблла – Макка шаҳрида жойлашган Байтуллоҳ\*нинг йўналишини кўрсатади. Меҳробнинг ўнг томонида минбар бўлади. Одатда масжид ҳовлисида ёки бино бурчакларида мусулмонларни намозга чақириш (азон) учун минора курилади.

Учта масжид: Макка шаҳридаги «Масжидул Ҳаром», Мадина шаҳридаги «Масжидул Набавий» ва Қуддусдаги «Масжидул Ақсо» исломдаги бош масжидлар хисобланади.



3-расм. Ислом дини тарқалган ҳудуд

Хозирги кунда мусулмонларнинг умумий сони 1,6 млрд. кишини ташкил этиб, Ўрта Осиё, Якин Шарқ, Шимолий ва Шимоли-Фарбий Африка, Арабистон ярим ороли ва Осиё-Тинч океани мингакасида кенг тарқалган. Энг кўп мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар қаторида

Индонезия (209,1 млн. киши), Ҳиндистон (176,1 млн.), Покистон (167,4 млн.), Бангладеш (133,5 млн.), Нигерия (77,3 млн.), Миср (76,9 млн.), Эрон (73,5 млн.), Туркия (71,3 млн.), Жазоир (34,7 млн.) ва Марокаш (31,9 млн.)ни кўрсатиш мумкин<sup>51</sup>.

Мусулмонлар асосий ақидавий масалаларга бир хил ёндашувчи, бироқ айрим шаръий ва диний-сиёсий масалаларда турли нуқтаи назарда турувчи икки гурух – суннийлар\* ва шиалар\*дан иборат. Бугунги кунда дунёдаги мусулмон аҳолининг 90 фоизидан зиёдини суннийлар, колганини шиалар ташкил этади<sup>52</sup>. Ўз навбатида, мазкур йўналишлар диний масалаларга турлича ёндашув асосида юзага келган мазҳаб\*ларга бўлинади.

Иорданияда жойлашган Қирол стратегик ислом тадқиқотлари маркази томонидан 2013 йилда чоп этилган маълумотга кўра, ҳозирги кунда мусулмонларнинг мазҳаблар бўйича сон жиҳатдан нисбати қуидагича: суннийлар: ҳанафийлар (асосчиси – Имом Абу Ҳанифа\*) – 45-45,5%, шофиийлар (Имом аш-Шофиий\*) – 28%, моликийлар (Имом Молик) – 15%, ҳанбалийлар (Имом Аҳмад ибн Ҳанбал\*) – 2%; шиалар: жаъфарийлар (Имом Жаъфар ас-Содик) – 8%, зайдийлар (Имом Зайд ибн Али) – 1%, исмоилийлар (Муҳаммад ибн Исмоил) – 0,5%, шунингдек, ибодийлар – 0,5%<sup>53</sup>. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари шаръий амал\*ларни ҳанафий мазҳаби асосида амалга оширадилар. Республикада шиалик\* йўналишига эътиқод қилувчи оз сонли мусулмонлар асосан, Самарқанд, Бухоро ва Жizzах вилоятларида истиқомат қилиб, улар жаъфарийлар мазҳабига кирадилар.

Ислом байрамлари\* ичida иккитаси асосий ўрин тутади. «Ийд ал-адҳа» – Курбон ҳайити исломдаги 12-ой ҳисобланадиган Зулҳижжа ойининг ўнинчи куни нишонланиб, Аллоҳ йўлида жонлик сўйиб, қурбонлик келтириш ва жамоат бўлиб намоз ўқиш билан амалга оширилади. «Ийд ал-фитр» – Рўза ҳайити Рамазон оидидан кейин келадиган еттинчى ой – шавволнинг биринчи уч куни ҳисобланади. Биринчи кун жамоат бўлиб ҳайит намози ўқилади. Барча байрамлар ҳижрий тақвим\* ҳисоби асосида нишонланади.

Ислом ҳозирги кунда мусулмон мамлакатларнинг ташки ва ички сиёсатида, халқаро муносабатларда муҳим ўрин тутмокда. Ислом

<sup>51</sup> The Global Religious Landscape. Pew Research Center. Washington, D.C. 2012. P 22.

<sup>52</sup> Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Сунниты>

<sup>53</sup> The Muslim 500: The 500 most influented muslims. The Royal Islamic Strategic Studies Centre. P.16–17. Jordan, 2013.

дунёсига мансуб мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ривожланишидаги вазни ортиб бормоқда. Жумладан, нефть экспорт килувчи давлатлар ташкилоти – ОПЭКга аъзо 13 мамлакатнинг 10 таси мусулмон мамлакатлари (Эрон, Ироқ, Кувайт, Саудия Арабистони, Қатар, Индонезия, Ливия, Жазоир, Бирлашган Араб Амирликлари) ҳисобланади.

Кўплаб халқаро ва минтақавий даражадаги исломий ташкилотлар мавжуд. Улар ичидаги энг нуфузлилари Ислом ҳамкорлиги ташкилоти\*, Ислом олами уюшмаси\*, Араб давлатлари лигаси\*, Бутунжаҳон ислом конгресси\*, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти\*, Бутунжаҳон ислом ёрдам ташкилоти\* ва Бутунжаҳон мусулмон ёшлари ассамблеяси\* саналади.

### Ўзбекистон мусулмонлари идораси



1943 йилнинг 20 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон уламоларининг 1-Курултойи бўлиб ўтган. Анжуманда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг Диний бошқармасини тузиш ҳақида қарор қабул қилинган. Диний бошқармага раҳбар ва муфтий этиб Эшон Бобоҳон сайланган. Диний бошқарма таркибида минтақадаги бешта республика – Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистонда қозилар раҳбарлик қиласидаги Диний бошқарманинг вакилларидан тузилган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг Диний бошқармаси минтақадаги ислом тарихи ва маданиятини атеистик тузум шароитида сақлаб қолиш, мусулмонларда бирдамлик туйғусини кучайтириш, уламоларни жипслаштириш ҳамда ислом дунёсига Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларини таништиришда ижобий ўрин тутган. Шунингдек, Диний бошқарма жамиятда умуминсоний қадриятларни тарғиб этиш ва маънавий-ахлоқий тарбия йўналишидаги ишларга салмоқли хисса кўшган.

Минтақа мамлакатлари мустақилликка эришгандан сўнг, 1992 йилнинг июнида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг Диний

бошқармаси Мовароуннахр мусулмонларининг Диний бошқармасига айлантирилган.

1995 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон мусулмонлари идораси (ЎМИ) тузилган. Бугунги кунда ЎМИ таркибига республикада расмий рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият кўрсатаётган 2037 та масжид, тўққизта мадраса – ўрга маҳсус ислом билим юрти, Тошкент ислом институти, Ином Бухорий халқаро маркази ва «Мовароуннахр» нашриёти киради.

Ташкилотнинг янги таҳрирдаги низоми Таъсисчилар йиғилишининг 2013 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланиб, 2013 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

Низомга мувофик, ЎМИнинг олий раҳбар органи Уламолар кенгаши ҳисобланади. Уламолар кенгаши кенгаши раиси (ЎМИ раиси, муфтий), унинг ўринбосарлари (ЎМИ раиси ўринбосарлари) ва жами 35-45 та аъзолар (Қорақалпоғистон Республикаси мусулмонлари қозиёти қозиси, ЎМИнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар вакиллари (бош имом-хатиблар), нащриётлар, диний ўкув юртлари раҳбарлари, ЎМИ масъул ходимлари, масжидлар имом-хатиблари, республикадаги таниқли исломшунос олимлар ва мутахассислар) дан иборат бўлган миқдорда Уламолар кенгаши йиғилишида сайланади. Уламолар кенгаши йиғилига камида бир марта чакирилади.

Уламолар кенгаши йиғилиши орасидаги даврда ЎМИнинг фаолиятига Олий ҳайъат раҳбарлик қиласи. Олий ҳайъат аъзолари 15-21 та аъзо миқдорида, муфтийнинг тавсияси билан Уламолар кенгаши томонидан сайланади.

ЎМИ раиси – муфтий Уламолар кенгаши йиғилишида очик овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

ЎМИ таркибида халқаро алоқалар, масжидлар, фатво, таълим ва кадрлар тайёрлаш, ходимлар, хотин-қизлар масалалари бўйича, ҳуқуқшунослик, назорат-тахлил, хўжалик бўлимлари, кутубхона, «Мовароуннахр» нашриёти, ҳисобхона, шунингдек, диний маҳсулотларни экспертиза килувчи ва тафтиш ҳайъатлари мавжуд. Идора томонидан «Хидоят» журнали ва «Ислом нури» газетаси нашр этилади.

ЎМИ бугунги кунда мусулмонларга ислом аҳкомларини етказиш, ибодат ва диний маросимларни ҳанафий мазҳаби талаблари асосида тўлақонли ўтказиш, маърифий ислом ва диний бағрикенглик\* ғояларини тарғиб қилиш, диний мутаассиблик\*ка қарши кураш, ислом таълимоти ва тарихига оид асарларни тўплаш ва ўрганиш, муқаддас

зиёратларни ташкил этиш, хайрия ёрдами кўрсатиш, масжид ва мукаддас қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш, халқаро ва хорижий исломий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш йўналишларида кенг қамровли ишларни амалга ошироқда.

2008 йил ЎМИ қошида Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармаси ташкил этилган. Жамғарма зиёратгоҳларни сақлаш, тиклаш-таъмирлаш ва янада ободонлаштириш, ушбу қадамжоларга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламдаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, диний таълим муассасаларини ривожлантириш йўналишларида фаолият олиб боради.

### Христианлик



Христианлик (насронийлик, грекчада «Христос», «christos» – «муқаддас ёғ сурилган, сийланган, осмонга кўтарилилган шахс») – ислом ва буддавийлик каби жаҳон динларидан бири бўлиб, милодий I асрда Рим империяси таркибида бўлган Иудея (Фаластин)да юзага келган.

Христианлик дини вужудга келиши арафасида Рим империясида, хусусан, Фаластинда мураккаб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар кечастган эди. Жумладан, ички қуролли низолар, немис қабилаларининг ҳужуми, форслар билан узоқ давом этиб келаётган уруш, шунингдек, сиёсий ҳокимиятдаги бошбошдоқликлар Рим империясида чуқур ижтимоий ва иқтисодий инқирозни келтириб чиқарган эди. Римнинг эркин фуқаролари ичида умидсизлик ва уларнинг азоб-уқубатларига «эътиборсизлик» қилаётган антик худоларга ишончсизлик қучайган эди<sup>54</sup>.

Инқироз айниқса Иудеяда оғир шаклда кечган. Асосан яхудийлардан иборат бўлган аҳоли нафакат Рим императорининг ноиби, балки

<sup>54</sup> Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 33.

Иудея подшоҳи Ирод Антипа ва яхудийлик руҳонийларининг турли солиқ ва мажбуриятларидан қийналган эди. Норозиликларнинг аёвсиз бостирилиши, мулкий ва ижтимоий табақаланишнинг чуқурлашуви халқнинг истиқболга бўлган ишончини сўндириб, илоҳий кучдан нажот кутиш авж олган эди. Кўпчилик шаҳарларда яхудийлик дини ақидаларидан бири – халоскор келиши (Мессия) яқинда содир бўлиши хақида маъруза қилувчилар кўпайган эди<sup>55</sup>.

Христианлик таълимотига мувофиқ, мазкур диннинг асосчиси Иисус Христос\* – Исо Масиҳ Рим империясининг ташкил топганининг 747-йили Фаластиннинг Назарет шаҳрида бокира қиз Биби Марям\*дан худонинг амри билан дунёга келган. Исо Масиҳ ўттиз ёшида ён-атрофига ўн иккита ўқувчиси – апостол\*ларни тўплаб, аҳоли ичидаги ўз таълимотини даъват қила бошлаган. Ўттиз уч ёшида Исо Масиҳ апостоллардан бири – Иуданинг хиёнати билан Куддус руҳонийлари томонидан мамлакат қонун ва анъаналарини бузишда айбланиб, суд қилинган ва Голгоф тогида чормихга тортилиб қатл қилинган.

Христианлик аввал Фаластинда яхудийлар ичидаги тарқалган бўлса, қисқа фурсатларда бошқа миллат вакиллари ҳам ушбу динни қабул қила бошлаганлар. I асрнинг иккинчи ярмида христиан жамоалари асосан қуллар ва ҳунармандлардан иборат бўлган. II асрнинг иккинчи ярмидан эса христианлик бадавлат одамлар ичидаги ҳам тарқала бошлаган. II асрдан христианликка яхудийликдан ўтган айрим амаллар, масалан шанбани нишонлаш, хатна қилдириш, овқатдаги чекловлар бекор бўла бошлаган. Шундан сўнг христианлар ичидаги яхудий миллатига мансуб одамлар кескин камая бошлаган.

III асрдан черковлар марказлаша бошлаган. IV асрнинг бошида христианлик Рим империясида давлат дини деб эълон қилинган. V асрга кадар христианлик империя худуди ва Арманистон, Эфиопия, Сурия каби унинг таъсири бўлган жойларда тарқалган. Кейинчалик христианлик герман ва славян халқлари ичидаги, кечроқ – XIII–XIV асрларда Болтиқ бўйи худудида тарқалган. XIV асрга келиб христианлик Европанинг деярли барча халқлари ичидаги тарқалган. Шундан кейин христианлик бошқа қитъаларга миссионерлик йўли билан ёйила бошланган.

Христианлик ақидалари муқаддас Троица\* – ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас руҳга, илоҳийлик ва инсонийлик табиати мужассам

<sup>55</sup> Юлдашходжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик. Маърузалар матни. – Т.: ФТДХ, 2000. – 55 б.

бўлган Исо Масихнинг «Мессия» (халоскор) эканига, унинг инсонларнинг гуноҳини ювиш учун азоб-укубатларга, ўлимга рози бўлганига, охират куни тириклар ва ўликлар устидан ҳукм чиқарипп учун иккинчи бор қайтиб келишига, жаннат ва дўзахга, қиёматда бу дунёда қилинган гуноҳ ва савоб ишларга кўра лойик жазо ва мукофотга сазовор бўлиш ва худонинг ҳузурига боришнинг ҳақлигига эътиқод қилишига асосланади<sup>56</sup>.

Христианлик таълимотининг асослари муқаддас китоб – Библияда\* ўз ифодасини топган. Библия икки қисмдан иборат. Биринчи қисм – «Қадимги Аҳд» яхудий тили – иврит, қисман оромий тилида ёзилган (Масорет, 39 та китоб) ва қадимги грек тилига таржима қилинган (Септуагинт, 50 та китоб) шаклларида етиб келган. Иккинчи қисм – «Янги Аҳд» 27 китобдан иборат бўлиб, унга милодий I–II асрларда апостоллар – Матто (Матфей), Юханно (Иоанн), Маркус (Марк), Луқо (Лука) томонидан ёзилган тўрт Инжил\*, апостоллар фаолияти, уларнинг 21 та мактублари ва апостол Иоанн Богословнинг ваҳийномаси (Апокалипсис) кирган.

Библияга кўра, худо битта, лекин уч қиёфалидир: у ота-худо, ўғил-худо (Исо Масих) ва муқаддас руҳдан иборат. Ота-худо туғилмаган, уни ҳеч ким яратмаган. Олам ва ундаги мавжудотлар ота-худо фаолиятининг маҳсулидир. Ўғил-худо (Исо Масих) мўъжизали равища бокира қиз Биби Марямдан туғилган бўлиб, у христианликнинг асосчиси саналади. Муқаддас рух ота-худодан пайдо бўлган деб эътиқод қилинади. Худо одамларнинг ақл-идроқи билан етиб бўлмайдиган тилсимот, илоҳий дунёда мавжуд ва одамларга ҳеч қачон ёмонлик қўлмайди, деб хисобланади. Ёмонлик инсон дунёга «бирламчи гуноҳ»\* билан туғилганлиги ва нотўғри турмуш тарзининг натижаси сифатида эътироф этилади.

Христианликда учта асосий йўналиш: православлик, католицизм (католик) ва протестантлик мавжуд. Ушбу йўналишлар баъзи ақидавий масалалар, диний манбаларни муқаддас китоблар қаторига киритиши, сирли маросимлар\* ўtkазиш, инсон – худо муносабатларида руҳонийларнинг ўрнини белгилаш, ибодатхоналарни жиҳозлаш каби жиҳатларда фарқланади. Жумладан:

1. Христианликдаги бошқа йўналишларга муносабатда:

<sup>56</sup> Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 275.

- католик черкови фақат ўзини чин, ҳақиқий черков ҳисоблаб, православликка «онадош, эгачи» черков сифатида, протестант черковларига «черков уюшмалари» сифатида муносабатда бўлади;
- православлик черкови фақат ўзини чин, ҳақиқий черков ҳисоблайди;
- протестант йўналишидаги черковлар ушбу масалага турлича ёндашади;

2. Руҳонийларнинг оила қуриши масаласида:

- католикларда руҳонийлар уйланмаслиги шарт (целибат\*);
- православларда фақат монахлар (қора руҳонийлар) целибатга риоя этиб, оқ руҳонийлар оила қуришлари мумкин;
- протестантларда руҳонийлар оила қуриши мумкин.

3. Монахлик:

- католикларда монахлик XI асрда монахлик орденлари\*га айланган;
- православларда ҳам монахлик мавжуд;
- протестантларда эса монахлик мавжуд эмас;

4. Эътиқод масаласида энг олий манба:

- католикларда Рим папаси\*, муқаддас ёзувлар ва муқаддас битиклар;
- православларда муқаддас ёзувлар ва муқаддас битиклар;
- протестантларда фақат Инжил ҳисобланади.

5. Муқаддас рух ҳақидаги ақида масаласида:

- католикларда муқаддас рух худо-ота ва худо-ўғилдан (филиокве\*) таралади;
- православларда муқаддас рух факат худо-отадан таралади;
- протестантлар Никея Собори\* (325 й.) ва Константинополь Соборида (381 й.) қабул қилинган эътиқод баёни\*га риоя этадилар ва ушбу масалани муҳокама қилмайдилар.

6. Биби Марям ҳақидаги таълимот масаласида:

- католиклар Биби Марянни мўъжизали тарзда дунёга келган, ҳам шахсий, ҳам «дастлабки гуноҳ»сиз деб ҳисоблайдилар, унинг жисмонан арши аълога кўтарилганига (мeyerож) ишонадилар, Биби Марянга «Муқаддас Қиз (Пресвятая Дева)», «Ҳимоячи қиз (Заступница)», «Худони дунёга келтирган (Богородица)» сифатида сифинадилар;

- православлар Биби Марянни шахсий гуноҳсиз, бироқ «дастлабки гуноҳ»га эга деб ҳисоблайдилар, унинг фақат руҳан мeyerож килганига эътиқод киладилар. Биби Марянга «Муқаддас Қиз (Пресвятая Дева)», «Ҳимоячи қиз (Заступница)», «Худони дунёга келтирган (Богородица)» сифатида сифинадилар;

– протестантлар Биби Марямни баркамол, бенуксон аёл хисобладилар, бироқ католик ва православларнинг юкоридаги ақидалари инкор этилади. Биби Марямга сиғинилмайди.

7. Авлиё<sup>\*</sup>лар масаласида:

– католикларда авлиёларни эъзозлаш бор, уларга Худо олдида ёнини олувчи сифатида сиғинадилар, ўлгандар ҳаққига дуо қилиш бор;

– православларда ҳам авлиёларни эъзозлаш бор, уларга Худо олдида ёнини олувчи сифатида сиғинадилар, мархумлар ҳаққига дуо қилиш бор;

– протестантларда авлиёларни эъзозлаш ва мархумлар ҳаққига дуо қилиш йўқ.

8. Христианликда ибодатдан ташқари диний маросимлар «Сирли маросимлар» деб аталиб, уларнинг айримлари Исо Масиҳ шогирдлари билан сўнгги бор бирга овқат тановул қилганида – «сирли окшом»<sup>\*</sup> да жорий қилинган, деб хисобланади. Сирли маросимлар:

– католик ва православларда еттита: чўқинтириш\*, нон ва вино тотиш («причащениe»), хушбўй мой (миро) суртиш, баданни ёғлаш, никоҳ, тавба-тазарру ва кашишлик (роҳибликка қабул қилиш);

– протестантларда асосан иккита: чўқинтириш, нон ва вино тотиш.

9. Черковга қабул қилиш:

– католикларда балоғат ёшида сув сепиш ва сув қуйиш орқали чўқинтириш билан;

– православларда болаларни уч марта сувга ботириб олиш орқали;

– протестантликнинг турли йўналишларида турли шаклларда, асосан, сувга ботириб олиш орқали амалга оширилади.

10. Охират азоб-укубатларидан халос бўлиш шартлари:

– католикларда черковга мансуб бўлиш ва хайрли, эзгу ишлар билан;

– православларда черковга мансуб бўлиш, нажот ташқаридан эмас, балки диндорнинг қалбидан келади;

– протестантларда нажот Исо Масиҳнинг барча инсонларни гуноҳдан халос этиш учун ўзини курбон қилганига эътиқод қилиш орқали эришилади деб хисобланади<sup>57</sup>.

Шунингдек, фақат католикларда дўзах ва жаннат ўртасида аъроф (чистилище) борлиги, яъни савоб ишлари ҳам, гуноҳлари ҳам тенг келиб, на жаннатга, на дўзахга ҳукм бўлмай колган кишилар жойи, маълум


<sup>57</sup> Тимошук А. С., Федотова И. Н., Шавкунов И. В. Введение в религиоведение : Учеб. пособие. ВЮИ ФСИН России. – Владимир : Владимирский юридический институт Министерства России, 2011. – С. 114.

муддат ва синовлардан сўнг уларга жаннатга кириш амр қилиниши, шунингдек, черковга эҳсон қилиш эвазига гуноҳларнинг кечирилиши (индульгенция) ҳақидаги таълимотлар мавжуд.

Православлик ҳамда католикларда рухонийлар одамлар ва Худо орасидаги воситачи ҳисобланади. Фаришталар, авлиёларга, икона\*, мұқаддас хокларга (святые мощы) сиғинилади. Ибодатларнинг асосий кисмини литургия\* ташкил этиб, черковларда үтказилади. Ибодатхоналар икона ва ҳайкаллар билан жиҳозланади. Протестант черковларига икона ва ҳайкаллар қўйилмайди.

Христианларнинг умумий сони 2,2 млрд.кисини ташкил этади. Мазкур дин Европа, Жанубий Америка, Шимолий Америка, Жанубий Африка ва Шарқий Осиёда кўп тарқалган. Аҳолиси таркибида кўп сонли христианлар бўлган мамлакатлар ичida АҚШ (243 млн. киши), Бразилия (173,3 млн.), Мексика (107,9 млн.), Россия (104,7 млн.), Филиппин (86,3 млн.), Нигерия (78 млн.), Хитой (68,4 млн.), Конго (63,2 млн.), Германия (56,5 млн.), Эфиопия (52 млн.) етакчилик қиласидилар<sup>58</sup>.

Христианлик кенг тарқалган ҳудудлар



4-расм. Христианлик тарқалган ҳудуд

<sup>58</sup> The Global Religious Landscape. Pew Research Center. Washington, D.C. 2012. P18.

Буюк мутафаккир олим Абу Райхон Берунийнинг ёзипича, христианлар илк бор Марв (ҳозирги Туркманистан худудида Мари) га Исо масихнинг таваллудидан сўнг 200 йил ўтиб кела бошлаган<sup>59</sup>. Илмий манбаларда Марказий Осиёга христианлик милоднинг III асрида сосонийлар хукмронлик киlgан Эрон орқали кириб келгани қайд этилади. Сўғд ўша даврларда Эроннинг сатрапларидан бири бўлган. Даастлабки христиан жамоалари Хоразм, Марв ва Самарқанд каби шахарларда вужудга келган бўлиб, улар асосан несторианлар ва мелькитлардан иборат бўлган<sup>60</sup>.

Араб истилоси даврида минтақада ислом дини кенг тарқала бошлиши билан ўз мавқеини йўқотган христианлик, асосан, православлик, XIX асрнинг ўрталарида чор Россияси томонидан Ўрта Осиё истило қилингандан сўнг қайта жонланган. Ушбу даврда Туркистонга православлик билан бир қаторда католик ва протестантликнинг айrim йўналишлари кириб кела бошлаган.

Биринчи жаҳон уруши вақтида Туркистонга венгр, поляк, австрия миллиатига мансуб асиrlарнинг олиб келиниши ўлкада христианларнинг сони ортишига сабаб бўлган. Аста-секин Европа миллиатлариiga мансуб шахсларнинг диний мансублиги асосида тузилган юргдошлиқ ўюшмалари шаклланиб, уларнинг фаолияти 1920 йилларнинг охирига кадар кузатилган.


Шўролар хукумати даврида Ўрта Осиё республикаларида христиан диний ташкилотлари бошка диний конфессиялар каби давлат билан ўзаро муносабатларида мураккаб даврларни, атеистик тузумнинг аёвсиз таъкиби ва қатағон сиёсатини бошидан кечирган.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда диний эркинликлар қонун билан кафолатланди. 2014 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, республикада христиан йўналишига мансуб 158 та диний ташкилот расман фаолият кўрсатмоқда.

<sup>59</sup> Бируни А. Р. Памятники минувших поколений. Избранные произведения Т. 1. – Т., 1957. – С. 330.

<sup>60</sup> К истории христианства в Средней Азии (XIX–XX вв.) / Сост. Л. И. Жукова. – Т. : Ўзбекистон, 1998. – С. 7–8.

## 2. Православлик



Православлик (грекча «orthodoxy» – «тўғри мулоҳаза қилиш») Рим империясининг Фарбий ва Шарқий қисмларга бўлинишидан бошлаб (395 йил) шарқда – Византия империясининг расмий дини сифатида шаклана бошлаган. Ушбу жараён катор тарихий шароитлар асосида юзага келган.

395 йил Рим императори Феодосий I нинг вафотидан кейин унинг ўғиллари Гонорий ва Аркадий томонидан империя Шарқий ва Фарбий қисмларга бўлиб олинган. 476 йилга келиб Фарбий империя секин-аста парчаланиб, Британия, Фаллия, Испания ва қисман Италия худудларини бой берган. Мазкур ерларда мустақил феодал давлатлар вужудга келган. Аксинча, Греция, Миср, Сурия, Кичик Осиё каби бой ва қадимги маданият ўчоги бўлган худудлардан иборат бўлган Шарқий Рим империясида (кейинчалик Византия деб номланган) императорлик ҳокимияти узоқ вақт сақланиб қолган. Пойтахт Византиум (Константинополь, ҳозирги Стамбул) бўлган<sup>61</sup>.

Фарбий худудлардаги феодал муносабатларнинг тез ривожланиб бориши гарбий черковлар ўз диний таълимотига тузатишлар киритиб, умумжаҳон Соборларининг қарорларини ўзига хос талқин қилишини тақозо этган бўлса, шарқий худудларда ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг секин ривожланиши черковлар қарашида консерватизм руҳи қўпроқ сақланиб қолишига сабаб бўлган.

Вақт ўтиши билан гарбдаги мустақил мамлакатларда жойлашган черковлар Рим епископи бошчилигига ягона халқаро уюшма доирасида бирлашиб, кучли институтга айланган ҳамда Константинополь императорларининг таъсиридан чикиб кетган. Византияда эса Константинополь патриархияси дунёвий ҳокимият назорати остида бўлган.

IX асрнинг ўргаларидан Рим диний-сиёсий маркази сифатида шаклланган Папалик ва Константинополь патриархияси ўртасида

<sup>61</sup> Доктор Рахман. Краткая история ислама. Хронология событий 570–1000 гг. от Рождества Христова / Перевод Хайретдинова Д. – Москва : «Ummah», 2006. – С. 22–23.

христиан дунёсидаги етакчилик учун кураш кескинлашган. Соф диний таълимот масаласида келишмовчиликлар патриархия томонидан папаликнинг муқаддас рух Худо-ўғилдан ҳам таралиши ҳакидаги таълимотини инкор этиш, шунингдек, иккала томоннинг бир-бирларининг ҳудудида бўлиб ўтган Умумжаҳон Соборларнинг қонунийлиги ҳакида баҳс юритишлари билан боғлиқ бўлган.

1054 йили иккала черков бир-бирига анафема\* эълон қилган ҳамда христианлик доирасида расман католик (ғарбий) ва православлик (шарқий) черковлар вужудга келган<sup>62</sup>.

1204 йили Фарбдан келган салбчилар Константинополни эгаллаб, уни вайрон қилганлар. Салбчиларнинг император ва патриархни Никеяга сургун қилиб, православ руҳонийларини папанинг руҳонийларига алмаштиришга қаратилган ҳаракатлари икки черков орасидаги зиддиятни энг чукур даражага олиб келган<sup>63</sup>.

Фақат XX асрда Рим католик ва православ черковлари орасидаги муносабатлар қайта тиклана бошлаган. 1965 йили Рим папаси Павел VI ва Константинополь патриархи Афинагор I иккала черков номидан анафемаларни бекор қилган. Бироқ иккала черков қайта бирлашмаган.

Православлиқда ақидавий таълимотнинг асоси Никея (325 й.) ва Константинополь (381 й.) Бутунжаҳон Соборларида\* кабул қилинган бўлиб, «Никео-Константинополь (Никео-Цареград) эътиқод баёни (рамзи)» деб аталади. 12 кисмдан иборат мазкур эътиқод баёни куйидагиларга ишонишдан иборат:

- ота-худо ва ўғил-худо (Исо Масих)ни тан олиш;
- Исо Масихнинг худо ва инсон табиатига эга экани, унинг худо-отадан дунё ёратилишидан аввал туғилгани, ердаги ҳаётида Исо Масих худо-ота томонидан муқаддас рух ёрдамида бокира қиз Биби Марям орқали дунёга келганига ишониш;
- Исо Масихнинг инсонларни гуноҳларидан ҳалос этиш учун ўзини хоҷда курбон қилгани, ўлимидан сўнг қайта тирилгани ва сўнгра арш-аълога кўтарилгани;
- Исо Масихнинг иккинчи бор ерга тушиши (Мессия) ва қиёматдан сўнг абадий худо подшоҳлигини ўрнатишига;

<sup>62</sup> Зеленков М. Ю. Мировые религии : история и современность. Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 53.

<sup>63</sup> Зюбер В., Потэн Ж. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Пер. с фран. Терюковой Е. – СПб. : Питер, 2008. – С. 388.

- мұқаддас рух ота-худодан таралишига;
- черков ягона, мукаддас, мукаммал ва апостол<sup>\*</sup>ларга хос эканига;
- черковга аъзо бўлиш чўқинтириш орқали бўлишига;
- қиёматда ўлганинг қайта тирилишига;
- бокий ҳаёт бўлишига<sup>64</sup>.

Черковларга худо ва одамлар орасидаги воситачилик ўрни белгиланган. Руҳонийлар уч табакага: диакон, иерей (руҳонийлар) ва архиерейларга (епископ, архиепископ, митрополит\*, патриарх) бўлинади.

Православликда сирли маросимларга, диний байрам ва пост (рўза) тутишга кагта эътибор қаратилади ва мазкур жараёнларда диндорларга алоҳида савоблар нозил бўлишига ишонилади. Сирли маросимлар еттига: чўқинтириш, причашение (евхаристия), священство (илоҳий неъмат инъом этиш), тавба қилиш, хушбўй мой (миро) суртиш, никоҳ, беморга елей мойи суртиш<sup>65</sup>.

Айни вақтда, православлик католик черковининг таълимотида мавжуд бўлган куйидаги ақидавий қарашларни рад этади:

- Рим папасининг гуноҳсиз экани ва барча христианларнинг етакчиси экани;
- дўзах ва жаннат ўртасида аъроф (чистилище) борлиги;
- Исо Масихнинг онаси Биби Марямнинг мўъжизали туғилгани;
- Биби Марямнинг жисман арш-аълога кўтарилгани (мъерож).

Шунингдек, мукаддас битиклар қаторига католиклар 21 та Умумжаҳон собори қарорларини киритса, православлар мукаддас битиклар сифатида факат дастлабки етти Умумжаҳон собори (охиргиси 787 йили Никеяда ўтказилган) қарорларини эътироф этадилар.

Православликда асосан куйидаги христиан байрамлари\* мавжуд: Пасха\* (Исо Масихнинг тирилиши, баҳорги тенгкунлиқдан кейин биринчи ой тўлишидан сўнг биринчи якшанба куни нишонланади), Исо Масихнинг арш-аълога кўтарилиши (Вознесение Господне, Пасхадан кейинги олтинчи ҳафтанинг пайшанба куни), мукаддас Троица (Святая Троица, Пасхадан кейинги еттинчи ҳафтанинг якшанба куни), Биби Марямнинг туғилиши (Рождество Богородицы, 21 сентябрь), Исо Масих хочини тиклаш (Воздвижение Креста

<sup>64</sup> Митрополит Московский Филарет. Православный катехизис. – Т. : «GLOSSA», 2011. – С. 25.

<sup>65</sup> Гордиенко Н. С. Православие. Словарь атеиста. – М. : Политиздат, 1988. – С. 129, 190, 239.

Господня, 27 сентябрь), Исо Масихнинг таваллуди (Рождество Христово, 7 январь), Исо Масихнинг чўқинтирилиши (Крещение Господне, 19 январь), Худонинг кўрсатилиши (Сретение Господне, 15 февраль), Хушхабар (Благовещение, 7 апрель), Исо Масихнинг Куддусга кириб келиши (Пасхадан етти кун олдин), Исо Масихнинг ўзгариши (Преображение Господне, 19 август), Биби Марямни хотира қилиш (Успение Пресвятой Богородицы, 28 август), Исо Масихнинг хатна қилиниши (Обрезание Господне, 14 январь)<sup>66</sup>. Шунингдек, православлика Иоанн Предтечанинг туғилиши (7 июль), Биринчи апостоллар Петр ва Павелнинг куни (12 июль), Биби Марямнинг ҳомийлиги (Покров Пресвятой Богородицы, 14 октябрь) кунлари ҳам диний байрам сифатида нишонланади.

Православларда кўп кунлик пост йил давомида тўрт марта: Пасха, Биринчи апостоллар Петр ва Павелнинг куни, Успение Богородица ва Исо Масихнинг таваллуди байрамлари арафасида тутилади. Пост вактида гўштли, сутли, ҳайвон ёғи қўшилган таомлар ва тухум ейилмайди.

Православлика ягона диний марказ мавжуд эмас. Бунинг илдизи қадимги Византияда православлик черкови вужудга келган вактда диний ҳокимият тўртга патриарх – Константинополь, Александрия, Антиохия ва Қуддусдаги православ черковларининг раҳбарлари кўлида бўлган. Византия империясининг парчаланиши жараёнида ушбу патриархатлар негизида мустақил автокефал православ черковлар вужудга келган. Кейинчалик эса Яқин Шарқ ва Шарқий Европадаги айрим давлатларда янги автокефал православ черковлар тузилган. Ҳозирги вактда дунёда Умумжаҳон православ черковлари ташкилотига кирувчи 15 та мустақил (автокефал) православ черковлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Рус православ черкови 988 йили князь Владимир I даврида Константинополь черковининг митрополияси сифатида ташкил этилган. Марказ Киевда жойлашган. 1589 йили Борис Годунов патриархат ташкил этган.

1917 йил воқеаларидан сўнг шўролар тузуми тазиики остида черков танг вазиятга тушган. Фақат 1943 йилдан черков Патриархат сифатида секин-аста қайта тиклана бошлаган.

<sup>66</sup> Митрополит Московский Филарет. Православный катехизис. – Т. : «GLOSSA», 2011. – С. 153.

Рус православ черкови ўз низомига кўра, черковнинг олий органи ва бошқарув тизими Архиерей собори ва Патриарх бошчилик қиладиган Муқаддас Синод хисобланади.

Маҳаллий(Поместный) Собор черковнингички ва ташқи фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этади ва Патриархни сайлайди. Поместный Собори Архиерея собори белгилаган муддатларда ёки фавқулодда ҳолатларда чақирилади ҳамда унинг ишида архиерелар, клириклар, монахлар ва баъзида оддий диндорлар ҳам иштирок этади.

Архиерей Собори – фақат епископлар иштирок этадиган кенгаш бўлиб, ташкилот низомига мувофиқ камидан тўрт йилда бир марта чақирилади.

Муқаддас Синод Архиерей Соборлари оралиқларида РПЧнинг бошқарувчи органи бўлиб, Патриарх, тўққизта доимий ва бешта вақтинча тайинланадиган епархия раҳбарлари – архиерлардан иборатdir<sup>67</sup>.

Патриарх – РПЧ раҳбари бўлиб, унвони «Москва ва бутун Руснинг муқаддас патриархи» деб аталади. Патриарх бутун умрга, ёши 40 дан кам бўлмаган, диний маълумотга эга ва епархия бошқаруви бўйича етарли тажрибага эга архиерелар (епископ) ичидан сайланади. 2009 йилнинг февраль ойидан бўён Патриарх лавозимини аввал РПЧ Ташқи черков алоқалари бўлими раҳбари бўлган Кирилл (Гундяев Владимир Михайлович) эгаллаб турибди.

Черков ўз фаолиятида Библия, муқаддас битиклар (Священного Предания), апостолларнинг кўрсатмалари, Умумжаҳон ва Маҳаллий (Поместный) Соборларнинг қарорлари, шунингдек, 1988 йил 8 июнда черков томонидан қабул қилинган «Рус православ черковини бошқариш» ҳақидаги низомга амал қиласди.

Маълумотларга кўра ҳозирги кунда православларнинг сони 240-300 млн. кишини ташкил этади<sup>68</sup>. Мазкур дин Шарқий Европа ва Болқон мамлакатларида кенг тарқалган. Кўп сонли православ жамоалари Россия (80 млн. кишига яқин), Украина (20 млн.), Руминия (19,8 млн.), Греция (10 млн.), АҚШ (5 млн.), Белоруссия (6 млн.), Сербия (8 млн.), Болгария (6 млн.), Молдовия (3 млн.), Грузия (2,8 млн.), шунингдек, Австралия (1 млн.), Кипр (0,55 млн.) каби мамлакатларда мавжуд<sup>69</sup>.

<sup>67</sup> Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org>.Православие

<sup>68</sup> Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Христианство>

<sup>69</sup> Сколько православных в России и в мире. Православный сайт «Logoslovo.ru». URL: [http://www.logoslovo.ru/forum/all/topic\\_4905/](http://www.logoslovo.ru/forum/all/topic_4905/)

## **Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон Епархияси**

Православлик Ўрта Осиёга XIX асрнинг ўргаларида чор Россияси томонидан истило қилингандан сўнг кириб келди. Дастррабки православлар ҳарбийлар, давлат хизматчилари, кейинчалик эса кўчириб келинган деҳқонлар бўлган. Рус ҳарбийларининг илк православ черкови 1847 йилда Сирдарё вилояти Раим истеҳкомида курилган<sup>70</sup>.

1871 йили рус императорининг буйруғи билан Тошкент ва Туркистон епархияси ташкил этилган ҳамда унинг маркази Верний (ҳозирги Алмати) шаҳрида жойлашган. 1916 йили епархия маркази Тошкент шаҳрига кўчирилган. 1936 йилда епархия иккига: Тошкент ва Ўрта Осиё ҳамда Олма-Ота ва Қозоғистон епархияларига бўлинган.

2011 йилдан бўён РПЧнинг Марказий Осиё минтакасидаги тузилмаси Ўрта Осиё митрополия округи деб аталиб, унга учта: Тошкент ва Ўзбекистон, Бишкек ва Қирғизистон, Душанбе ва Тожикистон епархиялари ва РПЧнинг Туркманистонда жойлашган черковлари киради. Ўрта Осиё митрополия округининг раҳбари бир вақтнинг ўзида Тошкент ва Ўзбекистон митрополити ҳисобланади. 2011 йили ушбу лавозимга Викентий (Морарь Виктор Александрович) тайинланган.

Ўзбекистонда православ йўналиши эътиқод қилувчилар сони бўйича исломдан кейин иккинчи ўринда туради ҳамда уларнинг аксариятини рус миллатига мансуб фуқаролар ташкил қилади. Маълумотларга кўра, ҳозир республика аҳолисининг 3,5 фоизга яқини ўзини православ динига мансуб деб билади. Республика бўйича 38 та православ диний ташкилоти, шу жумладан, Тошкент ва Ўрта Осиё епархиал бошқармаси (Тошкент ш.), Семинария (Тошкент ш.), 2 та аёллар (Тошкент ш. ва Тошкент вилояти Дўстбод ш.) ва 1 та эркаклар монастири (Чирчиқ ш.) ҳамда 33 та ибодатхона (Тошкент ш. – 4, Қорақалпоғистон Республикаси – 1, вилоятларда: Андижон – 1, Бухоро – 2, Жizzах – 1, Навоий – 3, Наманган – 1, Самарқанд – 4, Сирдарё – 3, Сурхондарё – 1, Тошкент – 7, Фарғона – 3, Хоразм – 1, Кашқадарё – 1) рўйхатдан ўтган.

Православ черковлари турли архитектура шаклида қурилиши баробарида умумий жиҳатлари куйидагилардан иборат: бинонинг

<sup>70</sup> К истории христианства в Средней Азии (XIX–XX вв.) / Сост. Л. И. Жукова. – Т. : Узбекистан, 1998. – С. 15.

олд қисми шарққа йўналтирилгани, черков томининг гумбаз шаклда бўлиши ва хоч ўрнатилиши, алоҳида ёки черков биноси таркибида кўнғироқхона қурилиши<sup>71</sup>. Черков ичи уч қисмга бўлинади: меҳроб (алтарь), ўрта қисм ва даҳлиз. Меҳробда Исо Масихнинг майити ўралган плащаницани рамзий ифодаловчи мато (элитой), Исо Масихнинг тобутда ётган тасвири туширилган мато (антиминс), илоҳий тортиқлар (сирли маросимларда ишлатиладиган вино ва нон) сақланадиган идиш, хоч ва Библия қўйилади.

Православ руҳонийлари ўз ибодатларини, одатда, черковларда олиб боради. Православлар диний адабиёт сифатида Библия, Православ энциклопедияси, Москва Патриархарлиги журнали, Патриарх Алексий II ва Митрополит Владимир муаллифлик килган китоблардан, шунингдек, «Восток свыше» журнали ва «Слово жизни» газетасидан фойдаланади.

### 3. Рим католик черкови



Католицизм (грекчада «*katholikos*» – «умумий, ялпи») христианликнинг 1054 йили иккита – ғарбий ва шарқий черковга бўлиниши натижасида ташкил топган. Католик черкови ақидавий таълимотининг шаклланиши ва қарор топишида Августин Блаженный (354–430 й.) ва Фома Аквинский (XIII аср) каби руҳоний олимлар катта ўрин тулади<sup>72</sup>.

Рим католик черкови (РКЧ) ақидавий таълимотида насронийликнинг бошқа йўналишларидан фарқли қўйидаги жиҳатлари мавжуд:

– православлиқда дастлабки еттита Умумжаҳон соборларининг қарорлари муқаддас саналса, католицизмда кейинги соборларнинг

<sup>71</sup> Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 70.

<sup>72</sup> Тимошук А. С., Федотова И. Н., Шавкунов И. В. Введение в религиоведение : Учеб. пособие. ВЮИ ФСИН России. – Владимир : Владимирский юридический институт Минюста России, 2011. – С. 102.

қарорлари ҳам, жами 21 та соборнинг ва Рим Папасининг ёзишмалари Муқаддас ёзувлар қаторига киритилади;

– фақат ота-худодан эмас, балки ўғил-худодан ҳам муқаддас рух тарқалади, деб тан олинади;

– Рим Папаси Исо Масиҳнинг ер юзидаги ноиби бўлиб, бутунжаҳон черкови етакчиси ҳисобланади;

– дўзах ва жаннат ўртасида аъроф (чистилище) бор, деб ҳисобланади (*1563 йил*);

– Исо Масиҳнинг онаси Биби Марямнинг «илк гуноҳсиз» (рус. непорочное зачатие) туғилган (*1854 йил*) ва жисман арши-аълога кўтарилиганди, деб эътиқод килинади (*1950 йил*);

– черков Исо Масиҳ, Биби Марям ва муқаддас авлиёларнинг хизматлари ҳисобига «битмас эзгу ишлар хазинаси»га эга бўлиб, черковга эҳсон қилиш эвазига гуноҳларнинг кечирилиши (индульгенция) мумкин ҳисобланади;

– барча руҳонийларга уйланмаслик (целибат) шарт этилган (*1123 йил*);

– Библияни фақат руҳонийлар талқин этиши мумкин<sup>73</sup>.

Шунингдек, католицизмда 1870 йил қабул қилинган ақидага мувофиқ, Рим папаси эътиқод ва ахлоқ масалаларида кафедрадан (ех *kathedra*) туриб маъруза қилганда гуноҳсиз, яъни Пала орқали Худо гапиради, деб эътиқод қилинади<sup>74</sup>.

Католицизмда ҳам православлик каби сирли маросимлар еттита бўлса-да, уларнинг бажарилиши ва талқинида баъзи фарқлар бор. Масалан, католицизмда чўқинтириш маросими уч карра сувга тўлик ботириб олиш ўрнига уч бор сув сепиш ёки сув қўйиш шаклида амалга оширилади. Миро суртиш маросимини фақат епископ ўтказиб, чўқинтиришдан сўнг дархол эмас, балки 7-12 ёшда амалга оширилади. «Причащениe» маросимида тузли, хамиртурушли нон эмас, балки тузсиз кулча нон ишлатилади.

Кўп асрлар давомида католик черковларида ибодат фақат лотин тилида олиб борилган бўлиб, фақат 2-Ватикан собори (1962–1965) ибодатни миллий тилларда олиб боришга руҳсат берган<sup>75</sup>.

<sup>73</sup> Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 78, 79.

<sup>74</sup> Зюбер В., Потэн Ж. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Пер. с фран. Терюковой Е. – СПб. : Питер, 2008. – С. 376.

<sup>75</sup> Там же, С. 221.

Католик черковлари – костеллар одатда хоч (Исо Масих инсонларни гунохдан халос этиш учун ўзини курбон килганини ёслатиб туриш учун), баъзан эса саккиз бурчакли юлдуз ёки кема шаклидаги асосга қурилади. Католик черковининг православ ибодатхоналаридан фарқли жиҳати – костелнинг олд қисми ғарбга йўналтирилгани ҳисобланади. Костеллар асосан Исо Масих, Биби Марям ва авлиёларнинг ҳайкаллари билан жиҳозланади<sup>76</sup>.

Католикларда православликдан фарқли ўлароқ, пост кунлари балиқ, тухум, ёғ ейиш, сут ичишга рухсат берилган.

Католицизмда юқорида православликдаги Исо Масих ва Биби Марям билан боғлик келтирилган барча диний байрамлар мавжуд. Бироқ улар православликдаги каби юлиан календарида эмас, балки григориан календари бўйича нишонлангани боис байрам кунлари ўзаро фарқланади. Масалан, Исо Масихнинг таваллуди (Рождество Христово) 25 декабрь, Биби Марям куни (Богородица) 1 январь, Хушхабар 25 март, Биби Маряннинг вафоти ва арш-аълога кўтарилиши (Успение и Вознесение Девы Марии) 15 август, Рождество Пресвятой Богородицы 8 сентябрь куни нишонланади. Куни ўзгарувчи диний байрамлардан Пятидесятница (Муқаддас рухнинг тушиши, Пасхадан 50 кун ўтгандан сўнг), муқаддас Троица (Святая Троица) куни (Пятидесятницадан кейинги биринчи якшанба) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Католицизмга хос диний байрамлар сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин: Уч подшо куни (Богоявление, День Трёх царей, 6 январь), Исо Масихнинг муқаддас жисми ва қони куни (муқаддас Троица кунидан кейинги биринчи пайшанба куни нишонланади), Биби Маряннинг бирламчи гуноҳсиз туғилиши (8 декабрь), Биринчи апостоллар Петр ва Павел куни (29 июнь), Муқаддас Иосиф куни (19 март), Муқаддас Жанна д'Арк куни (30 май), Биби Маряннинг арш-аълога кўтарилиши (Вознесение Богоматери, 15 август), Барча авлиёлар куни (1 ноябрь) ва ҳоказо.

Бундан ташқари, католицизмда дәхқончиликдаги ҳосилдорлик билан боғлик бўлган турли маросимлар, Янги йил кириб келиши каби байрамлар ҳам нишонланади. Шунингдек, католицизмда Бутунжаҳон

<sup>76</sup> Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 82.

тинчлик куни (1 январь), 20000 жафокаш (мученик) куни (10 январь), Мархұмларни хотирлаш куни (2 ноябрь) каби күнлар мавжуд<sup>77</sup>.

Католик черкови қатый марказлашган характерга эга. Марказий ташкилот – Ватикан\* шаҳар-давлати ҳисобланади. Рим Папаси РКЧнинг марказий органи – Рим куриялари орқали жойлардаги черков ва ташкилотларни бошқаради. РКЧда худудий тузилма апостоль администратораси деб аталади.

Католик черковига Рим Папаси (грек. «рappas», лот. «рара» – ота) раҳбарлик қилади. Рим Папаси кардинал\*лар коллегияси – Конклавда яширин овоз бериш йўли билан олий мартабали руҳонийлар ичидан бутун умрга сайланади. Конклав Ватикандаги Сикстин капелласи биносида ўтказилади. 2013 йил 12–13 март кунлари ўтказилган Конклавда Рим Папаси лавозимига Аргентина Епископ конференцияси раҳбари Хорхе Марио Бергольо сайланди. У лавозимга тайинланганидан сўнг, аввалги Рим Папаларидан бирининг номини олиш анъанасига мувофиқ, ўзига Франциск деган исмни олди.

Католик черкови фаолиятида турли уюшма ва конгрегацияларга бирлашган монахлик ҳаракатлари – орденлар мухим ўрин тутади. Энг нуфузли уюшмалар иезуит ва францискан орденлари ҳисобланади. Шунингдек, Католик черкови тизимида кенг тармоқ отган дунёвий ташкилотлар – сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ёшлар, аёллар, хайрия ташкилотлари бор. Улар ичida фаолиятини тўла ошкор этмайдиган «Опус Деи» (Худонинг иши)\* ордени алоҳида аҳамиятга эга. Орденнинг аъзолари дунёвий жамиятда католик черкови талқинидаги евангеллаштириш ишларини олиб боради. Мазкур ишлар лоббилаштириш, сиёсат, иқтисодиёт, менежмент ва ҳ.к. соҳаларда қарор қабул қилишга масъул ижтимоий институтлар орқали фаолият кўрсатиш билан амалга оширилади. Farb OAB орден аъзолари қатор мамлакатларда ҳукумат таркибида, маҳсус хизматларда, йирик банк ва корпорацияларда раҳбар лавозимларда фаолият кўрсатишни қайд этадилар.

Католицизмнинг замонавий ҳаётга мослашуви XXI Умумжаҳон (II Ватикан) собори қарорлари асосида амалга оширилмоқда<sup>78</sup>.

<sup>77</sup> Особенности католических праздников. Сайт «Календарь событий». URL: <http://www.calend.ru/holidays/katolic/>

<sup>78</sup> Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 197.

Католицизм христианликдаги энг йирик конфессия бўлиб, ушбу динга эътиқод қилувчиларнинг умумий сони 1,19 млрд. кишини ташкил этади<sup>79</sup>. Мазкур дин Лотин Америкаси, Жанубий ва Фарбий Европа, Марказий Африкада кенг тарқалган. Католикларнинг йирик жамоалари мавжуд давлатлар Бразилия, Мексика, АҚШ, Италия, Филиппин, Франция, Польша, Испания, Колумбия, Германия, Аргентина, Перу, Конго саналади.

### Рим католик черкови администратураси



Маълумотларга кўра, Ўрта Осиёга дастлабки католик миссиялар XII асрда келган бўлиб, кейинги уч аср давомида улар асосида босқичма-босқич католик жамоалар шаклланиб, черковлар вужудга келган<sup>80</sup>. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки мустақил католик епархияси 1340 йили Урганч шаҳрида ташкил этилган. XIX аср охиirlарида Туркистонга поляклар, чехлар, литваникларнинг кўчиб келиши ҳамда биринчи жаҳон уруши даврида асир тушган немис, поляк ва австрияликларнинг мазкур ҳудудга сургун қилиниши натижасида католиклар сафи кенгайиб борган.

1997 йили Қозогистон апостоль администраторасида Ўзбекистон миссияси очилган. 2000 йили октябрь ойида Тошкентдаги Рим католик ибодатхонаси (костел) қайта тикланиб, расман фаолият юрита бошлади.

2005 йили миссия Ўзбекистон апостоль администраторасига айлантирилган. Раҳбар (ординарий) этиб Польша фуқароси, епис-

<sup>79</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Численность\\_христиан](http://ru.wikipedia.org/wiki/Численность_христиан)

<sup>80</sup> Мазитов М. История Католической Церкви в Узбекистане со второй половины XIX века до 1939 года: автореф. / Московская Духовная Академия. – М., 2011.

коп Ежи Мапулевич тайинланган. Католицизмда дин ва давлат уйғулышуви мавжудлиги сабабли, 1994–2008-йилларда Ватиканнинг Козоғистондаги дипломатик вакили (нунций) Ўзбекистонда ҳам расмий вакил ҳисобланган. 2008 йилдан бўён Ватиканнинг Ўзбекистондаги дипломатик вакили вазифасини Ватиканнинг Россиядаги нунцийси бажармоқда. Рим католик черковларининг раҳбарлари Ватикан давлатининг Ўзбекистондаги элчионаси вакиллари ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон худудида 5 та католик диний ташкилоти – 1 та марказ (Тошкент ш.) ва 4 та черков (Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида) расмий фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳрида Рим католик черкови «Тереза Она ордени» хайрия ташкилотининг бўлинмаси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Католик черковлари биринчи галда республикадаги хорижий давлатлар фуқаролари, Ўзбекистонда истиқомат қиласидиган поляк, немис ва Болтиқбўйи миллиатлари вакилларига хизмат қиласиди. Костеллардаги ибодат поляқ, инглиз, рус ва корейс тилларида олиб борилмоқда.

#### **4. Арман апостоллик черкови**

Арман апостоллик черкови (ААЧ) – энг қадими христиан черковларидан бири бўлиб, милодий I асрда юзага келган. 301 йилдан бошлаб ҳозирги Арманистон худудида давлат дини бўлиб колган. Черков қавмини одатда арман-григорианлар ҳам деб аташади. Мазкур ном ААЧнинг асосчиси Григорий «Просветитель» (240–332) номи билан боғлиқ.

Черков диний таълимоти дастлабки учта Умумжаҳон соборларининг қарорларига асосланади. Муқаддас манба сифатида, асосан, Библиядан фойдаланади. Шу билан бирга, айрим ақидавий масалаларда ААЧ православлик ва католик черковларининг таълимотларидан фарқ қиласиди. Жумладан, черков христианликнинг Исо Масих факат Худо мазмунига эга, деб ҳисобловчи монофизит йўналишига киради.

ААЧ таълимотига асосан арманлар эътиқод қилганликлари боис бошқа миллият вакиллари ичига тарғиб қилинмайди. Ибодат қадимги арман тилида, маърузалар янги арман тилида амалга оширилади. Ибодатларининг аксарияти тунда ўтказилади.

ААЧда бешта диний даража бор: католикос (олий), епископ, архиепископ, архимандрит, диакон ва дпир (куйи).

Сирли маросимларни ўтказиша қуидаги ўзига хос жиҳатлари мавжуд:

– чақалоқларни чўқинтириш уч марта сув сепиш ва уч марта сувга ботириб олиш билан бажарилади;

– миро суриш маросими чўқинтириш билан бирга амалга оширилади;

– причащение фақат якшанба куни, истисно сифатида бошқа куни ўтказилиб, миро суриш маросими ва чўқинтириш маросимларидан сўнг тузсиз, хамиртуруушсиз нон ва тоза винони чақалоқнинг лабларига тегизиши йўли билан амалга оширилади;

– баданга елей суртиш маросими фақат рухонийларга нисбатан ўлимдан сўнг майитда бажарилади<sup>81</sup>.

Черковда одатда григориан тақвимидан фойдаланилса-да, айрим жамоаларнинг юлиан календарини ишлатишига эътиroz билдирилмайди.

ААЧ диний байрамлари қаторида Манор (Янги йил, 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси), Хушхабар (Исо Маҳиҳ таваллуди – Рождество Христоводан тўққиз ой олдин, 7 ёки 20 апрель), Исо Маҳиҳ таваллуди ва чўқинтирилиши (Богоявление, 6 январь), Обрезание Господне (Исо Маҳиҳ таваллудидан саккиз кун ўтгандан сўнг, 13/26 январь), Сретение (Исо Маҳиҳ таваллудидан қирқ кун ўтгандан сўнг, 14/27 февраль), Муқаддас Саркис (18 январь ва 23 февраль оралиғидаги кунларнинг бири), Цахказард (31 март), Затик (Пасха), Вардавар (Пасхадан кейин 98-кун), Хачверац (Хоч тиклаш, 14 сентябрь), Хачверац (11-17 сентябрь оралиғидаги якшанба куни)ни кўрсатиш мумкин<sup>82</sup>.

ААЧ иккита йирик тузилма (католикосатлар) – Барча арманлар Католикосати (маркази – Эчмиадзин, Арманистон) ва Киликия Католикосати (Антилиас, Ливан)дан иборат. Киликия Католикосати маъмурий жиҳатдан мустақил бўлса-да, Барча арманлар Католикосати етакчи ҳисобланиб, мазкур Католикосатнинг раҳбари ААЧ Бош патриархи унвонига эга. Бош патриарх Эчмиадзин шаҳрида чақириладиган Синодда сайланади.

<sup>81</sup> Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: <http://etnolog.ru/religion.php>. Армянская апостольская церковь.

<sup>82</sup> Сайт «Армянская апостольская церковь». URL: <http://armhak.narod.ru/index.html>

Барча арманлар Католикосати таркибига Арманистон ва хориждаги аксарият епархиялар, шунингдек, ақидавий жиҳатдан Константинополь ва Куддус епархиялари бўйсунади. Киликия Католикосатига Ливан, Сурия ва Кипр епархиялари киради.

Ўзбекистондаги ААЧ Ново-Нахичеван ва Россия Епархияси таркибига киради. Епрахияга епископ Езрас Нерсисян раҳбарлик қилади.

Арман-григорианлар кўплаб мамлакатларда истиқомат қилиб, йирик диаспоралар Арманистон, АҚШ, Россия, Грузия, Эрон, Ливан, Сурия, Озарбайжон, Туркияда жойлашган. Маълумотларга кўра, арман-григорианларнинг умумий сони тахминан 9,3 млн. кишини ташкил этади<sup>83</sup>.

Арман черковлари анъанага кўра тўғрибурчакли кўринишда бўлган бўлиб, VII асрдан хоч-гумбазли шаклга ўтилган. Бош меҳроб шарқ томонга қаратиб қурилган бўлиб, миро сурилган колонна ва мармар столдан иборат бўлади. Юқорига Биби Марямнинг чақалоқ билан тасвири акс эттирилган икона осилади. Диндорлар учун ибодатхонанинг ўрга қисми мўлжалланган бўлиб, аёллар учун баланд галереялар қурилган. Черковнинг томи тор қубба ва қўнғирокхоналардан иборат бўлади.

Дастлабки арманлар Ўрта Осиёга милоднинг III–IV асрларида келган бўлиб, уларнинг аксариятини савдогарлар ёки асирга олинганлар ташкил этган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон чор Россияси томонидан истило этилгандан сўнг ушбу худудга Зангезур, Тоғли Қорабоғ ва Фарбий Араманистондан кўплаб арманлар кўчиб кела бошлиган. Туркистонда дастлабки ибодат уйлари 1891–1903-йилларда Ашхабод, Қизил-Арваат, Самарқанд ва Красноводск шаҳарларида очилган. Хусусан, Самарқандда 1899 йили очилган ибодат уйи 1903 йилда черковга айлантирилган. 1908 йил арман-григорианларнинг черкови Тошкент шаҳрида ҳам очилган<sup>84</sup>.

Шўролар даврида ААЧ кўпчилиги ёпилиб, черковларнинг бинолари диндорлардан тортиб олинган эди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, 1992 йилда Самарқанд шаҳридаги черков биноси ААЧга қайтариб берилди. 1993 йили Самарқанддаги

<sup>83</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Численность\\_христиан](http://ru.wikipedia.org/wiki/Численность_христиан)

<sup>84</sup> К истории христианства в Средней Азии (XIX–XX вв.) / Сост. Л. И. Жукова. – Т. : Узбекистан, 1998. – С. 201.

ААЧ расмий рўйхатдан ўтиб, 1995 йил августда черковнинг тантанали очилиш маросими бўлган. 2007 йили эса Тошкент шаҳрида арман-григорианларнинг иккинчи черкови Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилди.

ААЧнинг раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари худудида истиқомат қиласиган барча арманларнинг диний етакчиси ҳисобланади.

### Протестантлик

Протестантлик (лотинча «*proiestans*» – «эътиroz билдирувчи») XVI асрда Европада феодализм ва католикларға қарши қаратилган Реформация ҳаракати\* натижасида вужудга келган кўп сонли конфесиялар, номинациялар ва мустақил черковларни ўз ичига олади<sup>85</sup>.

XI–XV асрларда Фарб мамлакатлари аҳолисининг турли қатламлари ичиди Рим католик черкови фаолиятидан норозилик кучайиб борган. Норозиликларнинг асосий сабаблари сифатида Папа томонидан ўша даврда Европада мавжуд бўлган давлатларнинг сиёсати ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий хаётини тўла ўзларига бўйсундириб олишга уринишлар, черков учун йирик микдорда солиқ тўплаш ва индульгенция сотиши авж олиб кетгани, черков энг катта ермулк эгаси экани, католик черкови талабларига итоат этмаганларни қаттиқ жазоланаётгани, шунингдек, айрим католик уламоларининг ахлоқан бузилиб бораётгани эътироф этилар эди.

Католик черковини Инжил талаблари асосида ислоҳ қилиш ғояларини биринчилардан Оксфорд университети профессори Джон Уиклиф (1320–1384) кўтариб чиққан. Кейинчалик, Прага университети илоҳиёт профессори Ян Гус (1371–1415) оддий одамлар ва католик руҳонийларининг худо олдида баробар экани, индульгенция сотишини тақиқлаш, черков ерларини давлат ва халқ манфаати йўлида ишлатиши каби ғояларни илгари сурган.

Рим папалиги томонидан черков, давлат ва фуқаролар орасидаги муносабатни ислоҳ қилишга қаратилган ҳаракатлар шафқатсиз

<sup>85</sup> «Протестантлик» атамаси 1529 йили бир гурух немис зодагонлари 1526 йили ўз фуқароларининг диний эътиқоди масаласини мустақил ҳал этишлари юзасидан эришган хукуқлари Шпейр рейхстаги томонидан бекор қилинишига «норозилик» эълон қилишлари оқибатида юзага келган.

бостирилган. Хусусан, Ян Гус 1415 йил черковдан четлатилган ва гулханда қатл этилган.

Рим черковидан умумий норозилик XVI–XVII асрларда Реформация билан хотима топди. Ислоҳотлар натижасида Европанинг турли мамлакатларида Рим черковини ислоҳ қилиш ғояларини илгари сурган кенг диний ва ижтимоий-сиёсий харакатлар юзага келди.

1517 йилнинг 31 октябрь куни Виттенберг университети профессори Мартин Лютер (1483–1546) черков дарвозасига тавбатазарру ҳақидаги 95 та тезисни ёзиб, осиб қўйган. Тезисларда католикликдаги индульгенция, аъроф ҳақидаги ақида, ўлганлар руҳига ўқиладиган дуо, авлиёлар ёрдамида гуноҳдан фориғ бўлиш таълимотлари қораланган.

Шу билан бирга, немис князликларидағи протестантлар ҳаракати мўътадил ва радикал йўналишларга ажralиб кетган. Мартин Лютер ва унинг издоши Филипп Меланхтон (1497–1560) бошчилик қилган гуруҳ Библияга тўғридан тўғри зид келмайдиган ақида ва маросимларни рад этмаслик тарафдори эди. Ушбу гуруҳ таълимоти асосида немис княzlари, кейинчалик Дания ва Швеция хукмдорлари черковларда евангел лютеран номини олган протестант йўналиши асосида ислоҳотлар ўтказганлар.

Айни чоғда, Томас Мюнцер (1490–1525) етакчилик қилган дехқонлар ва шаҳардаги камбағал табақалар Библияда тасдиқланмаган барча диний таълимот ва маросимларни ман этишни талаб қилиб чиққан.

1534 йили Англияда парламентнинг қарорига мувофиқ қирол черков раҳбари деб эълон қилиниши билан англикан черкови юзага келган. Швейцарияда Ульрих Цвингли (1484–1531) ва Жан Кальвин (1509–1546) таълимотлари асосида вужудга келган реформаторлик, пресвитериан ва конгрегационал черковлари тез орада Германия, Франция (гугенотлар), Голландия, Англия, Шотландия, Венгрия, Чехия ва Польшага тарқалган.

XVI–XVII асрларда протестантликда меннонитлар, морава биродарлиги, баптистлар, квакерлар каби мустақил конфессиялар вужудга келган.

Диний эътиқоди учун қувфинга учраган протестантларнинг Шимолий Америкага оммавий эмиграция қилишлари XVII–XVIII асрларда мазкур китъада протестантликнинг кенг тарқалиши,

шунингдек, кейинчалик АҚШда мормонлар, «Иегов шоҳидлари», харизматик пятидесятниклар каби ортодоксал христианлик таълимотидан жиддий тарзда четга чикқан протестант конфессия ва секталарининг вужудга келишига замин яратган<sup>86</sup>.

Протестантизм Худонинг уч киёфа (ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас рух)да намоён бўлиши, жаннат ва дўзах, ваҳий, Исо Масихнинг «Мессия» экани ҳакидаги умумнасроний ақидаларни эътироф этади. Айни чоғда протестантизм ақидада учта янги тамойилни илгари суради:

1. Факат Библия ягона муқаддас манба ҳисобланиб, уни барча диндорлар талқин қилиши мумкин. Оддий одамлар бевосита Исо Масих билан боғлиқ, нажот топишда Биби Марям, авлиёлар ва руҳонийлар ҳеч қандай ўрин тутмайди.

2. Охират азобларидан нажот топишга эзгу ишлар, зоҳидлик ёки ибодат сирлари билан эмас, балки Исо Масихнинг инсонларни гуноҳдан халос этиш учун ўзини курбон қилганига шахсий эътиқод қилиш оркали эришилади. Исо Масих ўзини инсонлар учун фидо қилгани сабабли одамлар эзгу иш қила оладиган бўлган.

3. Барча диндорлар худо олдида баробар бўлиб, руҳонийларнинг одамлар ва худо орасидаги воситачилик ўрни йўқ. Барча худога хизмат қилиши мумкин, шунинг учун ҳамма Библияни ўқиши лозим.

Протестантликда Рим Папасининг христианлар устидан мутлақ ҳоким экани, индульгенция, чўқинтириш ва «приращение»дан ташқари сирли маросимларни, ибодат вакти қадимги тилларни ишлатишни, муқаддас сув, авлиёларнинг муқаддас ҳокларини, шунингдек, ўлганларга бағишлиланган дуо ўқиш, авлиё ва санамларга сиғиниш, руҳонийларнинг уйланмаслик шартлари, монастыръ ва роҳиблик рад этилади<sup>87</sup>.

Ибодатлар соддалаштирилган бўлиб, диний қўшиқ куйлаш ва вазъ-насиҳатлардан иборат. Ибодатхоналар оддий жиҳозланиб, икона, авлиёларнинг ҳайкаллари ва илоҳий кучга эга деб ҳисобланадиган хоклари (рус. святые мощы) кўйилмайди.

<sup>86</sup> Сайт «Справочник по религии. Религиозный справочник – словарь». URL: <http://sr.artap.ru/protestantism.htm>

<sup>87</sup> Тимошук А. С., Федотова И. Н., Шавқунов И. В. Введение в религиоведение : Учеб. пособие. ВЮИ ФСИН России. – Владимир : Владимирский юридический институт Минюста России, 2011. – С. 106.

Кичик катехизис\*лари (1529 й.), «Аугсбург эътиқоди» ва «Аугсбург эътиқоди апологияси» (1531 й.), «Шмалькаленд мақолалари» (1537 й.) ва «Рози бўлиш формуласи» черков хужжати (1577 й.).

Эътиқод манбаси сифатида фақат Библия тан олинади. «Аугсбург эътиқоди» ва М.Лютернинг асарлари «Худо амрининг энг тўғри ифодаланиши», деб ҳисобланади. Лютеранлик руҳонийларнинг Худо ва инсонлар орасидаги воситачилик қилиш ва илохий инъомларни етказиш ваколатини рад этади. Инсон нажот топиши факат Исо Масихнинг инсонлар учун ўзини курбон қилганига эътиқод қилиш орқали эришилади («*sola gratia*» ва «*sola fide*») деб ҳисобланади. Роҳиблик, целибат, авлиёлар ва уларнинг муқаддас хокларига сифиниш кораланади. Аъроф борлиги, марҳумларга бағишлиб дуо ўқиш, авлиёларнинг Худо олдида бандаларини ҳомийликка ола олиши (заступничество) инкор қилинади.

Сирли маросимлардан чўқинтириш ва причащение ўтказилади. Черковларда хоч, орган, диний маросимларда жўр бўлиб қўшиқ айтилади. Ибодатхоналарда икона, маъбудаларнинг ҳайкаллари, қўнгироқ ва меҳроб бўлмайди.

Евангель-лютеранлар томонидан нишонланадиган асосий диний байрамлар қуидагилар саналади: Янги йил (1 январь), Исо Масихнинг чўқинтирилиши (6 январь), Эҳтиросли пайшанба (Великий Четверг, Вечеря Господня, 4 апрель), Эҳтиросли жума (Распятие Иисуса Христа, 5 апрель, Пасха (апрель), Исо Масихнинг арш-аълога кўтарилиши (Вознесение Христа на небо, май), Пятидесятница (май), муқаддас Троица (июнь), Ҳосил байрами (Жатва, октябрь), Реформация куни (Евангель черкови тузилиши байрами, октябрь), Ибодат ва тавба куни (ноябрь), Исо Масихнинг таваллуди (Рождество Христово – 24-25 декабря)<sup>92</sup>.

Маълумотларга кўра, дунёда тахминан 59 млн. киши лютеранликка эътиқод қиласиди<sup>93</sup>. Бироқ географик, тарихий ва айрим догматик сабабларга кўра лютеранлик яхлит черковни ташкил этмайди. Энг йирик лютеранлик ташкилоти 1947 йилда ташкил қилинган Бутунжаҳон Лютеран Федерацияси ҳисобланиб, унинг штаб-квартираси Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган. Федерация 78 та мамлакатда жойлашган 140 лютеран ташкилотларини

<sup>92</sup> Сайт «Календарные даты». URL: <http://www.calend.ru/holidays/evangelical/>

<sup>93</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Численность\\_христиан](http://ru.wikipedia.org/wiki/Численность_христиан)

бирлаштириб туради. Энг йирик лютеран жамоалари Германия, Дания, Швеция, Финляндия, Норвегия, АҚШ, Бразилия, Танзания, Эфиопия, Индонезия, Ҳиндистон ва Янги Гвинея ҳисобланади.

Россия, Украина, Қозогистон ва Ўрта Осиё лютеран черковларини бирлаштириб турувчи уюшма Евангель-лютеран черкови деб аталиб, 1999 йил август ойида Россия Федерацияси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган. Уюшма Бутунжаҳон Лютеран Федерациясига аъзо бўлиб, марказий органлари Санкт-Петербургда «Муқаддас Петр ва Павел» черковида жойлашган.

Ўзбекистонга Евангель-лютеран дини вакиллари XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси харбийлари ва маъмурий хизматчилари қаторида кириб келган. Маълумотларга кўра, 1886 йили Туркистонда 285 нафар лютеран истиқомат қилган<sup>94</sup>. 1896 йил Тошкент шаҳрида дастлабки ибодатхона – «кирха» фаолият юрита бошлаган.

1992 йили Немис евангель-лютеранлар черкови расмий рўйхатдан ўтди ва кирха лютеранларга кайтариб берилди. Ҳозир Республикада 2 та (Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятида биттадан) евангель-лютеран черковлари рўйхатга олинган. Мазкур черковларга асосан немис миллатига мансуб фуқаролар борадилар. Ибодатлар немис тилида олиб борилади. Асосий диний манбалар Библия, «Благая весть» ва «Der Bote – Вестник» журналлари ҳамда Мартин Лютернинг китоблари ҳисобланади.

Евангель-лютеранлар черковлари ўз фаолиятида амалдаги қонунчиликка қатъий риоя этади. Жамоат аъзолари томонидан туб аҳоли ичидаги миссионерлик фаолияти ўтказиши кузатилмайди.

## 6. Евангель христиан-баптистлар черкови



Баптистлик (грекча «baptizo» – «сувга ботирмоқ», «сувга шўнгитиб чўқинтирмоқ») XVII асрда Англияда вужудга келган протестант

<sup>94</sup> К истории христианства в Средней Азии (XIX–XX вв.) / Сост. Л. И. Жукова. – Т. : Узбекистан, 1998. – С. 238.

йұналишидаги оқымлардан бири ҳисобланиб, дастлабки баптистлар жамоасига Джон Смит (тах. 1554–1612) етакчилик қилған.

Баптизм протестантликнинг бошқа йұналишлари сингари муқаддас Троицани, Исо Масихнинг илохий – Худо табиатини, Исо Масихнинг инсонларни гунохдан халос этиш учун үзини курбон қилганига шахсий эътиқод қилишни, рухонийларнинг одамлар ва Худо орасидаги воситачилик ўрни йўқ эканини, фақат Инжил ягона муқаддас манба ҳисобланишини тан олади. 1905 йили Лондонда бўлиб ўтган 1-Умумжаҳон христиан-баптистлар съездиде Апостол эътиқод рамзлари сифатида эълон қилинган мазкур конфессииянинг асосий ақидавий тамойиллари қуидагилардан иборат бўлган:

- Библия – эътиқод ва диний ҳаётдаги ягона муқаддас манба (*Sola Scriptura*);
- черков факат маънавий балоғатга етган одамлардан иборат бўлиши лозим;
- чўқинтириш ва «причащение» маросими факат маънавий балоғатга етган шахслар билан амалга оширилади;
- маҳаллий жамоалар диний-маърифий ва амалий фаолиятда мустақил ҳисобланади (конгрегационализм);
- черковнинг барча аъзолари тенг ҳуқуқли, барча Худо олдида бир хил мавқега эга;
- барча учун виждан эркинлиги мавжуд;
- черков ва давлат бир-биридан ажратилган<sup>95</sup>.

Баптистлар ҳеч ким, жумладан ота-она ҳам одам учун дин танлаб бермайди, киши динни онгли равишда ўзи танлаши керак, деб ҳисоблашади. Эътиқод қилувчилар одатда 12-14 ёшдан сувга ботириш орқали чўқинтирилади. Чўқинтириш ва «причащение» сирли маросим эмас, балки оддий диний расм-руsum ҳисобланади. «Причащение» – «нон синдириш (рус. – преломление)» деб аталиб, одатда бир ойда бир марта ўтказилади.

Шунингдек, мазкур конфессия таълимотига мувофик, Худо белгилаб берган қисматта ишонилади, бироқ одамларда ирода, истак эркинлиги мавжуд, деб ҳисобланади.

Баптистларнинг хусусий жиҳатларидан бири жамоага аъзо бўлишдан олдин бир йиллик «синов муддати» (катехимент) ўтайдилар.

<sup>95</sup> Иванов М. В. Веруем. Катехизис для церквей евангельских христиан-баптистов. – М. : Отдел богословия и катехизации Российского союза евангельских христиан-баптистов, 2006. – С. 26, 30, 32, 34, 36, 37, 96.

Фақат ибодат вақтидаги йиғилишда тавба-тазарру қилган ва сувга ботириш маросими орқали чўқинтирилган шахс жамоанинг тўлақонли аъзоси ҳисобланади<sup>96</sup>.

Баптист черковларида диний расм-русумлар камтарона, дабдабасиз ўтказилади. Ибодат уйларида сифиниш предметлари бўлмайди<sup>97</sup>.

Евангель христиан-баптистларда қуидаги умумхристиан диний байрамлар мавжуд: Якшанба куни (якшанба қадимги хисобдаги ҳафтанинг биринчи куни бўлиб, христианларнинг ибодатга йиғилиш куни ҳисобланган), ойнинг биринчи якшанбаси, Рождество Христово (жамоа қарорига мувофиқ григориан (25 декабрь) ёки юлиан (7 январь) календар бўйича нишонланади), Исо Масихнинг чўқинтирилиши, Худонинг кўрсатилиши, Хушхабар, Исо Масихнинг Қудусга кириб келиши, Эҳтиросли пайшанба, Пасха, Исо Масихнинг арш-аълога кўтарилиши, Пятидесятница, Исо Масихнинг ўзгариши. Фақат евангель христиан-баптистлар тантана қиласидиган Бирдамлик куни 1945 йил евангель христиан черкови ва баптистлар бирлашиб, ягона черков ҳосил қилиши муносабати билан қабул қилинган.

Протестантларга хос «Ҳосил» (Жатва, сентябрнинг охирги якшанба куни) байрами фақат қузги ҳосил йиғишга эмас, балки рамзий маънода – черковга янги қабул қилинганларга ҳам бағищланади<sup>98</sup>. Баптистлар черковнинг ҳар бир аъзосига фаол миссионерлик даъвати билан шугулланиш вазифасини юклаган. Черков аъзоларига ойлик маошининг камидаги ўн фоизини (десятина) черковга топшириши тавсия этилади<sup>99</sup>.

1905 йили Лондонда (Англия) Бутунжаҳон Баптистлар уюшмаси (БЖБУ) ташкил этилган бўлиб, ҳозирда мазкур ташкилот дунёдаги 214 та баптистлар Кенгашларини бирлаштириб турибди.

БЖБУнинг олий бошқарув органи ҳар беш йилда чақириладиган Бутунжаҳон баптистлар конгресси ҳисобланади. Конгресслар оралиғида

<sup>96</sup> Суслонов П. Е., Губина Е. С. Религиозная ситуация и основные религиозные направления на территории Уральского региона : научно-практическое пособие. – Екатеринбург : Уральский юридический институт МВД России, 2010. – С. 41.

<sup>97</sup> Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003.– С. 89.

<sup>98</sup> Иванов М. В. Календарь евангельских христиан-баптистов. Сайт «Ковчег спасения». URL: <http://kovcheg-spasenyu.ru>

<sup>99</sup> Иванов М. В. Веруем. Катехизис для церквей евангельских христиан-баптистов. – М. : Отдел богословия и катехизации Российского союза евангельских христиан-баптистов, 2006. – С. 118, 129.

раҳбарлик БЖБУ Кенгаши томонидан амалга оширади. Юқори ижро органи президент, бош котиб, 16 та вице-президентдан иборат. Уюшмада 6 та минтақавий тузилма мавжуд: Осиё баптистлар федерацияси, Европа баптистлар федерацияси, Бугунафрика баптистлар ҳамдўстлиги, Кариб денгизи бўйи баптистлар ҳамдўстлиги, Шимолий Америка баптистлар ҳамдўстлиги ва Лотин Америка баптистлар Иттифоқи. 1985 йил ноябрдан бўён БЖБУнинг бошқарув органлари АҚШнинг Виргиния штатидаги Маклеан шаҳрида жойлашган.

БЖБУнинг 2010 йил июль-август ойларида АҚШнинг Гавайи штати Гонолулу оролида бўлиб ўтган 20-конгрессда Уюшманинг президенти этиб аввал Виргиния баптистлари жамоат Уюшмаси ижрои директори лавозимини эгаллаб турган пастор\* Джон Алтон сайланган.

БЖБУ 1973 йилдан эътиборан БМТ га нодавлат ташкилот сифатида аъзо бўлган. Дунё бўйича баптистлар черковига мансуб диндорлар сони 100 млн. ташкил этади. Барча баптистларнинг миссионерлик билан шуғуланишига алоҳида эътибор қаратилади. Баптистларнинг деярли учдан икки қисми АҚШда истиқомат қиласди. Бошқа йирик жамоалар Эфиопия, Хиндистон, Мьянма, Конго, Бразилия, Нигерия, Буюк Британия, Кения, Канада, Украина, Россия ва Германияда мавжуд<sup>100</sup>.

Туркистонга баптистлик илк бор 1890-йилларда Марказий Россия ва Сибирь худудларидан кўчириб келинганлар орқали кириб келган. 1909 йили Тошкентда баптистлар жамоасининг дастлабки ибодат уйи очилган. 1911 йили Самарқандда баптистларнинг яна бир жамоаси вужудга келган. Баптистлар асосан православлар ичida фаол миссионерлик фаолияти билан шуғулланган. 1928 йили ҳозирги Ўзбекистон худудида 32 та баптист жамоалари фаолият кўрсатган<sup>101</sup>. 1930-йилларда шўролар ҳукумати томонидан диндорларнинг қатағон килиниши оқибатида баптист жамоаларнинг аксарияти тарқаб кетиб, черковлари ёпилган.

«Евангель христиан-баптистлар» номи 1944 йили собиқ Совет Иттифоқида протестантликдаги иккита ўзаро яқин йўналишлар – баптистлар ва евангелчилар диний жамоаларининг бирлашуви оқибатида юзага келган бўлиб, мазкур уюшма евангель христианлари ва

<sup>100</sup> Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: <http://ethnolog.ru/religion.php>. Баптизм

<sup>101</sup> К истории христианства в Средней Азии (XIX–XX вв.) / Сост. Л. И. Жукова. – Т. : Узбекистан, 1998. – С. 255.

баптистларнинг Бутуниттифоқ уюшмаси деб аталган. 1945 йили мазкур кенгашинг номи Евангель христиан-баптистларнинг Бутуниттифоқ уюшмаси (ЕХББУ) деб ўзgartирилган.

1965 йили ЕХББК бир гурух фаоллари миссионерлик фаолиятини чегаралаш ҳақида қабул килинган қарордан норози бўлиб кенгашдан чиқиб кетганлар ва мустақил – Евангель христиан-баптистлар черковларининг кенгашини тузганлар. Мазкур Кенгаш ноқонуний фаолият юритган<sup>102</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам ноқонуний тарзда, асосан, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Евангель христиан-баптистлар черковлари Кенгаши» жамоаси мавжуд бўлиб, мазкур жамоа ва Евангель христиан-баптистлар черкови вакиллари ўзаро бир-бирларини тан олмайди. «Евангель христиан-баптистлар черковлари кенгаши» жамоаси вакиллари ўзларини давлат ва жамият билан боғлиқ эмас, деб ҳисоблади ва жамоани давлат идораларида расмий рўйхатдан ўтказишни инкор қиласди.

1991 йилдан сўнг, ЕХББУ ташкилот сифатида тарқаб кетган бўлиб, янги мустақил давлатларда евангель христиан-баптистларнинг уюшмалари тузилган. 1992 йили МДҲ ва Грузия худудида фаолият юритаётган евангель христиан-баптистларнинг уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Евроосиё евангель христиан-баптистлар уюшмалари федерацияси тузилган. Мазкур федерация президенти уюшма раҳбарлари иштирокида ўтказиладиган съездда сайланади. Хусусан, федерациянинг 2012 йил Москвада ўтказилган 54-съездида президент лавозимига Россия ЕХББУ раиси Алексей Васильевич Смирнов сайланган. Ташкилотнинг расмий босма нашри «Братский вестник» журнали ҳисобланади.

Ўзбекистондаги Евангель христиан-баптистлар черковлари уюшмасига 1951 йил Россияда туғилган Шерстюков Олег Николаевич раислик қиласди. Бугунги кунда республикамизда Евангель христиан-баптистлар черковлари уюшмаси таркибидаги 23 та диний ташкилот, шу жумладан, 1 та марказ (Тошкент ш.) ва 22 та черков (Тошкент ш. – 3, вилоятларда: Бухоро – 1, Жиззах – 2, Навоий – 3, Наманган – 1, Самарқанд – 2, Тошкент – 8, Фарғона – 2) рўйхатга олинган.

Евангель христиан-баптистлар черкови диний фаолиятни мөъёрловчи амалдаги қонунчиликка риоя қилишга ҳаракат қиласди.

<sup>102</sup> Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Христианство>

Диний маросим ва йиғилишларини аниқ белгиланган вақт ва жойда ўтказади. Ибодатлар рус тилида олиб борилади. Евангель христиан-баптистлар черкови диндорларининг асосий диний манбалари қаторида Библия ва «Вестник истины» журналини кўрсатиш мумкин.

Диний ташкилот вакилларидан айримларининг фаолиятида миссионерлик ва прозелитизм ҳолатлари кузатилади.

## 7. Еттинчи кун христиан адвентистлари черкови



Адвентистлик (лотинча «adventus» – «келиш», «вокеъ бўлиш», «бўсағасида») протестант йўналишидаги оқимлардан бўлиб, унга XIX асрнинг биринчи ярмида Нью-Йорк штати Хэмптон шахридаги баптистлар жамоасининг воизи Уильям Мюллер асос солган.

Адвентистларнинг асосий ақидавий қарашлари – ўнта аҳдга тўлиқ риоя этиш, жумладан, шанба куни ҳақидаги кўрсатмани кўр-кўrona бажариш ва Исо Масихнинг иккинчи бор келиши яқинда содир бўлишига ишониш ҳисобланади. У.Мюллер Библиянинг баъзи қисмларини терма тартибда ўрганиб, Исо Масихнинг иккинчи маротаба қайтиши 1843 йилда бўлади, деб даъво қилган. Кейинчалик ушбу сана 1844 йилнинг октябрь ойига кўчирилган ва Исо Масих келадиган жой – АҚШнинг Нью-Йорк штатидаги тоғларнинг бирини кўрсатган. Башорат амалга ошмагандан сўнг адвентистлар таълимотига эргашганларнинг кўпчилиги тарқаб кетиб, адвентистлар бир қанча жамоаларга бўлиниб кетган.

1863 йил америкалик ёш ёзувчи аёл Елена Уайт етакчилигига адвентистлар Еттинчи кун адвентистлари номи остида ягона ташкилотга бирлашган. Е.Уайт гўёки Худо ўз иродасини халққа етказиш учун уни танлагани ва унда 2000 га яқин «илоҳий кўри-нишлар» бўлгани, адвентистлар Исо Масихнинг иккинчи бор келишини тўғри ҳисоблаганларли, фақат Исо Масих Ерга эмас, балки гўёки «гунохкорлар устидан ўtkазиладиган самовий судда

катнашиш учун «самовий ибодатхонага» киргани» ҳақидаги таълимотни илгари сурди<sup>103</sup>.

Еттинчи кун адвентистлари учун Е.Уайтнинг китоблари ва ёзишмалари Библия билан бир қаторда асосий диний таълимот манбаларидан хисобланади. Еттинчи кун адвентистлари муқаддас Троица, Исо Масихнинг иккинчи бор келиши ва охирзамон бўлишини тан олишса-да, қатор ақидавий масалаларда анъанавий христианликка зид қуидаги ғояларга эътиқод қиладилар:

- 1844 йилдан бўён «самовий суд» бўлаётгани ва Исо Масихнинг унда иштирок этәётганига;
- худо суйган бандаларига «башорат қилиш»ни инъом қилишига;
- рух тана билан бирга ўлиб, Исо Масих иккинчи бор қайтганидан сўнг қайта тирилишига;
- Исо Масихнинг иккинчи келишида тақводор ва тўғри йўлдан оғмаган одамларгина қайта тирилиб, Исо Масих билан бирга самода минг йил яшаши, сўнгра уларни янги Ерда ҳаёт кутиши;
- дўзах йўклиги, гуноҳкорлар қайта тирилгандан сўнг дўзахга жўнатилмаслиги, балки ёқиб юборилишига<sup>104</sup>.

Черков томонидан ҳафтанинг еттинчи куни шанба куни хисобланади. Ушбу кун Еттинчи кун адвентистлари ишламайди, овқат тайёрламайди, телевизор кўриш, радио эшлиши, спорт билан шугуланиш ман этилади.

Адвентистларнинг ибодатлари бошқа протестант черковларига ўхшаш бўлиб, асосий фарқли жиҳатлари қуидагилардан иборат:

- ҳар уч ойнинг шанба кунларининг бирида «нон ушатиш»\* маросими вақтида жамоа аъзолари бир-бирларининг оёқларини ювиб кўяди;
- «причашение» маросими хамиртурушсиз нон ва узум шарбати билан амалга оширилади.

Черков ҳарбий хизматга салбий муносабатда бўлиб, жанговар қисмларда хизмат қилиш ман этилади. Жамоа аъзоларига спиртли ичимликлар, чой, кофе ичиш, тамаки чекиш, шунингдек, косметикадан фойдаланиш ва қимматбаҳо тақинчоқлар тақиши тақиқланган. Гўшт ейиш чегараланган. Вегетерианлик тарғиб килинади. Кўнгилочар

<sup>103</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org.Адвентисты\\_седьмого\\_дня](http://ru.wikipedia.org.Адвентисты_седьмого_дня)

<sup>104</sup> Сайт Адвентистов седьмого дня «Школа неба». Принципы вероучения. URL: <http://adventist-co.ucoz.ru/index/0-23>

томошаларга бориши тавсия этилмайди. Фаол миссионерлик фаолияти рағбатлантирилади.

Чўқинтириш балоғат ёшига етгандан сўнг сувга тўлиқ ботириб олиш орқали амалга оширилади. Диний жамоа аъзолари даромадининг ўн фоизини (десятина) диний ташкилотга бадал сифатида тўлайди<sup>105</sup>.

Хозир Еттинчи кун адвентистлари черковлари Еттинчи кун адвентистлари черковларининг умумжаҳон ташкилотига (ЕКАЧУЖТ) бирлашган. Ташкилотнинг 13 дивизиони (минтақавий ташкилотлари) таркибида 16 миллион аъзо бор. Ташкилотнинг олий ваколатли органи – Бош конференция хисобланади. Бош конференция ҳар беш йилда чақирилади. Оралиқ даврда ташкилотни президент бошчилигидаги Бош уюшма бошқаради. 2010 йил июнидан бўён ЕКАЧУЖТнинг президенти лавозимини Тэд Вильсон эгаллаб турибди. Бош конференциянинг офиси АҚШнинг Мэриленд штати Такома-Парк шаҳарчасида жойлашган<sup>106</sup>.

МДҲ ҳудудидаги Еттинчи кун адвентистлари черковлари Евро-Осиё дивизионини ташкил этиб, у ўз навбатида бир неча унион (черковлар иттифоқи) га бўлинади. Черковнинг қуий бўғини пастор, катта просвiter ва черков кенгашидан иборат маҳаллий жамоа хисобланади.

Адвентистлар черковида диний амаллар ибодат қилиш, диний мавзуларда маъруза қилиш ва хор бўлиб диний қўшиқлар айтиш шаклларида амалга оширилади. Черковлар оддий бино шаклида қурилиб, хоч, икона, муқаддас хок каби атиқалар билан жихозланмайди.

Диний байрам сифатида ҳар шанба куни нишонланиб, кўп умумхристиан байрамлар, хусусан, Исо Масиҳнинг туғилиши, Пасха нишонланмайди.

Еттинчи кун адвентистлари черковлари 190 дан зиёд мамлакатларда фаол миссионерлик фаолиятини ўтказиб келмоқда. Мазкур конфессияга эътиқод қилувчиларнинг умумий сони 16 млн. кишини ташкил этади<sup>107</sup>. Адвентистларнинг йирик жамоалари АҚШ, Бразилия, Мексика, Перу, Конго, Руанда, Гана, Филиппин, Ҳиндистон, Индонезия, Украина, Германияда мавжуд.

<sup>105</sup> Зюбер В., Потэн Ж. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Пер. с фран. Терюковой Е. – СПб. : Питер, 2008. – С. 218.

<sup>106</sup> Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: <http://ethnolog.ru/religion.php>. Адвентисты

<sup>107</sup> Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Христианство>

Россия империяси худудида Еттинчи кун адвентистлари черковининг илк жамоалари 1886 йилдан фаолият кўрсата бошлаган. Ҳозир Россияда ушбу черков аъзоларининг сони 80 мингга яқин бўлиб, 2003 йили Тула обlastida Заока адвентистлар университети очилган. 1991 йилдан фаолият юритаётган «Ҳаёт манбаи (Источник жизни)» нашриёти МДХга кирувчи мамлакатларда тарқатишга мўлжалланган адабиётларни чоп этмоқда<sup>108</sup>.

Адвентистликнинг Ўзбекистон худудига кириб келиши XIX аср охири, XX аср бошларига тўғри келиб, аввалига фақат немис миллатига мансуб одамларгина эътиқод қилган. 1910 йил Тошкентда дастлабки адвентистлар жамоаси тузилган ва черков қурилган бўлиб, кейинчалик адвентист жамоалари Тошкент вилояти ва Самарқандда ҳам пайдо бўлган. 1925 йили Ўрта Осиё адвентистлари бошқаруви тузилган. Иккинчи жаҳон урушидан аввалги даврда адвентист жамоаларнинг кўпчилиги тарқаб кетган, Тошкент шаҳридаги жамоа қатағон қилинган. 1959 йилдан адвентистларнинг фаолияти қайта тиклана бошланган. 1976 йил Тошкент шаҳрида адвентистларнинг черкови расмий давлат рўйхатидан ўтган<sup>109</sup>.

Ҳозир Ўзбекистондаги адвентист черковлари бошқарув маркази Қирғизистонда жойлашган Марказий Осиё униони таркибига киради. Республикада 9 та Еттинчи кун христиан адвентистлари диний ташкилоти (Тошкент ш. – 3, вилоятларда: Бухоро – 1, Навоий – 1, Тошкент – 3, Фарғона – 1) рўйхатга олинган. Черковларда ибодат рус ва ўзбек тилларида олиб борилмоқда. Жамоа аъзоларнинг кўпчилигини рус ва немис миллатига мансуб шахслар, оз миқдорда прозелитлар – туб аҳолига мансуб фуқаролар ташкил этади. Адвентистларнинг диний манбалари сифатида Библия, «Адвентистский вестник» ва «Альфа и омега» журналлари ҳамда Елена Уайт муаллифлигидаги чиқарилган нашрларни кўрсатиш мумкин.

2008 йилнинг ноябрь ойида Қозогистоннинг Олма-ота шаҳрида Жанубий унион конференцияси (ҳозирги Марказий Осиё униони) нинг бешинчи съезди бўлиб ўтган. Анжуманда «Маҳаллий черковлар орқали евангеллаштириш» (2008–2012-йиллар) ва «Марказий Осиё ва Қозогистон. Алоҳида имкониятлар» (2008–2017-йиллар)

<sup>108</sup> Сайт «Всемирная Церковь Христиан Адвентистов Седьмого Дня. Община г. Архангельска». URL: <http://asdarh.ru>

<sup>109</sup> К истории христианства в Средней Азии (XIX–XX вв.) / Сост. Л. И. Жукова. – Т. : Узбекистан, 1998. – С. 257–259.

евангеллаштириш лойиҳалари қабул қилинган. Ушбу лойиҳаларга мувофиқбеш йилда минақадат тубаҳолидан Зминг одамни чўқинтириши ва 10 йил ичидаги 80 та янги жамоа тузиш режалаштирилган<sup>110</sup>.

Ҳозирда айрим адвентистлар томонидан фаол миссионерлик ҳаракатлари амалга оширилаётгани кузатилмоқда.

## 8. Корейс протестант черковлари

Корейс протестант черковлари сифатида ташаббускор гурухнинг асосий корейс миллатига мансуб фуқаролар ташкил этган протестант йўналишидаги диний ташкилотлар эътироф этилиб, ушбу черковларнинг аксариятига мустақилликнинг дастлабки йилларида АҚШ ва Жанубий Кореядан маҳсус юборилган пасторлар раҳбарлик қилган. Мазкур руҳонийлар маҳаллий корейслар ичидаги фаол миссионерлик билан шуғулланган. Ҳозир деярли барча корейс протестант черковларида пасторлик лавозимида Ўзбекистон фуқаролари фаолият юритмоқда.

2014 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда жами 52 та корейс протестант диний ташкилотлари расмий рўйхатга олинган бўлиб, улар Тошкент шахри (11), Бухоро (1), Жиззах (3), Навоий (1), Наманган (1), Самарқанд (7), Сирдарё (4), Сурхондарё (1), Тошкент (20), Фарғона (2) ва Қашқадарё (1) вилоятларида жойлашган. Конфессионал жиҳатдан улар қуидагича таснифланади:

- 1) Баптистлар черковлари: Тошкент шахри (1), Тошкент вилояти (1), жами 2 та.
- 2) Методистлар черковлари: Тошкент шахри (1), жами 1 та.
- 3) Пресвитериан черковлар: Тошкент шахри (5), Бухоро (1), Жиззах (1), Навоий (1), Самарқанд (7), Сирдарё (4), Сурхондарё (1), Тошкент вилояти (11) ва Қашқадарё (1), жами 32 та.
- 4) Тўлиқ инжил христианлари (пятидесятниклар) черковлари: Тошкент шахри (4), Жиззах (2), Наманган (1), Тошкент вилояти (8) ва Фарғона (2), жами 17 та<sup>111</sup>.

Методистлик (инглизча «Methodism») – XVIII асрнинг иккинчи чорагида Англикан черкови таркибида вужудга келган протестантлик

<sup>110</sup> Котова Е. Я отворил перед тобою дверь // Электронный журнал «Адвентистский вестник», 2008 – № 1. – С. 9.

<sup>111</sup> Диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитага берган маълумотларидан олинди.

оқими ҳисобланади. Асосчилари англикан руҳонийнинг фарзандлари бўлган ака-ука Джон (1703–1791) ва Чарльз (1707–1788) Уэслилар ҳисобланади.

Ака-ука Уэслилар томонидан Оксфордда ташкил этилган «Муқаддас клуб(Holy Club)»да Библияни кунт билан, методик равища ўрганиш ташкил этилган<sup>112</sup>. Методистлар Англикан черковидаги 39 та эътиқод рамзларини соддалаштириб, 25 тасини қолдирганлар.

Оқимнинг диний таълимотига кўра, барча одамлар туғилганида худодан муқаддас инъом берилиб, ушбу инъом инсоннинг нажот топиш ўйлига киришига ёрдам беради. Инсоннинг охират азобларидан халос бўлиши шахсий эътиқод ва эзгу амалларни бажаришига боғлиқ. Муқаддас манба сифатида фақат Библия тан олинади. Черковга аъзо бўлган шахс аввал гуноҳкор эканлигини тан олиши ва тавба қилиши керак.

Методистлар аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ичida, хусусан, қамоқхона, ишхоналарда фаол миссионерлик билан шуғулланади, даъват ишларида очик жойларда маърузалар қилишдан фаол фойдаланади<sup>113</sup>.

Методистлар анъанавий христиан байрамлари – Рождество, Пасха, Троицадан ташкари, Реформация куни, Библия куни, Хосил куни (Жатва), Оналар куни, Хотин-қизлар куни (8 март) каби байрамларни нишонлайдилар.

1795 йили методистлар черкови Англикан черковидан ажralиб чиқкан. Ушбу черков АҚШда катта муваффакият қозониб, 1784 йили Методист-епископаль черкови тузилган. 1968 йили эса методист черковларининг бирлашуви натижасида Методистларнинг бирлашган черкови (United Methodist Church) ташкилоти вужудга келган<sup>114</sup>.

Ҳозир методистларнинг умумий сони 48 млн. кишини ташкил этиб, уларнинг деярли ярми АҚШда истиқомат қиласи. Бирлашган черковларга аъзо методистларни қўшиб ҳисоблаганда эътиқод қилувчилар сони 80 млн.га яқин деб эътироф қилинади<sup>115</sup>. Ушбу йўналишга мансуб йирик жамоалар Буюк Британия, Жанубий Африка Республикаси, Нигерия,

<sup>112</sup> Ташкилотнинг номи шундан олинган.

<sup>113</sup> Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 209.

<sup>114</sup> Зюбер В., Потэн Ж. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Пер. с фран. Терюковой Е. – СПб. : Питер, 2008. – С. 349.

<sup>115</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Численность\\_христиан](http://ru.wikipedia.org/wiki/Численность_христиан)

Филиппин, Австралия, Жанубий Корея ва Фижида, умуман 100 дан зиёд мамлакатда мавжуд.

**Пресвитерианлик** (грекча «катта») – Реформация вактида Шотландия ва Англияда кальвинизм конфессияси ичида вужудга келган протестантлик йўналиши ҳисобланади. Ушбу йўналиш асосчи Джон Нокс (1505–1572) черков тузилишини республика шаклида ислоҳ қилиш, хусусан, епискоматни бекор қилиш ва илк христианлик таълимотини тиклашни талаб қилиб чиққан. Ташкилотнинг номи Библиядаги «пресвитер» сўзи билан боғлиқ.

Пресвитериан черкови диний таълимотининг асосий тамойиллари Жан Кальвин томонидан ёзилган «Вестминстер эътиқоди» (1647–1648) диний асарида баён қилинган бўлиб, унга 1903 йили АҚШдаги пресвитерианлар томонидан айрим ўзгаришлар киритилган:

- ягона муқаддас манба Библия ҳисобланади;
- инсон тугилганида гуноҳкор ва унинг тақдири белгилаб кўйилган саналади;
- Исо Масих черковнинг ягона раҳбари ҳисобланади;
- қадимги христиан эътиқод рамзлари тан олинади;
- сирли маросимлардан фақат чўқинтириш ва «приращение» рамзий маънода ўтказилади. Айни чоғда сирли маросимлар Библиясиз инсоннинг нажот топишига ёрдам бермайди, деб эътиқод қилинади<sup>116</sup>.

Пресвитериан черковида «Кальвинизмнинг бешта тамойили»га риоя этилиб, улар кўйидагилардан иборат:

- инсоният гўёки эътиқодий масалаларда бутқул бузилган;
- худо айрим бандаларни танлаб олиб, уларга нажот бериши мумкин. Исо Масихга имон келтирганлар ҳар куни Худога марҳамати учун миннатдор бўлишлари лозим;
- Исо Масих фақат Худо танлаган одамларни қутқариш учунгина ўзини қурбон қилган;
- Муқаддас рухнинг гуноҳкорларнинг кўзини очиб, Худо нажот берувчи йўлга бошлишига ҳеч нарса халақит бера олмайди;
- фақат ўз эътиқодидан чекинмайдиган одамлар нажот топади.

Пресвитериан черковларини сайланадиган пресвитер ва пасторлар бошқаради. Диний амаллар соддалаштирилган бўлиб, маъруза, умумий ибодат, диний қўшиқ ва гимнлар айтишдан иборат.

<sup>116</sup> Информационно-методические материалы о религиозных организациях и межконфессиональных отношениях в Казахстане. Министерство культуры и информации Республики Казахстан. – Астана, 2009. – С. 14.

Маълумотларга кўра, просвитерианларнинг умумий сони 75 млн. кишини ташкил этади<sup>117</sup>. Мазкур динга эътиқод қилувчиларнинг иирик жамоалари АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия, Мексика, Бразилия, Малави, Гана, Кения, Жанубий Африка Республикаси, Конго, Хиндистон, Янги Зеландияда мавжуд.

Корейс протестант черковлари адептлари томонидан республика-нинг айрим ҳудудларида ахоли ичида, шу жумладан, туб миллатга мансуб фуқаролар орасида миссионерлик фаолиятини олиб боришга қаратилган хатти-ҳаракатлар кузатилмоқда.

## 9. Тўлик инжилчи христианлар черкови (пятидесятниклар)



Пятидесятниклик (грекча «penteterostos»— «эллигинчи») XIX аср охирлари – XX аср бошларида Америка Кўшма Штатларида аввал протестантликнинг перфекционизм, квакерлик, евангельчи, методистлар жамоалари йўналишларига мансуб бўлган диндорларнинг бир қисми томонидан асос солинган протестантлик оқими хисобланиб, бош мақсад сифатида гўёки «апостоллар христианлиги»ни тиклашғояси илгари сурилган. Асосчиси – методист руҳоний Чарлз Фокс хисобланади<sup>118</sup>.

«Пятидесятник» номи христиан манбаларига кўра «Пятидесятница»\* диний байрами куни (Исо Масих меъројидан ўн кун ўтгандан сўнг нишонланади) апостолларга муқаддас руҳ тушиши оқибатида уларда «каромат қилиш қобилияти» пайдо бўлгани ва апостоллар «номаълум тилда» гапира бошлаганлари (глоссолалий) билан боғлик<sup>119</sup>.

<sup>117</sup> Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Христианство>

<sup>118</sup> Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 240.

<sup>119</sup> Зюбер В., Потэн Ж. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Пер. с фран. Терюковой Е. – СПб. : Питер, 2008. – С. 402.

Пятидесятникларда ибодат вактида рухий экстаз, диний-мистик жазавага тушиш ва файритабиий «илохий ҳодиса»ларга ишониш хос ҳисобланади. Шунингдек, диндорга ибодат вактида муқаддас рух тушиши сабабли «номаълум тилда» гапириши ва унга «инжилий диний тухфалар» берилиши, яъни диндорда беморларни тузатиш, каромат қилиш, мұжиза қўрсатиш, руҳларни ажратса олиш қобилияти пайдо бўлишига эътиқод қилинади.

Пятидесятникликнинг диний таълимоти манбаи Инжил ҳисобланади. Пятидесятникликда муқаддас рух доимо черковда намоён бўлиб туриши, Исо Масихнинг иккинчи марта қайтиши, охирзамон бўлиши ва Исо Масихнинг минг йиллик ҳукмронлиги ўрнатилиши яқинлиги тарғиб киласди.

Пятидесятниклик яхлит йўналиш бўлмасдан, алоҳида конфессияларга бўлинган. Ушбу конфессиялар одатда мутахассислар томонидан бешта гурӯхга ажратилади:

1. Худонинг иккита марҳаматини (динни қабул қилиш ва муқаддас рух билан чўқинтириш) тан оловчи пятидесятниклар. Улар ичидан аввал баптист бўлган диндорлар кўпчиликни ташкил этади. Хусусан, «Худо Ассамблеяси (The Assemblies of God)» халқаро уюшмасига кирувчи черковлар, жумладан, ушбу ташкилотнинг собиқ Совет Иттифоқи худудидаги филиали – Евроосиё евангель христианлари бирлашган Иттифоқи таркибидаги жамоалар ушбу конфессияга мансуб ҳисобланади.

2. Худонинг учта марҳаматини (динни қабул қилиш, муқаддас рух билан чўқинтирилиш ва муқаддас бўлиш, яъни илохий қайта тугилиш – бирламчи гуноҳ ва хаёт давомида йўл қўйилган гуноҳлардан фориғ бўлиш) тан оловчи пятидесятниклар. Ушбу конфессия таркибига кирувчи черковлар қаторида Афроамерика Исо Масих черкови, «Худо черкови»ни (Кливленд, Тенесси, АҚШ) санааб ўтиш мумкин.

3. Радикал пятидесятниклар динни қабул қилиш, муқаддас рух билан чўқинтирилиш ва муқаддас бўлишдан ташқари илохий даво, авлиёлик, меърож каби худонинг тухфалари бўлишига эътиқод қиласдилар. Ушбу йўналиш кам сонли жамоаларга эга.

4. Апостол пятидесятниклар. Ушбу конфессияларни «апостол» ёки «авлиёлик»ни даъво қилувчи етакчилар бошқариб, мазкур йўналиш ҳам кам сонли муҳлисларга эга.

5. Унитар пятидесятниклар. Юқоридаги тўрт тоифа пятидесятниклар христианликдаги аксарият йўналишлар каби муқаддас

Троицани: ота-худо ва мұқаддас рухни тан оладилар. Унитар пятидесятниклар эса Худони факат ёлғыз бир шаклда деб тан оладилар. Ушбу конфесияга мансуб черковларнинг күпчилиги «Бирлашган пятидесятник черкови» халқаро уюшмасига киради<sup>120</sup>.

Пятидесятник йұналишидаги жаһондаги эңг үйрік халқаро уюшмалар «Бирлашган пятидесятник черкови (The United Pentecostal Church)», «Худо черкови (The Church of God)» ва «Худо Ассамблеялари (The Assemblies of God)» марказлари АҚШ ва Лотин Америкасида жойлашган. Хусусан, АҚШда жойлашган «Худо Ассамблеялари» ташкилотининг 2 мингдан зиёд миссионерлари 110 дан зиёд мамлакатларда инжилластириш фаолияти билан шуғулланмоқда.

Бугунғи кунда пятидесятниклар күплаб мамлакатларда истиқомат қиласы. Уларнинг умумий сони дунё бүйича 279 млн. киши деб баҳоланади<sup>121</sup>. Үйрік пятидесятник жамоалари Бразилия, АҚШ, Чили, Конго, Нигерия, Жанубий Африка Республикаси, Индонезия, Жанубий Корея, Украина, Италия, Буюк Британияда мавжуд.

Пятидесятниклик ташкилий тузилмасининг күйи бүғини жамоа хисобланиб, унга пресвитер етакчилик қиласы. Үндан ташқари диалон, диаконис, воиз, диний хор раҳбари, шунингдек, гүёки «башпоратчилар», «бемор даволовчи» хисобланадиган диний етакчилар мавжуд.

Тұлық инжилчи христианлар черкови (бошқа номлари «Хаёт сүзи», «Тирилтирувчи сув») таълимоти тұла равища пятидесятник диний ғояларига ҳамохангиди.

Диний фаолият асосан құқынтириш, ибодат учун йиғилишлар, болалар учун якшанба мектебларини юргизиш, Инжил үрганиш марказлари ташкил этиш, миссионерлик ва хайрия ишлари шаклида амалға оширилади.

Күп мамлакатларда Тұлық инжилчи христианлар черкови охират яқынлигини башпорат қилиб, одамларни «таркидунёчиликка» ва үз мұлкларини черков ихтиёрига топширишга чақиради. Мазкур диний жамоа вакиллари ҳар якшанба йиғилиш үтказиб, унда маърузалар қилинади ва диний құшиқлар куйланади. Йиғилишнинг асосий қисміда баъзى диндорларнинг рухий транс ҳолатта тушиши күзатылади.

<sup>120</sup> Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: <http://etnolog.ru/religion.php>. Пятидесятники

<sup>121</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Численность\\_христиан](http://ru.wikipedia.org/wiki/Численность_христиан)

Туркистанда дастлабки инжилчи христианлар (пятидесятник) жамоалари 1923 йили Тошкент шаҳрида вужудга келган бўлиб, фаол миссионерлик ҳаракати оқибатида 1920 йилнинг охирига қадар пятидесятникларнинг сони 900 тадан ошган<sup>122</sup>.

Хозир республикада Тўлиқ инжилчи христианлар черкови йўналишида 21 та диний ташкилот, шу жумладан, 2 та марказий ташкилот – Тўлиқ инжилчи христианлар Маркази ва Семинария (Тошкент ш.), 19 та черков (Тошкент ш. – 4, вилоятларда: Андижон – 1, Бухоро – 1, Навоий – 1, Самарқанд – 1, Сирдарё – 1. Тошкент – 8, Фарғона – 1, Хоразм – 1) рўйхатдан ўтган. Марказ 2001 йили «Худо Ассамблеялари» ташкилотига аъзо бўлган. Черковларда ибодат рус тилида олиб борилади, баъзи черковларда (Тошкент, Самарқанд) ўзбек тилида ибодат қилиш ҳолати ҳам учрайди.

Тўлиқ инжилчи христианлар черкови фаоллари аҳоли ичидаги, миллатидан қатъи назар, кенг кўламда миссионерлик фаолиятини олиб боради. Мазкур йўналиши вакиллари диний манба сифатидаги, асосан, Библиядан ҳамда протестантлик мазмунидаги маҳаллий тилларга таржима қилинган кўплаб китоб ва брошюралардан фойдаланади. Пятидесятниклар ҳарбий хизмат ўташни рад этадилар. Шунингдек, Тўлиқ инжилчи христианлар Россия худудига Марказий Осиё республикаларидан келган меҳнат мигрантлари ичидаги миссионерлик фаолияти юритишга интилмокда.

## 10. Новоапостол черкови



Новоапостол черковининг вужудга келиши 1830-йилларда Англиядаги Рим католик черковлари ичидаги «католик-апостол ҳаракати» номи остида танилган ҳаракат билан боғлиқ. Мазкур ҳаракат аъзолари яқин вақт ичидаги гўёки Исо Масихнинг иккинчи бор қайтиб келишига

<sup>122</sup> К истории христианства в Средней Азии (XIX–XX вв.) / Сост. Л. И. Жукова. – Т. : Узбекистан, 1998. – С. 260.

ишониб, черковда христианликнинг илк даври – апостоллик ҳолатини тиклаш лозим, деганояни илгари сурган. Улар томонидан Джон Бейл Кардейл исмли рухоний етакчилигига 12 та «апостол» сайланган. Мазкур харакатга Германия, Швейцария ва Австриядаги айрим католик, англикан ва протестант йўналишларига мансуб рухонийлар кўшилган.

Дастлабки янги сайланган «апостоллар» вафот этгандан сўнг «католик-апостол харакати» қисман тарқаб кетган, айримлари қолган. Хусусан, 1863 йилда Англиядаги издошларидан ажралиб чиққан Германиядаги ҳаракат аъзолари 1967 йили ташкилот фаолиятини «Новоапостол черкови» номи билан юрита бошлаган.

Черковнинг асосий ақидавий қарашлари «Новоапостол эътиқоди символлари»нинг ўнта бандида ифодаланган. Мазкур таълимотда христианликда анъанавий бўлган муқаддас Троицага, гуноҳларнинг кечирилишига, ўлганларнинг қайта тирилиши, нариги дунёда ҳаёт борлигига ишонишни тан олиш билан бирга анъанавий христианликка зид келувчи хусусий жиҳатларга эга:

- тўртингчи бандда Исо Масих черковни ҳозир яшаётган «апостол»лар орқали амалга оширмоқда ва бундан кейин ҳам янги «апостол»ларни юборади, дейилган бўлиб, яъни дунёдаги диний ҳокимият Новоапостол черкови «апостол»лари қўлида ҳисобланади;
- бешинчи бандда Исо Масих черкови хизматчилари фақат Новоапостол черкови «апостол»лари томонидан танланади, дейилган;
- асосийси, тўққизинчи бандда Исо Масих келгандан сўнг Новоапостол черкови аъзолари у билан осмонга қўтарилади ва биргаликда ерга қайтиб тушиб, Исо Масих билан бирга дунёни бошқардилар. Сўнгра охирги суд бўлиб, Худо янги ер ва осмонни яратиб, ўзининг халқи (Новоапостол черкови аъзолари – изоҳ муаллифники) билан яшайди, дейилади.

Черковнинг бошқа ўзига хос жиҳатлари қўйидагилардан иборат:

- Библия диний таълимотлар манбаи сифатида апостоллардан кейинги ўринда туради ва апостолларнинг ўрнини боса олмайди;
- Исо Масихнинг иккинчи бор келиши яқин кунларда содир бўлади;
- марҳумлар билан чўқинтириш ва «причащение» сирли маросимларини ўтказиш мумкин.

Новоапостоль черковида учта сирли маросимлар бор: Мұқаддас рух билан мұхрлаш, Мұқаддас сув билан чўқинтириш ва причащение. Сирли маросимлар диндорнинг ёши ва жинсидан қатъи назар ўтказилиши мумкин.

Ушбу черков томонидан Рождество, Пасха, Троица, Шукронда килиш куни (День благодарения), Мархұмларни хотирлаш куни каби диний байрамлар нишонланади.

Новоапостол черковининг маркази Цюрих (Швейцария)да жойлашған. Бириңчи апостол, диний қоидаларга асосан, Худонинг ердаги вакили ҳисобланади. 2005 йилдан буён черковга Вильгельм Лебер (Германия) етакчилек килмоқда. Маълум бир давлат ёки минтақадаги Новоапостол жамоалари округларга бирикадилар ва уларни округ апостоли бошқаради. Черковнинг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда 18 та округ дунёнинг 190 та мамлакатидаги черковларни бирлаштиради.

Маълумотларга кўра, дунё бўйлаб Новоапостол черкови ақидаларига 10 млн. киши эътиқод қиласади<sup>123</sup>. Энг йирик жамоалар Германия, Швейцария, Франция, Италия, Жанубий Африка Республикаси, Замбия, Зимбабве, Канада, Бразилия, Аргентина, АҚШ, Ҳиндистон ва Индонезияда мавжуд.

Черков Германиянинг Франкфурт шаҳрида катта нашриётга эга. Руҳонийлар учун анъанавий христианликка Новоапостол черкови нуқтаи назаридан баҳо берилган «История Царства» китоби, оддий диндорлар учун «Новоапостольская вера: вопросы и ответы» брошюраси ва «Наша семья» журнали (60 тилда) нашр этилади. Бириңчи апостолнинг топширигига кўра, минтақалардаги жамоалар апостол, епископ ёки округ руҳонийлари томонидан бошқарилади. Уларга пасторлар, инжилчилар, поплар ҳамда дъяконлар ёрдам берадилар. Черков ходимлари ўз вазифаларини бепул ва ўзларининг асосий касбларидан ташқари бажарадилар.

1917 йилга қадар Новоапостол черкови жамоалари Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Одесса, Харьков каби шаҳарларида мавжуд бўлган. Собиқ шўролар тузумининг диндорларни таъқибга олиши муносабати билан 1920 йилнинг охирида Новоапостол черковига мансуб жамоаларнинг фаолияти бутунлай тўхтаган. Черков 1987 йилдан ўз фаолиятини тиклай бошлаган<sup>124</sup>.

<sup>123</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Численность\\_христиан](http://ru.wikipedia.org/wiki/Численность_христиан)

<sup>124</sup> Гараджа В. И., Руткевич Е. Д. Религия и общество. Хрестоматия по социологии

Ўзбекистонда ушбу черковга мансуб жамоа 1992 йилда вужудга келган. Ҳозир республикада Новоапостол черковига мансуб 3 та диний ташкилот (Тошкент ш., Навоий ва Самарқанд шаҳарларида биттадан) рўйхатга олинган. Мазкур черковлар Берлин-Бранденбург шаҳар округи таркибига киради. Черковларда ибодат дуодан бошланиб, Библиядаги бирор мавзу бўйича эркин диний маъруза сифатида амалга оширилади. Новоапостол черкови диндорлари ўзаро «ака-ука», «опа-сингил» деб мурожаат қиласидилар.

Новоапостол черкови маҳаллий аҳоли ичидаги миссионерлик фаолияти билан шуғулланмайди<sup>125</sup>.

## 11. «Иегов шоҳидлари» ташкилоти



«Иегов шоҳидлари» (рус. «Свидетели Иегова», инглизча «Jehovah's Witnesses», бошқа номлари – «Издательское общество сторожевой башни Сиона», Общество «Сторожевой башни») диний ташкилотининг тарихи 1870 йили АҚШнинг Пенсильвания штатида жойлашган Аллагейни шаҳрида Чарлз Рассел (1852–1916) исмли рухоний томонидан ташкил этилган «Библия тадқиқотчилари» номли тўгарак билан боғлиқ. 1884 йили мазкур тўгаракнинг нашрий фаолиятини таъминлаш учун «Общество Сторожевой Башни, Библий и трактатов» ташкилоти тузилган.

1916 йил Ч.Расселнинг ўлимидан сўнг ташкилотга президент этиб сайланган Д.Рутерфорд ташкилотнинг диний таълимот ва бошқарув тизимида ўзгаришлар киритгандан сўнг унда ажralиш рўй берди. 1931 йили Д.Рутерфорд ва унинг тарафдорлари «Иегов шоҳидлари» номини олди<sup>126</sup>.

религии. – М. : Наука, 1994. – С. 197.

<sup>125</sup> Таевский Д. Секты мира. – Ростов н/Д. : Феникс, СПб. : Северо-Запад, 2007. – С. 233.

<sup>126</sup> Мазкур номни олиш «Авлиё Исаия» китоби 43-боб, 10-шеърга асосланган: «Мои свидетели, говорит Господь, вы и раб Мой, которого Я избрал».

Ташкилотнинг диний таълимотида христианликнинг протестант йўналишидаги конфессияларга ўхшаш баъзи қарашлар мавжуд. Бироқ ташкилотнинг ақидасида христианликнинг фундаментал таълимотига зид катор тамойиллар борлиги сабабли қўпчилик черковлар, хусусан, православлар, католиклар ва ортодоксал протестант конфессиялари «Иегов шоҳидлари» ташкилотини христианликка мансуб эмас, деб ҳисоблайди.

Ташкилотнинг асосий диний таълимоти қуидагиларга асосланади:

– эътиқод манбай «Иегов шоҳидлари» ташкилоти томонидан ўзгартиришлар киритилган ҳолда таржима қилинган Библия<sup>127</sup>, Бруклиндаги Бошқарув корпорацияси аъзоларининг диний асрлари, шунингдек, ташкилотнинг «Сторожевая башня» ва «Пробудись» даврий журналлари ҳисобланади;

– Худо ягона Яхве ҳисобланиб, муқаддас Троица рад этилади;

– Исо Масих Худо сифатида эмас, Яхве томонидан ерда Одам Атодан аввал яратилган комил одам, деб тан олинади;

– Муқаддас рух «Худонинг кўринмас кучи» ҳисобланиб, у дунё яратилишида иштирок этган ва Иегов унинг ёрдамида ўзининг амрини бажаради, деб эътиқод қилинади<sup>128</sup>;

– Исо Масихга бўйсунувчи фаришталар ва шайтонга итоат қилувчи жинлар бор, дейилади;

– Исо Масих хочга эмас, балки устунга михланган, деб саналади ва хоч диний фаолиятда рамз сифатида ишлатилмайди;

– рухиинг абадий экани инкор этилади, яъни одам ўлиши билан рух ҳам ўлади, деб ҳисобланади;

– христианлик апостолларнинг ўлимидан сўнг худодан қайтиб қолганликда айбланади, умуман, ташкилотдан ўзга динларнинг барчаси «шайтоний» ҳисобланади;

– дўзах борлиги рад этилади<sup>129</sup>.

<sup>127</sup> Священное писание – Перевод нового мира. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc. Brooklin, U.S.A., 2007. Сделано в Италии. МДХ худудида қўпроқ 1984 йили йили инглиз тилида чоп этилган мазкур Библиядан фойдаланилиб, у 42 тилга, жумладан, рус, грузин, қисман украин тилларига таржима қилинган. Мазкур Библиядга Худо сўзи Иегов сўзи билан алмаштирилган.

<sup>128</sup> Приближайся к Иегове. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc. Brooklin, U.S.A., 2002. Сделано в Германии. – С. 88.

<sup>129</sup> Сохраняйте себя в божьей любви. – Watchtower Bible and Tract Society of New York,

«Иегов шоҳидлари» ташкилоти томонидан «армагеддон» (қиёмат) ҳақидаги таълимот пухта ишлаб чиқилган. Унга кўра, гўёки, 1914 йили Исо Масихнинг кўринмас тарзда иккинчи келиб, «Худо салтанати»нинг фалақдаги қисмида хукмронлик қилиш даври бошланган. «Иегов шоҳидлари» ташкилотининг раҳбарлари ва астойдил хизмат қилган аъзолари Иеговнинг «кичик пода»сини ташкил қилиб, бошқа «қўйлар»ни бошқарадилар. «Кичик пода»га кирувчилар вафотидан сўнг қайта тирилиб, «Худо салтанати»да Исо Масихнинг ёнига борадилар. Қиёмат куни шайтон билан ҳал қилувчи жангда 144 мингта «Иегов шоҳидлари» Исо Масих ёнида бўлиб, улар қиёматдан сўнг Исо Масих билан «Худо салтанати»нинг фалақдаги қисмида хукмронлик қиласидилар. Қолган «Иегов шоҳидлари» ерда янги дунёда фаровонликда яшайди, бошқа барча «динсизлар» йўқ қилиб юборилади, деб ҳисобланади<sup>130</sup>.

Ташкилотга турли даврларда етакчилик қилган Ч.Рассел, Дж.Рагерфорд ва Ф.Франц томонидан 1914, 1918 ва 1975-йилларда «армагеддон» бўлиши ва Исо пайғамбарнинг келиши башорат қилинган, бироқ воқелик уларнинг бундай даъволари пуч ва сохта эканини кўрсатган.

Ташкилот аъзолари ўз ибодатхоналарини «Подшоҳлик зали (Зал Царства)» деб атайдилар. Йиғилишларда маъруза қилинади ва «Сторожевая башня» ва «Пробудитесь» журналларидағи мақолалар ўрганилади. Залларга икона, хоч қўйилмайди ва уларни ҳурмат қилиш рад этилади.

«Иегов шоҳидлари» ташкилоти томонидан Рождество, Пасха байрамлари ўтказилмайди<sup>131</sup>. Диний байрам сифатида фақат Исо Масихнинг ўлеми билан бοглиқ «Вечеря воспоминания» нишонланади<sup>132</sup>.

Чўқинтириш маросими очиқ сув ҳавзаларида оммавий равища ташкилотга қабул қилиш расм-русуми сифатида амалга оширилади.

«Иегов шоҳидлари»нинг ҳар бир аъзоси фаол миссионерлик фаолияти билан шуғулланиши лозим<sup>133</sup>. Миссионерлик учун ойига 10

Inc. Brooklin, U.S.A., 2007. – С. 223.

<sup>130</sup> Там же. С. 205.

<sup>131</sup> Там же. С. 145, 152.

<sup>132</sup> Таевский Д. Секты мира. – Ростов н/Д. : Феникс, СПб. : Северо-Запад, 2007. – С. 286.

<sup>133</sup> Сохраняйте себя в божьей любви. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc. Brooklin, U.S.A., 2007. – С. 182.

соатдан 150 соатгача вақтни сарфлаши талаб килинади. Миссионерлик даставвал фильм намойиши, радиостанцияларда маъruzalар қилиш, кейинчалик, пластиналарда ёзилган маъruzalарни граммафонларда қўйиб бериш каби шаклларда амалга оширилган. Ҳозир даъват ишлари одатда жуфт бўлиб эшикма-эшик юриб ва аҳоли гавжум жойларда амалга оширилади. Таргибот ишларида «иеговчилар» черковнинг «Сторожевая башня» (25 миллиондан зиёд нусхада, хусусан, Марказий Осиё халкларидан ўзбек, қозоқ ва киргиз тилларида) ва «Пробудитесь» (Уйғонинг) (22 миллиондан ортиқ нусхада, рус тилида) журналларидан фойдаланади.

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси кунига олти соат диний даъват ўтказиши ва йил охирида жамоа раҳбарига ҳисобот бериши лозим. Жамоа аъзолари учун кундалик ҳаёт ва фаолиятида қатъий чегаралар мавжуд. Жумладан:

- сиёсий тадбирларда, сиёсий партия ёки жамоат ташкилотларининг фаолиятида иштирок этиш, ҳарбий хизматда бўлиш, жамоат ишлари ва тантаналарда қатнашиш, давлат гимнини кўйлаш, давлат рамзларига хурмат кўрсатиш, миллий, халқаро байрамларни ва туғилган кунни нишонлаш ман қилинади;
- ҳатто тиббий зарурат билан ҳам қон кўйдириш тақиқланади;
- давлат ва ҳукуматлар тан олинмайди, ташкилот аъзолари учун ер юзидағи ягона теократик ҳукумат сифатида «Иегов шоҳидлари» ташкилотининг Бошқарув корпорацияси тан олинади;
- ташкилотда олий диний маълумот олиш тизими йўқ, ташкилот аъзоларига олий маълумот олиш рағбатлантирилмайди;
- бошқа динга мансуб шахсларнинг диний маросимларида, ҳатто дағн маросимида қатнашишга рухсат берилмайди, фақат «Иегов шоҳидлари» жамоасига мансуб шахс билан оила қуриш талаб қилинади;
- қоидаларни бузган шахслар ташкилотдан четлатилиб, ташкилот аъзоларига, ҳаттоки, унинг яқин қариндошларига бундай одамлар билан мулоқотда бўлиш ман этилади. Истисно тариқасида битта уйда яшайдиганларга фақат майший масалаларда гаплашишга рухсат берилади<sup>134</sup>.

Шунингдек, мазкур жамоада дунёвий махсус маълумот олиш, эътиқод масаласида очик баҳс юритиши, илмий ёки бадиий адабиёт

<sup>134</sup> Там же. С. 30, 38, 43, 50, 77, 112, 144, 150, 207, 209, 212.

ўқиши рағбатлантирилмайды. Бошқа динга мансуб адабиётлар «маънавий порнография» деб аталади<sup>135</sup>. Жамоа аъзолари онгига ташкилотни тарк этиш Худодан воз кечиш, деган ғоя сингдирилади («Қўриқчи минораси», 15.03.1976 й.).

Ташкилотнинг аввалги раҳбарлари томонидан шахсий манфаатлар йўлида муайян товламачиликлар содир этилган. Жумладан, 1912 йилда Америка матбуотида Ч.Рассел 1 бушели (32,24 кг) 1 АҚШ долларига баҳоланганд буғдойни «мўъжизали буғдой» деб, 60 АҚШ долларидан сотишга ҳаракат қилгани ҳамда касал одамларга ўз мулкларини унга мерос қилиб расмийлаштириш учун зуғум ўтказгани фош этилган эди. Ч.Рассел даъво билан судга мурожаат қилган, аммо судда ютқазган.

«Иегов шоҳидлари»га 1916–1942-йилларда раҳбарлик қилган Джозеф Ратерфорд «1925 йилда «Эски Аҳд»да таърифланган пайғамбарлар – Иброҳим, Исҳоқ, Ёқуб ва Довуд қайта тириладилар ва уларни кутиб олиш зарур», деган даъво билан ташкилот ҳисобидан АҚШнинг Калифорния штатидаги Сан-Диего шаҳрида «Беф-Сарим (Князлар уйи)» номли ҳашаматли қаср курдирган. Бироқ «пайғамбарлар келмагани учун» бинога ўзи кўчиб кирган.

Таъкидлаш жоизки, «Иегов шоҳидлари» таълимотининг ўзига хос жиҳатларидан бири таълимотда мантиқий изчилликнинг йўқлиги, ғоявий-акидавий қарашларнинг қарама-қарши томонга ўзгариб туриши ҳам ҳисобланади. Масалан, Мисрдаги эҳромлар даставвал «Худонинг элчиси» деб эълон қилинган («Қўриқчи минораси», 15.05.1925 й.). Ташкилот асосчиси Ч.Рассел ҳатто эҳромнинг ички заллари ўлчамлари асосида қиёмат кунини «белгилаган». 1928 йилда эса ташкилот етакчилари томонидан эҳромлар «Иблиснинг инжили» дея таърифланган («Қўриқчи минораси», 15.11.1928 й.)

«Иегов шоҳидлари» жамоаси қатъий марказлашган характерга эга. Юқори бошқарув органлари қарорлари қуий органлар учун қатъий ҳисобланади. Ташкилотнинг энг юқори диний-маъмурий маркази – Бошқарув корпорацияси Бруклинда (АҚШ, Нью-Йорк) жойлашган. Олий раҳбарият ташкилот президенти етакчилик қиладиган етти кипидан иборат директорлар кенгаши ҳисобланади. 2000 йилнинг

<sup>135</sup> Тимошук А. С., Федотова И. Н., Шавқунов И. В. Введение в религиоведение : Учеб. пособие. ВЮИ ФСИН России. – Владимир : Владимирский юридический институт Минюста России, 2011. – С. 121.

октябрь ойидан буён президент лавозимида Дон Адамс фаолият юритмоқда. Бошқарув корпорациясининг 115 та филиали дунёнинг турли мамлакатларида тарғибот ишларини олиб боради. Муайян филиалга кирувчи мамлакат ёки ҳудуд вилоятларга, вилоятлар районларга бўлиниб, уларни назоратчилар бошқаради. Районлар йигирмага яқин жамоани бирлаштиради. Жамоалар оқсоколлар (старейшина) кенгаши томонидан бошқарилади. Ташкилотнинг бошлангич бўғини ҳисобланадиган 5-15 кишилик тўгараклар килка деб аталади. Килкалар жамоани ташкил этади. Мъалумотларга кўра, 2012 йилда дунё бўйича ташкилотнинг 7,7 млн. аъзоси бўлган<sup>136</sup>.

Тахминан 1877-йилларда «Иегов шоҳидлари» ташкилотининг илк жамоалари Россия империяси ҳудудида вужудга кела бошлаган. Ушбу ҳудудда дастлабки расмий ташкилот 1913 йилдан фаолият юрита бошлаган. 1920-йилларда жамоа аъзолари бошқа конфессия вакиллари қаторида тазийкка олинган. 1949 ва 1951-йиллари «Иегов шоҳидлари» ташкилотининг аъзоларини Ўрта Осиё ва Узок Шарқка оммавий сургун қилиш оқибатида ушбу ҳудудларда диний жамоанинг таълимотлари тарқалган<sup>137</sup>.

Собиқ Совет Иттифоқида дастлабки «Иегов шоҳидлари» жамоалари 1939–1940-йилларда мамлакат ҳудудига Фарбий Украина, Фарбий Белоруссия, Буковина ва Бессарабия қўшиб олингандан сўнг, мазкур ҳудуддаги «Иегов шоҳидлари» ташкилоти аъзолари фаолияти натижасида қайта жонланган.

Ўрта Осиёда «Иегов шоҳидлари» ташкилотининг биринчи жамоалари 1950-йилларда пайдо бўлган ва норасмий равишда фаолият кўрсатиб келган. Марказий Осиёда фаолият кўрсатаётган «Иегов шоҳидлари» черковлари диний ташкилотнинг Бельгияда жойлашган «Европа ассоциацияси» томонидан олиб борилади.

Расман «Иегов шоҳидлари» ташкилоти 1999 йилнинг август ойида Фарғона ва Чирчиқ шаҳарларида рўйхатга олинган эди. 2006 йили Фарғона шаҳрида «Иегов шоҳидлари» ташкилотининг фаолияти диний соҳадаги қўпол қонунбузарликлари учун тұхтатилган.

<sup>136</sup> Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org>. Свидетели\_Иеговы

<sup>137</sup> Там же.

2006 йил сентябрь ойидан бошлаб «Иегов шоҳидлари» ташкилотининг асосий нашрларидан бири – «Сторожевая башня» ўзбек тилида «Қўриқчи минораси» номи билан нашр этила бошланди.

Ўзбекистонда «Иегов шоҳидлари» ташкилотининг аъзолари миссионерлик фаолиятини олиб бориши билан жамиятдаги маънавий муҳитга салбий таъсир этмоқда. Амалда норасмий «Иегов шоҳидлари» жамоалари адептларининг фаолияти республиканинг деярли барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси худудларида кузатилмоқда. Республиканинг қатор минтақаларида, жумладан, Тошкент, Бухоро, Коғон ва Фарғона шаҳарларида «Иегов шоҳидлари» ташкилотининг аъзолари диний фаолиятни белгиловчи қонунларни бузганларни учун қонуний жавобгарликка тортилган.

## 12. «Голос Божий» черкови



Навоий шаҳрида жойлашган «Голос Божий» черкови 1992–2001-йилларда Тўлиқ инжил христианлар черковлари маркази тарқибида бўлган. 2001 йил черков марказдан ажралиб чиқиб, ҳозирда протестант йўналишидаги мустақил диний ташкилот сифатида фаолият олиб бормоқда. Ташкилот ақидавий жиҳатдан Уильям Мэррион Бранхам (инг. William Marrion Branham, 1909–1965 й.) таълимотига амал қилишини эълон қилган.

У.Бранхам аввал баптист бўлган протестант рухонийси бўлиб, 1930- йилларнинг бошидан фаол миссионерлик билан шуғулланиб келган. У. Бранхамнинг издошлари ўзларини «хабарга ишонувчилар» ёки оддий «христианлар» деб атайдилар ҳамда У. Бранхамни гўёки пайғамбар деб санайдилар.

У. Бранхам таълимоти унинг «Черковнинг етти даври баёни», «Ҳаётим тарихи», «Фаришта келиб менга кўрсатма бергани ҳақида»

каби асарлари, маърузалари тўплами, шунингдек, унинг издошлари томонидан ёзилган кўплаб китобларда баён қилинган. У.Бранхам илгари сурган диний таълимотда анъанавий христианлик ақидаларига зид келадиган бир қатор тамойиллар мавжуд. Жумладан, мазкур таълимотда:

– муқаддас Троица рад этилади, ягона худо – Исо Масих деб саналади<sup>138</sup>. Мазкур тамойил У.Бранхам гоялари муайян даражада унитар-пятидесятникларнинг таълимотига яқин эканидан далолат беради;

– чўкинтириш «Ота, ўғил ва муқаддас рух номидан» эмас, балки фақат Исо Масих номидан амалга оширилади<sup>139</sup>;

– гўёки жаннатда Момо Ҳаввонинг илон жисмига кирган шайтон билан килган гуноҳи оқибатида шайтоннинг авлодлари дунёга келган деб ҳисобланади<sup>140</sup>. Айни чоғда ерда У.Бранхамнинг хабарини эшитиб имон келтирувчи ва нажот топувчи «худо авлоди» мавжудлиги ҳақидаги ақида илгари сурилади, У.Бранхамнинг таълимотини рад этувчи христианлар «Буюк кайғуга» ботади ва аксинча, унга эргашганлар арши аълога кўтарилади, деб ҳисобланади;

– гўёки Рим католик черкови ва протестант черковлари Исо Масихга хиёнат қилган «Антихрист» деб аёвсиз танқид қилиниб, ушбу черковларга борувчилар Худога бўлган эътиқодини йўқотган саналади<sup>141</sup>;

– У.Бранхам 1977 йили гўёки Исо Масихнинг иккинчи келиши ва минг йиллик подшоҳлиги даври – «миллениум» бошланишини «башорат» қилган<sup>142</sup>;

– пятидесятник йўналишларининг кўпчилигига муқаддас рух тушишининг маҳсули сифатида эътироф қилинадиган «глоссолалий» илохий асосга эга эмас, балки ўз-ўзини ишонтириш оқибати деб қаралади;

– У.Бранхам ўзини пайғамбар Илий сифатида эътироф этади;

<sup>138</sup> Бранхам У. М. Изложение семи периодов церкви. – P. O. Box 325, Jeffersonville, Indiana 47131 U.S.A., год издания неизвестен. – С. 7.

<sup>139</sup> Там же. С. 259–260.

<sup>140</sup> Там же. С. 79.

<sup>141</sup> Бранхам У. М. Изложение семи периодов церкви. Р. О. Box 325, Jeffersonville, Indiana 47131 U.S.A., год издания неизвестен. – С. 21, 166.

<sup>142</sup> Там же. С. 262.

— юлдуз буржларига Библияниң аслы мөхиятини очиб берувчи маълумот яширинганде бўлганади<sup>143</sup>.

Шу билан бирга, У.Бранхамга эргашган жамоаларда бошқа протестант конфессияларига хос тарафлар, масалан, сирли маросимларни тан олмаслик ва руҳонийлар табақаси бўлмаслиги мавжуд. Чўкинтириш баптистларга ўхшаб сувга тўлиқ ботириб олиш орқали амалга оширилади. «Причашение» маросимида адвентистлар сингари жамоа аъзолари бир-бирларининг оёгини ювиш амалга оширилади.


Ибодатлар чоршанба куни кечқурун ва якшанба куни эрталаб амалга оширилади. Диний амаллар муқаддас ёзувларни ўқиши, жамоа бўлиб тиловат қилиш, жўр бўлиб диний қўшиқлар куйлаш ва маърузадан иборат. Пастор бўлмаган тақдирда У.Бранхамнинг аудио ёки видеотасмага ёзилган маърузалари ёки маъруза таржималари тингланади.

У.Бранхамнинг қўрсатмасига кўра, мазкур таълимотга эътиқод қилувчи жамоаларнинг барчаси мустақил саналиб, улар устидан ягона расмий бошқарув тизими йўқ.

1990-йиллардан У.Бранхамнинг таълимоти Россия ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибида бошқа мамлакатлар ҳудудига кириб кела бошлаган.

Черков адептлари айримларининг миссионерлик фаолияти билан шугулланиши кузатилмоқда.

### 13. Баҳоийлик



Баҳоийлик Эрон ҳукумати таъқибидан қочган «бобийлик»\* (арабча «эшик») оқимига мансуб кишилар тарафидан 1858 йили

<sup>143</sup> Экспертное заключение о результатах проведения государственной религиоведческой экспертизы в отношении местной религиозной организации последователей христианского вероучения У. Бранхама «Его слушайте!» Сайт «Управление Минюста России по Республике Татарстан», 04.06.2012 г. URL: to16.minjust.ru/sites/to16.minjust.ru/.../eksp\_zakl.\_ot\_04.06.2012.doc

Ироқда тузилган диний оқим бўлиб, унга «бобийлик» ташкилотининг етакчиларидан бири бўлган Мирза Ҳусайн Али (1817–1892) асос солган.

Мирза Ҳусайн Али ўзини «Баҳоулло» – «Аллоҳнинг нури» деб атаб, аввал ўзини Боб («бобийлик» ҳаракатининг етакчиси) нинг ишини давом эттирувчи ва Ҳудодан ваҳий олган маҳдий\* деб, кейинчалик эса гўёки Кришна, Иброҳим, Заратуштра, Мусо, Будда, Исо Масих ва Муҳаммад ва Бобдан сўнг тўққизинчи пайғамбар эканини эълон қилган. Маълум вақтдан сўнг Ироқдан кетиб, Туркиядаги Адрианопол (Адрина) шаҳрида, сўнгра Фаластиндаги Аққо шаҳрида яшаган. 1872 йилда 472 оятдан иборат «Китоби ақдас» (арабчада «Энг муқаддас китоб») асарини ёзиб, уни Қуръон ва Бобнинг «Баён»и ўрнига ваҳий қилинган муқаддас китоб деб эълон қилган.

Баҳоуллонинг вафотидан сўнг ташкилотга васият бўйича раҳбар этиб сайланган унинг катта ўғли – Аббос афанди (Абд-ул Баҳо) ташкилотнинг диний таълимотига кўпроқ христианлик ва яхудийлик динлари ақидавий ғояларининг баззиларини киритиш ҳамда тенглик, биродарлик шиорларини тарғиб қилиш орқали баҳойликни Farb мамлакатларида салмоқли даражада оммалаштиришга эришган.

Баҳойлик бир неча дин, аввалимбор, ислом ва христиан динлари таълимотларининг қўшилмасидан иборат. Ташкилот томонидан барча динлар Ҳудога олиб боради, бироқ унга етишиш учун мавжуд динлар Баҳойлик динига бирлашуви, кераксиз хурофот ва бидъат\* амаллардан тозаланиши лозим деган ғоя илгари сурилади. Асосий ақидалар Баҳоуллонинг муқаддас ҳисобланадиган китоблари «Китоби Ақдас» ва «Китоби Ийқон» асарларида, шунингдек, унинг давомчилари бўлган Абдул Баҳо ва Шоҳи Афандиларнинг диний асарларида ёритилган бўлиб, уларга қўра, баҳойлик мустакил дин ҳисобланади.

Бош мақсад сифатида ягона дин, тил, қонун ва ҳукуматга эга баҳойлар дунёсини барпо этиш эълон қилинган<sup>144</sup>. Ташкилотнинг ақидавий қарашлари қўйидагиларга асосланади:

– христианликнинг муқаддас Троица, Исо Масихда худо табиати мавжудлиги, Библияning бенуқсон экани, гуноҳни ювиш мумкинлиги ҳақидағи ақидалари рад этилади;

– ислом динининг бешта арконини бажариш фарз экани ҳам инкор қилинади;

<sup>144</sup> Таевский Д. Секты мира. – Ростов н/Д : Феникс, СПб. : Северо-Запад, 2007. – С. 366.

– шайтонни Худо яратмаган, жаңнат – қалб баркамоллиги, дүзах – қалбнинг нуқсонли экани, деб ҳисобланади;

– қиёмат бўлиши ва ўлганлар қайта тирилишига эътиқод қилинади, бироқ Исо Масихнинг иккинчи бор келиши рад қилинади<sup>145</sup>.

Баҳоийликда ибодат умумий йиғинларда баҳоий ва бошқа жаҳон динлари мукаддас китобларини ўрганиш, икки хил намоз ўқиш ва дуо ўқиш, медитация орқали амалга оширилади. Намоз Баҳоулло қамоқда сакланган Ақко шаҳри томонга қараб ўқилади. Намоз масаласида баҳоийлик ислом динидан факат таҳоратни олган.

Ҳар йили 2 марта 20 марта гача баҳоийлар рӯза тутадилар. Баҳоийларда руҳонийлар бўлмайди. Баҳоийликда бир йил ҳар бири 19 кундан иборат 19 ойдан ташкил топадиган диний тақвим қабул қилинган. Ҳар 19 кунда бутун жамоа ибодат қилиш, жамоа билан боғлиқ бўлган ишларни муҳокама қилиш, ўзаро биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун йиғиладилар.

Баҳоийликда руҳонийлар институти йўқ бўлиб, ташкилотнинг барча аъзолари фаол миссионерлик фаолияти билан шуғулланиши лозим<sup>146</sup>. Баҳоийлар кундалик турмуш тарзини қаттиқ назорат остига оладиган жамоаларга бирлашадилар. Жамоага фақат 21 ёшдан аъзо бўлиш мумкин. Маҳаллий жамоаларни йилда бир маротаба (21 апрель) яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган 9 кишидан иборат Маҳаллий диний мажлис бошқаради. Баҳоийларнинг йирик жамоаси мавжуд бўлган давлатларда Миллий диний мажлис сайланади.

Аввал ташкилотни Баҳоуллонинг авлодлари бошқарган бўлиб, ҳозир баҳоийларнинг олий бошқарув органи – 9 кишидан иборат бўлган Умумжаҳон Адолат Уйи аъзолари ҳар беш йилда Миллий диний мажлис вакиллари томонидан сайланадилар. Умумжаҳон Адолат Уйи аъзолигига аёллар сайланмайди. Ташкилотнинг штаб-квартираси Исроилнинг Ҳайфа шаҳрида жойлашган. Асосий еттита «Ибодат уйи» АҚШ, Австралия, Германия, Панама, Уганда, Ҳиндистон ва Фарбий Самоа (Океания)да жойлашган. Йирик жамоалар Ҳиндистон, Эрон, Вьетнам, Уганда, Кения, Конго, Танзания, Камерун, АҚШ ва Боливияда жойлашган.

Баҳоийларнинг йиғилиш ўтказиш учун маҳсус жойлари йўқ бўлиб, дунё бўйлаб еттита «Эътиқод ибодатхоналари» барпо қилинган.

<sup>145</sup> Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: <http://etnolog.ru/religion.php>. Баҳаизм

<sup>146</sup> Иванов В. А., Трофимов Я. Ф. Религии в Казахстане : справочник. – 2 изд. перераб. и доп. – Алматы : Аркаим, 2003. – С. 167.

Уларнинг ўзига хос томони – тўққиз томондан олд эшик очилган бўлиб, улар гўёки Баҳоийлик жаҳондаги тўққизта динни бирлаштиришининг рамзи ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан баҳоийларга бошқа динга мансуб ибодатхоналарга қатнаш ман этилмайди.

Баҳоийлар тўққизта диний байрамни нишонлаб, уларнинг учтаси Баҳоулло ва биттаси Боб Декларациялари куни билан, тўртгаси Баҳоулло ва Бобнинг туғилган ва вафот этган кунлари билан боғлиқ саналар ва Наврӯз байрами ҳисобланади<sup>147</sup>. Ушбу конфесия аъзоларининг зиёрат қилиш масканлари Ҳайфадаги марказ ва Баҳоуллонинг Аққо шахридаги қабри ҳисобланади.

Баҳоийликда касбий диний фаолият билан шугулланиш, шунингдек, спиртли ичимлик ичиш, таркидунё қилиш, ҳайвонларга зулм бериш ман этилади. Баҳоийлар ҳарбий хизматни рад этадилар.

1988 йили Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида чакирилган Ислом Конференцияси Ташкилоти Ислом Фикҳи Академияси Баҳоийликни мусулмонларни ислом динидан чалғитишга қаратилган «Аллоҳга қарши оқим», деб эълон қилган. Баҳоийликнинг ислом динига зид келувчи ақидаларининг асосийлари куйидагилар ҳисобланади:

- Баҳоулло ўзини маҳдий ва пайғамбар ҳисоблаши, Мұҳаммад пайғамбарнинг охирги пайғамбар эканини инкор этиши;
- Баҳоулло ўзининг асарлари Аллоҳдан нозил қилингани ва Куръонни бекор қилишини даъво қилиши;
- реинкарнация\* (одамнинг бошқа жонзот жисмида қайта туғилиши) бор, деб ҳисбланиши;
- қибланинг Аққо тарафга ўзгартирилгани;
- кундалик намоз сонини 5 тадан 3 тага ўзгартирилгани;
- рӯзани 19 кунга қисқартириб, муддатининг Наврӯз куни тугалланадиган қилиб белгилангани;
- судхўрликка рухсат берилгани<sup>148</sup>.

Маълумотларга кўра, баҳоийлик динига эътиқод килувчилар сони 5 млн. кишини ташкил этади. Ушбу динга мансуб диндорларнинг энг иирик жамоалари Ҳиндистон, АҚШ, Кения мамлакатларида мавжуд<sup>149</sup>.

<sup>147</sup> Иванов В. А., Трофимов Я. Ф. Религии в Казахстане : справочник. – 2 изд. перераб. и доп. – Алматы : Арқаим, 2003. – С. 167.

<sup>148</sup> Керимов Г. М. Шариат: Закон жизни мусульман. Ответы Шариата на проблемы современности. — СПб. : ДИЛЯ, 2009. — С. 179.

<sup>149</sup> The Global Religious Landscape. Pew Research Center. Washington, D.C. 2012. P40.

Туркистон чор Россияси томонидан истило қилингандан сўнг, 1882 йилдан бошлаб мазкур худудга Эрондан қочиб келган баҳоийларнинг дастлабки оиласлари кўчиб кела бошлаган. 1908 йили Ашхабодда баҳоийлар сони жуда ҳам кўпайиб, улар ўзларининг биринчи «Эътиқод ибодатхоналари»ни курганлар.

1917 йилга қадар баҳоийлар жамоалари Россия империясининг 14 дан ортиқ шаҳарларида, жумладан, Ашхабод, Боку, Бухоро, Москва, Тошкент, Тбилисида мавжуд бўлган. Собиқ шўролар даврида уларнинг расмий фаолияти тўхтатилган. 1991 йилдан баҳоийларнинг расмий ташкилотлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги худудида қайта рўйхатдан ўта бошлади.

Ўзбекистон худудида баҳоийларнинг ilk вакиллари – савдо-сотик билан шуғулланувчи тижоратчилар XIX аср охиrlарида Самарқанд шаҳрида пайдо бўлган. 1929–30-йилларда Самарқанд шаҳрида биринчи маҳаллий диний мажлис ташкил қилинган.

Мустақиллик йиллари республикада баҳоийлар диний ташкилот сифатида дастлаб 1994 йилда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси тарафидан рўйхатга олиниб, расмий фаолият бошлаган. Ҳозир Ўзбекистонда б 6 та баҳоий диний жамоаси (Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятларида биттадан) мавжуд. Ташкилотга 1985 йил Қорақалпоғистон Республикасида туғилган Сайдов Рустам Сайдович етакчилик қилмоқда.

Баҳоийлар ўз фаолиятида «Китоби Ақдас», «Китоби Ийқон», шунингдек, Баҳоулло ва Абдул-Баҳо муаллифлик қилган бошқа китоблардан ҳамда «One country» журналидан фойдаланади. Адабиётларнинг аксарияти рус тилида чоп этилган. Мазмунан, баҳоийлик таълимоти халқаро тинчлик ҳаракатларига ўхшаб кетсада, ташкилотнинг аъзолари фаол миссионерлик фаолияти билан шуғулланган.

Ҳозир республика худудидаги айрим баҳоийларнинг юқоридаги каби хатти-ҳаракатлари кузатилмоқда.

## 14. Буддавийлик



Буддавийлик (санскритда «buddha» – «нур билан тұлған») – жаҳон динлари ичидә эңг қадимийси бўлиб, милоддан аввалги VI–V асрларда Ҳиндистоннинг Ганга водийсида диний-фалсафий таълимот сифатида вужудга келган. Асосчиси Сиддхартта Гаутама Шакьямуни Будда ҳисобланади. Илмий тахминларга кўра, Будда ҳозирги Ҳиндистоннинг шимоли-шарқида яшаган Шакье қабиласи бошлиғининг ўғли бўлиб, милоддан аввалги 563–483-йилларда яшаб ўтган.

«Буддавийлик» атамаси XIX асрда европаликлар томонидан амалиётга киритилган бўлиб, одатда ушбу динга эътиқод килувчиликар ўз таълимотларини «Дхарма (қонун, таълимот)» ёки «Буддхадхарма (Будда таълимоти)» деб атайдилар.

VI–V асрларда ҳозирги Ҳиндистонда кўплаб кичик давлатлар бўлиб, энг кўп тарқалган дин брахманлик ҳисобланган. Брахманликда кўп сонли худоларга сигиниш ва уларга қурбонлик келтиришга урғу берилган. Жамият варна (табақаларга) бўлинган: брахманлар – диний руҳоний ва коҳинларнинг олий табақаси, кшатрийлар – жангчилар, вайшлар – савдогарлар ва шудралар – қуий табақа бўлиб, юқорида санаб ўтилган тоифадагиларга хизмат кўрсатувчилик ҳисобланган.

Буддавийликда қурбонлик келтириш ва варналарга бўлиниш рад этилган. Жамият иккитаифага – брахман, кшатрий, гахапати (мулкдор шахслар) ва қуий табақадан ташкил топган, деб каралади<sup>150</sup>.

Буддавийлик таълимотида монотеистик динлардан фарқли ўлароқ ягона Яратувчи Худо ва абадий рух ҳақидаги ғоялар йўқ. Шунингдек, ушбу динда Инжил ёки Куръон каби ягона муқаддас китоб мавжуд эмас<sup>151</sup>.

<sup>150</sup> Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 220.

<sup>151</sup> Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по

Энг қадимги муқаддас диний манба милоддан аввалги I асрда пали тилида Цейлонда (Шри-Ланка) ёзилган «Трипитака (Учта сават)» хисобланади. Трипитака уч қисмдан иборат:

1. «Виная-питака (Низом савати) – роҳиб ва роҳибаларнинг фаолиятини белгилаб берувчи қоидалар;
2. «Сутга-питака (Сутгалар савати)» – Будданинг шогирди Ананда томонидан устозининг маъруза ва ҳикматли сўзларига ёзилган шархлар;
3. «Абхиждхамма-питака (Дхаммалар ҳақидаги таълимот)» – қадимги буддавийлик таълимоти тизимга солинган еттига трактат.

Бундан ташқари, буддавийликда кейинги даврларда хитой, япон, мӯғул, тибет тилларида ушбу динга эътиқод қилувчи роҳиб ва файласуфлар томонидан ёзилган кўплаб диний-фалсафий асарлар, хусусан, «Саддхармапундарика-сутра», «Аватамсака-сутра», «Вадж-раччхедика-праджняпарамита-сутра» муҳим манба саналади.

Буддавийлик фалсафаси барча инсонларни тенг деб эълон қиласди ва хиндуийлик динига хос бўлган табакалар тизимини рад этади. Карма ҳақидаги таълимот, яъни инсоннинг турли жонзот, ўсимлик ва буюмлар шаклида қайта дунёга келиши ҳақидаги ғоя илгари сурилади.

Буддавийликда инсон ўз тақдирини онгли фаолияти билан яратади деган ғоя ётади. Диний ақида тўртта тамойилга асосланади:

- 1) ҳаёт изтироблардан иборат;
- 2) изтиробларнинг манбай эҳтиёж ва истакларга тўла ҳаётдир;
- 3) изтироблардан нирванага («ўтиш», «сўниш») эришиш орқали халос бўлиш мумкин;
- 4) қийноқлардан қутулиш, ҳақиқатни англаш ва нирванага эришиш йўли мавжуд. Бу йўл – тўғри дунёқараш, тўғри ният қилиш, тўғри гапириш, тўғри ахлоқли бўлиш, тўғри турмуш тарзи кечириш, тўғри тиришқоқлик қўрсатиш, тўғри мулоҳаза қилиш ва тўғри мақсадда диққатни жамлаш ҳисобланади<sup>152</sup>.

Будда таълимоти асосида «ҳаёт – бу азоб-уқубат» ва «нажот йўли мавжуд» деган ғоялар ётади. Унга кўра, инсон шахсий камолоти ва эзгу турмуш тарзи билан ўзини қутқаради. Буддавийликда бошқа худоларга сигиниш тақиқланмайди, бироқ улар олий саодатга –

религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 166.

<sup>152</sup> Тимощук А. С., Федотова И. Н., Шавкунов И. В. Введение в религиоведение : Учеб. пособие. ВЮИ ФСИН России. – Владимир : Владимирский юридический институт Минюста России, 2011. – С. 69.

«нирвана» ҳолатига эришишга ёрдам бермайды, бунга фақат Будда қодир, деб ҳисобланади.

Буддавийлар бешта қоидага амал килишлари лозим: тирик жонзотни үлдирмаслик; ўғрилик килмаслик; зино килмаслик; ёлғон гапирмаслик; маст қилувчи ичимликларни ичмаслик. Руҳонийлар учун яна бешта қўшимча шартлар жорий қилинган: тушликтан сўнг овқат тановул қилмаслик, рақс, қўшиқ куйламаслик ва кўнгилочар ўйинларда иштирок этмаслик, тақинчоқ тақмаслик ва хушбуй атирупалардан фойдаланмаслик, баланд ва юмшоқ тўшақда ётмаслик, олтин сақламаслик.

Хиндистонда буддавийлик милоддан аввалги III асрда энг тараққий этган даражасига етиб, ўша даврдаги подшоҳ Ашока томонидан мазкур динни бошқа мамлакатларга ҳам ёйишга хизмат қилувчи миссионерлар институти жорий қилинган. Бирок, буддавийлик дини вужудга келишининг биринчи асридаёқ 18 та сектага бўлинib кетган<sup>153</sup>.

Ўзаро ихтилофларни йўқотиш мақсадида милоддан аввалги 447 иили Рад-жагрих ва милоддан аввалги 367 йилда Вайшави умумий йигинлар ўтказилган. Натижада милоднинг биринчи асрида буддавийликда иккита йўналиш шаклланиб, улар «хинаяна» – «тхеравада» (кичик айлана) ва «махаяна» (катта айлана) деб аталган. «Хинаяна»да зоҳидлик йўлини танлаган роҳибларгина олий саодатга эришиши мумкин ҳисобланса, «махаяна» буддавийликка эътиқод қилувчи барча диндорлар фаол тарғибот (миссионерлик) ишлари ва дунёвий ишларда қатнашиш билан «нирвана»га эришиши мумкин бўлган кенг йўл сифатида кўрилади.

V асрда эса махаянада иккита тармоқ – «мадхъямика (шунъявада)» ва «йогачара (виджнянавада)» вужудга келиб, мазкур йўналишлар буддавийликнинг жаҳон дини сифатида кенг тарқалишига хизмат қилган.

<sup>153</sup> Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 27.

## БУДДАВИЙЛИК КВНГ ТАРҚАЛГАН ҲУДУДЛАР



5-расм. Буддавийлик дини тарқалган ҳудуд

Маълумотларга кўра, ҳозир буддавийлилкка 500 млн. одам эътиқод қилади. Буддавийлик кўпроқ Шарқий Осиё миңтақасида кенг тарқалган бўлиб, ушбу динга мансуб йирик жамоалар Хитой (244,1 млн. киши), Таиланд (64,4 млн.), Япония (45,8 млн.), Бирма (38,4 млн.), Шри Ланка (14,4 млн.), Вьетнам (14,3 млн.), Кампучия (13,6 млн.), Шимолий Корея (11 млн.), Ҳиндистон (9,2 млн.), Малайзия (5 млн.) мамлакатларида мавжуд<sup>154</sup>.

Будда монастирлари ибодатхона, ступа (авлиёлар ёки муқаддас буюмлар кўмилган жой), роҳиблар яшайдиган ва медитация қиласидан хоналардан иборат. Одатда ибодатхоналар Будданинг расмлари, мандала, буддавийликдаги рамзлар билан безатилади. Жамоа роҳиб ва оддий диндорлардан иборат. Жамоага миллати, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар исталган шахс аъзо бўлиши мумкин.

Диний маросимлар эрталабки ва кечки ибодат, рўза, туғилган кун ва балоғат ёшини нишонлаш, никоҳ, янги уйга кўчиш, аждодларни хотирлаш ва дағн этишдан иборат.

Буддавийликда диний байрамлар ой календари бўйича нишонланади. Февраль-март ойларида Янги йил, апрель-май ойларида Будда-

<sup>154</sup> The Global Religious Landscape. Pew Research Center. Washington, D.C. 2012. P. 32

нинг туғилиши, «нур»га тұлиши ва нирванага етишуви билан боғлик байрам, июнь-июль ойларыда «Ерга Майтренинг тушиши (Келажак Буддаси)», «Сангуга кириш» байрамлари тантана қилинади<sup>155</sup>.

Маълумотларга күра, Ўрта Осиёга буддавийлик милоддан аввалги I аср охирларыда кириб келган.

Мустақиллик йилларыда Ўзбекистондаги ягона Будда ибодатхонаси 2001 йилнинг ноябрь ойида Тошкент вилоятида рўйхатга олинган.

### *15. Кришнайлик*



Кришнайлик («International Society for Krishna Consciousness», бошқа номлари – «Харе Кришна», «Вайшнавизм») – Хиндистандаги қадимий диний қўләзмалар (ведалар) асосида ташкил этилган диний йўналиш хисобланиб, унга ҳинд миллатига мансуб, «А.Ч.Бхактиведанта Свами» тахаллуси ва «Шри Прабхупада» унвони билан машҳур бўлган Абхай Ширан Де (1896–1977) исмли шахс асос солган.

Кришнайликнинг марказий ташкилоти – Кришнани англаш халқаро жамияти (ISKCON) 1965 йили АҚШда рўйхатдан ўтган.

Кришнайлик дини таълимоти яккахудоликка асосланган. Ягона ва мутлақ худо сифатида Кришна тан олинади. Ташкилотнинг диний таълимотида А.Ч.Бхактиведантанинг «Бхагавад-гита», «Шримад-Бхагаватам» асарлари ва бошқа Веда матнлари мукаддас хисобланади. Асосий ақидавий қарашлар қуйидаги тамойилларга таянади:

– коинотда Кришна – олий илоҳий шахс ҳукмронлик қиласи, у абадий, яратилмаган ва чексиз шаклларга кириш (аватара) қобилиятига эга, унинг турли, масалан, Будда, Иегов, Рама каби исмлари бўлиши мумкин;

<sup>155</sup> Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 27.

— инсонда икки мустақил табиат мужассам бўлган: ўлимга дучор бўлувчи тана ва абадий рух. Инсон руҳи худонинг маънавий мазмунига ўхшаш бўлиб, фақат миқдор жиҳатидан фарқ қиласади;

— «шайтон» тушунчаси йўқ, унинг ўрнида қисман одамларни ҳакиқатдан йироқлаштирувчи моддий энергия – «майя», қисман эса Кришна душмани сифатида таърифланадиган иблис ва жинлар ҳакидаги тушунчалар ишлатилади;

— яқин вакт ичиди Ер ўзининг охирги даври – Кали-югани бошидан кечириб, Кришнанинг охирги кўриниши – Калка қиёфасида келиши (аватара) амалга ошади, деб саналади;

— хундуийлик пантеонидаги бошқа худолар ва ўзга дин пайғамбарлари ярим худо ва Кришнанинг хизматкорлари ҳисобланади<sup>156</sup>;

— инсон руҳи Кришнанинг бир қисми ҳисобланиб, у жисмини алмаштирган ҳолда абадий яшайди. Узлуксиз алмашинишдан фақат Кришнага содиқ одамлар қутилиши мумкин, деб эътиқод қилинади<sup>157</sup>.

Кришначиларнинг кундалик ҳаёти юқорида қайд этилган мақсадга бўйсундирилган. Ибодат якка ҳолда ёки жамоа билан бирга медитация қилиш, Кришнага сигинишга асосланган. Кришначилар ҳар куни 1728 марта Кришнани мақтовчи мантра – «Харе Кришна»ни тақорлаши ва диний етакчи – «гуру»га сўзсиз бўйсуниши лозим<sup>158</sup>.

Кришначиларда тўрт хил турмуш тарзи белгиланган: шогирдлик, оилавий ҳаёт, оилавий ҳаётдан четлашув ва таркидунёлик, яъни дунё ишларидан тўлиқ четлашув.

Кришнайлик таълимотини қабул қиласади альянса янги – санскритча исм берилади. Жамоа альянса ҳинд миллий либослари – қизил ёки тўқ сариқ сари кийиб, соchlарини тақир олдирган ҳолда қўлларида 108 та тошли тасбех кўтариб юрадилар.

Кришначилар учун турмуш ўртоғи одатда «гуру» томонидан танлаб берилади. Никоҳ зоҳид турмуш тарзини кечира олмайдиганларга рухсат берилади. Эр-хотин муносабатлари фақат фарзанд кўриш билан чегаралаб кўйилган<sup>159</sup>.

<sup>156</sup> Таевский Д. Секты мира. – Ростов н/Д. : Феникс, СПб. : Северо-Запад, 2007. – С. 421.

<sup>157</sup> Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: <http://etnolog.ru/religion.php>. Международное общество сознания Кришны.

<sup>158</sup> Макдауэлл Дж., Стюарт Д. Обманщики. – М : «Протестант», 1994. – С. 224.

<sup>159</sup> Иванов В. А., Трофимов Я. Ф. Религии в Казахстане : справочник. – 2 изд. перераб. и доп. – Алматы : Аркaim, 2003. – С. 189.

Кришначиларнинг ўз мол-мулкларини жамият ҳисобига хайр-эхсон килишлари рағбатлантирилади.

Ўзини роҳибликка бағишилаган шахслар санъяс деб аталиб, улар ибодатхона (ашрам)да яшайдилар. Ашрамларда қатъий интизом, кундалик эрталабки ва кечки ибодат, медитация, қўчаларда даъват ишларини ўтказиши ёки қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланиш белгилаб қўйилган.

Жамоа аъзоларига гўшт, балиқ, тухум ейиш, спиртли ичимликлар, кофе, чой ичиш, қимор ўйнаш ман қилинади. Кришначиларга фаол миссионерлик билан шуғулланиш ва ташкилотга тегишли адабиётларни қўчаларда тарқатиш буюрилган<sup>160</sup>.

Кришначиларнинг Джойтири Веда асосида ҳисоблаб чиқиладиган календарлари мавжуд. Мазкур календар бўйича нишонланадиган диний байрамлар (Джаманмашта) Кришнанинг Матхура ва Гаура-Пурнима киёфасида келган куни, Шри Прабхупаданинг намоён бўлган куни, шунингдек, Кришнанинг турли қиёфаларга кирган кунлари ва авлиёларнинг намоён бўлган кунлари билан боғлик.

ISKCON ташкилотининг асосий бўғини ибодатхоналар бўлиб, одатда улар қошида миссионерлик марказлари ташкил этилади. Баъзи ибодатхоналар қошида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғуланувчи жамоалар, хайрия ташкилотлари тузилган. Барча ибодатхоналар маъмурий-хўжалик фаолияти жиҳатидан мустақил ҳисобланади. Диний жиҳатдан қўйи даражада минтақавий Кенгашлар, мамлакат миқёсида йирик ибодатхона раҳбарларидан иборат Кенгашларга бирлашади.

Кришначиларнинг умумий сони бўйича маълумотлар бир-биридан кескин фарқ қиласди. Масалан, россиялик мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу динга эътиқод қилувчилар сони бир неча ўн минг кишини ташкил этади<sup>161</sup>. Бошқа манбаларда эса кришначиларнинг сони бир миллиондан зиёд, деб баҳоланади<sup>162</sup>.

<sup>160</sup> Таевский Д. Секты мира. – Ростов н/Д. : Феникс, СПб. : Северо-Запад, 2007. – С. 421.

<sup>161</sup> Новые религиозные организации России деструктивного и оккультивного характера : Справочник / Миссионерский отдел Московского Патриархата Русской Православной церкви. Информационно-аналитический вестник №1. – Изд-е 2-е переработ. и допол. – Белгород, 1997. – С. 247.

<sup>162</sup> Тимошук А. С., Федотова И. Н., Шавкунов И. В. Введение в религиоведение : Учеб. пособие. ВЮИ ФСИН России. – Владимир : Владимирский юридический институт Минюста России, 2011. – С. 131.

Кришначиларнинг умумжаҳон бошқарув органи (*Governing Body Comission*) Фарбий Бенгалияниңг Мајапур шаҳрида жойлашган. АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида ташкилотнинг «Бхактиведанта Бук Траст» нашриёти жойлашган. Мазкур нашриёт ва унинг турли мамлакатлар, жумладан, Россияниңг Москва ва Санкт-Петербургдаг очилган филиалларида ташкилотнинг босма адабиётлари нашр қилинади.

ISKCON ташкилотининг собиқ Совет Иттифоқидаги фаолияти Свами Прабхупаданиңг 1972 йили Москвага келиши билан боғлиқ бўлиб, дастлабки ибодатхона 1988 йилда очилган<sup>163</sup>.

Дастлабки кришначилар Ўзбекистонда 1985 йилда пайдо бўлган. Ҳозирги кунда кришначиларнинг республикадаги ягона диний ташкилоти Тошкент шаҳрида фаолият юритмоқда.

Кришначиларнинг айримлари томонидан республика аҳолиси орасида ўз диний адабиётларини қонунга зид равишда тарқатишга қаратилган хатти-ҳаракатлари, миссионерлик билан боғлиқ қонунбузарликлари кузатилган.

## 16. Яхудийлик



Яхудийлик (ивритда «уаядут», грекчада «Ioudaismos» – иудаизм) милоддан аввалги 2-минг йиллиқда Шимолий Арабистонда яшаган кўчманчи яхудий қабилаларининг политеистик эътиқодлари ва маросимлари асосида вужудга келган. Милоддан аввалги XIII асрда яхудий қабиласида якка худо – Яхвега сигиниш қарор топди. Милодгача VI асрда яхудийликнинг асосий элементлари: монотеизм, яхудийларнинг худо танлаган миллат экани, илоҳийлаштирилган Эски Аҳд, мессияниңг келишига ишониш тўлиқ шаклланди.

<sup>163</sup> Новые религиозные организации России деструктивного и оккультивного характера : Справочник / Миссионерский отдел Московского Патриархата Русской Православной церкви. Информационно-аналитический вестник №1. – Белгород : Белгород, 1997. – С. 269.

Яхудийларнинг диний байрамлари (Моэд) ичида асосийлари куйидагилар саналади: Шаббат (хар шанба куни) – дунё яратилиши хотираси; Рош га-Шана (сентябрь-октябрь, яхудий календарида 1–2 тишрей) – Янги йил байрами; Йом-Кипур (октябрь – 10 тишрей) – гуноҳлар кечириладиган кун; Песах (Пасха, март-апрель, 15–22 нисон) – баҳор келиши ва яхудийларнинг Миср қуллигидан кутулиши билан боғлик<sup>168</sup>.

Маълумотларга кўра, яхудийларнинг умумий сони 14 млн. кишини ташкил этади. Энг иирик яхудий жамоалари АҚШ (5,6 млн. киши), Исроил (5,6 млн.), Канада (350 минг), Франция (310 минг), Буюк Британия (280 минг), Германия (230 минг), Россия (230 минг), Аргентина (200 минг), Австралия (110 минг), Бразилия (110 минг) мамлакатларида мавжуд<sup>169</sup>.

Маълумотларга кўра, Ўрта Осиёга яхудийлар милоддан аввалги II асрда кела бошлаган. XVIII асрнинг бошида Ўрта Осиёдаги яхудийлар Эрон, Афғонистон, Хива, Кўкон ва Бухоро жамоаларига бўлиниб кетган.

Ўзбекистонда яхудийликнинг икки йўналиши мавжуд: сефардлар (шаркий яхудийлар), ашкиназлар (европа яхудийлари). Сефардларни асосан Бухоро яхудийлари ташкил этади. Бухоро яхудийларининг Ўрта Осиёга кириб келишлари қачон бошлангани бўйича илмий доираларда яқдил фикр йўқ. Яхудийлар энциклопедиясида Бухоро худуди Библиядаги Хабар билан, яъни исроилликларнинг ўн пушти сурғун қилинган жойлардан бири сифатида эътироф этилган (милоддан аввалги 722-йил). Этнографик тадқиқотлар Бухоро яхудийлари ўзларини ассурий ва вавилон асиrlарининг авлодлари деб ҳисоблашларини кўрсатган. Факт жиҳатидан илк яхудий жамоаси Балх (Жанубий Бактрия)да милодий IV асрда мавжуд бўлгани тасдиқланган. XIX асрга қадар яхудийлар Бухоро амирлиги худудида алоҳида жамоа бўлиб яшаганлар. Чор Россияси Туркистонни босиб олгандан сўнг, XIX асрнинг иккинчи ярмидан яхудийлар Тошкент шаҳри ва Фарғона водийсига ҳам тарқала бошлаганлар.

Хозир республикада жами 8 та яхудий жамоаси, шу жумладан, Тошкент шаҳри (3), шунингдек, Бухоро (2), Самарқанд (2) ва Фарғона

<sup>168</sup> Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 194.

<sup>169</sup> The Global Religious Landscape. Pew Research Center. Washington, D.C. 2012. P.43.

вилоятларида (1) фаолият кўрсатиб келмоқда. Улардан бири (Тошкент ш.) Европа яхудийлари (ашкиназлар) йўналишига, қолганлари сефардларга мансуб.

### Ўзбекистон Библия жамияти



Библия жамиятлари – Библияни оммалаштириш мақсадида тузиладиган христиан ташкилот ва уюшмалари бўлиб, кўпроқ протестантлар томонидан ташкил этилади. Дастлабки Библия жамиятлари XVII–XVIII асрларда Англияда вужудга келган.

Россияда ушбу йўналишдаги ташкилотлар – Россия Библия жамияти 1812 йилдан, протестант йўналишидаги Евангель Библия жамияти 1831 йилдан, шунингдек, Россияда Муқаддас ёзувларни тарқатиш жамияти 1863 йилдан фаолият кўрсата бошлаган.

Библия жамияти уюшмаси (БЖУ, инглизча – «United Bible Societies») – миллий Библия жамиятларини бирлаштирувчи халқаро христиан ташкилоти бўлиб, Буюк Британияда 1946 йили Фарбий Европада жойлашган 13 та Библия жамиятининг уюшмаси сифатида ташкил этилган.

БЖУга аъзо бўлиш истагини билдирган ташкилотнинг бош мақсади Библияни ҳар бир инсонга у тушунадиган тилда, умуман шарҳсиз ва арzon нарҳда етказишидир. 2008 йилнинг бошига келиб, уюшмага 200 дан зиёд мамлакатда фаолият юритувчи 144 та Библия жамияти аъзо бўлган.

БЖУнинг фаолияти христианлик дини ичидаги конфессиялараро мазмунга эга. XX асрнинг 60-йилларига қадар ташкилотда асосан протестант черковлари фаолият кўрсатган бўлса, Иккинчи Ватикан Соборидан сўнг уюшмага католик черковлари ҳам кўшила бошлаган. Кейинчалик, БЖУнинг фаолиятида православ черковлари ҳам иштирок эта бошладилар.

БЖУнинг асосий фаолият соҳалари Библия ва унга кирувчи алоҳида китобларни, Библияни ўқиш ва тушунишга ёрдам берувчи

ўкув кўлланмаларини турли тилларга таржима ва нашр қилиш ҳамда тарқатишдан иборат.

БЖУнинг маркази Англияниң Рединг шаҳрида жойлашган. Ташкилот раҳбари президент саналиб, у Бутунжаҳон Ассамблеясида сайланади. 2004 йилнинг август ойидан бўён ташкилотга Джордж Бартон (Янги Зеландия) раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ўюшманинг охири, 2004 йили Лондонда бўлиб ўтган Бутунжаҳон Ассамблеясида «Ньюорт Ассамблеяси Декларацияси» қабул қилинган. Мазкур хужжат миллий Библия жамиятларига ёшлар ичida «евангелизация (инжилластириш)» ишларини жонлантириш максадида янги ахборот воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш, видеоматериаллар, комикслар тайёрлаш, турли диаспора, меҳнат мигрантлари, кочоқлар, маҳбуслар билан ишлаш учун маҳсус дастурлар яратишини тавсия қилган<sup>170</sup>.

Ўзбекистон Библия жамияти БЖУнинг аъзоси бўлиб, ташкилот 1994 йили расмий рўйхатдан ўтган.

#### **1.4. Миссионерлик ва прозелитизм: тарих ва бугунги қун, юзага келаётган ижтимоий муаммолар, хукуқий баҳо**

Миссионерлик (лотинчада «missio» – «юбориш», «вазифа топшириш») муайян дин, конфессия, номинация ёки секта вакилларининг ўз диний таълимотини тарғиб қилиш ва тарқатишга қаратилган фаолияти ҳисобланади<sup>171</sup>. Миссионер (missionary) ўзи эътиқод қилувчи диний таълимотни ўзга дин вакиллари ичida тарқатиш билан шуғулланувчи шахс ҳисобланади.

Миссионерлик одатда миллий динлардан бошқа деярли барча динларда учрайди. Миссионерлик фаолиятини фуқаровий мансублик жиҳатидан ташқи (хорижда амалга ошириладиган) ва ички (мамлакат ичida) турларга ажратиш мумкин. Хусусан, христианликнинг католик ва православ йўналишларида миссионерлик билан руҳонийлар шуғулланса, протестант конфессияларида миссионерлик барча диндорларнинг бурчи ҳисобланади.

Миссионерликнинг узвий қисми бўлган прозелитизм (грекча «proseh/tos» – янги эътиқодни қабул қилган одам) – муайян дин, конфессия, номинация ёки секта вакилларининг ўзга дин вакиллари

<sup>170</sup> Сайт «Седмица.ру». URL: <http://www.sedmitza.ru/news/312272.html>

<sup>171</sup> Миронов О. Словарь религиозных терминов. – Воронеж : «Воронеж», 2002. – С. 25.

ёки даҳрийларни бевосита ўз динига киритишга қаратилган назарий ва амалий фаолияти саналади. Иккинчи маънода прозелитизм янги дин ғояларини қабул қилган шахснинг ушбу динга кучли садоқатини англатади<sup>172</sup>.

Дастлабки миссионерлар қаторида милоддан аввалги III асрда Ҳиндистонда подшоҳ Ашока томонидан қўшни мамлакатларга буддавийликни тарғиб қилиш учун юборилган роҳибларни қайд этиш мумкин.

Милоднинг илк даврларида миссионерлик кўпроқ Рим католик черкови устувор ўрин тутган Фарб мамлакатларида кенг ривожлана бошлаган. Таъкидлаш жоизки, миссионерлик, албатта, биринчи навбатда черковнинг диний таълимотига монанд евангеллаштириш ва католик динини ёйишга қаратилган бўлса-да, ушбу фаолият сиёсий мақсадлар – мустамлакалаштириш ва ўзлаштирища ҳам кенг кўламда фойдаланилган. Жумладан, XV–XVI асрларда Испания ва Португалияning Лотин Америкаси ва Африка қитъаларидаги мустамлакаларининг вужудга келишида католик черковининг миссионерлари мухим роль ўйнаган.

1622 йилда Рим Папаси Григорий XV католик миссионерлик ҳаракатини кенгайтириш мақсадида дин даъвати Конгрегацияси (1967 йилдан буён – халқларни инжиллаштириш Конгрегацияси) ни таъсис этган. Миссионерлар самарали фаолият олиб бориш учун ўзлари бораётган мамлакат халқлари динлари ва урф-одатларини пухта ўрганган. Мисол тариқасида Г.де Любянинг «Шарқда буддавийлик билан учрашув», М.Рикки (1552–1610) ва Ж.Ф.Лафитонинг (1670–1740) «Америкаликларнинг ибтидоий даврга хос ёввойи табииат» каби асарларини кўрсатиш мумкин<sup>173</sup>. Испания томонидан Лотин Америкасини мустамлакага айлантириш амалга оширилган даврда католик черкови миссионерлари Америка ҳинду қабилаларининг тилларини ўрганиб, даъват ишлари ўтказиш мақсадида улар учун маҳсус алифоба ишлаб чиққанлар.

XVII–XVIII асрларда Голландия ва Буюк Британияning колониал сиёсати авж олгани муносабати билан миссионерлик ушбу

<sup>172</sup> Сайт «Национальная социологическая энциклопедия». URL: <http://didacts.ru/dictionary/1010/word/prozelitizm>

<sup>173</sup> Тимошук А. С., Федотова И. Н., Шавкунов И. В. Введение в религиоведение : Учеб. пособие. ВЮИ ФСИН России. – Владимир : Владимирский юридический институт Минюста России, 2011. – С. 13.

бўлиб, XIX асрдаёқ таникли геосиёсат\*чи А.Мехен мазкур худудни «Можаролар зонаси» деб атаган эди<sup>177</sup>. Агар бугунги кун воқелигига эътибор қаратсак, ҳозирги ижтимоий-сиёсий кескинликлар, куролли можароларнинг аксарияти «10-40 ойна» ичидаги мамлакатларда рўй бермоқда.

1990-йилларда сабиқ социалистик лагерь парчаланиб кетиши натижасида Шарқий Европа ва сабиқ Совет Иттифоқи худудида вужудга келган мустақил давлатларда Фарб мамлакатларида жойлашган турли протестант жамоаларининг ўта фаоллашуви кузатилиди. Махаллий аҳоли учун анъанавий бўлмаган диний жамоа тарғиботчилари жамият ва давлат олдида ижтимоий тотувликни сақлаш бўйича хеч қандай масъулият олмаган ва ҳис этмаган ҳолда фақат ўз сафини кенгайтириш билан машғул бўлган. Масалан, биргина Россиянинг ўзида 2000-йилларнинг охирида 4,5 мингдан зиёд протестант черков ва деноминациялари расмий рўйхатдан ўтган.

Бугунги кунга келиб, Украина христиан миссионерлик ташкилотларининг МДҲ давлатлари ичидаги энг йирик қўнимгоҳига айланди. Мазкур мамлакатнинг қонунчилигида чет элликлар учун визаларнинг бекор қилингани, диний ташкилотларга хориждан мустақил хайрия ёрдами олиб, тарқатишига рухсат берилгани, шунингдек, диний тамойилларни таълим тизимининг барча бўғинларида – болалар боғчасидан тортиб, олий таълим муассасаларида рухсат берилгани янги диний конфессиялар, айниқса, евангелчи протестант жамоаларига кенг имкониятлар яратди<sup>178</sup>.

Ҳозир Киев шаҳрининг ўзида 4 та баптист ва 3 та пятидесятник семинариялари мавжуд бўлиб, бунинг устига Интернет тармоғи орқали сиртқи таълим бериш билан ҳам шуғулланмоқда. Харизматик пятидесятниклар йўналишидаги «Худо элчихонаси (Посольство Божье)» ташкилоти бугунги кунда Украинада 38 та черков очган. Нигериялик Сандей Аделадж етакчилик қилувчи мазкур черков таълимотида Фарб неолиберализмига хос индивидуализм ва эгоцентризм ғоялари тарғиб қилинади. Адептлардан юксак ахлокли бўлиши ва камтар ҳаёт кечириши

<sup>177</sup> Трофимчук Н., Свищев М. Элементы стратегии миссионерской деятельности: механизмы и нормы их практической реализации. Сайт «Псифактор». URL: <http://psyfactor.org/expan10.htm>

<sup>178</sup> Ваннер К. Социальное служение и миссии украинских мега-церквей: изучение двух примеров // Электронный журнал «ВОСТОК-ЗАПАД. Вестник Служений и Церквей», 2010. – Т. 18. – № 4. – С. 15.

талааб қилинмайди. Аксинча, бойлик микдори ва профессионал ўсиш инсоннинг Худонинг раҳматига эришганлик кўрсаткичи сифатида баҳоланади<sup>179</sup>. 2004 йили Украинада «рангли инқилоб» рўй берган даврда ҳар куни «Худо элчихонаси» черковининг 4 мингга якин аъзоси Майданда норозилик намойишларида қатнашган<sup>180</sup>.

Бир миллатга мансуб, бир тилда гаплашувчи, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган фуқароларни диний омил асосида бўлиб ташлашга қаратилган ҳаракатларни мазкур жамият учун таҳдид сифатида баҳолаш мумкин. Ноанъанавий диний жамоалар конфесиялараро низолар чиқиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олмай ўз сафини кенгайтиришга ҳаракат қилиши оғир оқибатларга олиб келади. Буни Африка ва Осиё минтақасидаги қатор мамлакатларда миссионерлик ва прозелитизм натижасида туб аҳолининг диний таркибидаги мувозанат бузилиши оқибатида турли дин вакиллари орасида доимий равища келиб чиқаётган можаролар мисолида кўриш мумкин.

Жумладан, Африканинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Судан Республикасининг асосий нефть захиралари жойлашган жанубий ҳудудлари ўтган аср давомида католик ва протестант миссионерлари томонидан фаол христианлаштирилган эди. Ушбу ҳудудда марказий ҳукуматга қарши қуролли чиқишилар оқибатида, айрим маълумотларга кўра, 1,5 млн.га якин одам нобуд бўлган. 2011 йили Африкадаги энг ийрик давлат ҳисобланган мазкур мамлакат мусулмонлар кўпчиликни ташкил этувчи Судан ва аҳолисининг асосий қисми христианлардан иборат Жанубий Судан Республикасига бўлиб юборилди<sup>181</sup>.

Индонезиянинг христианлаштирилган шимолий ҳудудлари – Суматра, Сулавеси ва Молукко ҳудудларида муттасил равища мусулмонлар ва христиан прозелитлари ўртасида диний низолар асосида тўқнашувлар, қотилликлар, террорчиллик ҳаракатлари рўй бериб туради. Маълумотларга кўра, ҳозир мусулмон аҳолисининг сони бўйича биринчи ўринда турадиган Индонезияда 27324 та христиан миссионерлари, 44 та Евropa ва 20 та АҚШ миссионерлик марказлари фаолият юритмоқда<sup>182</sup>.

<sup>179</sup> Там же, 17 с.

<sup>180</sup> Ваннер К. Социальное служение и миссии украинских мега-церквей: изучение двух примеров // Электронный журнал «ВОСТОК-ЗАПАД. Вестник Служений и Церквей», 2011. – Т. 19. – № 2. – С. 10.

<sup>181</sup> Филатов С. Судан: острые приступы «независимости». Сайт «Международная жизнь», 28.05.2012. URL: <http://interaffairs.ru/read.php?item=8496>

<sup>182</sup> Христианские миссионеры вычищают мусульманский мир. Сайт «МАРАНАФА

Масаланинг эътиборли томонларидан бири айрим янги харизматик етакчилар бошчилигига протестантлик асосида шаклланган диний жамоаларда адептларнинг онгини назорат қилиш, ҳўрлаш ва ҳатто, ўзўзини ўлдиришига мажбурлаш ҳолатлари қузатилмокда.

Жумладан, 1955 йили АҚШнинг Индианаполис штатида Жеймс Уоррен исмли шахс томонидан «Халқлар ибодатхонаси» черкови ташкил этилган. Кейинчалик черков қавми аввал Сан-Франсискога, 1977 йили эса Гайана оролига кўчиб ўтган. Бу ерда қавм Джонстаун номли ранчода жамоа бўлиб яшаган. 1978 йил 17 ноябрь куни Джонстаунга черков аъзоларининг оила аъзоларидан қариндошларига ушбу ерда зуғум ўтказилаётгани ҳақида ёзган шикоятларини ўрганиш учун АҚШ конгрессмени Лео Райан бошчилигига делегация келган. Бу ерни тарқ этиш истагини билдириган жамоанинг собиқ адептлари билан ортга қайтмоқчи бўлган Лео Райан ва бир неча делегация аъзолари аэродромда отиб ўлдирилган. 18 ноябрь куни эса Ж.Уорреннинг буйруғи билан черков қавми оммавий равишда заҳар ичиб, ўзларини ўлдириган. Жами 918 та жамоа аъзоси, улар қаторида 270 нафар гўдак ҳаётдан кўз юмган<sup>183</sup>.

Вернон Хауэл исмли шахс етакчилик қилган «Давидов шажараси» диний жамоаси Еттинчи кун адвентистлари таркибидан чиқсан бўлиб, қароргоҳи АҚШнинг Вейко шахри Маунт-Кармел ер-мулкида жойлашган. 1993 йилнинг февраль ойида полиция ушбу ерда болалар калтакланаётгани ҳақида хабар олиб, тинтуб ўтказмоқчи бўлган. Бироқ жамоа аъзолари икки ой давомида полицияни киритмаган. Охир оқибат, 19 апрель куни полиция куч ишлатиб кирмоқчи бўлганда секта етакчилари бинони ёкиб юборган. Оқибатда жамоанинг 76 нафар аъзоси, шу жумладан, ёш болалар нобуд бўлган<sup>184</sup>.

Хорижий ОАВда миссионерлар айрим Гарб мамлакатларининг маҳсус хизматлари манфаатлари учун ишлаётганликлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Жумладан, россиялик эксперталар протестантликка мансуб мормонлар черкови АҚШ маҳсус хизматлари учун жосуслик фаолияти билан шугулланади, деб ҳисоблайдилар<sup>185</sup>. Айни чорда АҚШ

888», 02.05.2011. URL: [http://chmm888.ru/news/khristianskie\\_missionery\\_vychishhajut\\_musulmanskij\\_mir/2011-02-05-5](http://chmm888.ru/news/khristianskie_missionery_vychishhajut_musulmanskij_mir/2011-02-05-5)

<sup>183</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org./wiki/Храм\\_народов](http://ru.wikipedia.org./wiki/Храм_народов)

<sup>184</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org./wiki/Бетъ\\_Давидова](http://ru.wikipedia.org./wiki/Бетъ_Давидова)

<sup>185</sup> Смирнов А. Великая миссия американских мормонов: код Ромни. Сайт «Радио голос России», 10.10.2012. URL: [http://rus.ruvr.ru/2012\\_10\\_10/Velikaja-missija-amerikanskikh-mormonov-kod-Romni/](http://rus.ruvr.ru/2012_10_10/Velikaja-missija-amerikanskikh-mormonov-kod-Romni/)

ахборот воситаларида 2012 йилнинг апрель ойида ҳукумат томонидан мормонларнинг маркази бўлган Юта штати Блаффдейл шаҳрида 2 млрд. доллар сарфлаб, дунёдаги энг ирик кибержосуслик маркази қуришга қарор қилинган. Мазкур марказнинг штати биринчи навбатда «мормонларнинг Гарварди» деб ном олган Бригма Янг Университети битиравчилари хисобидан тўлдирила бошланган<sup>186</sup>.

2007–2008-йилларда Қозогистонда «Благодать» протестант черкови-нинг Олма-ота ва Карагандада жойлашган бир неча ибодатхонасининг рухонийлари жосуслиқда айбланиб қўлга олинган. Тинтуб вақтида улардан ман этилган адабиётлар билан бир қаторда психотроп моддалар, шунингдек, черков жамоаси аъзоларининг ҳар бирига батафсил тайёрланган маълумотлар тўплами топилган. Адептларга нисбатан тўпланган маълумотларда шантаж қилишда ишлатиш мумкин бўлган фактларга эътибор қаратилган<sup>187</sup>.

Мустакилликнинг ilk давридан Марказий Осиё минтақасида ҳам турли ноисломий диний конфессиялар томонидан ўз диний қарашларини маҳаллий аҳоли ичидаги тарғиб қилишга қаратилган фаол ҳаракатлар амалга оширилди. Минтақа мамлакатларида туб аҳоли учун анъанавий бўлмаган диний конфессияларга мансуб ташкилотлар ҳам расмий рўйхатдан ўтиб, фаолият юрита бошлади. Жумладан, Қозогистонда 2012 йилнинг октябр ҳолатига кўра 17 та конфессияга мансуб 3088 диний ташкилот рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 2229 таси ислом, 280 таси православ, 2 таси буддавийлик, 4 таси яхудийлик, 6 таси баҳоийлик, 8 таси кришнаилар, 79 таси Рим католик черкови, қолган 480 таси протестантликдаги турли йўналишларга мансуб жамоалар хисобланади<sup>188</sup>.

Кирғизистонда 2011 йилнинг августида расмий рўйхатда 2299 та диний ташкилот турган бўлиб, улардан 1913 таси ислом, 51 таси православ, 4 таси католик, 1 таси буддавийлик, 1 таси яхудийлик, 12 таси баҳоийлик, 1 таси саентология, 316 таси турли протестант йўналишларига мансуб хисобланади<sup>189</sup>.

<sup>186</sup> Пугала Ж. П. Религиозный шпионаж США и России. Сайт «InoSMi», 05.02.2013. URL: [http://www.inosmi.ru/leral\\_net/20130214/205785090.html](http://www.inosmi.ru/leral_net/20130214/205785090.html)

<sup>187</sup> Ахметова А. Шантаж или пожертвования? В Казахстане заканчивают расследование дела церкви. Сайт «Центразия», 08.11.2012. URL: <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1352355240>

<sup>188</sup> Сайт Агентства по делам религий Казахстана. URL: [http://www.din.gov.kz/tus/dejatelnost\\_agentstva/ religioznye\\_obedinenija/?cid=0&rid=451](http://www.din.gov.kz/tus/dejatelnost_agentstva/ religioznye_obedinenija/?cid=0&rid=451)

<sup>189</sup> Кабак Д., Эсенгальдиев А. Свобода вероисповедания в Кыргызской Республике: обзор

Таъкидлаш жоизки, минтақа учун ноанъанавий бўлган янги диний жамоалар, айниқса, протестант жамоаларининг сафи асосан ислом динига эътиқод қилган туб аҳоли ва аввал православ динида бўлган христианлар ҳисобига кенгаймоқда. Кўшни Қозогистон ва Қирғизистонда миссионерлик қонунан ман этилмаган бўлиб, миссионерлар янги диний жамоаларнинг ғояларини очиқ тарғиб қилиш имкониятларига эга.

Миссионерлар маҳаллий кадрлар тайёрлашни муҳим вазифа ҳисоблайдилар. Чунки прозелит-фаоллар хорижлик миссионерларга ошкора фаолият олиб бормаган ҳолда маҳаллий жамоаларни бошкариш, молиявий ва бошқа шаклдаги фойда кўриш имкониятларини яратадилар. Одатда миссионерлар асосий эътиборни аралаш миллат вакилларидан иборат оиласларнинг аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, оғир хасталикка, жудоликка, моддий кийинчиликка дуч келган, ахлоқ тузатиш муассасаларидан чиқиб келган, яъни моддий ва маънавий қўмакка муҳтож кишиларга қаратмоқдалар. Шунингдек, уй бекалари, зиёлилар, ёшлар каби ижтимоий гурухлар ҳам миссионерларнинг «нишони» саналади.

Тарғибот-ташвиқот ишлари маҳсус теле ва радиодастурлар, Интернет тармоғи, эълон ва рекламалар орқали олиб борилмоқда. Миссионерлик мақсадларида маданий-маърифий ишлар, гуманитар ёрдам, туризм, текин пазандалик, тикувчилик, тил ўргатиш курсларига таклиф этиш, шифокор ва табиб кўригидан ўтказиш, спорт тўгараклари очиш, ёшлар сайллари уюштириш каби услублар кўлланилмоқда<sup>190</sup>.

Минтақада бошқа конфессияларга нисбатан кенг фаолият юритаётган хорижий протестантлар миссионерлик марказлари ўз фаолиятларини қўйидаги услубларда амалга оширмоқда:

1. Таълим. Жанубий баптистларнинг Халқаро хизмат корпуси (ISC, АҚШ) 1990 йилдан Ўрта Осиёга таълим тизимида ишлаш учун волонтёрларни жўнатмоқда. «Халқаро очиқ эшиклар (Open Doors International)» ташкилоти етакчи тайёрлаш, Библияни ўрганиши бўйича кисқа муддатли курслар ташкил этади. «Ўрта Осиё христиан мактаблари» Ассоциацияси бошланғич мактаб ва ёзги таълим лагерлари, «Халқаро христиан лагерлари (Christian Camping

правового обеспечения и практики. – Бишкек : «Открытая позиция», 2011. – С. 13, 23, 24.

<sup>190</sup> Оразбаева Г. К проблеме миссионерской деятельности в РК. Сайт «Управления внутренней политики Акмолинской области». URL: [http://uvp.akmol.kz/home/relig\\_101](http://uvp.akmol.kz/home/relig_101)

International)» уюшмаси эса болалар учун ёзги дам олиш лагерлари ташкил этиш орқали миссионерлик билан шуғулланади.

Қатор миссионерлик марказлари минтақада тил ўргатиш марказлари паноҳида ўз фаолиятини йўлга қўйган. 2000-йилларда «Халқаро таълим хизмати» (Международная образовательная служба) христиан-хайрия ташкилотининг инглиз тили, менежмент ва ҳукукшунослик каби йўналишлар бўйича миссионер-ўқитувчиларни тайёрлаб, Венгрия, Россия, Хитой ва Марказий Осиё республикаларига юбориш билан фаол шуғулланиши кузатилган<sup>191</sup>.

2. Иктиносидий омил. АҚШ ва Буюк Британиянинг «Frontiers», «People International», «Interserve» каби миссионерлик марказлари минтақада фаолият юритаётган йирик ғарб компанияларининг ходимлари ичига ўз миссионерларини юборадилар.

3. Христиан ОАВ. 2002 йил октябрида Финляндияда жойлашган Халқаро диний радио ва телевидение (MPP/TB), Билли Грэмнинг Евангел Ассоциацияси (Россия) ва «Янги ҳаёт» (Campus Crusade for Christ) миссияси Ўрта Осиё христиан телерадио ассоциациясини ташкил этган. Шунингдек, FEBC (Far Eastern Broadcasting Company), «Анд овози» (НСВ World Radio) каби радиостанциялар орқали Ўрта Осиё халқлари тилларида миссионерлик тарғиботи олиб борилмоқда.

4. Христиан адабиётларини тарқатиши. «Slaviska Missionen» (Швеция), «People International» (Буюк Британия), «Халқаро Библия жамияти» (АҚШ, Швеция) каби ташкилотлар Библияни маҳаллий тилларга таржима қилиб, турли йўллар билан минтаقا аҳолиси ичida тарқатишига қаратилган фаолиятни амалга оширмоқда.

5. Қисқа вақтли миссиялар. «People International», «Халқаро очиқ эшиклар» (Уитни, Оксон, Англия), «Ёшлар миссияси» (Амстердам, Нидерландия), Жанубий баптистлар (АҚШ) минтақада ижтимоий лойиҳалар амалга ошириш орқали евангеллаштириш ўтказиш учун қисқа муддатларга миссионерлар юбориш билан шуғулланадилар.

6. Черковлараро алоқа ўрнатиши. Марказий Осиёдаги айrim миссионерлик марказлари минтақадаги протестант черковлари билан Ғарбда жойлашган черковлар орасида ҳамкорликни йўлга қўйиш билан шуғулланадилар<sup>192</sup>.

<sup>191</sup> Миссионеры США готовят очередную группу учителей для «непросвещённых» стран бывшего соцлагеря. Сайт «Sedmica.orthodoxy.ru», 14.08.02. URL: <http://www.sedmica.orthodoxy.ru/50-21-08-02.php>

<sup>192</sup> Эндрю Кристиан ван Гордер. Постсоветские протестантские миссии в Средней

Миссионерлик фаолиятининг молиявий манбаларини чет элда жойлашган марказлари кўрсатадиган молиявий ёрдам, жамоа фаоллари бошкарадиган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо шаҳобчаларининг фаолиятидан келадиган даромад, жамоа аъзоларининг тўлайдиган ойлик бадал ва жамоага мойиллиги бор шахслар томонидан бериладиган хайрия маблағи ташкил этади.

Миссионерлик билан шуғуланаётган диний конфесияларда «ихтиёрий-мажбурий» тарзда ойлик бадал йигиб борилиши ва мазкур маблағ ҳеч қандай ҳисоботсиз черков раҳбарияти томонидан тасарруф этилишини алоҳида қайд этиш лозим. Масалан, минтақада фаол ҳаракат қилаётган «Халқаро христиан лагерлари» уюшмасининг христиан лагерлари мураббийлари учун мўлжаллаб чиқарилган кўлланмасида «Худонинг раҳматига эришиш «десятина» (ойлик маошининг 10 фоизи миқдоридаги бадал пули) тўлашга боғлиқ, «десятинани тўла ва Худони алдама» деб очиқдан-очиқ бадал пули тўлаш талаб қилинади<sup>193</sup>.

2011 йилнинг сентябрь ойида Қозогистоннинг Олма-ота аэропортида ушбу шаҳарда жойлашган «Благодать» черковининг пастори Ким Сам Сон ноқонуний тарзда 130 минг АҚШ долларини мамлакатдан олиб чиқиб кетаётганида божхона ходимлари томонидан ушланган. Пастор ушбу пулларни черков жамоаси хайрия сифатида берган деб эътироф қилган<sup>194</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистонда айрим ноисломий диний конфесияларнинг вакиллари, шу жумладан, норасмий жамоа аъзолари томонидан қонунга хилоф равишда диний сабоқ бериш, ноқонуний йўллар билан диний адабиётларни республика худудига олиб кириш ва тарқатиш, хусусий хонадонларда белгиланган тартибларга зид равишда диний йигинлар ўтказиши, эшикма-эшик юриб диний қарашларини тарғиб қилиш, аҳоли ичидаги ўзларининг диний экспертизадан ўтказилмаган буклет, журнал, электрон дискларини тарқатиш каби қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда.

---

Азии // Электронный журнал «ВОСТОК-ЗАПАД Вестник Служений и Церквей», 2009. – Т. 17. – № 3. – С. 14–16.

<sup>193</sup> Книга для наставника. ХМЛ. Дейв и Элфрида Лоуэн. – Издание 5-е. / Пер. А. Харитонова. – Санкт-Петербург, 2002. – С. 132.

<sup>194</sup> В аэропорту Алматы с крупной суммой незадекларированных долларов задержан пастор церкви «Благодать» Ким Сам Сон. Сайт «Kazakhstan Today», 19.09.2011. URL: [http://kt.kz/rus/power\\_structures/v\\_aeroportu\\_almati\\_s\\_krupnoj\\_summoj\\_nezadeklarirovannih\\_dollarov\\_zaderzhan\\_pastor\\_cerkvi\\_blagodatj\\_kim\\_sam\\_son\\_1153544894.html](http://kt.kz/rus/power_structures/v_aeroportu_almati_s_krupnoj_summoj_nezadeklarirovannih_dollarov_zaderzhan_pastor_cerkvi_blagodatj_kim_sam_son_1153544894.html)

Республикада диний соҳадаги қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг талабларини бузиш аксарият ҳолларда «Иегов шоҳидлари», Тўлик инжилчи христианлар, Еттинчи кун христиан адвентистлари, Евангел христиан баптистлар черкови, «Голос Божий» черковлари, Корейс-протестант черковлари, шунингдек, Баҳоий диний жамоалари ва Кришнани англаш жамиятининг айрим расмий ва норасмий жамоалари вакиллари томонидан амалга оширилмоқда. Таҳлил шуни кўрсатадики, динини ўзгартираётган шахслар (прозелит)ларнинг аксарияти ушбу дин ақидаларини чукур тушуниб қабул қилмаган, балки миссионер томонидан кўлланилган усул таъсири остида эътиқодини ўзгартирмоқда. Бугунги кунда республикада миссионерлик фаолиятида кўлланилаётган асосий усуллар қўйидагилардан иборат:

– ёшларга инглиз, корейс тилини, компьютерда ишлашни ўргатиш баҳонасида ўкув курслари очиши ва мазкур жойларда ўз динига тарғиб қилиш;

– хорижга ўқишига, ишга ёки чет эл фуқароси билан оила қуриш учун жўнатиш баҳонасида фойдаланиш;

– болалар ва ўсмиirlарни ёз фаслида черков қошидаги ёки тогли худудлардаги дам олиш лагерларига жалб қилиш ва шу ерда таъсир ўтказиш;

– хайрия ёрдами (пул, дори-дармон, кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш) кўрсатиш, уй таъмирлашда кўмак бериш давомида миссионерлик ҳаракатларини олиб бориш;

– бепул тиббий ёрдам кўрсатиш баҳонасида bemorга таъсир ўтказиш;

– черковларда бепул овқат тарқатиш.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласаларга эчки, сигир олиб бериш, байрам кунлари маҳаллаларда болаларга совғалар тарқатиш, «Муруват» ва «Саховат» уйларида байрам столлари ташкил этиш, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасининг мураккаб экологик ҳолат мавжуд худудларида «ичимлик сувини яхшилаш», «бола ва оналарнинг саломатлигини мустаҳкамлаш» каби кўринишидан хайрли мақсадларга йўналтирилган дастурлар доирасида аҳоли ичидаги миссионерлик фаолияти олиб боришга қаратилган ҳаракатлар ҳам кузатилган<sup>195</sup>.

<sup>195</sup> Очилдиев А. Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга юз жавоб). – Т. : Тошкент ислом университети,

Кейинги йилларда миссионер диний жамоалар хориждан келган талаба ва меҳнат мигрантларига таъсир ўтказишга ҳаракат қўймокдалар. Жумладан, Россия евангель христианлари бирлашган уюшмаси Марказий Осиё республикаларидан келган меҳнат мигрантлари ичida миссионерлик фаолиятини олиб бораётгани, уларнинг миллий тилларида миссионерлик адабиётлари нашр қилиниб, мигрантлар ичida тарқатишга қаратилган ҳаракатлар кузатилмоқда<sup>196</sup>.

Маълумки, оила жамиятнинг ва алоҳида давлатларнинг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Оилаларда мамлакатнинг келажаги – ёш авлод дунёга келади ҳамда ўсиб келаётган янги авлодга маънавий-ахлоқий қоидалар ўргатилади, миллий қадриятлар сингдирилади. Оила барқарорлигини бузишга олиб келувчи ҳаракатларни мамлакат келажагига таҳдид сифатида баҳолаш мумкин. Миссионерлик билан шуғулланаётган ноисломий жамоаларнинг аксариятида оила аъзоларини ҳам ўз динига даъват қилиш, фақат ўз динидаги шахс билан турмуш қуриш шарт этиб қўйилгани оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ўз динини ўзгартирган шахсларнинг оиласида қуидаги салбий ҳолатлар кузатилмоқда:

- оила бузилиши, секта ёки ноанъянавий диний жамоага аъзо бўлганларнинг боласини ташлаб кетиши оқибатида етимларнинг пайдо бўлиши;
- прозелитларнинг ота-онасига ғамхўрлик қўйишлари;
- оилада ўзаро ишончсизлик вужудга келиши оқибатида болаларнинг тарбияси издан чиқиши;
- айрим ноанъянавий диний ўйналишларда мавжуд бўлган қавм аъзоларидан шахсий мулкни диний жамоага ўтказиш ҳақидаги талаб натижасида турли можаровий ҳолатларнинг рўй бериши;
- прозелитлар томонидан жисмоний ва руҳий таъсир орқали оила аъзоларини ўз динига ўтказишга қаратилган ҳаракатлари;
- прозелитлар ўз яқинлари ичida тарғибот ўтказишлари сабабли оиласи низоларнинг келиб чиқиши.

Миссионерликнинг салбий оқибатлари ҳақида гапиргандада мазкур фаолият билан фаол шуғулланаётган айрим ноисломий диний

2013. – 119 – 121 б.

<sup>196</sup> Пятидесятники усилият миссию среди мигрантов из Средней Азии. Сайт «Интерфакс», 23.10.2012. URL: <http://www.interfax-religion.ru/krz/?act=news&div=48523>

конфессияларнинг ақидаларида фуқароларнинг оила, жамият ва давлат олдидаги маънавий ва қонуний мажбуриятларига зид келувчи гоялар мавжуд эканига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Жумладан, «Иегов шохидлари» жамоаси аъзолари ўзлари яшайдиган давлатни давлат сифатида тан олмайди. Улар учун ягона теократик ҳукумат «Иегов шохидлари» ташкилотининг Бошқарув корпорацияси ҳисобланади. Сиёсий фаолият, ҳарбий хизмат ўташ, жамоат ишларида қатнашиш, давлат рамзларига хурмат кўрсатиш, бошқа динга мансуб шахсларнинг диний маросимларида, ҳатто дафн маросимида қатнашиш ман қилинганди. Қоидаларни бузган шахс ташкилотдан четлатилиб, ташкилот аъзоларига, ҳаттоки, унинг оила аъзоларига ҳам у билан мулоқотда бўлиш ман этилади. Бундай мафкура ўзбек халқи миллий менталитетига зид экани кўриниб турибди.

«Кришнани англаш жамияти» асосчиси А.Ч.Бхактиведанта Свамнинг «Бхагавад-Гита қандай экани» асарида фарзандлар «одам танасининг иккиласмчи маҳсулоти», «Ўзининг иккиласмчи маҳсулотини қариндош деб билувчи, түғилган ерини эъзозлашга муносиб санайдиган инсонлар эшак каби ҳисобланади», «Кришнага хизмат қилаётган шахс ўз фаолиятини моддий дунё билан мувофиқлаштиришига ҳожат йўқ, жумладан оиласи, миллиати ва умуман, одамзод олдидаги мажбуриятларини бажаришни ҳам», «Кришнани англаш ва унга хизмат қилиш учун Аржун сингари барча нарсадан воз кечиши керак. Аржун ўз қариндошларини ўлдиришни хоҳламаган эди, бирок қариндошлари Кришнани англаш йўлида тўсиқ бўлганидан сўнг Аржун уларга қарши жанг қилди» деб қайд этилган<sup>197</sup>. Бундай ақида фарзандларни севиши ва уларни меҳр билан тарбиялаш, яқинларига фақат яхшилик қилиш, Ватан\*га хурмат ва садоқат каби ўзбек халқининг энг қадимий қадрият ва анъаналарига буткул тескаридир.

Баҳойилар жамоаларида, «Евангель христиан баптистлар черковлари Кенгаши» жамоаси аъзоларига ҳам ҳарбий хизмат ўташ ман этилгани Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-модасида қайд этилган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш, қонунда белгилаб қўйилган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбур эканликлари ҳақидаги бурчларига зид келади.

<sup>197</sup> А. Ч. Бхактиведанта Свами Пррабхупада. Бхагавад-гита как она есть. Глава 2, комментарий 20; глава 3, комментарий 40; глава 2, комментарий 41; глава 13, комментарий 8–12. URL: <http://royallib.ru>.

Юқорида қайд этилганлар бугунги кунда Марказий Осиё, хусусан, республикада миссионерлик ҳаракатларини алоҳида бир конфесия вакилларининг соғ диний фаолияти сифатида эмас, балки аниқ стратегия асосида, хорижий клерикал\* марказлар ва айрим Ғарб мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланётган, тизимли равишда миңтақа мамлакатлари миллий хавфсизлиги ва жамиятнинг маънавиятига қарши амалга оширилаётган экспансия сифатида баҳолашга тўла асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, виждан эркинлиги инсон ҳуқуқлари<sup>\*</sup>нинг муҳим кисми бўлиб, давлат фуқароларнинг мазкур қонуний диний ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошира олишлари учун зарур ҳуқуқий муҳитни яратади. Айни чоғда фуқаролар ўз виждан эркинлигини амалга оширишда жамиятнинг бошқа аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этмасликлари лозим. Ушбу тамоили БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда 217А (III)-сонли резолюцияси қабул қиласан «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 29-моддаси 2-бандида қўйидагича ифодаланган: «Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда хурмат қилинишини таъминлаш, фақат ахлок, жамоат тартиби, умумий фаровонликнинг одилона талабларини қондириш мақсадида қонунда белгиланган чеклашларга риоя этиши керак»<sup>198</sup>.

Қонун устуворлиги таъминланган барча давлатларда виждан эркинлиги шиори остида мазкур жамиятда бекарорлик келтириб чиқарувчи ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Дунёдаги аксарият давлатларда виждан эркинлигини амалга оширишда суистеъмолларга йўл қўйилишининг олдини олишда қонуний чоралар белгиланган бўлиб, ушбу қонунлар олдида барчанинг баробар эканини таъминлаш қонун устуворлиги тамоилининг зарурий шарти саналади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ «Бир диний конфесия<sup>\*</sup>даги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар».

<sup>198</sup> З-иловага қаранг.

Республикада миссионерлик ва прозелитизм билан боғлиқ ноконуний ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс ва Жиноят Кодексининг кўйидаги моддаларида жавобгарлик белгиланган:

*Ўзбекистон Республикаси МЖТК:*

– 184-2-модда: диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ёки тарқатиш;

– 201-модда: йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш; диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш;

– 202-1-модда: гайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишига ундаш;

– 240-моддасида эса нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг маҳсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўгараклар ҳамда гурухларни ташкил этиш ва ўтказиш; бир конфесияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти;

– 241-модда: маҳсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш;

*Ўзбекистон Республикаси ЖК:*

– 145-модда: вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш; фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўскинлик қилиш билан диндорлардан мажбурий йигим ундириш ва солиқ олиш;

– 216-модда: гайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равища тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек бундай бирлашмалар ёки ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш;

– 216-1-модда: ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этиш;

– 216-2-модда: нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, рухонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг маҳсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гурухларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этиш; бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этиш;

– 217-модда: диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этиш;

– 244-3-модда: диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида конунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этиш.

Миссионерлик ва прозелитизм билан боғлиқ қонунбузарликларнинг олдини олишда ўз-ўзини бошқариш органларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Чунки аксарият ҳолатларда миссионерлик билан шуғулланувчи жамоалар хонадонларда черков очиш, маҳаллаларда эшикма-эшик юриб тарғибот ўтказиб ҳамда ўзларига мойил одамларнинг уйига келиб, моддий ёки бошқа ёрдам кўрсатиш орқали даъват ишларини ташкил этади. Шунингдек, айнан маҳалла кўмитаси ёрдамга муҳтож одамларга хайрия ёрдами кўрсатиш орқали уларнинг миссионерлар гирдобига тушиб қолишининг олдини олишда ташаббускор сифатида фаолият юритиши мақсадга мувофиқ саналади.

Фуқароларда миссионерликнинг мазмун-моҳияти ҳақида холис ва етарли тушунчалар ҳосил қилиш орқали унга қарши иммунитет шакллантирилади. Мазкур жараён асосан комплекс равища ташкил этиладиган, барча ижтимоий қатламларни, айниқса, миссионерлар қўпроқ «нишон»га оладиган тоифа фуқароларни қамраб оладиган

маънавий-маърифий тадбирлар, профилактик ва тушунтириш ишлари шаклида амалга оширилади. Айни вақтда, ёшларнинг турли норасмий, ноисломий диний жамоаларнинг таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда ўқув муассасалари ва маҳалла қўмитаси томонидан тизимли равишда тушунтириш ишлари олиб борилиши мухим ўрин тутади.

Шу билан бирга, миссионерликнинг олдини олиш билан боғлиқ тарғибот ва тушунтириш ишларида республикада виждан эркинлиги қонунан кафолатланганини ҳисобга олган ҳолда масалага ёндашиш, миссионерликнинг реал таҳдидини ҳаётий мисолларда ёритиб бериш ва бундай фаолият республикада қонунан ман этилганини тушунтиришга эътибор қаратиш лозим.

### **1.5. Тасаввуф ғоялари ва суфийлик: тарих ва замонавий ҳолат**

Тасаввуф исломнинг суннийлик йўналишида VIII–IX асрларда вужудга келган ва X–XII асрларда мустақил диний-фалсафий таълимот сифатида шаклланган мистик-аскетик йўналиш ҳисобланади. Тасаввуф яхлит бирлиқдан эмас, балки алоҳида «тариқат» жамоаларидан иборат.

Тасаввуфнинг шаклланишига туртки бўлган зоҳидлик, таркидунёлик ғоялари исломнинг илк давридан вужудга келган. Айрим мутахассислар VII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган саҳобалар Абу Зарр ал-Фиффорий, Хузайф ибн ал-Ямон, Салмон ал-Форисий, Ҳасан ал-Басрийни дастлабки тасаввуф намояндалари ҳисоблайдилар. Шу билан бирга, кўпчилик мутахассислар томонидан тасаввуфнинг диний-фалсафий оқим сифатида шаклланиши VIII асрнинг ўртаси, IX асрнинг бошида деб эътироф қилинади<sup>199</sup>. Дастлабки суфийлар ҳадис тўпловчилар, дарбадар дарвиш\*лар, қорилар, тақводор хунарманд ва савдогарлар бўлган.

XI аср, XII асрнинг ўрталарига келиб Ҳурсондаги суфийлар тўпланадиган жой – қаландархоналарда «устоз (шайх, муршид, пир) – шогирд (мурид)» институти шакллана бошлаган. Тасаввуф таълимотига биноан, суфийлик инсоннинг қалбини ёмон иллатлардан тозалаш ва яхши хулқни сингдириш йўли саналиб, ушбу йўл тариқа – ҳақиқатни илоҳий англаш усули ҳисобланади. Ушбу йўлни «мурид» (арабча «қидиরувчи») аввал мазкур йўлни ўтиб, ўз устозларидан шогирд тайёрлашга руҳсат олган «муршид» («руҳий устоз») кўли остида босиб ўтиши лозим.

<sup>199</sup> Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – С. 225.

«Суфий» сўзининг келиб чикиши юзасидан олимлар қуидаги турли тахминларни билдирадилар:

- «сафо» – «тозаланиш» сўзидан олинган;
- арабларнинг мудар қабиласига мансуб бўлган ва ўта тақводор ҳаёт кечирган бани Суфий оиласи аъзоларидан ибрат олган мусулмонлар ўзларини шундай атаган;
- «сафф» – «қатор» сўзидан, яъни суфийлар мусулмонларнинг олдинги сафларида туради деб қиёсан олинган;
- «суффа» – «айвон» сўзидан, зоҳид ҳаёт кечирган, «Масжидул Ҳаром» ёнидаги айвонда яшаган саҳобийларга боғлик;
- «сифат» – илк суфийлар барча ижобий сифатларни ўзларига жо қилган;
- «сафват» – «танланган», яъни илк суфийлар Аллоҳ томонидан танланган деган маънода;
- тасаввуф сўзи алоҳида маънога эга харфлардан иборат: «те» – зоҳирий ва ботиний тавба, «сад» – «сафо», тозаланиш, софлик, «вов» – «валоят», Аллоҳга яқин бўлиш, «фе» – «фано», Аллоҳга сингиб кетиш, суфийнинг Аллоҳ ризосига етишуви<sup>200</sup>.

Аксарият мутахассислар суфий сўзи «суф» – «жун» сўзи асосида юзага келган, яъни илк суфийларнинг барчаси факирона ҳаёт кечириб, қўпол жундан тикилган кийим (хирқа) кийиб юрган деб эътироф қиласидилар.

Тасаввуфга кўра, суфий руҳий камолотга тўртта босқични босиб ўтиш орқали эришади: шариат (ислом таълимотига тўлиқ амал қилиш), тариқат (муриднинг ўз шайхига итоатда бўлиб, руҳий тарбияланиши), маърифат (Аллоҳни, яхшилик ва ёмонлик нисбий эканини ақл билан эмас, юрак билан англаш), ҳакиқат (ҳакиқатга тўла етишиш). Тариқат уламолари суфийнинг камолотида учта ижтимоий омил муҳим ўрин тутишини қайд этадилар: ихрон (тариқат ичидаги мустаҳкам бирлик), макон (мурид пирнинг тарбиясини изчил олиб бориши) ва замон (суфий тарбияланаётган даврда мамлакат ижтимоий жиҳатдан барқарор бўлиши керак).

Суфийлик даставвал сунний уламолар томонидан бидъат сифатида баҳолангандар. Тахминан XI асрдан суфийлик ва сунний илоҳиёт орасидаги жiddий қарама-каршиликлар бартараф этилиши

<sup>200</sup> Энциклопедия суфизма. / Пер. с арабского. Юсуф Хаттар Мухаммад. – М. : Ансар, 2005. – С. 14.

билин тасаввуф шайхлари ва сунний уламолар орасидаги зиддиятли муносабатлар бирмунча барҳам топган.

Тасаввуф-мистик қарашлар икки йўналишда ривожланган. Биринчиси суфийларнинг ахлоқий камолот орқали мистик билимини ошириши саналади. Ушбу йўналишга Жунайд Бағдодий (Х аср) асос соглан бўлиб, кейинчалик Абдул Карим Жилий «Ал-инсон ал-комил» асарида бир тизимга келтирган. Ушбу таълимотда турли руҳий машқлар ва муроқаба асосий ўрин тутиб, суфийлар дунёсида «ваҳдат ал-шухуд» деб аталади<sup>201</sup>.

Иккинчи йўналиш тасаввуф намояндаси Боязид Бистомий (874 й. вафот этган) номи билан боғлик. У тасаввуфда «ишқ» ва «ваҳдат» фоялари асосида «сукур» (мастлик) ёки «илоҳий ишқ» назариясини ишлаб чиқсан. Унга кўра, суфий камолотда шундай даражага етиши мумкинки, транс ҳолатда афсонавий оламга кира олади. Ҳақиқатни англагандан сўнг гўёки Аллоҳ ва инсон руҳининг ягоналигини ҳис этади ва моддий борлиғидан ажралади. Ушбу фикрлар кейинчалик Ибн Арабий асарларида ривожлантирилиб, «ваҳдат ул-вужуд» номини олган. «Илоҳий ишқ» концепцияси XIV–XV асрларда Мовароуннаҳрда илм, санъат ва ижод ахли ичида бир мунча оммалашган<sup>202</sup>.

Таъкидлаш жоизки, «ваҳдат ул-вужуд» назарияси сунний ислом уламолари томонидан яккахудоликка ширк келтириш сифатида баҳоланиб, қаттиқ танқид остига олинган.

XII асрнинг охирида тасаввуфда устоздан етук шогирдга ўтиб келувчи диний-маънавий бардавомлик институти – «силсила» шаклланган. Муршидлар силсиласи Абу Бакр Сиддик ва Али ибн Абу Толиб орқали Мұхаммад пайғамбарга тақалади. Силсила муайян суфий етакчининг «тариқати» – суфий жамоалар вужудга келишига хизмат қилган. XII–XIV асрларда суфийликда қўйидаги 12 та асосий «тариқат» шаклланган: рифоия, яссавия, шозилия, сухравардия, чиштия, кубровия, бадавия, қодирия, мавлавия, бектошия, хилватия, хожагон-нақшбандия. Илк суфийларнинг ўзига хос жиҳатлари сифатида қўйидагиларни қайд этиш мумкин: камбагалликка даъват қилиш (факр); шариат аҳкомлари асосида ҳаёт кечириш, таркидунёчилик,

<sup>201</sup> Сирожиддинов Ш. Мовароуннаҳрда ислом мистицизми тараққиёти // Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига кўшган ҳиссаси. Халқаро конф. тез. тўпл. 14-15 август, 2007, Тошкент-Самарқанд. – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. – Б. 55–58.

<sup>202</sup> Ўша ерда, 57 б.

зоҳидлик (зухд); зикр (само)\*; руҳий ибодат (тафаккур); Аллоҳнинг иродасига тўлиқ ишониш (таваккул); Куръонни нақлан талқин қилиш (таъвил).

Марказий Осиёда тариҳда тасаввуфнинг нақшбандия, яссавия, қодирия ва кубровия тариқатлари кенг тарқалган. Нақшбандия, яссавия ва кубровия тариқатлари етакчилари дастлабки ривожланиш босқичларида Жунайд Бағдодий ғояларига амал қилганлар ва кейинчалик уни ривожлантирганлар.

Нақшбандия тариқатига Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) асос солган. Ўзи тасаввуф таълимотини Мухаммад Бобой Самосий, Сайид Мир Кулол, Мавлоно Ориф, Халил ота, Кусам Шайх каби суфий уламолардан олган. Таълимотини яратишда Юсуф Ҳамадоний (1048–1141) ва Абдулхолик Фиждувоний (1103–1179) ғояларига асосланган. Деярли бутун умр Бухоро ва унинг ён-атрофидаги қишлоқларда фаолият юритган. Ушбу тариқат таълимотида илм фарзлиги, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш зарурлиги, оилани унутмаслик ва ислом аҳкомларини мутаассибона талқин қилмаслик талаф қилинган. Зикр хуфя (дилда, овоз чиқармай) айтилади. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Кўнглинг Аллоҳда бўлсин, қўлинг меҳнатда» деган шиори суфийларда ижтимоий ҳаётдан узилмасликка ва меҳнатга ижобий муносабат шакллантирган. Баҳоуддин Нақшбанднинг бадавлат муридлари бўлишига қарамай, у аввал дехқончилик, кейинчалик кимхобга нақш (гул) солиш ҳисобига кун кечирган. Нақшбандия Марказий Осиёдан ташқари деярли барча мусулмон мамлакатларида, жумладан Кичик Осиё (Анатолия), Кавказ, Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон каби мамлакатларда тарқалган.

Яссавийлик тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий (1105–1166/67) ҳисобланади. Тариқат илмини Бухоро шаҳрида Юсуф Ҳамадонийдан олган. Яssi ва Сайрам қишлоқларида яшаб ўтган. Яссавий ўз тариқати ақидаларини «Девони ҳикмат» шеърий асарида баён этган. Асарда поклик, тўғрилик, камсуқумлик, меҳр-шафқат, ҳалол кун кечириш каби умуминсоний фазилатлар тарғиб қилинган. Мутаассиб шайхлар, жоҳиллик, золимлик, порахўрлик қораланганд. Таълимотда суфий шариат, тариқат, маърифат босқичларидан ўтгандан сўнгтина ҳақиқатга эришуви таъкидланган. Мурид пирга тўлиқ итоат қилиши қоида ҳисобланган. Кундалик зикр жаҳрий (баланд овозда)

айтилган<sup>203</sup>. Яссавия тариқати Мовароуннахр, Хурросон, Кичик Осиё ва Озарбайжонда тарқалган.

Қодирия тариқатига XII асрда Ироқда Абдулқодир Гилоний (ёки Жилоний) (1077–1166) асос солган бўлиб, энг кенг тарқалган тариқатлардан бири ҳисобланади. Асосий қароргоҳ Бағдодда жойлашган. Тариқатнинг ташкилий асоси бошқаруви наслдан-наслга ўтувчи, якка тизимга бирлашмаган ва мустақил бўлган мазгил (хонақо, работ)лар саналади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, қодирия тариқати Ўрта Осиёга Абдулқодир Гилоний хаёт бўлган даврдан кириб кела бошлаган бўлиб, кенг тарқалиши XIX–XX асрларга тўғри келади<sup>204</sup>. Суфийлар учун алоҳида мажбурий тасаввуф йўли йўқ. Абдулқодир Гилонийнинг «Футух ал-гайб» китобида суфийнинг ҳақиқатга эришиши қўйидаги тўрг босқичда амалга ошади деб ёзилган: тақводорлик (вараъ), ҳақиқат (ҳақиқат), итоат (таслим) ва ҳақиқатга сингиб кетиш (фано). Зикр айтиш якка ҳолда ҳуфий, жамоа бўлиб жаҳрий айтилади. Жамоа бўлиб айтиладиган «лайлийа» зикри дўмбира ва флейта чалиб бажарилади. Тариқат аъзолари уч қагор гулбаргли яшил гул тасвири туширилган кигиз телпакча кийиб юрадилар. Қодирия тариқатида Абдулқодир Гилоний шахсини илоҳийлаштириш мавжуд.

Кубровия тариқатига XIII асрнинг бошида Хивақ (ҳозирги Хива) да туғилган Аҳмад ибн Умар Нажмиддин Кубро (1145–1221) асос солган. Кубровийликда ягона ташкилий тизим бўлмай, тариқатчиларни таълимотнинг руҳи ва мақсади бирлаштирган. Таълимот 10 та тамойилга асосланган бўлиб, улар суфийнинг шахсий ҳис-туйғу сифатини йўқотиб, Аллоҳ истаган сифатга айланишига йўналтирилган саналади. Кубровияда тариқатнинг турли босқичларида суфийларнинг ички мистик кечинмаларидағи кўринишлар ўзига хос рангларда кечади, деб ҳисобланади. Тариқатнинг айрим шайхлари, масалан, Сайфиддин Бохарзий (1261 в.э.) мўғул қабилаларини, жумладан, Олтин Ўрдадан бўлган Беркахонни ислом динига киритишда фаол иштирок этганлар<sup>205</sup>.

<sup>203</sup> Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. З.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – 47, 183, 281 б.

<sup>204</sup> Сатторзода А. Суфийский орден Кадиря в Таджикистане // Материалы международной конференции «Суфизм в Иране и Центральной Азии». – Алматы, 2006. – С. 101.

<sup>205</sup> Каримов Э., Гаюрова Ш. Темурийлар даврида суфийлик тариқатлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт // Илмий-таҳлилий ахборот. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. 2-сони. – Б. 28–34.

Кубровия тариқати кейинчалик кўплаб тармоқларга бўлиниб кетган. XVI асрнинг бошида Мовароуннаҳр ва Хоразм худудида ушбу кубровия тариқатига мансуб суфий жамоалар фаоллиги сусая бориб, XVIII асрнинг охирида фақат Бухоро шаҳри атрофидаги Сакторий туманидаги баъзи суфий шайхлар ушбу тариқат силсиласини давом эттирган<sup>206</sup>.

Умуман, тасаввуф таълимоти мўмин-итоаткорлик, бойликка ружу кўймаслик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, адолат, ростгўйлик каби ғояларни ўзида мужассам этган. Тасаввуф намояндалари ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этган. Кубровия тариқати асосчиси Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши қуролли курашда шахсан иштирок этиб, юрт ҳимояси йўлида ҳалок бўлган.

XIII–XIV асрларда мўғулларга қарши озодлик кураши жараёнида Мовароуннаҳрда тасаввуф маҳаллий ҳалқ учун маънавий ва ғоявий бирлаштирувчи куч ролини ўйнади. Хусусан, суфийлар Самарқанд шаҳридаги «Сарбадорлар ҳаракати»нинг етакчи қаторларида бўлдилар.

Соҳибқирон Амир Темур давридан тасаввуф вакиллари Мовароуннаҳр жамоатчилигининг турли йўналишларида муҳим мавқеларга эга бўла бошладилар. Таниқли нақшбандия тариқати уламоси Мирсайд Баракани Амир Темур ўзининг пири санаб, доимо ёнида ҳамроҳ қилиб олиб юрган<sup>207</sup>.

Темурийлар даврида Ҳожа Аҳрор Валий ва Маҳдуми Аъзам Аҳмад Косоний (1461–1542) каби нақшбандия тариқати етакчилари темурийзодалар орасида сиёсий низоларнинг авж олишига йўл кўймаслик, давлат барқарорлиги ва юрт тинчлигини сақлаб қолиш мақсадида ҳукмдорларга яқиндан ёрдам берганлар. Маҳдуми Аъзам суфий камолоти учун зарур учта ижтимоий омиллар (ихрон, макон ва замон)га тўртингчиси – хонни кўшиб, «тариқат ва салтанат бирлиги» ғоясини илгари сурган<sup>208</sup>.

XVI–XVII асрларда жўйбор шайхлари Муҳаммад Ислом (1493–1563), Ҳўжа Саъд (1532–1589), Ҳўжа Тожиддин Ҳасан (1574–1646), Ҳўжа Абдураҳим (1575–1628) каби ўз давридаги нақшбандия

<sup>206</sup> Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – С. 140.

<sup>207</sup> Каримов Э., Гаюпова Ш. Темурийлар даврида суфийлик тариқатлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт // Илмий-таҳлилий ахборот. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. 2-сони. – Б. 28–34.

<sup>208</sup> Сирожиддинов Ш. Нақшбандия тариқати: тарихий жараён ва моҳият // Илмий-таҳлилий ахборот. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. 2-сони. – Б. 15–18.

тариқатининг етакчилари Ўрта Осиёning халқаро савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларининг ривожланишига катта ҳисса кўшганлар<sup>209</sup>.

Шу билан бирга, ўз даврининг олимлари, жумладан Абул Ҳусайн Мұхаммад Малатий (ваф. 948 й.), Абу Наср Саррөж Тусий, Абул Ҳасан Ҳужвирий (ваф. 1074 й.), Нажмиддин Умар Насафий (ваф. 1142 й.), Абдулқодир Гилоний (1077–1166) томонидан тасаввуфий кўриниш остида ислом ақидасига зид ғояларга берилган суфий жамоалар мавжудлиги қайд этилиб, қаттиқ қораланганд. Ҳусусан, Абдулқодир Гилонийнинг «Сиррул асрор» асари 23-фаслида суфий тариқатлар «суннийлар», яъни шариат аҳкомларига риоя этувчи жамоалар ва «бидъат аҳли» деб икки тоифага ажратилиб, ўша даврдаги куйидаги ботил тариқатлар ҳақида маълумот берилган:

– ҳулулия: гўзал бадан ва чехрага Аллоҳнинг назари тушган деб эътиқод қилиб, чиройли аёл ва эркакларга тикилиб қарашни ҳалол санаганлар;

– ҳолия: зикр вақтида ўзини йўқотиш ҳолатини ҳалол билувчи, шайхнинг шундай ҳолати борки, у вазият ҳақида шариат баҳс юрита олмайди деб эътиқод қилинган;

– авлиёя: валийлик даражасига етган тариқат пешволари шаръий масъулиятлардан соқит бўлади, яъни валий пайғамбардан устун, деб ҳисоблаганлар;

– шамурония: суҳбат қилувчидан шаръий ҳукм ва такиклар кўтарилади, деб санаганлар;

– ҳуббия (ҳабибия): Аллоҳ севгисини топиш мартабасига эришганлардан фарз избодат ва диний ҳукмлар соқит бўлади, улар учун ҳаромлар ҳалолга айланади, ҳатто авратларини беркитмаслиги мумкин деб ҳисоблаганлар;

– ҳурния: улар ҳолиялар каби бўлиб, фарқи зикрий рақс вақти гўё ҳурлар билан қовушганларини даъво қилганлар ва зикрдан сўнг ғусл қилганлар;

– ибохия: амри маъруф ва нахъи мункарни инкор қилганлар, айрим ҳаром қилинган амалларни ҳалол санаганлар;

<sup>209</sup> Кобзева О. Роль суфийских тариқатов Средней Азии в развитии международной торговли // Вклад Узбекистана в развитие исламской цивилизации. Сборник тез. межд. конф. 14–15 августа 2007, Ташкент – Самарканд. – Т. : Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. – С. 400.

- мутақосима: ризқни топиш учун меҳнат қилмасдан, уйма-уй тиylanчилик қилиб кун күрганлар;
- мутажохила: фосиқ кишилар каби кийиниб, жаҳолатга берилгандар;
- вофиқия: «Аллоҳни фақат Аллоҳ билади» деган даъво билан илм-маърифатни ва билим олишни инкор этгандар;
- илхомия: илм олишни тан олмай, ёшларга тақиқлагандар, «Қуръон бизга парда, тариқатнинг Қуръони шеърдир» деган иддао билан фарзандларига фақат шеър ёдлатгандар<sup>210</sup>.

XI асрнинг бошида Хуросон ва Ўрта Осиёда маломатия таълимоти асосида вужудга келиб, кейинчалик Сурияда кенг ривожланган қаландария тариқати аъзолари бир кунлик егуликка етадиган пул тўплагунча тиylanчилик қилиш ҳисобига дайдилик билан кун кечиргандар, меҳнат билан шуғулланмаган, аксарияти оила қурмаган. Қаландарийларда тиззасига қадар жун ҳирқа кийиб, темир тақинчоқлар тақиши одат бўлган. XIII асрнинг бошига қадар улар соч-соқоли, қошлиарини қириб юргандар<sup>211</sup>.

Ўз замонасининг етук мутафаккирлари, бир томондан, айрим суфий шайхлар бой-бадавлат одамларнинг эътиборига тушиш орқали бойлик орттиришга интилганликларини қаттиқ танқид қилгандар. Мавлоно Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр» достонидаги тўртингчи мақолотида бу каби шайхларни «риёни (риёкор) хирқапўшлар» деб танқид қилган. «Маҳбуб ул-кулуб» асарининг 38-фаслида риёни шайхларни ўта хавфли баҳолаб, улар маънавиятни хароб этадилар, одамлар уларга эргашиб адашадилар, деб огоҳлантирган<sup>212</sup>.

Махдуми Аъзамнинг вафотидан кейин ундан иршод ижозати (мурид тарбиялаш ҳуқуки) олган халифалар, шунингдек, яссавия ва кубровия тариқати пешволари ўзларига хайриҳо ҳукмдорлар ёрдамида таъсир доираларини кенгайтириш учун фаол ракобат олиб боргандар. Тариқат пирларининг хонлар даврасига киришга интилиши, катта вақфларни кўлга киритишга ҳаракат қилишлари кенг тус олган. Ушбу жараён тасаввуф уламоларини асосий масъулият –

<sup>210</sup> Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Жўрабоев. – Т.: Моварооннахр, 2005. – 145–148 б.

<sup>211</sup> Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – С. 130–131.

<sup>212</sup> Комилов Н. Маънавий камолот илми // Илмий-таҳлилий ахборот. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. 2-сони. – Б. 10.

жамиятда маънавий тарбия ишлари олиб боришдан тобора узоклаштира борган<sup>213</sup>.

XVIII–XIX асрларда Ўрта Осиёда соф тасаввуф ғояларига содик айрим устоз ва шогирдлар тариқатлари мавжуд бўлган бўлса-да, кўпчилик тариқат пешволарининг ўз таъсир доирасини кенгайтириш мақсадида жойларга халифалар тайинлаши, улар ўз навбатида ўз тармокларини ташкил этиши кўпайган. Натижада тариқат жамоаларининг сони ортиб, аввал ўта масъулиятли саналган мурид танлаш қонун-қоидалари бузилиб кетган. Айрим шайхлар «мурид ови»га чиқиши расм қилганлар. Халифаларнинг ўз муршидларини илоҳийлаштириб, қабрларини сигиниш жойларига айлантириш ҳолатлари кузатилган. Тариқат етакчиларининг фаолиятида халқقا ғамхўрлик қилиш, хайрия ишларига бошчилик қилиш, жамиятда юксак ахлоқни тарғиб қилиш камайиб, аксарият пирлар «дастгирик», «мушкулкушодлик» ва дуохонлик билан чегараланиб қолган<sup>214</sup>.

Чор Россиясининг истилоси даврида йирик суфий шайхлар мустамлакачиларга қарши бир неча халқ чиқишлиарига бошчилик қилган. Жумладан, истилочиларга қарши 1898 йили Андижон уездининг Мингтепа, Тоҷик, Қашқар қишлоқларида кўтарилиган кўзғолонга «Дукчи эшон» тахаллуси билан машхур бўлган Муҳаммадали халифа Собир ўғли (1856–1898) етакчилик қилган. Рус тадқиқотчиси П.Поздняев 1886 йилда нашр этилган «Дервиши в мусульманском мире» китобида суфийлар Оренбургда қирғизлар, Тошкентда ўзбеклар ва Чимбойда (Қорақалпогистон ҳудуди) қорақалпоклар ичida рус истилочиларига қарши тарғибот олиб борганликларини қайд этган<sup>215</sup>.

Чор Россиясининг Туркистон ўлкасида маъмурлари суфий шайхларни мустамлака ҳукуматга қарши табақа, деб ҳисоблаган. Жумладан, 1899 йили Туркистон генерал-губернатори Духовский ўзининг «Туркистонда ислом» номли докладида суфийликни «энг зарарли ва доимий назорат талаб қилувчи» омил сифатида баҳолаган<sup>216</sup>.

Империя маъмуриятининг босими остида Туркистонда исломий илмларнинг тараққиётдан тўхтаб қолиши тасаввуф илмига салбий

<sup>213</sup> Сирожиддинов Ш. Накшбандия тариқати: тарихий жараён ва моҳият // Илмий-таҳлилий аҳборот. –Т.: Тошкент ислом университети, 2003. 2-сони. – Б. 13 – 18.

<sup>214</sup> Ўша ерда, 17 б.

<sup>215</sup> Поздняев П. Дервиши в мусульманском мире. Оренбург : типография В. Бреолина, 1886. – С. 322.

<sup>216</sup> ЎзР МДА, 1-фонд, 32-рўйхат, 384-ийғма жилд, 7-варак.

таъсир кўрсатган. Суфий шайхлар томонидан шогирдларга тасаввух илмини етказишида узилишлар вужудга келган. «Устоз-шогирд» шаклидаги алоқалар борган сари «пир-мурид» муносабатлари билан чегараланиб борган. Шунингдек, мутахассислар мазкур даврга келиб суфийларда асосий эътибор тасаввухнинг асл максад ва мазмун-моҳиятига эмас, кўпроқ унинг маросим ва ташки элементларига қаратила бошланганини эътироф этадилар.

Шўролар тузуми даврида тариқат намояндалари бошқа уламолар ва руҳонийлар қаторида қатағон қилинган. Қамаш, сургун қилиш ва қатл этиш орқали аксарият тасаввух илмини мукаммал эгаллаган суфий «тариқат» етакчилари йўқ қилинган<sup>217</sup>.

Умуман, қарийб 130 йил давом этган империя сиёсати оқибатида бошқа миллый-маданий, диний қадриятлар каби соф тасаввухнинг тарихий силсиласида ҳам улкан йўқотишлар содир бўлган.

Мустақилликнинг илк йилларидан Ўзбекистонда тасаввух миллый-диний ва маънавий қадриятларнинг таркибий қисми сифатида ўзининг тарихий ўрнини эгаллади. Хожа Абдухолик Ғиждувоний, Хожа Убайдуллоҳ Ахрор каби тариқат алломаларининг таваллуд кунлари кенг нишонланди. Кўплаб тасаввух намояндаларининг мақбаралари қайта тикланиб, муқаддас қадамжоларга айлантирилди. Баҳоуддин Накшбанд, Ҳаким ат-Термизий, Алишер Навоий, Паҳлавон Маҳмуд, Сўфи Оллоёр каби кўплаб тасаввух илмини назарий ва амалий жиҳатдан бойитган мутафаккирларнинг бой илмий меросини ўрганиш ва халққа етказиш борасида улкан амалий ишлар қилинди. «Баҳоуддин Накшбанд» мажмууси муассислигида тасаввухнинг турли жабҳаларини ёритувчи «Нақшбандия» журналини чоп этиш йўлга қўйилди.

Айни чоғда суфий амалиёти билан шуғулланиб келаётган бугунги кун тариқат етакчилари ҳам соф тасаввух таълимотида бурч саналган вазифа, яъни халқ ичида юксак маънавият ва маърифат, ахлоқни оммалаштиришда иштирок этмаётганини қайд этиш лозим. Маълумки, тарихда устоз, пир, муршид мартабасига барча исломий илмларнинг мукаммал соҳиби бўлган, Қуръон ва ҳадисларни батафсил шарҳ эта оладиган, кўплаб диний-маърифий асарлар муаллифи бўлган уламолар эришган. Афсуски, бугунги кунда суфий жамоаларнинг муршиidlари собиқ шўролар даврида яширин тарзда ўз даврининг етакчи уламолари-

<sup>217</sup> Бабаджанов Б. Возрождение деятельности суфийских групп в Узбекистане // Центральная Азия и Кавказ. 1999. – № 1(2). – С. 181–192.

дан диний сабоқ олган бўлсалар-да, улар тасаввуфни илмий ва маърифий асарлар, таржималар билан бойитиш йўлидан бормай, эътиборни факат ўз мурид ва муҳлисларига етакчилик қилишга қаратмоқдалар.

Республика ҳудудида ҳозирги кунда мавжуд суфий «тариқатчилар» жамоаларининг деярли барчаси Нақшбандия йўналишига мансуб бўлиб, энг йирик жамоалар куйидагилар ҳисобланади:

1. Нақшбандия-Мужаддиция-Хусайния тариқати. 2009 йилга қадар Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Оққўргон қишлоғида яшаган Иброҳим Маматқулов (1937–2009) етакчилик қилган. Ушбу тариқатнинг йирик жамоалари Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари, Қозогистоннинг Сайрам вилоятида мавжуд. Республиkanинг қолган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ҳам кам сонли бўлса-да, жамоа аъзолари бор.

И.Маматқуловнинг вафотидан кейин унинг суфий жамоатига Қозогистоннинг Туркистон шаҳрида яшайдиган Маматшукуров Насридин исмли шахс етакчилик қилмоқда.

2. Нақшбандия-Мужаддиция тариқати, аҳоли ичида кўпроқ «Қора саллалилар» номи билан аталади<sup>218</sup>. Етакчиси Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Оқтош қишлоғида истиқомат қилувчи марҳум Исоқжон Умаров (Исоқжон домла, 1911–2014) саналған. Тариқат аъзолари асосан Самарқанд (Самарқанд шаҳри, Нарпай, Тойлоқ, Булунғур, Каттақўргон, Ургут туманлари), Навоий (Навоий шаҳри, Хатирчи, Қизилтепа туманлари), Қашқадарё (Муборак, Косон, Қарши туманлари), Тошкент (Бўка тумани, Қўйлиқ даҳаси) вилоятлари ва қисман Хоразм вилоятида истиқомат қилади.

3. Нақшбандия тариқати. Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманида истиқомат қилувчи марҳум Дўстмуҳаммад Турсунов (Шайх Дўстмуҳаммад Турсун) етакчилик қилган бўлиб, у 2013 йил вафот этди. Д.Турсуновнинг муридлари кўпроқ Сурхондарё (Шўрчи, Узун, Денов, Сариосиё, Ангор туманлари), Қашқадарё вилояти ва Андижон шаҳрида яшайди.

4. Нақшбандия тариқати. Етакчиси Зухриддин Эшонов (Шайх эшон Зухриддин қори Нақшбандий-Шаҳрихоний, 1927 й.т.). Республиканинг Тошкент, Бухоро, Фарғона вилоятларида, Қирғизистоннинг

<sup>218</sup> «Қора саллалилар» деб ном олишининг сабаби сифатида И.Умаровнинг ўзидан эшитганлар 1950-йилларда устозларининг тавсияси билан кўзга ташланмаслик учун оқ салла ўрнига қора салла кийгани айтилади.

Ўш, Ўзган, Жалолобод вилоятлари, Хитойнинг Қашғар вилояти ва Тожикистанда муридларга эга.

Айни чоғда 1952 йил Жиззах вилоятининг Бахмал туманида туғилган Сафар Кушкаров томонидан 2000-йилларда Тошкент ва Жиззах шаҳарларида бир неча табобат марказлари ва қўл жанг кураши тўгараклари очилган. Мазкур марказларда фуқароларга гўёки «суфий табобат» асосида даволаш ҳамда беморларга гиёхлардан тайёрланган дори-дармонлар сотиши баробарида, С.Кушкаров томонидан гўёки у томонидан асос солинган янги «Нурсафардия» суфийлик тариқати ғоялари тарғиб қилинган.

Ушбу тариқат тамойиллари С.Кушкаров ва унинг фарзандлари томонидан тайёрланган «Нурсафардия мактаби нима?» «Суфий жанг тизимлари», «Суфий жанг санъати усуллари», «Муқаммаллик сари 14 қадам», «Муршид-мурид муносабатлари» каби китобларда баён этилган. Мутахассисларнинг таҳлили мазкур китобларда шарқ якка кураш унсурлари «суфий жанг санъати», шарқ табобати сирларини «суфий табобат» сифатида талқин этилгани, улардаги қарашлар умум эътироф этилган тасаввудан ийроқ эканини кўрсатади.

Бундан ташқари, Андижон шаҳрида аввал Одилхон Саломов (1928–2009), ҳозир Абдубоки Абдураҳмонов (Наманган) етакчилик қилаётган Нақшбандия тариқатининг жаҳрий зикрга асосланган суфий жамоаси, Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида Абдураззоқ Тожиев бошчилик қилаётган, аввал унинг отаси – «Тожи халифа»нинг муридлари бўлган Нақшбандия тариқати жамоаси мавжуд<sup>219</sup>.

Суфий жамоаларнинг ичida янги аъзони қабул қилиш, бўйсуниш, интизом масалаларида ўзига хос томонлари бўлиб, умумий жиҳатлари қўйидагилардан иборат:

- шайхга тўла-тўқис бўйсуниш, унинг «қадашмаслиги», каромат кўрсатишига, пайғамбарга келган ваҳийларнинг яширин маъносини изоҳлаб беришга қодир эканига ишониш;
- муайян иерархия ва тузилма мавжуд экани;
- жамоанинг тўлақонли (мурид) ва шартли аъзолари (мухлис) бор экани;
- мурид ва муҳлисларнинг шайхга байъат қилишининг ўзига хос тартиби мавжуд экани:

<sup>219</sup> Йўлдошхўжаев X. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – 9–61 б.

— бажарилиши мажбурий амалларнинг борлиги (чила тутиш, алоҳида ёки жамоавий зикр, алоҳида рўза, нафл намозлари ва х.к.);  
— «ўз»авлиёларининг қабрларини муқаддаслаштириши.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Республикада суфий «тариқатчилар» фаолиятида соф тасаввух таълимотидан муайян даражада четга чикиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, ҳозирги барча суфий жамоалар учун умумий бўлган ва ижтимоий муҳитга салбий таъсир ўtkазаётган омиллар қаторида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

— замонавий илмларни эгаллашга интилмаслик. «Тариқат» етакчилари томонидан муридларга диний ва дунёвий илм олишларига рагбат берилаётганий йўқ. Ҳозирги суфий етакчилар ва уларнинг яқин издошлари ичида маҳсус диний маълумотга эга бўлганлар деярли йўқ;

— жамиятнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этмаслик. Кўп ҳолатларда «тариқатчилар» томонидан давлат ва жамоат ишларида, ўз жамоаларига аъзо бўлмаган фуқароларнинг тўй-маъракаларида иштирок этмаслиги ва оиласини ҳам шунга мажбур этиши, фарзандларининг дунёвий илм олишига монелик қилиши, уйда телевизор кўриш ва радио эшлиши ман этиши қузатилмоқда;

— айрим муриллар ўз оиласини нафақасиз, фарзандларини тарбиясиз қолдирган ҳолда узоқ вақт «пир»ининг хонадонида текинга хизмат қилиб, ушбу хонадонга келган назр-эҳсонлар билан кун кечириб юрибди;

— кўпчилик «тариқатчилар»нинг қўпол соқол қўйиб, маҳси-калиш кийиб юриш орқали ўзини гўёки «шариат талабига мос» либосда ҳис этиб, бошқаларга, жумладан, дунёвий ҳаёт кечираётган фуқаролар ва расмий масжидларда фаолият юритаётган имом-хатибларга менсимай муносабатда бўлиш каби ижтимоий иллатларга берилиш ҳолатлари мавжуд.

Нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд узлатга чекинишни ҳам риёга алоқадор деб рад этган: «Дар хилват шуҳрат аст ва дар шуҳрат оғат аст (Хилватда шуҳрат бор, шуҳратда эса оғат бор)»<sup>220</sup>. Тариқатда бўлмаганларнинг маросимларида қатнашмаслик, бошқалардан кўр-кўруна кийимда ажралиб туриш ҳам хилватланишнинг маълум кўринишлари бўлиб, бошқаларнинг дикқатини ўзига жалб қилиш сифатида баҳолаш мумкин.

<sup>220</sup> Комилов Н. Маънавий камолот илми // Илмий-таҳлилий ахборот. –Т.: Тошкент ислом университети, 2003. 2-сони. – Б. 4–11.

Ўш, Ўзган, Жалолобод вилоятлари, Хитойнинг Қашғар вилояти ва Тожикистанда муридларга эга.

Айни чоғда 1952 йил Жиззах вилоятининг Бахмал туманида туғилган Сафар Кушкаров томонидан 2000-йилларда Тошкент ва Жиззах шаҳарларида бир неча табобат марказлари ва қўл жанг кураши тўгараклари очилган. Мазкур марказларда фуқароларга гўёки «суфий табобат» асосида даволаш ҳамда беморларга гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонлар сотиш баробарида, С.Кушкаров томонидан гўёки у томонидан асос солинган янги «Нурсафардия» суфийлик тариқати гоялари тарғиб қилинган.

Ушбу тариқат тамойиллари С.Кушкаров ва унинг фарзандлари томонидан тайёрланган «Нурсафардия мактаби нима?» «Суфий жанг тизимлари», «Суфий жанг санъати усуллари», «Муқаммаллик сари 14 қадам», «Муршид-мурид муносабатлари» каби китобларда баён этилган. Мутахассисларнинг таҳлили мазкур китобларда шарқ якка кураш унсурлари «суфий жанг санъати», шарқ табобати сирларини «суфий табобат» сифатида талқин этилгани, улардаги қараашлар умум ётироф этилган тасаввупдан йироқ эканини кўрсатади.

Бундан ташқари, Андижон шаҳрида аввал Одилхон Саломов (1928–2009), хозир Абдубоқи Абдураҳмонов (Наманганд) етакчилик қилаётган Нақшбандия тариқатининг жаҳрий зикрга асосланган суфий жамоаси, Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида Абдураззок Тожиев бошчилик қилаётган, аввал унинг отаси – «Тожи халифа»нинг муридлари бўлган Нақшбандия тариқати жамоаси мавжуд<sup>219</sup>.

Суфий жамоаларнинг ичida янги аъзони қабул қилиш, бўйсуниш, интизом масалаларида ўзига хос томонлари бўлиб, умумий жиҳатлари куйидагилардан иборат:

- шайхга тўла-тўқис бўйсуниш, унинг «адашмаслиги», каромат кўрсатишига, пайғамбарга келган ваҳийларнинг яширин маъносини изоҳлаб беришга қодир эканига ишониш;
- муайян иерархия ва тузилма мавжуд экани;
- жамоанинг тўлақонли (мурид) ва шартли аъзолари (мухлис) бор экани;
- мурид ва муҳлисларнинг шайхга байъат қилишининг ўзига хос тартиби мавжуд экани;

<sup>219</sup> Йўлдошхўжаев X. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – 9–61 б.

- бажарилиши мажбурий амалларнинг борлиги (чилла тутиш, алоҳида ёки жамоавий зикр, алоҳида рӯза, нафл намозлари ва х.к.);
- «ўз»авлиёларининг қабрларини муқаддаслаштириш.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда республикада суфий «тариқатчилар» фаолиятида соф тасаввуф таълимотидан муайян дараҷада четга чиқиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, ҳозирги барча суфий жамоалар учун умумий бўлган ва ижтимоий муҳитга салбий таъсир ўтказаётган омиллар қаторида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

– замонавий илмларни эгаллашга интилмаслик. «Тариқат» етакчилари томонидан муридларга диний ва дунёвий илм олишларига рағбат берилаётгани йўқ. Ҳозирги суфий етакчилар ва уларнинг яқин издошлари ичida маҳсус диний маълумотга эга бўлганлар деярли йўқ;

– жамиятнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этмаслик. Кўп ҳолатларда «тариқатчилар» томонидан давлат ва жамоат ишларида, ўз жамоаларига аъзо бўлмаган фуқароларнинг тўй-маъракаларида иштирок этмаслиги ва оиласини ҳам шунга мажбур этиши, фарзандларининг дунёвий илм олишига монелик қилиши, уйда телевизор кўриш ва радио эшлиши ман этиши кузатилмоқда;

– айрим муридишар ўз оиласини нафақасиз, фарзандларини тарбиясиз қолдирган ҳолда узоқ вақт «пир»ининг хонадонида текинга хизмат қилиб, ушбу хонадонга келган назр-эҳсонлар билан кун кечириб юрибди;

– кўпчилик «тариқатчилар»нинг қўпол соқол қўйиб, маҳси-калиш кийиб юриш орқали ўзини гўёки «шариат талабига мос» либосда ҳис этиб, бошқаларга, жумладан, дунёвий ҳаёт кечираётган фуқаролар ва расмий масжидларда фаолият юритаётган имом-хатибларга менсимай муносабатда бўлиш каби ижтимоий иллатларга берилиши ҳолатлари мавжуд.

Нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд узлатга чекинишни ҳам риёга алоқадор деб рад этган: «Дар хилват шуҳрат аст ва дар шуҳрат оғат аст (Хилватда шуҳрат бор, шуҳратда эса оғат бор)»<sup>220</sup>. Тариқатда бўлмаганларнинг маросимларида қатнашмаслик, бошқалардан кўр-кўrona кийимда ажralиб туриш ҳам хилватланишнинг маълум кўринишлари бўлиб, бошқаларнинг дикқатини ўзига жалб қилиш сифатида баҳолаш мумкин.

<sup>220</sup> Комилов Н. Маънавий камолот илми // Илмий-таҳлилий ахборот. –Т.: Тошкент ислом университети, 2003. 2-сони. – Б. 4–11.

Шунингдек, аксарият замонавий «тариқат» етакчилари муридларнинг ёши, жинси, диний билим савиясидан қатъи назар ўзсафларига қабул қилиши, уларга диний сабоқ бериши оқибатида балоғатга етмаган ўсмиirlар ҳам пир-мурид муносабатларига аралашиб қолмоқда. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг З ва 9-моддаларига зид келади.

Айни вақтда мутахассислар «тариқатчи» етакчиларнинг ҳанафий мазҳаби таълимоти, соғ ақида эгаси бўлишни тарғиб қилиш баробарида, анъанавий ҳанафий мазҳаби аҳкомлари ва аҳли сунна вал-жамоа\* эътиқодига мос келмайдиган қўйидаги хатти-ҳаракатлар кузатилаётганини эътироф этмоқдалар. Жумладан:

*Марҳум И. Маматқуловнинг жамоасида:*

— «*пир ийғанинг пири шайтон*» деган даъво илгари сурилади. Исломда бирор бир шайхга мурид бўлиш ҳеч кимга фарз қилинмаган. Тариқатчиларнинг ушбу борада ҳеч қандай шаръий далиллари йўқ;

— «*кечаси таҳајжесуд намоз ўқии фарз*» деб ҳисобланиб, «Иср» сураси 79-ояти далил қилиб келтирилади («Тунда (ярим кечада) уйғониб ўзингиз учун таҳажжуд намозини ўқинг! Шоядки, Раббингиз Сизни (Қиёмат кунида) мақтовли (шафоат қиласидиган) мақомда тирилтиурса»). Уламолар юқоридаги оят ҳақиқатда факат Мұхаммад пайғамбарга аталган деб тафсир қиласидилар («Тафсири Жалолиддин Суютий»);

— гўёёки «*пирга мурид бўлганларнинг қазо бўлган намози ва рўзаси соқит бўлади*» деб ҳисобланади. Улар далил қилиб олган «Фурқон» сураси 70-оятини уламолар («Илло, кимки шу дунёда) тавба қилса ва имон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)ларга айлантириб кўяр. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир») ислом динини энди қабул қилаётган одамларга тааллуқли деб тафсир қиласидилар.

*«Қора саллалилар» жамоасида:*

— *ясама тишли имом орқасидан намоз ўқиб бўлмайди*, деган даъволарига жавобан ҳанафий мазҳаби уламолари Имоми Аъзам ва Имом Абу Юсуф тишга пломба қўйиш ва тиш устига қоплама қилишга рухсат берганликларини, фиқҳий китобларда «танада машаққатсиз ювилиши мумкин бўлган жойларни ювиш фарздир» дейилгани каби раддияларни келтириш мумкин<sup>221</sup>,

<sup>221</sup> Йўлдошхўжаев Х. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т.: Тошкент

– намоздан кейин овоз чиқариб дуо ва тиловат қилишни макрух деб билиш ҳанафий мазҳаби асосчиларининг Куръон тиловати Мұхаммад пайғамбар суннатлари ва саҳобаларнинг яхши күрган амалларидан эканини ҳисобга олган ҳолда намоздан кейин тасбех, ўқищ, «Оят ул-Курсий» ва Куръон тиловат қилиш бўйича жорий қилинган қоидаларига зид келади<sup>222</sup>;

– Мұхаммад (а.с.) замонасида бўлмаган ҳар қандай ишни бидъат (янгилик) деб билиш ва инкор этиштүғри эмаслигини, масалан, исломда нахв, сарф илмлари, мадрасалар, қолаверса, инсоният учун фойдали бўлган кўплаб ихтиrolар, хусусан, компьютер технологиялари Мұхаммад пайғамбар даврида бўлмагани, лекин ҳозирда санаб ўтилганлар мусулмонлар учун катта фойда келтираётгани билан исботлаш мумкин;

– кўлни ювгандан кейин артиш мумкин эмас, чап қўл билан синдирилган нонни ейиш мумкин эмас деган даъволар шаръий асосларга эга эмас.

#### *Марҳум Д. Турсуновнинг муридолари:*

– жума намозини ўқиши учун бир неча шартлар топилиши зарурлигини сабаб қилиб гўёки «Эҳтиёти пешин» намозини ўқишини фарз ҳисоблайдилар. Мусулмон дунёсининг етук марказлари, масалан, «Ал-Азҳар»\* мажмуаси (Миср) нинг 734-сонли фатвосида эҳтиёти пешин ўқишига Куръон ва суннатда далил йўқлиги айтилган<sup>223</sup>.

– марҳумнинг ўқимаган намози, тутмаган рўзасини бажарив бериш учун ундан қолган мерос ҳисобидан муайян маблағни олишга асосланган «давра» шарт ҳисобланади. Юртимиз уламолари «давра» шаръий манбаларда йўқ амал эканини таъкидлайдилар<sup>224</sup>.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мозийда юртимизда юксак умуминсоний қадриятларни тарғиб қилган, халқ ичида ва унинг ғамташвиши билан яшаган тасаввуф намояндалари яшаб ўтган бўлиб, ушбу мутафаккирлар жамиятнинг ахлоқи ва маънавиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшганлар.

Шу билан бирга, манфаатпарастлик, тарқидунёчилик, риёкорлик каби ижтимоий иллатларга ўралашиб қолган, шариатдан узоқлашган ислом университети, 2010. – 41, 43 б.

<sup>222</sup> Ўша ерда, 39 б.

<sup>223</sup> Йўлдошхўжаев Х. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – 51 б.

<sup>224</sup> Ўша ерда, 53 б.

тариқатлар ҳам мавжуд бўлган. Бундай сохта тариқатлар жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитга ва соф тасаввуфнинг ривожига салбий таъсир кўрсатгандар.

Шу нуктаи назардан, бугунги кунда тариқат эшон ва шайхлигига даъво қилаётган айрим шахслар илм-маърифат, таълим-тарбия, халқ-парварлик, ижтимоий фойдали иш билан шуғулланиши масалаларида асл тасаввуф мақсад ва ғояларидан узоклашиб кетганлигини эътироф этишимиз, фуқароларни бу каби адашган тариқатлардан эҳтиёт қилишимиз лозим. Бугунги кундаги барча йирик ислом арбоблари замонавий илм-фанни ўрганишга, мусулмонларнинг жамият учун манфаатли, одамларнинг оғирини енгил қиласидан билимларни эгаллашларига тарғиб қиласидар. Ушбу фаолият Куръон ва суннат кўрсатмаларига тўлиқ мос келади. Айрим тариқат вакиллари ижтимоий фойдали меҳнат ёки бирор касб билан шуғулланмай, бошқаларга қарам ва муте бўлиб қолаётгани, жамиятдан ажralгани етмагандек, ўз оиласи, фарзандларини бокувсиз, тарбиясиз қолдираётгани ачинарли ҳол. Албатта, ислом таълимоти бундай ҳолатни бутқул қоралайди. Исломда эр киши ўз аҳли-оиласининг моддий-маънавий таъминотига жавобгар ҳисобланади. Мукаидас манбаларда мазкур вазифа оила бошлиги зиммасига вожиб амал экани таъкидланади.

Айни чоғда аждодларимиз бўлган буюк тасаввуф мутафаккирларининг бой илмий мероси асосида сохта пир-мурид муносабатларининг салбий ижтимоий иллатларини очиб бериш ҳамда соф тасаввуфнинг инсонларни юксак ахлоқ ва инсонпарварликка чақирувчи моҳиятини аҳолига етказиш республикамиздаги исломшунос олим ва тадқиқотчиларимизнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

## **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТИ КУЗАТИЛАЁТГАН ДИНИЙ-ЭКСТРЕМИСТИК ОҚИМЛАР ВА НОРАСМИЙ ДИНИЙ ЖАМОАЛАР**

### **2.1. Диний экстремизм ва терроризм: мафкура ва амалиётнинг ривожланиши**

Кейинги йилларда Осиё ва Африкада жойлашган қатор мамлакатларда ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказаётган диний-экстремистик ва террористик ташкилотларнинг фаоллашуви кузатилмоқда.

Маълумки, муайян сиёсий омиллар ва турли илмий ёндашув билан боғлиқ сабабларга қўра, диний экстремизм ва терроризм тушунчалари бўйича соҳа мутахассислари томонидан умумий эътироф этилган ягона таъриф йўқ. Ўзбекистон томонидан имзоланган «Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича Шанхай Конвенцияси» (Шанхай, 2001 йил 15 июнь)га мувофиқ, экстремизм – конституцион тузумни зўрлаб ўзгартириши, куч ишилатиши орқали ҳокимиятни эгаллаш ва ушлаб туриши, жамоат хавфсизлигига тажсовуз қилишига қаратилган фаолият, мазкур мақсадлар йўлида ноқонуний қуролли тузилмалар ташкил этиши ёки уларнинг фаолиятида иштирок этиши ҳисобланади<sup>225</sup>.

Диний соҳада экстремизм бошқа дин вакилларига ўта муросасизлик (масалан, Ҳиндистонда мусулмонлар ва хиндуйлар, хиндуйлар ва сикхлар орасидаги низолар), битта дин ичидағи (Покистон, Афғонистон, Ирекда суннийлар ва шиалар, Сурияда алавийлар ва суннийлар) можароли муносабатлар, дунёвий тузумга қарши кураш (аксарият мусулмон мамлакатларида) ёки халқаро даражадаги цивилизацион қарама-қаршиликлар («Ал-Қоида»\*, «Ҳизбуллоҳ» ташкилотлари томонидан АҚШ етакчилигидаги Ғарбга қарши эълон қилинган кураш) билан боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, диний экстремизм деярли доимо сиёсий мақсадларда – секуляр давлатчиликка қарши ва муайян конфессия

<sup>225</sup> 2-иловага қаранг.

вакилларининг ҳокимиятни эгаллашга қаратилган фаолияти билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, диний экстремизм – баъзи диний ташкилотлар ёки айрим диндорларнинг жамият қонун-қоидаларига мос келмайдиган мафкураси ва фаолияти ҳисобланади<sup>226</sup>.

Диний экстремизмнинг моҳияти жамият учун анъанавий бўлган миллий-маънавий қадриятлар ва диний-акидавий қарашларни рад этиш ҳамда умуминсоний қадриятларга зид келувчи дунёқарашни агресив равишда тарғиб қилишдан иборат. Бу диний оқим аъзолари томонидан ўз гояларини бутун жамиятга тарқатишига қаратилган ҳаракатларда намоён бўлади. Диний экстремизмнинг хос жиҳатлари сифатида бошқача дунёқарашлар эгалари, айниқса, бошқа дин вакиллари ва даҳрий (атеист)ларга ўта муросасизлик, ўз гояларини тарғиб этиш ва атрофдагилардан гўёки устун эканини намойиши этиш ва ксенофобияни кайд этиш мумкин. Диний экстремизм асосан дунёвий давлат\*га, жамиятда шаклланган тартибга, давлат ва дин орасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи қонун ва норматив хужжатларга қарши қаратилган бўлиб, теократик бошқарувни барпо этишни мақсад қиласди. Диний экстремизм сиёсат, маданият, миллиат ва динлараро муносабатларга бузғунчи таъсир ўtkазади.

Ислом оламида диний-экстремистик мафкуранинг вужудга келиши илдизлари сифатида қўйидагиларни эътироф этиши мумкин:

– XX аср ўрталарида ислом дунёсида мустамлакачиларга қарши террор усулларидан фойдаланган миллий-озодлик ҳаракати асосида кейинчалик куч ишлатиш услубларига таянувчи гурухларнинг вужудга келиши;

– Араб-Исройл урушлари ва Яқин Шарқ муаммоси\*сининг ҳал этилмай келаётгани, Ғарб мамлакатлари, айниқса, АҚШнинг «Катта Яқин Шарқ» геосиёсий лойиҳаси каби дастурларни амалга ошириш орқали Яқин Шарқ давлатларини ўз таъсир доирасига олишга қаратилган интилишлари;

– етакчи давлатларнинг мусулмон дунёси мамлакатларидаги энергетик захиралар устидан ўз назоратларини ўрнатишига қаратилган сиёсати;

– айрим мусулмон давлатларининг мінтақавий етакчилик йўлида олиб бораётган ўзаро рақобат қураши доирасида бошқа мусулмон

<sup>226</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашри, 2002. – 305 б.

мамлакатларида ўз таъсир доираларини кенгайтиришга қаратилган интилишлари;

– суннитлар ва шиалар орасида анъанавий давом этиб келаётган қарама-қаршиликларнинг давлатлараро муносабатлар даражасига қўтарилиши оқибатида ўзаро курашнинг турли қўринишларда, жумладан, ноқонуний қуролли тузилмалар орқали олиб борилиши.

Диний экстремизм ўз моҳиятига кўра сиёсий ҳодиса бўлиб, у амалдаги сиёсий ҳокимият тизимини кескин ўзгартиришга йўналтирилган. Шу нуқтаи назардан, исломий шиорлар остида фаолият кўрсатаётган диний-экстремистик оқимларнинг асосий мақсади дунёвий давлатларда конституцион тузумни ағдариб ташлаб, шариат тизимига асосланган давлат барпо этиш ҳисобланади.

Ўзини ислом номи билан боғлайдиган диний-экстремистик ташкилотларнинг хусусий жиҳатлари қуидагилардан иборат:

– дунёвий давлат ва жамиятга муросасиз муносабатда бўлиш ва уни шариатга асосланган тузумга айлантиришга ҳаракат қилиш;

– диннинг давлатдан ажратилишини рад этиш ва жамиятнинг барча аъзоларини мажбуран шариат талаблари асосида ҳаёт кечиришини таъминлаш;

– ислом динини дунёнинг бошқа жамиятларига қарши қўйиш;

– мамлакатларнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини тан олмаслиқ, ягона давлат – «халифалик»\* қуриш тоғасини илгари суриш;

– ўз мақсадлари йўлида давлат ва жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқаришга қаратилган хатти-ҳаракатларга урғу бериш;

– ўз ғояларига эргашмаган мусулмонларни диндан чиқсанлиқда, «кофир»\*ликда айблаш, анъанавий ислом тарафдори бўлган уламоларни обрўсизлантириш, уларга тазийқ ўтказиш ва ҳаттоқи ўлдириш.

Террористик гурух<sup>\*</sup>ларнинг мафкурачилари омма онгини эгаллаш учун ва фуқаролик жамиятининг ичига чуқур кириб боришни устувор вазифа сифатида қарайдилар. ОАВ, Интернет тармоғи, диний марказ ва масжидлар орқали террорчиларни қўпайтириш тизими яратилади. Янги аъзоларни ёллашнинг асосий манбалари сифатида виртуал макон, қамоқхоналар, масжидлар, ёшлилар ташкилотлари, миллий диаспоралар, мактаблар, ўлдирилган ёки қамоққа олинган

жангари<sup>\*</sup>ларнинг оила аъзолари, терроризмга қарши тадбирларда жабр кўрганлар ҳисобланади<sup>227</sup>.

Ислом дунёсидаги деярли барча диний-экстремистик оқим-ларнинг мағкурасида тизим ташкил этувчи иккита тамойил – тақфир<sup>\*</sup> ва жиҳод<sup>\*</sup> мавжуд. Тақфир – диндан чиққанликда айблашдир. Масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, диний экстремистлар томонидан тақфир айнан мусулмонларга қарши қўлланимокда. Чунки ақидапараастларнинг назарида, бошқа динга эътиқод қилувчилар шундай ҳам коғир саналади.

«Жиҳод» эса диний-экстремистик оқим вакиллари томонидан фақат муқаддас уруш, «ғазот» мъяносида қўлланилиб, исломий давлат қуришнинг фарз ҳисобланган воситаси саналади. Бундай куролли жиҳод мусулмон бўлмаганларга қарши бўлгани каби, динсизликда айбланган мусулмонларга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин ҳисобланади.

Терроризм замонавий илмий доираларда уч нуқтаи-назардан, яъни жиноий фаолият, террористик груп ва террористик таълимот сифатида қаралади. Кўпчилик мутахассислар терроризм остида турли ижтимоий гуруҳлар томонидан сиёсий мақсадлар йўлида куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан кўрқитиши эътироф этадилар. Ўзбекистон қонунчилигига кўра, терроризм – сиёсий, диний, мағкуравий ва бошқа мақсадларга эришии учун шахснинг ҳаёти, соглигига хавф түздирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилининиши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишига ёки содир этишидан тийилишига мажбур қилишига, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришига, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузшига, хавфсизлигига путур етказшига, куролли можаролар чиқарииши қўзлаб извогарликлар қилишига, аҳолини кўрқитишига, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришига қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиши ёки бошқа жиноий қилмишлардир<sup>228</sup>.

<sup>227</sup> Карайни А. Г. Анализ концептуальных моделей терроризма // Материалы 4-й межд. научн. конф. – М. : МЦНМО, 2009. – С.165.

<sup>228</sup> 2-иловага қаранг.

Илмий адабиёт, ҳалқаро ҳужжатлар ва айрим мамлакатларнинг жиной қонунчилигининг таҳлили терроризм жиной фаолият сифатида куйидаги түртта ўзига хос жиҳатларга эга эканини кўрсатади:

- терроризм амалий ижтимоий хавф уйғотади;
- терроризм оддий криминал жиноят каби хуфиёна тарзда эмас, балки намойишкорона, жамиятнинг кўзи олдида ва ошкора бўлиши аниқ бўлган шаклда амалга оширилади;
- терроризм атайн жамиятда кўркув, нотинчлик ва тушкунлик уйғотишига қаратилади;
- террористик ҳаракат<sup>\*</sup>дан террорчилар кўзлаган психологик таъсир аслида бевосита қурбонларга эмас, балки жамиятда қарор қабул қила оладиган доираларга (хукумат, сиёсий элита ва ҳ.к.) нисбатан йўналтирилган.

Юқорида айтилганларга асосланиб, терроризмга жамиятда кўркув, нотинчлик ва тушкунлик уйғотиши орқали давлат ёки бошқа ваколатли ташкилотларни террорчилар манфаатларига мос қарорлар қабул қилишига мажбур этиши мақсадида намойишкорона куч ишлатиши орқали амалга ошириладиган ижтимоий хавфли ҳаракат, деган таъриф бериш мумкин<sup>229</sup>.

Бутунги кунда диний экстремизм терроризм билан узвий боғланган. Сўнгти йилларда Марказий Осиё ва Шимолий Кавказ республикалари, Афғонистон, Покистон, Ироқ, Ливия, Сурия, Мали, Миср каби мамлакатларда, Яқин Шарқ минтақасида диний-экстремистик групкалар ўз максадларига эришиш воситаси сифатида куч ишлатищдан фойдаланмоқда. Ушбу жиной фаолият сиёсий ҳокимиёт вакилларига нисбатан алоҳида қотиллик уюштириш, тинч аҳоли ичида оммавий қурбонларга олиб келадиган, давлатнинг моддий, иқтисодий, ахборот ресурсларига зарар етказишига қаратилган қўйпорувчилик ишларини амалга ошириш, «ахборот уруши» олиб бориши, худкүш-террорчи<sup>\*</sup>лардан кенг кўламда фойдаланиш каби услубларда амалга оширилмоқда.

Мутахассислар томонидан терроризм турли мезонлар бўйича таснифланади. Хусусан, террорчилик групкаларини ўз олдиларига қўйган мақсадларига кўра беш групҳа ажратиш мумкин:

1. Миллатчилик терроризми муайян давлатдаги миллий озчиликни ташкил этувчи этник групхининг сиёсий манфаатларини

<sup>229</sup> Емельянов В. П. Терроризм и преступления с признаками терроризирования: уголовно-правовое исследование. – СПб. : Юридический центр «Пресс», 2002. – С. 38.

химоя килиш шиори остида амалга оширилади. Аксарият ҳолатларда бош ғоя сифатида сепаратизм, яъни амалдаги давлатдан ажралиб чикиш гояси илгари сурилади. Айрим ҳолатларда миллатчилик терроризми мамлакатда кўпчиликни ташкил этувчи муайян миллат вакиллари томонидан миллий озчиликка қарши ташкил этилади. Миллатчи террорчилик гурухларига «Ирландия республикачилар армияси» (ИРА, Шимолий Ирландия), «Басклар Ватани ва озодлиги (ЭТА, Испания), «Тамил Иламни озод этиш йўлбарслари» (Шри-Ланка) гурухларини кўрсатиш мумкин.

2. Сўл терроризм капиталистик тузумни ағдариб ташлаш ғояси остида 1970–80-йилларда кенг ривожланган бўлиб, социалистик тузум барбод бўлгандан сўнг кескин сусайган. Сўл террорчилик ташкилотларига «Қизил бригадалар» (Италия), «Баадер-Мейнхоф гурухи» (Германия), «Қизил Армия» (Япония), «Сендеро Луминосо», «Тупак Амару» (Перу) мисол бўлади.

3. Ўнг радикал терроризм Farb мамлакатларида кучайиб бораётган неофашистик кайфиятни ифодалайди. Ўнг радикал террорчилик ташкилотлари ўта муросасиз ирқчилик\* ва миллатчи-шовинистик ғояларини тарғиб қиласидилар. Улар қаторида «Орийлар Миллати» (АҚШ) ёки Европада қатор миллатчи ва фашистик гурухларни бирлаштирувчи «Янгича Европа тартиби», «Европа ҳаракати» каби уюшмаларни қайд этиш мумкин. 2000–2006-йилларда Германияда фаолият юритаётган «Миллий-социалистик подполье» неонацистлар гурухи аъзолари томонидан 8 нафар турк ва 1 та грек тадбиркори ўлдирилган<sup>230</sup>. 2011 йилнинг 22 июль куни норвегиялик миллатчи, протестант фундаменталисти, «Муқаддас Павел» масон жамияти аъзоси Андерс Бееринг Брейвик Осло шаҳрида ясама бомба портлатиши ва Утойя оролидаги ёшлар лагерида дам олаётганларни отиб ташлаши оқибатида 77 киши ҳалок бўлган<sup>231</sup>.

4. Анархистик терроризм XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошида асосан Россияда ҳар қандай ҳокимиятга қарши олиб борилган.

5. Диний терроризм жамиятни муайян дин таълимотига мажбуран бўйсундириш учун ушбу мақсадга тўсқинлик килувчилар, деб ҳисобланганларга нисбатан куч ишлатиш билан боғлиқ. Бундай

<sup>230</sup> Правоэкстремистский террор в Германии. Сайт «РОДОН». URL: <http://www.rodon.org/polit-111202110013>

<sup>231</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/\\_Брейвик,\\_Андерс\\_Беринг](http://ru.wikipedia.org/wiki/_Брейвик,_Андерс_Беринг).

ҳаракатни амалга ошираётган гурухлар мавжуд диний таълимотлардан ниқоб сифатида фойдаланмокдалар.

Жумладан, Шимолий Ирландияда узоқ йиллардан бўён протестантлар ва католиклар орасида давом этаётган низо жараёнида католикларнинг «Ирландия республикачилар армияси» ва «Ольстер протестант кўнгиллилари» (ингл. «Ulster Defense Association»,UDA), «Ольстер волонтёрлари кучи (Ulster Volunteer Force, UVF)», «Ольстер озодлиги курашчилари (Ulster Freedom Fighters, UFF)» каби ҳарбийлашган ультра протестант ташкилотлари томонидан кўплаб террорчилик ҳаракатлари амалга оширилган. АҚШда «Теологияни ислоҳ қилиш», «Христиан бирлиги ҳаракати» каби айрим радикал протестант ташкилотлари ҳомиладорликни сунъий тўхтатишига ихтисослашган шифохона ва уларнинг ходимларига нисбатан террорчилик ҳаракатларини содир этган.

1995 йилнинг март ойида буддавийликдан ажralиб чиқсан секта – «Аум Синрике» (Япония) томонидан Токио метросида «зарин» русумли заҳарловчи газдан фойдаланиб амалга оширилган террористик ҳаракат оқибатида 12 киши ҳаётдан кўз юмиб, 5 мингдан зиёд одам шикастланган.

1994 йилнинг 25 февраль куни ақидапараст яхудийларнинг «Кахане хай» (Исройл, АҚШда «Яхудийларни ҳимоя қилиш лигаси» деб аталади) террорчилик ташкилотининг аъзоси Барух Гольдштейн Иордан дарёсининг Фарбий соҳилидаги Хеброн шаҳрида жойлашган «Иброҳим» ибодатхонасида 67 та мусулмонни отиб ўлдирган, 300 га яқинини ярадор қилиган<sup>232</sup>.

Афсуски, бугунги кунда мусулмон мамлакатларида ҳам кўпдан-кўп террорчилик ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда.

Диний-экстремистик гурухларни диний, сиёсий, географик каби омиллар асосида турлича таснифлаш мумкин. Ислом дунёсидаги диний-экстремистик гурухларни тарихий-географик жиҳатдан шартли равишда тўрт тоифага бўлиш мумкин:

– биринчи тоифа: 1928 йили Мисрда вужудга келган «Мусулмон биродарлари» ташкилоти, унинг турли мамлакатларда тузилган бўлинмалари, шунингдек, ушбу ташкилотдан ажralиб чиқсан,

<sup>232</sup> Дронзина Т. Терроризма женский лик (результаты международного исследования). Книжная серия журнала «Международные исследования. Общество. Политика. Экономика». – Астана, 2011. – С. 95.

ғоявий жиҳатдан «Мусулмон биродарлари»ни қўллаб-куватловчи гурухлар, уларнинг хорижий бўлинмалари. Улар қаторида «Ал-жамоа ал-исломия», «кал-Жиҳод», «Ат-такфир вал-ҳижра», «Жундуллоҳ» (барчаси Мисрда), «Қуролланган ислом гурухи» (Жазоир), «Жумаймана ал-Утайбий» (Саудия Арабистони) ва «Ҳизбут таҳрир ал-исломий» ташкилотларини кўрсатиш мумкин;

— иккинчи тоифа: Яқин Шарқда арабларнинг Истроил билан қарама-каршилиги давомида юзага келган гурухлар: ҲАМАС (Ҳаракат ал-муқовама ал-исломийа), «Ислом жиҳоди» (Фаластин), «Ҳизбуллоҳ», «Амал» (Ливан) ва ҳ.к.;

— учинчи тоифа: мусулмон дунёсида Афғонистонда 1970-йилларнинг охиридан бўён давом этиб келаётган қуролли можароларда бевосита иштирок этиш ёки молиявий ёрдам, қурол-яроғ, жангарилар етказиб бериш асносида юзага келган гурухлар бўлиб, аксарияти Афғонистон ва Покистонда тузилган: «Ҳаракат ул-Мужоҳидин», Толибон ҳаракати\*, «Ал-Қоида», «Ҳизби исломия», «Лашкар-е-Тоиба» ва ҳ.к..

— тўртинчи тоифа: «совук уруш» барҳам топиб, ўз ҳомийлари ва «долзарблигини»ни йўқотган «Ал-Қоида» етакчилигига глобал қуролли жиҳод гояси остида тузилган «Салибийлар ва яхудийларга қарши ягона ислом фронти» уюшмаси, диний-сиёсий мафкура жиҳатидан «Ал-Қоида» ташкилотига бевосита бўйсунган ёки ғоявий эргашган диний-экстремистик гурухлар ҳамда шўролар тузуми парчаланиб кетгандан сўнг МДҲ ҳудудида вужудга келган диний-экстремистик гурухлар. Улар қаторида «Ироқ ва Шом ислом давлати»\* (аввалги номи – «Ал-Қоиданинг Ироқ бўлинмаси» (Ироқ), «Ал-Қоиданинг ислом Мағрибидаги ташкилоти» (Жазоир), «Ал-Қоиданинг Индонезия ташкилоти» (Индонезия), «Арабистон ярим оролидаги Ал-Қоида» (Яман), «Аш-Шабаб» (Сомали), «Ансор аш-Шариа» (Ливия), «Жабат ал-нусра» (Сурия), «Шарқий Туркистон ислом ҳаракати (Шинжон-уйгар автоном райони), «Имарат Кавказ», «Кавказ муҳоҳидлари уюшмасининг олий ҳарбий шўроси (Высший военный Маджлисуль Шура Объединенных сил моджахедов Кавказа)», «Ичкерия ва Дагестон ҳалқлари конгресси», «Ярмуқ», «Жаннат» (Россия), «Туркистон ислом ҳаракати», «Ислом жиҳоди иттиҳоди», «Байъат», «Жайшул Маҳдий»\*, «Жундул Халифат»\* (Марказий Осиё) ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

ХХ асрнинг сўнгги чорагида кўпроқ тилга олина бошлаган халқаро терроризмнинг характерли жиҳатлари унинг халқаро хукуқ ҳимоясидаги обьектлар ёки субъектларга қарши қаратилгани, мустақил давлатлар чегараларини бузиш орқали амалга оширилиши, аъзолари ёки йўриқчилари икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролари экани, жангариларнинг хориждаги маҳсус лагерларда тайёргарлик ўтаб келиши, шунингдек, кўпорувчиликни содир этишда хорижий давлатлар ва экстремистик уюшмалар ёрдамидан, халқаро тус олган ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва наркобизнесдан келадиган молиявий манбалардан фойдаланиши саналади.

Мугахассислар ислом дунёсида вужудга келган дастлабки террорчилик гуруҳи сифатида хорижийлар\* (араб. «ажралиб чиқсан, исёнчи») диний-сиёсий ҳаракатини эътироф этадилар. Ҳаракат 657 йил тўртингчи халифа Али ибн Абу Толиб ва Сурия ҳокими Муовия ибн Абу Суфён орасида сиёсий ҳокимият учун кураш борган даврда вужудга келган. 657 йил улар ўргасида бўлиб ўтган «Сиффин жангиги» Муовия тарафдорларининг ташаббуси билан тўхтатилган. Али ибн Абу Толиб халифани сайлаш масаласини иккала томондан тайинланадиган вакиллардан иборат «ҳакамлар»нинг ҳал этишига рози бўлган. Шунда Абдуллоҳ ибн ал-Кавва ал-Яшкурий ат-Тамими, Итоб ибн ал-Аъур, Абдуллоҳ ибн Вахб ар-Росибий каби шахслар етакчилигига бир гуруҳ жангчилар (турли манбаларда 612 минг деб келтирилади) гўёки «Ҳукм фақат Аллоҳники, Али ҳукм чиқариши ҳакамларга топшириб диндан чиқди», деган даъво билан халифа Алининг қароргоҳи жойлашган Куфани тарқ этиб, Ҳарурага кетиб қолган.

Хорижийлар «кимон амалсиз бўлмайди», «оғир гуноҳ қилган мусулмонлар абадий дўзахда қолади» деган гоялар остида оғир гуноҳ қилган мусулмонларни диндан чиқсанликда айблаб, уларга қарши уруш олиб бориш керак деб ҳисоблаган. Ўзга гояларга ўта муросасиз бўлган хорижийлар нафақат халифалик ҳокимияти вакиллари, балки ўзларига эргашмаган мусулмонларни ҳам аёвсиз қирғин қилган.

XIV асрнинг биринчи ярмида Миср ва Сурияда фаолият юритган ҳанбалий мазҳабидаги илоҳиётчи Тақиуддин ибн Таймия\* (1263–1328) диний-экстремистик мағкуранинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Ибн Таймия шариат талабларига тўлиқ риоя этмаётган мусулмоннинг эътиқоди қандай ҳисобланиши ва давлатни шариатдан

бошқа конунлар билан бошқараётган ҳокимга муносабатни белгилашда ўз давридаги бошқа кўпчилик уламолардан кескин фарқ қиливчи хулоса берган. Унга кўра, гўёки «ким ислом қонунларига тўлиқ итоат қилмаса, мусулмон бўлишидан қатъи назар унга қарши жанг қилиш керак». 1270 йили мўғуллар Анатолия (Туркия) нинг жанубини, жумладан, Ибн Таймия яшайдиган Мардин шаҳрини истило қилган бўлиб, улар ушбу ердан қўшни мусулмон ҳудудларига боскинчилик ҳужумларини уюштириб турган. 1300 йили Ибн Таймия шаҳар «дорул-ислом» ҳисобланмаслиги ва ушбу ҳолатдан келиб чиккан ҳолда, ҳижрат қилмаган ва ислом аҳкомларидан чекинган мусулмонларга қарши «жиҳод» қилиш лозим экани ҳақида берган фатвоси замонавий «жиҳодчилар» жамоалари учун гўёки «муқаддас манба» бўлиб хизмат қиласди<sup>233</sup>.

XVIII асрда Арабистон яриморолида яшаган Мұхаммад ибн Абдулваҳҳоб (1703–1792) ўз даври мусулмон жамиятларини ҳақиқий ислом таълимотидан четлашиб қолганликда айبلاغан эди. Унинг таълимоти асосини гўёки яккахудоликни қайта қатъий жорий қилиш, авлиёларга сифиниш ва муқаддас жойларни зиёрат қилишни ман этиш, исломни бидъат амаллардан тозалаш, барчани шариатга мажбуран итоат эттириш ташкил этган. Ибн Абдулваҳҳоб «Китаб ал-кашф» асарида ўз ғояларига қўшилмаганларни «кўпхудоликка» қайтганлар деб эълон қилган<sup>234</sup>. Илк «ваҳҳобийлик»\* учун эътиқод масалаларида ўта фанатизм, сиёсий масалаларда мухолифларга қарши амалий курашда шафқатсиз куролли жанг хос ҳисобланади.

XX аср ўрталарида Мисрда «Мусулмон биродарлар» ташкилотига Ҳасан ал-Баннодан кейин етакчилик қилган Сайид Кутб қуролли жиҳод мусулмонларга тўрт босқичда фарз қилинган деб даъво қиласди. Унга кўра, гўёки, Мұхаммад пайғамбар Маккада яшаётган вактида мусулмонларга қуролли кураш ман этилган. Ҳижратдан сўнг ушбу чеклов бекор қилинган. Учинчи босқичда мусулмонлар

<sup>233</sup> 2010 йилнинг март ойида Саудия Арабистони, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Индонезия, Кувайт, Марокаш, Сенегал ва Яман мамлакатларининг йирик уламолари Мардинда тўпланиб, «Янги Мардин декларацияси»ни қабул қилдилар. Декларацияда Ибн Таймиянинг ўрта асрда берган фатвоси ўша тарихий даврга тааллукли экани, ҳозирги кунда ушбу фатво мусулмонларни ва бошқа диндагиларни ўлдиришга асос бўлмаслиги баён этилган.

<sup>234</sup> А. Васильев. Пуритане ислама? Ваххабизм и первое государство Саудидов в Аравии (1744/45–1818). – М. : Наука. – С. 109.

учун уларга ҳужум қилаётган мушрикларга қарши куролли курашда иштирок этиш мажбурият сифатида белгиланган. Ниҳоят, тұртінчи босқычда мусулмонларнинг «динсизлар» билан, улар исломга қарши чиқиши ёки чиқмаслигидан қатын назар куролли жиҳод қилишлари фарз қилинган.

Диний-экстремистик мағқурада нафақат давлатни дүнёвий қонунлар билан бошқариш, балки ушбу қонунларга итоат қилған фүқароларни ҳам динсизликда айблаш ғояси мавжуд. Жумладан, XX асрнинг иккінчи ярмидан Мисрда фаолият күрсатған «Ал-Жиҳод» гурұхининг етакчиларидан бири Мұхаммад Абдусалом Фараж «Ал-фарида вал-ғойиба (Унугилған бурч)» китобида мусулмон мамлакатлари ҳукуматларини «салбчилар», сионистлар ва коммунистларға хизмат қилишда айблаб, «коғир» деб әйлон қилған ҳамда диндан қайтғанларни қаты этиш шарт, деб даъво қилған. М.Фараж аввалғи жиҳодий ғояларни янада ривожлантириб, «мусулмонлар динсизларнинг құли остида бўлган вақтда қуролли жиҳод ўз-ўзидан исломнинг олтинчи устунига айланади» деб ёзган<sup>235</sup>.

М.Фаражнинг издоши, «Ат-Такфир вал-Ҳижра» (Миср) гурұхининг асосчиси Мустафо Шукри эса «динсиз ҳукмдорга бўйсунғанлар ҳам итоатлари учун Аллоҳ олдида жавоб беради» деб ақидапарастликда дунёвий давлатда яшаётган ва ўз мамлакатида қабул қилинган қонунларга бўйсунувчи барча одамларни коғирликда айблаш даражасига борган<sup>236</sup>. Ш.Мустафо «эътиқодни тиклаш учун жамиятни бузиши» ғоясини илгари суриб, ўз жамоаси аъзоларини жамиятдан тұла ажратишига, жумладан, дунёвий ҳаёт кечирувчи оиласидан воз кечишига мажбур қилған. «Ал-Такфир вал-Ҳижра» гурұхининг айрим мутаассиб аъзолари Мисрнинг ақоли сийрак ҳудудида алоҳида кун кечириб, тузумга қарши қуролли жиҳод олиб боришга ҳаракат қилған.

1970-йилларнинг охирида Афғонистонға собиқ Совет Иттифоқининг қуролли кучлари киритилиши ҳамда мусулмон дунёсида мазкур армияга қарши қуролли жиҳод әйлон қилиниб, Афғонистон ҳудудига хорижий мамлакатлардан жангариларнинг кириб келиши исломдаги мавжуд салафий ақидалар асосида янги агрессив «Ал-валоу вал-бароу» (ўзбекчада тахминан «Аллоҳнинг дўстларини севиш, душманларидан

<sup>235</sup> Добаев И. П. Современный терроризм: региональное измерение. – Ростов-на-Дону : СКНЦ ВШЮФУ, 2009. – С. 22.

<sup>236</sup> Коровиков А. В. Исламский экстремизм в арабских странах. – М. : Наука, 1990 . – С. 63.

нафратланиш») концепциясининг шаклланишига олиб келди. Мазкур тамойил Куръон оятлари, ҳадислар, Ибн Таймия, Ибн Қайюм ал-Жавзия, Мұхаммад ибн Абдулваҳҳоб каби салафийларнинг асарларини ўзига хос талқин қилиш асосида бош мақсад – турли юртлардан келган жангариларнинг ўзлари бегона бўлган мамлакатларда террорчилик фаолиятини олиб боришини шаръий жиҳатдан асослаш бўлиб, куйидаги тамойилларни илгари суради:

– гўёки кўпчилик мусулмонларнинг имони сусайиб, коғирларни дўст ва иттифоқчи қилиб олган. Оқибатда улар хаёт кечиришда улардан ибрат олиб, ўзлари динсизга, яшаётган давлатлари эса куфр\* юрга айланмоқда;

– асл мусулмонларнинг барчасига собиқ ислом ҳудудларини озод қилиш учун куролли жиҳод гўёки мажбурий (фарзи айн) амал ҳисобланади.

Афғонистон учун жангарилар тайёрлашга ихтисослашган, кейинчалик «Ал-Қоида» гурӯҳи тузилишида асос бўлиб хизмат қилган «Мактаби хидама ал-мужоҳидин» ташкилоти (Пешавор, Покистон) раҳбари Абдалла Аззам куролли жиҳод қилиниши лозим бўлган ҳудудлар қаторига Аден (Яман), Бухоро (Ўзбекистон), Фаластин, Испания (Андалусия), Эритрея, Болгария, Судан, Ливан, Сомали, Бирма, Кавказ, Уганда, Чад, Танзания, Индонезия, Нигерия каби шаҳар ва давлатларни киритган. Салафийлар томонидан имоннинг шартлари даражасига кўтарилган ушбу концепция Толибон ҳаракатининг жангарилар тайёрлаш лагерларида таълим олганларга сингдирилиб, мазкур жангарилар кейинчалик араб мамлакатлари, Босния ва Косова, Кавказ, Кашмир, Марказий Осиё, Филиппин, Индонезия, Европа, АҚШда манқуртларча террорчилик ҳаракатлари олиб бормоқда<sup>237</sup>.

1998 йилнинг 23 февраль куни «Ислом жиҳоди» (Миср) етакчиси Айман аз-Завоҳирий ва «Ал-Қоида» раҳбари Усома бин Лодин «Салбчилар ва яхудийларга қарши ягона ислом фронти» уюшмаси тузилганини эълон қилиб, гўёки «барча америкаликларни ва уларнинг малайларини, ҳарбий ёки фуқаро бўлиши ва қайси мамлакатда эканидан қатъи назар, ўлдириш барча мусулмонларга фарз», деб фатво берган<sup>238</sup>.

<sup>237</sup> Игнатенко А. А. Ислам и политика: Сборник статей. - М. : Институт религии и политики, 2004. – С. 100–102.

<sup>238</sup> Нехорошев Г. «Доктор Смерть». Сайт «Stringer», 16.08.2011. URL: <http://stringer-news.com/publication. mhtml? Part=48&PubID=17531>.

Ўзининг мутаассиб қарашлари билан машхур Абу Мусаб ас-Сурий (асл исми – Мустафа Сетмариан Насар, келиб чикиши сурялийк бўлган Испания фуқароси) 2005 йили «Умумисломий каршилик ҳаракатига даъват» («Якка ва кичик гурух жиҳоди мактаби» деб ҳам аталади) асарида куролли жиҳодни «индивидуаллаштириш», яъни йирик ташкилий тузилма сифатида эмас, якка ва кичик гурух таркибида олиб боришга даъват қилиб, «тизим, лекин ташкилот эмас (Низам! Ла танзим!)» деған тамойилни илгари сурди. Ушбу ўйлда оммавий қирғин куролларидан ҳам фойдаланиш мумкин деб даъво қилган<sup>239</sup>.

Абу Мусаб ас-Сурийнинг «якка жиҳод» ғоялари замонавий «жиҳодчилар»нинг бошқа ғоявий илҳомчиси, АҚШ фуқароси, «Арабистон яриморолидаги Ал-Қоида» гурухининг Анвар ал-Авлоқий (2011 йилнинг сентяброда Яманда ўлдирилган) етакчилигидаги «Ал-Малаҳим медиа» тарғибот-ташвиқот маркази томонидан «Интернет» тармоғида 2011 йилдан бўён инглиз тилида фаолият кўрсатаётган «Inspire» экстремистик сайтида кенг ёритилиб келмоқда. Айнан шу ғоялар таъсирида: 2009 йилда АҚШнинг Литтл Рок шаҳридаги армияга ёллаш марказида Абдулҳаким Муҳаммад, Техас штатидаги ҳарбий базаларнинг бирида Нидаль Ҳасан, 2012 йил 19 марта Тулуса (Франция) шаҳрида жойлашган яхудий мактабида Муҳаммад Мера отишмалар уюштирганлар; 2013 йил 16 апрелда ака-ука Царнаевлар АҚШнинг Бостон шаҳрида портглаш амалга оширган; 2013 йил 22 май куни Лондонда икки террорчи қотил – Адеболаджо ва Адебовале томонидан Британия ҳарбий хизматчisi Ли Ригби ваҳшийларча сўйиб ўлдирилган, деган хulosага келиш мумкин.

Қайд этилганлардан кўриниб турибдики, замонавий террорчилар борган сари ўзларининг абстракт ғоялари йўлида исталган инсонни, дини ва миллатидан қатъи назар ўлдиришдан қайтмайдиган даражада радиқаллашиб бормоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, исломий давлат қуриш амалий стратегиясини белгилашга диний-экстремистик мафкурада уч хил назарий-концептуал ёндашув мавжуд:

– биринчи ёндошув «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг биринчи раҳбари Ҳасан ал-Баннонинг ғояларига асосланиб, унга кўра сиёсий ҳокимиятни эгаллаш уч босқичда бўлади: маърифий ва хайрия

<sup>239</sup> Кудрявцев О. В. Трансформация идеологии терроризма. // Материалы Первой всероссийской научно-практической конференции «Формирование устойчивой антитеррористической позиции гражданского общества как основы профилактики терроризма». – М. : МЦНМО, 2009. – С. 415.

ишилари босқичи; ташкилотни мустаҳкамлаш ва гурух аъзоларини чиниқтириш; сиёсий ҳокимиятни катый ҳаракатлар билан қонуний ҳукуматдан тортиб олиш;

— иккинчи ёндашув С.Қутб томонидан илгари сурилган бўлиб, у бутун жамиятни «жоҳилият»\*да айблаб, уни қайта «тарбиялаш»га ва ундан ёрдам олишга ишонмас эди. Шунинг учун С.Қутб исломий давлат қуриш учун курашни икки босқичга: заифлик ва жиҳодга бўлган. «Заифлик» даври гўёки «ҳақиқий мусулмонлар»нинг эътиқод соғлигини асраш мақсадида жоҳилият жамиятидан «ҳижрат» қилиш билан боғлиқ бўлса, жиҳод босқичи кичик «ҳақиқий мусулмон жамоаси»нинг куфр жамият билан ғалабагача куролли кураш олиб бориши ҳисобланади;

— учинчи ёндашув кофириликда жамиятни эмас, балки ундаги дунёвий ҳокимиятни айблашга асосланган. Сиёсий ҳокимиятни эгаллаш жамиятни босқичма-босқич «исломлаштириш», кенг тармоқланган яширин бўлинмалар ташкил этиш, давлат идоралари ва куролли кучларга кириб бориш ва вазият қулай бўлган вақтда давлат тўнтишини амалга оширишни назарда тутади<sup>240</sup>.

Террорчилик ташкилотларининг моливий маблағлари аниқ бир террорчилик ҳаракатини содир этишга ҳамда кенг ташкилий ишлар, ташкилот инфратузилмасини сақлаш ва мафкурани тарғиб қилишга сарфланиб, уларнинг молиявий манбалари куйидагилардан иборат:

— қонуний манбалар: ишлаб чиқариш, савдо нуқталарини ташкил этиш, хайрия жамгармалари ва ташкилот ғояларига мойил алоҳида шахсларнинг ёрдами, закот тўплаш ва ҳ.к.;

— жиноий фаолият: жиноий пулларни легаллаштириш, гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ, нодир ва рангли металллар, қимматбахо тошлар савдоси, контрабанда, рэкет, товон олиш учун одам ўғирлаш, босқинчилик ҳ.к.<sup>241</sup>.

— диний-экстремистик гурух аъзоларидан йиғиладиган бадал пули (байтулмол).

Шу билан бирга, террористик ташкилот ва айрим террористик гурух\*ларнинг фаолиятини ўз сиёсий манфаатлари йўлида қўллаб келаётган айрим давлатлар диний-экстремистик ташкилотлар учун муҳим молиявий манба вазифасини бажармоқдалар.

<sup>240</sup> Коровиков А. В. Исламский экстремизм в арабских странах. – М. : Наука, 1990. – С. 77.

<sup>241</sup> Панкова Л. Н., Таранухи Ю. В. Профилактика (предупреждение) экстремизма и терроризма. Методическое пособие для пропагандистов. – М. : Университетская книга, 2010. – С. 366.

Террористик ташкилот ва гурухлар молиявий маблағларини харакатлантиришда молиявий тизимлар (банклар), пул ташувчилар ва халқаро савдо тизимидан фойдаланиб келмоқдалар<sup>242</sup>.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, 1990-йилларнинг бошида жаҳонда 500 дан зиёд террорчи гуруҳ фаолият юритган<sup>243</sup>. Сўнгги йилларда террор фаолияти кузатилаётган географик ҳудуд кенгайиб, терроризмнинг баркарор ўчоқларини сони ортиб бормоқда. 1990-йилларнинг бошида терроризмнинг асосий майдонлари Афғонистон, Жамма ва Кашмир (Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги чегара ҳудуд), Фаластин ҳудудлари бўлган бўлса, 1990-йилларнинг иккинчи ярмида улар қаторига айрим Болқон мамлакатлари, Жазоир, Сомали ва Шимолий Кавказ республикалари қўшилди. 2000-йилларда Ирок, Нигерия ва Покистон, 2010-йилларда эса Ливия, Сурия, Мали каби мамлакатларда чуқур ижтимоий-сиёсий тангликлар оқибатида терроризм учун қулай муҳит шаклланди.

АҚШ давлат департаментининг халқаро терроризм ҳақидаги маълумотларига («Country Reports on Terrorism 2012») мувофиқ, 2012 йили дунёдаги 85 мамлакатда 6771 террор ҳаракати содир этилиб, 11 мингдан зиёд одам ҳалок бўлган ва 21,6 мингта одам ярадор бўлган. Барча террористик ҳаракатларнинг ярмидан кўпи Покистон, Ирок ва Афғонистон ҳудудида содир этилган. Энг кўп террористик ҳаракат Афғонистондаги Толибон ҳаракати (525 та), Нигериядаги «Боко Ҳарам» (384) ва «Ал-Қоида»нинг Ирокдаги бўлинмаси (249) томонидан содир этилган<sup>244</sup>.

Таъкидлаш жоизки, толиблар ва уларга иттифоқчи жангари гурухлар Покистоннинг Бунер, Сват, Юқори ва Қуий Дир, Малоқанд, Танк ва Дера Исмоил Хон каби ҳудудларида ўйинчоқ, радиоприемник, сув соладиган идиш каби буюмларга ниқобланган портловчи мосламаларни ишлатиши кўплаб ёш болаларнинг умрига зомин бўлмоқда<sup>245</sup>.

<sup>242</sup> Финансирование терроризма. Сайт «Евразийская группа по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма». URL: [eurasiangroup.org/ru/news/typ\\_14.pdf](http://eurasiangroup.org/ru/news/typ_14.pdf).

<sup>243</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/\\_Международный\\_терроризм](http://ru.wikipedia.org/wiki/_Международный_терроризм).

<sup>244</sup> Сайт «PanARMENIAN.Net». URL: <http://www.panarmenian.net/rus/news/160559/>

<sup>245</sup> Захир Шах. Бомбы-игрушки несут угрозу пакистанским детям. Сайт «Средняя Азия в Интернете», 23.05.2013. URL: <http://centralasiaonline.com/ru/articles/caii/features/pakistan/main/2013/05/23/feature-01>

Бундан ташкари, Шимолий Африка, Арабистон яримороли, Ироқ, Индонезия, Яқин Шарқ, Кавказ ва бошқа худудларда ўзини «Ал-Қоидা» бўлинмаси ёки мафкуравий иттифоқчisi деб эълон қилган террористик ташкилотлар томонидан кўплаб террор ҳаракатлари содир этилмоқда. Жумладан, 2009 йил июль ойида «Ал-Қоиданинг Индонезия ташкилоти» Жакарта шаҳридаги иккита меҳмонхонада портлатишлар амалга оширган. 2010 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида ташкилотнинг Ироқ бўлинмаси Бағдодда католик черковига ҳужум уюштириб, черков қавмини гаровга олган. Гаровдагиларни озод қилиш вақтида уларнинг 50 дан зиёди ҳалок бўлган. 2013 йил январь ойида «Ислом Магрибидаги Ал-Қоидা» ва «Қон билан имзо чекканлар» гурухлари Малининг жанубий худудларини эгаллаб олдилар. 2013 йил 16 январь куни эса жангарилар кўшни Жазоирда Аменас шаҳри ёнидаги газ ишлаб чиқариш комплекси ходимларини гаровга олдилар. Гаровдагиларни озод қилиш вақтида кўплаб курбонлар бўлди. 2013 йил 21 сентябрь куни «Аш-Шабаб» (Сомали) террористик ташкилотининг жангарилари кўшни Кения мамлакати пойтахти Найроби шаҳридаги «Westgate» савдо марказида оддий фуқароларни гаровга олиб, оммавий отишмалари оқибатида 60 дан зиёд одам ҳалок бўлди.

«Breaking Views» тадқиқотлар маркази (Буюк Британия) эксперталарининг ҳисоб-китобларига мувофиқ, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларида рўй берган ижтимоий-сиёсий бекарорликлар оқибатида мазкур худудлардаги мамлакатлар 225 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган<sup>246</sup>.

«Инсон ҳукуклари бўйича Сурия обсерваторияси» номли нодавлат ташкилоти 2014 йил кузига қадар Суриядаги қуролли тўқнашувлар оқибатида 250 минг одам ҳалок бўлган<sup>247</sup>. Уруш оқибатида 5 миллионга яқин суряликлар ўз уйини ташлаб кетишга мажбур бўлган<sup>248</sup>. Сурия иктисадиёти 143 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган<sup>249</sup>.

<sup>246</sup> Экономический ущерб от «арабской весны» составит 225 миллиардов долларов. Сайт «Власти.нет», 21.01.2013. URL: <http://vlasti.net/news/158509>

<sup>247</sup> Сайт «News.bigmir.net», <http://news.bigmir.net/world/829881-Za-tri-goda-voini-v-Siri-pogibli-250-tis-chelovek>

<sup>248</sup> Сайт «Cursorinfo.co.il», 01.09.2013. URL: <http://cursorinfo.co.il/news/novosti/2013/09/01/chislo-zhertv-siriyskogo-konflikta-previsilo--tisyach-chelovek/>

<sup>249</sup> Сайт «Wordpress.com», [http://ayyamru.wordpress.com/2014/06/01/Доклад\\_ООН:\\_экономическая\\_руина\\_в\\_Сирии.\\_Цифры](http://ayyamru.wordpress.com/2014/06/01/Доклад_ООН:_экономическая_руина_в_Сирии._Цифры)

Террорчилар фаоллик кўрсатаётган Сомалида 2010–2012-йилларнинг ўзида ижтимоий бекарорлик оқибатида юзага келган чукур иқтисодий инкиroz ва озиқ-овқат танкислиги оқибатида 258 минг киши вафот этган, уларнинг ярмини беш ёшгача бўлган болалар ташкил этади<sup>250</sup>.

БМТнинг маълумотларига кўра, 2013 йили Ироқда террорчилик ҳаракатлари оқибатида 8,8 мингдан зиёд одам ҳалок бўлган<sup>251</sup>. 2014 йилда эса «Ироқ ва Левант ислом давлати», террорчи гуруҳи жангарилари мамлакатнинг Рамади, каби масъул Фалужа шаҳарлари устидан ўз назоратини ўрнатишга эришган. Террористик ҳаракатлар оқибатида мингдан зиёд фуқаролар ҳалок бўлган<sup>252</sup>. 2014 йил 29 июнъ куни ташкилот ўзи эгаллаб турган ҳудудларни «Халифалик» деб эълон қилди ва натижада ташкилот етакчиси Абу Бақр Багдодий «Халиф» сифатида эътироф этилмоқда.

Кейинги йилларда террорчи ташкилотлар томонидан ўз-ўзини портлатиш усулидаги террор ҳаракатидан кенг кўламда фойдаланилмоқда. 2003 йили АҚШ Конгресси учун тайёрланган ҳисоботга кўра, ийлига худкуш-террорчилик ҳаракатлари барча содир этилаётган террористик амалиётларнинг 3 фоизини ташкил этса, умумий қурбонларнинг деярли ярми айнан ўзини портлатиш орқали содир этилган террорчилик ҳаракатларига тўғри келар экан. Маълумотларга кўра, худкуш-террорчилардан Толибон ҳаракати, «Ал-Қоида», ХАМАС, «Хизбуллоҳ», «Тамил-Иламни озод этиш йўлбарслари», Шимолий Кавказдаги «жиходчилар» жамоалари каби 17 тага яқин террорчи гуруҳлар фойдаланиб келмоқдалар<sup>253</sup>. Жумладан, 2012 йилнинг июль ойида Афғонистон Миллий хавфсизлик бошқармасининг матбуот котиби Шафиқулло Тоҳирий сўнгги икки йил давомида мамлакатда 241 та худкуш-террорчи қўлга олингани ҳақида маълумот берган<sup>254</sup>.

Шимолий Кавказда худкуш-террорчи аёлларнинг ҳаёти тадқиқ қилинганда, уларнинг аксарияти аслида дин фанатлари эмаслиги

<sup>250</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 4 май 2013 йил.

<sup>251</sup> ООН: Всего за 2013 год в Ираке погибли более 8 тыс. человек. Сайт «RBC.ru lenta», 02.01.2014. URL: <http://www.rbc.ru/rbcfree/news/2014/01/20/32026.shtml>

<sup>252</sup> Львов П. Война в Ираке усиливается. Сайт «Сайт ЦентрАзия», 09:29 10.02.2014. URL: <http://www.centrasia.ru/news.php?st=1392010140>

<sup>253</sup> Дронзина Т. Терроризма женский лик (результаты международного исследования). Книжная серия журнала «Международные исследования. Общество. Политика. Экономика». – Астана, 2011. – С. 59.

<sup>254</sup> Сайт «Afghanistan.ru», 25.07.2012. URL: <http://www.afghanistan.ru/doc/23384.html>.

маълум бўлган. Уларнинг бу каби террорчиликни амалга оширишларига сабаб аввал қуролли тўқнашувларда яқин одамларидан, уйжойидан жудо бўлганликлари, чукур руҳий изтироб чекканликлари, шунингдек, яқин қариндошларидан бўлган эркак жангарилар уларни «жиҳодчилар» жамоасига жалб қилгани аниқланган. Фаластинда эса худкуш-террорчи аёллар учун асосий мотивлар каторида ўзи ва оиласининг шаънини тиклаш ёки сақлаб қолиш, келгусида оиласига кўрсатиладиган моддий ёрдам каби омиллар қайд этилган<sup>255</sup>.

Экстремистик сайтларнинг бирига жойлаштирилган «Икки дарё шаҳидлари» (Ироқ назарда тутилмоқда) номли мақолада келтирилган 32 худкуш-террорчининг ҳаёти таҳлил қилинганида, улар учун умумий бўлган омиллар – барчасининг мустаҳкам ижтимоий алоқалари йўқлиги, яъни яқин одамлари йўқ экани ва бошқаларнинг таъсирига осон тушшиши каби сабаблар маълум бўлган.

Мутахассислар худкуш-террорчиларга ўлимдан кейин гўёки «шаҳид»\* бўлиш ваъда қилиниши муҳим сабаб эканини эътироф қилиш билан бирга, аслида худкуш-террорчиларни психологик нуқсонли шахслар сифатида характерлаб, уларга хос жиҳатлар сифатида ўзига қарши қаратилган (нарцисс) агрессивлик, доимий кўркувни ҳис этиш, ўта чукур руҳий тушкунлик, ўзини айборд ҳис этишини қайд этадилар<sup>256</sup>.

Худкуш-террорчиларни тайёрлаётган йўриқчилар террорчилик ҳаракатини амалга оширишдан аввал уларни бошқалардан бутунлай ажратиб қўйиш орқали мазкур психологик ҳолатларни янада кескинлаштиради.

Хозирги кунда ҳалқаро террористик ташкилотлар\*нинг кўпчилиги қатъий иерархия ва ягона бошқарув марказига эга яхлит ташкилот сифатида эмас, балки глобал қуролли жиҳод ғояси билан бирлашган, ташкилий жиҳатдан фақат ўзаро ахборот алмашиш ва жангарилар тайёрлашда ҳамкорлик қилувчи, автоном ҳаракат қилувчи ва ўта мобил тармоқланган тизим шаклида фаолият юритмоқда.

Диний-экстремистик ва террорчилик ташкилотларининг фаолиятида сўнгги йилларда куйидаги хатарли жараёнлар кузатилмоқда:

– тинч аҳоли ичидаги мумкин қадар кўп қурбон бўлишига қаратил-

<sup>255</sup> Дронзина Т. Терроризма женский лик (результаты международного исследования). Книжная серия журнала «Международные исследования». Общество. Политика. Экономика». – Астана, 2011. – С. 199, 222, 225.

<sup>256</sup> Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Террорист-смертник>

ган террорчилек ҳаракатлари күпайиб бормокда. Террорчилар ушбу ҳаракатни атайин, қасддан ва пухта режалаштириб амалга ошироқда. Бош мақсад – жамиятда ваҳима даражасида қўркув уйготиш, ҳукуматга нисбатан ишончсизликни шакллантириш ҳамда фуқароларда психологияк караҳт ҳолатни юзага келтириб, уларнинг қаршилик қўрсатиш қобилияти ва иродасини синдириш. 2013 йилнинг май ойида Сурияда фаолият юритаётган «Умар Форук» номли террорчилек гурӯҳи етакчиси Холид ал-Хамад (Абу-Саққор) ҳалок бўлган ҳукумат қўшинлари аскарининг юрагини суғуриб олиб, тишлиши акс этган видеотасвирнинг ОАВ орқали тарқатилиши террорчиларнинг мақсади нақадар мудҳиши, инсонийлик қиёфасидан йироқ эканини қўрсатади<sup>257</sup>;

– террорчи ташкилотлар айрим агрессив сиёсий доираларнинг манфаатпаст сиёсатидан ўз мақсадида фойдаланиб, улардан молиявий, моддий-техник ва ахборот кўмак олган ҳолда мустақил давлатларнинг ҳокимиёт тизими ва ҳудудий яхлитлигини бузишга қаратилган бузғунчилик фаолиятини амалга ошироқда. Бунга айрим Farb ва араб мамлакатларининг Ливия ва Сурияда қўзғолончиларга берган ҳарбий-сиёсий ёрдамидан «Ал-Қоиданинг Ливиядаги бўлинмаси» (Ливия) ва «Жабат ал-нусра» (Сурия) каби террорчи гурӯҳлар ушбу мамлакатлардаги ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олишда самарали фойдаланаётгани далил бўлади.

2013 йилнинг июль ойида «New York Times» (АҚШ) газетасининг бир гурӯҳ журналистлари мустақил суринтирув ўтказиб, Ливиядан танкка қарши тўп ва бошқариладиган реактив ракеталарни Қатар ва Туркия орқали Сурияда фаолият юритаётган «Жабат ал-нусра» террорчилик ташкилотига етказиб беражетганини аниқлаганларини эълон қилдилар<sup>258</sup>.

– террор ҳаракатларида хорижий мамлакатлардан келган ёлланма жангари\*ларнинг иштирок этиши кенг тус олди. Жумладан, Афғонистон ва Покистонда Марказий Осиё, Арабистон яримороли, Шимолий Африка, ҳагто, Европадан келган жангарилар ҳукуматга қарши жанговар ҳаракатларда иштирок этиб келмоқда. 2009 йили Афғонистон мудофаа вазири Абдул Раҳим Вардак Толибон ҳаракати таркибида 4 мингдан зиёд хорижий жангарилар, асосан Чеченистон, Шимолий

<sup>257</sup> Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Террорист-смертник>

<sup>258</sup> Сирийским боевикам поставлялось оружие из Ливии. Сайт «Геополитика.ру» 8.07.2013. URL: <http://www.geopolitika.ru/news/ciriyiskim-boevikam-postavlyalos-oruzhie-iz-livii>

Африка ва Покистондан келганлар мавжудлигини таъкидлаган<sup>259</sup>. Норвегиялик тадқиқотчи Анни Стенерсен Афғонистон ва Покистонда 2002–2006-йиллар оралиғида ўлдирилган 120 та жангаринынг биографиясини ўрганиб чикканда, уларнинг 103 нафари Арабистон ярим ороли, Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари фуқаролари экани аниқланган<sup>260</sup>.

Исроилнинг «Debkafile» сайтининг маълумотига кўра, «Ал-Қоида» ташкилотининг ҳозирги етакчиси Айман аз-Завоҳирий Суря халқини кўзғолонга чакириш билан бир қаторда Ирок, Иордания, Туркия, Ливандаги тарафдорларига «жиҳод»да қатнашиш учун Суряга бориш юзасидан кўрсатма берган<sup>261</sup>. Суря президенти Башор Асад 2013 йилнинг 17 июнь куни мамлакат ҳудудида 23 та давлатдан, асосан Ливия ва Ямандан келган террорчилар мавжуд эканини қайд этди<sup>262</sup>.

Вашингтон Яқин Шарқ сиёсати ва консалтинг маркази институти (Flashpoint Global Partners) тақдим этган ҳисоботга кўра, 2012 июль оидан 2013 йилнинг май ойига қадар Суряда ҳукумат қўшинлари томонидан 20 дан зиёд мамлакат фуқаролари бўлган 280 та хорижий жангари йўқ қилинган<sup>263</sup>:

– ривожланган ташкилий тузилма ва инфраструктура, хорижий сиёсий доиралар ва экстремистик гурухлар билан мустаҳкам алоқаларга эга йирик террорчилик гурухларининг вужудга келиши кузатилмоқда. Масалан, Толибон харакати ва «Ал-Қоида» ташкилоти Афғонистон ва Покистонда, «Аш-Шабаб» гурухи Сомалида, «Жабат ал-нусра» Суряда юқорида қайд этилган тизимга эга бўлиб, мазкур ташкилотлар «партизан уруши» миқёсидаги кенг кўламли кўпорувчилик фаолиятини олиб бормоқда;

– диний-экстремистик ва террорчилик ташкилотлари замонавий ахборот ва пиар-технологияларни чуқур ўзлаштирган ҳолда Интернет

<sup>259</sup> Official: Foreign Fighters Helping Taliban. Сайт «CBS», 10.10.2009. URL: [http://www.cbsnews.com/2100-202\\_162-5376458.html](http://www.cbsnews.com/2100-202_162-5376458.html)

<sup>260</sup> Al-Qaida's foot soldiers: A study of the biographies of foreign fighters killed in Afghanistan and Pakistan between 2002 and 2006 By Anne Stenersen.

<sup>261</sup> Кузнецов А. Аль-Каида: перезагрузка. Сайт «Геополитика.ру», 27.02.2012. URL: <http://www.geopolitica.ru/Articles/1382/>

<sup>262</sup> Башор Асад: «Курды северной Сирии объединились с иракскими курдами. Основание курдского государства уже вопрос времени». Сайт «ЦентрАЗия.ру», 09.03.2013. URL: <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1362834300>

<sup>263</sup> Сайт «News.RU», 05.06.2013. URL: [http://newsru.co.il/mideast/05jun2013/syria\\_103.html](http://newsru.co.il/mideast/05jun2013/syria_103.html)

тизимидағи сайт ва ижтимоий тармоқлардан қуидаги йүналишларда самарали фойдаланмоқда: психологик ва ахборот уруши олиб бориш; тарғибот-ташвиқот үтказиш; маблағ тұплаш; янги аъзоларни ёллаш; үзаро алоқаны таъминлаш; үқув-малака ошириш, мағкуравий ва амалий террористик фаолият<sup>\*</sup>ни ташкил этиш учун йүрикномалар тарқатиши. Құлланмалар видео, аудио ва китоб шаклида интернетта жойлаштирилади. Мисол учун, «Ал-Қоида» ташкилоти ўз сафдошларига мүлжалланған 1000 бетдан ошик «Жиход әнциклопедиясия»ни интернет орқали тарқаттан<sup>264</sup>. Маълумотларга кўра, экстремистик мазмундаги сайтларнинг сони 7 мингдан ошиб кетган<sup>265</sup>.

— «жиҳодчилар» жамоаларининг фаолиятига жалб қилинаётгандар тобора ёшариб бормоқда. Масалан, 2005 йилнинг 13 октябрь куни Кабардин-Балкар Республикаси пойтахти Нальчик шаҳрида давлат ва хуқуқни муҳофаза қилиш идораларига «Ярмуқ» террорчилик гуруҳи ҳужум уюштирган вактида үлдирилған 92 та жангаридан 58 тасининг ёши 25 дан кичик бўлған<sup>266</sup>;

— террористик фаолиятни хаспўшловчи тарғибот ишларини кучайтиришга, террорчилик ташкилотларига миллий-озодлик ҳаракати, эътиқод учун курашувчилар тусини беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Афғонистонда «Толиблар» ҳаракати бош мақсадлардан бири сифатида «истилочиларни ҳайдаб чиқариш»ни эътироф қиласади. Айни чоғда, баъзи гуруҳлар айрим давлатлар кўмагида халқаро гуманитар хуқуқ институтларидан «сиёсий қочқин» мақоми ва моддий ёрдам олиш, хорижий мамлакатлардан очиқ фаолият юритиши йўлида фойдаланишга интилмоқда.

Шу билан бирга, баъзи сиёсатшунослар террорчилик ташкилотларининг йирик энергетик ва қазилма захиралар мавжуд ёки стратегик коммуникациялар үтган худудларда фаоллашаётганига эътибор қаратиб, ушбу жараёнларда мусулмон дунёсидан ташқарида бўлған етакчи геосиёсий куч марказларининг ислом оламидаги терроризмга қарши кураш никоби остида дунёning геосиёсий харитасини ўзгартиришга

<sup>264</sup> Gabriel Weinmann, Terror on the Internet: The New Arena, the New Challenges, Washington, D.C.: United States Institute for Peace. 2006.

<sup>265</sup> Панкова Л. Н., Таранухи Ю. В. Профилактика (предупреждение) экстремизма и терроризма. Методическое пособие для пропагандистов. – М. : Университетская книга, 2010. – С. 226–227.

<sup>266</sup> Там же. С. 218, 226.

қаратилган манфаатлари борлигини эътироф килмоқдалар. Жумладан, диний-экстремистик ташкилотларнинг фаоллиги ёки диний омиллар асосида бекарорликлар келиб чиқаётган Африканинг Жазоир, Ливия, Нигерия ва Судан мамлакатларига ушбу қитъадаги аниқланган нефт захираларининг 90 фоиздан зиёди түғри келади<sup>267</sup>. «Ал-Қоида» билан алоқадор «жиҳодчилар» жамоалари, масалан «Ансор аш-Шария» гурухининг таъсири кучайиб бораётган Ливиянинг нефт захиралари 5,7 млрд. тоннани ташкил этади.

«Ал-Қоиданинг Арабистон яриморолидаги бўлинмаси» фаол ҳаракат олиб бораётган Яман давлати, «Аш-Шабаб» террористик гурухи кенг тармоқ отган, Аден кўрфази ва Ҳинд океанида фаолият кўрсатаётган денгиз қароқчилари «куя» қуриб олган Сомали мамлакати эса Ҳинд океани ва Қизил денгизни туташтирувчи стратегик аҳамиятга эга Боб ал-Мандиб бўғозининг қирғокларида жойлашган.

2013 йилнинг бошида «Ал-Қоида» билан алоқадор бўлган «Ансор ад-Дин», «Ал-Қоиданинг ислом Мағрибидаги ташкилоти», «Ғарбий Африка тавҳид ва жиҳод ҳаракати (МОЈWA)», «Қон билан имзо чекканлар батальони (Мухтор Бельмухтор гуруҳи)» гурухлари фаоллашган ва Франция ҳарбий кучларини киритган Ғарбий Африка минтақасидаги Мали давлатида 4,7 млн. тонна уран захираси мавжуд бўлиб, мазкур захира дунёдаги барча атом электростанцияларининг 85 йил узлуксиз ишлашига етади. Ушбу давлатга чегарадош Нигер эса уран захираларини ишлаб чиқариш бўйича дунёда 4-ўринда туради<sup>268</sup>. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Ғарбий Африка ва Сахрои Кабир минтақаси Лотин Америкасидан келадиган гиёҳванд моддалар савдоси марказига айланган. Хусусан, Европага келадиган кокаиннинг учдан бир кисми айнан мазкур худуддан кириб келади<sup>269</sup>.

1990-йилларда мустақилликни қўлга киритган ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуриш билан боғлиқ чукур ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни бошидан

<sup>267</sup> Филатов С. Судан: острые приступы «независимости». Сайт «Международная жизнь», 28.05.2012. URL: <http://interaffairs.ru/read.php?item=8496>.

<sup>268</sup> Никифоров О. Африканские урановые войны. За любой политической риторикой в современном мире стоят битвы за природные ресурсы. Сайт «Военное обозрение», 24.01.2013. URL: <http://topwar.ru/23379-afrikanskie-uranovye-voyny.html>

<sup>269</sup> Игнатов А. Новое прочтение арабской весны. Партнерство России и Франции необходимо для противодействия «сомализации» Африки. Сайт «ЦентрАзия», 02.11.2013. URL: <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1383366180>

кечираётган Марказий Осиёда айрим норасмий исломий марказлар, жамгармалар ва халқаро диний экстремистик гурухларнинг ҳомийлиги ва яширин кўмаги ёрдамида ақидапараст шахслар томонидан турли диний-экстремистик гурухлар тузилган.

Мазкур гурухлар қаторида «Адолат уюшмаси», «Ислом лашкарлари», «Ислом тикланиш партияси»нинг ӯзбек бўлинмаси, «Одамийлик ва инсонпарварлик», «Тавба» каби исломий партия ва ҳаракатларни қайд этиш мумкин. Ўтган давр ичида ушбу тузилмалар ташки ва ички омиллар таъсирида стратегик ва тактик жиҳатдан муайян тараққиёт даврини бошидан кечирди.

Минтақада диний-экстремистик гурухларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва бугунги кунда фаолият олиб боришига сабаб бўлган ташки ва ички омиллар мавжуд. Ҳозирги кундаги воқеликка устувор таъсир кўрсатиб келаётган ташки омиллар қаторида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- минтақага чегарадош Афғонистон ва Покистонда диний экстремистик ташкилотларнинг кенг кўламда фаолият олиб бораётгани ҳамда ушбу мамлакатлар ҳудудида МДХ мамлакатлари фуқаролари ҳам тайёргарлик ўтаётган жангариларни тайёрлаш марказларининг мавжуд экани;

- қатор мусулмон мамлакатларида «салафийлик» гоялари тарғиб қилинадиган диний таълим муассасаларининг мавжуд экани ҳамда мазкур муассасаларда минтақа давлатларидан чиқсан ёшлиарнинг ўқиб келаётгани;

- минтақада фаолият юритаётган диний экстремистик ташкилотларнинг хорижий марказлар ва ҳомийларидан моддий ёрдам олаётгани;

- Фарб ва ислом дунёсига мансуб баъзи мамлакатлардаги айрим сиёсий доиралар томонидан минтақа давлатларига таъсир ўтказиш мақсадида диний экстремизмга қарши кураш масаласида иккиёклама ёндашув, хусусан, ақидапараст оқим аъзоларига «эътиқод қурбони» деб қураш ва «сиёсий қочқин» мақоми бериш каби сиёсат олиб борилаётгани;

- диний-экстремистик ғоялар Интернет тармоғи ва айрим араб нодавлат теле- ва радиоканаллари орқали кириб келаётгани.

Минтақа республикаларида диний-экстремистик ташкилотларнинг фаолиятига ижобий мухит яратадиган салбий ички омиллар қаторида қўйидагиларни қайд этиш мумкин:

– аҳолининг турли қатламлари, кўпроқ тадбиркорлар, хизмат кўрсатиш сектори вакиллари ичida барча ижтимоий-сиёсий ва иктиносидий муаммоларни исломий давлат қуриш орқали ҳал этиш мумкин, деб ҳисобловчи тоифанинг мавжуд экани;

– айрим динга мойиллиги бор шахслар, кўпроқ ёшлар ва аёллар ичida диний-экстремистик ғояларни соф ислом таълимоти сифатида қабул қилиб, алданиб қолаётганларнинг учраши;

– демографик босим остида юзага келган меҳнат миграцияси сабабли хорижга иш ахтариб бораётган шахслар оила ва маҳалланинг тарбиявий назоратидан чиқиб қолиши ва ДЭО ёлловчиларнинг таъсирига тушиб қолаётгани;

– ижтимоий бандсизлик оқибатида шаклланган маргинал қатламлар ақидапараст гурух фаоллари тарғибот ишлари олиб бориши учун қулай ижтимоий муҳит сифатида шаклланиб бораётгани.

Ҳозирги кунга келиб, Марказий Осиё минтақасида фаолияти кузатилаётган диний-экстремистик гурухлар қаторида «жиҳодчи» жамоаларни, «Туркистон ислом ҳаракати», «Ислом жиҳоди иттиҳоди», «Салафийлар», «Хизбут таҳрир», «Нурчилар», «Акромийлар», «Жамоати Таблиғ», «Байъат» (Тожикистан), «Жайшул Маҳдий» (Қирғизистон) ва «Жундул Халифат» (Қозогистон) кабиларни кўрсатиш мумкин.

## 2.2. Ўзбекистонда фаолияти кузатилаётган диний-экстремистик гурухлар

### 1. «Жиҳодчилар» жамоалари

«Жиҳодчилар» («Исломчи-жиҳодчилар») жамоалари террор ва кўпорувчилик ҳаракатлари билан ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, амалдаги дунёвий конституцион тузумни ағдариб ташлаб, ислом амирлиги шаклидаги давлат қуришни мақсад қилган диний-сиёсий гурухлардир.

Марказий Осиёда фаолият кўрсатаётган «жиҳодчилар»нинг асосий мағкуравий раҳнамолари А.Мирзаев ва О.Назаров ҳисобланади. «Жиҳодчилар» жамоаларининг диний-гоявий асослари Мұхаммад ибн Абдулаҳҳобнинг «Ал-усул ас-саласа ва адиллатуҳа (Уч асос ва уларнинг далиллари)», «Китаб ат-тавҳид (Тавҳид китоби)», «Масаил ал-жоҳилия (Жоҳилиятта доир масалалар)», Ибн Таймиянинг «Китаб аз-зияр («Зиёратгоҳ)», Сайид Кутбнинг «Маолим фит-ториқ

(Йўлдаги белгилар)», «Мужоҳидларнинг сифатлари», Абу Аъла ал-Мавдудийнинг «Жиҳод», Солих ибн Фавзан ал-Фавзанинг «Шарҳ ал-ақида ал-восития (Ибн Таймиянинг «Мӯътадил ақида» китобига шарҳ)», Абул Мунъим Мустафонинг «Хижрат ва унинг ҳукмлари» каби китобларида баён этилган. Жиҳодчиларнинг соғ ислом таълимотига зид, сиёсий мақсадларга бўйсундирилган мафкураси асосан қуидаги тамойилларга асосланади:

- гўёки дунё «тавҳид» (яккахудолик)га асло ширк келтирмайдиган «кутқарилган жамоа» ва ислом душманлари – кофирлардан иборат;
- мутаассиблар ислом душманлари қаторига қуидагиларни киригади: яхудийлар, насронийлар<sup>270</sup>, ақидапарастлар назарида диндан чиқарувчи амал қилган мусулмонлар (бундай амалга замонавий кийим кийиш, мусиқа эшитиш, милодий календардан фойдаланиш каби ишлар ҳам киритилади); диндан чиққанлигини яшираётган мусулмонлар (муноғик\*)<sup>271</sup>; жиҳодий ғоялардан бошقا мафкурага эътиқод қилувчилар (масалан миллий озодлик, миллий истиқлол ғоялари тарафдорлари)<sup>272</sup>; дунёвий қонунлар жорий қилган хукумат ва мазкур қонунларга бўйсунувчи одамлар;
- «кутқарилган жамоа» ислом душманлари билан қуролли жиҳод олиб бориши орқали исломий давлат барпо этиши гўёки фарз амал ҳисобланади.

Шу тариқа «жиҳодчилар»нинг назариётчилари исталган ҳукуматни, жамиятни ёки алоҳида фуқарони ислом душманлари тоифасига киритиб, уларга нисбатан куч ишлатиш мумкин эканига «фатво» бермоқда.

«Жиҳодчилар» дунёни «Ислом ҳудуди (Дорул-ислом)» ва «Куфр/уруш ҳудуди (Дорул-куфр/Дорул-ҳарб)»га бўладилар. Гўёки «Дорул-исломда» мусулмонлар шариат асосида кун кечиради. Мусулмон бўлмаган фуқаролар (зиммийлар\*) жон солиги (жизъя) тўлашлари лозим. «Дорул-куфр» эса «кофирлар» кўли остидаги ҳудуд ҳисобланиб, барча мусулмонлар учун мазкур ҳудудни «Дорул-ислом»га айлантириш учун «ҳижрат» ва «жиҳод» қилишлари фарз ҳисобланади<sup>273</sup>.

<sup>270</sup> Мухаммад ибн Сулейман ат-Тамими (Ибн Абд аль-Ваххаб). Книга единобожия. – М., 1999. – С. 119.

<sup>271</sup> Программы по изучению шариатских наук. – М., 1999. – С. 7, 53–61.

<sup>272</sup> Салех бин Фаузан аль-Фаузан. Книга единобожия. – М., 1997. – С. 64.

<sup>273</sup> Валиахметова Г. Современные трактовки джихада // История и современность. – М.,

С.Кутб куролли жиҳоднинг учта жиҳатини алоҳида қайд этган:

- гӯёки жиҳод маълум тарихий давр билан чегараланмаган ва узлуксиз қиёматгача давом этувчи жараён ҳисобланади;
- ҳеч қандай географик, миллий омиллар билан чегараланмаган;
- мудофаа эмас, балки ҳужумкор мазмунга эга, яъни «ожоҳилия»га, у исломга таҳдид солиши ёки солмаслигидан қатъи назар, ҳужум қилиш керак<sup>274</sup>.

«Жиҳодчилар»нинг мафкурасида «коғирға чиқариш ва ҳижрат (ал-такfir вал-ҳижрат)» тамойили муҳим ўрин тутади. «Жиҳодчилар» томонидан уларнинг ғояларига эргашмаган мусулмонлар диндан чиққанликда айбланиб, ижтимоий-сиёсий тадбирларда иштирок этиш, хусусан, сайловларда қатнашиш, миллий байрамларни нишонлаш, замонавий кийим-бош кийиш, милодий календардан фойдаланиш каби амаллар гӯёки мусулмон кишининг «куфр»га кириб қолишига етарли далил деб ҳисоблаб, бундай одамларни ўлдириш ва молмulkини талон-тарож килиш мумкин, деб даъво қиласди<sup>275</sup>. Мусулмон мамлакатлари ҳукуматлари гӯёки «тогут», яъни Аллоҳга ҳаддидан ошганлар, христианлар ва яхудийлар анъанавий исломдаги каби «аҳли китоб» эмас, балки динсиз «коғир» деб эътироф қилинади.

«Жиҳодчилар» ислом давлати\* барпо қилишда ўзини «ҳақиқий мусулмонлар» ҳисоблайдиган алоҳида шахс ёки жамоа уларни қуршаб турган, уларнинг наздига «куфр» саналадиган жамиятдан алокаларни узиши, яъни ўзларидан мазкур жамият (давлат)даги қонун-қоидаларга бўйсуниш, маънавий бурчлардан соқит қилишлари – «ҳижрат» қилишларини зарурий шарт ҳисоблади. «Ҳижрат» қилиш қайд этилган мақсадларда рамзий маънода бажарилиши мумкин бўлсада, аслида «ҳижрат» даъвоси остида жиҳодчилар террористик лагерларда тайёргарлик ўташ учун хорижий мамлакатларга чиқиб кетадилар.

ХХ аср охирида ақидапараст илоҳиётчилар жиҳоднинг ҳужумкорлик ғоясини ривожлантирган. 1999 йили «Ал-Қоида» ташкилотининг собиқ етакчиси У.Лодин ўзининг «Америка ва учинчи жаҳон уруши» китобида жиҳоднинг устувор вазифалари сифатида қуидагиларни қайд этган: яхудий ва христианларни Яқин

2010. – №1. – С. 179.

<sup>274</sup> Кутб С. Вехи на пути. – М. 1990. – С. 114–115, 133–136.

<sup>275</sup> Игнатенко А. Осторожно: ваххабизм. Сайт «Институт религии и политики», 01.10.2008. URL: <http://i-r-p.ru/page/stream-mark/index-21912.html>

Шарқдан қувиб чиқариш ва ушбу ҳудудда мусулмон давлати барпо этиш; Исломнинг «юраги» (асосан мусулмонлар яшайдиган ҳудуд) ни «халифалик»ка айлантириш; дунёнинг қолган ҳудудида исломий тартибот жорий қилиш. УЛодин мазкур максад йўлида тегишли шаръий фатво чиқарган ҳолда оммавий қиргин куролидан ҳам фойдаланиш мумкин, деган хулоса берган<sup>276</sup>.

Ҳозирги кунда мусулмон дунёсида «жиход» ғояси байроғи остида турли-туман жиҳодий-салафий гурухлар террорчилик фаолиятини олиб бормоқда. Улар қаторида 1998 йили Афғонистонда ягона «Яхудий ва салбчиларга қарши ҳалкаро ислом фронти» уюшмасига бирлашган «ал-Қоида», «ал-Жамоа ал-Исломийя», «ал-Жиҳод» (Миср), «Жамаати уламе Покистон», «Кашмир қўзголончилик ҳаракати» (Хиндистон), «ал-Жиҳод» (Бангладеш) ташкилотлари, Толибон ҳаракати, шунингдек «Ансар аш-Шария» (Яман), «Аш-Шабаб» (Сомали), «Жабҳа ан-Нусра» (Сурия) гурухларини, шунингдек «Ал-Қоида»нинг Арабистон яриморолидаги, Ямандаги, Магрибдаги, Ироқдаги бўлимларини санаб ўтиш мумкин.

«Жиҳодчилар» жамоалари фаолиятининг асосий шакллари агрессив исломий даъват, дунёвийлик ва бошқа динларга муроса-сизликка чақириувчи тарғибот ўқказиш, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, майда савдогар, хизматчилар, мигрантлар, маргинал қатламлар ичида ёллаш ишлари ўтказиш, жамоа ғазнасини тўлдириш учун босқинчилик қилиш ҳамда ҳеч кандай этник, миллий ёки ҳудудий чекловлар билан чегараланмаган қўпорувчиликлар амалга оширишдан иборат бўлмоқда.

Марказий Осиёда айрим хорижий мамлакатларнинг махсус хизматлари ва клерикал марказлари томонидан ҳарбийлашган диний-сиёсий ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш орқали исломий давлат қуришга қаратилган ҳаракатлар 1980-йилларнинг охири, 1990-йилларнинг бошида яққол кузатила бошлаган. Ушбу даврда Фаргона водийсида «Ислом лашкарлари», «Жиҳодчилар», «Ёш жиҳодчилар уюшмаси», «Адолат», «Тавба» ташкилотлари, «Одамийлик ва инсонпарварлик» уюшмаси мутаассиб ғоялар остида аввал ҳукукни муҳофаза қилиш идоралари функцияларини ўзлаштиришга, кейинчалик Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий бекарорликни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатларни амалга оширган.

<sup>276</sup> Бодански Йозеф. Талибы, международный терроризм и человек, объявивший войну Америке / Перевод В. А. Быстрова – Москва : Вече, 2002. – С. 11.

Мазкур ташкилотларнинг аъзолари асосида 1990-йилларнинг ўрталарида тузилган Туркистон ислом ҳаракатини (ТИХ) Марказий Осиёдаги илк йирик «жиҳодчилар» жамоаси сифатида эътироф этиш мумкин.

2000-йилларнинг бошида мазкур гурух таркибидан ажралиб чиққан жангарилар томонидан «Ал-Қоида» ташкилотига бевосита бўйсунганд 『Ислом жиҳоди』 (кейинчалик 『Ислом жиҳоди иттиҳоди』) гурухи вужудга келган. Мазкур гуруҳлар 1990-йилларнинг иккинчи ярмидан минтақада амалга оширилган аксарият террорчилик ҳаракатларида ташкилотчи сифатида иштирок этган.

Шунингдек, 2000-йилларнинг ўрталарида Марказий Осиё минтақасида юқоридаги каби «жиҳодий» ғоялар остида фаолият кўрсатади бушлаган «Байъат» (Тожикистон), «Жайшул Маҳдий» (Қирғизистон), 2010-йилларнинг бошида Қозогистонда фаол террорчилик ҳаракатлари содир этган «Жундул халифат» каби гуруҳлар ҳам минтақадаги вазиятга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистонда ТИХ ёки «Ислом жиҳоди иттиҳоди»га бевосита бўйсунмаган мустақил «жиҳодчилар» жамоалари таркибида даставвал кидирувдаги ёки аввал ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари назарига тушмаган ДЭО аъзолари, шунингдек афв билан озодликка чиққанига қарамай, ғояларидан қайтмаган собиқ экстремистлар кирган. Кейинчалик жамоалар сафи мутаассиб диний ғояларга мойиллиги бор диндор ёшлар ҳисобидан кенгайтирилган.

«Жиҳодчи» жамоаларнинг янги аъзолари диний таълим («илм»), сиёсий ва жанговор тайёргарлик («хижрат») босқичларидан ўтгандан сўнг жиноий уюшма раҳбарлари кўрсатмаси билан амалий фаолиятга («жиҳод») кирадилар. Кейинги йилларда «жиҳодчилар» фаолиятида дастлабки икки босқични қисқа даврда, яъни 3-5 ойда ўтиш, ёш жангариларни худкуш террорчиликни амалга оширишга тайёрлаш кузатилмоқда. Ғоявий ишлов А.Мирзаев ва О.Назаровнинг маърузалари, Муҳаммад ибн Абдулваҳбоб, Ибн Таймия, Сайид Қутбнинг китоблари асосида тайёрланган брошюра ва варақалар, қуролли тўқнашувлар кетаётган мамлакатларда тайёрланган видеолавҳалар асосида амалга оширилмоқда.

Мустақил «жиҳодчи» жамоалар томонидан террорчилик ҳаракатларининг содир этилишини Шавкат Маҳмудов исмли жиноятчи шахс бошчилик қилган гурух фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Мазкур террористик гурух аъзолари томонидан 2009 йилнинг ёз фаслида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида давлат ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва диний уламоларга нисбатан сўйқасдлар уюштирилди. Жумладан, жиноятчилар «Кўкалдош» мадрасаси мудирининг ўринбосари А.Аброров ва ички ишлар ходими Х.Асадовнинг умрига зомин бўлди.

Ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари саъй-ҳаракати билан ушбу «жиҳодчилар» жамоасининг етакчиси Ш.Махмудов ва бир неча жангарилари йўқ қилиниб, қолганлари қўлга олинди ва қонуний жазога тортилди.

«Жиҳодчилар» жамоаларининг ҳозирги кундаги фаолиятида кўйидаги жараёнлар кузатилмоқда:

– Марказий Осиё республикаларида ўз тарафдорлари сонини ошириш мақсадида яширин олиб борилаётган фаолиятни янада маҳфийлаштириш. Жамоалар сафига тадбиркорларни кўпроқ жалб қилиб, уларнинг маблағларини жиноий фаолиятни молиялаштиришга йўналтириш;

– хориждаги меҳнат мигрантлари ичida ва Интернет тармоғида тарғибот ишларини фаоллаштириш, янги ёлланганларни Афғонистон, Покистон, Суря мамлакатларидаги жангарилар сафига жалб қилиш;

– «хужра»лар ташкил қилган ҳолда ёшларга диний-экстремистик ғояларни сингдириш. Бундай «хужра»ларда дастлабки босқичда янги аъзоларни шубҳалантирmasлик учун анъанавий ислом аҳкомлари ўқитилиди;

– «аёллар қаноти» сафини кенгайтириш, асосий ургу жазо ўтаётган ДЭО оила аъзолари ва қариндошлари ичидаги аёллар, 12-18 ёшдаги қизларга каратилмоқда. Диний йиғилишлар «гап», «таъзия» каби маросимлар ўtkазиш баҳонаси билан никобланмокда;

– деструктив сиёсий муҳолифат билан ҳамкорлик қилиш. Бунга «Ўзбекистон халқ ҳаракати» номи остида республикага қарши фаолият олиб бораётган ташкилот таркибидаги «Таянч» жамиятига 2011 йил апрелида бир неча «жиҳодчилар» етакчи этиб тайинлангани мисол бўлади;

– Ўзбекистонда олиб борилаётган диний сиёсатни обрўсизлантириш мақсадида хорижий ОАВ ва Интернет тармоғи орқали тухмат маълумотларини тарқатишга уриниш.

## 2. «Ўзбекистон ислом ҳаракати»

«Ўзбекистон ислом ҳаракати» (ЎИХ, бошқа номлари – «Туркистон ислом партияси», «Туркистон ислом ҳаракати») – 1996 йили Афғонистон ҳудудида тузилган террористик ташкилот. Асосчилари Наманган шаҳрида туғилган Тоҳир Юлдашев ва Жума Ходжиев ҳисобланади.

Ташкилотнинг ўзагини даставвал 1989–1991-йилларда Фарғона вилоятида ноқонуний тарзда фаолият юритган «Адолат (кейинчалик – Ислом адолати)», «Ислом милицияси/лашқарлари», «Ислом тикланиш партияси»нинг ўзбек бўлинмаси, «Одамийлик ва инсонпарварлик», «Тавба» ташкилотлари таркибида бўлган шахслар ташкил этган.

Ҳаракатнинг диний-сийесий мағкураси муайян ривожланиш даврини бошидан ўтказган. Илк даврда Т.Юлдашев етакчилик қилган ва номи юкорида қайд этилган жамоаларда диний-ғоявий қарашлар асосан андижонлик уламо Абдували Мирзаевнинг (Абдували-кори) ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида Куръон ва ҳадисларга қатъий амал қилишга тарғиб этиб қилган маърузалари асосида шаклланган. Ўзларини аввал «ғариблар», «мужаддидилар», кейинчалик эса «мужоҳид»\* деб атаган Т.Юлдашевнинг тарафдорлари Наманган вилоятида жамиятни «исломийлаштириш»га қаратилган кескин фаолият олиб борган. Жамоа аъзолари уларнинг наздида шариат талабларини бузаётган фуқароларга нисбатан куч ишлатиш ва босқинчлилар қилишга асосланган кўплаб жиноятлар содир этишган.

Ўзбекистонда диний-экстремистик гурӯхларга қарши фаол кураш бошланганда Т.Юлдашев ва унинг аксарият тарафдорлари Тожикистонга қочиб ўтиб, «Бирлашган тожик мухолифати» канотига кирган. Ушбу шахслар 1992–1997-йиллари (асосий жанглар 1992–1993-йилларда содир бўлган) Тожикистонда бўлиб ўтган фуқаролар урушида «Бирлашган тожик мухолифати» томонида харбий ҳаракатларда иштирок этган.

Ушбу даврда Т.Юлдашев тарафдорлари ичida «ҳижрат» ва «жиҳод» ғояларини кенг тарғиб қила бошлаган. 1993 йилда Тожикистоннинг шимолидаги Гарм, Жирғатол ва Тавилдара туманларида жангариilar тайёрловчи лагерларнинг фаолияти йўлга кўйилган. Мазкур марказларда жангариларга Афғонистон ва Покистондан келган йўриқчилар партизанлик уруши ва кўпорувчилик усууларини ўргатган. 1996 йилнинг бошида «Хизби ҳаракати жиҳод» (Жиҳод ҳаракати

партияси, Покистон) экстремистик ташкилотининг фаол кўмагида «Ўзбекистон ислом тикланиш партияси» тузилган. Ташкилотга сиёсий раҳбар этиб Т.Юлдашев, ҳарбий қўмондон лавозимига Ж.Ходжиев тайинланган. 1998 йилда харакат ташкилий жиҳатдан тўла шаклланиб, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» номини олган<sup>277</sup>.

Гоявий ҳаракат «оқиҳод» ва «ҳижрат»нинг гўёки фарз экани ва «шахидлик»нинг фазилатларини тарғиб қилишга қаратилган. Шунингдек, ЎИҲ раҳбарлари Чеченистонда фаолият юритаётган халқаро террористик гурухлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Жумладан, ЎИҲнинг жангариларидан бир қисми «Ал-Қоида» ташкилотининг Кавказдаги вакили Умар Хаттоб кўли остидаги «Кавказ ислом институти» лагерларида қўпорувчилик тайёргарлигидан ўтган<sup>278</sup>.

1997 йил 27 июнь куни Москвада Тоҷикистон расмий ҳукумати ва муҳолифат орасида тинчлик шартномаси тузилгандан сўнг ТИҲ ушбу битимга риоя қилишдан бош торғтан. 2000 йили ташкилот жангариларининг асосий қисми Афғонистон ҳудудига кўчиб ўтган. Ташкилотнинг бош қароргоҳи Қандаҳорда жойлашган.

1999 йил 16 февраль куни ЎИҲ гуруҳи томонидан Тошкент шаҳрида портловчи модда юкланган бир неча енгил автомашиналарни портлатиш усули билан террористик ҳаракат содир этилди. Оқибатда 13 нафар бегуноҳ инсонлар ҳаётдан кўз юмган, кўплаб фуқаролар жароҳат олган<sup>279</sup>. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг саъи-ҳаракати билан қисқа фурсат ичида террорчилик ҳаракатларини режалаштириш ва ижро этишда иштирок этган 20 нафардан зиёд ЎИҲ жангарилари қўлга олиниб, июнь ойида суд ҳукми билан қонуний жазоланган.

1999 йилнинг 31 март куни эса бир гуруҳ террорчилар Хоразм вилоятида йўловчилари бор автобусни гаровга олган. Гаровдагиларни озод этиш вақтида уч нафар маҳсус бўлинма ходимлари қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

1999 йилнинг август ойида ЎИҲнинг жангарилари Тоҷикистоннинг шимолий чегараларидан ўтиб, Қирғизистоннинг Ўш ва Боткен

<sup>277</sup> О деятельности «Исламского движения Узбекистана» в современный период. Сайт «РАТС ШОС». URL: [http://www.ecrats.com/ru/terrorist\\_organizations/1685](http://www.ecrats.com/ru/terrorist_organizations/1685)

<sup>278</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламское\\_движение\\_Узбекистана](http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламское_движение_Узбекистана)

<sup>279</sup> Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. – Тошкент : Узбекистон, 1999. – 335 б.

вилоятлари ҳудудига бостириб кирган. Ҳукумат қўшинлари томонидан жангарилар октябрь ойида мамлакатдан сиқиб чиқарилган.

1999 йилнинг ноябрь ойида Тошкент вилояти Янгиобод шаҳарчаси атрофидаги тоғли ҳудудда ЎИХ жангариларининг 15 кишилик гуруҳи республика ҳудудига суқилиб киришга ҳаракат қилган. Жангарилар қўриқхонада уларга тасодифан дуч келиб қолган тўрт нафар ўрмончини ваҳшнийларча отиб ўлдирган. Махсус тадбир давомида террорчиларнинг барчаси йўқ қилинган.

2000 йилнинг август ойида ЎИХ жангариларининг яхши куролланган катта гуруҳи Тожикистон орқали Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларига бостириб кирган. Бир вақтнинг ўзида жангариларнинг бошқа йирик гуруҳи Тожикистоннинг Ворух анклави орқали Қирғизистоннинг Боткен вилоятининг баланд тоғли ҳудудда жойлашган Лайлак туманига кириб келган. Ўзбекистон ва Қирғизистон қуролли кучлари томонидан ўтказилган махсус операциялар давомида босқинчи террорчи гуруҳлар йўқ қилинган.

2000–2001-йилларда Толибон ҳаракати, «Ал-Қоида» ва «Шарқий Туркистон ислом ҳаракати»\* ташкилотлари билан яқин иттифоқчилик алоқалари ўрнатган ЎИХнинг моддий имкониятлари кенгайгандан. Ушбу даврда ҳаракат раҳбарияти махсус уламолар кенгашни тузган ҳолда «жиҳод» ва бошқа масалалар юзасидан шаръий фатволар тайёрланаш, ташкилотнинг босма нашрлари, аудио- ва видеоматериалларини кенг кўламда нашр этиш ва Марказий Осиё республикаларида тарқатишга ургу берган<sup>280</sup>.

Айни вақтда, ЎИХ жангарилари Мозори-Шариф, Кундуз, Қобул атрофи (Афғонистон), Пешавор, Панжоб, Лаҳор (Покистон) да жойлашган махсус лагерларда хорижий йўриқчилар қўлида тайёргарликдан ўтган. Тайёр бўлган жангарилар сараланиб, Туркия, Эрон ва бошқа мамлакатлар орқали ўтган маҳфий йўллар орқали Марказий Осиё республикаларига юборилган<sup>281</sup>.

<sup>280</sup> Бабаджанов Б. Исламское движение Узбекистана: джихад как идеология «изгоев» // Проект сотрудничества и интеграции для стран Центральной Азии. Бишкек, 2007. – С. 199–219.

<sup>281</sup> Аскarov A. Исламское движение Узбекистана. История трансформаций. Части I, II. Сайт «Информационно-аналитический центр». URL: <http://www.ia-centr.ru/expert/4063/>

Маълумотларга кўра, 2001 йил май ойида афғон Толибон ҳаракати раҳбари мулла Мухаммад Умарнинг ташаббуси билан мамлакатдаги хорижий «ожиҳодчилар» жамоалари ягона тизимга бирлаштирилиб, «Ливо» уюшмаси тузилган. Уюшмага ЎИҲ етакчиларидан бири Ж.Хожиев ҳарбий қўмондон этиб тайинланган<sup>282</sup>. Ушбу вақтда ЎИҲ номини «Туркистон ислом партияси» (Хизб и - исломи Туркистон) деб ўзгартирган. Бироқ амалда ташкилотнинг эски номи қолган.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг 7 октябрда Афғонистонда АҚШ томонидан «Енгилмас эркинлик» номи остида ҳарбий операция бошланиб, кейинчалик мамлакатга тинчликка кўмаклашувчи ҳалқаро кучлар – ISAF (International Security Assistance Force, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 20.12.2001 йилдаги 1386 сонли қарори асосида фаолият бошлаган) киритилгандан сўнг ЎИҲ жангарилари Толибон ҳаракати билан биргаликда ҳалқаро кучларга қарши шимолий ҳудудда куролли ҳаракат олиб борган. 2001 йил октябрь ойида ЎИҲнинг ҳарбий етакчиси Ж.Хожиев Қундузда бомбардимон вақтида ўлдирилган.

2002 йилнинг бошида ЎИҲ раҳбарияти Толибон ҳаракати ва «Ал-Қоида» ташкилотлари билан ҳамкорликда гуруҳ жангариларининг асосий қисмини Покистоннинг Федерал бошқариладиган қабилалар ҳудуди<sup>283</sup> (ФАТА/FATA – Federally Administered Tribal Area) таркибидаги Шимолий ва Жанубий Вазиристон ҳудудларига кўчириб ўтказган. Маълумотларга кўра, 2000-йилларнинг иккинчи ярмидан ТИҲ Покистон ҳарбийларига қарши куролли ҳаракат олиб бораётган «Покистон толибон ҳаракати» етакчиларидан бири Байтулла Масьуд ва «Ҳаққоний тизим»и номи билан танилган гуруҳ билан яқин ҳамкорликда фаолият юрита бошлаган. Шу билан бирга, 2007 йил Покистон толибон қўмондонларидан бири Мавлоно Назирнинг гурухи ТИҲ жангариларини маҳаллий аҳолига зуғум ўтказганларни, урфодатларни бузганларни учун Шимолий Вазиристондан қисман хайдаб чиқарган.

Ҳозирги кунда ТИҲ «Покистон толибон ҳаракати» билан бирга ҳукуматта ва унинг ҳарбий кучларига қарши «Вазиристон урушлари»

<sup>282</sup> Экстремистская организация, объединившая террористических лидеров стран Центральной Азии, была создана в Афганистане. Сайт «РИА Новости». URL: <http://ria.ru/politics/20030212/318192.html#ixzz2VKoHxEoY>.

<sup>283</sup> ФАТА таркибиға Байкаур, Куррам, Моҳманд, Оракзай, Шимолий Вазиристон, Хайбар, Жанубий Вазиристон қабила агентликлари ҳамда Башну, Дера-Исмоил-Хон, Коҳат, Лакки-Марват, Пешавор ва Танк чегара минтақалари киради.

(жангариларнинг талқинида «Вана ғазоти») номи остида танилган куролли тўқнашувларда ҳамда Афғонистон ҳудудидаги террористик ҳаракатларда иштирок этмоқда<sup>284</sup>. Ташкилот партизан уруши олиб бориш, ҳукумат ва ҳарбий объекtlарни ўққа тутиш, йўлларни миналаштириш, шунингдек, ҳудкуш-террорчилик каби усуллардан кенг фойдаланмоқда.

Асосий террористик фаолият Покистонга кўчгандан буён Туркистон ислом ҳаракатининг (ТИХ) диний-сиёсий мафкурасида «Ал-Қоида»га ҳамоҳанг ғоялар, яъни АҚШ бошчилигидаги Фарбга нисбатан глобал жиҳодда иштирок этиш бош мақсад сифатида илгари сурила бошланди.

2009 йил август ойида Т.Юлдашев АҚШ самолётининг ракета ҳужуми оқибатида ҳалок бўлган. Ташкилотга етакчи этиб тайинланган Усмон Одил ҳам 2012 йил апрель ойида ҳаво зарбаси натижасида ўлдирилган. Ҳозир ТИХга Усмон Ғозий исмли шахс етакчилик қилмоқда. Мазкур шахс илгари гиёхванд моддалар ташувчи контрабандист бўлган. Баъзи маълумотларга кўра, ташкилотнинг диний тарғибот-ташвиқот ишларига келиб чиқиши бирмалик бўлган Абу Зарр Аззам деган шахс бошчилик қиласди<sup>285</sup>. Ички хавфсизлик маҳсус разведка ва контрразведка хизмати – «Истихборат» ва «Амният» томонидан таъминланади.

Ташкилотнинг молиявий манбалари «Ал-Қоида» ва Толибон ҳаракати раҳбарияти томонидан ажратилган моддий ёрдамдан ташқари Покистон, Туркия ва Форс кўрфази мамлакатларида жойлашган айrim нодавлат исломий жамғармалари ва алоҳида шахслар кўрсатаётган ҳомийлик ёрдами, шунингдек, рэкет, босқинчилик ва гиёхванд моддаларнинг ноқонуний савдосидан иборат. Жумладан, ЎИХ гиёхванд моддаларни Афғонистоннинг шимолий ҳудудларидан Марказий Осиё орқали Россия ва Европага етказишида фаол иштирок этади.

Таъкидлаш жоизки, ташкилот раҳбарлари томонидан Марказий Осиё давлатларига қарши қуролли жиҳод эълон қилинган бўлиб, гурух жангарилари 2000 йилдан буён минтақадаги қўшни республикалар ҳудудида қатор террорчилик ҳаракатлари содир этган.

ТИХ Тожикистон (30.03.2006), Қирғизистон (20.08.2003) ва Россияда «Туркистон ислом партияси» номи билан (14.02.2003), шунингдек,

<sup>284</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламское\\_движение\\_Узбекистана](http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламское_движение_Узбекистана)

<sup>285</sup> Сайд Амин. Деятельность Исламского движения Узбекистана в Пакистане (Часть первая). Сайт «Время Востока», 31.05.2013. URL: <http://easttime.ru/>

Қозоғистонда (15.10.2004) террористик ташкилотлар рўйхатига кири-тилган.

Шу билан бирга, ТИҲ хозирги кунда Афғонистоннинг шимолий худудлариға ўрнашиб олиб, Марказий Осиё республикаларидағи қўпорувчилик ҳаракатларини фаоллаштиришга қаратилган ҳаракатларни амалга ошироқ мөддатта<sup>286</sup>. Ташкилот кўпроқ хорижий мамлакатлардаги ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари ичидаги ёллаш ишлари ўтка-зиш, иккинчи босқичда янги аъзолар имкониятлари орқали бевосита Ўзбекистонда яшаётган шахсларни ўз сафларига жалб қилишга интилмоқда.

### *3. «Ислом жиҳоди иттиҳоди»*

«Ислом жиҳоди иттиҳоди» (ИЖИ, бошқа номлари – «Ислом жиҳоди», «Марказий Осиё мужоҳидлари жамоати») террористик ташкилотига 2000-йилларнинг бошида Афғонистонда ТИҲ раҳбари Т.Юлдашев билан келишмовчиликлари оқибатида гуруҳдан ажralиб, «Ал-Қоида» ташкилотига бевосита бўйсуниб фаолият юрита бошлаган жангарилар томонидан асос солинган. Ташкилотга Нажмиддин Жалилов, Бекмирзаев Аҳмад, Жакшыбек Биймурзаев каби ТИҲнинг етакчи жангарилари бошчилик қилган.

ИЖИ диний-гоявий жиҳатдан «Ал-Қоида» гуруҳи таъсирида бўлиб, АҚШ етакчилигидаги Фарбга қарши глобал куролли жиҳодда иштирок этиш бош мақсад хисобланади. Гуруҳнинг асосий кучлари Покистоннинг Хайбар-Пахтунва ва Жанубий Вазиристон худудларида жойлашган.

2000-йилларнинг бошида жангариларининг асосий қисми Покистонга олиб ўтилгандан сўнг «Ал-Қоида» томонидан «Ислом жиҳоди иттиҳоди» раҳбарларига Марказий Осиёда тарафдорлар сафини кенгайтириш юзасидан кўрсатма берилган. Гуруҳга асосан диний турмуш тарзи кечирувчи ёшлар, ДЭО таркибида содир этган жиноятлари учун жазо ўтаётган шахсларнинг оила аъзолари, шунингдек, криминал жиноятчилар жалб қилинган.

Ташкилотнинг янги аъзолари Қозоғистоннинг Жанубий Қозогистон вилоятида жойлашган маҳфий хонадонларда бирламчи

<sup>286</sup> Кто готовится взорвать Среднюю Азию. Выступление эксперта фонда «Наследие» (The Heritage Foundation, США) Джейкоба Зенна на слушаниях в Конгрессе США. Сайт Vesti.uz, 13.07.2013. URL: [http://www.vesti.uz/index.php?option=com\\_content&view=article&id=37890:2013-07-13-03-17-31&catid=19:politics&Itemid=39](http://www.vesti.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=37890:2013-07-13-03-17-31&catid=19:politics&Itemid=39)

тайёргарлик ўтагандан сўнг қўшни мамлакатлар орқали Жанубий Вазиристанга (Покистон) олиб чиқилган. Бу ердаги жангарилар лагерларида қўпорувчилик ва диний экстремистик таргибот ишлари ўргатилгач, яширин йўллар билан террористик ҳаракатлар содир этиш учун Марказий Осиёга қайтиб келган.

2004 йилнинг 28 март – 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри, вилояти ва Бухоро вилоятида ИЖИ жангарилари томонидан бир неча террористик ҳаракатлар содир этилган. Ушбу ҳаракатлар давомида минтақада илк бор худкуш-террорчилар томонидан ўзини портлатишлар амалга оширилди. Оқибатда 28 киши ҳалок бўлиб, эллиқдан зиёд фуқаролар тан жароҳати олган. Жиноятчиларни қўлга олиш вақтида отишма ва баъзи террорчилар ўзини портлатиб юборишилари оқибатида 33 нафар жангари ўлдирилган. Террорчилардан кўп микдорда қурол-аслаҳа, ўқдори ва ясама портловчи моддалар олинган.

2004 йилнинг 30 июль куни ташкилотга мансуб уч нафар худкуш-террорчилар Тошкент шаҳрида жойлашган АҚШ, Истроил элчихоналари ва Ўзбекистон Бош прокуратураси биноларининг кириш жойларида ўзларини портлатишлари оқибатида тўрт киши ҳалок бўлиб, етти киши турли даражадаги тан жароҳати олган.

2009 йилнинг 26-27 май кунлари ИЖИ жангарилари томонидан Андижон вилоятининг Пахтаобод тумани ва Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари, жумладан, худкуш-террорчилик амалга оширилган.

Ушбу жиноятларни ташкил этиш ва амалга оширишда иштирок этган жангариларнинг аксарияти қўлга олиниб, қонуний асосда жазога тортилган.

Хозир ушбу ташкилот Афғонистон ва Покистоннинг Афғонистон билан чегарадош ҳудудларида «Ал-Қоида» ва «Покистон толибон ҳаракати» билан ҳамкорликда террористик ҳаракатларни амалга оширмоқда. Қўпорувчилик ҳаракатларида ўз-ўзини портлатиш усулидан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Жумладан, 2008 йилда Афғонистоннинг Хост вилоятида АҚШнинг ҳарбий базасида Германия фуқароси бўлган, миллати турк Джюнейт Чифчи ўзини портлатиб юбориши оқибатида тўрт ҳарбий ҳалок бўлган<sup>287</sup>.

<sup>287</sup> Штайнберг Г. Союз исламского джихада: портрет террористической организации. Сайт «Институт религии и политики», 18.05.2008. URL: <http://i-r-p.ru/page/stream-event/index-20056.html>

2009 йили гурух раҳбари Н.Жалилов АҚШ ҳарбийларининг ҳаво зарбаси оқибатида йўқ қилингандан сўнг ташкилотга Д.Ахмаджанов исмли шахс етакчилик қила бошлаган.

ИЖИ томонидан ўз сафини кенгайтириш мақсадида нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки Европа Иттифоқи, Туркия, МДҲ худудида ҳам ёллаш ишлари ўтказишга қаратилган фаолият амалга оширилмоқда. Гурух томонидан Европа ва Туркияда турк миллатига мансуб жиҳодчиларни ёллашга қаратилган ҳаракатлари «Ал-Қоида» ташкилотининг фақат араблардан иборат тузилма эмас, балки умумбашарий «жиҳодчилар» жамоаси сифатини оширишга хизмат қиласди. 2007 йилнинг сентябрь ойида Германиянинг Шимолий Рейн-Вестфалия ерлари худудида жойлашган Зауэрланд шаҳарчасида «Ислом жиҳоди иттиҳоди» гурухининг немис, турк миллатларига мансуб жангарилари кўлга олинган. Тергов жараёнида жангариларнинг АҚШнинг Германияда жойлашган ҳарбий базасига хужум ўюштиришни режалаштиргани аниқланган<sup>288</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ИЖИ аъзоларининг етти ўшдан ошган ўғил фарзандларига «жиҳодий мадраса»ларда одам ўлдириш, портловчи модда тайёрлаш каби кўпорувчилик ишлари ўргатилиб, улар руҳий жиҳатдан худкуш-террорчилик ҳаракатига тайёрлаб борилади.

Ташкилот Қирғизистонда (11.06.2008), Қозоғистонда «Марказий Осиё мужоҳидлари» номи билан (15.03.2005), шунингдек Россияда «Ислом жиҳоди – мужоҳидлар жамоати» номи билан (02.06.2006) терористик ташкилотлар рўйхатига киритилган.

ИЖИ бугунги кунда Интернет тармоғи орқали тарғибот ишлари ўтказиш ва меҳнат мигрантлари ичida ёллаш ишлари ўтказиш каби усууллар билан ўз сафини янги жангарилар билан тўлдиришга қаратилган жиноий фаолиятини давом эттириб келмоқда.

#### 4. «Салафийлар»

«Салафийлар» (арабчада «سلف» – «аждодлар») – жамиятга илк ислом жамоалари турмуш тарзи ва эътиқодини қайта жорий қилишни, турмуш ва эътиқодда «солиҳ аждодларга» – «ас-салаф ас-солихун»га эргашишга тарғиб қилган турли даврларда яшаб ўтган диний арбобларнинг умумий номланиши ҳисобланади<sup>289</sup>.

<sup>288</sup> Ўша ерда.

<sup>289</sup> Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – С. 204.

Ҳозирги вактдаги диний-сиёсий оқим сифатида үзини намоён әттаёттган сохта салафий жамоалар ўз таълимотларида ҳанбалийлик мазҳаби тамойилларини ривожлантириб, унинг энг тажовузкор шаклини илгари сурмокдалар. Мазкур таълимотга мувофиқ, пайғамбардан кейинги даврда мусулмон жамиятининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган барча ўзгариш ва янгиликлар, хусусан, Куръонни наклан (символик-аллегорик) тушунишдан тортиб, ислом дунёсига Farb цивилизацияси билан алоқалар туфайли кириб келган янгиликларнинг барчаси бидъат<sup>290</sup> ҳисобланади. Дунёвий жамиятдаги қонун-қоида, урф-одат, миллий қадрият ва анъаналар инкор этилиб, илк ислом давлатчилигига қайтиш даъват қилинади.

Ҳозирги замон салафийлари диний-ғоявий жиҳатдан Аҳмад Такийддин ибн Таймия, Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб, Ҳасан ал-Банно, Сайд Кутб, Носириддин аль-Албоний, Абу Аъла ал-Мавдудий, Солиҳ ибн Фавзан ал-Фавзан, Абул Мунъим Мустафонинг асарларига, шунингдек, Муҳаммад ибн Иброҳим Аль аш-Шайх, Абдул-Азиз ибн Боз, Абдул-Азиз Ал аш-Шайх, Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усаймин каби саудиялик уламоларнинг фатволарига таянадилар<sup>290</sup>.

Салафийларнинг асосий ақидаси тавҳидга қатъий амал қилиш, исломни мусулмон ҳалқларининг миллий-маданий, этник ва бошқа хусусиятлари асосида кириб қолган ёт ғоя ва амаллардан тозалаш саналади. Салафийлар дунёвий турмуш тарзини, давлатлар томонидан чиқарилган қонунларга бўйсунишини, ижтимоий ҳаётнинг маданият билан боғлиқ жиҳатларини (музиқа, расм чизиш, кино ва ҳ.к.) рад этадилар. Ислом ичida салафийлар мусулмонларнинг мазҳабларга эргашишини ва тасаввуфни қоралайдилар.

Салафийлар авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилишни гўёки уларга сифиниш сифатида кўриб тақиқлади. Айнан мазкур нуқтаи-назарда Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган кунини нишонлаш «яккахудоликка» зид амал сифатида баҳоланади.

XVIII асрда Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб талқинидаги салафийлик – «ваҳҳобийлик» нафақат диний-акидавий йўналиш бўлиб қолмай, Арабистон яриморолида ягона давлат тузиш максадида амалга оширилган босқинчлилк урушлари учун мафкуравий асос бўлиб хизмат қилган. XVIII асрнинг биринчя ярмида турк-форс урушлари ва Европадан Ҳиндистонга денгиз йўлининг кашф қилиниши оқибатида

<sup>290</sup> Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Салафия>

Арабистон яриморолининг иқтисодий аҳволи кескин ёмонлашган. Ҳижоз орқали Ҳиндистонга ўтган транзит савдо йўли аҳамиятини йўқота бошлаган. Аҳолининг камбағаллашуви Маккага муқаддас зиёратларнинг камайишига сабаб бўлган. Окибатда бадавийлар ичидагарвонларни талаш, қабилалар ўртасида талончилик мақсадида босқинчилик (ғазу) қилиш авж олган. Марказий Арабистонда сиёсий бекарорликка барҳам бериш, бадавийларнинг талончилигига чек кўйиш, савдо ўйларининг хавфсизлигини таъминлаш марказлашган давлат тузишни тақозо этган. Янги тузиладиган давлатни маҳаллий зодагонларнинг манфаатларига зарар етказмаган ҳолда оддий аҳоли томонидан кўллаб-куватланишини таъминлаш эса ташки иқтисодий манбаларни талаб қиласеди<sup>291</sup>.

Мазкур шароитда Ибн Таймия ва Ибн Қайим (XIV аср) нинг исломни «бидъатлардан тозалаш» ва авлиёларга сифинишга қарши қарашларини ўзлаштирган Мухаммад ибн Абдулаҳҳоб «ширқ»ка берилган қабилаларга қарши қуролли жиҳод олиб бориш фарзлиги ҳақидаги таълимоти билан Нажд зодагонларининг аввал ушбу воҳани бирлаштириш, кейинчалик қўшни худудларга босқинчилик юришларини диний-гоявий жиҳатдан асослаган. Яъни аввал «ғазу»да иштирок этган босқинчи эндилиқда «дин соғлиги учун курашчи»га айланган.

Мухаммад ибн Абдулаҳҳоб «Аллоҳдан ўзгага аталган барча нарса бут ҳисобланади, у дарахтми, тошми, авлиёми, фарқи йўқ»<sup>292</sup> каби гояси остида «ваҳҳобийлар» уларга эргашмаган мусулмонларни қирғин қилган, зиёратгоҳ ва мақбараларни бузиб ташлаган<sup>293</sup>. 1802 йил апрелда «ваҳҳобийлар» Карбало шаҳрини талаб, 2 мингдан зиёд одамни қириб ташлаган<sup>294</sup>. 1805 йили Мадинада Мухаммад пайғамбарнинг мақбарасида сақланган тахминан 200 минг талер миқдордаги қимматбаҳо буюмларни талаган<sup>295</sup>. Ниҳоят, Арабистон Нажд воҳасидаги ад-Даргия худуди амири бўлган Саудлар авлоди қўли остида бирлаштирилиб, илк Саудийлар давлати барпо қилинган.

<sup>291</sup> Васильев А. Пуритане ислама? Ваххабизм и первое государство Саудидов в Аравии (1744/45–1818). – М. : Наука – С. 84.

<sup>292</sup> Ибн Абд аль-Ваххаб. Китаб ат-Таухид. – Эр-Рияд, 1998. – С. 88.

<sup>293</sup> Абдулла аль-Кахтаний. Кто они неохориджиты («ваҳҳабиты» – салафиты)? Хауляи хум ал-хаваридж. / Перевод Р. Адыгамова. – Казань: Иман, 2006. – С. 111.

<sup>294</sup> Васильев А. Пуритане ислама? Ваххабизм и первое государство Саудидов в Аравии (1744/45 – 1818). – М. : Наука – С. 147.

<sup>295</sup> Там же. С. 158.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда салафийлик Саудия Арабистонида кенг тарқалган бўлсада, давлат дини сифатида ҳеч қандай талқинсиз умумий тарзда ислом деб эълон қилинганини эътиборга олиш лозим.

Салафийлик ғоялари XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўз олдига халифаликка асосланган ислом давлатини барпо этиш вазифасини қўйган «ислоҳотчилик», «панисломизм» ниқоби остида янгидан жонланди. «Ислоҳотчи салафий»лар номини олган бундай мафкура тарғиботчилари ҳисобланган Жамолиддин ал-Афғоний (1839–1897), Муҳаммад Абдух (1849–1905) ва Абдураҳмон ал-Кавакибий (1854–1902) томонидан «мусулмон халқларининг диний-сиёсий иттифоқи» ғояси ишлаб чиқилди. Улар бу ғоя остида анъанавий мазҳаблардан воз кечиши ва исломнинг илк даврига қайтишга даъват қилдилар. Аввалги салафийлар ақида ва ибодат масалаларига қўпроқ эътибор қаратишган бўлса, юқорида қайд этилган шахслар сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигини бош ғоя сифатида илгари сурдилар. Бу исломнинг сиёсийлашуви кучайишига ва «ислом халифалигини тиклаш» ғояларининг кенг ёйилишига олиб келди<sup>296</sup>.

XX асрда салафийлик ғоялари Жанубий Осиёда, асосан, Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистонда кенг тарқалган «деобандийлар» ҳаракатига ўз таъсирини ўтказди. «Деобандийлар» ислом ахлоқи ва амаллари масаласида кескин қарашлари, бошқа диний оқим ва конфессияларга нисбатан муросасизлик билан ажralиб туради.

Салафийлик ҳаракатининг мафкурачиларидан бири Покистондаги диний-сиёсий арбоб Абу Аъла ал-Мавдудий (1903–1979) ҳисобланади. Абу Аъла ал-Мавдудийнинг фикрига кўра, исломий давлатнинг ўзига хос учта жиҳати мавжуд бўлади: инсонларнинг эмас, балки Аллоҳнинг азалий ва абадий обрўси; жамиятнинг шариатга сўзсиз итоат этиши ҳамда амир ёки ҳалифа томонидан давлат Куръон ва ҳадислар асосида бошқарилиши. Покистонлик уламо исломий давлат барпо этиш йўлида «Жамоати исломий» ташкилотига асос солган<sup>297</sup>.

Ҳозир дунёда «Жиҳод», «Жамоати ислом» (Миср), «Жиҳодни ривожлантирувчи салафий жамоати» (Жазоир), «Шариатарафдорлари»

<sup>296</sup> Меликўзиев Ж. Ҳалокат тузоги. Т. : Тошкент ислом университети, 2010. – 7 б.

<sup>297</sup> Добаев И. П. Современный терроризм: региональное измерение – Ростов-на-Дону : СКНЦ ВШЮФУ, 2009. – С. 15.

(Англия) каби салафий жамоалар мавжуд. «Салафийлар» жамоатига аъзолар ўзларини «салафий» (арабча – салафийюн), «муваҳҳидун» (арабчада – якка худолик тарафдори) ёки оддий мусулмон деб атайдилар.

Салафий жамоаларнинг фаолияти турли минтақаларда ўзига хос шакл ва услубларда амалга оширилади. Айрим ўта радикал салафий гурухлар томонидан мусулмон мамлакатларидағи ҳукумат, давлат ҳокимияти идоралари ходимлари, шунингдек салафийликка эргашмаган, яъни амалдаги ҳукуматга қарши исён қилмаган оддий мусулмон фуқаролар, гүёки ислом динида туғилган ва кейин диндан чикқан (муртад) тоифа ва уларнинг «қони ҳалол» деб эълон қилинган. Жумладан, 1990-йилларда Жазоирда «Куролли ислом жамоати» тузилганда унинг диний етакчиси Абдулҳақ Лойд ҳукуматта итоат қилган фуқароларни ўлдиришга фатво берган. 1996 ва 1997-йилларнинг октябрь ойида ушбу жамоа етакчиси Антар Зуабри салафийларнинг Лондонда нашр этиладиган «Ал-Ансор» журналида ташкилотнинг 49 ва 51-сонли баёнотларини берib, тинч аҳолини киргин этиш давом этиши, шариатга амал қилмаган шахслар, «хижоб» киймай кўчага чиққан аёллар, ҳатто, муайян масалада расмий суд идораларига мурожаат қилганлар ўлдирилишини эълон қилган. Салафийлар томонидан минглаб жазоирликлар, бутун қишлоқларнинг аҳолиси оммавий ўлдирилган.

Сўнгги йилларда араб мамлакатлари, хусусан, Миср Араб Республикаси, Сурия, Яман мамлакатларида ҳокимиятни эгаллашга қаратилган тартибсизликлар ортида бошқа радикал оқимлар қатори салафий гурухлар ҳам тургани кузатилди. Шу нуқтаи-назардан, сиёсийлашган салафийлик гояларини тарғиб қилувчи гурухлар дунёвий давлатлар учун ижтимоий-сиёсий барқарорликка қарши қаратилган таҳдид сифатида қўрилади.

Таъкидлаш жоизки, салафийлик гояларининг тармоқ отишида ушбу гоя илоҳиётчилари томонидан ҳозирги кундаги барча ижтимоий муаммоларни ҳал этиш воситаси сифатида исломий жамият барпо этишни тарғиб этилаётгани, бундай ташвиқот одатда жамиятнинг ўрта ва қуи табақа (майда савдогарлар, хизматчилар, маргинал гурухлар ва ҳ.к.)ларига мансуб одамлар ичida кўп тарафдорлар топиши кузатилган.

Бутунги кунда Марказий Осиёда салафий жамоаларнинг фаоллиги кўпроқ Фаргона водийси, Гарбий Қозоғистон ва Тожикистоннинг Тоғли

Бадахшон автоном области худудларида кузатилмоқда. Салафийлик Тожикистонда диний ташкилот сифатида (09.01.2009) фаолияти ман этилган.

Ўзбекистонга «салафийлар» оқимиғояларининг 2004 – 2005-йилларда кириб келиши кузатилган. Оқим фаолиятига «жиходчилар» оқими етакчиларидан бири бўлган Обид Назаровнинг шогирди Қодиржон Инагамов исмли шахс етакчилик қилган. Қ.Инагамов дастлабки жамоани Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшаган, аввал ҳукуқни муҳофаза килиш органлари назарига тушмаган ДЭОга мойиллиги бор шахслар ёрдамида тузишга ҳаракат қилган. Кейинчалик республиканинг бошқа худудларида ҳам «салафийлар» оқимига тегишли жамоалар шаклана бошлаган.

Оқим тарафдорлари билан ташкил этиладиган дарсларда Ибн Таймия, Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб, Носириддин ал-Албоний, Солиҳ бин Фавзон, Муҳаммад Солиҳ Мунажжид, Абдул-Азиз ибн Боз, Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усайминнинг асарлари ва маърузаларидан фойдаланилди.

Кейинги йилларда республикада фаолият юритаётган салафийлар қуидаги омилларга эътибор қаратмоқдалар:

- ҳукуқни муҳофаза килиш идоралари назарига тушиб қол-маслик учун ўзларини «беозор» ва «китоаткор» кўрсатиш ва раҳбар тузилмаларидан буйруқ бўлгунга қадар ўзларининг сиёсий мақсадларини ошкор этмасликка ҳаракат қилиш;

- «акиқа», «эҳсон» каби маросимлар баҳонасида диний йиғилишларни ташкил этиш ва тарафдорлари сонини кўпайтириш;

- «виртуал» жамоалар тузган ҳолда, даъват ва таълим бериш фаолиятини Интернет тармоғида ташкил этиш;

- бошқа мутаассиб оқимларга мойиллиги бўлган шахсларни жамоа таркибига жалб қилиш;

- меҳнат мигрантлари, шунингдек араб мамлакатлари, айниқса, Мисрдаги диний таълим муассасаларида ўқиб келганларни оқим фаолиятига жалб қилишга урғу бериш.

Салафийлар Интернет тармоғида ўзбек ва рус тилларида кўплаб сайtlар орқали тарғибот ишлари олиб бормоқда. Тарғиботда

шариатга асосланган давлат тузуми тарғиб қилинади. Дунёвий давлат тамойиллари, дунёвий турмуш тарзи қораланади, давлат байрамлари, миллий қадриятларга асосланган маросимларни ўтказиш ҳаром деб эълон қилинади. Шаръий масалаларда мазҳабсизлик гоялари илгари суриласди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур сайтларда ўқувчини чалғитиши учун бугунги кунда мусулмон мамлакатларида содир этилаётган террористик ҳаракатлар қораланиб, юқорида келтирилган шахсларнинг фикрларидан иқтибос берилади. Ушбу ҳолат мазкур сайтларнинг бош максади, сохта салафийлик гояларини жамиятга, айниқса, динга қизиқувчи ёшларга «юмшоқ» йўллар билан сингдириш деган хуносага келишга асос бўлади.

### 5. «Акромийлар»

«Акромийлар» (бошқа номлари «Иймончилар», «Халифатчилар», «Биродарлар») гурухи 1990-йилларнинг биринчи ярмида Андижон вилоятида вужудга келган. Ташкилот асосчиси Андижон шаҳрида туғилган Акром Йўлдошев (1963 й.т.) ҳисобланади.

А.Йўлдошев 1990-йилларнинг бошида нашр этила бошлаган диний адабиётлар таъсирида диний қарашлари кучайиб, «Ҳизбут таҳрир» ташкилотининг Андижондаги маҳаллий бўлимига аъзо бўлган. Кейинчалик, мазкур партиянинг мафқураси ва ҳаракат услуби билан яқиндан танишгач, уни тарк этган ва ўзининг жамоасини тузган.

«Акромийлар» ташкилотининг дастлабки аъзолари Андижон вилоятида кичик ва ўрга тадбиркорлик ва савдо билан шуғулланувчи шахслардан иборат бўлган. Кейинчалик гуруҳнинг фаолияти кенгайиб, Тошкент шаҳри ва республиканинг қатор вилоят марказларида, шунингдек, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида бўлинмалари вужудга келган. Кейинчалик ташкилотнинг бўлимлари Россиянинг айrim шаҳарларида, Ўзбекистондан борган меҳнат мигрантлари ичida янги жамоалар ташкил этилган.

Ташкилотнинг олий бошқарув органи А.Йўлдошев етакчилигидаги «Ижодий ҳалқа» ҳисобланган. Гуруҳ таркибидағи алоҳида бўлинмалар одатда муайян корхона (дурадгорлик цехлари, нов-

войхона ва ҳ.к.) асосида ташкил этилиб «восита» деб аталган. «Восита»ларда қатъий иерархия ва интизом ўрнатилиб, «Ижодий ҳалқа» кўрсатмаларининг тўлик ижроси таъминланган. Ташкилот аъзолари даромадининг бир қисмидан шакллантирилган «Байтулмол» фаолиятни кенгайтириш учун хизмат қилган.

«Акромийлар»нинг диний-гоявий қарашлари А.Йўлдошев томонидан ташкил этилган диний машғулотлар – «дарс»ларда шакллантириб борилган. Дарслар гуруҳ етакчисининг «Иймонга йўл» брошюраси асосида олиб борилган. Мазкур 12 та бўлим – дарслардан иборат қўлланмада сиртдан муаллифнинг диний-фалсафий қарашларининг баёни сифатида кўринсада, эксперт томонидан ўтказилган таҳлил брошюрада никобланган ҳолда, «келгусидаги ишлар» деган тушунча остида, Куръоннинг жиҳодга бағишлиланган оятларни бузиб талқин қилган ҳолда қуролли жиҳод гояси тарғиб қилинганини тўлик исботлаган<sup>298</sup>.

Айни чоғда, россиялик шарқшунос олим А.Игнатенко «Иймонга йўл» брошюрасини сабиқ Совет Иттифоқида ўрта мактабларда «Жамиятшунослик» ўкув фани бўлимларига Куръондан оятларни кўшиш орқали шакллантирилган тўпламча сифатида баҳолаган<sup>299</sup>.

Гуруҳ ичида ташкил этилган ўзаро моддий ёрдам, «воситалар»га кўпроқ қариндош-уруг ва яқинларнинг жалб қилиниши, шунингдек, ташкилот ичида «исломийлашган» тартибот сақланиши «акромийлар»нинг сони ортиб боришида муҳим омиллардан бўлган. Шу билан бирга, А.Йўлдошев томонидан жамиятга нисбатан «жоҳилия» нисбати берилиши, шунингдек, «акромийлар» томонидан дунёвий ҳаёт кечирувчи фуқаролар ва расмий масжид имом-хатибларига нисбатан кўр-кўёна менсимаслик уларга нисбатан аҳоли ва уламолар ичида салбий муносабатни шакллантирган.

1990-йилларнинг охири, 2000-йилларнинг биринчи ярмида «Акромийлар» бир неча бор диний соҳадаги меъёрий қонунларни

<sup>298</sup> Бабаджанов Б. Верните Фемиде весы (непопулярный взгляд на андижанскую трагедию). Сайт «Александр Князев». URL: <http://www.knyazev.org/biblio/Femida2.pdf>.

<sup>299</sup> Игнатенко А. Ислам в XXI веке: главные направления исследования // Электронный журнал «Полития», 2007. – № 4 (47). – С. 7–34.

бузганликлари учун жазога тортилгани, хусусан, А.Йўлдошевнинг суд ҳукми билан озодликдан маҳрум килинишига қарамай ташкилот ўз фаолиятини янада маҳфийлаштирган тарзда давом эттирган.

2005 йилнинг тахминан март ойида Андижон шаҳрида ташкилот аъзоларининг бир гурухи устидан суд жараёнлари кетаётган вақтда «акромийлар»ни қамоқдан туриб бошқараётган А.Йўлдошев Қуръоннинг «Саф» сурасини шарҳ қилиб, ўзининг яқин тарафдорлари ичida тарқатган. Шарҳда А.Йўлдошев ўз ташкилотини гүёки «золим ва коғирларга қарши жиҳод қилиш», «хужумли кураш»га ўтиш даврига ўтгани ва ғалаба қозониш учун жиҳод қилиш зарурлигини ёзган. Муаллиф ўз тарафдорларини ўлимдан кўрқмасликка чақириб, мусулмонлар учун қуролли жиҳод гүёки фарз амал, шаҳид бўлиш эса шарафли орзу эканини таъкидлаган<sup>300</sup>.

2005 йил 12-13 май куни Андижон шаҳрига тўпланган «акромийлар» жамоасининг аъзолари ички ишлар патруль-пост хизмати, ҳарбий қисм ва қамоқхонага қуролли ҳужум уюштирган. Кўлга киритилган қурол-аслаҳа ташкилот аъзолари ва қамоқдан олиб чиқилган маҳбусларга тарқатилган.

Икки кун давомида вилоятнинг ҳокимлик биносига жойлашиб олган жамоа жангарилари қотиллик, зўравонлик, гаровга олиш, давлат ва шахсий мулкларни вайрон қилиш каби кўплаб жиноий ҳаракатларни содир этган. 15 май куни «акромийлар»нинг асосий қисми гаровга олингандардан «тирик қалқон» сифатида фойдаланиб, Қирғизистон ҳудудига қочиб ўтган.

Террорчилар қўлида 60 нафар бегуноҳ фукаро ҳаётдан кўз юмган, катта миқдорда иқтисодий зарар етказилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг саъй-ҳаракати билан Андижон воқеалари фаол ташкилотчи ва ижрочиларининг аксарияти қўлга олиниб, қонуний жазога тортилган.

Қирғизистонга қочиб ўтган «Акромийлар» кейинчалик Ғарбдаги айrim сиёсий доираларнинг ғараз мақсадлари йўлида «сиёсий қочқин» мақомини олган ҳамда кейинчалик Европадаги айrim мамлакатлар ва АҚШга олиб чиқиб кетилган. Кейинчалик, ўз хатосини англаб, астойдил пушаймон бўлган жамоа аъзолари Ўзбекистон ҳукумати томонидан авф этилиб, ватанга қайтиб келган.

<sup>300</sup> Бабаджанов Б. Кто по ту сторону баррикад? (О секте Акрамия и её подобных) // Расы и народы. Ежегодник. Вып. 32. – М : Наука, 2006. – С. 42–107.

Ғаразли мақсадларидан қайтмаган «Акромийлар» гурухи аъзолари Фарбдаги ҳомийлари кўмагида деструктив сиёсий мухолиф ташкилотлар билан алоқага кириб, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказишга қаратилган жиной фаолиятини давом эттириб келмоқда.

## 6. «Нурчилар»

«Нурчилар» диний-сиёсий ҳаракати Туркияда биринчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган. Ҳаракатнинг асосчиси Сайд Нурсий (1873–1960) ҳисобланади.

Маълумки, халифалик шаклида султон томонидан бошқарилган Усмонийлар давлати (Osmanli Devleti) биринчи жаҳон урушида Германиянинг иттифоқчиси сифатида қатнашиб мағлубиятга учраши оқибагида Болқон, Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги ҳудудларидан маҳрум бўлган. Ҳокимият тепасига келган Камол Отатурк ижтимоий-иктисодий соҳада дунёвий характердаги ислоҳотлар ўтказган. 1924 йилнинг 3 марта куни халифалик бекор қилинган ва унинг барча ваколатлари Туркиянинг Буюк миллий кенгашига берилган. Ислоҳотлар натижасида шариат суд ишларидан чиқариб ташланган, дунёвий таълим тизими жорий қилиниб, мадраса ва масжидларнинг назоратсиз очилишига чек қўйилган. Суфий тариқат «корденлари»нинг жамиятга таъсири чегараланган.

Дунёвий ислоҳотлардан норози бўлган уламолар исломнинг жамиятдаги устувор ўрнини қайта тиклашга қаратилган таргибот ишлари олиб борган. Жумладан, ушбу тоифага мансуб бўлган Сайд Нурсий шариатни жорий қилиш ғояларини тарғиб қилгани ҳамда қонунбузарликлари учун ҳаётининг асосий қисмини қамоқ ва сургунда ўтказган.

Ҳаракатнинг таълимотини асосан Сайд Нурсийнинг «Рисолаин-нур» умумий номи билан тўпланган асарлари, Қуръоннинг бაъзи оятларига бағишлиланган тафсирлари, ҳаракатнинг иккинчи асосий етакчиси Мухаммад Фатхулла Гюленнинг китоблари ташкил этади. Ташкилот раҳбарлари Қуръонда «Рисолаин-нур» ишора қилувчи яширин маъно бор деган ғояни тарғиб қилиш орқали Сайд Нурсийнинг асарини «муқаддаслаштириш»га ҳаракат қиладилар.

1950-йилларда «Нурчилар» ҳаракати Туркияда ёшлар ичida кенг тарқалган. 1960 йили Сайд Нурсийнинг вафот этганидан сўнг унинг

яқин шогирдлари – Мустафо Сунгур, Мехмет Курдоглу ва бошқалар ташкилотнинг бир қанча мустақил тузилмаларини шакллантирган.

1969 йили измирлик масжидлардан бирининг имоми бўлган Фатхулла Гюлен етакчилигидаги «Нурчилар» жамоаси (бошқа номлари – «Фатхуллачилар», «Гюлен жамоати», «Хизмет») бир вақтнинг ўзида Туркияning миллий мағкурасини исломийлаштириш ва исломни «туркийлаштириш», бошқача айтганда, Туркия етакчилигига «халифалик»ни қайта барпо этиш гояларини илгари сурган. 1980-йилларнинг охири ва 1990-йилларнинг бошида Туркияда «Нурчилар» ҳаракати бирмунча эркин фаолият юритган. Мазкур даврда Ф.Гюлен МДҲ таркибидаги мусулмон давлатларда ташкилотнинг фаолиятини кенгайтиришга қаратилган ҳаракатларни кучайтирган.

Мутахассислар «Гюлен жамоати» тармоқланган ва қатъий иерархияга бўйсундирилган тузилмага эга деб эътироф этадилар. Шартли равишда «диний» деб аташ мумкин бўлган тармоқ юқоридан пастга сони ортиб борувчи «абийлар» (катта акалар) тизимидан иборат бўлиб, улар учта доирани ташкил этади:

- биринчи доира: Ф.Гюлен ва унинг яқин маслакдошлари;
- иккинчи доира: ўз вақти ва имкониятларини фақат ташкилот учун бағищлаганлар;
- учинчи доира: ташкилотга хайриҳоҳлик кўрсатувчилар (ижобий мақола ёзувчи журналистлар, ҳомийлик ёрдами кўрсатаётганлар ва ҳ.к.).

Ташкилотнинг «маърифий» тизимини динлараро бағрикенгликни тарғиб қилувчи халқаро жамоат ташкилотлари, хайрия жамғармалари ва ўқув муассасалари ташкил этиб, улар халқаро ҳамжамиятда «Нурчилар»нинг ижобий имиджини яратиш, фаолият географиясини кенгайтириш, турли давлатларда ҳокимият тизимида ҳаракатнинг манбаатларини илгари суриш ва иқтидорли ёшларни ташкилотга тортиш каби мақсадларга хизмат қиласи.

«Иқтисодий» тармоқ Туркия ва хорижий мамлакатларда ваколат-хоналарга эга банк, курилиш ва савдо фирмалари, медиакомпаниялардан иборат. Улар қаторида «Фатхулла Ходжа Холдинг» ва «Ихлас холдинг» компаниялари, «Асия Финанс» молия гурухи, «Ихлас ҳабер ажансы» ахборот агентлиги, «Эбру», «Саманийолу» телеканалла-

Куръон ва Ф.Гюленнинг асарларини ўқиш мажбурий экани, бундай ётоқхоналарнинг аксариятида телевизор кўриш, мусиқа эшиши ва ташкилотга тегишли бўлмаган китобларни ўқиш ман этилганини сўзлаб берган. «Нур уйлари»да тартиб «абийлар» томонидан назорат қилиниб, ёш «фатхуллочилик»га келажакда ташкилотга хизмат қилиш (hizmet) гояси сингдирилган<sup>306</sup>.

«Нурчилар» фаолиятининг иккинчи йўналиши юқорида қайд этилган телевидение, радио, босма ва электрон оммавий аҳборот воситалари, шунингдек, ташкилотга мойиллиги бор журналистлар орқали дунёвий мамлакатларда фуқароларнинг исломий дунёқарашини кенгайтириши ва шариатга асосланган давлат қуришга эътиқодан тайёрлаб бориши ҳисобланади. 1999 йили Ф.Гюленнинг ўз тарафдорларига «Сиз тизим ичидаги артерияларда шундай япирин ҳаракат қилиб боришингиз лозимки, ҳокимиятнинг барча марказларига кириб боргунингизга қадар сизларни ҳеч ким пайқамасин», деб қилган маъруzasи катта шов-шувга сабаб бўлган<sup>307</sup>.

Айни чоғда, «Нурчилар» раҳбарияти ўз миссионерларининг хорижий мамлакатлардаги фаолиятини ҳамкор фирмалар, бизнес-компаниялар ва хайрия жамғармалар очиш орқали яширишдан кенг фойдаланишини учинчи йўналиш сифатида қайд этиш мумкин.

1980-йилларда Гюлен ҳаракати «Ватан» партиясини қўллаб-куватлаган, бироқ шахсан Эрбаканга тарафдор бўлмаган. 1997 йил ҳарбийлар томонидан Эрбакан ҳокимиятдан четлатилгандан сўнг Ф.Гюлен ўзининг ОАВ имкониятларини ишга солиб «Рефах» партиясининг ислоҳотчи қанотини қувватлаб чиққан. Ушбу фракцияси асосида кейинчалик Адолат ва тараққиёт партияси ташкил топган<sup>308</sup>.

1999 йили Анқара давлат хавфисизлиги суди Ф.Гюленни Туркия Жиноий Кодексининг 312, 313-моддалари бўйича дунёвий давлат тузумини ўзгартиришга қаратилган фаолиятда айблаб, жиноий иш кўзгаган. Ф.Гюлен «даволангани» АҚШга кетган. Ушбу йили ташкилотнинг фаолияти Туркияда расман ман этилган. Мазкур жиноий

<sup>306</sup> Попп Максимилиан. Таинственный мир исламского движения Гюлена. Сайт «Умма информ», 28.08.2012. URL: <http://umma.ua/tu/article/article/2012/08/28/16468>

<sup>307</sup> Там же.

<sup>308</sup> Разливаев А. Турция: возрождение религиозных общин // Азия и Африка сегодня. – М., 2009., – №9. – С. 29–34.

иш 2006 йилнинг май ойида ёпилганига қарамай, Ф.Гюлен Туркияга қайтиб келмаган. 1998 йилдан буён Пенсильвания штатида вақтингча яшаб келаётган Ф.Гюлен 2008 йили фақат АҚШ Марказий разведка бошқармасининг (МРБ) собиқ раҳбар ходимлари Грахам Фуллер ва Джордж Фидаснинг ёрдами билан АҚШда доимий яшаш учун рухсат олган.

Туркия разведкасининг Стамбулдаги бюроси собиқ раҳбари Нури Гюндеш ўзининг «Анархия ва инқилоб гувоҳи» номли китобида АҚШнинг маҳсус хизматлари Ф.Гюлендан Марказий Осиёда очилган турк лицейлари ва жамғармаларга ўзларининг юздан зиёд жосусларини киритишда фойдаланганини эътироф этган<sup>309</sup>. Шунингдек, узоқ вақт давомида Ф.Гюленнинг маслаҳатчиси бўлган Нуреттин Верен исмли шахс 2007 йили «Қамал: Фатхулла Гюлен ҳаракати – АҚШнинг троя оти (ABD'nin truva atı Fethullah Gülen, 2007 й.)» номли китоб ёзиб, унда Ф.Гюленнинг АҚШ МРБ билан яқин алоқаларда бўлгани ҳамда «Нурчилар»нинг 1990-йилларда Марказий Осиёда яширин тарғибот ишларини олиб боргани ҳақида маълумот берган.

Таъкидлаш жоизки, МДҲ ҳудудида Мустафо Сунгур (2012 йил вафот этган) раҳбарлик қилган «Нурчилар» жамоаси ҳам фаолият юритган. Ташкилот «Фатхуллачилар»ни С.Нурсийнинг ғояларини ҳаддан ташқари модернизация килишда айблаб, ўзларини ҳақиқий «Рисолаи-нур» асосида фаолият юритувчи жамоат ҳисоблайди. «Сунгурчилар» йиғинларини асосан маҳфий тарзда хонадонларда ташкил этади<sup>310</sup>.

Ўзбекистонга «Нурчилар» ташкилотининг фаолияти 1990-йилларнинг бошида Туркия билан савдо-иктисодий ва ижтимоий-гуманистар алоқалар жонланган вақти кириб кела бошлаган. «Нурчилар» республика ҳудудида очилган турк лицейларида яширинча исломий ва «пантуркистик» тарғибот олиб боришга ҳаракат қилган. Бир вақтнинг ўзида алоҳида танлаб олинган ёшлар билан яширин хонадонларда «хужра» шаклида ўқув ишлари олиб борилган. Айни вақтда, илмий алмашув доирасида Туркия олий ўқув муассасаларига юборилган

<sup>309</sup> Щегловин Ю. Б. Турция – США: Конец операции «Нурджула». Сайт «Институт Ближнего Востока», 20.01.2011. URL: [www.iimes.ru/tus/stat/2011/20-01-11b.htm](http://www.iimes.ru/tus/stat/2011/20-01-11b.htm)

<sup>310</sup> Сулейманов Р. Фетхуллах Гюлен: в маске и без маски. Сайт «Российские тенденции», 05.05.2013. URL: <http://rostend.su/?q=node/664>

ўзбекистонлик ёшлар ичидаги ҳам юкоридаги каби тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилган.

Хукукни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан «Нурчилар» ташкилотининг аксарият етакчи ва фаолларининг фаолияти фош этилиб, тегишли ҳукуқий чоралар кўрилган.

2000-йиларнинг иккинчи ярмидан «Нурчилар» ташкилоти томонидан аввал турк лицейларида ўқиш давомида эътиборга тушган собик ўқувчилар билан алоқаларни тикилаш, улар орқали ҳозир иқтидорли ёшлар ичидаги тарғибот ишларини йўлга кўйиш, нашрлар ташкил этиш, тадбиркорлар сифатида республикага кириб келиш ҳамда фирма ва сотиб олинган уй ва хонадонларда яширин диний ўқишилар ташкил этишга қаратилган қонунга зид ҳаракатлар содир этилиши кузатилмоқда.

## 7. «Ҳизб ат-тахрир ал-исломий»

«Ҳизб ат-тахрир ал-исломий» (қисқача «Ҳизбут тахрир», арабча номи حزب التحرير – «озодлик партияси») ташкилотига 1953 йили Шарқий Куддусда маҳаллий шаръий шикоят судининг аъзоси бўлган Тақиоддин Набаҳоний (1909–1979) томонидан асос солинган.

Партияning штаб-квартираси жойлашган жой сир сақланиб, мутахассислар Иордания ёки Ливанда деб ҳисоблайди. Айрим маълумотларга кўра, ташкилотнинг олий органи – «Қиёдат» ва асосий нашриёти – «Ал-Хилафа пабликейшнз» Лондон ва унинг атрофидаги Бирмингем, Брадфорд, Шеффилд шаҳарларида (Англия) жойлашган<sup>311</sup>.

Партияning тузилиши 1940-йиларнинг охирида Фаластинда кечган сиёсий жараёнлар билан боғлиқ. БМТнинг 1947 йил 29 ноябрдаги 181-сонли қарорида Британиянинг мандати остида бўлган Фаластинда мустақил яхудий ва араб давлатлари, Куддусда БМТ мандати остидаги худуд тузиш кўзда тутилган. 1947–1948-йиллари қарордан норози бўлган олтига араб давлатлари, норасмий араб қуролли тузилмалари ва янги тузилган Исроил орасида дастлабки уруш бўлиб ўтган. Уруш араб мамлакатларининг мағлубияти ва БМТнинг юкоридаги қарорига кўра янги араб давлатига тегишли катта худуд Исроил назоратига ўтиши билан тугаган. Мазкур худудда яшаган 600 мингдан зиёд араблар кочкин

<sup>311</sup> Зейно Баран. Ҳизбут тахрир. Политическая радикализация ислама. – Вашингтон : Центр Никсона, 2004. – С. 28, 40.

бўлган. Уруш араблар ичида «Ҳалокат» (арабча **النكبة** – «накба») деб ном олган. Фаластинда яхудийлар ва Ғарб мамлакатларига қарши кайфият, шунингдек мустақил араб давлати қуриш йўлини излаш ҳамда араб ҳукуматларидан норозилик кучайган эди.

Ушбу жараёнлар таъсирида Т.Набаҳоний 1950 йилда араб миллатчилиги руҳидаги «Рисалатул араб» рисоласини ёзган. Рисолада араблар ислом дунёсидаги олий табақа сифатида эътироф этилиб, араб мамлакатларини бирлаштириб халифат қуриш ва унга кейинчалик бошқа давлатларни қўшиш ғоясини илгари сурган. Таъкидлаш жоизки, Т.Набаҳонийнинг раҳнамоси – Қуддус муфтийси Амин ал-Хусайн уруш давомида яхудийларга қарши мұқаддас уруш, яъни куролли жиҳод эълон қилган эди<sup>312</sup>.

Т.Набаҳоний ўша вактда Иорданиядаги «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг бўлинмаси раҳбарларидан бири бўлиб, ташкилотни Ғарбга нисбатан «юмшоқ сиёсат» олиб борища айблаб, уни тарк этган ва ўз партиясини тузган.

1977 йили Т.Набаҳонийнинг вафотидан сўнг партияга фаластинлик Абу Юсуф Абдулкадим Заллум раҳбарлик қилган. 2003 йилдан бўён «Ҳизбут таҳrir»га Ато Абу Рушта (Абу Ёсин) раҳбарлик қилмоқда.

«Ҳизбут таҳrir»нинг диний-сиёсий мафкураси панисломизм ғояларига асосланган бўлиб, фаолияти мусулмон мамлакатларида дунёвий давлатни агдариб ташлаш ва ҳокимиятни эгаллаш ҳисобланади. Бунга далил сифатида эълон қилинган бош мақсад – олдин араб мамлакатларида, кейин эса бошқа мамлакатларда исломий тизим жорий этилган исломий давлат – «халифалик» барпо этишдан иборат эканини кўрсатиш мумкин<sup>313</sup>. Шунингдек, партиянинг мафкурасида унинг «руҳий уюшма ҳам, илмий уюшма ҳам, таълимтарбия ишлари билан шуғулланадиган уюшма ҳам эмас, балки у исломий фикрат асосига қурилган сиёсий уюшма экани», фаолияти хайрия, диний ёки маърифий эмас, балки сиёсий соҳа экани очиқ таъкидланади<sup>314</sup>.

<sup>312</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Арабо-израильская\\_война\\_\(1947—1949\)](http://ru.wikipedia.org/wiki/Арабо-израильская_война_(1947—1949))

<sup>313</sup> Набаҳоний Т. Ҳизбут-т-таҳrir тушунчалари. – 94 б.

<sup>314</sup> Ҳизбут таҳrirнинг ўзгаришдаги манхажи. 22.12.1989 йилда Американинг Миссури штатида чақирилган «Мусулмон талабалар робитаси» курултойида «Ҳизбут таҳrir» вакили сўзлаган нутқнинг матни. – 35-бет.

Набаҳоний ва партияниң иккинчى етакчىسى Абдулқадим Заллумнинг «Ислом низоми», «Халифалик», «Исломий оламга қайноқ нидолар» ва «Ҳизб ут-тахрир тушунчалари», «Исломда бошқарув низоми», «Демократия – куфр низоми» каби қатор китoblарида дүнёвий давлат, демократия\*, конституция, сайлов каби сиёсий институтлар, миллий қадриятлар ва ватанпарварлик қораланган. Хусусан, демократия ва инсон эркинلىклиги гүёеки «куфр дүнёкараши ва низоми экани», «уну қабул қилиш, унга даъват қилиш, унинг асосида партия тузиш ҳаром» деб эълон қилинганды<sup>315</sup>. Ватандошлик ва ватанпарварлик исломга ёт «тубан алоқа», хайрия-саҳоват, ахлоқий тарбия ва яхшиликка чакириш, илм-маърифат тарқатиши исломий давлат қуришдан чалғитувчи ножоиз амаллар сифатида баҳоланады<sup>316</sup>.

«Ҳизбут тахрир» сиёсий ҳокимиятни уч босқичда (ҳизбий уюшмани шакллантириш; уммат\*га таъсир ўтказиш; бошқарувни қўлга олиш) эгаллаб, «бутун оламга Рисолат сифатида даъват ва жиҳод йўли билан» ёйишни даъво қиласиды<sup>317</sup>. Ҳаракат гүёеки келажакда барпо этиладиган халифалик давлатида ислом ақидасидан бошқа асосга асосланган ҳаракат, уюшма ва партияларнинг мавжуд бўлишига йўл қўйилмаслиги таъкидланади<sup>318</sup>. Даставвал партия томонидан Мухаммад пайғамбар Маккадан Мадинага кўчгунга қадар ўтган вақтга қиёсан олган ҳолда 13 йил ичиди араб дунёсида «халифалик» жорий этиш шиори илгари сурилган. Муваффакиятсизликка учрагандан сўнг партия раҳбарияти томонидан «халифалик» қуриш 33 йилда, кейинчалик эса аниқ белгиланмаган муддатда амалга ошиши эътироф этилган.

Партия пирамида шаклида тузилган, мустаҳкам интизом ва маҳфийлик жорий қилингандан тузилмадан иборат. Бош амир ҳузурида «қонун чиқарувчи орган» – «қиёдат» фаолият юритади. Бирламчи бўғин 5-10 кишидан иборат «ҳалқа»лар ҳисобланади. Ташкилотнинг мутаассиб, шахс ва жамият манбаатларига зид моҳияти партияга янги аъзо бўлганларнинг қасамида акс этади. Хусусан, янги аъзо «халифалик давлати барпо қилишга ... ушбу йўлимда жонимни курбон

<sup>315</sup> Заллум А. Демократия – куфр низоми. – 73 б.

<sup>316</sup> Набаҳоний Т. Ислом низоми. 1953 й. – 25, 91 б.

<sup>317</sup> «Ҳизбут тахрирнинг ўзгаришдаги манҳажи». 22.12.1989 йилда Американинг Миссури штатида чакирилган «Мусулмон талабалар робитаси» курултойида «Ҳизбут тахрир» вакили сўзлаган нутқинг матни. – 33, 47 б.

<sup>318</sup> Заллум А. Исломда бошқарув низоми. 1996. – 20 бет.

қилиб, оиламдан кечиб бўлса ҳам ҳаракат қилишга ... ваъда бераман», деб қасам ичади.

Ташкилотнинг молиявий асосини фирмә аъзолари тўлайдиган бадал пули ҳисобига тўпланадиган маҳсус газна – «табарроъ» ташкил этади. Маҳаллий бўлинма раҳбарлари мазкур «ғазнадан» маош олади.

Тарғибот-ташвиқот ишлари яширин «хужра»ларда диний ўқишлир, жамоат жойларида партия ғоялари ёритилган «Ал-Вай» журнали ва варақалар тарқатиш, Интернет тармоғида ташкилотнинг диний-сиёсий ғояларини тарғиб қилиш каби усусларда олиб борилади. Давлат идоралари томонидан жиддий қаршилик бўлмаган мамлакатларда партия фаоллари масжидларда ва бошқа турли йигинларда очиқ тарғибот ўтказади.

Ислом дунёсининг уламолари «Ҳизбут таҳрир» ташкилотининг сиёсий хокимиятни эгаллашни устувор вазифа сифатида кўриши, қатор шаръий масалаларда ислом аҳкомларига зид фатволарни (амру маъруф ва наҳй мункарни, оҳод ҳадисларни инкор этиши, исломий давлатнинг куфр давлатига жизъя тўлашини жоиз дейиши ва ҳ.к.) беришиб сабабли қаттиқ танқид қиласидилар ва адашган фирмә ҳисоблайдилар.

Таъкидлаш жоизки, «Ҳизбут таҳрир» очиқ тарғиботида исломий давлат барпо этиш йўлида куч ишлатмасликни даъво қилиб, Ғарб мамлакатларидағи айрим сиёсий доиралар мазкур даъвога «ишониб», бошқа давлатлар, хусусан Марказий Осиёда партиянинг экстремистик фаолиятига қарши кўрилаётган қонуний чораларни танқид қилиб келмоқда. Бироқ партиянинг доктринал адабиётининг таҳлили «Ҳизбут таҳрир» етакчилари илгари сураётган ғояларда жиҳодий-салафий оқимлар мағкураси каби жамиятни «куфр»да айблаш ва қуролли жиҳодга даъват мавжудлигини кўриш мумкин. Жумладан, Т.Набаҳоний «Сиёсий қарашлар» китобида оламдаги барча давлатларни «коғир давлат» деб атаб, мусулмонлар улар билан «хукман уруш ҳолатида» ҳисобланиши сабабли гўёки «мусулмонлар доимий жиҳод ҳолатида» эканини даъво киласди. Гўёки қуролли жиҳод «намознинг фарзлиги каби фарз» амал саналиши ва бирорта мусулмондан соқит бўлмаслигини илгари суради<sup>319</sup>.

А.Заллум барча мусулмон мамлакатларини «куфр диёри» деб атаб, янада муросасиз кураш олиб боришни тарғиб қилган. Унинг

<sup>319</sup> Т.Набаҳоний. Сиёсий қарашлар. – 57, 58 б.

ғоясига эргашмаган, хусусан, дунёвий давлат, яъни «дин давлатдан ажратилиши лозим», деган фикрда бўлган мусулмонларни «диндан қайтган муртад» ҳисоблаб, уларни «сони миллион-миллион бўлса ҳам, ҳар бир муртадни ўлдиришни тақдирни ҳал этувчи масала деб караш лозим», деб даъват қилган<sup>320</sup>. А.Заллум ислом давлати гўёки доимий жиҳод ҳолатида бўлиб, Ислом ер юзини қамраб олмагунча жиҳод қилиш лозимлигини ташвиқот қилган<sup>321</sup>.

Юкоридаги ғоялар билан тарбияланган «Ҳизбут таҳхир»нинг маҳаллий бўлимлари 1968, 1969 ва 1993 йилларда Иорданияда давлат тўнтиришига қаратилган жиной ҳаракатларни амалга оширишган. 1972 йили «ҳизбчилар»нинг Ироқ мамлакати жанубидаги фитнаси ҳам бостирилган. 2000 йил Туркияда «Ҳизбут таҳхир»нинг 23 нафар аъзоси «давлат асосини бузиш»га қаратилган ҳаракатлари учун суд қилинганд. 1999–2000-йилларда Ливан ва Сурияда куролли исён амалга оширишга ҳаракат қилган.

2010-йилларнинг бошида араб мамлакатларида рўй берган нотинчликларда «Ҳизбуттаҳхир» исёнчиларни гоявий қўллаб-куватлаб, уларни дунёвий давлатларни ағдариб, ушбу партия етакчилигига халифалик барпо этишга чакирган. Хусусан, ташкилотнинг 2012 йил 15 март кунидаги ўзбек тилида чоп этилган варақасида Сурия армияси «тоғут ҳукуматни ағдариб ташлаб, бошқарувни «Ҳизбут таҳхирга» топшириш»га даъват қилинади<sup>322</sup>.

Шунингдек «Ҳизбут таҳхир»нинг Тошкент шаҳридаги бўлими раҳбари Ш.Мирзажанов етакчилигига «Ҳизбут-нусрат», Буюк Британияда партиянинг ашаддий аъзоси Умар Бакри Мухаммад «Ал-Муҳожиун» каби радикал ташкилотларга асос солғаниклари, шунингдек «Акромийлар» ташкилотининг раҳбари А.Йўлдошев, «Ал-Қоида» ташкилотининг Ироқдаги бўлими нинг собиқ етакчиси Мусо Аз-Зарқавий аввал «Ҳизбут таҳхир» аъзоси бўлгани ушбу партия ашаддий экстремистларни тарбиялашда салмоқли ўринга эга эканига далил бўлади.

1980-йилларнинг иккинчи ярми ва 1990-йилларнинг бошидан «Ҳизбут таҳхир»нинг маҳаллий бўлимлари Яқин Шарқ ва Шимолий

<sup>320</sup> Заллум А. Халифалик қандай тутатилди. 1962 й. – 186,187,194 б.

<sup>321</sup> Заллум А. Исломда бошқарув низоми. 1996. – 177 б.

<sup>322</sup> «Ҳизбут таҳхир».Сурия вилояти. «Суриядаги ахлимизга, уламоларига, у ердаги қувват аҳлига ва бутун Исломий Умматга қизғин нидо».15 март 2012 йил.

Африкада (Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания, Ирок, Кувайт, Ливан, Марокко, Миср, Судан, Сурия, Туркия, Тунис, Фаластин, Яман) фаол тарғибот ишлари ўтказиши орқали ўз тарафдорларини кўпайтирган. Ушбу даврда Европада ташкилотнинг фаоллиги Буюк Британия, Дания мамлакатларида, Жануби-Шарқий Осиёда Бангладеш, Индонезия, Малайзия, Покистон, шунингдек Австралияда кузатилган.

«Хизбут таҳрир» партиясининг фаолияти Туркияда, Яқин Шарқ ва Шимолий Африканинг аксарият мамлакатларида, шунингдек Тоҷикистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда ноқонуний ҳисобланади. 2003 йили ушбу ташкилот Германия, Покистон ва Россияда ҳам қонунан ман этилган.

«Хизбут таҳрир» ташкилоти Европада, айниқса, Буюк Британияда иммий доираларда ўзини зўравонлик усусларини рад этувчи ташкилот сифатида тарғиб қилиш орқали кенг фаолият юритиш имконига эга бўлган. Ёллаш ишлари Буюк Британияда Покистон, Туркия ва Африка қитъасидан келган меҳнат иммигрантларининг биринчи ва иккинчи авлоди билан, Германияда эса асосан турк диаспораси ичидаги амалга оширилади.

1990-йилларнинг бошидан «Хизбут таҳрир» ғоялари МДҲ худудига кириб кела бошлаган. Даставвал Марказий Осиё республикаларида (Туркманистон бундан мустасно) партиянинг қатор бўлинмалари вужудга келган. Ҳукуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг «хизбчилар»нинг экстремистик фаолиятига қарши самарали кураш олиб бориши оқибатида 2000-йиллардан «Хизбут таҳрир» минтақада мумкин қадар яширинча ҳаракат қилишга ҳамда фаолтарғибот-ташвиқот ишларини Россия ва Украина мамлакатларида олиб боришга ўтди.

Ҳозир «Хизбут таҳрир»нинг МДҲ мамлакатлари ичидаги Қирғизистон ва Украина (асосан Қрим яримороли) фаол ҳаракат олиб бораётгани кузатилмоқда. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда «Хизбут таҳрир»нинг Марказий Осиёдаги минтақавий маркази Қирғизистонда жойлашган бўлиб, ушбу республикада партия аъзоларининг сони 20 мингга яқин кишини ташкил этади<sup>323</sup>.

<sup>323</sup> «Бизда «Хизбут-таҳрир» аъзоларининг сони 20.000 га етиб қолди». «Би-би-си» сайти, 14.05.2013 URL: [http://www.bbc.co.uk/uzbek/central\\_asia/2013/05/130514\\_cy\\_hizbut\\_tahrir\\_members\\_in\\_kyrgyzstan\\_latest.shtml](http://www.bbc.co.uk/uzbek/central_asia/2013/05/130514_cy_hizbut_tahrir_members_in_kyrgyzstan_latest.shtml)

Симферополда (Украина) эса «Ҳизбут таҳрир» муттасил равища ўзининг конференцияларини очиқдан-очиқ ўтказиб келмоқда.

«Ҳизбут таҳрир» Тожикистон (11.03.2008, 19.04.2001 йилда «Ҳизби таҳрир» номи билан), Қирғизистон (20.08.2003) ва Қозоғистонда (28.03.2005) экстремистик ташкилотлар, Россияда (14.02.2003) эса террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Республикада «Ҳизбут-таҳрир» ташкилотининг фаолият услуби муайян ривожланиши бошидан кечирди. Даставвал фаолият яширин гуруҳлар тузиш, яширин тарзда диний-экстремистик мазмундаги варақалар тарқатишга асосланган бўлса, 1990-йилнинг иккинчи ярмида, аҳоли гавжум жойларда варақалар деярли очиқ тарқатиши, даъватни кенг олиб бориш, жазони ўташ муассасаларида тарғибот ўтказиш усулларига ўтилган. Ҳозир ташкилот кўпроқ Россия ва Украинада меҳнат мигрантлари ичida, Интернет тизими орқали тарғибот ўтказиш, шунингдек аввал ДЭО фаолиятида иштироқи учун жазо ўтаётган шахсларнинг оила аъзолари, яқин қариндошларини ўз сафларига жалб қилишга қаратилган жиноий ҳаракатларни амалга оширмоқда.

## 8. «Таблигчилар»

«Жамоати таблиғ» (урдуча «جماعت تبلیغی», арабча «جماعۃ التبلیغ» – «хабар етказиши») ташкилоти 1926 йили Ҳиндистоннинг пойтахти Дехли шаҳрининг яқинида жойлашган Меват вилоятида вужудга келган исломий ҳаракат бўлиб, асосчиси «Деобандия» диний мактаби ва мазкур ҳудуддаги «Нақшбандийа-Мужаддидийа» суфий тариқати намояндаларидан бири Мұхаммад Илёс Кандехлавий (1885–1944) ҳисобланади.

XX аср бошларида Ҳиндистонда инглиз маъмурлари жамиятда сипохийлар ҳаракатининг бостирилишидан кейин истилочиларга нисбатан кучайиб бораётган умумий норозиликни пасайтириш воситаларидан бири сифатида аҳолини диний асосда хиндуийлар ва мусулмонларга бўлиб юборишида кўтарар эди. Инглизлар 1905 йили мамлакатда Мусулмон лигаси тузилишига хайриҳоҳлик билдирган. 1925 йили ҳиндуийлар ўз съездидан ҳинд мусулмонлари ичida даъватни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратган<sup>324</sup>.

<sup>324</sup> Внесудебное историко-религиоведческое исследование. Профессор Нижегородского государственного лингвистического университета Сенюткина О. Н. Сайт «За

М.Кандехлавий «таблиғчилар» ҳаракатини даставвал ҳиндуйлик динини қабул қылған собиқ мусулмонларни исломга қайтариш мақсадида бошлаган. Мадрасалар орқали ташкил этилган таргибот ишлари ижобий натижа бермаганидан сұнг исломий тарғибот ишларига диний рутбаси бүлмаган миссионерлар – «таблиғчилар»ни жалб қилишга қарор қилинген. Муайян тайёргарлик үтгандан сұнг таблиғчилар «жамоа»ларга бирикіб, қишлоқ ва шаҳарларга дағват ишлари учун юборилған. «Таблиғчилар»нинг маркази Декли шахрининг атрофидан жойлашған «Низомиддин» масжиди бүлған.

Мазкур «жамоалар»нинг самарали фаолияти оқибатида «таблиғчилар» ҳаракатининг сафи кенгайиб, Жанубий Осиё мамлакатларига таркалған. Ҳиндистоннинг бүлинишидан кейин «Таблиғчилар» Покистон (Райвинд) ва Бангладешда (Дакка) ҳам ўз штаб-квартиralарини очған бўлиб, ҳозирда Райвинд шаҳридаги марказ асосий саналади.

1960-йиларга келиб «таблиғчилар» Фарбий Европа, Шимолий Америка, Осиё, айрим араб ва Шимолий Африка мамлакатларида, асосан Жанубий Осиё халқлари диаспоралари мавжуд ҳудудларда миссионерлик фаолияти олиб борган. 1978 йили Бутунжаҳон ислом олами ҳомийлигига Англияning Дъюсбери шаҳрида очилған масжид «таблиғчилар»нинг Европадаги асосий марказига айланған. Маълумотларга кўра, ҳозир «таблиғчилар» 150 дан зиёд мамлакатда фаолият юритмоқда<sup>325</sup>.

Ташкилот расман ўз тарғиботида мусулмонларни Куръон ва Сунна асосида ҳаёт кечиришга ҳамда бошқа динга мансуб одамларни исломни қабул қилишга дағват қилиш билан шуғулланади. М.Кандехлавийнинг бош шиори «Мусулмонлар, ислом асосида турмуш кечиринг!» бўлған. Мутахассисларнинг фикрига кўра, «Таблиғчилар» айнан шариатта асосланган турмуш тарзини тарғиб этиш ва бошқа диндагиларни исломга киритиш орқали ягона ислом давлати тузишга қаратилған режани амалга ошироқдалар.

«Таблиғчилар» ўз дағватларида Куръонни ва «Таблиғ низоми (Таблиғи нисаб)» тўпламини ўқишини тарғиб қиласидилар. Тўплам

---

правовое государство». URL: <http://www.lawfulstate.ru/index.php/zashitaprav/2010-03-28-13-27-47/q-q/extrajudicial-historical-religion-research-about-qtabligi-dzhamaatq.html>

<sup>325</sup> Комиссина И. Н. Движение «Таблиғи джамаат»: теория и практика радикализма // Международная политика, 2011. – № 1(6). – С. 47.

М.Кандехлавийнинг «Ҳаятус Саҳаба (Саҳобийлар ҳаёти)», «Фазоил амал (Яхши ишларниң фазилати)» «Фазоил садақат (Садақаниң фазилати)», «Мунтахаб ал-ҳадис (Танланган ҳадислар)» китобларидан иборат. Таълимот асосини олтига тамойил ташкил этади:

- ягона Аллоҳга ва пайғамбар Муҳаммадга эътиқодан ишониш ва имон келтириш;
- беш маҳал намозни эътибор билан бажариш;
- исломий илмларни ўрганиш ва тез-тез Аллоҳни эслаш (зикр);
- мусулмонларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш;
- савоб ишларни килганда самимий бўлиш;
- исломга даъват қилиш ишларида қатнашиш<sup>326</sup>.

Ташкилот етакчиларининг эътирофларига кўра, «таблиғчилар» жамоаси ҳеч қандай ташкилий тузилма ва расмий низомий ҳужжатларга эга бўлмасада, эксперtlар аслида ҳаракат М.Кандехлавий оиласи аъзолари етакчилигидаги бир неча даражага ва бошқарув иерархиясига эга тузилма эканини таъкидлайдилар.

Жумладан, «Таблиғчилар»нинг раҳбарлари «камир» саналади. Олий амир вазифасини ҳозирда икки кишидан иборат кенгаши – Зубаир ал-Ҳасан ва Саид Кандехлавий (ташкилот асосчисининг невараси) бажармокда.

Алоҳида мамлакатдаги олий раҳбар – минтақавий амирлар етакчи таблиғчиларниң норасмий йиғилишида бир умрга сайланади. Амир муайян мамлакатдаги «Таблиғчилар»га тегишли масжидлар ва марказларниң фаолиятини бошқаради. Амир хузурида консультатив орган – «шўро» (оқсоқоллар кенгаши) бўлиб, у «таблиғчилар»нинг мазкур мамлакатдаги асосий масжиди – «марказ»да фаолият кўрсатади. Марказларда «таблиғчилар»нинг ойлик йиғилишлари (машвара) ўтказилади, ташкилот таркибига янги аъзолар даъват қилинади ҳамда «жамоат»ларниң миссионерлик ишлари режалаштирилади.

Энг куйи тизим саналган «жамоат» 3-10 та «таблиғчи»дан иборат бўлиб, даъват ишлари мазкур гурухлар томонидан амалга оширилади. Жамоа аъзолари турли ижтимоий қатламларга, асосан ўрта ва куйи қатламларга мансуб. Шу билан бирга «таблиғчилар» ичida йирик тадбиркорлар бўлиб, улар ҳаракатга молиявий жиҳатдан ҳомийлик қилади. Мутахассисларниң фикрига кўра, ҳаракатга турли исломий жамғарма ва айрим бой араб мамлакатлари ҳам моддий ёрдам кўрсатиб туради.

<sup>326</sup> Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Джамаат\\_Таблиғ](http://ru.wikipedia.org/wiki/Джамаат_Таблиғ)

Ҳозирги вақтда «таблиғчилар» уч кунлик (бир ойда 1 марта), 40 кунлик (бир йилда бир марта) ва 4 ойлик (бутун умр давомида марта) даъват ишлариға (харудж) чиқадилар. «Таблиғчилар» одатда арабларга хос узун қўйлаклар кийиб, соқол қўйиб юрадилар. Даъват ишлари юзасидан эшикма-эшик юриб, фуқаролар билан ислом динига оид сұхбатлар уюштирадилар, юқорида қайд этилган «таблиғ» тамойилларини тарғибот қиласидилар. Даъватдан бўш вақтларда «жамоат» аъзолари амир етакчилигига ўзининг малакасини ошириш билан шуғулланади. Фаол таблиғчилар Покистоннинг Райвинд шахрида жойлашган тўрт ойлик малака ошириш курсларида ўқиб келадилар.

Ҳаракатда миссионерлик фаолиятига аёлларни ҳам жалб қилиш назарда тутилган. Аёллар мустақил «жамоат» бўлиб ёки аралаш гурух (жамоати мастиурла) таркибида уч ойда уч кун ва бир йилда икки ҳафталик даъватга чиқадилар. Одатда аёл «таблиғчилар» асосан уйи атрофида даъват ўтказишга жалб қилинади.

Ташкилотнинг ҳар йилги умумий йиғилиши (ижтимо) маҳаллий, минтақавий ва халқаро даражаларда ўтказилади. Энг йирик ижтимо (Bishwa Ijtema) Бангладешнинг Дакка шахридаги штаб-квартирада ўтказилади.

«Таблиғчилар» ОАВ вакиилари билан учрашмаслиги, ҳеч қандай сиёсий чиқишилар қиласлиги сабабли ҳаракат кўпчилик мамлакатларда шахсни руҳан камол топишига даъват этувчи «беозор» ташкилот сифатида обрў орттиришга эришган. Шу билан бирга, мутахассислар «Таблиғчилар»нинг фаолиятидаги ташкилот ўзи тарғиб қилаётган образдан кескин фарқ қилувчи қўйидаги омилларга эътибор қаратадилар:

— маҳсус хизматларнинг маълумотига кўра, радикал гуруҳлар «таблиғчилар» ичидан ўзларига номзодларни танлаб олмоқдалар. Деярли барча мамлакатларда бир хил услуг қўлланилади: номзод «таблиғчилар»нинг маҳаллий жамоасига аъзо бўлиб, бир неча даъват ишларида қатнашгандан сўнг унга Райвинддаги марказда малака ошириш таклиф қилинади. Покистонда келган номзодга террористик ташкилотларнинг эмиссарлари жанговар тайёргарлиқдан ўтишни таклиф этадилар. АҚШ Федерал қидибув бюроси маълумотларига кўра «Ал-Қоида» ташкилоти ҳам «таблиғчилар» ичидан ўзига янги рекрутлар ёлламоқда<sup>327</sup>;

<sup>327</sup> Sachs S. A Muslim Group Draws New Scrutiny in US // The New York Times. 2003. July 1.

– «таблиғчилар» жамоалари террорчиларнинг ҳаракатланиши ва яширинишига восита бўлиб хизмат килмоқда. Яъни радикал гуруҳ аъзолари «таблиғчилар» жамоасига номига аъзо бўлиб олади;

– «таблиғчилар» турли диний экстремистик гурухлар тузилишида фаол иштирок этиб, кейинчалик ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда. Улар қаторида Толибон ҳаракати (Афғонистон, Покистон), «Абу Сайёф» (Филиппин), «Ҳаракатул жиҳоди исломия», «Рожа Сулаймон» (Хиндистон), «Ҳаракатул мужаҳидийн», «Жамоати Фуқаро» (АҚШ), «Танзим Ислами» (Покистон), «Даъва ва таблиғ» (Жазоир) каби ақидапараст гурухларни келтириш мумкин;

– ҳаракатнинг турли мамлакатларда кенг тармоқ ортган тизими ва ижтимоий мобилликнинг турли жабҳаларини қамраб олганлиги (рекрутлаш, исломлаштириш, жамиятдаги ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказиш, исломий партия ва ташкилотларга ёрдам кўрсатиш ва ҳ.к.) унинг ўзининг даъвосига зид равишда сиёсий максадлари борлигидан далолат беради. Бангладеш, Покистон, Хиндистон каби мамлакатларда йирик сиёсий, ҳарбий ва жамоат арбоблари ичида қатор «таблиғчилар» бўлиб, улар юқори даражада ташкилотнинг сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқдалар<sup>328</sup>.

«Таблиғчилар»ни «Rand Corporation» (АҚШ) экспертлари консерватив фундаментал ҳаракат, Хадсон институти (Вашингтон, АҚШ) тадқиқотчилари «Жанубий Осиёга «ваҳҳобийлик» гояларини тарқатайтган таҳдидий гурух» сифатида баҳолайдилар<sup>329</sup>. Россиялик эксперт Ю.Б.Щегловин Покистонда Зиё ул-Ҳақ давлат раҳбари бўлган даврда «таблиғчилар»га армия ичида ўз жамоаларини тузишга рухсат берилганига эътибор қаратиб, «Жамоати таблиғ» ташкилотини «Покистон ҳарбийларининг исломий тузилмалар ичида ўз таъсирини ўтказиш ва ўз манфаатлари ётган ҳудудларда чукур яширган резидентуралар ташкил этишга мўлжалланган универсал механизми» деб ҳисоблайди<sup>330</sup>.

«Таблиғчилар» сабиқ Совет Иттифоқининг Ўрта Осиё ҳудудига 1980-йилларнинг охирида кириб кела бошлаган. Мутахассислар

<sup>328</sup> Алексеев А. «Таблиги джамаат»: Невидимый легион джихада. Сайт «Журнальный зал». URL: [http://magazines.russ.ru/oz/2003/5/2003\\_5\\_38.html](http://magazines.russ.ru/oz/2003/5/2003_5_38.html).

<sup>329</sup> Комиссина И. Н. Движение «Таблиги джамаат»: теория и практика радикализма // Международная политика, 2011. – № 1(6). – С. 59.

<sup>330</sup> Щегловин Ю. Размышления о «Таблиг джамаат». Сайт «Институт Ближнего Востока», 27.11.2011. URL: <http://iimes.ru/rus/stat/2011/27-11-11b.htm>

«таблиғчилар»нинг минтақадаги фаолиятининг бош мақсадлари сифатида жамиятни «исломлаштириш» жараёнларини чукурлаштириш, уларнинг наздида «номига мусулмон бўлган»ларнинг исломий дунёкарашини шакллантириш ва мусулмон бўлмаган қатламларни ислом динига таргиб қилиш каби мақсадларга йўналтирилган, деб баҳоданмокда<sup>331</sup>.

Хозир Марказий Осиёда «таблиғчилар»нинг энг фаол миссионерлик ҳаракати Қиргизистонда кузатилмоқда. Маълумотларга кўра, 2013 йил мазкур республикада «таблиғчилар»нинг сони 12 мингдан ошган<sup>332</sup>. Фаолият кўрсатаётган 80дан зиёд «таблиғчилар» жамоалари яхлит ташкилий тузилма ва ҳаракат дастурига эга. Мамлакатда диний «даъват» ўtkазиш қонунан ман этилмаган бўлиб, Қиргизистон мусулмонлари диний идораси «таблиғчилар»га давлат ўtkазиш учун маҳсус руҳсатнома беради. Ҳар ой ҳаракат аъзолари йирик жоме масжидларда республика, вилоят ва туман даражаларида «машвара»лар ўtkазади. Қирғизистонлик журналистлар бугунги кунда «таблиғчилар» республика хукуқни муҳофаза килиш органлари ва қуролли кучлари ходимлари ичida ҳам тарқаётганини қайд этмоқдалар<sup>333</sup>.

Қозогистонда «таблиғчилар» асосан Покистондаги диний ташкилот ва жамғармалар томонидан молиялаштириладиган масжид ва марказларда ўрнашиб олган ҳолда фаол миссионерлик билан шуғулланиб келмоқдалар. 2012 йили республикада 205 та таблиғчининг ноқонуний фаолияти тұхтатилган<sup>334</sup>. 2013 йилнинг 26 февраль куни Астана шаҳри Сарыаркин райони суди хукмига мувофиқ «Таблиғчилар» жамоатининг фаолияти Қозогистонда ман этилган.

Айрим маълумотларга кўра, Тожикистонда ҳозирги кунда 6 мингга яқин «таблиғчи» бўлиб, дастлабки жамоаларни 1990-йилларнинг бошидаги фуқаролик уруши вақтида Афғонистон ва Покистондан чиқиб кетган ва 1997 йилдан сўнг қайтиб келган қочоқлар ташкил этган. Кейинчалик кўпчилик «таблиғчилар» жамоаларига Индонезия,

<sup>331</sup> Бабаджанов Б. «Таблиг» – политическая организация, цель которой – исламизация мира. Сайт «Фергана.Ру», 13.02.2009. URL: <http://www.fergananews.com/articles/6066>

<sup>332</sup> Эрмеков К. (Не) скрытая угроза «мирных» проповедей. Сайт «Жизнь без террора». URL: <http://counter-terror.kz/ru/article/view?id=199>.

<sup>333</sup> Усенбаев Э. Кыргызстан делает последние шаги к халифату. Сайт «ЦентрАзия», 23.05.2013. URL: <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1369281360>

<sup>334</sup> Сайт «Интерфакс» 19.10.2012. URL: <http://www.interfax-religion.ru/kaz/?act=news&div=48467>

Покистон ва Бирлашган Араб Амирликларидаги марказларда ўқиб келганлар етакчилик қила бошлаган. 2006 йили ҳаракатнинг Тожикистондаги фаолияти қонунан ман этилган.

Дастлабки «таблиғчилар» Россиянинг Тюмень вилоятида 1990-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлган бўлсада, ҳаракатнинг кенг фаолияти 2004 йили Покистон, Ҳиндистон ва ЖАРдан келган миссионерларнинг Сибирь, Олтой ва Волгабўйи республикаларининг мусулмонлар жам бўлиб яшайдиган худудларида тарғибот ўtkазишлари билан бошланган.

«Ҳизбут таҳрир» партияси каби «таблиғчилар» ҳам Марказий Осиё республикаларида ҳаракатнинг ноқонуний фаолиятига ҳуқукни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан тегишли қатъий чоралар кўрила бошлагач, 2000-йилларнинг иккинчи ярмидан Украина, асосан Крим яриморолидаги ўз фаоллигини оширганлар.

«Жамоати таблиғ» Тожикистон (30.03.2006), Қозогистон (26.02.2013) ва Россиянда (07.05.2009) экстремистик ташкилотлар рўйхатига кирилган.

Ўзбекистонда дастлабки «таблиғчилар» жамоалари мустақиллик йиллари бошида фаолият кўрсата бошлаган. Ўзбекистонлик бир гурӯҳ диндорлар 1990–92-йилларда «Таблиғчилар» раҳбарияти томонидан йўлланган таклиф асосида Ҳиндистон ва Покистондаги марказларда бўлган. У ерда маҳсус тайёргарликдан ўтиб, ватанга қайтиб келган уламоларнинг айримлари жойларда «даъватчи» жамоаларни ташкил этган. Тошкент шаҳридаги «Лангар» масжиди «таблиғчилар»нинг марказига айланган.

«Даъватчи» жамоалар томонидан дунёвий давлат тамойилларига зид равища шариат талабларини кўр-кўронга бажариш ва исломий жамият куриш муросасизлик билан тарғиб қилиниши, анъанавий ҳанафийлик мазҳабига зид амаллар бажарилиши ва «таблиғчилар» даъват йўлида ойлаб оиласларини ташлаб кетиши оқибатида диндорлар ва, умуман, фуқаролар орасида низоли ҳолатларнинг юзага келиб чиқиши холатлари кузатилган.

1990-йилларнинг ўрталарида ҳуқукни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан қонуний чоралар кўрилиши натижасида мазкур жамоанинг бугунги кунда республикада фаолияти сусайтан.

### **2.3. Республикада фаолияти аниқланган норасмий диний жамоалар**

Маълумки, тарихда чукур ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни бошидан кечираётган жамиятда ривожланишнинг «ягона тўғри йўли»ни, агар жамиятдаги вазият салбий томонга йўналган бўлса, «ягона нажот йўлинни»ни билишга даъво қилувчи турли диний жамоалар ёки секталар вужудга келиши кузатилиди. Буни юқорида қайд этилган Реформация даврида Фарбий Европада кўплаб протестантлик конфесияларининг вужудга келиши ёки 1940-йилларнинг охирни, 1950-йилларнинг бошида Фаластинда «Ҳизбут таҳрир» партиясининг вужудга келишининг тарихий сабаблари мисолларида кўриш мумкин.

1990-йилларнинг бошида атеистик шўролар тузумининг парчаланиб кетиши ва коммунистик мафкуранинг инқирози собиқ Иттифоқ худудида гоявий бўшлиқ\*ни вужудга келтириди. Ушбу жараён янги мустақил давлатларда диний эркинликларга кенг йўл очиб берилиши билан уйгуналашиб, аҳолисининг асосий қисми мусулмон бўлган Марказий Осиё республикаларида туб аҳоли ичидан ислом қадриятларига қизиқишнинг кучайишига, бошқача айтганда, «ислом ренессанси»га олиб келди.

Ўзбекистонда ислом дини, исломий маданият ва маърифатнинг қайта тикланиши минглаб масжидларнинг очилиши, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида давлат стандартларига мувофиқлаштирилган ислом билим юртлари фаолиятининг йўлга қўйилиши, ислом таълимотига оид асарлар тадқиқ қилиниши ва кенг оммага етказилиши, мусулмон тарихига мансуб қадимий ёдгорликлар ва ислом равнақига катта ҳисса қўшган уламолар дағи этилган зиёратгоҳларнинг обод этилиши, муқаддас «ҳаж» ва «умра»\* зиёратларининг ташкил этилиши каби йўналишларда намоён бўлмоқда. Мустақиллик шарофати билан республикада исломга оид нашрлар ўзбек тилида чоп этилиши, аҳолининг диний эҳтиёжларини қондиришда муҳим омил бўлди.

Шу билан бирга, ислом таълимоти бўйича маҳсус диний маълумотга, чукур тизимли билимларга эга бўлмаган, динга мойиллиги бор айrim фуқаролар эндиликда исломий манбалар билан яқин танишиб, ислом таълимотини ўзича, айrim ҳолларда миңтаقا мусулмонлари учун анъанавий бўлган ҳанафийлик мазҳабига зид шаклда талқин қила бошладилар.

Айни чоғда, муайян даражада харизма ва ташкилотчилик қобилияларига эга, ўзига ишончи юқори бўлган айрим «янги диндорлар» ўз ғояларини бошқаларга ҳам тарғиб қила бошладилар. Оқибатда, 1990-йилларнинг биринчи ярмида республикада аслида диний илмларга эга бўлмаган шахслар етакчилигига бир неча норасмий диний жамоалар шаклланди. Таъкидлаш жоизки, норасмий диний жамоалар аъзолари ичидаги маҳсус диний маълумотга эга шахслар деярли учрамайди.

Норасмий диний жамоалар илгари сураётган диний-ғоявий қарашларнинг аксарияти соғ диний характерга эга бўлиб, «халифалик қуриш» каби диний-сиёсий максадларга бўйсундирилган бўлмасада, ақидавий қарашларда ҳанафийлик мазҳаби таълимотига мутлақо зид ғояларни тарғиб этиш ва уларга эргашмаган мусулмонлар ва бошқа динга эътиқод қилувчиларга ўта кескин муносабат билдириш мавжуд. Жамоалар ичидаги жорий қилинган секталарга хос, айрим ҳолатларда фуқароларнинг қадр-қимматини камситувчи тартиблар жорий қилинган ҳамда жамиятга салбий муносабатлар шакллантирилган.

Оқибатда норасмий жамоа аъзоларининг жамият билан ижтимоий алоқаларининг узилиб қолиши, улар ва бошқа фуқаролар орасида ўзаро можаролар келиб чиқиши, айрим адептларнинг оиласлари барбод бўлиши каби ижтимоий иллатлар кузатилмоқда. Айрим норасмий диний жамоа раҳбарлари эса ўз тарафдорларини шахсий манфаат йўлида фойдаланиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, норасмий диний жамоаларнинг фаолиятида иштирок этиш, ушбу жамоанинг ғоялари асосида диний таълим олиш ёки ўргатиш Ўзбекистон Республикаси «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қонунининг 5 ва 9-моддаларини бузиш ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларида белгиланган қонуний жазо қўлланишига олиб келади.

Ҳозирги кунда республикада фаолияти кузатилаётган норасмий диний жамоалар қаторига «Маърифатчилар», «Шоҳидийлар» ва «Бахшишлочилар»ни киритиш мумкин<sup>335</sup>.

<sup>335</sup> Норасмий диний жамоалар бўйича маълумотлар Дин ишлари бўйича қўмитага экспертизага тақдим этилган материаллар ва муаллифнинг қайд этилган жамоа аъзолари билан суҳбатлари асосида тайёрланган.

## I. «Маърифатчилар»

«Маърифатчилар» жамоасига 1990-йилларнинг ўргасида Фарғона вилояти Тошлоқ туманида мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи Баҳодир Мамажонов (1950 й.т.) томонидан асос солинган.

Жамоанинг ғоявий таълимоти Б.Мамажанов томонидан ёзилган ва ноқонуний тарзда чоп этилган «Маърифат», «Тилак», «Намоз-Сифиниш», «Рост-Куръон» китоблари ҳисобланади. Китоблар ўта савиясиз, диний ва илмий асоссиз, грамматик қоидаларга амал қилинмаган ҳолда пала-партиш ёзилган. Барча сўзлар, шу жумладан, Куръон ва намоздаги араб тилидан ўзбек тилига кириб қолган сўзлар ҳам туркий тилга таржима қилинган.

«Маърифат» китоби Б.Мамажановнинг диний мавзудаги фикрлари ва нозил бўлиш тартибига кўра жойлаштирилган бир неча сураларнинг таржимасидан иборат. Ушбу китоб номидан келиб чиқсан ҳолда аҳоли ичида Б.Мамажановнинг издошлири «Маърифатчилар» деб аталган. Б.Мамажанов эса ўзини ва тарафдорларини «Тўғри дин»дагилар деб ҳисоблайди.

«Намоз-Сифиниш» китобида Б.Мамажанов томонидан белгиланган «намоз тартиби баён қилинган. «Рост-Куръон» китобида ҳам гўёки «Усмон ибн Аффон даврида Куръон нотўғри тартибланган» деган даъво остида суралар нозил бўлиш тартибига кўра жойлаштирилган.

Б.Мамажанов ўзи ва жамоасини асл мусулмонлар деб даъво қилсада, у илгари сурган аксарият ғоялар анъанавий ислом таълимотига тамомила зид келади. Жумладан, «Маърифатчилар»нинг даъволарига кўра:

– Куръон ва намоз миллий тилда, яъни ўзбек тилида ўқилиши шарт ҳисобланиб, гўёки «ўзи аниқ билмаган нарсага эргашиш» ширк экани эълон қилиниб, «ота-боболаримиз ....мушрик эдилар» деб ҳисобланади;

– 1990 йили «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилган Куръон таржималари назарда тутилиб, Ўзбекистон аҳолиси фақат ушбу йили хақиқий Куръонга (Б.Мамажановнинг даъвосича – «Рост-Куръон») эришган, унгача Куръонга гўёки «шайтон суралари қўшилган» деб даъво қилинади ҳамда мавжуд тафсирлар тан олинмайди;

– гўёки Муҳаммад пайғамбарга «сунинг вазифаси фақат Куръонни етказиш эди» деган даъво билан ҳурмат кўрсатилмайди, «хулофаи рошидинлар»дан кейинги халифалар «дўзахи» саналади;

- Куръон ягона муқаддас манба ҳисобланади, ҳадислар тан олинмайди;
- дунёвий партия ва бошка диннагилар, шу жумладан, яхудий ва христианлар «шайтонга эргашган» деб даъво килинади<sup>336</sup>;
- мазҳабларга эргашиш «ширк» амал ҳисобланади;
- гўёки исроф баҳонасида давлат байрамлари ва туғилган кунларни нишонлаш, тўй-маъракалар ўтказиш, диний маросим ва урф-одатлар диндан чиқарувчи ширк амаллар қаторига киритилган;
- намоз ва ибодатда ишлатиладиган сано ва саловотларнинг барчаси ўзбек тилида ўқилиши жорий қилинган, намоз вақти ва тартиби эътиборга олинмайди, бир суткада беш маҳал аzonсиз, Б.Мамажанов белгилаган вақт ва тартибда 17 ракат, кечаси 2 ракат суннат намози ўқилади<sup>337</sup>.

Жамоа аъзолари асосий қисмини Б.Мамажановнинг қариндошлари ва яқинлари ташкил этади. 1990-йилларда ташкилот аъзоларининг айримлари, жумладан Б.Мамажановнинг ўғиллари «ҳижрат» даъвосида Ўзбекистон ислом ҳаракатининг хорижий жанговар лагерларида бўлиб келган<sup>338</sup>.

«Маърифатчилар» гўёки «чин динга мансуб» инсонлар сифатида анъанавий ислом таълимотига эътиқод қилувчилар билан мулоқотда ўзини такаббур тутиш, жамоани «камбағаллар дини» тарафдори сифатида расмий масжидларда фаолият юритувчи диний ходим ва уламоларга қарама-қарши қўйиш, жамоадан ташқаридагилар билан мумкин қадар мулоқот қилмасликка ҳаракат қилиш каби секталикка хос хусусиятларни намоён қилади.

Хозир «Маърифатчилар» жамоасининг оз сонли аъзолари Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани ва Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида истиқомат қиласди.

## 2. «Шоҳидийлар»

«Шоҳидийлар» жамоасининг фаолиятига Андикон шахри ва туманида 1990-йилларнинг бошида Каримов Хабиб (1944 й.т.) томонидан асос солинган. Х.Каримов аслида ҳеч қандай диний

<sup>336</sup> Мамажанов Б. «Маърифат», 15, 16, 9, 7, 6-бетлар.

<sup>337</sup> Мамажанов Б. «Намоз-сигиниши», 1, 21, 7, 18-бетлар.

<sup>338</sup> Бабаджанов Б. Кто по ту сторону баррикад? (О секте Акрамия и ей подобных) // Расы и народы. Ежегодник. Вып. 32. – М : Наука, 2006. – С. 42–107.

маълумотга эга бўлмай, жамоага хос диний қарашларни Тошкент шаҳрида яшаб юрганда пойтахтда истиқомат қилувчи шахси номаълум фуқаролардан ўзлаштирган.

«Шоҳидийлар»нинг диний қарашларида ислом таълимотига зид қуидаги тамойиллар мавжуд:

- Куръон тафсирлари ва ҳадислар инкор қилинади;
- беш маҳал намоз ўқиш рад этилади, исталган вактда икки ракат намоз ўқилади, гўёки солиҳ амаллар намоз ҳисобига ўтади деб ҳисобланади;
- Макка шаҳридаги «Масжиду Ҳаром»дан бошқа масжидлар тан олинмайди, имом-хатиблар гўёки соф исломдан қайтган ҳисобланиб, жамоа аъзоларига намоз учун масжидга бориш ман этилган, жума намози фақат Макка аҳлига фарз этилган деб даъво қилинади;
- исломий маросимлар ҳам ўtkазилмайди. Жумладан, 2001 йилнинг сентябрида X.Каримов онаси вафот этганда майитни кечаси яширинча, «жаноза» ўқимай кўмиб келган;
- жамоа аъзоларига тўй ва бошқа дунёвий маросимларни ўtkазиш ёки иштирок этиш тақиқланган;
- спиртли ичимлик ичиш ҳаром саналмайди.

«Шоҳидийлар» жамоага янги аъзоларни асосан ўзларининг яқин қариндошлари ичидан жалб қиласидилар. Куда бўлиш ҳам одатда фақат жамоа доирасида амалга оширилади. Янги аъзоларга 70 кун рўза тутиш буорилади.

Жамоа аъзоларига диний тушунчалар «Куръондан маъруф» номли китоб асосида берилади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, мазкур китоб 1960-йилларда Тошкент шаҳри ва вилоятида вужудга келган, бугунги кунда фаолияти кузатилмаётган «Аҳли Куръон» норасмий диний жамоаси аъзолари томонидан тайёрланган. Мазкур жамоа томонидан ҳам даставвал муқаддас матн сифатида факат Куръон тан олинниб, ҳадислар рад этилган ҳамда мазҳабларга эргашиш танқид килинган.

Хозир оз сонли «шоҳидийлар» Андижон шаҳри ва Андижон тумани худудида яшайди.

### 3. «Бахшиллочилар»

«Бахшиллочилар» норасмий диний жамоасига Бухоро вилоятида туғилган Алиев Бахшилло томонидан 1997 йилда асос солинган.

Б.Алиев ўз тарафдорларига таргиб қилиб келадиган диний қарашларда анъанавий исломга тамомила зид келувчи қатор тамойиллар мавжуд. Жумладан:

– Б.Алиев ўзини аввал қиёматдан олдин келадиган Маҳдий, кейинчалик эса пайғамбар, турмуш ўртоғи Моҳира Алиевани «мусулмонлар онаси», фарзандларини «мусулмонлар амири», яқин издошларини «саҳобийлар» деб эълон қилган;

– жамоада шаҳодат калимасида Б.Алиевни пайғамбар деб тан олиш жорий қилинган;

– Б.Алиев гӯёки уни зиёрат эттан шахс ҳаж амалини бажарган одамнинг савобини олишини, ўзига эргашганларга қиёматда саволжавоб йўқлиги, улар қандай ҳолатда вафот этишидан қатъий назар, шаҳидлик мақоми берилиши, ҳатто барча эркак маслақдошларига пайғамбарлик даражаси берилиши ҳақида таргиб қиласди;

– «Бахшиллочилар» намоз исломда беш маҳал эканини инкор этган ҳолда, гӯёки бир кеча-кундузга уч маҳал фарз қилинган, деб ҳисоблайдилар;

– ўғил фарзандларни ислом талабларига мувофиқ хатна қилдириш бекор қилинган.

Жамоада тартиб диний секта шаклида ташкил этилган бўлиб, жамоа аъзоларининг жамият билан ижтимоий алоқалари бузилган. «Бахшиллочилар» Б.Алиевнинг барча кўрсатмаларини сўзсиз бажарадилар ҳамда унга тегишли буюмларни «табарруқ» санашади. Баъзи адентлар турмуш ўртоқларини М.Алиевага «мухлиса» этиши оқибатида жамоада ўзига хос «аёллар қаноти» вужудга келган. Жамоадаги жорий этилган мутаассибона итоат ва Б.Алиевнинг шахсий манфаатларини барча нарсадан устун қўйиш оқибатда «Бахшиллочилар»нинг аксарияти маҳалладошлари, қариндош-уруғлари, касбдошлари билан алоқалари узилган, айримларининг оилалари барбод бўлган.

Б.Алиев 1990-йилларнинг охирида аҳоли ичидагини ва миллий асосда низо келтириб чиқаришга қаратилган жиноий хатти-харакатлар содир этгани учун жазога тортилган. 2006 йили озодликка

чиққач, Россия Федерациясига доимий яшаш учун күчіб кетган. Айнан мана шу даврда Б.Алиев издошлари ичида гүёки уни зиёрт қылғанларга ҳожи мақоми берилиши ҳақидағи ғояларни тарқатган. Россияга келган «Бахшиллочилар» Б.Алиевга катта миқдорда пул бершилари, шунингдек ишігә ёлланиб, топған даромадларининг асосий қисміні жамоа етакчисига топширишлари күзатылмоқда. Жумладан, 2008–2010-йиллар давомида жамоа аъзолари шу тариқа гүёки «хижрат»га чиқиб, үз етакчиларига «байтулмол» сифатида пул түплас берғанлар<sup>339</sup>.

Хозирги кунда Б.Алиевнинг илгари сураёттан ғояларининг ижтимоий хатари ва соғ ислом таълимотига зид экани юзасидан үтказилған профилактик ва тушунтириш ишлари натижасида «Бахшиллочилар» жамоаси аксарият аъзолари жамоани тарк этган. Жамоанинг аъзолари асосан Бухоро ва Когон шаҳарларида истиқомат қиласы.

---

<sup>339</sup> Яхшиев Н., Умаров Б. Пайғамбарликка даъвогар найрангбоз ҳамда унга әргашған маънан сүқир кимсалар. «Бухоронома» газетаси, № 53, 06.07.2011.

## **III БОБ. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ, ТЕРРОРИЗМ ВА ДЕСТРУКТИВ ДИНИЙ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ХҮҚУҚИЙ ВА ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ**

Диний экстремизм инсоният билан бирга XXI асрга кириб келган энг хавфли ижтимоий иллатлардан биридир. Диний экстремизм диний ранг-барангликни рад этиши билан мамлакат тараққиётининг муҳим тарихий омили бўлган фуқаролараро ҳамжиҳатликка рахна солади. Ақидапарастлар нафақат ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий ёки маданий соҳаларига зарар етказадилар, балки жамиятга оммавий тарзда психологик босим ўtkазиб, энг мудҳиш шакллардаги зўравонлик ва агрессивлик мағкурасини ёядилар.

Шу нуқтаи-назардан, жамиятда диний асосда низолар чиқишига йўл қўймаслик, динни сиёсийлаштириш ва сохталаштириш орқали мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатнинг олдини олиш давлат ва жамиятнинг олдида турган ҳаётий муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Диний экстремизмга қарши курашнинг самарадорлигини оширишда ҳалқаро ташкилотлар, давлатлараро кўп ва икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, миллий қонунчиликда мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиш, шунингдек, ақидапараст гуруҳларнинг жиноий фаолиятини фош этиш ва аҳолида диний-экстремистик гояларга қарши мағкуравий иммунитет шакллантириш муҳим ўрин тутади.

### **3.1. Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш соҳасида ҳалқаро ҳамкорлиги**

Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризм алоҳида мамлакатларнинг миллий хавфсизлиги ва умуман жаҳон ҳамжамиятига жiddий таҳдид уйғотаётган омилга айланди. Умумбашарий муаммога айланган диний экстремизм ва терроризмни жаҳон ҳамжамияти фақат биргаликда, турли тор геосиёсий манбаатлардан воз кечган ҳолда ҳаракат қилибгина енга олиши мумкинлиги аксарият давлатлар томонидан тан олинган ҳақиқатdir.

Халқаро ҳамжамият экстремизм ва терроризмни сиёсий мақсадларга эришиш воситаси сифатида қатъян рад этади. БМТ терроризмга қарши курашнинг асосий йўналишлари сифатида аксилтеррористик фаолият<sup>\*</sup>нинг зарур миллий ва ҳалқаро ҳукуқий базасини яратиш, ҳалқаро аксилтеррор марказларни шакллантириш ҳамда террористик фаолият кўп кузатилаётган минтақаларда ижтимоий-иқтисодий вазиятни соғломлаштиришни эътироф этади.

XX асрнинг 30-йилларидан бўён терроризмга қарши курашнинг турли жиҳатларига бағишлиган 16 та ҳалқаро (13 та асосий конвенция ва 3 та кўшимча баённома) ва 7 та минтақавий шартнома имзоланган. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 1994 йил 9 декабрдаги 49/60 сонли «Халқаро терроризмга барҳам бериш чоратадбирлари» тўғрисидаги Қарорида терроризмга инсониятга қарши қаратилган жиноятларнинг «барча шакли ва кўринишлари» сифатида таърифланиб, унга қарши кураш йўналишидаги асосий ҳалқаро ҳукуқий хужжатларнинг рўйхати келтирилган.

2006 йилнинг 8 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 60-сессиясида Қарор ва унга илова қилинган режа шаклида «Глобал аксилтеррористик стратегия» қабул қилган. Ушбу хужжатда ташкилотга аъзо давлатлар терроризмга қарши курашнинг ягона стратегик ва оператив ёндошувини шакллантирилди. Ҳужжатда терроризмнинг барча давлатлар томонидан қораланиши, терроризмни молиялаштиришга қарши кураш давлатлараро ўзаро ҳамкорлик, ягона маълумотлар базасини яратиш, Интернет тармоғида инновацион аксилтарғибот ишлари ташкил этиш, террорчилар ва улар фойдаланадиган материалларнинг ҳаракатланишига тўсқинлик қилиш мақсадида чегараларни кўриқлаш ва божхона назорати тизимларини такомиллаштириш каби йўналишларга ургу берилган<sup>340</sup>.

Хозирги кунда БМТнинг терроризмга қарши курашувчи қўйидаги органлари фаолият юритмоқда:

- «Ал-қоида» ва Толибонга қарши санкциялар қўйлаш Қўмитаси (1999 йил БМТ Хавфсизлик Кенгапи (ХК)нинг 1267 Қарори билан тузилган);
- Аксилтеррористик тадбирларни мақсадли амалга оширувчи гурӯҳ (2005 йил БМТ Бош котиби томонидан ташкил этилган);

<sup>340</sup> ООН на страже мира и безопасности во всем мире. Сайт «ООН». URL: <http://www.un.org/ru/aboutun/booklet/terrorism.shtml>.

- Аксилтеррористик қўмита (2001 йил, БМТ ХКнинг 1373 Қарори);
- Ишчи гуруҳ (2004 йил, БМТ ХКнинг 1566 Қарори).

Бироқ БМТнинг юқорида қайд этилган ҳаракатларига қарамай, терроризмга қарши халқаро миқёсда кураш ташкил этишда муаммолар сақланиб қолмоқда. Асосий муаммолардан бири БМТга аъзо давлатлар томонидан терроризм ёки террористик ташкилотларга нисбатан ягона муносабат йўқ экани ҳисобланади.

Шу билан бирга, Фарб мамлакатларидағи айрим сиёсий доиралар томонидан диний экстремизм ва терроризмга қарши халқаро миқёсдаги курашда «иккиласмачи» сиёсат олиб борилаётгани воқеликка салбий таъсир ўтказаётганини қайд этиш лозим. Айрим давлатлар кўмагида баъзи диний-экстремистик гуруҳ аъзолари гўёки «эътиқод жабрдийдалари» сифатида халқаро гуманитар ҳукуқ институтларидан «сиёсий қочқин» мақоми ва моддий ёрдам олиш, хорижий мамлакатларда очиқ фаолият юритиш йўлида фойдаланишга интилоқда. Мисол сифатида 2005 йилнинг май ойида Андижон шаҳрида кўплаб бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан ва мудҳиш жиноятлар содир этган «Акромийлар» гурухи аъзоларининг бир қисми Қирғизистон орқали айрим Европа мамлакатлари ва АҚШга олиб чиқиб кетилганини қайд этиш мумкин.

Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва терроризмга қарши халқаро майдонда олиб бораётган сиёсати минтақа ва умумбашарий даражада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мамлакат суверенитети\*, ривожланишининг бардавомлиги ва халқнинг эркин фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган. Бугунги кунда БМТнинг терроризмга қарши курашга доир 13 та асосий хужжати мавжуд бўлиб, Ўзбекистон ушбу йўналишдаги барча конвенция ва протоколларни имзолаган ва изчил ижро этиб келмоқда<sup>341</sup>.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси диний мутаассиблиқ, ақидапарастилик, экстремизм ва террорчиликнинг минтақавий ва умумбашарий миқёсдаги хавф эканидан келиб чиқиб, жаҳон ҳамжамияти биргаликда унга қарши курашиши лозимлиги тўғрисидаги фояни жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари минбарларидан эълон қилди. Жумладан, 1999 йилнинг ноябрь ойида Европада

<sup>341</sup> Узбекистан и вопросы международной безопасности. Сайт «Министерство иностранных дел Республики Узбекистан». URL: mfa.uz/rus/mej\_sotr/uzbekistan\_i\_voprosi\_mejdunarodnoy\_bezopasnosti.

хавфиззлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Стамбул саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ тизимида терроризмга қарши кураш бўйича Халқаро марказ ташкил этиш ҳақида таклиф киритган. Мазкур таклиф 2000 йил 7-8 сентябрь кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТнинг «Минг йиллик» саммитида таракор айтилган.

Афсуски, етакчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар ушбу таклифнинг нақадар долзарб эканини факат 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг англаб етдилар ҳамда 2001 йил 28 сентябрь куни БМТ Хавфиззлик кенгашининг 1373-сонли резолюцияси билан Хавфиззлик кенгаши таркибида Терроризмга қарши кураш қўмитаси тузилди.

Ўтган давр ичидаги Ўзбекистон томонидан қўшни Афғонистонда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш йўлида изчил сиёсат олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида халқаро ҳамжамиятни Афғонистонда кенг илдиз отган диний экстремизм ва терроризм нафақат ушбу мамлакат, балки жаҳон ҳамжамиятига таҳдид солиши ҳақида огоҳлантириб, муаммони биргаликда ҳал этишга чақирган. Республика раҳбарияти томонидан ушбу йўналишда иккита ташаббус – Афғонистонга курол олиб киришни ман этиш (эмбарго) ва ушбу мамлакатнинг дўст ва қўшнилари бўлган «6+2» грухини тузган ҳолда куролли қарама-қаршиликларга чек қўйиб, муаммоларни тинч музокара йўли билан ҳал этиш таклифларини киритган<sup>342</sup>.

2013 йилнинг 9 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Хотира майдонида оммавий ахборот воситалари вакйллари билан сухбатда Афғонистондаги мураккаб ижтимоий-сиёсий аҳволнинг ечими «сиёсий йўл бўлиб, қандай қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келишдир», деб таъкидлади<sup>343</sup>.

Ўз навбатида, Ўзбекистон МДҲ ва ШҲТ каби минтақавий ташкилотлар доирасида қабул килинган диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган шартномалар, масалан, «Терроризм, сепаратизм ва экстремизм билан кураш ҳақидаги Шанхай

<sup>342</sup> Правительственный портал РУ. URL: [www.gov.uz/ru/business/international/membership/273](http://www.gov.uz/ru/business/international/membership/273)

<sup>343</sup> «Ўзбекистон овози» газетаси, 2013 йил 10 май, 91-сони, 1-бет.

Конвенцияси» (Шанхай, 15.06.2001 й.)ни бажаришда фаоллик кўрсатмокда<sup>344</sup>. ШХТ доирасидаги Аксилтерор марказининг Тошкент шаҳрида жойлашганини Узбекистоннинг терроризмга қарши курашда минтақадаги ўрнининг эътирофи сифатида баҳолаш мумкин.

Бундан ташқари, Узбекистон дунёнинг қўплаб давлатлари, жумладан, АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Эрон ва Марказий Осиё республикалари билан халқаро терроризмга қарши кураш бўйича иккиёклама шартномалар асосида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Узбекистон томонидан диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида имзоланган барча халқаро, минтақавий ва иккиёклама шартнома, конвеция ва протоколларда белгиланганд қоидалар республикада мазкур йўналишда қабул қилинган қонунлар ва бошقا ҳукукий-меъёрий хужжатларда ўз аксини топмоқда ва тўлақонли ижроси таъминланмоқда.

### **3.2. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ҳукуқий асослари**

Республикада диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритганда Узбекистон Республикаси Конституциясида «Узбекистон – суверен демократик республика» (1-модда) ва «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» (12-модда), деб белгилаб қўйилганига алоҳида эътибор қаратиш лозим<sup>345</sup>. Яъни Узбекистоннинг дунёвий тамоиллар асосида ривожланиши халқнинг ҳоҳиш-иродаси бўлиб, жамиятда ҳеч қандай, шу жумладан, исломий мафкура устувор ўрин тутишига йўл қўйилмайди.

ДЭО таркибида фаолият юритаётган шахс диний эътиқоди ёки дунёкараши учун эмас, балки Узбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси ва бошقا қонунларда аниқ белгиланганд жиноий ишларни содир эттани ва қонунбузарлиги учун жазога тортилади.

<sup>344</sup> 2-иловага қаранг.

<sup>345</sup> Узбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент : «Узбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 4, 5 б.

Диний экстремизм шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига таҳдид солади. Жумладан, диний-экстремистик оқим таркибиға кириб қолган шахс:

– оиласи, қариндош-уруғлари ва яқин инсонларидан маҳрум бўлади;

– жамиятдаги ижтимоий мавқенини йўқотади, чуқур илм олиш, яхши касб эгаси бўлиш ва ҳаётда муносаб ўрин эгаллаш имкониятларидан айрилади;

– ён-атрофидаги жараёнларга шахсий муносабатга эга бўла олмай, воқеликка фақат ДЭО нуқтаи-назаридан қарашга мажбур бўлади;

– умри қамокда ёки ўзга юртларда хор-зор ва саргардонликда ўтади, ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари олдидағи инсоний мажбуриятларини бажара олмайди.

Ўз навбатида, диний-экстремистик ғоя ва ёт диний қарашларнинг жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит ва тадрижий ривожланишга заарли таъсири қуидагиларда акс этади:

– ДЭО аъзоси қонуний жазога тортилиши ёки «ҳижрат» даъвосида хориҷий юртларга чиқиб кетиши оқибатида жамиятнинг бирламчи бўтини бўлган оиласаларда парокандалик юзага келади, фарзандлар тарбиясиз, оиласалар эса боқувчисиз қолади;

– жамиятда анъанавий қадриятларни авлоддан авлодга узатиш тизими ва тадрижий ривожланиш жараёни бузилади, мазкур жамиятда асрлар оша муҳим ўрин тутган миллий, маданий, тарихий қадриятлар аҳамиятини йўқотиши оқибатида маънавият пасаяди;

– экстремистик ва террористик ҳаракатлар содир этилиши орқали жамиятда «ёвузлик чегараси» пасайиб, одамлар қотиллик, қийноқ, босқинчлилик, гаровга олиш, қулчилик каби жиноятларга кўнишиб қолади. Айни чоғда, ушбу ёвузликлар жамиятнинг муайян қисмida вахима уйғотади, қочоқлар оқими пайдо бўлади;

– терроризм ва экстремизм, улар оқибатида келиб чиқадиган ижтимоий бекарорлик жамиятда криминал жиноятларнинг авж олишига хизмат қилади;

– иқтисодиёт издан чиқиб, ишсизлик ортади;

– давлат томонидан хавфсизлик чораларини кўриш учун бюджет маблағларини сарфлаши, шунингдек террористик ҳаракат оқибатида кўрилаётган моддий зарар жамияттга иқтисодий жиҳатдан катта зарар етказади. Оқибатда ишсизлик ошади, ижтимоий муҳофазага

йўналтирилган лойиҳалар бажарилмай қолади, аҳолининг турмуш даражаси пасаяди;

— мамлакатнинг тақдиди иқтисодий донор ва қурол-аслаҳа сотувчи давлатларга боғлиқ бўлиб қолади.

Фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамият ва алоҳида шахсни таназзулга бошловчи ғайриинсоний мафкура таъсиридан, у диний ёки сиёсий мазмунга эга бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилиш давлатнинг жамият хавфсизлиги<sup>\*</sup>ни таъминлаш соҳасидаги муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан Ўзбекистонда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг мустаҳкам хукуқий замини яратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига мувофиқ, «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришини мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий хукуқ ва эркинликларига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қўйувчи, ҳалқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қўйувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади»<sup>346</sup>.

Ўзбекистон Республикаси «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасининг 6-бандида «Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришида, душманлик, нафрат, миллатлараро адovat уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий totuvlikни бузишида, бўхтон, вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишида, аҳоли ўртасида вахима чиқаришида ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва улошган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади», деб қайд этилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазийик ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» Конуни (15.12.2000 й.) мазкур йўналишдаги давлат

<sup>346</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент : «Ўзбекистон», 2007 й. – 11 б.

сиёсатини амалга ошириш тартибини меъёрловчи маҳсус ҳуқуқий акт бўлиб, республикада терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, давлат ва жамоат ташкилотларининг терроризмга қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаштириш тартибини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни (26.07.2004 й.) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар, ноқонуний диний жамоалар тузиш, уларнинг фаолиятида иштирок этишга ундаш учун жавобгарликка тортиш асоси ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси (МЖТК) ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида (ЖК) белгиланган.

Жумладан, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ қонунбузарликларнинг асосий кўринишлари ва уларга нисбатан кўлланиладиган санкциялар қайд этилган МЖТК ва ЖКнинг тегишли моддалари куйидагилардан иборат<sup>347</sup>:

- жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш: МЖТКнинг 184-моддаси, ЖКнинг 244-1-моддаси;
- диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш: МЖТКнинг 184-2-моддаси, ЖКнинг 244-3-моддаси;
- миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш: МЖТКнинг 184-3-моддаси;
- гайриқонуний нодавлат иотижорат ташкилотлар, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш: МЖТКнинг 202-1-моддаси, ЖКнинг 216-1-моддаси;
- диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш: МЖТКнинг 240-моддаси, ЖКнинг 216-2-моддаси;
- диний таълим бериш тартибини бузиш: МЖТКнинг 241-моддаси, ЖКнинг 229-2-моддаси;

<sup>347</sup> З-иловага қаранг.

— ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан куролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб куролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши: ЖКнинг 154-моддаси;

- терроризм: ЖКнинг 155-моддаси;
- миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш: ЖКнинг 156-моддаси;
- жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равища тузиш: ЖКнинг 216-моддаси;
- диний-экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш: ЖКнинг 244-2-моддаси.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчилик диний-экстремистик ёки террористик ташкилотга алданиб кириб қолган шахс ўз вақтида хатосини англаб етиб, пушаймон бўлса ва жиноятни очишига ёрдам берган бўлса, ЖКнинг 244-2-моддасига мувофиқ жавобгарликдан озод этилади.

Барча қонун устиворлиги таъминланган давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам диний соҳадаги қонунбузарликлар учун жавобгарлик барча учун баробар бўлиб, қонунни билмаслик жазодан озод этмайди.

Шунинг учун фуқароларнинг ҳукуқий саводхонлигини ошириш, бу борада аҳолининг турли қатламларига мансуб фуқаролар билан тизимли равища тушунириш ва профилактик ишлар ташкил этиш диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда мухим омил саналади.

### **3.3. Диний-экстремистик оқим ва норасмий диний жамоаларнинг даъволарига раддиялар**

Диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий курашда мутаассиб кучларнинг одамларнинг умуминсоний ҳукуқ ва эркинликлари, ҳаётий манфаатларини поймол этишига қаратилган хатти-ҳаракатлари ва ушбу жиноятларини хаспӯшлаш мақсадида

илгари сураётган диний-сиёсий ғоялари соф ислом таълимотига зид эканини муқаддас манбалар асосида фош этиш муҳим аҳамият касб этади.

Агар диний-экстремистик гурӯҳлар томонидан содир этилаётган жиной фаолиятга эътибор қаратсанак, бундай ишлар исломда қатъиян ман этилганининг гувоҳи бўламиз:

*1. Бегуноҳ одамларни ўлдириши.* Мутаассиблар томонидан жамиятда оммавий ваҳима уйготиш мақсадида тинч аҳоли бозор, масжид, кўча каби одам гавжум жойлар портглатиб юборилмоқда, ижтимоий соҳа ходимлари – кўп ҳолларда ўқитувчи ва шифокорлар якка террор усулида ўлдирилмоқда. Масалан, 2012 йил биргина Афғонистонда террорчилар қўлида 2179 тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлиб, 3952 таси ярадор бўлган. Қўлбола портловчи ускуналарнинг ишлатилиши натижасида 868 одам ҳаётдан кўз юмган, 1663 таси жароҳат олган<sup>348</sup>.

Покистоннинг Хайбар-Пахтунхва ва Федерал бошқариладиган қабилалар ҳудудида жангарилар 500дан зиёд тиббий муассасаларни вайрон қилган. Факат 2012 йил декабридан 2013 йилнинг апрель ойига қадар экстремистлар томонидан 50га яқин шифокор ўлдирилган<sup>349</sup>.

Исломда динга даъват қилишда мажбуrlаш ва куч ишлатиш қатъий қораланади: »Динда зўрлаш иўқ, зеро, тўғри иўл янглиши ўлдан ажрим бўлди« («Бақара» сураси, 256-оят)<sup>350</sup>. Куръоннинг 50 дан зиёд сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчлик ва бағрикенгликка чакирилган. Мусулмонлар учун энг афзал амал ҳақида келган ҳадисда шундай дейилади: «Расууллоҳ (с.а.в)дан сўрадилар: «Ё Rasuуллоҳ! Мусулмонларнинг афзали қайси кишиидир?». У зот (с.а.в): «Кўлидан ва тилидан бошқа мусулмонлар озор топмаган кишиидир», – деб жавоб бердилар<sup>351</sup>.

<sup>348</sup> ООН: в 2012 году число жертв войны среди мирного населения в Афганистане снизилось. Сайт «Afghanistan.ru», 19.02.2013. URL: <http://www.afghanistan.ru/doc/57360.html>.

<sup>349</sup> Ашфак Юсуфзай. Талибы убивают врачей, лишают пациентов медобслуживания. Сайт «Средняя Азия в Интернете», 22.03.2013. URL: <http://centralasiaonline.com/tu/articles/caii/features/pakistan/main/2013/03/22/feature-01>

<sup>350</sup> Мансур А. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т. : Тошкент ислом университети, 2006. – 42 б.

<sup>351</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳих (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 11-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 12 б.

Видолашув ҳажи вактида Мұхаммад пайғамбар мусулмонларнинг жони, мол-мұлқи ва номуси дахлсиз эканини таъкидлаб айтганлар: «...Аллоҳ таоло қонингиз, молингиз ва ору номусингизни бир-бирингиз учун ана шу муқаддас шаҳрингиз, табаррук ойингиз ва улуг айёмингиз каби муқаддас қилди»<sup>352</sup>.

Ислом таълимотида нафақат инсонлар, балки ҳайвонларга ҳам озор бериш қаттиқ қораланған. Мушукни боғлаб қўйиб, унга ўлгунича сув ва овқат бермагани учун жаҳаннам азобига дучор бўлған аёл ҳақидаги ҳадис ҳам зулмнинг оқибати қандай эканидан далолат беради. Айни вактда, бегуноҳ қон тўкиш, у мусулмон бўлсин ёки бошқа динда бўлсин, исломда оғир гуноҳ саналиб, бундай иш учун улкан жазолар белгиланған: «Кимда-ким қасдан бир мўмин\*ни ўлдирса унинг жазоси жсаҳаннамда агадий қолишдир. Яъни, унга Аллоҳ газаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай» («Нисо» сураси, 93-оят)<sup>353</sup>. Зиммий (мусулмонлар паноҳидаги бошқа дин вакили)ни ўлдирган кишининг гуноҳи ҳақида қуйидаги ҳадис мавжуд: «Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиласидар: «Расулulloҳ (с.а.в): «Ким зиммийни ноҳақ ўлдирса, у жаннат ҳидини ҳидламайди! Унинг ҳиди эса қирқ ишллик масофадан ҳам келиб туради!» – деб марҳамат қиласидар»<sup>354</sup>.

Қон тўкиш исломда энг катта гуноҳлардан экани қўйидаги ҳадисда тасдиқланади: «Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиласидар: «Расулulloҳ (с.а.в): «Қиёмат куни инсонлардан даставвал тўкилган қон ҳақида сўралиб, ҳукм чиқарилади», дедилар»<sup>355</sup>.

2. Тинч жамиятда фитна чиқариши. Одамларни ўлдириш, портлатиш, ўғирлаб кетиш, ўз давлатига қарши чиқиш каби қабиҳ ишлар орқали фитна чиқариш, халқнинг хавфсизлиги ва хотиржамлигини бузиб, таҳлиқага солиш Қуръон кўрсатмасига кўра катта гуноҳ ҳисобланади. Мусулмонларга фитнада катнашиш Қуръонда қатъий ман этилган: «Сизлардан фақат золимларгагина хос

<sup>352</sup> Ўша ерда, 1742-ҳадис. 286-бет.

<sup>353</sup> Мансур А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т. : Тошкент ислом университети, 2006. – 93 б.

<sup>354</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳих (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 3166-ҳадис. –Т. : «Ўзбекистон миллый энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 557 б.

<sup>355</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳих (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 2-китоб. 6864-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миллый энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 504 б.

бўлмаган (балки ҳаммаларингизга оммавий бўладиган) фитна (азоб) дан сақланингиз ва билиб қўйингизки, Аллоҳ жазоси каттиқ (зот) дир» («Анфол» сураси, 25-оят)<sup>356</sup>.

И мом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадисда мусулмонлар фитнадан огоҳлантирилиб, айтилади: «*Абу Хурайра (рз.) ривоят қиласидар*: «*Расулulloҳ (с.а.в) бундай дедилар: Фитналар содир бўлганда тик тургандан кўра ўтирган афзалидир, тик турган эса, юриб кетаётгандан, юриб кетаётган эса югуриб кетаётгандан афзалидир, кимки фитнага аралашиб қолса, ҳалокатга учрайди ва кимки фитнадан паноҳ топса, дарҳол яширинсин!*» Уламолар ушбу ҳадисни мусулмон одам жамиятда бекарорлик келтириб чиқарувчи фитналардан қанчалик узоқда бўлса, ўзи ва мусулмон жамияти учун шунчалик фойдали бўлади, деб шарҳлайдилар<sup>357</sup>.

Исломда ҳақли равища ҳукмдорлик қилаётган мусулмон раҳбарлар қўли остида ҳалқ тинч яшаб келаётган вақтда бош кўтариб фитна чиқарганлар боғийлар (арабчада «душманлик қилувчи») тоифасига киритилган. Уламолар ҳукмига кўра, шариатда боғийларга қарши курашда фуқаролар бор имкони билан давлатга ёрдам беришлари шарт<sup>358</sup>.

Мазкур масалада ҳозирги замоннинг етук олимларидан бири Ваҳба Мустафо Зухайлӣ ўзининг «Ал-Фикҳ ал-исломий ва адиллатуху» асарида суннийликнинг тўрттала мазҳаби хulosалари асосида боғийларга «имом (раҳбар)га асоссиз тарзда бўйсунишни рад этган мусулмон қавми (гуруҳ)га айтилади» деб таъриф бериб, «Ким бизга қарши чиқса (киличини чиқарса), у биздан эмас» деган ҳадисни келтирган. М. Зухайлӣ агар боғийлар уруш вақтида ўлдирилса, қолганларни (боғийларни) бу ишдан қайтариш мақсадида уларнинг майитларини ювмай ва жаноза ўқилмай кўмилишини ёзган<sup>359</sup>.

<sup>356</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исломил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳих (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 3601-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 644 б.

<sup>357</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исломил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳих (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 2-китоб. 7081-7082-ҳадислар. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 543 б.

<sup>358</sup> Мансуров А. Муқаддас матнлар, фатволар ҳамда етакчи уламоларнинг асарларида ақидапарастлик ва зўравонликнинг қораланиши // Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадрияtlар уйғунлиги. –Т. : Тошкент ислом университети, 2011. – 9 б.

<sup>359</sup> Зухайлӣ М. Ал-Фикҳ ал-исломий ва адиллатуху. –Дамашқ : Дорул Фикр, 2-китоб, – 481 б.

Мусулмон оламида «Ислом динининг далили» деб эътироф этилган Бурхониддин Марғинонийнинг машҳур «Ҳидоя» асарида ҳам боғийлар ҳақида тўхталиб, динда исёнчи кишилар ўлдирилса, жаноза ўқилмаслиги таъкидланган<sup>360</sup>.

Исломда қонуний ҳокимиятга қарши фитна қилиб, боғийларча курол кўтариб чиқиш эмас, аксинча, қонуний ҳокимиятни ҳимоя қилиш буюрилган. Имом Бухорий келтирган ҳадисда айтилади: *Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (с.а.в): «Ким менга итоат қиласа, Аллоҳ таолога итоат қилган бўлади. Кимки амирга итоат қиласа, демак менга итоат қилибди ва кимки амирга осийлик қиласа, демак менга осийлик қилибди. Чунки амир – орқасидан, яъни уни ҳимоя қилиб жсанг қилинадиган ҳамда у билан душмандан сақланадиган қалқондир»*<sup>361</sup>.

Машҳур ҳанафий уламо Имом Таҳовий (858–933)нинг «Ал-Ақида ат-Таҳовия» асарида ёзилишича: «Подиоҳларимиз, раҳбар амалдорларимизга қарши, гарчи зулм қиссалар ҳам хуруж қилмаймиз, уларни дуои бад ҳам этмаймиз. Итоатдан бош тортмаймиз. Уларга итоат этишини Аллоҳга итоат этиши жумласидан, яъни фарз деб биламиз. Гуноҳ-маъсият ишиларга буюрсаларгини итоат этмаймиз. Уларнинг ҳаққига дуои хайр этиб турамиз»<sup>362</sup>.

Исломда жамиятнинг хавфсизлиги ва тинчлиги Аллоҳнинг энг буюк инъомларидан саналади: «Зеро, (У) уларни очликдан (кутқариб) тўйдирди ва хавф (ва хатар)дан хотиржам қилди» («Қурайш» сураси, 4-оят)<sup>363</sup>.

3. Ёйларнинг илм олишига тўсқинлик қилиши. Покистон тинчлик муаммоларини ўрганиш институтининг (Исломобод) ҳисоботига мувофиқ, 2007–2012-йилларда Покистоннинг Хайбар-Пахтунхва ва

<sup>360</sup> Бурхониддин ал-Марғиноний. Ҳидоя. 1-жилд. Таржимонлар ғурухи. Бош таржимон С.Муҳиддин. –Т. : «Адолат» нашриёти, 2001. – 336 б.

<sup>361</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 2957-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миљий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 513 б.

<sup>362</sup> Имом Таҳовий. Ал-Ақидалут-таҳовия // Ақоид матнлари. А.Мансуров таржимаси. – Т. : Тошкент ислом университети, 2011. – 37 б.

<sup>363</sup> Мансур А. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т. : Тошкент ислом университети, 2006. – 602 б.

Федерал бошқариладиган қабилалар худудларида 1000дан зиёд мактаблар портлатиб юборилган. Жангарилар томонидан таълим тизими ходимлари ва ўқитувчиларни ўлдириш авж олган<sup>364</sup>.

Куръонда илм олишга интилиш накадар фазилатли ва савобли фарз амал экани қуидаги оят ва ҳадисларда акс этади: «... Сизга (*Куръон*) вахйиси тугамай туриб, қироат қилишига шошманг ва айтинг: «Эй Рabbim! Менга илмни зиёда эт!»» («Тоҳо» сураси, 114-оят), «... Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?» («Зумар» сураси, 9-оят)<sup>365</sup>, «Илм Чин-Мочин (*Хитой*)да бўлса ҳам, уни эгаллангиз. Зеро, илм талаб қилиши ҳар бир мусулмонга фарзdir» (Ибн Аъдий ва Байҳақий ривояти)<sup>366</sup>.

Илмнинг фазилати ҳақида Имом Бухорийдан куйидаги ҳадис ривоят қилинади: «*Rasululloh (c.a.v)* айтганлар: «Тушимда менга бир идиида сут келтирилди, қонгунимча ичдим, ҳатто тирноқларимдан сут чиққанини кўрдим». Саҳобалар сўрадилар: Ё *Rasululloh*, сутни нимага йўйдингиз?». «Илмга», – дедилар *Rasululloh (c.a.v.)*»<sup>367</sup>.

4. Гиёхванд моддалар тарқатиш. Афғонистонда Толибон ҳаракати назорати остида героин ишлаб чиқариш ва дунёга тарқатиш йўлга қўйилган. «Туркистон ислом ҳаракати» каби Марказий Осиёдан чиққан жангари гурухлар мазкур заҳарни минтақада тарқатиш, шунингдек, Россия ва Европага ўтказишида иштирик этмоқда. Хусусан, БМТнинг маълумотларига кўра, 2013 йили Афғонистонда 209 минг гектар майдонга кўкнори экилган. Ушбу кўкноридан 5,5 минг тонна героин хом ашёси олиш мумкин. Бу 2012 йилга нисбатан «ҳосил» 49% га ошишини кўрсатади<sup>368</sup>. Афғонистонда етиштириладиган героин хом ашёси жаҳон миқёсида олинадиган ушбу модданинг 80%ни ташкил этади. Афғон гиёхвандфурушлари ҳар йили 3 млрд. АҚШ долларидан

<sup>364</sup> Зия Ур Рехман. Педагоги и школы становятся мишенями боевиков в Карачи. Сайт «Средняя Азия в Интернете», 26.06.2013. URL: <http://centralasiaonline.com/ru/articles/caii/features/pakistan/main/2013/06/26/feature-02>

<sup>365</sup> Мансур А. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т. : Тошкент ислом университети, 2006. – 459 б.

<sup>366</sup> Жума мавъизалари. – Т. : Тошкент ислом университети, 2011. – 77 б.

<sup>367</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомъ ас-саҳих (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 82-ҳадис. – Т. : «Узбекистон мизлий энциклопедияси» Давлат илмий наприёти, 2008. – 24 б.

<sup>368</sup> Site «Unodc.org». URL: [http://www.unodc.org/documents/crop-monitoring/Afghanistan/Afghan\\_report\\_Summary\\_Findings\\_2013.pdf](http://www.unodc.org/documents/crop-monitoring/Afghanistan/Afghan_report_Summary_Findings_2013.pdf)

зиёд даромад олмоқда. Шунингдек, мамлакатда йил сайн наша етиштириш ҳажми ортиб бормоқда<sup>369</sup>.

Гиёхвандлик оқибатида Марказий Осиё давлатларида кўплаб инсонлар, шу жумладан, мусулмонларнинг умри ҳазон бўлиб, оиласлари бузилиб кетмоқда, турли жиноятлар содир этилмоқда. Шариатга мувофиқ, инсонга зарар келтирувчи нарсаларни тарқатиш оғир гуноҳ ҳисобланади. Куръонда «... У (*пайгамбар*) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қиласди ... дейилган («Аъроф» сураси, 157-оят)<sup>370</sup>.

5. *Мусулмонлар ичидаги ихтилофлар келтириб чиқарии.* Аҳил яшаётган мусулмонлар ичидаги нифоқ чиқараётган ақидапарастларга хос хусусиятлар сифатида куйидагиларни кўрсатиши мумкин:

— маънавий камолот, ота-онага ҳурмат, фарзанд тарбияси, билим олиш, муҳтоҷларга ёрдам бериш каби исломий қадрияларга аҳамият бермаслик, асосий эътиборни соқол қўйиш, суратга тушишни ман этиш, шимни тўпикдан кийиш кабиларга қаратиш;

— ислом таълимотига амал қилишда чеклов ва ман этишга зўр бериш;

— динда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган имон, қуфр, жоҳилият, жиҳод каби тушунчаларни юзаки тушуниш ва талқин этиш;

— Куръонда мажозий маъноларда келган оятларни қандай бўлса, шундай тушуниш ва риоя этиш, Куръондаги умумий кўрсатма маъносида келган оятлар билан буйруқ сифатида келган оятларни бузиб талқин этиш;

— бугунги кун воқелиги, тарихий ва объектив қонуниятларни тушунмаслик ва тан олмаслик, масалан, барча мусулмонларни бирлаштирувчи ягона халифалик қуриш каби хомхаёлга астойдил ишониши.

Исломда динни одамларга қийин қилиб тушунтириш ва оғир талаблар билан чеклаш, мазкур масалада ихтилоф чиқариш ман этилган. Анас ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича: «Жаноб Расулуллоҳ (а.с.): «Осонлаштиргилар, қийинлаштиргилар,

<sup>369</sup> Ройзман Е. Перевыполнение плана по наркотикам. Сайт «Русское агентство новостей», 06.05.2013. URL: [http://ru-an.info/news\\_content.php?id=2274](http://ru-an.info/news_content.php?id=2274)

<sup>370</sup> Мансур А. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т. : Тошкент ислом университети, 2006. – 170 б.

хотиржам қилинглар, бездирманганлар!», дейдилар»<sup>371</sup>. Имом Таҳовий мусулмонлар орасидаги ихтилоф чиқарувчи тажовузкор шахсларни коралаб, таъкидлаган: «Гайритабиий одатлар, хилоф, тафриқадан қочамиз. Адолатли, омонатли кишиларни дўст тутамиз. Зулм ва хиёнат аҳлини ёмон кўрамиз»<sup>372</sup>.

6. Ислом оламида бузгунчилик билан шугуланаётган гурухларга маблаг билан ёрдам бериш. Мусулмонлар закот бериш ва хайрия ишларида савобга эришиш учун уларни муносиб ўринларга беришлари лозим. Куръонда баён қилинганидек: «Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида) ишловчилар, диллари ошина қилинувчи (гайридин)лар, (пул тўлаб озод этилувчи) қуллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчига (мусоғирга бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилди). Аллоҳ илми ва ҳикматли зотдир» («Тавба» сураси, 60-оят). Ушбу саккизта ўриндан гайридинлар, куллар чиқариб ташланган. Гайридинлар Ҳазрат Умар (рз.) даврида саҳобалар ижмоси билан, қуллар эса, ҳозирги асримизда мавжуд эмаслиги учун бекор қилинган. Демак, садақа ёки савоб учун берилаётган хайрия маблаг бериш айнан муҳтожларга етказиладиган, ёмон ишларга ишлатилмаслигига қатъий ишонч бўлган тарзда амалга оширилиши лозим. Фуқаролар хайрия қилмоқчи бўлса ўзи билган ночор оиласлар, «Мурувват», «Саховат» уйлари ва шифохоналарга бегараз ёрдам кўрсатиши, закот тўлашни истаган фуқаролар эса Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида фаолият юритувчи масжидларга тақдим этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Исломшунос олимлар, соҳа мутахассислари ва етук уламолар томонидан ўтказилган таҳлил ва тадқиқотлар диний-экстремистик гурухлар илгари сураётган диний-сиёсий гоялар ислом таълимотига зид эканини кўрсатади. ДЭОнинг мағқурасида дунёвий давлатларни «куфр юрти» (дорул-куфр) деб эълон қилиш ва мусулмонларни ушбу мамлакатлардан хижрат қилишга даъват қилиш, куролли жиҳод орқали исломий давлат барпо қилиш, ушбу йўлда ўлганлар шаҳид бўлиши, хижрат ва жиҳодда иштирок этмаган мусулмонлар коғир бўлиши

<sup>371</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиль ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 2-китоб. 6125-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 393 б.

<sup>372</sup> Имом Таҳовий. Ал-Ақидатут-таҳовия // Ақоид матнлари. А. Мансуров таржимаси. – Т. : Тошкент ислом университети, 2011. – 38 б.

ҳақидаги сохта ғоялар асосий ўринни эгаллады. Дунёвий тузумни гүёки ҳаром, деб эълон қилиб, шариатни жорий этиш мусулмонлар учун гүёки фарз экани даъво қилинади:

— ЎИХнинг «Ҳижррат ва утинг ҳукмлари» номли китобида гүёки ҳижррат қилмаган одам «коғифир», «фосиҳ» деб аталиши қайд этилиб, «Бирон жиҳод қилинадиган ер бор экан, албатта ҳижррат ҳам мавжуддир. Бу эса улардан ўша ерга ўз юртларидан ҳижррат қилишиларини тақозо этади», деб иддао қилинади;

— «Ҳизбут таҳрир»га тегишили китобларда гүёки жиҳод «намознинг фарзлиги каби фарз» амал саналиб, бирорта мусулмондан сокит бўлмаслиги (Т.Набаҳоний, «Сиёсий қарашлар», 57 ва 58-бетлар), «Ислом давлати доимо жиҳод ҳолатида» экани, ислом умматига «коғифирларга қарши улар коғир бўлгани учун жсанг қилиши», улар калима келтирмагунларича ёки жисиз тўламагунларича уруши олиб бориши юклангандек деб даъво қилинади (А.Залим, «Исломда бошқарув низоми», 179-бет). Барча мусулмон мамлакатлари гайрисломий «куфрда» айбланиб, ватанпарварлик, исломдаги мазҳабларга эрганиши ҳаром ҳисобланади:

«Нурчилар» ташкилотининг шік етакчиси С.Нурсий томонидан дунёвийлик ҳақида «Динсизлик абсолют жисноят, уни кечириб бўлмайди» («Мусонинг ҳассаси» китоби, 216-бет), «Шариатнинг битта талаби учун мингта одамнинг ҳаётини беришига тайёрман» («Буюк ишора», 128-бет) деб даъво қиласди. Ташкилотнинг ҳозирги раҳбари Ф.Голеннинг «Аср уйғотган шубҳалар» китобининг иккинчи жигидида (92-бет) жиҳод ҳақидаги «ким фақат руҳий жиҳод бор деб ташқи курашда иштироқ этмаса, исломни йогага ўхшатиб қўйган бўлади», дейилган<sup>373</sup>.

1. «Дорул-куфр» ва «дорул-ислом» масаласида ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг хulosасига кўра, диёр «куфр» бўлиши шартларидан бири ушбу ҳудудда бирор мусулмон ёки зиммийга омонлик берилмаган бўлиши керак. Агар диёрда ислом аҳкомидан озгина микдорда қолган бўлса ҳам мамлакат дорул-ислом ҳукмида қолаверади<sup>374</sup>.

<sup>373</sup> Гюлен Ф. Сомнения, порожденные веком. Том 2. Интернет-публикация. URL: <http://nagon.net/books.php?q=F-Gyulen2>

<sup>374</sup> Мансуров А. Муқаддас матнлар, фатволар ҳамда етакчи уламоларнинг асарларида акидапарастлик ва зўравонликнинг кораланиши // Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадриялар уйғунлиги. – Т. : Тошкент ислом университети, 2011. – 10 б.

Ҳанафий уламоларининг фатволарига мувофиқ, «жума намози, ийд намозлари каби ислом ҳукмлари жорий этилиши билан дорул куфр дорул исломга айланади»<sup>375</sup>. Шу нуқтаи-назардан, ташқи истилога учрамаган барча мусулмон мамлакатлари ислом диёри саналиб, ушбу ҳудудлардан ҳижрат қилинмайди ва мазкур давлатларга нисбатан куролли жиҳод олиб бориш мумкин эмас.

2. «Такфир» (арабчада «куфр» – «инкор қилиш») шариатда кўпроқ Аллоҳни тан олмаслик маъносида ишлатилади. Мутаассиб гурух аъзолари уларга эргашмаган мусулмонларни «кофир», яъни «динсиз» деб асоссиз ҳукм чиқаради.

Ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик\* ақидасига мувофиқ, имоннинг шарти яккахудоликка тил билан икрор бўлиш, қалб билан тасдиқлаш саналади. Инсоннинг имонини ўлчаш имконияти бошқа инсонда йўқ, чунки имон инсон қалбидан бўлади. Шариатга кўра, қалбни фақат Аллоҳ билади. Шунга кўра, мусулмон одамнинг имони ҳақидаги ҳукмни ёлғиз Аллоҳ чиқаради. Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа айтганлар: «Имон – бу икрор ва тасдиқдан иборатdir. ... Мўминлар имонда, тавҳидда ўзаро тенгдирлар»<sup>376</sup>. Мусулмонларни динсизликда айблаш мумкин эмаслиги ҳақида Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: «Расулуллоҳ (с.а.в.): »Бирор киши ўз биродарига: «Эй кофир!», – деса, бу сўз иккаласидан бирига тегинли бўлади», дедилар (яъни, агар кофирликда айбловчи ҳақ бўлса, айбланувчи кофирлигича қолади. Башарти ҳақ бўлмаса, у ҳолда ўзи кофир бўлади)», деб таъкидланган (Имом Бухорий, 6103-ҳадис). Бошқа ҳадисда «Бузуқ ва кофир бўлмаган одамни бузуқ ва кофир деган одамнинг ўзи кофир ва бузуқdir», деб таъкидланган<sup>377</sup>.

Абу Ҳанифа «кофир»га чиқариш масаласида шундай деган: «Бирор мусулмонни қилган гуноҳи сабабли кофирга чиқармаймиз, гарчи у кабира гуноҳ бўлса ҳам, башарти уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса»<sup>378</sup>.

<sup>375</sup> Ибни Обидин. Раддул-Мухтор. – Байрут : Дорул кутуб илмия, 2011. 6-жуз. – 288–289 б.

<sup>376</sup> Имом Аъзам. Фикҳи акбар // Ақоид матнлари. А. Мансуров таржимаси. – Т. : Тошкент ислом университети, 2011. – 26–27 б.

<sup>377</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомий ас-саҳих (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 2-китоб. 6045-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 382 б.

<sup>378</sup> Имом Аъзам. Фикҳи акбар // Ақоид матнлари. А. Мансуров таржимаси. – Т. : Тошкент ислом университети, 2011. – 25 б.

Яъни, мусулмон одам шариат амалларини тўла-тўқис бажармаган бўлса ҳам, агар бажармасликни ҳалол, деб эълон қилмаса, диндан чиққан хисобланмайди.

2005 йил июлида Оммон (Иордания) шаҳрида ислом дунёсининг етакчи уламолари томонидан «такфир» масаласида қабул қилинган фатвода «тўрт сунний мазҳаб ва шия мазҳабидаги жаъфарий, зайдий, ибодий ва зоҳирий оқимига эътиқод қилувчиларнинг барчаси мусулмон хисобланади. Уларни имонсизликда айблаш, жонига, номусига ва мулкига қасд қилиш мумкин эмас», деб эълон қилинган<sup>379</sup>.

Қайд этилганлар мусулмонларнинг эътиқодини йўқка чиқариш, ўзидан бошқаларни кофир – динсиз, деб ҳукм чиқариш соф ислом таълимотига зид эканини тасдиқлайди.

3. «Хижрат» сўзи луғатда бирор нарсадан ажраш, шариатда эса, Муҳаммад пайғамбарнинг Маккани тарк этиб, Мадина га боришига қиёсан қўлланилиб, ДЭО етакчилари тинч давлатда яшаб келаётган ёшларни хориждаги жангариларнинг лагерларига жўнатиб, «хижрат қилмаган диндан чиқади, ҳижрат учун мусулмонга ота-онанинг руҳсати шарт эмас» каби соҳта иддаолар билан алдамоқда.

Жумладан ақидаларастлар ушбу масалада Куръоннинг «Нисо» сураси 97-оятини далил қиласди: «Ўзига зулм қилувчи ҳолида жони олинаётганларга фаришталар: «Нима қилаётган эдинглар?» – дерлар. Улар: «Ер юзида бечора эдик», дерлар. «Аллоҳнинг ери кенг эди-ку, ҳижрат қилсангиз бўлмасмиди?» – дерлар. Ана ўшаларнинг жойи жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон жой!». Уламоларнинг фикрига кўра, ушбу оят қўрқитиши маъносидаги матн бўлиб, бундай матнлардан хуоса қилиш учун асл ҳукмларга қайтилади. Яъни мусулмонлар ҳеч қачон дўзахда абадий қоладиган кофир бўлмайди. Абу Усмон Мужошиъ ибн Масъуд ривоят қилган ҳадисда айтилади: «.... Расулуллоҳ (с.а.в.): «Макка фатҳидан кейин ҳижрат йўқ...», дедилар»<sup>380</sup>. «Хижрат» ҳақида Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар: «Кўли ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир. Аллоҳ таоло ман этган нарсалардан қайтган киши Худо йўлида ҳижрат қилган кишиидир», дейилади<sup>381</sup>.

<sup>379</sup> Оммон декларациясининг расмий сайти. URL: <http://ammanmessage.com/index.php?lang=ar>

<sup>380</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 3078-3079-ҳадислар. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 537 б.

<sup>381</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиъ ас-

Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилингандык ҳадисда эса айтилади: «*Расуллороҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир киши келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ота-онамни ийеглаган ҳолда ташлаб, ҳижрат қилиши учун сизнинг ҳузурингизга келдим», деди. У зот (с.а.в.) эса: «Ота-онанг олдига қайтиб, уларни қандай ийеглатган бўлсанг, шундай кулдирғин», деб жавоб бердишлар.*

Мұхаммад пайғамбар ва ундан кейин мусулмон давлатларини бошқарған хулафои рошидинлар ўзга юртларда яшаётган мусулмонларни ҳеч қаңон мусулмон давлати ҳудудига күчіб қелишларига даъват қилмаган ва уларнинг ўз юртларида яшашини рад этмаганлар.

Мусулмонлар учун барча шароитлар яратилған. Юқоридаги далилдардан мусулмонлар учун барча шароитлар яратилған Ўзбекистон мамлакатдан «хижрат» қилинмаслиги ҳақидағи қатый хулоса чиқади.

4. «Жиҳод» сўзи арабчада инсоннинг бор моддий ва жисмоний имкониятларини ишга солиб ҳаракат қилиши маъносини англатади. Уламолар Исломда жиҳод аввало уруш маъносида эмас, Аллоҳнинг динига сўз билан даъват килиш маъносида юзага келган, деб таъкидлайдилар.

Уламолар жиҳодни қуйидаги турларга ажратадилар:

– қалб жиҳоди: инсон томонидан ўзининг ёмон қусурларини енгишга қаратилған ҳаракати. «Жомеъул Аҳодис» китобида (4-жуз, 741-бет) келтирилған ҳадисда Расуллороҳ (с.а.в.): «Кичик жиҳоддан катта жиҳодга, банданинг ҳавои нафсиға қарши қиласидиган жиҳодига хуш келингиз!» деганлар. Ушбу ҳадисдан энг афзал жиҳод инсоннинг ўз нафсини енгиши экани келиб чиқади<sup>382</sup>;

– тил жиҳоди: одамларни яхшиликка чакириш ва ёмонликдан қайтариш;

– қўл жиҳоди: жиноятчиларга нисбатан интизомий чора кўриш;

– қилич (қуролли) жиҳоди: ислом душманлари билан қуролли кураш<sup>383</sup>.

Қайд этилганидек, жиҳод фақат «мукаддас уруш» маъносига эга эмас. Жиҳод масаласида Имом Термизий ривоят қиласидан «*Жиҳоднинг афзали Аллоҳ таолонинг зотида ҳавои нафсиннга*

саҳих (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 10-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 12 б.

<sup>382</sup> Олтин силсила. Саҳихул Бухорий. 2-жуз. – Т. : «Hilol-nashr», 2013. – 648 б.

<sup>383</sup> Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – 66–67 с.

жарши жиҳод қилмогингдир», дейилади<sup>384</sup>. Илм ўзлаштириш учун бор имкониятларини ишга солаётган ўсмирни маърифат йўлида, отонасининг розилигини олиш учун астойдил киришган инсонни эса отонаси хизматида жиҳод қилмоқда, деса бўлади. Имом Бухорий ривоят килган ҳадисда айтилади: «Абдуллоҳ ибн Амр (рз.) ривоят қиласидар: «Бир киши Набий (с.а.в.)нинг ҳузурларига келиб, у зотдан жиҳод қилишига изн сўради. Шунда у зот: «Ота-онанг тирикми?» дедилар. У «Ҳа», деди. У зот (с.а.в.): «Ундаи бўлса, ана ўшаларнинг йўлида жиҳод қил!» дедилар»<sup>385</sup>.

Уlamолар жиҳод ҳукми шароитга қараб ўзгариб туриши ва икки кисм: талаб ва мудофаадан иборат эканини таъкидлайдилар. Талаб жиҳоди ҳозирги кунда йўқ эканига уlamолар ижмөъ\* килганлар. Чунки мусулмонлар ҳозир турли мамлакатларда истиқомат килиб, мамлакатлар орасидаги муносабатлар ҳозирда ўзаро урушмасликка ва элчихоналар орқали алоқаларга асосланган<sup>386</sup>.

Мудофаа жиҳоди душман мусулмон юртига бостириб кирса, ҳимоя учун зарур бўлиб, у ҳеч қачон ички фитна шаклида бўлиши мумкин эмас. Шу нуқтаи-назардан, 2012 йилнинг 25-26 май кунлари 23 мамлакатнинг етакчи ислом уlamолари томонидан Москвада қабул қилинган «Уlamоларнинг жиҳод, такfir ва халифалик ҳақидаги «Москва декларацияси» номли фатвода жиҳод фақат мусулмонларнинг қонуний ҳукмдорлари томонидангина умматнинг хавфсизлиги, молмулки ва эътиқодини ҳимоя қилиш йўлида эълон қилиниши мумкин экани таъкидланган<sup>387</sup>.

5. «Шаҳид» арабчада «гувоҳ» маъносини, ислом динида эса умумий тарзда ҳақ йўлда ҳалок бўлган ва жаннатга кириши шаҳодат (ваъда) қилинган киши, демакдир. Муҳаммад Пайғамбардан ривоят қилинган ҳадисда вабодан ўлган, қорин оғригидан ўлган, ғарқ бўлган, вайронада қолиш билан ўлим топган кишилар ҳам шаҳид бўлиши айтилган<sup>388</sup>. Ислом манбаларида шаҳидлик куйидаги турларга ажратилиди:

<sup>384</sup> Олтин силсила. Саҳихул Бухорий. 2-жуз. – Т. : «Hilol-nashr», 2013. – 648 б.

<sup>385</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомъи ас-саҳих (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 2-китоб. 3004-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 520 б.

<sup>386</sup> Олтин силсила: Саҳихул Бухорий. 2-жуз. Т. : «Hilol-nashr», 2013. – 646 б.

<sup>387</sup> Сайт «Islam-wasatiya.ru». URL: <http://islam-wasatiya.ru/index.php?id=68>

<sup>388</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомъи ас-саҳих (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 2829-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 494 б.

- дунё шаҳидлиги: дунёвий мақсадларда жанг қилиб, ҳалок бўлиш. Бундай одам ҳақиқий шаҳид саналмайди;
- «охират шаҳиди»: ҳадисларда баён этилган баҳтсиз ҳодиса, табиий оғат ва касаллик оқибатида ўлим топиш;
- «дунё ва охират шаҳидлиги»: эътиқоди, Ватани, оиласини ҳимоя қилиб ҳалок бўлиш<sup>389</sup>.

Таъкидлаш жоизки, кишининг ўзини ўзи ўлдириши, айниқса, ўзини портлатиб юбориши гарчи нияти дин йўлида, деб эълон қилинса ҳам, шаҳид деб ҳисобланмай, балки «ўз жонига сунқасд» деб баҳоланади. Чунки исломда ўзини ўлдириш қатъян ман этилган: «Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижкорат бўлса, у бундан мустасно. Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир» («Нисо» сураси, 29-оят). Уламолар «ўзларингизни ўлдирмангиз» жумласини мусулмонлар учун бир-биirlарини, шунингдек ўз-ўзини ўлдиришни тақиқ сифатида тафсир қиласидилар<sup>390</sup>. Кўплаб ҳадисларда ҳам инсон ўзини-ўзи ўлдириши ман этилгани таъкидланади, масалан: «Собит ибн аз-Заҳҳок ривоят қиласидилар: «Расууллоҳ (с.а.в.) бундай дедилар: «... Кимки бирор қурол билан ўзини ўлдирса, жаҳаннамда ўша қурол билан унга азоб берилади. Мўминни лаънатлаш уни ўлдириши билан баробардир. Кимки бир мўминни коғирликда айбласа, уни ўлдирган баробарида гуноҳкор бўлади»<sup>391</sup>.

Уламолар ушбу ҳадис ўзини билиб турган ҳолда, қасддан ўлдирган барча мусулмонларга, кўзланган мақсаддан катъи назар, тааллуқли саналишини таъкидлайдилар. Яъни, ҳадисдаги жазо ўзини ўлдирган шахснинг кўзлаган мақсади учун эмас, балки айнан мазкур амали учун ваъда қилинган. Чунки, исломда ниятга қараб ва мусулмонлар учун фойда келтириш эҳтимоли бўлиши билан ман этилган амал рухсат этилган ҳисобланиб қолмайди. Мусулмон одам ўзини ўлдиришидан келиб чиқсан гуноҳ уни алдаб шу йўлга бошлаган ва тегишли «фатво» берган шахсга ҳам тушади. Куръонда «(Эй, Мұхаммад!), Айтинг:

<sup>389</sup> Олтин силсила: Саҳихүл Бухорий. 2-жуз. Т. : «Hilol-nashr», 2013. – 646 б.

<sup>390</sup> Мансур А. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т. : Тошкент ислом университети, 2006. – 83 б.

<sup>391</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 2-китоб. 6105-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нацириёти, 2008. – 390 б.

«Сизларга қылмасиларидан энг кўп зиён кўрувчиларнинг хабарини берайликми?! Улар қилган саъй (ҳаракат)лари дунё ҳаётidaёқ йўқ бўлиб кетган-у, аммо ўзларини шини чиройли қилаётган ҳисоблайдилар», дейилган («Каҳф» сураси, 103–104-оятлар)<sup>392</sup>.

Худкуш-террорчиликни оқлайдиган ақидапарастлар гўёки далил сифатида сахобийлар айримлари жанг вактида ўлиши эҳтимоли муқаррар эканини била туриб душман сафига ёриб кирганликларини келтиради. Бироқ, ушбу сахобаларнинг бирортаси ҳам ўзини ўлдирмаган. Мухаммад пайғамбар ҳатто жанг вактида ҳам ўзини ўлдиришни ман этган. Жумладан, Саҳл ибн Саъд ас-Саъдий ривоят қилган ҳадисда Хайбар уруши вақти ботирлик кўрсатиб, бироқ ярасининг оғригига чидай олмай, ўзини ўзи ўлдирган Кузмон исмли шахси Расулуллоҳ (с.а.в.) «жаҳаннам ахли» деб атагани келтирилган<sup>393</sup>.

Демак, шариатга кўра худкуш-террорчилар ўзини ва бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлгани учун оғир гуноҳга ботиб, охиратда дўзах азобига дучор бўлади.

6. *Ақидапарастлар, масалан, «Ҳизбут таҳрир» («Ҳизбут таҳрирнинг ўзгаришдаги манҳаҗси», 12, 44-45-бетлар)* ислом динидан бошқа динга эътиқод қилувчиларнинг барчасини, шу жумладан, яхудий ва насронийларни коғир деб эълон қилган. Ваҳоланки ислом дини кенг тарқалган даврларда мусулмонлар ўзлари билан бирга яшовчи бошқа дин вакилларининг озодлиги, фикр, эътиқод эркинликлари, жон, мол, обрў дахлсизлигини ўз зиммаларига олганлари учун уларни «зиммий» деб атаганлар. Ислом дини аввалти нозил бўлган муқаддас китобларга ишонишни имоннинг шарти деб билади («Бақара» сураси, 136-оят). Ҳадисда (Имом Бухорий, 3166-ҳадис) зиммийни ноҳақ ўлдирган мусулмон жаннатга кирмаслигининг таъкидланиши исломдаги диний бағрикенглик ғояларини яна бир карра тасдиқлайди.

7. *«Ҳизбут таҳрир»* партиясига янги кираётганлар «халифатик давлати барто қилишига ...ушибу йўлимда жонимни курбон қилиб, оиласдан кечиб бўлса ҳам ҳаракат қилишига ... ваъда бераман», деб қасам ичади. Биринчидан, исломда билмаган нарсага эргашиш ман

<sup>392</sup> Мансур А. Куръони карим: маъноларнинг таржима ва тафсири. – Т. : Тошкент ислом университети, 2006. – 304 б.

<sup>393</sup> Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомъ ас-саҳих (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 2898-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миший энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 504 б.

этилган: «(Эй инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, күз, дилнинг ҳар бири тұғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур» («Исрө» сураси, 36-оят)<sup>394</sup>.

Иккинчидан, исломда қасамнинг ўз шартлари бўлиб, бузғунчи нарсаларга қасам ичилмайди. Куръонда «Аллоҳ сизларни беҳуда қасамларингиз учун жавобгар қилмайди. Балки дилларингиз касб этган нарса учун жавобгар қилур. Аллоҳ кечиримли ва ҳалим зотдир» дейилган («Бақара» сураси, 225-оят)<sup>395</sup>.

Учинчидан, ислом дини мусулмонлардан «халифалик» қуришни ҳам, бунинг учун оиласдан воз кечишни ҳам талаб қилмайди. Аксинча, Куръонда ота-онага яхшилик қилиши буюрилиб, инсон ўз оиласига масъул экани таъкидланади («Бақара» сураси 215-оят, «Нисо» сураси 1, 36-оятлар, «Анъом» сураси, 151-оят, «Луқмон» сураси, 14-оят, «Ақҳоф» сураси, 15-оят, «Исрө» сураси, 23-оят, «Нисо» сураси 34-оят ва ҳ.к.)<sup>396</sup>. Ҳадисларда оиласани боқиш, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш мусулмонларнинг бурчи экани ҳамда оиласдан воз кечиш оғир гуноҳ экани таъкидланади: «Киши ўз қарамогидагиларини нафақасиз ташлаб қўйиши унинг қаттиқ гуноҳкорлигига кифоя қиласди»<sup>397</sup>, «Бўлаларингиз ва аҳлу аёлларингизга яхшилик қилишини ўргатингиз ва уларни хушхулқ билан тарбиялангиз»<sup>398</sup>.

8. «Ҳизбут таҳрир»нинг халифа сайлаши мусулмонлар учун фарз амал экани, бошқа фарз амаллар фақат халифа сайлаши билан бајсарилади (А.Заллум, «Исломда бошқарув низоми», 42-бет) деган иddaолари, «Нурчилар» етакчиси Ф.Гюлен фикрича, «Бутун Ер юзи Аллоҳнинг мулки, уни бу меники, бу сеники, деб бўлиб олишига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ», деб гўёки ягона халифалик давлати қуриши фарз ҳисоблаб, Ватан тушунчасини бутунлай инкор этидилар.

Ваҳоланки, тарихда ислом дини тарқалган ҳудудлар вилоят, амирлик, ўлкаларга бўлинган бўлиб, ушбу жараён Муҳаммад пайғамбар даврида бошлиланган. Халифа Умар ибн Ҳаттоб мусулмон ўлкаларини вилоятларга

<sup>394</sup> Мансур А. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т. : Тошкент ислом университети, 2006. – 285 б.

<sup>395</sup> Мансур А. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т. : Тошкент ислом университети, 2006. – 36 б.

<sup>396</sup> Мансур А. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т. : Тошкент ислом университети, 2006. – 33, 77, 84, 148, 412, 504, 284 б.

<sup>397</sup> Жума мавызалари. – Т. : Тошкент ислом университети нашриёти, 2011. – 73 б.

<sup>398</sup> Ўша ерда, 84 б.

бўлиш бўйича ислоҳотларни амалга оширган. Саҳобаларнинг ҳеч бири уни Қуръон ва Пайғамбарнинг суннатига тўғри келмайди, деб даъво қилмаган. Юрт ҳимояси исломда фарзи айн – эркак ва аёлларга тенг бажариш зарур бўлган амал даражасига кўтарилигани ҳам Ватаннинг нечоғлик улуғ эканидан далолат беради. Қолаверса, ислом дини ривожига бекиёс хисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Бурхониддин Марғиноний, Қаффол Шоший каби буюк мутафаккирларимиз ўзларининг тахаллусларини киндик қонлари тўқилган юрт номи билан боғлагани, ҳалқимизда «Ватанни севмоқ имондандир», дейилиши ҳам муқаддас динимиизда Ватангага эҳтиром билан қараш лозимлиги намунаси бўлади<sup>399</sup>.

Аксинча, муқаддас манбаларда Ватангага хиёнат, яъни ўз юргига душманлар билан бирга қурол билан бостириб келиш қаттиқ қораланади. Ҳадисда айтилади: «Ибн Умар (рз.) ривоят қиласидар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Қиёмат куни ҳар бир хиёнаткор учун бу дунёда қылган хоинлиги учун шармисор қитувчи байроқ ўрнатиб қўйилади», деб айтганларини эшиштдим»<sup>400</sup>.

Ақидапарастларнинг Ватанни инкор этиши аслида кишиларда ватанпарварлик туйғусини сўндириш ва уларни фақат ўзларига итоаткорлик руҳида тарбиялашга қаратилган.

9. «Салафийлар» жамоалари давлат ва миллий байрамлари, инсон ҳаётидаги муҳим кунларни нишонлашни, мавлуд ўтказишни «ҳаром», деб даъво қиласиди. Таъкидлаш жоизки, ислом эзгу ниятларда, маънавий ваахлоқий меъёрлардан чиқмагантарзда амалга ошириладигандунёвий тантана ва маросимларни тақиқламаган. Жумладан, Мустақиллик куни мусулмон мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам истиқлол ва озодликка эришилган сана сифатида байрам қилинади. Шу каби 8-март кунини аёлларга эҳтиром, 1-январь кунини эса турли ҳалқларда ўзларининг урф-одатига биноан, янги йилнинг биринчи куни сифатида нишонланади. Ҳусусан, мусулмонлар янги йилга саломат етиб келганига шукр қилиб, унинг файзли ўтишини сўраб нишонлайдилар. Наврўз қадимдан асосий тирикчилиги дехқончилик ва чорвачиликдан иборат бўлган Шарқ ҳалқларининг қиши фаслидан эсон-

<sup>399</sup> Алиев Ж. Зулмат гирдоби. – Т. : Тошкент ислом университети, 2009. – 22–23 б.

<sup>400</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий: Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 3188-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 563 б.

омон чиқиб, экин экиш фурсати етгани муносабати билан ўтказадиган миллий байрами бўлиб, у айрим диний мутаассиблар давло қилганидек «оташпаратлик» билан боғлиқ эмас.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда давлат байрамлари муносабати билан исломда катта савоб берувчи амаллар саналадиган хайрия ва ободонлик ишлари кенг кўламда амалга оширилиши ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлади.

Туғилган кунни шукронга сифатида дабдабасиз нишонлашга ҳам шариат эътиroz билдиримайди. Мухаммад пайғамбар, дин ва дунё илми ривожига хисса кўшган аждодларнинг таваллуд кунларини нишонлаш мусулмонларда дин ва ўтмишга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантиришга хизмат қиласди.

Мавлуд ўтказиш ислом шариатига мувофиқ амаллардан ҳисобланади. Жумладан, Ал-Азҳар уламолари фатвосида: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз туғилган кунларини ҳар йили эмас, балки ҳар ҳафтанинг душанба куни нишонлардилар. У зот (с.а.в.) ҳар душанба куни рўза тутардилар. Саҳобалар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан нима учун ҳар душанба рўза тутишларини сўраганларида: «Мен шу куни туғилганман», дейилган. Жумхур уламоларнинг «Пайғамбар (с.а.в.)ни зикр қилиш савобли амаллардан ҳисобланади», деган фикрлари ҳам бунинг исботи бўлади<sup>401</sup>. Ҳатто, мавлуд ўтказишни бидъат ҳисобловчи ақидапаратлар бошқа масалаларда фикрларидан далил келтирадиган Аҳмад ибн Таймия ўзининг «Иқтидо ас-сирот ал-мустақим» асарида (1-жилд, 83-84 бет) мавлуд ўтказишни савобли иш, деб баҳолаган<sup>402</sup>.

10. «Салафийлар» мусулмонларни муайян мазҳабларга эргашишини гўёки мусулмонларнинг яхлитлигини бузувчи амал сифатида танқид қиласди. Ислом оламидаги етакчи фиқхий уламолар ҳозирги кунда тўрт сунний мазҳаб асосчилари каби шаръий далиллардан хукм чиқара оладиган мужтаҳид имомлар йўқ экани сабабли мусулмонлар ушбу имомлардан бирига, яъни ўз юртида кенг тарқалган мазҳабга эргашишлари лозимлигини эътироф этадилар. Чунки оддий мусулмон Қуръон ва ҳадислардан мустақил шаръий хукм чиқара олмайди. Мазҳабларда эса шаръий масалалар ислом таълимоти, халқнинг урф-одатлари, қадриятлари, миллий хусусиятларидан келиб чиқиб,

<sup>401</sup> Меликўзиев Ж. Ҳалокат тузоги. – Т. : Тошкент ислом университети, 2010. – 14–15 б.

<sup>402</sup> Энциклопедия суфизма. Юсуф Ҳаттар Мухаммад / Пер. с арабс. Р. Адыгамов – М. : Издательский дом «Ансар», 2005. – С. 109.

энг мос күринишда ҳал килинади. Ибн Аббос Мұхаммад пайғамбар мукаммал шаръий илми бўлмаган одамларнинг Қуръондан ўзича хукм чиқаришининг олдини олиб айтган қуидаги ҳадисни ривоят килган: «*Ким Қуръон тўғрисида шимсиз гапирса, дўзахдан ўзига жой тайёрласин*»<sup>403</sup>. Имом Доримий ривоят қилган ҳадисда эса шундай дейилади: «*(Билмасдан туриб) фатвога журъатли бўлганингиз дўзахга журъатли бўлганингиздир*»<sup>404</sup>.

Машхур сурялил олим, мархум Шайх Мұхаммад Сайд Рамазон Бутий ўзининг «Мазҳабсизлик ислом шариатига таҳдид солувчи энг хатарли бидъатдир» китобида мазҳабга риоя этмай, ўзича шаръий хукм чиқаришни қоралаб, қуидагича фикр билдирган: «... одамларни уйжой қурилиши лойиҳаларида муҳандисларга таянишдан воз кечишга чақирсан ... саломатлик билан боғлиқ муаммоларда шифокорларнинг сўзларига амал қиласликка чақирадиган бўлсан ... одамларни мутахассисларга эргашишни тарқ қилишга, унинг ўрнига ўзлари ижтиҳод\* қилишларига, ундан келадиган шахсий қаноатига эътимод қилишга чақирадиган бўлсан, нима бўлади? ... Одамлар уйларини обод қиласман деб, ҳароб қилиб юборадилар, даволанаман деб, жонларини ҳалок қилиб юборадилар, ишлаб чиқараман деб, бошларига таназзул ортиб оладилар. ... Одамларнинг дунёвий соҳаларда ижтиҳод қилиш майдонига кириб келишларида пайдо бўладиган натижага барча одамлар шаръий илмлар ва ҳалол-ҳаромга доир аҳкомлар борасида ижтиҳод қилиш майдонига бостириб келганда пайдо бўладиган натижанинг айнан ўзиdir»<sup>405</sup>.

11. *Ақидапараст гуруҳлар «Кимки ўзини бирор бир қавмга ўхшатса, у ўшалардан», деган ҳадисни мусулмонларга аҳли китоб (яҳудий ва насронийлар) вакиллари билан алоқа қилиши, улар кийган кийим (костюм-шиш ва ҳ.к.) ман этилган, деган маънода бузиб талқин қиласди.* Аслида эса ҳадис ақидавий мазмунинг эга бўлиб, унда имон асосларидан четга чиқмаслик назарда тутилган. Мұхаммад пайғамбар бошқа дин вакиллари билан шахсан яхши алоқада ва муомалада бўлганлар. Жумладан, уларга ҳадялар бериб, улар қилган ҳадяларни

<sup>403</sup> Авнүл маъбуд шархи суннат Абу Довуд. Мұхаммад Ашраф. – Байрут : Дори ихё турос ал-Аробия, 2001. 9-жуз. 3649-ҳадис. – 49 б.

<sup>404</sup> А. Очилдиев ва бошк. Ҳидоят ортига яширинган залолат. – Тошкент : Тошкент ислом университети, 2010. – 18 б.

<sup>405</sup> Мұхаммад Сайд Рамазон Бутий. Мазҳабсизлик ислом шариатига таҳдид солувчи энг хатарли бидъатдир. – Т. : «Hilol-Nashr», 2013. – 118–119 б.

қабул қилганлар. Пайғамбар (с.а.в.) бошқа дин вакиллари томонидан совға қилинган кийимларни кийгандар<sup>406</sup>.

12. «Акромийлар» етакчиси А.Йўлдошевнинг «Иймонга йўл» рисоласида жсамият «жоҳирият» даврига тушиб қолган деб ҳисобланади ҳамда имон амалсиз бўлмайди, деб даъво қилинади (б-бет). «Имон»нинг шарти ҳанафийлик мазҳабида юқорида Имом Аъзам Абу Ҳанифадан иктибос келтирилганидек, иккита: тил билан икрор бўлиш ва дил билан тасдиқлаш саналади. Амалсиз одам имонсиз «коғир» саналмайди.

Норасмий диний жамоаларда қабул қилинган диний ғоялар аслида диний маълумотга эга бўлмаган жамоа етакчиларининг шахсий диний қарашлари ва уларнинг Куръонни мустақил талқин этишлари маҳсули бўлиб, «Маърифатчилар», «Шоҳидийлар» ва «Бахшиллочиликар» эътиқод қиласиган диний тушунчаларнинг аксарияти ислом таълимотига мутлақо зид келади.

Жумладан, «Маърифатчилар», «Шоҳидийлар» томонидан Куръоннинг асл араб нусхасида ўқиш, суннатга эргашиш ва ҳадислар тан олинмайди, намоз вақти ва тартиби бузилган, мазҳабга риоя этиш адашиш ҳисобланади, уларга эргашмаган мусулмонлар ва «ҳаҳли китоблар»га ўта муросасизлик билан «диндан қайтгандар» деб «хукм» қилинади.

1. Куръонда «Албатта, Биз уни сизлар англашингиз учун араб тилидаги Куръон қилдик» («Зухруф» сураси, 89-оят)<sup>407</sup> дейилган. Мусулмонларнинг муқаддас китобини бузишдан Аллоҳнинг ўзи химоя қилиши ваъда қилинган: «Албатта, бу зикрни (яъни Куръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни асрагувчимиз» («Хижр» сураси, 9-оят)<sup>408</sup>.

2. Мұхаммад пайғамбарнинг суннати ва ҳадисларисиз Куръонни тўлиқ тушуниб бўлмаслиги куйидаги оятда аниқ келтирилган: («Наҳъл», 16-44 оят). Айнан суннат ва ҳадисларда исломнинг Куръонда турли масалаларда белгиланган кўрсатмаларига аниқлик киритилган. Масалан, Куръонда закот ва намоз фарз қилинган, ҳадисларда эса закотнинг,

<sup>406</sup> А. Очилдиев ва бошк. Ҳидоят ортига яширинган залолат. – Тошкент : Тошкент ислом универсиитети, 2010. – 121 б.

<sup>407</sup> Мансур А. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т. : Тошкент ислом универсиитети, 2006. – 489 б.

<sup>408</sup> Ўша ерда, 262 б.

намознинг тартиби кўрсатилган. Куръонда ҳаж вақти тавоғ қилиниши буюрилган, ҳадисларда унинг айнан етти марта экани тушунтирилган.

3. Намоз масаласида Имом Насафий фарз қилинган намоз беш вақт эканига «Рум» сурасининг 17–18-оятларини тафсир қилгандаридан айтиб ўтганлар: «Бас, тунга кириш пайтингизда ҳам, тонгга кириш пайтингизда ҳам Аллоҳга тасбех айтингиз! Осмонлар ва Ердаги (айтилаётган барча) ҳамд Унга хосдир, кечки пайтда ҳам, қуёш заволи пайтига киришингизда ҳам (Унга тасбех айтингиз)»<sup>409</sup>.

Абу Масъуддан ривоят қилинади: «Набий (с.а.в.): «Жаброил тушиб менга имом бўлди. Бас, у билан намоз ўқидим. Сўнгра у билан (яна) намоз ўқидим, деб бармоқларини билан бешта намозни ҳисоб қилдилар»<sup>410</sup>. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда айтилади: «Набий (с.а.в.)га Исро кечасида эллик вақт намоз фарз қилинди. Сўнгра қисқартирилиб, беш вақтга келтирилди. Кейин эса: «Эй Мұхаммад, албатта, Менинг хузуримда гап ўзгартирилмайди. Албатта, сенга ушбу бештада эллектанинг (ажри) бор, деб нидо қилинди»<sup>411</sup>.

**«Бахшилҷочилар»** жамоасининг шаръий даъволарига ислом таълимотига мувофиқ куйидағи раддияларни бериш мумкин:

*Б.Алиев ўзини гўёки Маҳдий ва пайгамбар деб эълон қилган ва жамоада шаҳодат қалимасида Б.Алиевни пайгамбар дейини жорий қилинган.* Ислом таълимотида киёматга яқин инсонларни яхшиликка чорловчи «Маҳдий» (арабча – тўғри йўл кўрсатувчи)нинг келиши қачон ва қаерда пайдо бўлишини фақат Аллоҳ билади. Ҳадисларда Маҳдийнинг имом Ҳасан авлодидан бўлиши ва у пайгамбарнинг суннатига амал қилиши қайд этилган.

Куръонда Мұхаммад пайгамбар охирги расул экани аниқ айтилган бўлиб, бу масала ислом эътиқодининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. «Аҳзоб» сурасининг 40-оятида айтилади: «Мұхаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг пайгамбари ва пайгамбарларнинг сўнгтиси (хотами)дир. Аллоҳ барча нарсани билгувчи бўлган зотдир»<sup>412</sup>.

<sup>409</sup> Насафий. Тафсир ан-насафий. – Байрут, 1999. – 398 б.

<sup>410</sup> Олтин силсила: Саҳихул Бухорий. 1-жуз. – Т. : «Hilol-nashr», 2013. – 448 б.

<sup>411</sup> Ўша ерда, 345 б.

<sup>412</sup> Мансур А. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – 423 б.

Абу Хурайрадан ривоят қилган ҳадисда айтилади: «Бани Исройлни пайгамбарлар бошқаарди. Бирор пайғамбар ҳалок бўлса, ўрнига бошқаси келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқdir, фақат хукмдорлар бўлади»<sup>413</sup>.

Б.Алиев гўёки уни зиёрат этган шахс ҳажс амалини бажарган одамнинг савобини олишини, ўзига эргашганларга қиёматда саволжавоб йўқлиги, уларга шаҳидлик ва пайғамбарлик даражаси берилишини тарғиб қиласи. Куръонда: «Унда аниқ аломатлар – «Макоми Иброҳим бордир. Унга (Каъбага) кирган киши омонда бўлур. Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир. Кимда-ким (буни) инкор қиласа, бас, албатта Аллоҳ оламларидан беҳожатдир» («Оли Имрон» сураси, 97-оят) дейилган. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда эса «Ҳаж Арафададир» деб таъкидланади<sup>414</sup>.

Шунингдек, «Бахшиллочилар»нинг «намоз бир кеча-кундузга уч маҳалга фарз қилинган» деған иддаосини «Маърифатчилар» ва «Шоҳидийлар»нинг мазкур масаласидаги сохта даъволари каби юқорида келтирилган далиллар асосида рад этиш мумкин.

Диний-экстремистик оқим ва норасмий диний жамоа етакчилирининг сохта ғоявий-акидавий иддаоларини фош этиш, аҳолига мутаассиблик, зулм ва зўравонлик динимиз ва халқимиз табиатига бутунлай ёт эканини тушунтириш борасида ислом тадқиқот марказлари, ижтимоий йўналишдаги олий ўқув муассасаларнинг олим ва мутахассислари илмий изланишлар олиб бориб, илмий-оммабоп асарлар ёзиши ва кенг оммага етказишлари, ислом уламоларининг ОАВ, жума маърузалари ва диний-маърифий тадбирларда ақидапарастларнинг ғояларига қарши шаръий асосда раддиялар бериб боришлари муҳим аҳамиятга эга.

<sup>413</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳих (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 3455-ҳадис. – Т. : «Ўзбекистон миљий энциклопедияси» Давлат илмий нацириёти, 2008. – 619 б.

<sup>414</sup> Мишкотул масобих. Байрут. Ал-Мактаб ал-исламий. 1985. 2-ж. – 113 б.

## ХУЛОСА

Виждон эркинлиги шахснинг қонун билан кафолатланган исталган динга эътиқод килиш ёки қилмаслик, шунингдек дахрий (атеист) бўлиш хукуки саналади. Виждон эркинлиги демократиянинг муҳим ютуқларидан бири бўлиб, инсоннинг эътиқоди ва маънавий дунёсига бошқа одамлар, жамият ёки давлатнинг даҳлисизлигини таъминлайди.

XX асрдан буён виждон эркинлиги халқаро хукуқ меъёрлари таркибига киритилган ва «Инсонхукуқлариумумжаҳон Декларацияси» (1948 й.), «Фуқаро ва сиёсий хукуқлар бўйича Халқаро пакт» (1966 й.), «Дин ва эътиқод асосида муросасизлик ва дискриминация қилишнинг барча шаклларига барҳам бериш ҳақидаги Декларация»да (1981 й.) ўз аксини топган. Ушбу халқаро хужжатлар инсон ўзи истаган динга якка ёки жамоа таркибида эътиқод килиш хукуқига эга эканини эълон қиласди. Айни чоғда, диний қарашлар жамоат хавфсизлиги, тартиб, соғлиқ, жамиятда соғлом ахлоқий муҳитни сақлаш, бошқа одамларнинг хукуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар асосида чегараланади.

Диннинг жамият ижтимоий ҳаётидаги ўрни ўзаро қарама-қарши бўлган сакрализация\* ва секуляризация жараёнлари билан боғлиқ. Сакрализация (лотинчада «*sacer*» – муқаддас) ижтимоий ҳаётни, ижтимоий институтларни, кишилар ҳаёти ва онгини муайян диний эътиқод доирасида талқин қилиш ва изоҳлаш тушунилади. Farбда сакрализация жараёнлари тарихан клерикализация (лотинчада «*clericalis*» – черковга оид) шаклида бўлиб, черков жамиятда хукукий ва сиёсий институт мавқеида бўлган. Мусулмон мамлакатларида сакрализация ислом таълимоти жамиятнинг барча соҳаларини мутлақ эгаллаши, ҳар қандай урф-одат, анъана, удум ва одатларга диний қиёфа бериш ва жамиятни бошқариш ишларини ҳам илоҳийлаштиришда кузатилади.

Сакрализация/клерикализация оқибатида Farбда Жордано Бруно, Николай Коперник, Галилео Галилей, Шарқ заҳматкашлари Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби олимлар

дунёвий илмларни ривожлантиришга уринганликлари учун дин пешволари томонидан таъқиб қилингандар, қатор олимлар қатл этилганлар.

Сакрализацияга қарама-қарши жараён секуляризация (лотинча – «дунёвий») диний талабларнинг жамият ва киши ҳаётининг барча соҳаларидаги мутлақ хукмронлигига барҳам бериш, давлатни дин таъсиридан ажратишни назарда тутади. Эътироф этиш лозимки, Фарбда Реформация даврида бошланиб, XVIII асрга келиб барча мамлакатларда кенг тарқалган секуляризация фан ва техниканинг мислсиз тез ривожланиши учун асос бўлган. Қайси бир даражада Шарқ мамлакатларида секуляризация жараёни кечикканлиги Фарбдан технологик қолоқликка сабаб бўлган, дейиш мумкин<sup>415</sup>.

Шу билан бирга, секуляризацияни динсизлик – атеизм (дахрийлик) билан тенглаштирмаслик керак. Дунёвийлик Ўзбекистонда Конституция ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун билан кафолатлангани баробарида, дин жамиятни бирдамлик, тинчлик, эзгуликка ундовчи ва ахлоқий тарбия соҳасида муҳим аҳамиятга эга омил сифатида ўз ўрнини сақлаб қолади.

Афсуски, фуқароларнинг айрим тоифалари дунёвийлик сиёсатини тўғри идрок эта олаётгани йўқ. Айрим сүфий «тариқатчилар», «отинойилар» ва уларга эргашган фуқаролар секуляризм тамойилларини рад этиб, мутаассибона диний турмуш кечириб, бошқаларни ҳам шунга даъват қилиши кузатилмоқда. Фарзандларига дунёвий илм, тўғаракларга қатнашга, телевизор, радио, компьютердан фойдаланишга йўл қўймай, ўрта аср гояларини бугунги кунга жорий қилишга уриниш нафақат жоҳиллик бўлиб, дунёвий қадриятларга асосланган конституциямиз ва амалдаги қонунларимизга зид хатти-харакат ҳисобланади.

Юртимизда қадим замонлардан турли динга эътиқод қилувчилар тинчлик ва ҳамкорликда яшаб келганлар. Ўлкамизнинг турли нуқталарида масжид, черков ва синагогалар ёнма-ён фаолият кўрсатиб келгани, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида ҳам улар ўртасида келишмовчилик ва можаролар бўлмагани халқимиз учун диний бағрикенглик азалий қадрият эканидан далолат беради. Ушбу тарихий анъана ҳозирги кунда ҳам мамлакатдаги барча конфессия

<sup>415</sup> Нарбеков А. В. Диншунослик асослари. Ўкув қўлланмаси. – Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – 199–203 б.

вакиллари орасида ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларда давом этиб келмоқда.

Маълумки, ҳеч қайси диннинг ақидасида инсонларни бузғунчиликка чакириувчи ғоялар йўқ. Барча динлар инсонни яхшиликка, эзгу ишларга, ўзаро меҳр-муҳаббатга, тинчликка, меҳнатсеварликка чақиради. Аммо инсоният тарихида кўплаб жиноятлар айнан диний шиорлар остида амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Биргина «Муқаддас ерларни озод қилиш» шиори остида қарийб 200 йил (1096—1270) давомида Рим Папалари ва баъзи Ғарб мамлакатлари подшоҳларининг даъвати билан амалга оширилган салб юришлари\* оқибатида Яқин Шарқда минглаб бегуноҳ инсонлар қириб ташланган.

XVIII—XIX асрларда католик черковининг «бидъатчилар»нинг ишлари билан шуғулланувчи маҳсус судлари – инквизиция\* фаолияти оқибатида минглаб европаликлар динсизликда ёки жодугарлиқда айбланиб қатл этилган. Биргина Испаниянинг бош инквизитори Торквемад (XV аср) даврида 10 мингдан зиёд одам ёқиб юборилган<sup>416</sup>. Инквизиторлар қўлида ўз замонининг етук олимлари бўлган Ж.Бруно, Г.Галилей, Н.Коперник ҳалок бўлган.

XVIII асрда Арабистон яриморолида исломни «бидъат»лардан тозалаш шиори остида илк «ваҳҳобийлар» ўзларига қўшилмаган минглаб мусулмонларнинг умрига зомин бўлган.

Хозирги кунга келиб, ислом оламидаги кўпгина мамлакатларда диний-экстремистик гурухлар томонидан гўёки «ягона халифат» қуриш каби аслида хомхаёл бўлган шиор остида ишлаб-чиқариш корхоналари, турар жойлар, транспорт коммуникациялари портлатилиб, улкан иқтисодий зарар етказилмоқда, минглаб одамларнинг қони тўкилмоқда. Ақидапарастларнинг жаннатга тушиш ҳақидаги «ваъда»ларига учган аёллар ва ёшлар худкуш-террорчилик ҳаракатлари содир этиб, ўзларининг ҳам, бошқа бегуноҳ одамларнинг ҳам умрига зомин бўлмоқдалар.

Ислом оламида сўнгги йилларда кечеётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг таҳлили натижасида яқин келажақда стратегик, минтақавий ва маҳаллий даражада қуидагиларни баён этиш мумкин:

– стратегик жиҳатдан Ғарбдаги етакчи ҳарбий-сиёсий ва молия-

<sup>416</sup> Исторический словарь. Сайт «Академик». URL: <http://dic.academic.ru/dic.nsf/enc3p/139270>

вий доираларнинг манфаатини акс эттирувчи кучлар, бир томондан, «Ал-қоида» каби «жиҳодчилар» жамоаларининг фаоллашуви учун замин яратиб, иккинчи томондан, уларга қарши, яъни «халқаро терроризм»га қарши кураш шиори остида Африка ва Осиё мамлакатларидағи ички вазиятга Ғарбнинг ҳарбий-сиёсий аралашуви ортиб бориши эҳтимоли бор. Мазкур жараёнда Суриядаги каби қуролли тўқнашувларда иштирок этаётган жангари гурухлар асосида йирик ёлланма қуролли тузилмаларнинг вужудга келиши ҳамда мазкур иррегуляр қўшинларнинг Ғарбдаги айrim ҳарбий-сиёсий доиралар ва баъзи араб мамлакатлари раҳбарларининг минтақавий етакчилликка эришиш йўлидаги курашида муайян мамлакатларга қарши ишлатилиши мумкин. Ўз навбатида, мазкур харакатлар «миллий ҳаракат», «демократия ўрнатиш» каби шиорлар асосида олиб бориладиган аҳборот уруши билан ҳаспӯшланишини кутиш мумкин;

— суннийлар ва шиалар орасидаги қарама-қаршилик террористик харакатлар билан авж олдирилиб, минтақавий даражада Саудия Арабистони, Қатар, Туркия каби сунний давлатлар ва Эрон Ислом Республикаси орасидаги минтақавий рақобат асосидаги зиддиятларнинг янада чуқурлашувига сабаб бўлиши эҳтимоли юқори. Суннийлар ва шиаларнинг террористик гурухларининг фаолигини янги миқёсга олиб чиқиши, оқибатда аҳолиси ичда сунний ва шиалар бўлган мусулмон мамлакатларида йирик террористик харакатларнинг сони ва диний асосдаги қуролли тўқнашувларнинг кескин ортиши мумкин;

— етакчи геосиёсий куч марказлари томонидан «нотинчлик ёйи»да жойлашган мамлакатлар ҳудудида «Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қий»\* тамойили асосида тўёки миллий озчиликни ташкил этувчи халқларнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун автоном ҳудуд ёки мустақил давлатлар тузиш ташаббусларини илгари суриш орқали миллий асосдаги можаролар келтириб чиқарилишини кутиш мумкин;

— мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар мусулмон оламида фаолият юритаётган диний-экстремистик ва террористик ташкилотларнинг ташкилий ва тактик салоҳиятининг ошишига хизмат қиласи. Ушбу жараёнда Сурия, Сомали, Яман каби мамлакатлар ҳисобига жангариларнинг амалий «малака ошириш» ҳудудларининг кенгайиб бориши, Ливияда бўлгани каби йирик қурол-яроғ захираларининг норасмий қуролли тузилмалар қўлига ўтиб кетиши билан боғлиқ омиллар муҳим ўрин тутади.

Ўз навбатида, яқин келажақда Марказий Осиёда диний экстремизм ва терроризмнинг ривожланишида қуйидаги омиллар мухим ўрин тутади, деб тахмин қилиш мумкин:

—диний-экстремистик ва террористик ташкилотларнинг кринимал жиной гурухлар, айниқса, трансмиллий миқёсда ноқонуний қурол-ярог, гиёхванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи уюшган жиной гурухлар билан алоқаларининг мустаҳкамланиб бориши, ушбу жараённинг миллий давлатлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсирининг ошуви;

— Афғонистондан ISAF ҳарбий кучларининг олиб чиқиб кетилиши оқибатида Толибон ҳаракатининг кескин фаоллашуви, ушбу ҳаракатнинг яқин иттифоқчилари бўлган «Туркистон ислом ҳаракати» ва «Ислом жиҳоди иттиҳоди» каби гурухлар томонидан Марказий Осиё республикаларига йўналтирилган террористик таҳдид<sup>417</sup>нинг ошиши. Маълумотларга кўра, ҳозирнинг ўзида «Ал-Қоида» ташкилотининг Шимолий Кавказ ва Марказий Осиёдан чиқкан жангари гурухлар билан биргаликда Афғонистон шимолининг шимоли-ғарбий худудларида қароргоҳлар тизимини шакллантиришга қаратилган ҳаракатлари кузатилмоқда<sup>417</sup>;

— АҚШ — Эрон қарама-қаршилигининг кучайиши ва халқаро аксилтеррористик кучлар чиқиб кетгандан сўнг Афғонистондаги вазиятнинг кескинлашуви оқибатида жаҳон сиёсатида аҳамияти янада ошуви кутилаётган Марказий Осиёда йирик геосиёсий куч марказларининг ўз таъсирини оширишга қаратилган рақобат-чилигининг кучайиши ҳамда мазкур жараённинг минтақавий барқарорликка салбий таъсир ўтказиши;

— Сурияда ҳукумат кўшинларига қарши жанговар ҳаракатларда иштирок этган Марказий Осиё мамлакатлари фуқароларидан ташкил топган жангари гурухларнинг ҳомийлари томонидан ушбу минтақа мамлакатларида кескинлик келтириб чиқаришга жалб қилинипи.

Масаланинг эътиборли жиҳатларидан яна бири шуки, агар 1990-йилларда Марказий Осиё минтақасида фаолият юритган диний-экстремистик гурухлар исломий ғоялар таъсиридаги тарқоқ жамоалар бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сифат жиҳатлари тубдан

<sup>417</sup> Кто готовится взорвать Среднюю Азию. Выступление эксперта фонда «Наследие» («The Heritage Foundation», США) Джейкоба Зенна на слушаниях в Конгрессе США. Сайт «Vesti.uz», 13.07.2013. URL: [http://www.vesti.uz/index.php?option=com\\_content&view=article&id=37890:2013-07-13-03-17-31&catid=19:politics&Itemid=39](http://www.vesti.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=37890:2013-07-13-03-17-31&catid=19:politics&Itemid=39)

Ўзгарди. Ҳозир ТИХ, «Ислом жиҳоди иттиҳоди» каби минтақавий террористик гурухлар Толибон ҳаракати ва «Ал-Қоида» ташкилоти билан тизимли алоқага эга, Афғонистон ва Покистон ҳудудларида АҚШ етакчилигидаги ҳалқаро аксилтеррористик кучларга қарши жангларда катта тажриба орттириди.

Жиҳодий-салафий гурухлар минтақада асосий нишони бўлиш эҳтимоли катта бўлган ҳудудлар қаторида Фаргона водийси, айниқса, Қирғизистоннинг жанубий вилоятлари, Тоҷикистоннинг Тоғли Бадаҳшон автоном области ва Раҷшт водийси, шунингдек, Қозогистоннинг ғарбий областларини алоҳида кайд этиш мумкин. Фаргона водийси минтақа бўйича аҳоли энг зич жойлашгани ва диний эътиқод юқори экани билан ажralиб туради.

Тоғли Бадаҳшон автоном области Афғонистон билан чегарадош тогли ҳудуд бўлиб, чегаранинг заиф қўриқланиши жангарилар учун қулай шаронт яратмоқда. Раҷшт водийси эса Тоҷикистоннинг марказидаги диний-экстремистик гурухларнинг террористик ҳаракатлари даврий тақрорланиб турган нотинч ҳудуд саналади.

Мутахассислар Қозогистоннинг нефтга бой Каспий бўйи ва Ғарбий Қозогистон ҳудудларига салафий ғоялар икки йўналиш орқали – Шимолий Кавказ ва Саудия Арабистонидан кириб келиши оқибатида ушбу ҳудудда ўшларнинг ичидаги «исломийлашув» жараёнларининг чуқур тус олганини таъкидламоқдалар. Сўнгги йилларда «Жундул халифат» ва бошқа «жиҳодчилар» жамоалари томонидан Ғарбий Қозогистонда бир неча терорчилик ҳаракатлари содир этилди.

Юқорида қайд этилганларга асосланган ҳолда, бугунги кунда минтақавий тинчликни асраш ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш давлат ва жамият олдидағи долзарб масала экани, ушбу йўналишда давлат идоралари, жамият ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлигини ошириш зарур экани ҳақида хulosса қилиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: »Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хulosса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ўш авлод онгидаги мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйнлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак»<sup>418</sup>.

<sup>418</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т : Маънавият, 2008. – 119 б.

Маълумки, ҳозирги кунда Марказий Осиёning геосиёсий аҳамиятини миңтақанинг мавжуд транскоммуникацион алоқалар тизими, табиий бойликлари, шунингдек «оловли нукталар» билан чегарадош экани белгилаб бермоқда. Жумладан, миңтақа Европа билан Шарқий Осиё ва Яқин Шарқни, Европани Хитой ва Ҳиндистон билан туташтириб туради. Ушбу ҳудуд орқали стратегик аҳамиятга эга «Шимол-Жануб» йўналишидаги Россия-Қозогистон-Туркманистон-Эрон транспорт коридори кесиб ўтади.

Марказий Осиёда қимматбаҳо ва рангли металларнинг, уран ва углеводородли ресурсларнинг катта захиралари жойлашган. Ҳусусан, Қозогистон нефт захиралари, Туркманистон эса газ захиралари билан дунёда етакчи ўринларда турадилар. Ўзбекистон аниқланган олтин захиралари бўйича дунёда тўртингчи ўрин, мис захиралари бўйича ўнинчи ўрин, уран захиралари бўйича еттингчи ўрин ва экспорти бўйича учинчи ўрин, табиий газ захиралари бўйича ўн тўртингчи ўрин, пахта толаси экспорти бўйича иккинчи ўрин, шунингдек вольфрам, калийли туз, фосфорит, каолин каби бойликлари бўйича дунёда етакчи ўринларда туради<sup>419</sup>.

Марказий Осиё миңтақаси Россия, Хитой каби етакчи мамлакатлар ва бугунги кун геосиёсатида муҳим ўрин эгаллаб турган Афғонистон, Эрон каби мамлакатлар билан чегарадош бўлган муҳим геостратегик ҳудуд хисобланади. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов қайд этганларидек, «Марказий Осиё давлатларининг замонавий геосиёсий тизимлардаги аҳамияти шунчалик сезиларли ва юқорики, ушбу мамлакатларда рўй бераётган воқеалар етакчи давлатлар ва турли геосиёсий тузилмалар манфаатларига бевосита тегиб ўтади»<sup>420</sup>.

Миңтақа аҳолисининг деярли 45 фоизи истиқомат қиласидаган, энергетик захиралари ва қазилма бойликлари бўйича дунёдаги етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турувчи Ўзбекистон жаҳон геосиёсий тизимидағи ўрни ва геостратегик салоҳияти билан Марказий Осиё миңтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда устувор ўринга эга.

<sup>419</sup> Сайт «Узбекское агентство по печати и информации». URL: <http://www.api.uz/ru/top/uzbekistan/>

<sup>420</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т. : «Ўзбекистон», 1997. – 219 б.

Бугунги кунда республика мутасадди идоралари томонидан халқаро ва иккىёклама тартибдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш, диний экстремизм ва терроризм вужудга келишига сабаб бўлувчи ижтимоий-иктисодий, сиёсий омилларни бартараф этиш, ақидапараст гурухларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш каби йўналишларда самарали иш олиб борилмоқда. Диний соҳадаги қонунбузарликларга қарши курашда давлатнинг дунёвий характерини ҳимоя қилиш, қонунийлик, айбизлик презумпцияси ва жиноятнинг муқаррар жазоланиши, шунингдек, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг устиворлиги асосий тамойиллар сифатида кўрилмоқда.

Диний экстремизм, умуман, диний соҳадаги миссионерлик, ноқонуний диний таълим бериш каби қонунбузарликлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда жамоатчиликнинг ижтимоий шерикчилик асосида фаоллигини ошириш муҳим омил саналади. Жамоатчилик ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат ва диний ташкилотлар, ОАВ, алоҳида фуқаролар позициясидан диний экстремизм ғояларига қарши ахборот-аксилтарғибот кураши ташкил этишда, шунингдек, миссионерлик, прозелитизм, ноқонуний диний жамоалар ва «хужралар» фаолиятининг олдини олишга қаратилган профилактик ишларни ўтказишда ташаббускор бўлиши ҳозирги замон талаби ҳисобланади.

Шу билан бирга, ёш авлодни ватанпарвар, халқпарвар, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга ғамхўрлик қилиш нафақат ҳукуматимиз, балки жамоат ва диний ташкилотлар, ҳар бир ота-онанинг ҳам муқаддас бурчи ҳисобланади.

Жамиятда барқарорликни сақлаш барча фуқаролардан шахсий маъсулият талаб қиласи. Афсуски, ҳаётда содир бўлаётган айrim ноқонуний ишларни кўриб қўрмасликка оладиган, тинчликни сақлаш фақат давлатнинг иши деб ўйлайдиганлар ҳам борлигини қайд этиш лозим. Шунинг учун маънавият ва маърифат, тарбиявий ишларда соҳтакорлик, шошма-шошарлиқдан қочишимиз, ушбу масалага кундалик ишлардан кейинги ўриндаги масала сифатида қарашга барҳам беришимиз керак.

Умуман, республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тадрижий тараққиётни таъминлаш, шунингдек, диний экстремизм, терроризм таҳдидлари, миссионерлик билан боғлиқ салбий ҳолатлар, диний соҳадаги бошқа ҳукуқбузарликларга қарши курашда давлат ва жамоат

ташкилотларининг ҳамкорликдаги амалий фаолиятида қўйидаги йўналишлар устивор аҳамият касб этади:

Ижтимоий-иктисодий ва сиёсий соҳада:

— давлат ҳокимият идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамият ташкилотларининг диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг республика, минтаقا ва маҳаллий даражадаги стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг изчил ижросини амалга ошириш;

— диний экстремизмга қарши курашнинг ахборот-тарғибот йўналишини самарали ташкил этиш орқали диний мутаассибликка мойиллиги бор ижтимоий гурухларга ижобий таъсир ўтказиш;

— турли ташкилотлар учун аксилтеррористик дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлаш, молиявий манбаларини белгилаб қўйиш;

— жамиятдаги турли ижтимоий табакалар орасидаги тафовутнинг чуқурлашуви ва аҳолининг маълум қисмининг маргиналлашуви жараёнларини секинлатиш ва барҳам беришга қаратилган мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни янада кенгайтириш;

— янги иш жойлари яратиш орқали ишсизликни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларни устивор йўналиш сифатида молиялаштириш, тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза ишларини янада такомиллаштириш, хайрия ёрдам ишларини кенгайтириш орқали мутаассиб гурухларнинг моддий манбаатдорлик омилидан ўз гараз мақсадларида фойдаланиш имкониятларини йўққа чиқариш;

— коррупцияга қарши курашни янада фаоллаштириш, порахўрлик билан хусусий секторни ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатига тўсқинлик қилаётган ҳолатлар билан муросасиз кураш олиб бориш;

— аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ қисмига мансуб фуқароларга ижтимоий-иктисодий ёрдам (нафақа, имтиёзлар, текин ҳуқуқий, психологик консультациялар) кўрсатиш тизимини такомиллаштириб бориш, минтақавий ва индивидуал мақсадли дастурлар амалга ошириш;

— ёшлар учун минтақавий маҳсус иқтисодий дастурлар (ёш оила, ёш мутахассислар) ишлаб чиқиш ва доимий ижросини йўлга қўйиш;

– маданият ва истироҳат объектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаб бориш, улардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш.

#### Ахборот-таргибот соҳаси:

– аҳолига умуминсоний қадриятларни сингдиришга қаратилган тадбирларни ўтказишни фаоллаштириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда республика ва минтақалар даражасида замонавий ахборот ва пиар-технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш;

– аҳолини террористик хатардан тезкор огоҳ этувчи, фуқаролар билан иккиёқлама алоқага асосланган самарали тизим яратиш ва унинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш, фуқаролар диний экстремизм ва терроризм ҳақида ишончли маълумот олиши мумкин бўлган ахборот манбалари (журналлар, сайтлар) тизимини шакллантириш ва уларни доимий равишда маълумотлар билан бойитиб бориш;

– диний ақидапарастлик ва терроризмга қарши буклетлар, эслатмалар, брошюралар чоп этиш, тематик ижтимоий роликлар, фильмлар яратиш, мавзуни матбуот ва телевизия- ва радиоэфирда ёритиб бориш;

– ёшлиарда асл демократия, умуминсоний ва миллий қадриятларимизга хос тушунча ва кўнікмаларни чукур шакллантириш, «демократия экспорти», «рангли инқолоблар», «гуманитар интервенция», «араб баҳори» каби бир қараашда жозибали тушунчалар замирида аслида муайян доираларнинг геосиёсий мақсадлари яширгани, улар оқибатида тинч ривожланаётган жамиятларда чукур ижтимоий-сиёсний, иқтисодний таназзуллар юзага келишини ҳаётий мисоллар билан тушунтириб бориш;

– ОАВда зўравонлик, мутаассиблик, ижтимоий ахлоқсизлик, маънавий тубанликни қораловчи чиқишиларни мунтазам бериб бориш ҳамда жангарилик, «оммавий маданият» унсурларини тарғиб қилувчи фильм ва кўрсатувларни намойиш этишни ман этиш;

– Интернет тармоғида республикада диний соҳада эришилаётган ютуқлар, юртимиздаги ислом тарихи, таълимоти, маданияти, санъати, меъморчилигига оид қўлёзма асарлар ва архитектура ёдгорликларини кенг тарғиб қилиш, диний ақидапарастлик ва миссионерлик билан боғлиқ

таҳдидларни фош этиш ҳамда Ўзбекистондаги диний вазият ҳакида тарқатилаётган иғво маълумотларга ўз вақтида объектив раддиялар бериб бориш;

– Интернет тармоғи орқали диний экстремизм ва терроризм ғояларини тарқаталаётган сайтларнинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатишига чек қўйиш, ёшларга Интернет тармоғидаги ижтимоий тармоқ ва форумларнинг ижобий ва салбий томонларини, хатарли жиҳатларини, иғво маълумотлар таъсирига тушиб қолмасликни тушунтиришга қаратилган ишларни фаоллаштириш;

– учрашувлар, давра сұхбатларини тизимли ва қизиқарли, замонавий мульти-медиа воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда ташкил этиб, диний экстремизм ғояларини ижтимоий иллат ва диний жиҳатдан сохталаштирилган ақидаларга асосланишини фош этиш, шунингдек, адашган шахсларни қайта тұғри йўлга солишига қаратилган тарбиявий ишларни ташкил этиш;

– дин уламолари томонидан исломда одам ўлдириш, фитна чиқариш, айниқса, ўз юртига қарши чиқиш, ота-она ва оиласини қаровсиз қолдириш, мусулмонларни динсизликда айблаш, ўз-ўзини ўлдириш оғир гуноҳ хисобланиши, жамиятда тинчликни асраш, илмга интилиш, одамларга меҳр-оқибат, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш мусулмонларнинг бирламчи вазифалари эканини тушунтириш, шунингдек, ақидапараастларнинг «хижрат» ва «жиход» ғоялари сохта ва исломга қарши мақсадларга хизмат қилиши ҳакида тарғибот ишларини тизимли асосда амалга ошириш;

– масжидларда ва диний тадбирларда республиканинг мусулмон аҳолиси учун анъанавий бўлган ҳанафийлик мазҳабига риоя қилинишини таъминлаш, диндорлар ичида маърифий ислом ғояларини кенг тарғиб қилиш;

Маданият-маърифат, таълим соҳасида:

– таълим тизимининг барча даражасида ўзбек халқига хос миллий-маданий ва маънавий-маърифий қадриятлар, ватанпарварлик, демократия ва диний бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб этиш;

– диний экстремизм ва терроризм таҳдидларига қарши ахборот-тарғибот кураши ўйналишида республика ва минтақалар даражасида малакали тарғиботчилар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини яратиш, диний соҳадаги давлат сиёсатини фуқароларга

тушунтирувчи мутахассислар (маънавият соҳаси ходимлари, диншунос ўқитувчилар ва ҳ.к.) касбий малакасини ошириб бориш;

– маърифий тадбирлар билан аҳолининг барча ижтимоий қатламларини, шу жумладан, тадбиркорлар, уй бекалари, ишсизлар, вактинча яшаш жойида истикомат қилаётган фуқароларни қамраб олиш, одамларнинг онгига диний экстремизм ва терроризм қурбони бўлиш алоҳида шахс ёки муайян ижтимоий гурухга эмас, балки жамиятнинг барча қисмига баробар таҳдид солишини сингдириб бориш;

– аҳолининг умумий билим савиёси, маданият, санъат соҳасидаги дунёкарашларини кенгайтирувчи аҳборот фондлари (электрон кутубхоналар, таълим марказлари ва ҳ.к.) очиш, уларга аҳолининг кенг қатламлари кира оладиган шароит яратиш;

– фуқароларнинг ижодий салоҳиятларини очишиларига шароит яратишга қаратилган маданий-маърифий ишларни (конкурслар, кўргазмалар, ижодий уюшмалар ташкил этиш ва ҳ.к.) янада такомиллаштириш, бундай тадбирларда дабдаба ва кўр-кўроналикка йўл қўймаслик;

– жойларда, айниқса, маҳаллаларда хүшёрлик ва огоҳликни таъминлаш, ёшларнинг тарбияси масаласида оила маъсулиятини ошириб, жамоатчилик назоратини оила-маҳалла-ўқув муассасаси/иш жойи тизимида доимий равиша ташкил этиш.

Ташкилий-хукуқий соҳада:

– хорижий мамлакатларда, Россия, Туркия, Эрон, араб давлатларида таҳсил олаётганлар, доимий асосда чет давлатларга чиқаётган тадбиркорлар ва уларнинг оила аъзолари билан уларнинг диний экстремистик оқимлар ва ғараз мақсадли миссионерлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишларини доимий ўтказиб бориш;

– ёшларнинг ноқонуний йўллар билан Туркия, Эрон, араб мамлакатлари диний ўқув муассасаларига киришларига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш;

– доимий асосда меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари билан уларнинг диний-экстремистик оқимлар ва миссионерлар таъсирига тушиб қолишлиари олдини олишга қаратилган профилактика ишларини ўтказиб бориш;

– жойларда хурофотга берилган, диний турмуш тарзини мутаасибона тарғиб қилаётган фуқаролар, жумладан, айрим соҳта пир-

эшонлар, «отинойилар» билан тизимли равища профилактик тушунтириш ишлари олиб бориш;

— замон талабларига монаңд равища экстремизмнинг турли кўринишлари, терроризм, диний ақидапарастилик каби таҳдидларга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш.

Тинчликни сақлаш хүшёрлик ва огоҳликни талаб қиласди. Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов 2014 йил 31 август куни «Шаҳидлар хотираси» мажмуасида таъкидлаганларидек: «Диний қадриятларнинг, эзгуликнинг, инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузгунчи оқимларни жиловлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, мана шундай тинч, мусаффо осмон остида бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиб, шукроня келтириб яшаётган олижаноб ҳалқимизнинг тинч ҳаётини ҳар қандай балоқазолардан асрашга ўз ҳиссамизни қўшиш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз бўлиши керак»<sup>421</sup>. Зоро, барқарорликни таъминлаш учун йирик куролли кучларга эга бўлиш ёки уларнинг доимий жанговар тайёрлиги етарли эмаслигини бугунги кунда қатор мамлакатлардаги бекарорликлар мисолида гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шу нуқтаи-назардан, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олган ҳозирги замонда ёшларда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусини, эркин жамиятда яшаш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидокорлик билан кураша олиш қобилиятини янада чукурроқ шакллантириш ва кучайтириш ўсиб келаётган авлодни кучли мафкуравий иммунитет\* ва юксак маънавиятга эга шахс сифатида тарбиялаш Ўзбекистондек буюк Ватанимиз келажагига ўзини маъсул деб ҳисобловчи барча юртдошларимизнинг муҳим вазифаларидан бўлиб қолади.

<sup>421</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 1 сентябрь 2014 йил..

## ИЛОВАЛАР

*I-илова*

### ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ АХБОРОТ-МАФКУРАВИЙ КУРАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

#### 1. Ахборот-тарғибот ва аксилтартарғибот ишларини ташкил этиш

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мазкур муаммони фақат ҳарбий куч ишлатиш билан тўла ҳал этиб бўлмайди. Уларни такрор ишлаб чиқариш тизими сақланиб қолар экан, қайд этилган таҳдидлар сақланиб қолади. Диний экстремизм ва терроризмни такрор ишлаб чиқариш тизимининг муҳим бўғинлари ақидапарастлик ва терроризм мафкураси, уларнинг илҳомчилари ва даъватчилари, мазкур мафкурани тарқатиш каналлари ва улар таъсирига тушаётган шахслар хисобланади.

Интернет ва бошқа коммуникация воситаларининг ўта ривожланиб кетиши ахборот тарқатиш, хусусан, ғоявий-мафкуравий таъсир ўтказиш имконини борган сари кенгайтириб юбормоқда. Ҳозирги кундаги мафкуравий кураш – бу инсонларнинг қалби ва онги, эътиқоди, дунёқарashi, ижтимоий-сиёсий, маънавий тимсоллари учун курашdir. **Мафкура** (араб. «фикрлар мажмуи») – муайян ижтимоий гурух, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими хисобланади<sup>422</sup>.

**Маънавий таҳдид** – тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши

<sup>422</sup> Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. -- Т. : «Akademiya», 2007. – 184 б.

қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, гоявий ва информацион хуружлардир<sup>423</sup>.

Шу нуқтаи-назардан, илмий асосланган, технологик жиҳатдан тартибга солинган, дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга мос (адекват) ахборот-мафкуравий курашни – аксилтарғибот ишларини тўғри ташкил этиш диний экстремизм мафкураси тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. *Аксилтарғибот ишлари – мафкуравий курашнинг специфик қўриниши бўлиб, душман кучларнинг ахборот-кўпоруевчилик ва психологик ҳужумини зарарсизлантиришига қаратилган сиёсий, гоявий, ташвиқот ва ташкилий чора-тадбирлар мажсуми ҳисобланади*<sup>424</sup>.

«Тарғибот» (лот. «propaganda» – оммалаштирмоқ, тарқатмоқ) ишлари» кенг маънода инсонларда муайян ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, диний-руҳий дунёқарашни шакллантириш орқали уларнинг ижтимоий фаолияти ва ҳаётий позициясига таъсир кўрсатувчи ахборот тарқатишни англатади. Тарғибот кўпроқ тор маънода, яъни сиёсий ёки мафкуравий тарғибот маъносида ишлатилиб, шахс, ижтимоий гурӯҳ, миллат, жамият онгига зарур сиёсий-мафкуравий тушунчаларни сингдириш мақсадида тизимли равишда таъсир ўтказиш назарда тутилади.

Функционал жиҳатдан диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни олдини олувчи (превентатив), регулятив (сиёсий ёки ҳуқуқий услублар билан барҳам бериш ёки «юмшатиш») ва репрессив (жинояччиликни тийиб туриш, жинояччиларни жазолаш) турларга ажратиш мумкин. Кенг маънода превентатив кураш тури диний экстремизм ва терроризмнинг барча қўринишларини олдини олишга қаратилган<sup>425</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, мафкуравий таҳдидлар ўта хатарли ва нозик тус олган бир шароитда аҳоли, айниқса, ёшлар ичida гоявий тарбияга йўналтирилган тарғибот ва аксилтарғибот ишларининг долзарб йўналишлари сифатида куйидагиларни қайд этиш мумкин:

– ғараз мақсадларда амалга оширилаётган гоявий таъсирларга

<sup>423</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент : Маънавият, 2008. – 14 б.

<sup>424</sup> Цыганов В. МЕДИА-ТЕРРОРИЗМ: Терроризм и средства массовой информации. – К. : Ника-Центр, 2004. – С. 91.

<sup>425</sup> Устинов В. Обвиняется терроризм. – М. : ОЛМА-ПРЕСС, 2002. – С. 10.

қарши ҳар бир фуқарода мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш, мавжуд маънавий-мафкуравий таҳдидларни тўғри баҳолаш, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқара олиш қобилиятини шакллантириш;

– кучайиб бораётган мафкуравий таҳдидларга нисбатан доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашни ўргатиш;

– фуқароларнинг миллий қадриятлар, ватанпарварлик, давлат ва жамият манфаатларига садоқат, ор-номус, уят ва андиша каби ахлоқий туйғу ва тушунчаларни маъно-мазмунини чукур англаб етишига ва амал қилишига эришиш;

– бепарволик ва лоқайдликнинг олдини олиш, хушёрлик ва жонкуярликни тарбиялаш, мамлакат тақдирига даҳлдорлик туйғусини камол топтириш<sup>426</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётган таҳдидлар ичида диний экстремизм ва миссионерлик, шунингдек, «оммавий маданият»\* ғоялари алоҳида ўрин тутмоқда. Шу нуқтаи-назардан, тарғибот ишлари – республикада соғлом мафкура<sup>\*</sup>ли муҳитни таъминлаш, фуқароларда диний-экстремистик оқим, миссионерлар ва бошқа ёт мафкуравий марказларнинг тажовузларидан ғоявий иммунитетни шакллантириш, юрт тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашда, огоҳлик, шахсий масъулик ва даҳлдорлик ҳиссини оширишга йўналтирилган маънавий-маърифий фаолият тизимини англатади.

Президент Ислом Каримов халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг даҳлсизлигини асраш ҳақида тўхталиб, «Мен ҳаётда кўп бора ўз тасдигини топган ҳақиқатдан келиб чиқкан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшшимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чукур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин», деган<sup>427</sup>.

<sup>426</sup> Очилдиев А. Мафкуравий таҳдидлар ва ғоявий тарбиянинг долзарб масалалари // Маънавий ва диний стуклик – давр талаби / тўпловчилар Исломов З., Шожалилов Ш. – Т. : Тошкент ислом университети, 2009, 444 бет. – 381–382 б.

<sup>427</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т. : Маънавият, 2008. – 115–116 б.

Диний соҳадаги аксилтариғибот ишлари – Ўзбекистонга қарши ғараз мақсадларда амалга оширилаётган мафкуравий қўпорувчилик ишларига қарши жавоб тарғибот ишлари бўлиб, республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, иқтисодий, маданий-маънавий, диний соҳаларида кечайётган жараёнларга нисбатан тарқатилаётган уйдирма ва бўхтонларнинг олдини олиш ва фош этишга йўналтирилган маънавий-маърифий фаолият тизимини англатади.

Аксилтариғибот ишларининг асосий функциялари:

- фуқароларни Ўзбекистон давлати ва жамиятига нисбатан тухмат ва ёлғон маълумотлардан ҳимоя қилиш;
- мафкуравий тажовуз<sup>\*</sup>ларга қатъий қарши зарба бериш;
- фуқароларнинг онгида турли ақидапараст оқим ва миссионерлик жамоаларининг соҳта foялари, умуман, миллий манфаатларимизга зид барча ёт мафкураларга нисбатан муросасизликни шакллантиришдан иборат.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши ахборот-мафкуравий курашнинг учта устивор йўналишлари мавжуд:

*1. Оммавий ахборот воситалари.* ОАВ замонавий жамиятда жамоатчилик фикрини шакллантирувчи кучли курол саналади. Маълумки, диний экстремизмга муносабат, бошқа сиёсий жараёнларга нисбатан бўлгани каби, инсонларнинг ижтимоий онгида шаклланади. ОАВ диний экстремизм ҳақида маълумот берувчи муҳим манба сифатида ўз аудиториясининг мазкур масалага муносабатини шакллантириши ва ўзгартира олиши мумкин.

Жамоатчилик билан алоқа террорчиларнинг муҳим қуроли бўлиб, ОАВ ушбу қуролдан фойдаланишдаги асосий восита ҳисобланади. Террорчилар ОАВ орқали жамият ичидаги вахима ва қўркув тарқатишга, фуқароларнинг давлат уларни муҳофаза қила олишга бўлган ишончини йўққа чиқаришга ҳаракат қиласди<sup>428</sup>.

Интернет тармоғида тарқатилаётган маълумотлар таҳлили диний экстремизм foяларининг тарғиботи хужумкор ва агрессив тарзда, чуқур назарий асосда амалга оширилаётганидан далолат бермоқда. Ўзбекистонга таҳдид солаётган аксарият экстремистик сайтлар, блог ва форумлар рус ва ўзбек тилларида бўлиб, хориждаги манфаатдор

<sup>428</sup> Панкова Л. Н., Таранухи Ю. В. Профилактика (предупреждение) экстремизма и терроризма. Методическое пособие для пропагандистов. – М. : Университетская книга, 2010. – С. 259.

кучлар томонидан нафақат республикада, балки Марказий Осиёда бекарорлик келтириб чиқариш мақсадида фойдаланилмоқда. Мазкур сайтларда диний экстремизм мағұраси билан бирга давлатлараро низолар келтириб чиқаришга мүлжалланған айрмачилик ва милдатчиликни авж олдиришга қаратылған ғоялар ҳам илгари суримоқда.

Бундай шароитда республика ОАВ олдидаги долзарб вазифалардан бири диний экстремизм ва терроризм мағұрасини тарғиб қилаёттәнларнинг қабиқ режаларини рўйи-рост очиб ташлаш ҳисобланади. ОАВнинг диний экстремизм ва терроризмга ахборот-мағуравий кураши самарасини оширишда куйидаги чора-тадбирлар мухим ўрин эгаллайди:

- диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг турли жиҳатларига бағищланған давра суҳбатлари, қўрсатувлар ва эшилтиришлар, фильмлар, роликлар тайёрлаш ва уларни телевидионинг радиоканалларда эфирга узатиш, Интернет тармоғига жойлаштириш;

- даврий нашрларда диний экстремизм ва терроризм мавзуларини тизимли равишда ёритиб бориш, фақат ахборот тарздаги маълумотлар билан чегараланмай, илмий ёритилған таҳлилий мақолалар беришга ургу бериш;

- Интернетдаги ижтимоий тармоқларда диний бағрикентглик, ватанпарварлик мавзуларида форумлар ташкил этиб, уларга ёшлар ичидаги хурматга эга спортчилар, хонандалар, киноактерларни жалб этиш;

- Интернет тармоғида диний экстремизмга қарши кураш мавзуларида ёшлар учун қизиқарли шаклларда (видероликлар, комикслар, карикатуралар) конкурслар ташкил этиш;

- диний экстремизм ва терроризмга қарши мавзуларда ахборот порталлари ташкил этиш, уларда ахборот (мавзуга оид янгиликлар, диний соҳада қабул қилинган қонун ва норматив ҳужжатлар, китоблар) берип бориш, мутахассисларнинг мавзуга дискуссияларини ташкил этиш, таҳлилий мақолалар жойлаштириш;

- диний экстремизм ва терроризм масалаларини ёритувчи маҳаллий ва марказий ОАВ журналистлар жамоасини шакллантириш, уларни мавзуга оид маълумотлар билан таъминлаб бориш. Мавзуни яхши ўзлаштирган журналистлар жамиятнинг турли ижтимоий табақа ва гурӯхларига тушунчаларни осон етказади. Ихтисослашган

журналистлар орқали оммага диний экстремизмга қарши мафкуравий кўрсатмаларни сингдириш орқали жамоатчиликда фаол фуқаровий позицияни шакллантириш мумкин;

– ОАВ орқали аҳолини диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўналишида олиб борилаётган ишлар ҳақида хабардор қилиб бориш. Мавжуд муаммони яшириш доим ҳам ижобий натижа бермайди. Аксинча, аҳолига муаммонинг моҳиятини тушунтириб, давлат унга қарши қандай кураш олиб бораётганини етказиши ижобий омил ҳисобланади;

– ОАВда диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш соҳасида давлат ва ўзини бошқариш идоралари, жамоат ва диний ташкилотларнинг ҳамкорлигини ташкил этишда эришилган ютуқларни оммалаштириш.

Айни чоғда, диний экстремизм ва терроризм мавзуларини ёритишида журналистлар этикасини тарбиялаб бориш ҳам муҳим омил саналади.

Жумладан, ОАВда диний экстремизм ва терроризм ҳақида берилаётган материаллар аудиторияни тушкунликка (кўрқиши, ўзини ҳимоясиз ҳис этиш, хавотир ва вахимага берилиш) туширмаслиги лозим.

Шунингдек, терроризм мавзусини ёритишида журналистлар куйидаги маълумотларни тарқатмасликлари керак:

- акситеррористик операция ўтказувчи маҳсус кучларнинг услуг ва тактикарини фош этувчи;
- аксилтеррористик операция ўтказилаётган худуддаги одамларнинг соғлиғи ва ҳаётига таҳдид уйғотувчи;
- диний экстремизм ёки терроризмни оқловчи;
- аксилтеррористик операцияда иштирок этаётган шахслар ҳақида.

2. *Коммуникатив асосдаги ахборот-тарғибот тадбирлари* тури аудитория ёки якка тартибда амалга ошириладиган бевосита мулоқотта асосланган бўлиб, улар семинарлар, учрашувлар, конференциялар, шунингдек, умумий ёки якка тартибдаги суҳбат шаклларида ўтказилиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ахборот технологиялари юксак суръатларда ривожланаётгани ва ОАВдан интерактив тарзда фойдаланиш имконияти ошиб бораётганига қарамай, ҳозирги вақтда ҳам иккιёклама мулоқотга асосланган омма

билан ўтказиладиган тарғибот ва аксилтартғибот ишлари энг кўп кўлланувчи ва самарали амалиёт сифатида сақланиб қолмоқда. Бундай тадбирларга учрашувлар, семинарлар, давра сухбатлари киради. Мазкур тадбирларнинг самарадорлигини ошириш кўп ташкилий ишларнинг юқори савияда ўтказилиши ва маърузачининг аудитория олдида таъсирчан маъруза қила олишига боғлиқдир.

Иккинчи томондан, диний экстремистик оқим аъзоларига уларнинг хато йўлини тушунтириш, мутаассиб диний ғояларга берилган шахсларни жиноий йўлга кириб кетишидан огоҳлантиришга қаратилган тарбиявий ишларнинг самараси кўп жиҳатдан тарбияловчининг психологик қобилиятлари ва коммуникатив технологияларни қанчалик пухта ўзлаштирганига боғлиқ.

Ҳозирги кунда коммуникатив асосдаги ахборот-тарғибот тадбирлари республикада энг кўп кўлланилаётган услублар сирасига киргани сабабли улар ушбу бобнинг кейинги мавзуларида кенгрок ёритилган. Бу ерда эса айрим умумий тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ, деб топилди:

— жамиятда, айниқса, ёшлар ичидаги диний экстремизмга қарши инсоннинг буюк мақсадларга мўлжалланган зот сифатида мукаммал ахлоққа эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги баландпарвоз маърузалар билан курашиб бўлмайди. Фуқароларга экстремистлар илгари сураётган агресивлик, муросасизлик бошқа жамиятлар бошига қандай кулфат келтираётганини аниқ ҳаётий мисолларда тушунтириш, оиласи, маҳалласининг хавфсизлиги ва тинчлиги кўп жиҳатдан шахснинг ўзига боғлиқ экани ҳақида мустаҳкам тушунчалар шакллантириш лозим;

— тадбир аниқ ягона мавзуга йўналтирилган бўлиши керак. Мавзуларни ғоявий-мағкуравий йўналишларнинг биттаси доирасида белгилаш тавсия қилинади: ДЭОга қарши кураш (*акидапарастлик* зуруҳларни фош этиш; ноқонуний диний адабиёт, ауди- ва видеокассеталар, лазер дисклари савдосига барҳам бериши; ноқонуний диний таълим беришига йўл қўймаслик ва ҳ.к.), норасмий диний фаолиятга барҳам бериш (*соҳта суфий «тариқатчи» жамоаларнинг ёшларнинг дунёвий билим олишига салбий таъсири ва ҳ.к.*), миссионерлик ва прозелитизмга қарши кураш, «коммавий маданият» ғояларининг ёшлар ичидаги тарқалишига йўл қўймаслик, миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, огоҳликка даъват ва ҳ.к.

— битта тадбирда бир неча, масалан, диний экстремизм, миссионерлик, гиёхвандликка қарши кураш, эрта никоҳнинг зарарли оқибатлари олдини олишга қаратилган мавзуларни аудитория онгига сингдиришга ҳаракат қилиш тавсия этилмайди. Биринчидан, тадбирни барча мавзуларни мукаммал ўзлаштирган нотиклар билан таъминлаш қийин, иккинчидан, бундай тартибда тадбир чўзилиб кетади ва аудиториянинг норозилигини уйғотади, учинчидан бир неча мавзуни ёритиш аудиторияда фақат умумий ва хотирада сақланиб қолмайдиган тасавурлар ҳосил қиласди;

— тадбир аудиториянинг эътиборини тортиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши, жалб қилингандарнинг дунёқараши савиасига мос равишда ўтказилиши ҳамда кундалик ҳаётдан узилиб қолмаган бўлиши керак. Масалан, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари билан ақидапараст оқимларга қарши кураш йўналишидаги тарғибот иши ўтказилганда, оила муқаддас экани, агар меҳнат мигранти ДЭО таъсирига тушиб қолса, муқаррар жазога тортилиб қамалиши ёки хорижда хор-зор бўлиши, оиласи эса бокувчисиз қолиб кетишига эътибор қаратиш зарур;

— давлат ташкилотлари, ўқув муассасаларида коммуникатив ахборот-тарғибот ишлари ўтказилганда соф диний тушунчаларни кўп ишлатмаслик, зарур ҳолларда, масалан «жиҳод», «шаҳид», «халифалик» тушунчалари ҳакида сўз кетганда илмий, дунёвий нуқтаи-назардан изоҳ бериш керак.

— ижтимоий ҳаётда дуч келиб турилган муаммолар хусусан, майший таъминотдаги камчиликлар, ишсизлик инкор этилмаган ҳолда, мазкур муаммолар диний-экстремистик оқим ёки секта таркибида ноқонуний ҳаракат содир этиш билан ўз ечимини топмаслиги, ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг асоси тинчлик ва барқарорлик, билим ва бунёдкор меҳнат эканига эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3. *Кўргазмали воситаларга асосланган тарғибот ва аксилтарғибот ишлари* аҳолини, асосан ёшларни диний-экстремистик оқимларга қўшилиб қолишини олдини олиш мақсадида тайёрланади. Кўргазмали воситалар сифатида ташқарига қўйиладиган рекламалар, электрон табло шаклидаги рекламалар, плакатлар, деворий газеталар, комикслар ва ҳ.к. қайд этиш мумкин.

Кўргазмали воситалар асосан ёшларга мўлжалланган бўлгани сабабли қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- ўзига эътиборни тортадиган ёрқин рангларда, мазмунан ахбортотга бой, содда тилда ёзилган бўлиши;
- ватанпарварлик, давлат, жамият ва оила олдида масъулият ҳис этиш ғояларига асосланиши;
- аниқ ифодаланган мақсадга бўйсундирилиши, аудиториянинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштира олиши (одамлар эслashi, таҳлил қилиши ва хотирасида сақлаб қолиши керак);
- аудиторияда ижобий эмоциялар уйғотадиган бўлиши;
- замонавий мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда тайёрланиши.

Ёшларнинг ўзи қўргазмали тарғибот воситаларини яратиш ишига жалб қилинishiши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши қаратилган қўргазмали воситалар таълим тизимидағи ўқув муассасалари, корхоналар, фуқаролар йигинлари, шунингдек, аҳоли гавжум жойларда кенг қўлланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, диний экстремизм мафкурасига қарши кураш ҳуқукий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, ахборт йўналишларида турли услуг ва шаклларда амалга оширилиб, ахборт-тарғибот ишлари қайд этилган йўналишларнинг факат биттаси ҳисобланади. Санаб ўтилган йўналишларнинг барчасида самарали натижага эришиш, шубҳасиз, хокимият ва ўзини бошқариш органлари, жамоат ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг кенг ҳамкорлиги ва ўзаро уйғун фаолиятларига bogлиq.

## **2. Аудитория билан тарғибот ва аксилтарғибот ишларини ўтказини**

Диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий курашни ташкил этувчи мутасадди давлат ва ўзини ўзи бошқарув идоралари-нинг муҳим вазифаларидан бири ушбу йўналишда тарғиботчи мутахассисларни тайёрлаш, уларда зарур лаёқатни шакллантириш саналади.

Тарғиботчилар аҳолининг турли қатламлари билан бевосита мулоқот (учрашув, семинар, савол-жавоб кечаси, лекторий ва ҳ.к.) асосида жамият аъзоларида диний экстремизм ва терроризм ғояларига нисбатан муросасиз бўлган фаол фуқаролик позицияси

шакллантириш орқали уларни мутаассиблик ва терроризмга қарши курашга жалб қилиши лозим.

*Коммуникатив ахборот-тарғибот ишлари самараси кўп жиҳатдан ташкилий ишларнинг савиясига ва тарғиботчининг малакасига боғлиқ.*

Ташкилий ишлар тадбирни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги омиллар алоҳида аҳамият касб этади:

1. Тадбир қатъий белгиланган вактда ва жойда ўтказилиши, жалб қилинувчилар аввалдан тадбирнинг санаси, вакти, ўтказиладиган жойи ва мавзуси юзасидан хабардор қилиниши шарт.

Асосий камчиликлар:

– тадбирни кеч бошлаш ёки аудиторияни эрта тўплаб қўйиш орқали жалб қилинганларни бевосита тадбирни ўтказишидан олдин жисмонан ва руҳан чарчатиб қўйиш;

– тадбир иштирокчиларини кеч хабардор қилиб, бевосита тадбир бошланишидан олдин тўплаш.

2. Мақсадга қараб тадбирга аниқ бир ижтимоий гурӯҳ ёки табақага мансуб контингент жалб қилиниши лозим. Масалан, ижтимоий мансубликка қараб тадбир ўтказиладиган контингентни қуйидагиларга ажратиш мумкин: ёшлар (уларни «Камолот» ЁИҲ фаоллари, талаба ёшлар, ишсиз ёшлар, нотинч оиласарга мансуб ёшлар, ДЭО аъзоларининг фарзандлари каби тоифаларга бўлиши мумкин), маҳалла фаоллари, муайян корхона ёки ташкилот ходимлари, маргиналлашган гурӯҳлар (ишсизлар, меҳнат мигрантлари), тадбиркорлар, ҳуқукни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, расмий рўйхатдан ўтган диний конфессия ва ташкилот вакиллари, норасмий диний жамоалар вакиллари, ноисломий диний конфессия вакиллари, ДЭО вакиллари ва уларнинг оила аъзолари, миссионерлар ва ҳ.к.

Фақат истисно тарикасида, алоҳида сценарий асосида ўтказиладиган тадбирларга турли ижтимоий гурӯҳ ёки табақага мансуб фуқаролардан иборат контингентни жалб қилиш мумкин.

Асосий камчиликлар:

– тадбирларга доимий равишда маҳалла фаоллари ёки ўқув муассасалари талаба ва ўқувчилари жалб қилиниб, бошқа ижтимоий гурӯҳ ва табақа вакиллари тарғибот ишлари билан қамраб олинмаслиги;

- тадбирлар доим туман ва шаҳардаги энг яхши жиҳозланган битта ўқув муассасаси ёки намунали маҳаллада ташкил этилиб, бошқалари эътибордан четда қолиб кетиши;
- битта тадбирга турли ижтимоий гуруҳ ва табақа вакиллари ҳам жалб қилиниши. Конгингентнинг мавзу бўйича маълумотга эгалик савияси, тадбирдан манфаатдорлик даражаси турли бўлиши тадбирдан кутилган натижани пасайтириб юборади.

3. Тадбир ўтказиладиган жойни тегишли равишда жиҳозлаш керак. Ҳозирги вақтда тарғибот ва аксилтарғибот ишларининг самараси ва таъсирчанлигини оширишда янги ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Психологларнинг тадқиқотларига кўра, инсон ахборотни кўриш орқали 25 %, эшитиш орқали 12%, бир вақтнинг ўзида ҳам кўриб, ҳам эшитиш орқали эса 65% ўзлаштиради<sup>429</sup>. Бунинг устига, мавзуга оид слайдлар, фильмлар намойиш этилганда аудитория «кўзи билан кўриб, кулоги билан эшитиб тургани» учун маърузачи етказаётган маълумотлар ҳақиқат эканлигига ишончи янада оргади.

Тадбирларда мультимедиа воситаларидан фойдаланилганда уларнинг бенуқсон ишлаши тадбирдан олдин текшириб олиниши, берилаётган материаллар аудитория учун муайян даражада янги бўлиши зарур ҳамда слайд ва фильмлар маърузачи томонидан албатта шарҳ қилиниши шарт.

Слайдларни тайёрлагандага физиологик жиҳатдан инсонда кўк, сариқ ва яшил ранглар қизиқиши уйғотиши, жигарранг эса толиқиши ҳиссиётини келтириб чиқаришини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади<sup>430</sup>.

Асосий камчиликлар:

- мультимедиа воситаларидан фойдаланилмаслик;
- мультимедиа воситалари тадбирдан олдин текшириб кўрилмаслиги: тадбир бошланганда уни ишлата олмаслик вақтни бехуда кетишига, аудиториянинг зерикиши ва асабийлашувига олиб келади;

<sup>429</sup> Калиниченко Е., Нелис В., Горельышева Н. Презентация как средство сопровождения публичного выступления. Сайт «Oktes.ru». URL: <http://www.oktes.ru/internet-konf-2012-2/uploads/file-1351654990.doc>

<sup>430</sup> Безека С. В. Как создать красочную и информативную презентацию. Создание презентаций в PowerPoint 2007. Сайт «Ozon.ru». URL: <http://www.ozon.ru/context/detail/id/3774202/>

— слайд ва фильмлар маърузачи томонидан шарҳ этилмаслиги: оқибатда тадбирга жалб қилинганлар берилган маълумотларни ўзича талқин этиб, тадбирнинг тарбиявий самараси сусаяди.

4. Тадбирлар даврий такрорланиб туриши лозим.

Асосий камчилик тарғибот ва аксилтарғибот ишлари шаҳар ёки туманда муайян бир муддат ичидаги ўтказилиб, кейинчалик мазкур йўналишдаги ишлар тўхтаб қолиши ҳисобланади.

5. Тарғибот ва аксилтарғибот тадбирлари қанчалик кичик аудитория билан ўтказилса, шунчалик таъсирчан ва самарали бўлади. Бу маърузачининг тадбир иштирокчиси билан визуал алоқаси (зрительный контакт) тез-тез такрорланса, иштирокчининг маърузага бўлган эътибори юқори бўлиши билан изоҳланади. Шу нуқтаи-назардан тарғибот ва аксилтарғибот ишларига, ёшлар фестиваллари каби алоҳида тадбирларни истисно этганда, кўпчи билан 150 кишилик аудиторияни ташкил этиш мақсадга мувоғиқ бўлади.

Асосий камчилик: жойларда кўпроқ одамларни қамраб олиш мақсадида 250-400 кишилик аудитория ташкил этилади. Иштирокчиларнинг кўпчилиги тадбир қайси мавзуда ва қайси мақсадда ташкил этилаётганини билмайди, фақат «статист» сифатида маърузага бефарқ ўтиради.

### 3. Таъсирчан маъруза қилишнинг психологик технологиялари

Оммага муайян гояни сингдиришда оғзаки маъруза қилиш мазкур матнни аудиторияга ёзма тарқатишига қараганда самарали ҳисобланади. Чунки оғзаки маърузани қатор комуникатив воситалар, яъни, мимика, кўл ишоралари, нотиқнинг туриши (поза), сўз интонацияси ва эмоциялар билан кучайтириш мумкин. Маъруза вақти нотиқ гояни такрор-такрор айтиш билан таъсир қучини ошириши, тингловчиларнинг реакциясига караб, гояни етказиш шаклини шароитга мос қилиб ўзгартириши мумкин<sup>431</sup>.

Тарғибот ва аксилтарғибот мақсадларида қилинадиган маърузаларнинг муваффақиятли чиқиши учта омилга боғлиқ: маърузанинг матни сифатли тайёрланиши, маърузачининг психологик ва мотивацион жиҳатдан маърузага тайёр экани, маърузачининг аудитория билан ишлай олиш қобилияти.

<sup>431</sup> Стернин И. Практическая риторика. – Воронеж : «Воронеж», 1993. – С. 11.

Нотиқ тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этиш орқали уларнинг онгига маърузадаги ғояларни сингдириши лозим. Одатда, нотиқнинг маъруза мавзуси, ғояси ва мақсадлари ҳақида аниқ тушунчаларга эга бўлмаслиги ўзига бўлган ишончсизлигига сабаб бўлади. Шунинг учун маърузага аввалдан пухта тайёргарлик кўриш, ҳар бир чикиш учун маъруза матнини шахсан тайёрлаш, асосий тезисларни ёд олиш шарт.

Нотиқнинг ташқи қиёфасидаги энг яхши хислат унинг хушмуомала ва сипо эканидир. Яхши нотикликнинг ажралмас сифатлари – ўзини эркин тутиш, ўзига ишонч ва дўстона оҳанг ҳисобланади.

Омма олдида қилинадиган маърузага қўйиладиган асосий талаблар сифатида қўйидагиларни қайд этиш мумкин:

- бош гоянинг очик-равшан бўлиши ва барча тушуна оладиган енгил тарзда баён қилиниши;
- қатъият билан бошланиб, қатъият билан тугатилиши;
- жумлаларни лўнда гапириш, маърузанинг монолог шаклида эмас, самимий ва очик сўзлашув услубида амалга оширилиши;
- чуқур эмоцияларга берилмай, аксинча, эмоцияларни келтириб чиқарувчи фактлар келтириш;
- аудитория маърузачига керак эканини, нотиқ ўзи етказаётган маълумотларни уларга етказишни астойдил истаётганини яққол кўриб туриши;
- аудитория билан психологик алоқа ўрнатиш. Психологик алоқа маърузани йўл-йўлакай тўғрилаб бориш ва аудиторияни бошқариш имконини беради<sup>432</sup>.

Маъруза давомида тезис ва далилларни келтириш одатда икки шаклда: индуктив ва дедуктив шаклда амалга оширилади. Индуктив усулда аввал фактлар келтирилиб, кейин нотиқ улар асосида асосий холосавий тезисларни баён қиласи. Дедуктив усулда эса аввал асосий тезис айтилиб, кейин уни исботловчи фактлар келтирилади.

Таъсирчан маъруза килишнинг психологик технологиясини умумий тарзда қўйидаги тартибда амалга ошириш тавсия этилади<sup>433</sup>:


1. Тарғибот ва аксилтарғибот мақсадларида қилинадиган тадбирларга нотиқ расмий учрашувларга хос кўриниш ва кийим-

<sup>432</sup> Стернин И. Практическая риторика. – Воронеж : «Воронеж», 1993. – С. 13–15.

<sup>433</sup> Евтихов О. Приемы и психотехники публичного выступления. Сайт «Элитариум», 19.11.2010. URL: [www.elitarium.ru/2010/11/19/priemy\\_publichnogo\\_vystuplenija.html](http://www.elitarium.ru/2010/11/19/priemy_publichnogo_vystuplenija.html)

бошда бориши керак. Кийимнинг ён ёки олди чўнтакларидан ручка, блокнот каби буюмлар чиқиб турмаслиги тавсия этилади. Сўз берилганда трибунага қаддини тўғри тутган ҳолда ва ўзига ишонч билан шахдам одимлаб бориш лозим.

*Ховлиқни ёки аксинча, ортиқча викор билан юриши, йўл-йўлакай галстукни ёки сочини тўғирлаши, тугмаларини солиши ярамайди (1-расм).*



1-расм

Минбар ёнида оёқларни елка кенглигига, бир оёқни бир оз олдинга қўйган ҳолда туриш лозим. Ўтирган ҳолда маъруза қилинганда қаддикомат тик тутилиши лозим.

*Суячиқ ва тирсаккўйгичга суянимаслик, қўл ва оёқни чирмаштираслик, шунингдек, микрофон устига энгашимаслик керак.*

Нотик учун қулай жой аудиторияга нисбатан чап томон, яъни сценанинг ўнг томони ҳисобланади. Тадқиқотларга кўра, бундай ҳолатда маърузачи берайтган маълумот тингловчиларнинг миясининг ўнг ярим шарига кучлироқ таъсири этади<sup>434</sup>.

2. Нотик аудиторияни ўзига қизиқтириб олиш учун аввал ўзининг ийғилганларга эътибори кучли экани, улар учун келганини намойиш этиши лозим. Бу аудитория билан визуал алоқа ўрнатиш орқали амалга

<sup>434</sup> Пиз А., Пиз Б. Новый язык телодвижений. – М. : Эксмо, 2007. – С. 373.

оширилади. Бунинг учун нотиқ дарров сўз бошламай, озрок сукут сақлаб ва хотиржам йифилганларни бир сидра кўздан кечириб чикиши керак.

Маърузанинг муваффақиятли чикиши кўп жиҳатдан унинг қандай бошланишига bogлиқ. Куйида маърузани бошлаш усулларидан мисоллар келтирилган:

– **қизиқ факт келтириш.** Ушбу усул аудиториянинг эътиборини кўрилаётган мавзуга бевосита алоқаси бор қизиқ факт билан жалб қилишга асосланган. Масалан, «Биласизми, 2012 йилда жаҳон бўйлаб ..... та террористик хатти-ҳаракатлар содир этилиб, улар оқибатида .... бегуноҳ инсонлар ҳаётдан кўз юмди»;

– **маърузани презентация қилиш.** Бунда нотиқ ўзининг маърузасининг структураси ва регламентини, савол-жавоб тартибини белгилаб беради. Масалан, «Маърузамнинг мавзуи диний-экстремистик оқимларнинг ақидаларининг соҳта эканини муқаддас манбалар асосида исботлашга қаратилган, маъруза 15 минутга мўлжалланган, кейин савол-жавобларга ўтамиз»;

– **савол ёки бир неча савол.** Ҳар қандай савол қатнашчиларда жавоб топиш учун тафаккур қилиш жараёнини фаоллаштириб юборади. Бироқ, маърузанинг бошидан аудиториянинг фаол бўлишига умид қилиб бўлмайди. Шунинг учун берилаётган савол риторик, бевосита жавоб талаб қилмайдиган бўлиши лозим. Масалан, «Нима деб ўйлайсизлар, диний экстремизм таҳди迪 яқин ўн йил ичida барҳам топадими?»;

**аудиторияни мақтаб қўйиш.** Мақтов қисқа, самимий ва тилёглама ҳушомаддан йироқ бўлганда аудиториянинг жавоб миннатдорчилигини уйғотади. Шу билан бирга, мақтовни бўрттириб юбориш аудиторияни мазах қилишга ўхшаб қолишини унутмаслик керак.

Сўзни бошлашдан олдин маърузачи ўзини ҳаяжонланаётгани ёки асабийлашашётгани ҳақида зинҳор гапирмаслиги лозим.

**Кўп учрайдиган хатолар:**


– **маърузани ҳазил, анекдот билан бошлаш.** Ҳазил ҳақиқатдан ҳам қизиқарли бўлмаса ва аудиторияни «жсонлантира» олмаса, маърузачи жиiddий қабул қилинмай қолади. Айниқса, ДЭО ва миссионерлик каби таҳдиодлар ҳақиодаги маърузаларни ҳазилдан бошлаш мантиқча зид келади;

— ўз-ўзини оқлаш ва кечирим сұраш. Аудитория учун маъruzачининг ёмон нотиқ экани ёки олиб келингандык сифати яхши эмаслигининг сабаби умуман қизиқ эмас. Нотиқ ўз-ўзини оқлаши ёки кечирим сұраши билан аудиторияга руҳий устунлик береб, «авторитет» мақомини йүқтөтади ва оқибатда, унинг маъруzasи кутилаётган самара бермайди.

4. Маъруза давомида аудиториянинг эътиборини жалб килиш ва ушлаб туришда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

а) контраст аудио ва визуал таъсир ўтказиши. Ушбу усул нотиқ овозини гоҳ кучайтириб, гоҳ пасайтириб гапириши, баъзан сукут саклаши (аудио) ҳамда маърузачи юз ифодасини ўзгартириши, имкон бўлган жойларда бир оз ҳаракат қилиши, кўл ишораларини амалга оширишига (визуал) асосланган.

Имо, ишоралар тингловчиларнинг маърузадан олаётган таас-суротларини кучайтирувчи омил хисобланади<sup>435</sup>. Шунинг учун, нотиқ маъруза давомида вакти-вакти билан кўл билан очиқкўнгиллик, самимийлик ва ўзига ишонч ишораларини қилиб туриш керак (1-расм): «шпиль» (а), очиқ кафт (в), иккала очиқ кафт (в);





1-расм

Айни вақтда, нотиқ қуйидаги хатти-ҳаракатларни қилмаслиги тавсия этилади:

— тадбир иштирокчиларига қўрсаткич бармоқ билан никтаб кўрсатмаслик (2-расм). Ушбу ишора «мен айтганни бажаришга мажбурсизлар» ва рамзий маънода аудиторияни «савалаш» маъноларини англатади;

<sup>435</sup> Пиз А., Пиз Б. Новый язык телодвижений.— М. : Эксмо, 2007. – С. 373.




2-расм

— күлни кўқрак устида, туриб гапираётганда оёқларни қовуштириб турмаслик (3-расм). Бу ҳаракат одатда одамнинг психологик ҳимоя усули бўлиб, нотиқнинг ўзига ишончсизлиги сабабли бошқалардан психологик «ёпилиб» олаётганидан дарак беради;




3-расм

— кўрсаткич бармоқни юқорига қилиб гапирмаслик – (4-расм)



— дам-бадам кўл билан юзга тегиб турмаслик (5-расм). Мазкур ҳаракатни одамлар беихтиёр тарзда одатда ёлғон гапираётганда ишлатадилар;



**5-расм**

– құллар билан трибунанинг кирраларига ёпишиб олмаслик.

б) нотик тингловчилар ичида «таянч нүқталари» – маърузани дикқат билан эшитаётган бир неча тингловчилар билан визуал алоқа үрнатиб, уларнинг берилаётган маълумотларга реакциясига қараб маърузани түғрилаб бориши, имкон бўлганда уларни мулоқотга тортиб маърузани янада жонлантириши мақсадга мувофиқ саналади.

Тадқиқотларга кўра, исталган аудиторияда биринчи қаторда ўтирганлардан тўлиқ қамраб олиб, зални марказий қисмига қадар торайиб борадиган воронка шаклидаги «эътибор худуди» бўлади. Одатда, мазкур худудда ўтирган тингловчилар тадбирда фаол қатнашиб, берилаётган маълумотларни яхши ўзлаштирадилар<sup>436</sup>.

Зал билан визуал алоқани йўқотмаслик учун вақти-вақти билан залда ўтирганларни ўнгдан чапга, олдинги қаторда ўтирганлардан орқа ўтирганларга қараб кўздан кечириб туриш лозим.

в) аудитория учун долзарб бўлган муаммо ва ходисаларга эътибор қаратиш. Ҳар қандай ижтимоий гурух ёки қатламнинг ўзига хос ташвиши, муаммоси бор. Улар ҳақида гапириш иштирокчиларнинг эътиборини жонлантиради;

г) нуфузли (авторитет) манбаларга мурожаат қилиш. Мазкур усул таниқли инсонларнинг асарларидан, сўзларидан мисол ёки иқтибос келтиришга асосланган. Бунда келтирилаётган маълумот аудитория учун муайян даражада янги бўлиши янада ижобий натижада беради. Масалан, диний мавзудаги тадбирларда Куръон, ҳадислар, ханафий мазҳаби манбаларидан мисол келтириш таъсирчан бўлади;

<sup>436</sup> Пиз А., Пиз Б. Новый язык телодвижений. – М. : Эксмо, 2007. – С. 374.

д) аудиторияга аниқ йўналтирилган саволлар бериш. Бундай саволлар аудиториянинг эътиборини жиддий жонлантиради. Масалан, «ким айта олади, ...?»;

ж) юмордан фойдаланиш. Муваффакиятли ҳазил ижобий эмоция ва симпатия уйғотиб, иштирокчиларнинг асабларини бўшаштиради ҳамда ундан кейин бериладиган маълумотни ўзлаштиришни осонлаштиради. Шу билан бирга, юморни суиистеъмол қилиш, қўпол ҳазил қилиш салбий натижа беришини унутмаслик лозим.

е) тингловчиларни сухбатга тортиб туриш. Бунда қўйидаги усусларни қўллаш мумкин:

– иштирокчилардан тадбирда тайёрланган шароит бўйича сўраб туриш (*овоз эшишилаётгани, слайд ёки фильмларнинг тасвири яхши кўринаётгани ва ҳ.к.*), уларни шароитни ўзгартириш учун биргаликда харакат қилишга ундаш (*тарқатма материалларни тарқатишда ёрдам беришини сўраш, проекторни суриш ва ҳ.к.*). Иштирокчилар нотикнинг буйругини бажарувчига айланиши эмас, балки маърузачи билан биргаликдаги бажариладиган фаолиятга тортилиши керак;

– эксперт фикрини олиш учун аудиториядаги соҳа мутахассисларига мурожаат қилиш. Масалан, диний экстремизмга қарши кураш масаласи қўрилаётганда мазкур хатти-харакатлар қонунбузарлик экани ҳақида залдаги ҳуқуқшуносдан фикр сўраш, ақида-парастларнинг даъволари соф ислом таълимотига зид экани юзасидан имом-хатибга мурожаат қилиш. Ушбу усул маъruzанинг маълум қисми ўтгандан кейин қўлланиши мумкин;

– «ўзимизники – бегона» мезони бўйича нотик ва аудитория орасидаги психологик тўсиқни йўқотиш. Муайян ижтимоий гурӯҳ ёки соҳа вакиллари ичida тадбир ўтказишдан олдин нотик ушбу йўналиш бўйича маълум даражада маълумотга эга бўлиши, касбий терминларни, ўзаро мулоқотда ёқтирадиган ибораларни билиш ва уддабуронлик билан ишлатиши аудитория томонидан маърузачининг «ўзимизнинг одам» деб қабул қилинишига, охир-оқибат етказилаётган маълумотларни тўлиқ ўзлаштиришига ижобий таъсир қўрсатади.

### **Маъруза вақтидаги асосий камчиликлар:**

– ҳаддан ташқари «билагонлик» қилиш. Маърузачи ҳадеб ўзининг тингловчилардан ақлий жиҳатдан ёки ижтимоий мансублик жиҳатидан устун эканини намойиш этаверса, аудиториянинг нотикка бўлган ихлоси тушиб, ўзаро психологик тўсиқ вужудга келади;

— соҳтакорлик ва баландпарвозлик. Омма маърузачининг сўзлари ва ўзини тутиши орасидаги номувофиқлик орқали ёлғон галираётганини тушуниб олади. Жиддий мавзуларда шаблонли, кўп қайтариладиган баландпарвоз гапларни ишлатиш нотиқни етарли маълумотга эга эмаслигини кўрсатиб, маъруза акс натижা беради;

— визуал алоқанинг йўқлиги. Нотиқ маъруза давомида қўзини матндан узмаса ёки битта тингловчига қараб гапирса, бошқа тингловчиларни «йўқотиб қўяди»;

— бир хил оҳангда (монотон) маъруза қилиши. Бундай маъруза тингловчиларнинг асабига тегиб, аудиторияни чарчатиб қўяди.

5. Маъруза албатта хулоса ва энг муҳим аҳамиятга эга тезисларни тақрорлаш билан якунланиши лозим. Хулоса иштироқчиларда маърузадан олган таассуротларини мустаҳкамлаши, уларни тадбирдан қўзланган мақсад йўналишида ҳаракат қилишларига ундаши ва тадбир иштироқчиларига кўтариинки, оптимиستик рух бағишлиши керак.

6. Саволларга жавоб беришда қўйидагилар тавсия этилади:

— савол олингач, дарров жавоб бермай бир оз (2-3 секунд) сукут сақлаш орқали саволнинг аҳамияти кўрсатилган бўлади ва бошқа тингловчилар ҳам саволни тушуниб олишларига имкон яратади. Агар савол бўлмаса, «менга қўйидаги саволни кўпроқ беришади ....» деб, аудиторияга етказиш зарур ҳисобланган масалада маълумот айтилади;

— саволни олгач, бошқалар эшитиши учун қисқа уни тақрорлаш, мабодо саволнинг мазмунига тўлиқ тушунмаган бўлса, қайта сўраб олиш лозим;

— энг мақбул усул маърузани бошлашдан олдин тингловчилардан ўзларини қизиқтираётган саволларни маъруза давомида ёзма шаклда минбарга бериб юборишини таклиф этиш ҳисобланади.

Нотиқ минбардан тушиш олдидан албатта аудиторияга миннатдорчилик билдириши лозим.

Аудиториядаги руҳий ҳолат ва кайфият тарғибот ва аксилтарғибот ишларининг сифатига таъсир ўтказувчи муҳим омил ҳисобланиб, нотиқ конкрет вазиятга мослашиб, маърузани мумкин қадар таъсирчан тарзда амалга ошириш учун қўйидагиларга эътибор бериши лозим бўлади<sup>437</sup>:

— **хайрихоҳ аудитория** (ўқитувчилар, талабалар, маҳалла фаоллари ва ҳ.к.) билан ишлаётганда нотиқ изжобий руҳиятни сақлаб

<sup>437</sup> Приемы повышения эффективности публичных выступлений. Сайт «OFFICE FILE». URL: <http://www.officefile.ru/article.php?id=1142>

coliши ва тингловчиларнинг ўзига ишончини янада мустаҳкамлаши лозим. Бундай вактда ўзини аудиторияга «кўшиб» гапириш яхши натижа беради: кўпроқ «биз», «бизнинг» олмошлари, «умумий ишимиз», «бизнинг команда» каби ибораларни қўллаш керак;

– нотиқ бефарқ аудиторияни (ишсизлар, меҳнат мигрантлари, маҳалладаги оддий фуқаролар ва ҳ.к.) қизиқарли масала билан эътиборини жалб қилиб, қизиқтириб олиши ва ўзи томонга жалб қилиши керак, маъруза қилишда одамларни хис-ҳаяжонга соловчи фактларни кўпроқ келтириши, аудиторияга тез-тез мурожаат қилиб туриш, ҳаётий мисоллардан келтириш тавсия этилади;

– мавзуга салбий муносабатда бўлган аудиторияда (жазо ўтаётган ёки ўтаб келган ДЭО вакиллари, уларнинг оила аъзолари, миссионерлар, шариатга асосланган давлат тузумига мойиллиги бор фуқаролар, норасмий диний жамоаларнинг аъзолари ва ҳ.к.) ўзларининг ҳақ эканига шубҳа уйғотиш, ўз позициялари устида қайта фикр-мулоҳаза қилишга ундаш лозим бўлади. Бунинг учун:

- барчани «қайта тарбиялаб олиш»га ишониш керак эмас, балки залда бир неча конкрет тингловчини танлаб олиб, уларни ишонтириш ёки ўз фикрини қайта кўриб чиқишга рағбат уйғотишга ҳаракат қилиш лозим;

- тингловчиларда салбий эмоция ва кайфиятни йўқотиш ёки ҳеч бўлмаганда пасайтириш керак. Нотиқ «Келинглар, фактларга мурожаат қилайлик ...», «Келинг, мантиқий мулоҳаза юритайлик...» каби сўзларни ишлатиш тавсия қилинади;

- маърузани аудитория ҳам тўғри, деб тан оладиган масаладан бошлиш ва аудитория эътибори ва муайян даражада ижобий муносабатига эришгандан сўнг баҳсли мавзуга ўтиш лозим;

- илгари сурилаётган фикрни исботлашда аввал кучли далилларни, кейин иккинчи даражали далилларни келтириш мақсадга мувофиқ;

- асосий тезис ва далиллар дедуктив услубда берилиши, нотиқ ўзи батафсил хулоса чиқариб, аудитория хулосани тан олишига «кўмаклашуви» тавсия этилади.

Нотиқ ўзи учун нотаниш аудитория билан ишлаганда маъруза давомида ўзига хос экспресс-таҳлил ўтказиш керак. Бунинг учун тингловчиларга савол бериш, залда ўтирганларнинг ўзини тутишини, берилаётган маълумотларга муносабатини, нотиққа бераётган саволларини, залдан ташлананаётган луқмаларни (реплика) кузатиш

лозим бўлади. Шунда нотиқ маъruzасини ўзининг чиқиши давомида тўғрилаб боради.

### Ёшлардан иборат аудиторияда:

- материални дедуктив тарзда баён этиш, маърузани катта ёшдагилар аудиториясига нисбатан тез суръатда амалга ошириш;
- эмоционал фактларни кўпроқ келтириш ва уларни мантикий далиллар билан мустаҳкамлаш;
- умумий абстракт (мавхум) мулоҳазалардан қочиш, фикрни лўнда, аниқ ва қатъият билан етказиш;
- схема, слайд, мусиқалардан кенг фойдаланиш, аудитория билан визуал контактни йўқотмаслик, эътиборни тутиб турувчи усусларни кенг қўллаш;
- ҳаётий мисол, конкрет фактлардан ва юмордан кенг фойдаланиш;
- ёшлардаги камчиликларни яширмаслик, ҳақиқатни айтиш ва камчиликларни тузатиш йўлларини кўрсатиш, шу билан бирга, аудиторияга ҳадеб панд-насиҳат қиласкермаслик;
- дадил фикрлаш, принципиал позиция намойиш этиш, кўрилаётган масалаларга шахсий муносабат билдириш;
- маърузани эркин мулоқот шаклида очиқ ўтказиш, маъруза сўнгтида савол-жавоб уюштириш тавсия этилади<sup>438</sup>.

## 4. Якка тартибдаги профилактик тадбирлар

Жамиятда диний-экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олишда якка тартибдаги профилактик тадбирлар муҳим ўрин тутади.

Якка тартибдаги профилактик тадбирлар – давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг жиноят содир этиши эҳтимоли бор шахсларни аниқлаш, мазкур шахслар ва уларнинг ён-атрофидагиларга ўз хулқларини яхши томонга ўзгартириш ва жиноятга мойилликларига барҳам бериш мақсадида ижобий таъсир ўтказишга қаратилган фаолияти ҳисобланади<sup>439</sup>.

Якка тартибдаги профилактикандан мақсад – шахснинг онгини ижобий коррекция орқали унинг жамият қонун-қоидаларига қарши салбий хулқ-атворини тузатиб, қонунларга бўйсунувчи фуқарога айлантиришдан иборат. Мазкур ишнинг асосий қисми ҳуқуқни

<sup>438</sup> Стернин И. Практическая риторика. – Воронеж : «Воронеж», 1993. – С. 113–114.

<sup>439</sup> Малков В. Д. Криминология. Учебник для вузов. – М. : ЗАО «Юстицинформ», 2006. – С. 163.

муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги асосида амалга оширилади.

Ҳозирги кунда диний соҳадаги қонунбузарликларга қарши якка тартибдаги профилактик тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш масаласининг долзарб аҳамиятга эга эканига қуидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- ақидапараст оқимлар томонидан аҳолининг турли қатламлари ичida тарғибот-ташвиқот ишлари давом этиб келаётгани;
  - ДЭОга мансуб авф этилган ва маҳсус рўйхатдаги шахсларнинг маълум қисми қариндошларини ўз сафига тортаётгани;
  - меҳнат мигрантлари ичida ақидапараст гуруҳлар таъсирига тушиб, республикага қайтгандан сўнг диний-экстремистик фаолият олиб бораётган шахсларнинг мавжуд экани;
  - айрим диндорлар томонидан қонунга хилоф равишда «хужра», «намозхона» ва «ҳалол фуд» ташкил қилинаётгани;
  - баъзи «отинойилар» томонидан «Анбар она»\*, «Биби Мушкулкушод»\*, «Биби Сешанба»\* каби аслида исломда бўлмаган амалларга диний тус берib, аёллар ичida носоғлом муҳит яратсаётгани, шунингдек, баъзи диндорлар ифторлик, мавлуд каби диний маросимларнинг моҳиятини бузган ҳолда кўр-кўроналик, исрофгарчилик билан ўtkазиш орқали салбий ҳолатларни келтириб чиқараётганликлари;
  - аҳолининг муайян қатламлари ичida «исломлашув» жараёнларининг кучайиб бораётгани;
  - баъзи ноисломий диний конфессия ва секталар томонидан туб аҳоли ичida миссионерлик фаолияти олиб борилаётгани.
- Диний соҳадаги қонунбузарликларга қарши профилактик тадбирлар билан қуидаги тоифаларга кирувчи шахслар қамраб олиниши мумкин:
- 1) илгари диний фаолиятни меъёрловчи қонун ва норматив хужжатларнинг талабларини бузгани учун жазо ўтаб келган ва шартли жазоланган шахслар;
  - 2) ДЭО таркибида жиноят содир этган ва миссионерлик фаолияти учун жазоланган шахсларнинг оила аъзолари;
  - 3) ноқонуйй диний жамоалар таркибида хукуқбузарликлар содир этган шахслар;

4) турмуш тарзида, феъл-авторида диний ғояларга мутаассибона ёндошиш акс этаётган ва амалдаги дунёвий қонунларни бузишга мойиллик күрсатаётган шахслар.

Якка тартибдаги профилактик тадбирлар юқорида қайд этилган тоифаларга мансуб шахсларга нисбатан ижтимоий инструмент вазифасини ўтаб, уларнинг жамият манфаатларига зид хатти-харакатларининг олдини олишга қаратилган бўлиб, шахснинг жамият учун заарли хулқини қонунга итоаткор сифатга келтиришга хизмат қиласди. Ушбу мақсадга эришиш қуидаги аниқ вазифаларни кетма-кетлиқда ҳал этишни талаб этади:

**1. Диний соҳадаги қонунбузарликларга мойил шахсларни аниклаш, мазкур шахслар ва уларга салбий таъсири этаётган омилларни ўрганиш.**

Ўрганиш ишлари шахснинг юриш-туриш, хулқ-авторини характерлаб берувчи аниқ маълумотларни тўплашга қаратилиши лозим:

– жиноий ёки бошқа ҳуқуқбузарлик фаолияти: қачондан буён ноконуний фаолият билан шуғулланади, ақидапараст оқимларга қўшилишига нима сабаб бўлган, аввал содир этган жиноят ёки ҳуқуқбузарликлари учун қандай жазоланган ва жазо ўташ вақтида ўзини қандай тутган;

– жиноий тажрибаси: «хужрада» ўқиганми, махсустайёргарликдан ўтганми, ДЭО таркибида фаол иштирок этганми;

– ижтимоий-демографик тавсифнома: ёши, оилавий аҳволи, яшаш жойи, маълумоти, ижтимоий аҳволи, касби, меҳнат стажи, меҳнатга муносабати, оила ва фарзандларга муносабати ва ҳоказо;

– яшаш шароити ва яқинлари: оила аъзолари, оилавий-майший ва иш-ўқишидаги муносабатлари, моддий таъминланганлиги, унга ким ижобий таъсири кўрсата олиши, кимни ҳурмат қилиши ва ҳоказо.

– шахсий-психологик хусусиятлари: интеллект даражаси (аклий ривожи, билими, ҳаётий тажрибаси, дунёқарашининг кенглиги ва ҳ.к.); характеристи (одамови ёки дилкаш экани, эгоистлиги, табиати (енгил, оғир), масъулиятни ҳис этиши, фаол ёки пассив экани, ростгўй ёки ёлғончи экани, қасоскорлиги, шафқатсизлиги, сурбетлиги, айёрлиги, ҳасадгўй экани ва ҳ.к.); иродаси (қатъияти, журъати, тартиблилиги, бошқаларни ўзига бўйсундира олиши, бошқаларнинг таъсирига тушиб

қолиши ва ҳ.к.); кизиқишилари (моддий ёки маънавий бойликларга, ўқишига, спорт турларига, балиқ овлашга ва ҳ.к.);

- жисмоний-психологик хусусиятлари ва касалликлари;
- жамият учун хавфли мойилликлари (агрессив феъл-атвор, қонун ва тартибларни тан олмаслик ва ҳ.к.).

Шахснинг аввалги ва ҳозирги ҳаёти, ижтимоий алоқалари ва у фаолият юритаётган мухит ўрганиш асносида унинг шахсий юриш-туриш ва фаолияти истиқболини тахмин (прогноз) қилиб кўрилади. Шахснинг хулқига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар кучайтирилиши ва аксинча, унга салбий таъсир ўtkазаётган омиллар профилактик таъсир объектига айланиши лозим.

**2. Якка тартибдаги профилактика тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш.** Якка тартибдаги профилактик тадбирлар шахсга узоқ вакт ва тизимли таъсир ўtkазишни назарда тутиб, мазкур жараён давомида жамият-шахс, давлат-шахс муносабатларида демократик тамойилларга асосланган барча услугуб, куч ва воситалар ишга солиниши мумкин. Амалда якка тартибдаги профилактик тадбирларда учта усул: *иҳонтириши, ёрдам кўрсатиш ва мажбур этиши* кўпроқ қўлланилади.

**Иҳонтириш профилактик услуби** – профилактика қилинаётган шахснинг жамият учун хавфли бўлган дунёқараши, юриш-туришини ижобий ижтимоий йўналишига ўзгартиришга қаратилган тарбиявий ва тушунтириш ишларининг мажмуидир. Иҳонтириш услубининг асосий шакллари сифатида якка тартибда ва жамоа таркибида сұхбат ўtkазиш, шахснинг юриш-туришини муҳокама қилиш, уни якка (индивидуал) ёки коллектив оталиққа олиш, жамият учун фойдали ишга жалб қилишни кўрсатиш мумкин.

Иҳонтириш услуби қўлланилганда инсоннинг онги, ҳиссиётлари ва иродасига таъсир этувчи ранг-баранг психологик ва педагогик усулларни қўллаш зарур.

Профилактика қилинаётган шахсга тарбиявий таъсир этишининг асосий ташкилий-тактик шакли сұхбат ҳисобланади. Якка тартибдаги профилактик сұхбатлар мақсадга кўра танишув, огоҳлантирадиган, олдини оладиган ва тарбиявий мазмунларда ўtkазилади.

**Танишув сұхбати** яккама-якка ўtkазилиб, кўп жиҳатдан профилактика қилинаётган шахс билан келгусида ўtkaziladigан тарбиявий ишларнинг йўналишини белгилаб беради. Танишув сұхбатда психологик

мухит индивидуал-профилактик ишнинг умумий йўналишини акс эттириши лозим. Яъни, хайриҳоҳлик, профилактика қилинаётган шахснинг тақдирига куйиниш билан бир қаторда, унинг юриш-туришига нисбатан қатъий талаблар қўйилиши керак.

*Огоҳлантириши, профилактика қилинаётган шахснинг жамият манфаатлари га зид ҳатти-ҳаракатини олдини олишига бағишиланган сұхбат.* Бунда асосий мақсад – тарбиявий таъсир кўрсатиш билан бир қаторда мазкур шахснинг юриш-туришини кузатиш ва назорат қилиш учун амалга оширилади.

*Тарбиявий сұхбат* мақсад, мазмун ва таъсир этиши усулига кўра огоҳлантирувчи сұхбатга ўхшаб кетади. Бундай тадбир кўпроқ жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан норасмий шароитда, профилактика қилинаётган шахснинг яшаш, ишлаш ёки ўқиши жойида ўтказилади.

Профилактика қилинаётган шахсларга бевосита тарбиявий таъсир кўрсатишнинг ташкилий-тактик шаклларидан бири *ижтимоий фойдали меҳнатга, жамоат ишларига ва спорт мусобақаларига жсалб қилиши* ҳисобланиб, мазкур ишларда жамоат ташкилотлари ва ҳомийларнинг имкониятларидан кенг кўламда фойдаланиш мумкин.

Тарбиявий ишнинг ўзига хос шакли жамоатчилик томонидан профилактика қилинаётган шахсни *оталиқقا олиши* бўлиб, мазкур тадбир профилактика қилинаётган шахсга ижобий таъсир кўрсата оладиган фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари ёрдамида амалга оширилади.

Ёрдам кўрсатиш услуби энг самарали услублардан бири бўлиб, профилактика қилинаётган шахсни иш билан таъминлаш, ижтимоий фойдали алоқалар ўрнатиши, ҳаётда мақсад ва қадриятларни белгилаб олишига кўмак беришни назарда тутади. Ёрдам беришда жамоат, диний ташкилотлар, ижтимоий реабилитация марказлари ва ҳомийлар имкониятларидан фойдаланиш зарур.

Мазкур услуг профилактика қилинаётган шахс фаолият юритаётган муҳиттга таъсир кўрсатиш усули билан ҳам амалга оширилади. Бунинг учун, профилактика қилинаётган шахсга салбий таъсир кўрсатаётган шахслар билан профилактик тадбирлар ўтказилади ёки уларга нисбатан хуқуқий чоралар кўрилади, профилактика қилинаётган шахс мазкур муҳитдан халос этилади (бошқа жойга ўқишига, ишга ўтказилади, ҳ.к.).

**Мажбур этиш якка тартибдаги профилактик ишларнинг асосий шаклларидан бири бўлиб, у одатда бошқа чоралар натижадан бермаганидан сўнг профилактика қилинаётган шахсга нисбатан қонунчилликнинг тегишли (фуқаролик, оила, маъмурий ва х.к.) норматив ҳужжатларида белгиланган, ҳукукий мазмуни ва йўналиши жиҳатидан турлича бўлган таъсир чораларини қўллашга асосланган.**

Амалда кўпроқ маъмурий жазо қўллаш, ҳукуқ-тартибот органлари томонидан расмий огоҳлантириш эълон қилиш, аввал жиноят содир этиб, жазо ўтаб келган шахсларга нисбатан эса назорат тартибини кучайтириш каби усувлар қўлланилади.

**3. Якка тартибдаги профилактик тадбирларнинг натижасини назорат қилиш.** Мазкур тадбирлар режасига мувофиқ амалга оширилиб, профилактика қилинаётган шахснинг жамият учун хавфли дунёқарашиб ва амалий фаолиятдан воз кечачётгани ёки воз кечмачётгани у билан яккана-якка сухбатлар ўтказиш, ҳаётий фаолияти, билдираётган фикр-мулоҳазалари, кийиниши, ижтимоий алоқаларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Якка тартибдаги профилактик тадбирлар ўзига хос дунёқарашиб ва ҳаётий тажрибага эга шахснинг тақдирни билан боғлиқ мураккаб амалий жараён бўлиб, унинг самарасини баҳолашда куйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- профилактик ишнинг самараси алоҳида битта усулни қўллаш билан эмас, балки барча услублардан тизимли фойдаланишга боғлик;
- бир хил шакл ва услубда амалга оширилган профилактика ишларнинг натижаси профилактика қилинаётган шахс, у фаолият юритаётган мухит ва конкрет вазиятга қараб турли натижа бериши мумкин;
- профилактик тадбирларнинг изчилиги муайян мухитда диний соҳадаги қонунбузарликка мойиллиги бор шахсларнинг сони ортиб бориши ва диний вазиятнинг ёмонлашуви билан бевосита боғлик.

## **5. Диний соҳадаги қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган якка тартибдаги профилактик сухбатларни ўтказиш**

Таъкидлаш жоизки, якка тартибдаги профилактик сухбат ўтказиш методикаси тартиби ва мазмуни жиҳатидан бошқалар, масалан, психолог ўтказадиган сухбатдан фарқ қиласи. Яъни профилактик

сұхбатдан мақсад – профилактика қилинаётган шахснинг ички дунёсини очиш эмас, балки унинг юриш-туриши, амалий фаолияти, дунёқарашини ижобий томонга ўзгартыриш учун энг самарали таъсир йўлларини аниқлаш, ушбу шахснинг ижобий ҳислатларини аниқлаб, тарбиявий ишда уларга таянишдир.

Якка тартибдаги профилактик сұхбат ўтказиш бўйича асосий талаблар сифатида қўйидагиларни қайд этиш мумкин:

– сұхбат бир маромда, ижобий рух ва иккиёқлама тарзда ўтиши, профилактика қилинаётган шахсни сўров ёки тергов қилишга айланиб қолмаслиги лозим. Берилаётган саволлар содда ва тушунарли бўлиши керак;

– сұхбатни ўтказаётган масъул ходим профилактика қилинаётган шахснинг дунёқараши ва феъл-авторини яхши билиши, сұхбат давомида унинг ишончини қозониши лозим. Бунинг учун сұхбатни профилактика қилинаётган шахс учун қизиқарли бўлган мавзудан бошлиш тавсия этилади;

– сұхбат ўтказиши вактида профилактика қилинаётган шахснинг ёши, касби, психологияк хусусиятлари, қизиқиши ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш керак. Масалан, муайян даражадаги билим ва маданиятга эга ўрта ёш ва ундан катта одамлар билан сұхбатлашилганда уларга насиҳат қилишининг кераги йўқ. Бундай тоифадагиларга уларнинг фаолиятининг ижтимоий хавфли томонлари, эҳтимолдаги ҳуқуқий жавобгарлик ҳақида аниқ, лўнда далилларни келтириш лозим. Аксинча, ҳаёттий тажрибаси кам бўлган, ёш ўсмиirlар билан сұхбат қилганда унинг характеристидаги салбий нуқсонларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, ҳеч қаочон такаббурлик қилмаслик, сұхбатдош олдида ўзининг ҳокимиютини таъкидламаслик керак;

– якка тартибдаги сұхбат ўтказиши учун вазминлик, сабр ва сұхбатдошини тинглай олиш қобилияти керак. Асосийси, профилактика ўтказаётган шахс камроқгапириб, кўпроқ сұхбатдошини гапиришишга ҳаракат қилиши лозим. Масъул ходимнинг хушмуомала ва босиқ бўлиши профилактик сұхбатнинг мажбурий шартларидан ҳисобланади;

– профилактик сұхбат давомида мулоқотдан чалғиши, ўзининг банд экани ёки шошилаётганини сұхбатдошига намойиш этиш мақсадга мувофиқ эмас. Бундай ҳаракатлар профилактика қилинаётган шахсда ишончсизлик туғдиради. Масъул шахс профилактик сұхбат ўтказишига тайёр бўлмаса, уни ўтказмагани маъкул.

— профилактик сұхбат давомида профилактика қилинаётган шахс агар үзининг жамият учун хавфли хулқ-атвори ва фаолиятидан воз кечиб, тұғри йўлга ўтса, давлат ва жамоат ташкилотларидан ёрдам олишини, агарда, жиноий эътиқоди ва амалиётидан воз кечмаса, амалдаги қонунчилик асосида муқаррар жазо олишини теран англаб этиши лозим;

— сұхбат давомида аксарият профилактика қилинаётган шахсларнинг баъзилари үзларини «беайб» кўрсатишга, айримлари эса, аксинча, үзларини «ҳеч нимадан қўрқмайдиган» шахс сифатида кўрсатишга ҳаракат қиласидилар. Шунинг учун, профилактик сұхбат ўтказаётган масъул шахс сұхбатдошининг ўзи айтаётган сўзларга муносабатини (бефарқ, ижобий, салбий ва ҳ.к.) кузатиб бориши тавсия этилади;

— профилактик сұхбатни шу тарзда якунлаш зарурки, профилактика қилинаётган шахсда сұхбатни ўтказган масъул ходимга кейинчалик маслаҳат ёки ёрдам сўраб мурожаат қилиш учун имконият ва хоҳиш қолиши керак.

## ТАРГИБОТЧИ УЧУН АЙРИМ АТАМАЛАР ИЗОХИ

**АБУ ҲАНИФА, Имоми Аъзам, Нўъмон ибн Собиг ал-Қуфий** (699–767) – илоҳиётчи, фикҳшунос (ислом ҳуқуқи), мухаддис (ҳадисшунос), ҳанафий мазҳаби асосчиси. Ироқнинг Куфа шаҳрида туғилган. Ёшлигидан Қуръонни ёд олган. Ироқлик Ҳаммод ибн Абу Сулаймоннинг шогирди бўлган. Куфа ва Басранинг энг обрули фақиҳи сифатида танилган. 747–48-йилларда Ироқ ҳокими ибн Хубайра таъқибидан қочиб Маккага кетган. Аббосийлар ҳокимият тепасига келгач, Ироқقا қайтган. Ҳалифа ал-Мансур (754–775) унга янги пойтахт Бағдодда қозилик лавозимини таклиф қилган. Абу Ҳанифа бу таклифни рад этгандан сўнг зинданга ташланган. 767 йили Бағдодда вафот этган.

Абу Ҳанифа фикҳ илмини биринчи бўлиб тартибга солган ва китоб шаклига келтирган. Абу Ҳанифанинг калом (муайян мантиқий далилларга таянган ҳолда диний таълимотни асослашни ўргатувчи назарий илоҳиёт илми), фикҳ, ҳадис, сарфга оид қатор китоблари бўлиб, улар жумласига «Китоб ас-солат (Намоз аҳкомлари китоби)», «Китоб ал-Маносик (Ҳаж китоби)», «Китоб аш-шурут (Шартномалар китоби)», «Китоб ал-фароиз (Мерос илми ҳақида китоб)», «Китоб ал-олим вал-мугааллим (Устоз ва шогирд ҳақида китоб)», «Китоб ал-фикҳ ал-акбар (Катта фикҳ китоби)», «Китоб ал-васия (Васиятнома китоби)» ва бошқалар киради.

*Манбалар : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 15–16 б.*

**АВЛИЁ** (араб. «валий» сўзининг кўплиги, худога яқин одам) – ислом анъанасида хизмати ёки хислати туфайли Аллоҳга яқин бўлиб қолган, дуолари ижобат бўлувчи, солих, қобил, камтар кишилар. Илк суфийлар ат-Тустарий, ал-Жунайд ва ал-Харрор (IX–X) асарларида авлиё диний амалларда ва Аллоҳни англашда комилликка эришган, исломнинг «яширин» билимларини (ал-ғайб) эгаллаган шахс сифатида эътироф этилган. Ҳаким ат-Термизий авлиёларни илоҳий қонунларга тўлиқ риоя қилишда доимий равишда камолотга интилевчи шахслар ва «Худонинг ҳақиқий дўстлари» (авлия Аллаҳ ҳаққан)га ажратган.

Марказий Осиё халқлари ичида авлиёлар мўъжиза (каромат) кўрсата олувчи, илоҳий барака соҳиби, турли қасбларнинг ҳомийиси сифатида кўрилган. Авлиёларга ихлос қилиш ва мақбараларини зиёратгоҳга айлантириш Эрон, Афғонистон, Туркия, Покистон, Шимолий Африка, Яманда кенг тарқалган.

*M : 1. Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – С. 45–46. 2. Ислом. Энциклопедия : А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат шумий нашириёти, 2003. – 19–20 б.*

**АКСИЛТЕРРОРИСТИК ФАОЛИЯТ** – давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари томонидан ўз ҳукуқий мақомларидан келиб чиқсан ҳолда террористик фаолиятни профилактика қилиш, оддини олиш, аниқлаш, фош этиш ва барҳам бериш, террорчиллик ҳаракатидан кўриладиган зарарни камайтиришга қаратилган сиёсий, мафкуравий, ахборот-тарғибот, ҳукуқий ва бошқа мазмундаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ». URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**АЛ-АЗҲАР**, Азҳар (ал-Жомеъ) – Мисрнинг Қоҳира шаҳрида жойлашган ўқув муассасалари ва жоме масжиддан иборат диний мажмуя. Масжид Фотимийлар сулоласига мансуб халифа Ал-Муъиз ал-Фотимиининг кўрсатмасига мувофиқ ҳарбий қўмондон Жавҳар ас-Сиқоллий томонидан 970–972-йилларда Қоҳира шаҳри билан бирга кўрилган. XVIII асрга келиб мажмуа ислом оламидаги энг нуфузли таълим марказига айланган. XIX асрнинг охирида Мисрда таълим тизимида ўtkазилган ислоҳотлар давомида Ал-Азҳар университет мақомига кўтарилиган. 1961 йили Миср ҳукумати «Ал-Азҳарни ривожлантириш ҳақида» қонун қабул қилиб, унга вазирлик мақоми берилган. 9 та факультет фаолияти йўлга қўйилган: ислом асослари, шариат, адабиёт, идора ишлари ва савдо, политехника, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, педагогика ва хотин-қизлар. Ал-Азҳарга раҳбар – Шайхул Азҳарни Миср Президенти тайинлайди. Мажмууда мисрлик ва хорижий уламолардан иборат Ислом тадқиқотлари Академияси фаолият юритади. «Мажаллат ал-Азҳар» журнали нашр этилади. Университет факультетларига шу мажмуа таркибидаги қўйи билим юртларини муввафқиятли тутгатганлар қабул қилинади. Ўрта таълим (маоҳид иъдодия) 3 йил, махсус таълим (маоҳид санавия) 4 йиллик.

*M : 1. Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991.  
– С. 16. 2. Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий  
энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 23 б.*

**АЛИ ИБН АБУ ТОЛИБ** (661 йилда ўлдирилган) – исломда «ал-хулафо ар-рошидун» (тўғри йўлдан борган халифалар), диндорлар ўртасида «чорёрлар» деб атаглан дастлабки тўрт халифадан тўртингчиси. Курайш қабиласининг ҳошимийлар хонадонидан, Мухаммаднинг амакивачаси ва куёви (Фотиманинг эри). 656 йили халифа Усмон ибн Аффон ўлдирилгандан кейин, Али ибн Абу Толиб 656 йилда Мадинада халифалик ҳокимииятини эгаллаган. Лекин умавийлар унинг ҳокимииятига бўйсунмаганлар. Абу Суфённинг ўғли Муовия Дамашқда ўзини халифа деб эълон қилган. Али ибн Абу Толиб 657-йили улар ўртасида бўлиб ўтган «Сиффин жангига»да кўли устун келиб турган шароитда жангни тўхтатиб, халифани сайлаш масаласини иккала томондан тайинланадиган вакиллардан иборат «учинчи суд» ҳал этишига рози бўлган. Алининг тарафдорларидан бир қисми (хорижийлар) бундан норози бўлиб, уни тарк этган. 661 йилнинг 19 январь куни Куфада хорижийлар суиқасд уюштириб, Абдураҳмон ибн Мулжам ас-Соримий исмли шахс Али ибн Абу Толибни ўлдирган. У аввал Куфага дафн этилган, кейинчалик жасади Нажаб қасабасига кўчирилган.

Али ибн Абу Толибнинг тарафдорлари исломдаги икки асосий оқимдан бири бўлган шиалик (араб. «шиа» – гурух, бу ўринда «Али тарафдорлари» мазмунида) оқимини ташкил этганлар. Шиалар унинг шахсини ўта илоҳийлаштирадилар. Суннийликда Али «ал-хулафо ар-рошидун»лардан бири, тақводор ва олийҳиммат шахс сифатида эъзозланади. Халқ оғзаки ижодида Али афсонавий саркарда ва қаҳрамон шахс деб ҳам танилган. Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда кўп қадамжолар ва мозорлар унинг номи билан боғланиб, муқаддаслаштирилган. Аслида ушбу қадамжолар рамзий мъянога эга, чунки Али ибн Абу Толиб Ўрта Осиё ва Эронда ҳеч қачон бўлмаган.

*M : 1. Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991.  
– С. 18. 2. Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий  
энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 25–26 б.*

**«АЛ-ҚОИДА»** (араб. القاعدة – асос, база) – энг йирик ультрарадикал халқаро террористик ташкилотлардан бири. Асосчиси – Саудия Арабистонининг собиқ фуқароси Усома бин Лодин. Мутахассислар ташкилотни тузиш ҳакида қарор 1988 йил 11 августда Пешавор

(Покистон) шаҳрида У.Лодин, унинг устози Абдулла Аззам ва «Ислом жиҳоди» (Миср) гуруҳи раҳбарларининг бўлиб ўтган учрашувида қабул қилинган, деб ҳисоблайдилар. Таркибий асосини 1980-йилларнинг иккинчи ярмида Пешаворда фаолият кўрсатган, Афғонистонга урушга келган араб кўнгиллilarини жанговар тайёргарликдан ўтказишга ихтинослашган, У.Лодин ва А.Аззам раҳбарлик қилган «Мактаб ал-Хидомат» битирувчилари ташкил этган. Бош максад мусулмон мамлакатларида дунёвий ҳукуматларни ағдариб, халифалик шаклидаги тузум жорий этиш, келгусида уларни бирлаштириб ягона исломий давлат тузиши ҳисобланади. Шунингдек, ташкилот ислом оламида Farb таъсирига барҳам бериш, АҚШ куролли кучларини Форс қўлтиғи худудларидан қувиб чиқариш ва Ироилни давлат сифатида йўқ килиш ғояларини илгари суради.

Ташкилот мағкураси панисломизм ва жиҳод ғояларига асосланган. «Ал-Қоида»нинг ҳозирги ва собиқ диний етакчилари У.Лодин (Ўлдирилган), Анвар ал-Авлоқий (Ўлдирилган), Айман аз-Завоҳирий, Анвар ал-Абу Мусаб ас-Сурий бугунги кунда ислом оламидаги барча ақидапараст гурух ва оқимларининг ғоявий раҳнамолари ҳисобланади.

1989–1991-йилларда ташкилотнинг асосий кучлари Афғонистон ва Покистонда, У.Лодиннинг ўзи эса Саудия Арабистонида бўлган. 1991 йили У.Лодин Саудия Арабистони ҳукумати билан муносабатлари ёмонлашгач, ўзи билан бирга «Ал-Қоида»ни Суданга кўчирган. 1996 йилда Судан ҳукумати АҚШнинг босими остида ташкилотни мамлакатдан чиқариб юборган. «Ал-Қоида» Афғонистонда Толибон қўли остида паноҳ топган. 1998 йилнинг февралида У.Лодин ва «Ислом жиҳоди» (Миср) етакчиси Айман аз-Завоҳирий «Салибийлар ва яхудийларга қарши ягона ислом фронти» уюшмаси тузилганини эълон қилғанлар. 2001 йил июнь ойида «Ал-Қоида» ва «Ислом жиҳоди» бирлашиб, «Қоида ал-жиҳод» (Жиҳодул Коида) номини олган. Бироқ, амалда «Ал-Қоида» номи сакланиб қолган.

2001 йил 11 сентябрь куни Нью-Йоркда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларидан сўнг АҚШ ҳукумати Толибон ҳаракати раҳбариятига «Ал-Қоида» етакчиларини топшириш ҳақида талаб қўйган. Толибон рад жавобини берганидан сўнг АҚШ етакчилигида тинчликка кўмаклашувчи халқаро кучлар (ISAF) томонидан Афғонистонда ўтказилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида Толибон ҳукумати ағдариб ташланган. «Ал-Қоида» раҳбарияти ва асосий

ҳарбий кучлари Афғон-Покистон чегаралари худудида яширинган. Кўпчилик мутахассислар ҳозир ҳам ташкилот бошқарув органи мазкур худудда жойлашган, деб ҳисоблайдилар.

2011 йили 2 май куни У.Лодин Покистоннинг Абботобод шаҳрида ўлдирилгандан сўнг ташкилотга Айман аз-Завоҳирий раҳбар этиб сайланган. «Ал-Қоида»нинг ташкилий тузилмасида олий бошқарув органи Шўро ҳисобланади. Шўрга дин, ҳарбий соҳа, молия каби йўналишларга ихтисослашган қўмиталар бўйсунади. Ташкилот ва унинг бўлинмалари Афғонистон, Покистон, Ирек, Яман, Сомали, умуман, деярли барча қитъаларда, асосан, Арабистон яримороли, Кавказ, Осиё, Шимолий Африка ва Яқин Шарқда жойлашган 80 дан зиёд мамлакатда қузатилади. Ташкилотнинг бўлинмалари ва яқин иттифоқчилари қаторида «Ислом Мағриби мамлакатларидағи Ал-Қоида», «Ал-Қоида»нинг Ирекдаги бўлинмаси», «Арабистон яриморолидаги Ал-Қоида», «Аш-Шабаб», «Жабҳа ал-нусра», Туркистон ислом ҳаракати, «Ислом жиҳоди иттиҳоди», Толибон ҳаракати, Покистон толибон ҳаракати, «Ҳакқоний тизими», «Абу Сайёф» каби гурухларни қайд этиш мумкин.

Ташкилот бугунги кунда Афғонистон, Покистон, Ирек, Ливия, Яман, Сурия, Сомали мамлакатларида фаол террористик ҳаракатларни амалга ошириб келмокда. «Ал-Қоида» амалга оширган йирик террорчилик ҳаракатлари Нью-Йоркда Бутунжаҳон савдо маркази ва Пентагонга самолётлар ёрдамида амалга оширилган ҳужумлар (2001), Исломобод (Покистон)да Дания элчинонаси (2008) ва «Мариотт» меҳмонхонаси (2008) ёнидаги портлатишлар, Мадрид (Испания)да поездларни портлатишлар (2004), Истанбул (Туркия)даги портлатишлар (2003), Бали (Индонезия) яриморолидаги портлатишлар (2002), Аден (Яман) портида АҚШнинг «Коул» эсминецига уюштирилган ҳужум (2000), Кения ва Танзанияда АҚШ элчиноналари ёнидаги портлатишлар (1998), Эр-Риёд (Саудия Арабистони) да жойлашган АҚШ ҳарбий маркази ёнида портлатиш ва қуроли ҳужум (1995), Сомалида БМТ ва АҚШ ҳарбий хизматчиларига уюштирилган ҳужумлар (1993) ва ҳ.к. ҳисобланади.

Тахлилларга кўра, «Ал-Қоида» амалга оширган террористик ҳаракатларнинг аксарият (88%) қурбонлари Фарб мамлакатлари фуқаролари эмас, балки мусулмон давлатлари фуқаролари ҳисобланади. Масалан, 2000-йилларнинг иккинчи ярмида Ирекда ташкилотнинг фаолияти хорижий ҳарбийларга эмас, асосан шиа

мусулмонларига қарши қаратилған. Ҳозир эксперталар У.Лодин күпроқ Фарбга қарши кураш ғояларини тарғиб қылған бўлса, А.Завоҳирий ўз даъватларининг аксариятини мусулмон мамлакатлари ҳукуматларига қарши қаратадётганига, Миср, Тунис, Сурія, Ливія, Яман ва Марокашдаги муҳолиф кучларни қўллаб-кувватлаб чиққанига эътибор қаратмоқдалар.

Бугунги кунда «Ал-Қоида» күпроқ мустакил фаолият юритадиган бўлиннамалардан иборат сетоцентрик тузилмага эга. Ташкилот ихтиёрида замонавий қурол-яроғ ва алоқа воситалари, малакали жангари ва тарғиботчилар мавжуд. «Ал-Қоида» нафақат террорчилик ҳаракатлари, балки замонавий техник воситалар, жумладац, Интернет тармоги орқали фаол ахборот уруши олиб борувчи тизим сифатида халқаро ҳамжамиятга таҳдид солмоқда.

Ташкилотнинг молиявий манбалари гиёхванд моддалар савдоси, хайрия, контрабанда, қимматбаҳо металл ва тошлар савдоси, ишончли шахслар томонидан бошқариладиган легал тадбиркорлик, банклар ва ҳ.к. ҳисобланади.

БМТ Хавфсизлик кенгашининг 1267 (1999) ва 1989 (2011) ҳарорларига мувофиқ, унинг таркибида «Ал-Қоида»га қарши санкциялар қўмитаси» тузилған. Санкциялар БМТ таркибидаги барча давлатларга ташкилот билан алоқадор шахсларнинг ҳаракатланишига йўл қўймаслик, «Ал-Қоида» билан алоқадор шахс ва ташкилотларнинг ҳисоб ракамларини «музлатиб» қўйиш, уларга қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар сотмаслик мажбуриятларини юклаган.

«Ал-Қоида» Марказий Осиёда фаолият кўрсатувчи, Афғонистон ва Покистон ҳудудида паноҳ топган Туркистон ислом ҳаракати, «Ислом жиҳоди иттиҳоди» ва бошқа террористик ташкилотларга моддий, ҳарбий ва ғоявий ёрдам қўрсатиб, минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистондаги барқарорликка салбий таъсир ўтказишга ҳаракат қилиб келмоқда. Ташкилот Тожикистон (30.03.2006), Киргизистон (15.09.2006), Қозогистон (15.10.2004), шунингдек, Россия (04.02.2003) да террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган.

*M : 1. Сайт «Википедия», URL: <http://ru.wikisource.org/wiki/Лентапедия/Аль-Каида>. 2. Сайт «Комитет по санкциям против «Аль-Каиды». URL: <http://www.un.org/russian/sc/committees/1267/information.shtml>. 3. Сайт «PATC ШОС». URL: [http://www.ecrats.com/ru/terrorist\\_organizations/1682](http://www.ecrats.com/ru/terrorist_organizations/1682). 4. Сайт «Facenews.ua». URL: <http://www.facenews.ua/articles/2013/170014/>*

**АМАЛ (шаръий)** (араб. – фаолият, ҳаракат) – ислом таълимотида диний ақидаларга ишонишдан ташқари диндор ўз фаолияти ва ҳаракати билан бажариши лозим бўлган барча ишларни ифода этувчи тушунчя. Амал умумий мазмунда диний маросимлар, урф-одатлар билан боғлиқ бўлган вазифаларни ўз ичига олади. Мусулмонлар бажарадиган яхши ишлар савобли, заарарли ишлар гуноҳ амал сифатида тушунилади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 28 б.*

**АМБАР ОНА**, Анбар она – халқ оғзаки ижоди ва ислом анъаналарида аёллар машғулотининг хомийси, пири. Анбар она даставвал динга ишонмайдиганлар орасида исломни тарқатган шайх Ҳаким отанинг хотини бўлган, у ўлгандан сўнг йирик чорвадор Занги отага турмушга чиққан, деб ривоят қилинади. Шунингдек, Анбар онани кўп йиллар сарсон-саргардонликда йўқолган ўғлини қидирганлиги, лекин уни топа олмаганлиги ҳақидаги ривоятлар сақланиб қолган. Анбар онага бағишлиб ўтказиладиган урф-одат ва маросимларнинг кўпчилиги сув тошқини, бола туғилиши ва ҳосилдорлик билан боғлиқ. Айрим «отинойилар» ҳозир ҳам Анбар она ҳақидаги ривоятлар ёрдамида ихлосманд одамлардан моддий маңбаат кўрмоқдалар.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 29–30 б.*

**АМИР ал-МЎМИНИН** (араб. – мўминлар амири) – араб халифалиги давридаги халифаларнинг унвони. Ислом таълимотида Муҳаммад охирги пайғамбар, халифалар эса, пайғамбарнинг ўринбосарлари ҳисобланади. Диний, дунёвий ва ҳарбий ҳокимият уларнинг қўлларида жамланган. Бу вазифаларни бажарувчилар «халифа», «кимом», «камир» истилоҳлари ўрнига, ҳар учала мазмунни ифодаловчи ягона «Амир ал-мўминин» истилоҳи билан аталган. Мазкур унвон илк маротаба иккинчи халифа Умар ибн Хаттобга берилган, кейинги барча халифалар шу унвон билан аталган.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 28 б.*

**АМРИ МАЪРУФ** (араб. – яхшиликка етаклаш) – ислом анъанасидаги маросим. Тўла шаклда «Амр би-л-маъруф ва нахий ан-ал-мункар» (яхшилик йўлига етаклаш, ёмонликдан қайтариш) деб аталган. Бунга қўра, ҳар бир мусулмон учун бир-бирларини яхшилик,

халоллик ва пок ахлоққа чақириш мажбурий (вожиб) деб ҳисобланган. Оддий халқ тилида «насиҳат қилиш» маъносида ҳам ишлатилади. Ҳозирги вақтда амри маъруф сифатида кўпроқ аҳоли ичидан фарзанд кўриш, тўй, маърака каби тадбирлар муносабати билан ўтказиладиган «худойи» маросимларида диний уламолар томонидан яхшилиска чақириувчи мавзулардаги маърузалари тушунилади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат шумий нашириёти, 2003. – 29 б.*

**АНАФЕМА** (грек. αναθέμα – ажратилган, четлаштирилган) – христианликда лаънатлаш ва черковдан четлатишни англатади. Расман анафема 451 йил IV Умумжаҳон Халкидон соборида расм қилинган. Ўз вақтида католик черкови томонидан Реформация тарафдорлари Ян Гус (1411), Мартин Лютер (1521), халқ кўзголони етакчиси Жанна д’Арк (1453, кейинчалик окланган ва 1920 йилда авлиёлар қаторига киритилган), Жордано Бруно (1600) ва бошқалар анафема қилинган. 1865 йил Рим Папаси Пий IX пантеизм, натурализм, рационализм, социализм, коммунизм, яширин жамиятлар, виждан эркинлиги тамойилларини анафема қилган. 1983 йили католик черковида янги қоидалар кодекси қабул қилингандан сўнг анафема ишлатилмай келмокда.

Православикда кўзголончилар етакчилари Степан Разин (1671), Емельян Пугачёв (1775), хиёнатчи Иван Мазепа (1708) ва бошқалар анафема қилинган.

1054 йилда Константинополь Патриархи Михаил Кируларий ва кардинал Гумберт бир-бирларини анафема қилган. Ушбу анафемалар 1964 йили Қуддусда патриарх Афинагор ва Папа Павел VI томонидан бекор қилинган.

*M : Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 153.*  
*2. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Анафема>*

**АНСОРЛАР** (араб. – ёрдамчилар, сафдошлар) – ислом тарихида 622 йили Маккадан Мадинага қўчиб борган мусулмонларга ва Мухаммад пайғамбарга ёрдам берган, ислом динини қабул қилган мадиналиқ Авс ва Ҳазраж қабилаларининг аъзоларига нисбатан қўлланилган ном. Ансорлар Маккадан қўчиб келганлар (муҳожирлар) билан бирга илк мусулмонлар жамоасини ташкил этган. Кейинчалик халифалик кенгайиб борганда анзорийлар бошқа худудларига ҳам

кўчид борганлар. Халифаликнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўрин эгаллаганлар. Ансорлар ҳадис ровийлари сифатида танилган.

*M : 1. Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991.  
– С. 21. 2. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 30 б.*

**АРАБ БАҲОРИ** (араб. الأربع والعربية) — 2010 йил 18 декабрь куни араб дунёсига мансуб қатор мамлакатларда бошланган норозилик намойишлари ва ижтимоий-сиёсий бекарорликлар тўлқинини назарда тутувчи тушунча. «Араб баҳори» сўзи 1848–1849-йилларда Европада бўлган инқилоблар «Халқлар баҳори» деб аталганига қиёс қилиб ишлатилған ҳамда ташкилотчилар томонидан гўёки амалга оширилган ҳаракатлар араб халқининг ёруғликка, эркинликка олиб чиқишини даъво қилишлари билан боғлиқ. «Араб баҳори» давомида Тунис, Миср (икки бор) ва Яманда ҳукумат алмашди. Ливияда ташқи ҳарбий кучлар иштирокида фуқаролар уруши рўй бериб, амалдаги ҳукумат ағдариб ташланди. Сурияда фуқаролар уруши давом этмоқда. Иорданияда подшо Абдулло II ҳукуматни истеъфога чикарди. Баҳрайндаги оммавий тартибсизликлар Саудия Арабистони кўрсатган ҳарбий ёрдам билан бостирилди. Турли даражадаги оммавий норозиликлар Жазоир, Жибути, Ироқ, Кувайт, Ливан, Мавритания, Марокаш, Саудия Арабистони, Судан, Уммон, Фарбий Саҳрои Кабир мамлакатларида бўлиб ўтди.

Фарб давлатларининг ОАВда «араб баҳори»нинг сабаби сифатида камбагаллик, тенгсизлик, коррупция ва ишсизлик кўрсатилган. Бироқ таҳлил Ливияда жон бошига даромад юқори (14878 АҚШ доллари) кўрсаткичда бўлгани, Мисрда ишсизлик АҚШ ва Европа Иттифоқидаги ўргача микдордан кам бўлганини кўрсатади. Кўпчилик сиёsatшунослар норозилик ҳаракатлари бир хил схемада, «рангли инқилоблар» шаклида, «Халқ ҳокимиятнинг ағдарилишини истайди!» шиори остида амалга оширилганига эътибор қаратиб, уларни стихияли вужудга келган ҳодиса эмас, балки манфаатдор кучлар томонидан режа асосида амалга оширилган тадбир, деб хулоса бермокда.

«Араб баҳори» иштирокчиларининг асосий қисми ёшлардан иборат бўлиб, норозиликларни ташкил этиш ва ҳукуматни обруғизлантиришда «Facebook», «Twitter» «YouTube» каби Интернет сайтларидан кенг кўламда фойдаланилди. Шунингдек, хорижий ОАВда оммавий норозиликларни амалга оширишда асосий ташки-

лотчиларидан бўлган айрим ташкилот ва фаоллар, жумладан, «б апрель ёшлар ҳаракати» (Миср), «Инсон ҳукуқлари Баҳрайн маркази» (Баҳрайн), Яман ёшлари етакчиси Энтсар Кадхи «Халқаро республикачилар институти» (IRI), «Миллий демократия институти» (NDI), «Фридом Хаус» каби АҚШ нодавлат ташкилотларида тайёргарликдан ўтганликлари ва улардан маблағ олганликлари ҳакида маълумотлар берилди.

Мутахассислар «араб баҳори»нинг салбий оқибатлари сифатида куйидагиларни қайд этадилар: Яқин Шарқда барқарорликнинг издан чиққани; «араб баҳори» рўй берган мамлакатларда аҳолининг турмуш даражаси ва хавфсизлиги кескин даражада тушиб кетгани; суннийлар ва шиалар орасидаги зиддият энг юқори даражага чиққани; «Ал-Қоида», янги вужудга келган жиҳодий ва салафий гурухларларнинг кучайгани; исломий партияларнинг ҳокимиятга келиши билан «сиёсий ислом» халқаро майдонга чиққани; араб жамиятлари дунёвийлар ва мутаассиб диндорлар, ҳукуматга содик фуқаролар ва муҳолифатчилар кесимида парчалаб ташлангани; араб мамлакатларига улкан иқтисодий зарар етказилгани; юз минглаб одамларнинг ҳалок бўлгани; қочқинларнинг катта оқими вужудга келгани.

2011 йилнинг сентябрь ойида «Ал-Қоида» террористик ташкилотининг раҳбари Айман аз-Завоҳирий «араб баҳори»ни кўллаб-куватлашини баён қилди.

2012 йил 1 январь куни Араб давлатлари лигаси Бош котибининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Мухаммад ал-Тавожирий «араб баҳори» араб дунёсига камида 75 млрд. АҚШ доллари микдорида зарар етказганини маълум қилди. 2013 йилнинг ярмига келиб, «араб баҳори» оқибатида Сурияда 100 мингдан зиёд, Ливияда 30 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлди.

*M : 1. Сайт «Война и мир», URL: <http://www.warandpeace.ru/ru/news/view/57271/>. 2. Сайт «Международная жизнь». URL: <http://interaffairs.ru/read.php?item=9915>. 3. Сайт «Израильское информационное агентство». URL: <http://9tv.co.il/news/2012/01/01/117372-print.html>.*

**АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ** (АДЛ, араб. جامعه الدول العربية, ингл. Arab League) — араб мамлакатларининг халқаро ташкилоти. 1945 йил 22 марта Қоҳира шаҳрида араб давлатлари вакилларининг кенгашида тузилган. Ташкилотга асосан араб давлатлари, щунингдек, араб бўлмаса-да, араб тилига расмий давлат тили мақоми берилган

мамлакатлар аъзо бўлади. Асосчилари Миср, Саудия Арабистони, Сурия, Ирок, Ливан, Яман ва Йордания ҳисобланади.

Ташкилотнинг олий органи Лига Кенгаши бўлиб, унда ҳар бир аъзо давлатга битта овоз берилган. Штаб-квартира Қоҳира (Миср) шаҳрида жойлашган. Лига Кенгаши бир йилда икки марта чақирилади (март ва сентябрь ойларида). Кенгаши раҳбарлиги араб алифбоси бўйича аъзо давлатлар ўртасида ҳар ярим йилда алмашиб туради. АДЛга раҳбар ҳисобланган Бош котиб аъзо давлатлар ўртасида яширин овоз бериш йўли орқали 5 йил муддатга сайланади. 2011 йилдан ташкилотга аввал Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазири лавозимида ишлаган Набил ал-Арабий раҳбарлик қилмоқда. Қоидага кўра, АДЛ қарорлари барча аъзолар рози бўлган тақдирда, истисно тариқасида айрим масалаларда аъзоларнинг учдан икки қисми розилиги билан қабул қилинади.

2005 йилда АДЛда Лига парламенти ташкил этилган. Парламент 88 депутатдан иборат. Депутатлар ташкилотга аъзо 22 давлатдан 4 тадан яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланадилар. Араб парламенти қароргоҳи Дамашкда жойлашган.

Лига таркибида Араб давлатлари лигаси Кенгаши, бирлашган араб ҳарбий қўмандонлиги, иқтисодий кенгаши, мудофаа бўйича бирлашган кенгаши, Истроилга қарши байкот эълон қилиш бўйича маҳсус муваққат бюро, агентликлар: Иқтисод соҳалари ва саноатни ривожлантириш агентлиги; Кишлок хўжалигини ривожлантириш агентлиги; Атом энергияси бўйича араб бирлашмаси; Араб Мехнат агентлиги; Почта уюшмаси; Фазовий каналлар араб уюшмаси; Таълим, фан ва маданият бўйича агентлик фаолият олиб боради. Лигага аъзо бўлган давлатлар бир вақтнинг ўзида юқоридаги агентликларнинг ҳам аъзоси ҳисобланади.

АДЛнинг асосий мақсади аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва молиявий масалаларда ҳамкорликни ривожлантириш; транспорт ва коммуникация соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш; соғлиқни сақлаш ва маданият соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш; ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳисобланади.

АДЛга Шимолий Африка ва Яқин Шарқда жойлашган 22 та араб давлати ва араб тилига давлатнинг расмий тили мақоми берилган давлатлар аъзо бўлган: Миср Араб Республикаси, Саудия

Арабистони, Ирок, Сурия, Яман, Ливан, Иордания, Судан, Ливия, Марокаш, Тунис, Кувайт, Жазоир, Баҳрайн, Қатар, Үмон, Бирлашган Араб Амирликлари, Мавритания, Сомали, Фаластин, Жибути, Камор ороллари. АДЛ барча қытъаларда жойлашган 20 дан ортиқ мамлакатларда ўз ваколатхоналарини очган. 1977 йили Миср давлати Кемп-Девид Исройл билан тинчлик шартномаси имзолаганда АДЛ штаб-квартираси Қоҳирадан Тунисга күчирилган. 1990 йил марказ қайта Қоҳирага күчирилган. Ташкилот 1950 йилдан буён БМТда кузатувчи мақомига эга. Интернетдаги сайты: [www.lasportal.org](http://www.lasportal.org).

Йиллар давомида ташкилотда етакчилик учун кураш Миср ва Ироқ мамлакатлари орасида кечган. Лигада мұхим сиёсий ва ҳарбий лавозимларга асосан мисрликлар тайинланиб келган. Бироқ 1990 йили Ироқ Кувайтни босиб олганда АДЛ истилочига ҳеч қандай чора күра олмаган. 2003 йилдан буён Ироқда, кейинги йилларда Мисрда хукм сураётган сиёсий инқизозлар ушбу мамлакатларнинг АДЛдаги мавқеларига ҳам салбий таъсир күрсатди.

АДЛ Фаластин араб халқининг ҳуқуқлари қайта тикланиши учун курашда ва Фаластин миллий мухторияти фаолиятини молиялаштиришда мұхим ўрин эгаллади. Бироқ айрим араб мамлакатлари орасидаги муносабатларнинг кескинлашуви ва Форс күлтиғи монархия давлатларининг сиёсий вазнининг ошиши АДЛда ички зиддиятларни келтириб чиқармоқда. 2010-йилларда араб мамлакатларида бошланган сиёсий инқизозлар даврида АДЛ 2011 йилнинг февраль ойида Ливия, март ойида Сурияның аъзолигини тұхтатиб қўйди. 2013 йилнинг март ойида ташкилотнинг Доха (Қатар) да бўлиб ўтган 24-саммитида Сурия номидан расмий ҳукумат эмас, балки мухолифат кучларидан вакиль қилинган Миллий уюшма иштирок этган. Саммитда аъзо давлатларга мухолифат кучларига ёрдам кўрсатиш, жумладан, қурол-яроғ билан таъминлашга рухсат берилди. Кўпчилик мутахассислар ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, бугунги кунда ташкилотда Саудия Арабистони ва Қатар етакчи ўрин эгаллаётганини эътироф этмоқдалар.

*M : 1. Сайт «Википедия», URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Лига\\_арабских\\_государств](http://ru.wikipedia.org/wiki/Лига_арабских_государств). 2. Интернет-журнал «Новое Восточное Обозрение». URL: <http://ru.journal-neo.org/2013/03/17/the-new-role-of-the-arab-league-in-regional-and-international-relations/>. 3. Сайт «Korrespondent.net». URL: <http://korrespondent.net/world/1532695-liga-arabskih-gosudarstv->*

*namerena-oficialno-vooruzhat-sirijskuyu-oppoziciju. 4. ВОСТОК (ORIENS)*  
2013 – № 3. – С. 55–63.

**АРАФА** (араб. – билмок) – 1) ҳижрий тақвим бўйича 12-ой (зулхижжа)нинг 9-куни. Ислом таълимотига мувофиқ, ҳожилар ушбу кун Маккадан 25 км узоқликда жойлашган Арафот тепалигига чиқиб, кун ботгунча дуо, ибодат ва илтижо билан машғул бўладилар. 2) Мусулмонлар томонидан иккала ҳайитдан олдинги кун ҳам арафа деб аталади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 31 б.*

**АТЕИЗМ** (грек. αθεος, α – инкор, Θεος – худо; худони инкор этиш) – табиий борлиқни ягона деб тан олиш ва динни инсон маҳсули сифатида эътироф қилувчи ҳамда дунёнинг яратилиши ҳақидаги диний тасаввурларни танқид қилувчи энг изчил дунёқараш. Атеизм илохий кучларни инкор этиб, табиат, жамият ва инсоннинг табиий, объектив қонуниятларга асосланган ривожланиши, инсон ҳеч қандай илохий куч аралашувисиз адолат ва фаровонликка эришиши ҳақидаги ғояларни илгари суради.

Монотеистик динларда, жумладан, исломда атеизмга нисбатан ўта муросасиз муносабат шаклланган. Назарий жиҳатдан сўнгги уч асрдан бўён мавжуд бўлиб, даставвал атеизм француз материалистлари томонидан илгари сурилган. Фейербах, Герцен, шунингдек, марксизм, фалсафий натурализм, секуляр гуманизм ғоялари тарафдорлари томонидан ривожлантирилган.

Маълумотларга кўра, ҳозир дунё аҳолисининг ҳали бирор динни танламаган ва атеистлар қисми 1,1 млрд. (16%)ни ташкил этади.

*M : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 158–159. 2. Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 200. 3. The Global Religious Landscape. Pew Research Center. Washington, D.C. 2012. P9.*

**АПОКРИФЛАР** (грек. απορυτό – яширинган, беркитилган) – Эски аҳд ва Янги аҳд даврларида ёзилган, лекин христианликда Библия таркибиға киритилмаган қадимги диний китоб\*лар. Апокрифларда қадимги яҳудийлик ва илк христианлик ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Эски Аҳд апокрифларининг аксарияти гўёки Библияда

келтирилгандар шахслар (Енох, Ибрөхим пайғамбар ва ҳ.к.) номидан битилгандар. Янги Аҳд апокрифлари (Фоманинг Инжили, «Петрнинг фаолияти», «Павелнинг фаолияти» ва ҳ.к.) кўпинча муайян доирага мансуб диндорлар учун ёзилган. В асрда Рим Папаси Геласий I апокрифларни «бидъат манбаи», деб эълон қилган.

Протестантлар апокриф сифатида Эски Аҳднинг қадимий яхудий тили иврит, қисман оромий тилида ёзилган (Масорет) қисмида бўлмаган, ушбу тилдан қадимги грек тилига таржима қилинган (Септуагинт) нусхасида мавжуд бўлган китобларни («Юдиф китоби» (Книга Юдифи), «Товий» (Книга Товита), «Маккавийнинг биринчи ва иккинчи китоблари» (I и II книги Маккавейские), «Сулаймоннинг ҳикматлари» (Книга Премудrostи Соломона) ва ҳ.к. эътироф этадилар.

*M: 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 156. 2. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 231.*

**АПОСТОЛЛАР** (греч. απόστολος – чопар, вакил, яширин) – христианлик таълимотига кўра, Исо Масих томонидан танланган бир гурух шогирдлар. Илк христиан жамоасини ташкил этганлар. Матто (10:2) ва Маркус (6:30) инжилларида дастлабки апостолларнинг сони 12 та бўлгани баён этилган. Луқо инжилида Исо Масих кейинчалик яна 70 шогирд танлагани ёзилган. Куръонда апостолларга нисбатан ҳаворий сўзи қўлланилган.

Апостоллар миссияси ҳақида умумий тасаввурлар апостол Петр томонидан ёритилган. У биринчи бўлиб ўзини апостол деб атаган («Римликларга мактуб», 1:1). Шундан сўнг, апостол сифатида Исо Масихнинг даъватини дунёга тарқатувчи черков вакиллари тушунила бошланган («Ҳаворийлар фаолияти», 14:4).

Янги Аҳдга кўра, апостоллар пайғамбарларнинг ишларини давом эттирувчилар («Ефесянликларга мактуб», 2:20, 3:5) ҳисобланади. Агар Исо Масих худо номидан гапирган бўлса, апостоллар Исо Масих номидан даъват қилганлар, деб ҳисобланади. Христианликда Исо Масихнинг меърожидан кейин 50-кун апостоллар диний маросимда ўтирган вақтларида уларнинг боши узра олов кўрингани ва апостоллар ўzlари билмаган тилларда гапира бошлагани, шу тариқа апостолларга Ҳудо раҳмати берилгани ҳамда улар фаол миссионерликни бошлаганликларига эътиқод қилинади.

Христиан таълимотига кўра, апостоллик ваколати одамдан-одамга берилиши мумкин.

*M : Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 156-157. 2. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 231–233.*

**АШУРО** (араб. – ўн кунлик) – шиаларда ўтказиладиган мотам маросимлари кунлари. Шиаларда халифа Алининг ўгли Ҳусайн Карбало шахри яқинидаги жангда халок бўлгани хотирасига бағишилаб ҳижрий тақвимнинг мухаррам ойи дастлабки ўн кунлигига ўтказиладиган мотам маросимлари. Ушбу кунларда шиаларнинг диний марказ ва масжидларида имом Ҳусайн ва унинг сафдошлари чеккан азоблар ҳақида қиссалар ўқилади. Шиалар қўчаларда мотам юришлари қилиб, «Шоҳ Ҳусайн, воҳ Ҳусайн», деб ўзларини мушт ва занжир билан уриб азоблайдилар. Карбалодаги Ҳусайн ва унинг сафдошларига тегишли мақбаралари зиёрат қилинади. Сунннийларда Ашуро куни оддий кун саналса-да, айрим жойларда шиалар таъсирида «кашур оши» тарқатилади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 34 б.*

**АШЬАРИЙЛИК** – исломнинг сунний йўналишидаги икки асосий калом мактабларидан бири. Асосчи ва таниқли вакиллари Абул Ҳасан Али ибн Исмоил Ашъарий (873–935), Боқилоний (1013 й.да в.э.), ибн Фурқ (1015 й. в.э.), Шаҳристоний (1153 в.э.), Фахриддин Розий (1209 й. в.э.) ва бошқалар ҳисобланади. Таълимотда иккинчи калом мактаби – мотуридийликдан айрим фарқли жиҳатлари мавжуд: дунёқараща ақл диний анъана – наклдан устун қўйилади; Аллоҳнинг бандаларига уларнинг тоқатларидан оғир иш буюриши мумкин, Аллоҳни ақл билан таниш вожиб эмас деб ҳисобланади; имон озайиб-қўпайиб туради, амалсиз имон бўлмайди деб саналади ва ҳ.к. Ашъарийлик кўпроқ шофеийлик мазҳаби ичida тарқалган.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 35 б.*

**АҚИДА** (араб. – эътиқод қилинадиган тушунча) – диндорлар учун мажбурий ҳисобланган, шак келтирмасдан, муҳокама юритмасдан эътиқод қилиниши лозим бўлган диний талаблар. Исломда ақиданинг

асоси Куръонда берилган, ҳадислардаги кўрсатмалар негизида ишлаб чиқилиб, тартибга солинган. Исломнинг суннийлик йўналиши илоҳиётида эътироф этиладиган ақидалар ёки имон талаблари етгита: Аллоҳнинг ягоналигига, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охиратга, қиёмат куни барчанинг қайта тирилиши ва тақдирга ишониш. Шиалик йўналиши илоҳиётида бешта ақида тан олинади: тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги), нубувват (пайғамбар) га ишониш, адл (илоҳий тақдирнинг адолатлигига ишониш), имомат (имомлар ҳокимиятини таниш), маод (охиратга ишониш).

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 28 б.*

**АҚИДАПАРАСТЛИК** – муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллашга уриниш. Диний ақидапарастлик диндаги ақида ва қоидаларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига кўр-кўрона қўллаш ва мутлақлаштиришга қаратилган ҳаракатлар ҳисобланади. Ақидапарастлик барча динларда турли мазҳаб ва йўналишлар орасида, шунингдек, дунёвий жамиятда кескинлик, низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлади. Ақидапараст гурухлар ўз гояларини тушунтириш, ишонтириш каби усувлар орқали тарғиб этишни тан олмайди. Улар ўз даъволарида бошқаларга нисбатан ўта жоҳил ва муросасиз муносабатда бўладилар. Ўзини шак-шубҳасиз ҳақ деб билиш, ҳақиқатни фақат мен биламан, деган қарашга асосланган манманлик эса зўравонликни юзага келтиради.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т. : Академия, 2007. 93 б.*

**АҚИҚА** (араб.да «чақалоқ сочини олиш, қурбонлиқ сўйиш») – мусулмон оиласарида янги туғилган болага исм қўйиш ва туғилгандаги сочига қайчи уриш билан боғлиқ одат. Ақиқа исломда суннат амал ҳисобланади. Ислом анъанасида чақалоқ туғилган кунининг еттинчи, ёки ўн тўргинчи, ёки йигирма биринчи кунлари ўтказиш тавсия этилади. Бошқа кунларда ҳам туғилган фарзанд балоғат ёшига етгунча қадар ўтказиш мумкин. Шукроня сифатида имкониятга қараб соғлом, нуқсонсиз бир қўй сўйиш жорий қилинган. Гўштнинг бир қисми муҳтожларга тарқатилади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 36 б.*

**АХЛИ ЗИММА** (зиммийлар, араб. – ҳомийлиқдаги халқлар) – ўрта аср араб-мусулмон давлатларидағи ахоли категорияларидан бири. Зиммий ҳисобланған христианлар, яхудийлар, сабыйлар ва зардыштийларга мусулмонлар давлатида яшаб, ўз динига эътиқод қилишига рухсат этилган; яшащ, эркинлик ва мулкнинг дахлсизлигига кафолат берилган. Бунинг учун зиммий ер солиги – хирож билан жон солиги – жизя тұлашы керак бўлган.

Зиммийлар ҳуқуқий жиҳатдан ўз диний жамоа бошлиқларига бўйсуниб, мусулмон билан тортишув бўлганда ислом ҳуқуқи асосида чиқарилган ҳукмга бўйсунган. Зиммийларга улардан мусулмонлар учун мажбурий бўлган амалларни талаб қиласлик учун кўргошиндан ясалган ёрлиқча тақиб юриш, сариқ бош кийим кийиш, шунингдек, мусулмонлар ичида диний китобларини баланд овозда ўқимаслиқ кабилар талаб ёки тавсия даражасида қўйилган.

Зиммийларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлилган. Бунга Мұхаммад пайғамбар даврларида яхудийлар Мадинада аҳднома асосида тинч-омон, ўз динларига эътиқод қилиб яшаганликлари, Умар ибн Хаттоб халифалиги даврида Илия христианлари билан тузилган аҳдномада христианларнинг тұла хавфсизлиги, эркинлиги, ҳақ-хуқуқлари, черковларининг дахлсизлиги таъминланғани мисол бўлади. Кейинги даврларда ҳам зиммийлар халифалик ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этганлар. Кўплаб зиммийлар мусулмон ҳукмдорларнинг қўлларида турли масъул лавозимларда фаолият юритганлар. Шунинг учун ўша даврларда халифалик ҳудудида яшаган яхудий, насроний ва бошқа дин вакиллари ушбу ерда муқим яшашни афзал кўрганлар.

Хозир мусулмон мамлакатларида бошқа дин вакиллари мусулмонлар каби ягона дунёвий қонунларга бўйсунадилар.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 94 б. 2. Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – С. 27–28. 1. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб, 2008. – С. 515.*

**АХЛИ СУННА вал ЖАМОА** – ислом таълимотида мусулмонларнинг асосий ва жумхұр оммаси эътиқод қилиб келаётган ақидавий ва мағкуравий мазҳабларнинг умумий номи. Исломнинг дастлабки даврларида ахли сунна вал жамоа бўлмаган. Биринчى хижрий асрнинг (милодий тақвимдә VII аср) ўрталаридан турли

сиёсий сабабларга кўра, аввал хорижийлар, кейин шиалар ва бошқа жамоалар мусулмонлар оммасидан ажраб чиқиши муносабати билан колган мусулмонларнинг асосий оммаси аҳли сунна вал жамоа деб атала бошланган. Бу номда Мұхаммад пайғамбарнинг суннатига амал қилиш ва мусулмонларнинг асосий қўпчилик жамоаси маънолари акс этган.

Аҳли сунна вал жамоага мансубликни билдирувчи асосий белгилар дастлабки тўрт халифа (Абу Бақр, Умар, Усмон ва Али) хокимияти қонуний эканлигини тан олиш, олтига ҳадис тўплами (ал-Бухорий, Муслим, ат-Термизий, Абу Довуд, ан-Насой, Ибн Можа тўпламлари)ни сахих (ишончли) деб билиш, тўрт диний-хуқуқий мазҳаб – ҳанафийлик, моликийлик, шофиийлик, ханбалийликдан бирига мансуб бўлишдан иборат. Ақидавий масалаларда аҳли сунна вал жамоа Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий (мотуридийлик) ва Абул Ҳасан ал-Ашъарий (ашъарийлар) мактаблари таълимотига асосланади.

Аҳли сунна вал жамоа ислом дунёсидаги деярли барча мамлакатларда қўпчиликни ташкил этиб, Эрон, Ироқ, Бахрайн каби бир неча мамлакатда шиалар сон жиҳатдан кўп.

*M : Ислам: Энциклопедический словарь. – M : Наука, 1991. – С. 29–30.*

**АҲМАДИЙЛАР** – XIX асрнинг охирида Ҳиндистонда вужудга келган Мирза Ғулом Аҳмад Қодиёнй (1835–1908) исмли шахс асос солган диний ҳаракат. 1891 йилда ҳаракат асосида «Анжумани Аҳмадия» диний ташкилоти тузилган. Издошлири уни «пайғамбар», деб эълон қилган. Аҳмадия ақидалари исломга зид бўлиб, уларга кўра: гўёки Ғулом Аҳмад ваъда қилинган Исо Масиҳ ва пайғамбар саналади, Аллоҳга рўза тутиш ёки намоз ўқиши каби инсоний сифатлар берилади, Ғулом Аҳмад туғилган Қодиён қишлоғи ҳаж қилинадиган жой ҳисобланади, маст қилувчи нарсалар ҳаром қилинмаган. Жамоага аъзо бўлиш қасамёдида уни сўзсиз ижро қилишга «ҳоҳ қариндошлар, ҳоҳ дўсту биродарлар, ҳоҳ давлат хизмати бўлсин, бирор дунёвий иш таъсир қилмаслиги» шарт қилинган. Аҳмадийлар Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон, шунингдек, айрим араб, Африка ҳамда Ғарб мамлакатларида тарқалган.

Ғулом Аҳмад вафот этгач, ҳаракат икки йўналишга бўлиниб кетган. Ғулом Аҳмадга содик қолган ҳолда аҳмадийлар унинг ўғли Башириддин Маҳмуд Аҳмад етакчилигига «қодиёнйлар» номи остида жамоат тузган бўлиб, ҳозир у кенг кўламдаги таъсирга

эга ташкилотга айланган. Қодиёнийлар 1947 йилдан бошлаб ўз қароргоҳларини Покистоннинг Рабва шаҳарчасига кўчирган.

Ҳаракатнинг «ғарблашган» юқори лавозимли аъзолари 1914 йилда Покистоннинг Лаҳор шаҳрида кейинчалик «лаҳорийлар» деб ном олган янги шохобчани вужудга келтирганлар. Лаҳорийлар Ғулом Аҳмадни пайғамбар эмас, фақат динни янгиловчи, яъни мужаддид сифатида эътироф этиш билан қодиёнийлардан фарқланадилар.

Ислом Конференцияси Ташкилоти таркибидаги Ислом фикҳи академияси, Ислом олами уюшмаси ва Миср Араб Республикаси «ал-Азҳар» университети қошидаги «Исломшунослик академияси» аҳмадийларнинг мусулмон эмаслиги ҳақида фатво чиқарғанлар.

Қагор тарихчи ва диншунос мутахассислар аҳмадийларни Британия империяси томонидан мустамлакачилик\* сиёсати доирасида Ҳиндистондаги мусулмонларни тобеликда ушлаб туриш учун яширинча шакллантирган ҳаракат деб баҳолайди. Ғулом Аҳмад ўзининг «Хазоин руҳония» («Маънавий хазиналар») китобида «Менинг ислом деб атаб келаётган мазҳабим ва ақидам икки нарсага таянади: уларнинг биринчиси Аллоҳга итоат қилиш бўлса, иккинчиси Британия хукуматига бўйсунишдир», деб ёзган.

МДҲ ҳудудига аҳмадийлар асосан 1990-йилларда кириб келган. Кўпроқ тадбиркорлик фирмалари ва хайрия жамияти вакиллари сифатида фаолият юритадилар. 2007 йилда АҚШдан Қирғизистонга «Лаҳор аҳмадийлар ҳаракати» вакиллари келиб, маҳаллий мусулмонлар билан алоқалар ўрнатишга қаратилган фаолият билан шугулланган.

Ўзбекистонда аҳмадийларнинг жамоа сифатидаги фаолияти кузатилмайди. Айни вақтда, аҳмадийлар «Халқаро почта» ва бошқа ўйлар билан республика ҳудудига ўз диний адабиётларини киритишга қаратилган ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Аҳмадийлар томонидан ўзбек тилида «Танланган ёзувлар», «Танланган ҳадислар», «Танланган оятлар» каби китоблар, Куръоннинг аҳмадийлар талқинидаги ўзбекча таржимаси чоп этилгани ушбу ҳаракатнинг Ўзбекистонга кириб келишга қаратилган мақсадларини фош этади.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат шимий нашириёти, 2003. – 39 – 40 б. 2. Тўйичибоеv A. Исломга ёт жамоа. – Т. : Тошкент ислом университети нашириёти, 2010. – б. 9–10, 26, 29 б.*

**БАРҚАРОРЛИК (ИЖТИМОИЙ)** – 1) жамият ҳаётининг осойишталиги; 2) ижтимоий тузум элементларининг уйғунлиги;

3) жамиятдаги турли ижтимоий бирликлар (миллат, дин, катлам ва ҳ.к.) вакилларининг ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги. Ижтимоий барқарорлик турли жиҳатларга эга: жамиятдаги тинч-тотувлик ва уни мустаҳкамлаш учун шарт-шароитнинг мавжудлиги; ижтимоий қатламлар, кучлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик вазияти; давлат, жамоат ва диний ташкилотлар, фуқаролар ўртасидаги ижтимоий келишув ва шерикчилик ҳолатининг бардавомлиги ва ҳ.к.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.  
— Т. : «Akademīya», 2007. — 96 б.*

**БАЙТУЛЛОҲ**(араб.да Аллоҳнинг уйи) — Макка ислом динининг муқаддаслаштирилган марказига айланганидан кейин Катбага берилган ном. Бошқа номлари Масжиди ҳаром, Қибла, Байтулатик, Хонаи қаъба. Аллоҳнинг уии деганда қиблагоҳ, Аллоҳга ибодат қилинадиган жой маъноси берилган. Шу нуқтаи назардан, барча масжидларни «Аллоҳнинг уий» деб аташ мумкин.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. — Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. — 43 б.*

**БИБЛИЯ** (грек.да βιβλος – китоб, ўрам) – яхудийлик ва христианлик таълимотида муқаддас ҳисобланган, деярли 15 аср (милоддан аввалги XIII асрдан милодий II асргача) давомида турли муаллифлар томонидан ёзилган диний китоблар ва рисолалар мажмуи. Ушбу ном илк бор IV асрда христиан уламолари Иоанн Златоуст ва Епифаний Кипрский томонларидан қўлланган. Библия энг қадимги ёзма ёдгорликлардан бири бўлиб, диний панд-насиҳатлар, ақидалар, башоратлар, дуолар, солномалар, масаллар, достонлар, хикоят, ривоят ва мактублардан ташкил топган.

Яхудийлик ва христианликнинг турли йўналишларида Библия таркибига киритилган китоблар ўзаро фарқланади. Библия иккита қисмдан: Қадимги Аҳд (рус. Ветхий Завет) ва Янги Аҳд (Новый Завет)дан иборат. Қадимги Аҳд милоддан аввалги XIII–IV асрларда (айрим маълумотларда – XII–I асрлар) ёзилган. Икки тилда: қадимиий яхудий тили иврит, қисман оромий тилида ёзилган (Масорет) ҳамда ушбу тилдан милоддан аввалги III–II асрларда қадимги грек тилига таржима қилинган (Септуагинт) шаклларида етиб келган.

Масорет таркибида 39 та китоб бор. Яхудийликда улар Қадимги Аҳдни ташкил этиб, «Тора» ёки «Мусонинг беш китоби» (Таврот, Конун), Невиим (Пайғамбарлар), Кетумбим (Ёзувлар) деган уч бўлимга

ажратилган. «Тора» таркибига «Борлик» ёки «Ибтидо» (Бытие), «Чиқиши» (Исход), «Левит» (Левит), «Сонлар» (Числа) ва «Иккинчи қонун» (Второзаконие) киради.

Септуагинт таркибидә эса Масоретда бўлмаган қўшимча 11 та китоб («Юдиф китоби» (Книга Юдифи), «Товий» (Книга Товита), «Маккавийнинг биринчи ва иккинчи китоблари» (I и II книги Маккавейские), «Сураймоннинг ҳикматлари» (Книга Премудрости Соломона), «Сирахонинг ҳикматлари» (Премудрости Сираховой), «Варуха» (Книга пророка Варуха) ҳамда Эсфирий ва Даниил китобларига грекча қўшимчалар) бор бўлиб, умуман 50 та китобдан иборат. Рим империяси худудида грек тили маданий ва иқтисодий алоқалар тили ҳисоблангани боис илк христианлар орасида айнан Септуагинт тарқалган. Библияниң лотин тилидаги таржималари, масалан, Вульгата (382 й.) Септуагинт асосида бажарилган. Мазкур сабаб ва христианликнинг турли конфесияларида Эски Аҳд таркиби бўйича турли ёндашув мавжудлиги учун христианликда Библия таркибидаги китоблар сони 66 тадан (протестант конфесияларда) 81 тагачани (Эфиоп православ черкови) ташкил этади.

Жумладан, католиклиқда Масоретда бўлмаган 11 та китоб ҳам муқаддас ҳисобланади. Православлар ушбу китобларни муқаддас китоблар қаторига уларнинг грек тилида келганини изоҳ қилган ҳолда қўшадилар. Протестантликда эса Эски Аҳд таркибига яхудийликда каби Масоретдаги 39 та китоб киритилган ва Септуагинтдаги қўшимча 11 китоб муқаддас ҳисобланмайди.

Янги Аҳд милоднинг I-II асрларида қадимги грек тилида ёзилган 27 та китоб: 4 та Евангел (Инжил), «Ҳаворийлар фаолияти» (Деяния апостолов), 21 та «Ҳаворийларнинг мактублари» (Послание апостолов), «Апокалипсис» (Откровение апостола Иоанна Богослова) дан иборат. Христианликнинг барча йўналишларида муқаддас ҳисобланади. Янги Аҳд таркиби юзасидан турли христиан жамоалари орасидаги келишмовчиликлар бўлгани сабабли босқичма-босқич қабул қилинган. Расман Янги Аҳд 364 йил Лаодикий соборида қабул қилинган бўлса-да, мазкур масалада охирги қарор Трулъ соборида (692) қабул қилинган.

Библия XIII асрда кардинал Стефан Ленгтон томонидан ҳозирги шаклга келтирилган. XVI асрда француз Роберт Стефан китобларни шеърларга бўлиш ва рақамлашни амалга оширган. Дастлабки Библия

1450 йили Иоганн Гутенберг томонидан лотин тилида чоп этилган. Германия библия жамиятининг маълумотларига кўра, 2005 йилга қадар Библия 422 тилга таржима қилинган. 1981 йили Стокгольмда Библия илк бор ўзбек тилида нашр этилган.

Ислом таълимотида Инжил муқаддас манба саналиб, уни қадимда қайта кўчиришда маънолари бузилган ҳисобланади. Библиядаги персонажлар Куръонда ҳам келтирилган, масалан, Авраам – Иброҳим, Моисей – Мусо, Иосиф – Юсуф, Иисус – Исо ва ҳ.к.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – 50 б. 2. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 161. 3. Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 49–51, 203. 4. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Библия>. 5. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 423–424. 6. Диншунослик. Маърузалар матни. /Х. Юлдошходжаев, Д. Раҳимжонов, М. Комилов. – Т., 2000. – 72-бет.*

**БИБЛИЯ КАЛЕНДАРИ** – Библияда ишлатилган календарь. Ойга қараб белгиланган ҳисобланади. Чунки у қадимги яхудий тилида Ой (уерах) ва янги Ой (hodech) орасидаги вакт тушунчасини англатади. Библия календаридаги ойлар номларининг кўпчилиги қадимги вавилонча илдизга эга. Шу билан бирга, айрим ойларда қадимги яхудий тилидаги асл номлар сақланиб қолган. Библия календари куйидаги ойлардан иборат: этаним (*оргинал қадимги яхудийча ном*)/тишрей (*вавилонча ном*) – сентябрь-октябрь, боул/хешван – октябрь-ноябрь, кислев – ноябрь-декабрь, тевет – декабрь-январь, шаббот – январь-февраль, адар – февраль-март, авив/нисон – март-апрель, зив/иэр – апрель-май, сивон – май-июнь, таммuz – июнь-июль, ав – июль-август, элул – август-сентябрь.

*M : Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 94.*

**БИБИ МАРЯМ** – Ислом таълимотида Исо пайғамбарнинг онаси, тақводор, мўмина аёл, жаннатдаги аёлларнинг раҳнамоси. Христианликдаги Марияга тўғри келади. Қуръоннинг 19-сураси «Марям» деб аталади.

Христианлик таълимотида Биби Марям (Богородица, Богоматерь, Дева Мария, Пресвятая Дева, Мадонна) Иаким ва Аннанинг фарзанди ҳисобланади. Иосиф билан никоҳланган. Фаластииннинг Назарет кишлогида бокира ҳолда Исо Масиҳни дунёга келтирган. Католиклар Марияни Богородица сифатида муқаддаслаштириб, уни бирламчи гуноҳсиз дунёга келган ва ўлимидан сўнг жисман арш-аълога кўтарилиган деб эътиқод қиласидилар. 1964 йили Рим Папаси Павел VI уни «Черков онаси», деб эълон қилган. Православлиқда Мария авлиё деб эътироф этилиб, унинг шарафига диний байрамлар нишонлаш ва иконасини эъзозлаш мавжуд.

*M. : I. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 152 б. 2. Яблоков И.Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 163.*

**БИБИ МУШКУЛКУШОД** (форс., тожик. – мушкулни осон қиласидиган аёл) – диндорлар тасаввурларида кишини қийинчиликлардан ҳалос этадиган авлиё аёл образи. Биби Мушкулкушод ҳақидаги ривоятлардан бирида у бир ўтинчи чолга ҳар ҳафтанинг чоршанбасида унга атаб зиёфат ўтказса, ишига барака киришини айтади. Чол бу талабни бажаради ва иши юришиб кетади. Шунинг учун Биби Мушкулкушод айрим жойларда Биби Чоршанба дейилади. Ривоятнинг мусулмонлаштирилган кўринишида Биби Мушкулкушод суфий тариқат етакчиси Баҳоуддин Нақшбанднининг холаси (асл исми Мусалламхон) сифатида талқин қилинади. Республиканинг қатор ҳудудларида Биби Мушкулкушоднинг рамзий қабрлари бўлиб, баъзи аёллар мушкулини осон қилиш, ишини юргизиш мақсадида чоршанба кунлари ушбу қабрларни зиёрат қилиб, шам-чироқ ёқиб (ушбу ирим амал «чироқ ёқди» дейилади), ёрдам сўралади.

Шу каби Биби сешанба, Сешанба она – чарх йигирувчи аёлларнинг ҳомийси, оила баҳтигининг ҳимоячиси бўлган авлиё аёл ҳақида ҳам ривоятлар мавжуд. Қадимий диний эътиқодларнинг исломга мослашиб сақланиб қолган кўринишлиаридан бири. Ривоятнинг «исломлаштирилган» кўринишида Биби сешанба ҳам Баҳоуддин Нақшбанднининг холаси (асл исми Комилахон) деб ҳисобланади. Айрим аёллар Биби Сешанба шарафига сешанба кунлари зиёфат берадилар, ундан муруват, мадад тилайдилар. Мутахассислар ушбу иккала образлардан қадимийси Биби Сешанба деб ҳисоблайдилар.

Ислом таълимотида Биби Мушкулкушод, Биби Сешанба маросимларини ўтказиш шариатга зид амал ҳисобланади. Айни вақтда ушбу маросимларни шахсий манфаат мақсадида оммалаштиришда аслида ҳеч қандай маҳсус диний маълумотга эга бўлмаган айрим отинойилар фаоллик кўрсатмоқда. Шу билан бирга, аёлларнинг ушбу маросимларга ихлослари сақланиб келмоқда.

Шунинг учун аҳоли, айниқса, аёлларга Биби Мушкулкушод, Биби Сешанба каби маросимларнинг келиб чиқиши, асл моҳиятини тарихий, илмий ва диний жиҳатдан холис тушунтириб бериш фуқароларнинг онгини ошириш, ижтимоий ҳаётидан кераксиз, ортиқча сарф-харажатларга сабаб бўладиган бидъат-хурофотларни чиқариб ташлашда муҳим омил бўлади.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 49–50 б. 2. Каримова Н. Биби Сешанба ва Биби Мушкулкушод культларининг исломийлашуви / Ўзбекистон ҳалқининг дини, маданияти ва урфодатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат. Илмий мақолалар тўплами. – Т. : Тошкент ислом университети нашириёти, 2011. – 155–161 б.*

**БИДЪАТ** (араб. – янгилик киритмоқ, янгитдан яратмоқ) – ислом таълимотида дин ақидаларида кўзда тутилмаган янгилик киритиш ҳисобланади. Дастреб ҳалифа Усмон ибн Аффондан норози бўлган одамлар уни Мұхаммад пайғамбар сўзлари ва амалларига зид янгилик киритганликда айبلاغанлар. Кейинчалик ислом дунёсида диний-ғоявий ихтилофлар авж олган вақтда бидъат тушунчаси «нотўғри ёки ҳаго тасаввур», «янгилик фикр» манноларини касб этган. Муайян амал бир мазҳаб вакиллари томонидан «ножоиз янгилик», деб баҳоланса, бошқа мазҳаб тарафдорлари мазкур амални Куръон ва суннатга мувофиқ келадиган деб билганлар. Жумладан, ҳанафийлик мазҳабида мозорларни зиёрат қилиш, оламдан ўтганлар руҳига дуо қилиш савоб иш ҳисобланади ва шунга амал қилиб келинади. Сохта салафий оқимлар эса буни бидъат ҳисоблайдилар. Ақидапарастлар исломнинг илк даврида бўлмаган барча янгиликларни бидъат деб, қуйидаги ҳадисни далил қиласидилар: «Ишларнинг янгиси залолатдир ...» (Имом Термизий, 2676-ҳадис). Бирор дунё уламолари ушбу ҳадисда фақат ёмонликка бошловчи бидъат назарда тутилганини эътироф этадилар ҳамда яхшиликка бошловчи янги амаллар ман этилмаганини қуйидаги ҳадис билан исботлайдилар: «Кимки исломда бир яхши суннат (йўл)

чиқарса, савоби унга бўлиб, яна ундан кейин бу йўл билан амал қилганларнинг савоби ҳам етур. (Бу билан амал қилганларнинг) савобларидан бирор нарса камайтирилмайди. Кимки исломда ёмон суннат (йўл) чиқарса, гуноҳи унга бўлиб, яна ундан кейин бу йўл билан амал қилганларнинг гуноҳи ҳам етур. (Бу билан амал қилганларнинг) гуноҳларидан бирор нарса камайтирилмайди», дедилар» (Муслим ибн Ҳажжож, 2348-ҳадис).

Шу нуқтаи назардан уламолар баъзи ҳолатларда бидъатни куйидаги турларга бўладилар: 1) Ҳаром бидъат – хорижийлар сингари мутаассиб оқимларнинг исломга зид амаллари, масалан, ўзларига қўшилмаган мусулмонларни кофирга чиқаришлари каби ишлар. 2) Макруҳ (номаъкул) бидъат – масжидларни ҳаддан ташқари безаш каби ишлар ва ҳ.к. 3) Мубоҳ бидъат – таомда ва кийинишида кенгликка йўл қўйиш. 4) Мандуб (маъкул) бидъат – билим юрглари ташкил этиши ва ҳ.к. 5) Вожиб бидъат – керакли илмларни ўрганиш каби инсонлар учун фойдали бўлган ишлар.

Масалага мантиқан ёндашилса, Мұхаммад пайғамбар ҳаётлиги вақтида бўлмаган кўплаб янгиликлар, масалан, Қуръони ёзма ҳолатга келтириш, мадрасалар очиш, китоблар нашр этиши кейинги даврда яшаган уламолар томонидан бидъат деб қораланмаган. Ҳозирги кунда айрим мутаассиб шахслар фарзандларини дунёвий билим юргларига юбормаслиги, телевизор кўриш ёки радио эшлишини ман этиб қўйишлари ҳам бидъат моҳиятини бузиб талқин этишга мисол бўлади.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 50–51 б. 2. Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – С. 41. 3. Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиҳи Муслим. Дор Тойба, 2006.*

«БИРЛАМЧИ ГУНОҲ» (лотин. *peccatum originale* ёки *vitium originis*, русча «первозданный грех», «прапородительский грех») – христиан таълимотига кўра Адам (Одам Ато) ва Ева (Момо Ҳавво)нинг жаннатдаги содир этган биринчи гуноҳини англатувчи тушунча. Гуноҳ Адам ва Ева худонинг иродасига қарши бориши, яъни улар иблиснинг макрига учеб ва худо ман этганига қарамай, билим дараҳтидан мева олиб еганидан иборат. Бунинг учун Адам ва Ева жаннатдан кувилади. Ушбу гуноҳ барча одамларнинг бирламчи гуноҳ билан туғилишига сабаб бўлган, деб ҳисобланади. Даставвал бирламчи гуноҳ ҳақидаги тушунча авлиё Августин (354–430) томонидан 396 йилда «*De diversis*

quaestionibus ad Simplicianum (Симплицианга тааллукли турли саволлар ҳақида)» трактида баён этилган. Православ таълимотида бирламчи гуноҳ ҳақида дастлаб 1649 йили «Патриарх Иосифнинг Кичик катехизиси» асарида ёзилган бўлиб, 1723 йил «Шарқий-кефал черков патриархларининг православ эътиқоди ҳақидаги мактуби»да мазкур тушунчага таъриф берилган.

*M : Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D0%BB%D0%B5%D1%80%D0%BE%D0%BD%D0%BD%D0%BE%D0%BD%D0%B8%D1%8F\\_%D0%BA%D0%BF%D0%BE%D1%85](http://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D0%BB%D0%B5%D1%80%D0%BE%D0%BD%D0%BD%D0%BE%D0%BD%D0%B8%D1%8F_%D0%BA%D0%BF%D0%BE%D1%85)*

**БУРҲОНИДДИН МАРГИНОНИЙ**, Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Риштоний ал-Маргиноний (1123–1197) – фикҳ, ислом хукуқшунослиги олими. Марғилонда туғилган. Мовароуннарнинг Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларида фаолият юритиб, минтақадаги ҳанафий мазҳабининг етакчи фақихи (хукуқшунос) сифатида танилган. Самарқанддаги Чокардиза қабристонида дағн этилган. Кўплаб асарларида ислом таълимотида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мулкчилик, молиявий фаолият, жиноят ва жазо, фуқаролик хукуқи назарияси ва амалиёти масалаларини батағсил ёритиб берган. Бурҳониддин Маргинонийнинг энг машҳур асари «Китоб ал-Ҳидоя» (1178 й.) бўлиб, инглиз, рус, араб ва бошқа тилларга таржима килинган. Мазкур китоб саккиз асрдан бўён бутун ислом дунёси, айниқса, Марказий Осиё, Хинд яримороли, Туркия ва кўргина араб мамлакатларида мадраса ва дорилфунунларда ислом хукуқшунослиги бўйича энг ишончли қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашиёти, 2003. – 56 б. 2. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. – Т., 2010. – 221-бет.*

**БУТ** (форс.-тож.), санам (араб.) – а) худони тасвирлайдиган ва унинг тимсоли деб сигиниладиган моддий буюм (кўпинча худоларнинг тош, ёғоч, сопол ва бошқа нарсалардан ясалган ҳайкалчалари, расмлари, тасвирлари ва б.): Политеистик динларда диний топиниш обьекти. Бутларга сигиниш бутпарастлик деб аталиб, у ибтидоий динларга хос ҳисобланади. Ислом ва христиан динида бутпарастлик каттиқ қораланади. Шу билан бирга, айрим мутахассислар христиан динида икона ва хочга, буддавийликда кичкина ҳайкалчаларнинг эъзозланишини бутпарастликдан сақланиб қолган элемент сифатида эътироф этадилар.

*М : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 57 б. 2. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 184.*

**БУТУНЖАҲОН ИСЛОМ ЁРДАМ ТАШКИЛОТИ** (араб. Хайъат ал-иғоса ал-исломия ал-оламия, қисқартирилган номи «ал-Иғоса») – ноҳукумат ислом хайрия ташкилоти. 1978 йилнинг 29 январида Саудия Арабистони кироллиги Бутунжаҳон мусулмон лигаси қарорига кўра ташкил этилган. Ислом олами лигаси филиали ҳисобланади. Штаб-квартираси Жидда (Саудия Арабистони) шаҳрида жойлашган. Африка, Европа, Осиё ва Яқин Шарқдаги 35 дан ортиқ давлатларда 100 дан зиёд филиаллари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти «Ислом маданият марказлари» сифатида фаолият юритадилар. Ташкилот расман ислом ғояларини тарқатиш, бундан ташқари табиий оғатлар натижасида талафот кўрганлар, қочоқлар ва ҳарбий низолар вақтида зарап кўрганларга ёрдам бериш мақсадларини кўзлади.

«Ал-Иғоса» ташкилоти қуйидаги лойиҳаларни молиялаштиради: ижтимоий таъминот; бўлимларни қайта ишлаш; жамиятни ривожлантириш ва мавсумий лойиҳалар; фавқулодда енгиллаштириш; соғлиқни сақлаш; таълимни ривожлантириш; Қуръонни ёд олиш; ҳаж зиёратини ташкил этиш; масжидларга ёрдам бериш. «Ал-Иғоса» ташкилоти Индонезия, Шри-Ланка, Мальдив ороллари, Покистон ва шу каби табиий оғатларга учраган давлатларга мунтазам равища ёрдам бериб боради. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг болаларга фавқулодда ёрдам бериш фонди ҳамда қочоқлар иши бўйича юқори комиссияси ва Бутунжаҳон озиқ-овқат лойиҳаларида ҳам иштирок этган. Ташкилот Даъват ва нажот Ҳалқаро ислом маслаҳат кенгаши аъзоси, ИҲТ кузатувчиси, БМТ таркибидаги Иқтисодий ва ижтимоий кенгаща маслаҳат берувчи, ISESCOnинг бошқа ташкилотлар билан боғловчи мақомига эга. Интернет тармоғидаги сайтлари: [www.egatha.org](http://www.egatha.org), [www.iirosa.org](http://www.iirosa.org)

Баъзи маълумотларга кўра, «ал-Иғоса» Афғонистон, Озарбайжон, Босния, Тожикистон, Чеченистон ва Догистонга дори-дармонлар етказиши, у ерларда мактаб, масjid ва шифохоналар қурилишида иштирок этган. Шу билан бирга, баъзи Россия ахборот манбаларида «Ал-Иғоса» ташкилоти бутун дунё, МДҲ давлатлари, хусусан,

Россиядаги диний-экстремистик гурухларга молиявий күмак бериши ҳақида маълумотлар келтирилади.

БМТ Хавфсизлик кенгаши қўмитаси томонидан «ал-Иғоса» ташкилотининг Филиппин бўлинмаси «Толибон» ва «ал-Қоида» гурухлари билан алоқадор бўлган, фаолияти тақиқланган ташкилотлар рўйхатига киритилган.

*M : 1. Сайт Комитета по санкциям против «Аль-Каиды». URL: <http://www.un.org/russian/sc/committees/1267/> NSQE12606R.shtml. 2. Сайт «Библиотека «Полка букиниста». URL: [http://society.polbu.ru/dobaev\\_politinstitutes/ch03\\_all.html](http://society.polbu.ru/dobaev_politinstitutes/ch03_all.html). 3.*

**БУГУНЖАҲОН ИСЛОМ КОНГРЕССИ** (БИК) – халқаро нодавлат мусулмон ташкилоти. 1926 йил Маккада 15 та мусулмон давлатлари вакиллари ўtkазган халқаро ислом конференциясида асос солинган. 1931 йил 17 декабря Куддусда 22 давлатдан келган 130 вакил иштирокида биринчи мажлис ўtkазилиб, ташкилотнинг конституцияси ва ижроия қўмитаси қабул қилинган. Асосий масала мусулмон мамлакатларнинг яхудий жамоалари билан тижорат қилишдан чекланиш, Фаластиндаги исломий обидаларни яхудийларнинг тасаррӯфига ўтиб кетишидан сақлашга қаратилган.

Конгресс Куддус муфтийси Мухаммад ал-Хусайний ташаббуси билан ташкил этилган. Саудия Арабистони маълумотларига кўра, ташкилот асосчиси Абулазиз ибн Абдуурраҳмон Ол Сауд дейилади. Аслида мазкур гоя Куддусдаги Исломшунослик маркази сифатида фаолият ўқратган «ал-Ақсо» масжиди ва Қоҳирадаги «ал-Азҳар» университети олимлари томонидан илгари сурилган.

1951 йил БИКнинг навбатдаги сессияси 32 давлат вакиллари иштирокида Карабида (Покистон) ўtkазилган. Унда ташкилотнинг низоми қабул қилинган. Олий маслаҳат кенгаши тузилиб, ҳар йили ташкилотнинг бош котибини тайинлаш ваколати берилган. 1962 йили 40 давлат вакиллари, жумладан, собиқ Совет Иттифоқи мусулмонлари вакиллари БИКнинг навбатдаги сессиясини Бағдодда ўtkazганлар. Унда мусулмон мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳолатини яхшилаш стратегиялари муҳокама қилинган.

БИКнинг 67 мамлакатда бўлинма ва филиаллари мавжуд. БМТнинг Иқтисодий-ижтимоий кенгаши ва ЮНИСЕФ қошида маслаҳат берувчи нодавлат ташкилот мақомига, ИХТда эса кузатувчи мақомига эга. Ташкилот БМТ да ҳам маслаҳам берувчи мақомга эга. Олий орган

— ассамблея ҳар түрт йилда чакирилади. Доимий раҳбарлик Олий кенгаш томонидан амалга оширилади. Ташкилотнинг штаб-квартираси Караби шахрида жойлашган. Интернетдаги манзили ([www.wmc.org.sa](http://www.wmc.org.sa)), «Мусулмон олами» номли ойлик журнали ҳамда телевидение ва радиода бир қатор дастурлари мавжуд.

*M : 1. Сайт «Religiocivilis.ru». URL: <http://religiocivilis.ru/islam/islamb/> 180-vsemirnyi-islamskii-kongress-.html. 2. Сайт WMC, URL: [www.wmc.org.sa](http://www.wmc.org.sa).*

**«БУТУНЖАҲОН МУСУЛМОН ЁШЛАРИ АССАМБЛЕЯСИ»** (БМЁА, араб. الندوة العالمية للشباب الإسلامي, ингл. Word Assembly of Muslim Youth) – халқаро ислом ёшлари ташкилоти. 1972 йил Саудия Арабистони Подшолиги ташаббуси билан Ар-Риёдда «Исломий талабалар ташкилотларининг ўрни ва вазифалари» мавзуида ўтказилган илмий симпозиуми ассамблеяning ташкил этилишига асос бўлган.

Ассамблея раҳбари раис бўлиб, у Бosh Assambleя таркибидаги ижтимоий бирлашма ва ташкилотларидан иборат кенгаш вакиллари ning кўпчилик овози билан сайланади. Ҳозирги раҳбар – Абдуллоҳ ибн Сулеймон Ол Мониъа. БМЁАнинг Саудия Арабистонидаги бўлинмалари Жидда, Даммама, Мадина ва Абха шаҳарларида жойлашган. Молиявий манба асосан Саудия Арабистони ҳукумати ажратадиган маблағ, кисман хайрия тушумларидан иборат.

Ташкилот олдига қўйган бош мақсад ёшларни соф ислом ақидаси асосида тарбиялаш ҳисобланади. Шу билан бирга, мутахассислар ташкилот кўп жиҳатдан Саудия Арабистонининг ташкиси сиёсатига монанд фаолият кўрсатишни эътироф этадилар. БМЁА фаолиятида диний тарғибот ишларига катта эътибор қаратилади. 1994 йили ташкилотда МДҲ мамлакатларида амалга ошириладиган фаолиятни бошқариш учун маҳсус қўмита тузилган. Ассамблеяning МДҲ худудида ўтказган айрим тадбирларида диний мутаассиблик гоялари тарғиб қилиниши кузатилган.

БМЁАнинг хориждаги фаолияти 24 та минтақавий бюро ва 1000дан зиёд ёшлар ва талабалар ташкилотлари орқали амалга оширилади. Ташкилотнинг Малайзия, Филиппин, Индонезия, Камбоджа, Тайланд, Бангладеш, Шри-Ланка, Қозогистон, Тоҷикистон, Покистон, Озарбайжон, Болгария, Албания, Босния ва Герцеговиния, Британия, АҚШ, Бразилия, Миср, Судан, Чад, Сенегал, Мали, Нигер, Нигерия, Гиения-Биссау, Кения, Сомали, Яман, Қирғизистон, Ирек, Жибути, Фаластин, Кашмир, ЖАР, Гана ва Россия каби давлатларда

бўлинмалари мавжуд. Интернет тармоғида электрон манзили ([www.wamy.org](http://www.wamy.org)) мавжуд.

Ассамблея Марказий Осиёда ҳам фаол фаолият олиб бормоқда. Жумладан, БМЁА ҳомийлигига 2008 йили Қирғизистон ислом университетида Куръон факультети очилган бўлса, 2010 йилда Қораболта шаҳрида «Қуран нуру» номли ислом институти ташкил этилган.

*M : 1. Сайт «[Politictime.ru](http://www.politictime.ru/potis-405-1.html)». URL: <http://www.politictime.ru/potis-405-1.html>. 2. «Эркин тоо» № 53 от 15.06.2012.*

**БУХОРИЙ, ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ, АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ** (810–870) – ислом оламининг энг йирик муҳаддиси (ҳадисшуноси), мутафаккир олим. Бухоро шаҳрида туғилган. 825 йили ҳаж сафарига бориб, Маккада қолган. Тарихчиларнинг маълумотларига кўра, Ҳижоз, Макка, Мадина, Тоиф, Жидда, Басра, Куфа, Багдод, Шом, Миср, Хуресон, Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур, Рай, Жибол каби шаҳарларда бўлиб, ишончли (саҳих) ҳадисларни тўплаган. Бухорога қайтиб келиб бир муддат яшаган. Ўша даврдаги Бухоро ҳукмдори Холид аз-Зухлий билан муносабати ёмонлашгани сабабли аввал Пойканд, кейин Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанг қишлоғига келиб яшаган. Мазкур жойда вафот этган ва дағн этилган. Ҳозир аллома мақбараси республикадаги энг йирик зиёратгоҳлардан бирига айлантирилган.

И мом ал-Бухорий йигирмадан зиёд йирик асарлар муаллифи бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг айримларигина сакланиб қолган. И мом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-саҳих (Ишончли тўплам)» номли ҳадислар тўплами ислом оламида энг ишонарли ҳисобланиб, Куръони каримдан кейин ислом оламидаги энг мўътабар манба саналади. Ушбу асар кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 58 б.*

**БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК ШОВИНИЗМИ** – бир давлатнинг бошқа бир давлат ёки давлатлар устидан сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатишга каратилган назария ва амалиёт. Буюк давлатчилик шовинизми ҳамиша куч ишлатишга, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, маънавий мафкуравий тазиикقا, зўравонликка асослангани учун ҳам миллатлар ва давлатлараро муносабатларда ишончсизлик ва душманлик кайфиятларининг шаклланишига олиб келади.

*M : Миллий гоя: таргибот технологиялари ва атамалар лугати.*

– Т. : «Akademiya», 2007. – 103 б.

**«БҮЛИБ ТАШЛАШ ВА ҲУКМРОНЛИК ҚИЛИШ»** (лотин. Divide et Impera) – ғаразли геосиёсий ва геостратегик мақсадларга эришишда кўлланиладиган усул ва тамойиллардан бири. Одатда ушбу тамойил илмий жиҳатдан тасдиқланмаган бўлса-да, илк бор қадимги Рим сенати томонидан илгари сурилган, деб ҳисобланади. Амалга оширишнинг асосий йўли муайян миңтақа ёки мамлакатни турли ижтимоий-сиёсий элита, гурух ва қатламларни ўзаро низо келтириб чиқариш орқали заифлаштириш орқали мазкур ҳудудни ўз таъсир доирасига олиш ёки сақлаб туриш ҳисобланади. Бунда, биринчидан, мавжуд ижтимоий-иктисодий қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали ахолининг норозилигини уйғотиши, иккинчидан, деструктив муҳолифатчи кучларни шакллантириш йўли билан сиёсий бекарорликни келтириб чиқариш, учинчидан, «демократия», «инсон ҳукуқлар»ни гўёки бузилаётгани даъвоси билан тухматдан иборат мафкуравий тазийк ўтказиш кўлланилади.

*M : Миллий гоя: таргибот технологиялари ва атамалар лугати.*

– Т. : «Akademiya», 2007. – 105 б.

**ВАТАН** (араб. – «она юрт») – кишиларнинг ўзи яшаб турган, авлод ва аждодлари туғилиб ўсган, миллати шаклланган жой, ижтимоий муҳит, мамлакат. Ватан бир-бирини тақозо этувчи (уй, маҳалла, шахар, қишлоқ, мамлакат каби) бир қатор ҳудудларни ўзида ифодалайдиган, ижтимоий муҳит ва инсон, унинг ҳаёти каби кўплаб маънавий тушунчаларни ўз ичига олади, авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин, ўлкани англатади. Шу боисдан Ватан бу – бир замин, ўлкада яшаётган кишиларни миллати ёки динидан қатъи назар, бирлаштирувчи ижтимоий тушунчадир.

*M : Миллий гоя: таргибот технологиялари ва атамалар лугати.*

– Т. : «Akademiya», 2007. – 107–108-б.

**ВАТАНПАРВАРЛИК** – Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундейдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат. Унинг мазмуни – Ватанга меҳр-муҳаббатли ва содик бўлишдан, юртнинг ўтмиши ва ҳозири учун фаҳрланишдан, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга интилишдан иборат. Ватанпарварлик ота-боболардан мерос колган заминни севиш, халқ урф-одатларини, қадриятларини асраш

ва ривожлантириш, ўз она Ватанини душманлардан, ёт ва бегона фоялардан ҳимоя килиш, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямасликни назарда тутади.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.*  
— Т. : «Akademiya», 2007. — 108–109-б.

**ВАТАНФУРУШЛИК** — Ватанга нисбатан хоинлик тарзидаги ҳатти-ҳаракатни таснифловчи тушунча. Бундай ҳаракатлар сирасига кўйидагиларни киритиш мумкин: мамлакат манфаатларига хиёнат килиш, ўз шахсий манфаатларини кўзлаб иқтисодий, сиёсий ва бошқа жосуслик фаолияти билан шуғулланиш, душман томонига ўтиб ўз ҳалқи, мамлакатига қарши кураш олиб бориш, қўпорувчилик ишлари билан шуғулланиш ва ҳоказо. Ватанфурушлик заминида моддий, сиёсий ёки бошқа кўринишдаги шахсий манфаатлар ётади. Тарих далолат берадики, ватанфурушлар ҳамма вақт ўз юрти ва ҳалқининг нафратига дучор бўлган.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.*  
— Т. : «Akademiya», 2007. — 111–112-б.

**ВАТИКАН** — 1) Рим папасининг расмий резиденцияси; 2) Авлиё Пётр ибодатхонаси ва Сикстин капелласи таркибига кирувчи бинолар ва Апостоллар ҳовлисидан иборат мажмуа; 3) Рим жойлашган тепаликлардан бирининг номи; 4) Ватикан шаҳар-давлатининг номларидан бири. 1929 йили 11 февралда Рим папаси Пий XI ва Италия ҳукумати орасида тузилган шартнома асосида вужудга келган. Майдони 44 гектар, аҳолиси 1 мингта яқин. Герби, байроби, гимни бор. 100 дан зиёд мамлакатлар билан дипломатик алоқаларга эга. Давлат раҳбари Рим папаси монарх ҳокимиятига эга. Маъмурий ишлар кардиналлар ҳайъати ва губернатор томонидан, черков ва сиёсий ишлар Рим курияси томонидан бошқарилади. II Ватикан собори (1962–1965) қарорига мувофиқ, Рим папаси ҳузурида ҳар уч йилда чакириладиган Черков Синоди фаолият юритади. Унинг таркибига шарқий католик черковларининг патриарх ва митрополитлари, миллий епископ бошқармалари, монахлик орденлари вакиллари ва Рим папаси томонидан тайинланадиган алоҳида шахслар киради.

*M : Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. — М. : Гардарики, 2000. — С. 167.*

**ВАХХОБИЙЛИК** — 1) Арабистон яриморолининг марказий қисмида XVIII аср ўргаларида ислом дини ҳанбалий мазҳаби ичida

вужудга келган диний-сиёсий оқим. Асосчиси – Мұхаммад ибн Абдулваҳхоб (1703–1787). У Нажд воҳасидаги бадавий қабилаларни илк исломдаги яккахудоликни қайтадан жорий этиш, динни гүёки унга кириб қолган «ширк ва бидъатлар»дан тозалашга даъват килган. Муқадdas жойларни зиёрат қилиш, азиз-авлиёлардан дуоларда ёрдам тилаш ширк амал, мусиқа, қўшиқ ва маънавий тараққиётнинг бошқа қўринишлари «бидъат» саналган. Мазкур таълимот Нажд зодагонлари томонидан Арабистон яриморолининг марказий қисмидаги майда ва тарқоқ амирликларни бирлаштиришда фойдаланилган. Мұхаммад ибн Абдулваҳхобнинг ғоялари асосида сиёсий рақиблар коғирлиқда айбланиб, уларга қуролли хужум уюштирилган. Зиёратгоҳ ва мақбаралар бузиб ташланиб, қаршилик қилган мусулмонлар аёвсиз ўлдирилган. Шу тариқа Ад-Дарғия худудининг амири Мұхаммад ибн Сауд (1725–1765) ва унинг ўғли Абдулазиз яриморолининг катта қисмida биринчи саудийлар давлатини барпо килганлар. Кейинчалик Мұхаммад ибн Абдулваҳхобнинг ғоялари Ҳиндистон, Индонезия, Шаркий ва Шимолий Африкада ёйилган.

2) Кўпчилик мамлакатларда, айниқса, МДҲ ҳудудида диний-экстремистик оқимларга нисбатан ишлатиладиган умумий атама. Ушбу атама юзага келишининг сабаби мутаассиб шахсларнинг Мұхаммад ибн Абдулваҳхобнинг тарафдорлари каби узун соқол қўйиш, соchlарини қириб олдириш, намозда икки оёқни кенг кериб туриш, қўлларни кўкракда боғлаб туриш, баланд овозда «омин» дейиш билан ҳанафийлик мазҳабидагилардан ажralиб туришлари, аксарияти Мұхаммад ибн Абдулваҳхобнинг ғояларини ёқлаб чиққанликлари, бошқа мусулмонлар ва дунёвий жамиятга нисбатан кескин муросасиз муносабатда бўлганликлари, дейиш мумкин.

Ҳозирги кунда сиёсий ва илмий доираларда «ваҳҳобийлик» атамаси ишлатилмай, диний-экстремистик оқимлар мазмун-моҳияти ва мансублигига қараб «жиходчилар», «сохта салафийлар», «Хизбут таҳrir» каби аниқ тоифа, ташкилот ёки гуруҳларга таснифланмоқда.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 62 б. 2. Абдулла аль-Кахтани. Кто они неохарижиды. Ваххабиты-«салафиты»? Хауляи хум аль-хаваридж. / Перевод Р. Адыгамова. – Казан: Иман, 2006. – С. 111–155.*

**ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ** — демократик дунёвий давлатнинг хукукий нормаси ҳисобланиб, ҳар бир одамнинг ўз дунёқарашини,

динга муносабатини мустақил белгилаб олиш ҳамда ўзининг диний ёки атеистик эътиқодини очик ифода этиш ёки ўзгартириш эркинлигини англатади. Сиёсий жиҳатдан демократиянинг бир кўриниши, юридик жиҳатдан шахс ҳуқуқ ва эркиnlари сирасига киради. Ўзбекистонда Конституция ва «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ: диний қарашларни зўрлаб сингдиришга йўл қўйилмайди; фуқаролар диний қарашларидан қатъи назар қонун олдидага тенг; ҳеч бир динга имтиёз берилмайди; диний ташкилотлар учун мажбурий йигим тўплаш ва диндан ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг виждан эркинлигини амалга оширишда жамиятнинг ахлоқи, соғлиғи, жамоат тартиби, хавфсизлиги ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонуний чегаралар бўлади.

*M : Зеленков М Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 234.*  
*2. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 251.* 3. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 63 б.

**ГЕОСИЁСАТ, ГЕОПОЛИТИКА** (грек. geo – ер, politika – давлатни бошқариш санъати) – ташқи сиёсатда бирон-бир давлат ёки миintaқанинг географик ўрни, худудий жойлашиши, коммуникацион имкониятларини ҳисобга олиб юритиладиган фаолият.

*M : Миллий гоя: тарзибот технологиялари ва атамалар лугати.*  
– Т. : «Akademiya», 2007. – 114 б.

**ГЕОСИЁСИЙ, ГЕОСТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР** – ҳудудий-географик омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган истиқболли интилишлар, муносабатлар тизими.

*M : Миллий гоя: тарзибот технологиялари ва атамалар лугати.*  
– Т. : «Akademiya», 2007. – 116 б.

**ГУМАНИТАР ИНТЕРВЕНЦИЯ** – замонавий ҳалқаро ҳуқуқ ва муносабатларда бир ёки бир неча давлат томонидан бошқа бир мамлакат ҳудудида гуманитар инқизоз, геноцид, миллий ёки диний асосда қирғин қилиш каби инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда поймол қилинишининг олдини олиш мақсадида, ушбу мамлакат ҳукуматининг розилигини олмаган ҳолда ҳарбий куч ишлатиши

ёки куч ишлатиш билан қўрқитиши. Аксарият ҳолатлар мазкур ҳарбий куч юқорида қайд этилган жиноятлар содир этилмоқда, деб ҳисобланадиган мамлакат ҳукуматига қарши ишлатилади.

Гуманитар интервенция тушунчаси 1990-йилларда АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан Ироқнинг шарқи ва жанубида буфер ҳудуд юзага келтиргани, Сомалига қуролли кучлар киритилгани ва НАТОнинг Югославияни бомбардимон қилганидан сўнг кўп қўлланила бошланди. 1999 йили БМТ Бош котиби К.Аннан жаҳон ҳамжамиятини ҳалқаро ҳукуқ нормаларига мувофиқ тинч аҳолини химоя қилиш масъулиятини олишга чақирди. 2000 йил БМТ томонидан тузилган ички ишларга аралашиб ва давлат суверенитети Халқаро комиссияси «Ҳимоя қилиш мажбурияти» (ингл. The responsibility to protect) номли доклад тайёрлади. 2005 йил БМТнинг ҳалқаро саммитида ташкилотга аъзо давлатлар «Ҳимоя қилиш мажбурияти» концепциясини тан олди. Концепцияда давлат суверенитети давлатга ўз ички ишларини назорат қилиш билан бирга ўз фуқароларини ҳимоя қилиш мажбуриятини юклайди, агар ушбу мажбурият бажарилмаса, ҳалқаро ҳамжамият мазкур вазифани бажариши лозим, деган ғоя илгари сурилган.

Халқаро ҳукуқда айнан қайси ҳолатларда ҳалқаро кучлар суверен давлатга нисбатан гуманитар интервенцияни амалга ошириши мумкинлиги, унинг шароит ва тартиблари БМТ Бош Ассамблеяси (43/131, 44/21, 46/182, 2625, 3114) ва Хавфсизлик кенгашининг (688, 767, 770, 771, 787, 794, 814, 815, 819, 824, 836, 929) қарорларида ёритилган. Бироқ БМТ Низомига «Ҳимоя қилиш мажбурияти» концепцияси асосида ўзгартириш киритилмаган. БМТ суверен давлатга нисбатан гуманитар интервенция факат БМТ Хавфсизлик кенгашининг қарори асосида амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Гуманитар интервенция концепцияси қатор давлатлар ва ҳалқаро ҳукуқшунослар томонидан қаттиқ танқид остига олинган бўлиб: гуманитар интервенция ҳалқаро ҳукуқнинг муҳим тамойиллари – куч ишлатмаслик ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларига зид келиши; «инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш» ғояси остида давлатлар гўёки «адолатли» ва «адолатсиз»ларга ажратилиб, гўёки «адолатсиз»ларга нисбатан айрим Ғарб мамлакатларининг колонијал сиёсати амалга оширилаётгани; ҳозирга қадар Косова, Сомали, Гаити, Ироқ, Афғонистон, Ливия каби давлатларда амалга

оширилган гуманитар интервенция даъво қилинган ижобий натижани бермагани; айрим ҳолатларда тинч ва барқарор ривожланиб келётган мамлакатларда сиёсий мухолифат гуманитар интервенцияга ишониб, ташқи кучларнинг рафбати билан бекарорлик келтириб чиқараётгани далил сифатида келтирилади.

Британиялик сиёсатшунос Д.Чендер гуманитар интервенцияни «гарбдаги олий элитага мансуб давлатларнинг қонуншунослиги» сифатида баҳолайди.

*M : 1. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Гуманитарная\\_интервенция](http://ru.wikipedia.org/wiki/Гуманитарная_интервенция). 2. Словарь «Что есть что в мировой политике». URL: [http://www.wehse.ru/cgi-bin/wpg/wehse\\_wpg\\_show\\_text\\_print.pl?term1304072945](http://www.wehse.ru/cgi-bin/wpg/wehse_wpg_show_text_print.pl?term1304072945).*

**ГУНОХ** (форс. – жиноят, айб) – ислом таълимотида шариат ва диний ақидаларга хилоф иш ёки ҳаракат. Катта гуноҳ (гуноҳи кабира) ва кичик гуноҳларга ажратилади. Аллоҳга шерик келтириш, ота-она қарғишини олиш, қотиллик, ўғрилик, қиморбозлик, фирибгарлик, ёлғон гувоҳлик бериш ва ҳ.к. катта гуноҳ ҳисобланади. Кичик гуноҳлар жуда кўп.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат шумий нашириёти, 2003. – 66–67 б.*

**ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ** – давлат ва жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, экологик, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳаётий муҳим манбаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан муҳофазаланганлиги.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ». URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**ДАРВИШ, қаландар** (форсий, туркий – қашшоқ, камбағал, араб. – фақир) – тасаввуф таълимотида ўзини Аллоҳга бағишлаган ва тариқат йўлига кирган инсон, «суфий» сўзига синоним. Дарвишлар зикр тушиш орқали худога «яқинлашиш» ва ҳатто, унга «кўшилиб» кетиши мумкин, деб ҳисоблаган. Ўрта Осиё, Эрон, Туркияда дарвиш деганда тор маънода – ихтиёрий равишда шахсий мулк орттирган, дайди суфийлар тушунилган. Одатда эса дарвишлар икки тоифа бўлган: дайди, доимо дарбадар юрувчилар, муайян суфий тариқатда авлиё саналган шахсларнинг мақбараси ён-атрофида кун

кечирувчилар ҳамда ўз уйида муқим яшаганлар. Биринчи тоифа эрта баҳордан сафарга чиқиб, эшикма-эшик юрган. Иккинчи тоифа ҳар кунги ибодатни бажариб, белгиланган кунларда шайх раҳбарлигига зикр тушган. Ўрта Осиёда шўролар тузуми ўрнатилгунга қадар дарвишларнинг қаландархона ва хонақоҳлари бўлган. Йирик зиёратгоҳлардан Самарқандда «Шоҳи Зинда» ва ҳозирги Тошкент вилояти худудидаги «Зангиота» мақбара ларидаги жумага ўтар кечаси дарвишлар жамоа бўлиб зикр тушиб, одамлардан назр йикқанлар.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 69 б. 2. Дервиши в мусульманском мире. П. Поздняев. – Оренбургъ : типография В. Бреолина 1886. – С. 326.*

**ДЕМОКРАТИЯ** (юн. «*demos*» – ҳалқ ва «*kratos*» – ҳокимият) – ҳалқ ҳокимияти, фуқароларнинг озодлиги ва тенглиги тамойилларини эълон килишга асосланган сиёсий тузум шакли. Демократик жамиятда давлат ҳокимияти ўзининг асосий тармоқлари – қонун чиқарувчи, ижроия ва суд органларига ажратилган ҳолда амал қиласди. Олий қонун чиқарувчи орган умумдавлат миқёсида қонунлар чиқариш ҳуқуқига эга. Қонун чиқарувчи ҳокимият доирасида ҳокимиятнинг барча тармоқлари мустақил равишда фаолият кўрсатади. Улар бир-бирини қисман тўлдириб ва тенглаштириб туради. Ижроия ҳокимияти қонун чиқарувчи ва суд идоралари томонидан назорат килинади. Айни вақтда, ижроия ҳокимияти қонунларнинг амал қилинишини таъминлайди. Судга эса қонунларнинг конституцияга мос келишини назорат этиш, жамият аъзолари ва ташкилотлар томонидан унга риоя этилишини таъминлаш юкланди. Бу жараёнда кенг ваколатлар доирасига эга бўлган ўзини-ўзи бошқаришнинг маҳаллий идоралари ҳам муҳим ўрин эгаллади.

*M : Миллий гоя: тарзибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т. : «Akademiya», 2007. – 130 б.*

**ДЕМОКРАТИЯ ЭКСПОРТИ** – умумий тарзда муайян мамлакатларда сиёсий ҳокимиятга турли усууллар, шу жумладан, рангли инқилоблар орқали ғарб демократиясига асосланган ҳамда ташқи ва ички сиёсатини ғарб давлатлари билан мувофиқлаштирувчи сиёсий доираларнинг келтирилишини назарда тутувчи назарий-концептуал ва амалий ёндашувни англатувчи тушунча. Ғарб мамлакатларининг сиёсий элитаси мазкур тушунча ўрнига кўпроқ

«демократияни олға силжитиши» түшүнчесини ишлатыб, буни гүёки мустабид тузумдан жабр күраётган халқларга ёрдам күрсатиш, деб таърифлайдилар. Бунда «ёрдам күрсатилаётган» мамлакаттинг тарихи, ижтимоий-иктисодий тарақкىёт даражаси, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналари, менталитети эътиборга олинмайды ёки иккинчи даражали омил сифатида баҳоланади.

1995 йил АҚШ ҳукумати томонидан эълон қилинган «Миллий хавфсизлик стратегияси»да дунё давлатлари, айниңа, АҚШнинг стратегик манбаатлари бўлган мамлакатларни ғарб андозаларида либераллаштириш бош мақсадлардан бири сифатида эътироф этилган. Кўпчилик сиёсатшунослар демократия экспортидан бош мақсад – Ғарб томонидан йирик энергетик захиралари бор мамлакатларни ўз таъсир доирасига олиш, деган фикр билдирадилар. Ушбу фикрга далил сифатида йирик Ғарб давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларига эга бўлган мамлакатларда демократия тамойилларининг жиҳдий бузилиши ҳам эътиборга олинмаслиги қайд этилади.

Демократия «олиб кирилиши» бўлган давлатда халқнинг қонуний ҳукуматга нисбатан ишончиини йўқотиши, гүёки демократия мавжуд эмас, деган түшүнчани шакллантиришга ҳаракат қилинади. Фуқаролар норозилик намойиши ва давлат сиёсатига қарши чиқишга гижгижланади. Демократияни «экспорт қилаётганлар» күрсатаётган «йўл» тўғри экани сингдирилади. Аста-секин ушбу давлат сиёсий-иктисодий, мафкуравий ва маънавий жиҳатдан демократияни «экспорт қилаётган» давлатга қарам бўлиб қолади.

Калифорния университети (Санта-Барбара) профессори Уильям И. Робинсоннинг фикрига кўра, демократия экспортидан бош мақсад «демократлаштириш» учун танланган давлаттинг табиий захираларига кенг йўл очиши, иктисодий ва сиёсий назорат ўрнатиши, мамлакат худудини глобал капитализм тизимиға киритиш ҳисобланади. Сиёсий соҳада эса демократия экспорти полиархия институтларини шакллантириш ҳамда улардан бир томондан, трансмиллий капитал ва ғарб элитаси манбаатларини ўтказиш учун, иккинчи томондан халқнинг норозилигини босиб турувчи маъмурий воситалар сифатида фойдаланишни мақсад қиласи. У. Робинсон ўзининг «Полиархияни олға силжитиши» асарида ушбу ҳолатни изоҳлаб: «АҚШ томонидан Лотин Америкаси, Шарқий Европа, Африка, Яқин Шарқ мамлакатларидаги

фуқаролик жамиятларига Вашингтоннинг ташки сиёсатига манфаат келтирувчи турли таъсир ўтказувчи тизимлар киритилган», – деб ёзган.

Демократия экспортининг асосий механизмларидан бири «нишон» сифатида танланган мамлакатда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширувчи трансмиллий капитал ва гарб манфаатларига бўйсунгандан элитани шакллантириш саналади. Бунда тармоқ тамоилида фаолият юритадиган гарб нодавлат нотижорат ташкилотлари (HTT) муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур HTTлар аксарият ҳолатларда демократия институтлари сифатида эмас, балки мафкуравий таъсир инструменти сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Демократия экспорти лойиҳаларида фаол иштирок этувчи ташкилотлар қаторида АҚШ халқаро ривожланиш Агентлиги (USAID), «Демократияни қўллаб-куватлаш миллий жамғармаси (NED)», «Халқаро республикачилар институти» (IRI), «Миллий демократия институти (NDI)», «Фридом Хаус», «Очиқ жамият/Сорос жамғармаси», АҚШ тинчлик Институти, Сайлов тизимларини ривожлантириш халқаро Федерацияси, хусусий тадбиркорлик халқаро Маркази, эркин савдо Институти ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Аксарият сиёсатшунослар ушбу ташкилотларни Ок уй, Пентагон ва Марказий разведка бошқармаси билан яқин алоқаларга эга, деб ҳисоблайдилар. NED ташкилоти асосчиларидан бири Ален Вайнстайн 1991 йили «Вашингтон пост» газетасига берган интервьюсида ННТ фаолиятига баҳо бериб, «Биз ҳозир қилаётган ишларнинг аксарияти 25 йил мукаддам Марказий разведка бошқармаси томонидан яширинча амалга оширилар эди», – деган.

Демократия жамият қуриш модели дунё халқлари томонидан эътироф этилган умумий принципларга эга. Лекин демократияни «экспорт» қилиб, «қурдириш» унинг асл қонуниятлари ва моҳиятига зиддир. Ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан, гарб мамлакатларида ҳам демократия экспорти концепцияси қаттиқ танқид қилинади. Чунки демократияни мажбуран киритишга уриниш уни охир-оқибат тамоман инкор қилишга сабаб бўлади. Ташки тазиикдан ҳоли бўлган, мамлакатдаги барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, тарихий омилларни ҳисобга олган, тадрижий тараққиёт натижасидан босқичма-босқич шакллантирилган демократия жамият томонидан чукур ўзлаштирилади.

*M : 1. Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат / маъсул муҳаррир Абдулазиз Мансур – Тошкент : «Movarounnahr», 2013. – 87–88 б.*

2. Миллий гоя: таргибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т. : «Akademiya», 2007. – 134–135 б. З. Сайт «Cyclowiki». URL: [http://cyclowiki.org/wiki/Экспорт\\_демократии](http://cyclowiki.org/wiki/Экспорт_демократии). 4. Сайт «Inosmi.ru». URL: <http://inosmi.ru/video/20101119/164336223.html>.

**ДЕНОМИНАЦИЯ** (латин. *denominatio* – номланиш) – 1929 йил диншунос олим Нимур томонидан киритилгандын атама бўлиб, одатда диний йўналишлар ва секталар оралиғидаги диний уюшмани, ёки муайян диний йўналиш ичида ташкилий жиҳатдан мустақил шаклланниб келаётган диний уюшмани англатади. Деноминацияларнинг диний-ғоявий таълимоти концептуал масалаларда ўзи ажралиб чиқсан ёки шаклланиб чиқаётган диний йўналиш таълимотидан фарқ қилмай, одатда диний таълимот ва тузилиш жиҳатидан иккиласмачи масалаларда фарқли жиҳатлар бўлади.

Деноминациялар одатда жамият билан можарога бормайди, бошқа конфессияларга нисбатан бағрикенг муносабатда бўлади. Деноминация аъзоларининг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши рағбатлантирилади. Деноминацияларда диндорларнинг барчаси тенг экани ва раҳбар тайинлаш сайлов йўли билан амалга оширилиши эътироф этилса-да, одатда уламолар табақаси мавжуд бўлади. Муайян шароитларда деноминация диний йўналишга тўлиқ кўшилиб кетини ёки секталарга ажралиб кетиши мумкин.

М. : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 269. 2. Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность: Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 212.

**ДИН**(араб.–ишонч, ирономок)–борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айни вактда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуидир. Илмий жиҳатдан олимлар муайян эътиқод дин деб аталиши учун учта асосий хусусиятга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар:

- ғайритабиий илоҳ (ёки илоҳлар) мавжудлиги;
- ғайритабиий илоҳ – Худо билан инсонларни боғлаб турадиган ибодат ва маросимлар мажмуи – кулът ёки кулътлар мажмуи бўлиши;
- эътиқод қилувчиларни ўзида жамлайдиган диний ташкилотларнинг мавжудлиги.

Дин жамиятда қатор функцияларни бажаради:

- дунёқараш: борлиқни умуман ва алоҳида қисмларда тушунирувчи;
- компенсаторлик: тасалли берувчи;
- регуляторлик: таомдаги (исломда чүчқа гүшти, спиртли ичимликлар, яхудийликда кошер овқат ейиш ва ҳ.к.з) ва гендер (католиклардаги целибат) чекловлар, этник нормалар (исломдаги шариат категориялари, христианликдаги ўнта ўгит ва ҳ.к.);
- интегратив ва дезинтегратив: жамиятни муайян диний тамоилилар асосида бирлаштирувчи ва аксинча, бўлиб ташловчи;
- легетимловчи ва делегетимсизловчи: дин доирасида «қонунлаштирувчи» ва «қонундан чиқарувчи»;
- сиёсий: давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсир этувчи ва ҳ.к.

*M : Миллий гоя: тарзибот технологиялари ва атамалар лугати.*

– Т. : «Akademiya», 2007. – 135 б.

**ДИНЛАРАРО МОЖАРО** – турли дин вакиллари орасидаги муносабатларнинг муайян тарафнинг қонуний хуқуқлари ҳақиқатдан ёки хаёлий поймол этилиши оқибатида кескинлашуви. Аксарият ҳолатларда динлараро можарога турли дин аҳкомларини мутаассибона талқин қилувчи экстремистик оқим, ўз адентларининг онги ва юриштуришини қаттиқ назорат қилувчи янги, ноанъанавий диний жамоа ва тоталитар секталарнинг бошқа дин вакилларига нисбатан муросасиз бўлишга чақиравчи назарий ва амалий фаолияти сабаб бўлади.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ».*  
URL: <http://www.cisatc.org/134/159>

**ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК** (толерантлик) – хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб гоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшапи, кишилик жамияти равнаки йўлида хизмат қилишини англатади. Ҳозирда бу гоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутади. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир.

*M : Миллий гоя: тарзибот технологиялари ва атамалар лугати.*

– Т. : «Akademiya», 2007. – 136 б.

**ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШ** – инсон, табиат ва жамиятнинг пайдо бўлиши, тузилиши ва келажаги тўғрисида муайян дин нуқтаи назаридан шаклланган қарааш ва тасавурлар мажмуи. Диний дунёқарааш табиат ва жамият тараққиётининг объектив қонунларига бўйсунмайдиган ғайритабиий олам мавжуд эканига ишонишга асосланади. Диний дунёқарааш ибтидоий жамият даврида одамларнинг табиат ҳодисаларига олдидаги ожизлиги ва ғайритабиий қучлардан нажот топишга бўлган ишончини акс этган ҳолда шаклланган.

*M : Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Миро-воззрение>*

**ДИНИЙ КИТОБЛАР** – муайян динда муқаддас ва илоҳий ҳисобланган, шунингдек, диний ақидалар, хуқуқ, маросимлар ва урфодатлар ҳақида ёзилган китоблар. Муайян диннинг асосини ташкил этувчи китоблар эса муқаддас китоблар саналиб, исломда Куръон, христианликда Библия, буддавийликда Трипитака ҳисобланади.

Ўзбекистонда фуқаролар ва юридик шахслар томонидан диний мазмунда тайёрланган китоблар Дин ишлари бўйича қўмитада экспертизадан ўтказилгандан сўнг нашр этиш тартиби белгиланган. Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган нашрларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш ман этилган. «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига кўра, диний ташкилотлардан фақат уларнинг марказий бошқарув органларига диний адабиёт ва ахборот материалларини ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт қилиш хукуқлари берилган.

*M : Ўзбекистон Республикаси «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни.*

**ДИНИЙ МАРОСИМЛАР** – фуқароларнинг диний таълимотлар асосида муайян мақсад ва сабаб билан амалга оширадиган маҳсус фаолияти ва хатти-ҳаракатлари. Барча динларнинг муҳим таркибий қисми саналади. Ислом динида асосий диний маросимлар ақиқа, амри маъруф, хатна, курбонлик, рўза, рамазон ва қурбон ҳайитлари, намоз, ҳаж, никоҳ, жаноза ҳисобланади. Христианликнинг католик ва православ йўналишларида еттига сирли маросим, протестантликда икки сирли маросим алоҳида ўрин тутади. Буддавийликда ибодат, дунёга келиш ва балоғатга етиш кунини нишонлаш, никоҳ, янги уйга кўчиш, аждодларни хотирлаш ва дағн маросимлари мавжуд. Яхудийликда ибодат, шанба куни, туғилиш, диний балогат, никоҳ ва дағн каби маросимлар бор. Диний маросимларда қатнашиш

фуқароларнинг хусусий иши ва унинг учун ҳеч қандай хуқуқий муносабатлар келиб чиқмайди. Диний маросимлар амалдаги қонунларни, жамоат тартибини бузмаслиги ва фуқароларнинг хуқуқига дахл қымаслиги керак.

Ўзбекистонда «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, диний маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли худудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда (никоҳ, жаноза, ақиқа ва ҳ.к.) фуқароларнинг ихтиёларига биноан уларнинг уйларида ўтказилади. Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўтап жойларида диний расм-русумлар шу ердаги фуқароларнинг илтимосларига биноан ўтказилади. Юқорида қайд этилганлардан ташқари ҳолатларда ва оммавий ибодатлар ўтказилганда тадбир маҳаллий ҳокимият билан мувофиқлаштирилиши лозим.

*M : 1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилди. 3-жилд.*  
— *T : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашири, 2002. — 304 б. 2. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. — *T : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. — 71 б.**

**ДИНИЙ МУТААССИБЛИК** — ўз диний қарашларини мутлақ ҳақиқат сифатида эътироф этган ҳолда бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлиш. Мутаассибликка берилган одамлар ва уларнинг гурухлари тарқатадиган ғоялари ва амалий фаолияти жамиятдаги ижтимоий барқарорликка таҳдид ҳисобланади. Инсоният тарихида бундай эътиқоддан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланилган. Ўрта асрлардаги Европада «муқаддас ерларни озод этиши» ғояси билан христиан уламолари даъвати билан Шарқ томон амалга оширилган салб юришлари, кейинчалик амалга оширилган инквизициялар, Реформацияга қарши ҳаракатлар, ислом дунёсида аввал ва ҳозир фаолияти кузатилаётган диний-экстремистик оқимларнинг мағкураси замирида диний мутаассиблик ётади.

Ислом дини мутаассибликни қоралайди. Теран ўйлашга, бошқаларга нисбатан муросали бўлишга чакиради.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. — *T : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. — 170 б.**

**ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР** — фуқароларнинг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларнинг биргаликда адо

етиш мақсадида тузилган күнгилли бирлашмалари, жумладан, диний жамиятлар, диний ўкув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар ҳисобланади.

*M : Ўзбекистон Республикаси «Вижедон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конуни.*

**ДИНИЙ УЛАМОЛАР** (араб. – олим сўзининг кўплиги, билимдон, рус. – «духовенство») – қатор динлардаги диний жамоа ва ташкилотларда профессионал фаолият юритувчи табақа. Исломда уламолар қаторига илоҳиётчилар ва ҳукуқшунослар (фақих), диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига ва ислом ўкув юртларига мутасадди бўлган ислом дини олимлари киритилади. Ўрта Осиё мамлакатларида тарихда диний уламолар\* икки тоифа бўлган. Биринчи тоифа уламоларга маъмурий бошқарув тизимидағи амалдорлар – шайхул-ислом, қози-калон, муфтий, раис (муҳтасиб), қози лавозимлари, ислом таълим тизимидағи мударрислар кирган. Иккинчи тоифа «спирмурид» муносабатларига асосланган суфий жамоаларнинг шайх ва эшонларидан ташкил топган.

Уламолар христианликнинг католик ва православлик йўналишларида кенг тарқалган булиб, «клир» (грекча κληρος – қисмат, мерос, эгалик қилмоқ) деб ҳам аталади. Христианликда даставвал уламолар иерархияси уч погонадан: епископат, пресвитериат ва дъяконатдан иборат бўлган. Католикда диний уламолар иерархиясига қўшимча олий табақаси сифатида папа ва алоҳида мартаба – кардинал киритилган. Православликда клир таркибига руҳонийлар ва черков ходимлари киради. Руҳонийларда сирли маросим ҳисобига худо раҳмати мавжуд ҳисбланиб, улар дъякон, пресвитер ва епископларга бўлинади.

Протестант конфессияларининг кўпчилигидаги худо ва бандаси ўргасида руҳонийлар воситачилиги инкор этилгани сабабли диний уламолар йўқ.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат шумий нашириёти, 2003. – 239 б. 2. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М : Гардарики, 2000. – С. 178.*

**ДИНИЙ ФУНДАМЕНТАЛИЗМ** (лотин. fundamentalis – асос) – 1) кенг маънода деярли барча динлар ичida учрайдиган оқим бўлиб, мазкур оқим тарафдорлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида дастлабки диний манбаларнинг талабларига қайтишни тарғиб

киладилар. Фундаменталистларнинг асосий жиҳатлари мұқаддас матнларни сўзма-сўз талқин қилиш, диний таълимотни мутлақо ўзгармас деб эълон қилиш, барча диний кўрсатмаларнинг тўла-тўкис бажаришни талаб этиш ва х.к. Диний фундаментализм деструктив, можаро чиқарувчи моҳиятга эга. Чунки у жамиятда устувор мақсад сифатида миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилишни эмас, балки гуманизм, демократия тамойилларини инкор этган ҳолда, муайян дин мафкураси асосида «янги тартиб» жорий қилишга чақиради. Диний фундаментализм ҳозирги замондаги дунёвий давлатчиликни рад этиб, динни сиёсий соҳада ҳам инсон устидан хукмрон деб талқин қилиб, жамият устидан худо номидан ҳаракат қилувчи диний ҳокимиятни тиклашни тарғиб қиласди;

2) тор маънода XX асрнинг бошида АҚШда протестантлик йўналишида вужудга келган оқим тушунилади. Протестант фундаменталистлари Библияни сўзма-сўз талқин этган, ижтимоий-маънавий ҳаётда христиан динининг мутлақ (монопол) бошқарув ҳуқуқини талаб этгандар. Оқим ўз номини 1912 йилдан «Асос» номли даврий нашридан олган. Фундаменталистлар 1919 йили Филадельфияда «Умумжаҳон христиан фундаменталистлари уюшмаси»ни тузган.

Ислом йўналишидаги фундаменталистлар турли йўналиш ва кайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. Айримлар террористик усуслар билан қонуний ҳокимиятга қарши кураш олиб борсалар, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, адабиёт, аудио-видео кассеталар, дисклар тарқатиш билан тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказадилар.

*M. : Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 272.*

**ДИНИЙ ҒОЯЛАР** – диний даъватлар, ақидалар, илохий қадрият ва мақсадлар ифодаланган қарашлар мажмуи. Улар турли динларнинг амал қилиш йўлини белгилаб олишда намоён бўлади.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т. : «Akademiya», 2007. – 137 б.*

**ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ** – дунёқараш ёки конфессионал жиҳатдан бетараф сиёсат олиб борадиган, ҳеч қайси дин таълимотларини расмий мафкура сифатида қабул қилмаган давлат. Дунёвий давлатда дин

сиёсий ҳокимият институтларидан ажратилган бўлади. Фуқароларга муайян динга эътиқод килиш ёки бирорта динга эътиқод килмаслик қонунан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси дунёвий демократик давлат ҳисобланади. Конституцияга мувофиқ диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ва қонун олдида тенгдирлар (61-модда). Фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод килиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод килмаслик хуқуки кафолатланган (31-модда).

*M : Зеленков М Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 234.*

**ДУНЁВИЙ ҒОЯ** – 1) муайян ғояларни ифодалаш учун кўлланиладиган тушунча; 2) жамият ва инсонни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган соғлом фикрлар мажмуи. Улар умуминсоний, илмий, фалсафий каби бўлиши мумкин.

Дунёвий ғоялар маълум бир миллат, давлат, халиқ ва жамият эҳтиёjlари, мақсад-муддаолари, манфаатларини амалга ошириш тамойилини ҳам ўзида мужассамлаштиради, дунё мамлакатларининг ривожланиш йўлини белгилаб олишга доир долзарб ғояларни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида бу ғоялар, асосан, миллий ва умуминсоний қадрияtlар, демократия тамойиллари ва бошқа ҳаётий ҳақиқатлар сифатида намоён бўлмоқда.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т. : «Akademiya», 2007. – 139 б.*

**ДУОХОНЛИК** – дуо ўқиш ва дам солиш билан табиблик қилиш. Бундай иш билан шуғулланувчилар одатда азайимхон, дуохон, баҳши деб аталади. Ислом таълимотига кўра Куръон ва ҳадисларда кўрсатилган муайян дуоларни тўғри ўқиш ва кўрсатилган тартибда ижро этиш шартлари билан дам солишига шаръян рухсат этилган. Бироқ дуоларни мантиқсиз, пойма-пой ўзича ўқиш билан дам солиши исломда мутглақо ман этилади ва бундай иш фирибгарлик, алдамчилик ва гуноҳ ҳисобланади.

Умуман, дуохонликни касб қилиб олиш, ақлий ёки жисмоний меҳнат билан жамиятга фойда келтирмаслик ижтимоий иллат ҳисобланаби, ислом таълимотида ҳам қаттиқ қораланади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 75 б.*

**ДЎЗАХ** (форсча. араб – нор, жаҳннам, қадимий сомий ва яхудий тилларидаги чехеннем (жазоланадиган жой) сўзидан ўтган) кўпчилик динларнинг таълимотига кўра, дин талабларини бажармаган гуноҳкорлар охиратда жазоланадиган жой. Ислом таълимотига мувофиқ, Аллоҳ гуноҳкор мусулмонларни ёки кечириб тўғри жаннатга киритади, ёки маълум муддат дўзахда жазолаб, сўнгра жаннатга киритади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 75 б.*

**ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ** – жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тизимининг шахс, гурух, ташкилот ва хорижий давлатларнинг ноқонуний, ижтимоий хавфли тажовузларидан, табиий ва техноген сабабда рўй берувчи оғатлардан муҳофазаланганлиги.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ». URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**«ЖАЙШУЛ МАҲДИЙ»** (араб. – Маҳдийнинг қўшини) – Қирғизистонда фаолияти кузатилган диний-экстремистик гурух. Қирғизистон хуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг маълумотига кўра, 2007-йилларда россиялик ақидапараст тарғиботчи Александр Тихомиров (Сайд Бурятский)нинг даъватларидан илҳомланган бир гурух қирғизистонлик ёшлар томонидан ташкил этилган. Гурухга Советбек Исломов деган шахс «амир» этиб сайланган. Бош гоя сифатида аввал Қирғизистон, кейинчалик Марказий Осиёда халифалик барпо этиш белгиланган. Жамоат Интернет тармоғида ўз баёнтини жойлаштирган. Айни вақтда диндор ёшлар ичида тарафдорлар сонини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилган.

«Жайшул Маҳдий» гурухи томонидан 2010 йилнинг 9 сентябрь куни Бишкек шаҳрида жойлашган яхудийлар синагогаси ҳовлисида, 30 ноябрь куни Спорт саройи ёнида, шунингдек, Тўқмоқ шаҳрининг икки жойида портлатишлар амалга оширилган. 2010 йилнинг 19 декабрь куни жамоат аъзолари АҚШ элчихонаси ёнида қотиллик содир этган. 24 декабрь куни эса улар АҚШ фуқаросининг уйига хужум уюштириб, автомашинасини ўғирлаганлар ҳамда унинг ичига портловчи модда жойлаштириб Бишкек ички ишлар бошқармаси ёнига қўйиб кетганлар. 2011 йил январь ойида Бишкеқда гурух

аъзоларини қўлга олиш вақтида 3 нафар милиция ходими ва 1 нафар маҳсус бўлинма ходими ҳалок бўлган.

2012 йилнинг 24 октябрь куни «Жайшул Маҳдий» гурухи суд ҳукми билан Қирғизистонда фаолияти ман этилган террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган. 2013 йилнинг июль ойида Бишкеқда бўлиб ўтган суд ҳукмига кўра гуруҳнинг 3 нафар аъзоси умрбод қамоқ жазосига, қолган 10 нафар аъзолари турли муддатларга жиноий жавобгарликка тортиши.

*M : 1. Сайт «Akipress.org». URL: <http://svodka.akipress.org/news:133364>. 2. Сайт «Инфо Центр Антитеррор». URL: <http://www.kgcentr.info/?pid=4&cid=8&nid=3587>. Сайт «Государственная комиссия по делам религий при Президенте Кыргызской Республики». URL: <http://www.religion.gov.kg/node/36>.*

**ЖАНГАРИ** – террористик ташкилот таркибида кўпорувчилик ёки террористик фаолиятда иштирок этувчи, ушбу фаолиятни ғоявий ва молиявий жиҳатдан кўллаб-куватлаб, моддий манфаатдорликсиз бажарувчи ёки ташкилот етакчиларининг турли таҳдидлари остида мажбуран амалга оширувчи шахс.

Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунида террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахси, деган таъриф берилган.

*M : 1. Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни. 2. Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государственных участников СНГ». URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**ЖАННАТ** (араб. – боғ, форс. – беҳишт, дор ус-салом, боги эрам ва бошк.) – барча динлар таълимотида тақвадор диндорлар «нариги дунё»да роҳат ва фароғатда яшайдиган жой. Ислом таълимотида бу дунёдаги ҳаёти даврида имонли ҳолда эзгу ишлар билан шуғулланган одамлар Аллоҳ томонидан жаннатга киритилади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашиёти, 2003. – 79 б.*

**ЖАНОЗА** (араб. – дағн, дағн маросими) – ислом анъанасига хос дағн қилиш ва марҳумни қўмиш олдидан ўқиладиган намоз (салот ал-жаноза). Ислом таълимотига кўра, марҳумни фақат жаноза ўқилгандан кейин дағн этиш мумкин. Ўз-ўзини ўлдирганларга, дин ва

давлатга қарши чиқиб исён қилган (боғий)ларга жаноза ўқилмаслиги белгиланган.

Исломда жанозадан кейин аза (мотам) тутиш уч кун қилиб белгиланган. Аҳоли ичида марҳумлар хотирасини ёд этиш мақсадида ўтказиб келинаётган уч, етти, йигирма, қирқ, пайшанбалик, якшанбалик маросимлари аслида ислом таълимотида бўлмаган амаллар саналади.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 80 б. 2. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб). – Т. : Тошкент ислом университети нашириёти, 2013. – 137 б.*

**ЖИХОД** (араб. **الجهاد** — зўр бермоқ, ғайрат қилмоқ) — ислом таълимотида дастлаб динни ҳимоя қилиш сифатида вужудга келган тушунча. Жиҳод уруш маъносида эмас, Аллоҳнинг динига сўз билан даъват қилиш маъносида юзага келган. Ислом ҳукуқшунослари томонидан жиҳод «қалб жиҳоди» (инсоннинг ўзининг нафси ва ёмон ҳулки билан курашуви), «стил жиҳоди» (яхшиликка чакириш, ёмон ишлардан қайтариш), «қўл жиҳоди» (жиноятчиларни жазолаш) ва «қилич жиҳоди» (душман билан куролли кураш) каби кўринишларда бўлиши эътироф этилади.

Умумий ҳолда жиҳод нафс, шайтон ва босқинчиликка қарши курашиш каби турларга ажратилган. Мавзу бўйича ўтказилаётган замонавий тадқиқотларда жиҳод мавжуд нарсани, яъни Мадина шаҳри ва мусулмон жамиятини ҳимоя қилиш учун жорий қилингани таъкидланади.

Исломда куролли жиҳод ҳукми шароитга қараб ўзгариб туради. Агар душман мусулмон юртига уруш килиб, бостириб кирса, барча мусулмонларга куролли жиҳод фарзи айн бўлади. Куролли жиҳод ҳокимият раҳбари қўли остида амалга оширилади. Жиҳод ҳеч қачон қотиллик, босқинчилик, одамларни гаровга олиш, мажбуран эътиқодини ўзgartириш, халифалик шаклидаги ҳукумат тузиш ёки тинч мусулмон жамиятида фитна чиқариш учун жорий қилинмаган. Араб тилида «куруш» маъносини «қитол» сўзи англатади. Жиҳодни Туркия, Кавказ ва Марказий Осиёда одатда кўпроқ «ғазавот» деб талқин қилиш одат бўлган.

Ҳозир турли диний-экстремистик ва террористик гуруҳ етакчилари жиҳодни фақат «муқаддас уруш» сифатида таърифлаб,

ушбу тушунчадан ўзларининг жиноий фаолиятини хаспўшлашга, тинч ривожланаётган жамиятларда бекарорлик келтириб чиқаришида фойдаланиб келмоқдалар.

Ҳозирги замон уламолари мусулмонлар турли мамлакатларда истикомат қилиб, мамлакатлар орасидаги муносабатлар ҳозирда ўзаро урушмасликка ва элчихоналар орқали алоқаларга асосланганини ҳисобга олиб, мусулмонларнинг мудофааси улар яшайдиган давлат зиммасида эканини баён қиласилар. Шу нуқтаи назардан, уламолар бугунги кунда жиҳод фақат мусулмонларнинг қонуний ҳукмдорлари томонидан давлат, фуқароларнинг хавфсизлиги, мол-мулки ва эътиқодини ҳимоя қилиш йўлида эълон қилиниши мумкин, деб хуласа қиласилар.

Мўътадил ислом (аҳли сунна вал жамоа) тарафдорларининг эътиқодига кўра, қуролли жиҳод – «кичик жиҳод», ҳар бир мусулмоннинг ўз нафси билан кураши ва маънавий баркамоллик йўлидаги саъй-ҳаракати «катта жиҳод» ҳисобланади. Фарзанднинг ота-онаси хизматида бўлиши, ёшларнинг илм йўлида ғайрат қилиши жиҳодга киради.

«Жиҳод» шиори остида қотиллик, босқинчилик ва қўпорувчилик содир этган шахс Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра жиноий жавобгарликка тортилади.

*M : 1. Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – С. 66–67. 2. Ислом маърифати: аслият ва талқин. Ўқув қўлланма. – Т. : Тошкент ислом университети нашриёти, 2011. – 74–79 б.*

**ЖОҲИЛИЯТ** (араб. – билимсизлик ҳолати, жаҳолат) — ислом таълимотида араблар тарихининг исломдан аввалги, аниқроги, одамлар ҳаётида Исо пайғамбар ва Мұхаммад пайғамбар оралигида пайғамбарсиз ўтган даврга берилган ном. Ислом тарихчилари ушбу атама кўпроқ қайд этилган даврда Арабистонда қонунсизлик, ахлоқсизлик, зўравонлик, шунингдек, қиз фарзандларни ерга кўмиш, қасос олиш, қабилалараро адоват расм бўлгани билан боғлиқ эканини эътироф этадилар. Жоҳилият даври араблари ислом дини жорий бўлгандан сўнг динсизлар ёки мушриклар деб атала бошлаган.

Замонавий ақидапарастлар мусулмонларни динсизга чиқариш орқали уларга нисбатан куч ишлатишни «оқлаш» мақсадида мусулмон жамиятларини жоҳилият даврига қайтганликда ҳеч бир асоссиз айблаб келмоқдалар.

*M : 1. Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991.  
– С. 63. 2. Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий  
энциклопедияси» Давлат илмий нашиёти, 2003. – 85 б.*

**«ЖУНДУЛ-ХАЛИФАТ»** (араб. – халифат лашкари) – таркибий жиҳатдан асосан қозоқ миллатига мансуб жангарилардан иборат жиҳодий ташкилот. Қозогистон ОАВ тарқатилган маълумотларга кўра, ташкилот 2009 йилда жиҳодий гоялар таъсирида бир гурӯх мутаассиб қозогистонлик ёшлар томонидан шаклланған бошлаган. 2011 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Қозогистон фуқароси Ринат Хабидулла ўз етакчилигига ушбу ташкилот тузилгани хақида эълон қилган. Бош мақсад сифатида Қозогистон ҳудудида ислом амирлиги барпо этиш йўлида куролли жиҳод амалга ошириш эътироф этилган. 2011 йилнинг куз ва қиш фаслларида «Жундул-Халифат» жангарилари Фарбий Қозогистон ҳудудидаги Атиров, Тароз ва Олмаотада содир этилган бир неча террорчилик ҳаракатларини ўз зиммасига олган. Жумладан, 31 октябрь куни Атиров вилояти ҳокимияти ёнида иккита портлатиш (бирини ҳудкуш-террорчи амалга оширган) содир этилган. 2011 йилнинг 3 декабрь куни Олма-ота вилоятидаги Бордолай шаҳрида ўтказилган маҳсус операцияда ташкилотнинг 5 нафар жангарилари ўлдирилиб, 2 нафар маҳсус бўлинма ходими ҳалок бўлган.

Айрим маълумотларда ҳозирги кунда ташкилотнинг асосий кучлари Афғонистоннинг Хост вилоятида ва Покистоннинг Афғонистон билан чегарадош пуштун қабилалари яшайдиган ҳудудида жойлашгани келтирилади. 2011 йили гурӯҳ «Интернет» тармоғи орқали гўёки жангарилар томонидан Афғонистон ҳудудида АҚШ ҳарбийларига қарши уюштирилган ҳужумларнинг видеолавҳаларини жойлаштирган. Ташкилот Интернет тармоғида «Зоҳир Бейбарс батальони» номи остида ҳам чиқади.

2012 йил 19 март куни «Жундул-Халифат» аъзоси Мұхаммад Мера Франциянинг Тулуз шаҳрида жойлашган яхудий мактабларининг бирида отишма уюштириб, бир неча одам, шу жумладан, ёш болаларни ўлдирган.

Молиявий манбалар сифатида жиноий фаолият орқали топилган маблағлар, Фарбий Қозогистондаги салафий жамоалар томонидан бериладиган хайрия, «Ал-Қоида», Толибон ҳаракатидан бериладиган кўмак ва бошқаларни қайд этиш мумкин.

«Жундул-халифат» 2011 йил 25 ноябрь куни Қозоғистонда, 2012 йил 24 октябрь куни Қирғизистонда фаолияти ман этилган террористик ташкилотлар рүйхатига киритилган.

*M : 1. Сайт «Kazakhstan Today», URL: [http://www.kt.kz/rus/power\\_structures/dzhund\\_aljhalifat\\_organizovana\\_grazhdanami\\_kazahstana\\_dlja\\_razvijazivaniya\\_dzhihada\\_na\\_territorii\\_respubliki\\_kazakhstan\\_1153547408.html](http://www.kt.kz/rus/power_structures/dzhund_aljhalifat_organizovana_grazhdanami_kazahstana_dlja_razvijazivaniya_dzhihada_na_territorii_respubliki_kazakhstan_1153547408.html). 2. Сайт «Агентство Республики Казахстан по делам религий» URL: [http://www.din.gov.kz/rus/press-sluzhba/spisok\\_terroristicheskix\\_i\\_jelek/](http://www.din.gov.kz/rus/press-sluzhba/spisok_terroristicheskix_i_jelek/). 3. Сайт «Русская служба Би-би-си», URL: [http://www.bbc.co.uk/russian/international/2012/04/120402\\_kazakhstan\\_france\\_merah.shtml](http://www.bbc.co.uk/russian/international/2012/04/120402_kazakhstan_france_merah.shtml)*

**ЗАКОТ** (араб. – тозаланиш, ўсиш) – ислом таълимотининг асосий беш арконларидан бири, мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон. Шариатта мувофик, 85 грамм олтин миқдорида бойликка эга бўлган балогатга етган мусулмон мазкур маблагининг қирқдан бир улуши (2,5%) миқдорида закот тўлаши лозим бўлади. Закот аввал мухтож қариндошларга, сўнг бошқа камбағалларга, қарздорларга ёки мусофириларга берилиши белгиланган.

Закот ғараз мақсадларда ишлатилмаслиги учун ўзи билмаган, танимаган шахсларга берилиши тавсия этилмайди.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 90 б.*

**ЗИКР**, зикр тушиш (араб. ёдга олиш, эслаш) – тасаввуфда Худони мадҳ этиш мақсадида исмларини ёдга олиш билан боғлиқ маросим. X–XIV асрларда суфий тариқатлар вужудга келиши ва ривожланиши билан зикр маълум қоидаларга асосланган мураккаб маросимга айланган. Суфий зикр тушища белгиланган тарзда танани тутиш (жалса), нафас олишни назорат қилиш (ҳабс ан-нафс), зикр сўзларини тананинг маълум қисмига хаёлан йўналтиришини билиши керак. Зикр баланд овозда (жахрий) ёки паст овозда, хаёлан (хуфий) айтилади. Зикр якка ҳолда ёки жамоа бўлиб бажарилади. Зикр тушиш руҳий экстаз (важд, фақд ал-ихсас) ҳолатига кириш максадида бажарилади. Қатор тариқатларда, масалан, рифоия, мавлавия, бадавия, чистия, кубровия, сухравардия, саъдия, қодирияда, само (араб. эшитиш, куйлаш), яъни жамоа билан дўмбира, най ҷалиб зикр тутиш анъанаси мавжуд. Зикр вақти Аллоҳнинг исмини ёд олишда саноқдан адашиб кетмаслик учун тасбеҳдан фойдаланилади.

*M : Ислам: Энциклопедический словарь. – M. : Наука, 1991. – С. 77, 206.*

**ЁЛЛАНМА ЖАНГАРИ** – моддий манфаатдорлик асосида ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиш ёки террорчиллик ҳаракатини содир этиш учун ёлланган хорижий мамлакат фуқароси.

**Ёлланма жангарилик** – моддий манфаатдорлик асосида фаолият кўрсатувчи жангариларни ёллаш, тайёрлаш, молиялаштириш ва улардан ҳарбий можаролар ёки террористик фаолиятда фойдаланиш.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ».*  
*URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**ИБН ТАЙМИЯ**, Такий ад-Дин Аҳмад (1263–1328) – ҳанбалийлик мазҳабидаги йирик фикъшунос ва илоҳиётчи олим. Ҳаррои (Сурья)да туғилган. 1269 йил унинг оиласи Дамашққа кўчиб келган. 1284 йилдан Суққорий мадрасасига раҳбарлик қилган. 1296 йилдан ҳанбалий мадрасасида таълим берган. Султон Малик Мансур Лочиннинг Кичик Арманистонга юриши ва мўғулларнинг Сурияга ҳужумига қарши чиқиш билан боғлиқ қуроли жиҳодларни ташкил этишда иштирок этган. 1306–1312-йилларда Мисрда яшаган. Маҳаллий уламолар билан кескин баҳслар юритгани учун икки бор зиндонга ташланган. 1313 йили Дамашққа қайтиб, мадрасада фаолиятини давом эттирган. 1321 ва 1326-йилларда яна қамалиб, 1328 йили қамоқхонада вафот этган.

Ибн Таймия илк ислом аҳкомларига қайтишга даъват қилиб, гўёки «янги бидъатлар» қаторига фалсафий қарашлар, калом, авлиёларга сигиниш ва Пайғамбар (с.а.в.) қабрларини зиёрат қилишни киритиб, уларга қарши чиққан. Сиёsat масаласида Ибн Таймия давлат ва дин яхлитлиги тарафдори бўлган. Ибн Таймия яшаган даврда Суря (Шом)дан шарқда жойлашган ерлар мўғуллар қўл остида, аммо, аҳолиси мусулмон бўлган. Эрон ва Ирокда хукмрон бўлган илхонлар (хулагуийлар) эса исломга кирган. Лекин И.Т. уларни ҳақиқий мусулмон деб ҳисобламас, уларга қарши жиҳодга даъват этар эди.

XVIII асрда Ибн Таймиянинг салафий ғоялари Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобнинг радикал таълимотига манба бўлиб хизмат қилган.

*M : 1. Ислам: Энциклопедический словарь. – M : Наука, 1991. – С. 85. 2. Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 101 б.*

**ИБН ҲАНБАЛ**, Аҳмад Абу Абдуллоҳ аш-Шайбоний (780–855), илоҳиёт олими, ҳанбалийлик мазҳабининг асосчиси. Багдодда туғилган. 816–833-йилларда мударрислик қилган ва фикҳ билан шуғулланган. Анъанавий суннийликни ҳимоя килиб, ўша даврдаги мұтазилийлар билан ғоявий кураш олиб борган. Шу сабабли 833–834-йилларда қамоқда ўтирган. 847 йилда халифа Мутаваккил ҳокимият тепасига келиб, анъанавий суннийликни ёқлаганидан сұнг, Ибн Ҳанбал кейинчалик унинг номи билан аталған диний-сиёсий ҳаракатнинг раҳнамосига айланған. Мазкур ҳаракат томонидан мұтазилийларга қарши очиқ чиқишилар амалға оширилған. Багдодда вафот этган.

Ибн Ҳанбал ўз асарларида исломда Куръон, ҳадис ва дастлабки уч авлод мусулмон уламоларининг умумий фикри (ижмо) тасдиқламаган барча гоя ва амалларни бідъят сифатида тарғиб қылған. Сиёсий жиҳатдан «одамларнинг динда шубҳасини үйғотған» ҳукмдорларга қарши курашиш мүмкін эканы, уламолар ҳукмдорларга таъсир ўтказышлари лозимлиги ҳақидағи фикрларни илгари сурған. Ибн Ҳанбалнинг ҳозирға қадар сақланиб қолған асарлари ичида энг машхурлары фикҳ ва ҳадислар түплами, намоз ва жамоатда уламоларнинг ўрнига бағищланған «Китаб ас-салат», Худонинг сифатлари ҳақида ихтилофға борғанлар ҳақидағи «Китаб ар-радд Җала-л-жаҳмия ва-з- занадиқа» китоблары ҳисобланади.

*M : Ислам: Энциклопедический словарь. – M. : Наука, 1991. – С. 30.*

**ИБОДАТ** (араб. құллук қилиш, бўйсуниш) – 1) Тор маънода барча динларда ушбу дин таълимотининг муайян жиҳатини ҳиссий образли шақлда акс эттирадиган махсус хатти-ҳаракатлар, маросимлар, тантаналар мажмуй. Диний әзтиқоднинг таркибий қисми сифатида ибодат қатый тартиб ва қоидаларга буйсундирилған бўлиб, диндорларнинг онгига ушбу дин таълимотини сингдиришга хизмат қиласи. Турли динларда турлича ибодат қилинади. Мусулмонлар беш вақт намоз ўқиб ибодат қиласидилар. Христианликда асосий ибодат литургия ҳисобланиб, унда сирли маросимлардан покланиш (причащение) бажарилади.

2) Ислом таълимотида кенг маънода ибодат Аллоҳ ёқтирадиган ва рози бўладиган сўзлар ва амаллар ҳисобланиб, фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб каби шариат категорияларига ажратилади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 103 б. 2. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 163.*

**ИЖТИҲОД** (араб. – интилиш, гайрат қилиш) – ислом таълимотида уламонинг диний ва ҳуқуқий масалалар бўйича мустақил фикр юритиш фаолияти. VII асрнинг охирида саҳобийлар томонидан Мұхаммад пайғамбарнинг суннатлари ҳақида етказилган маълумотларда ижтилофлар пайдо бўла бошлагани ва аҳолиси мусулмон бўлган ҳудуд кенгайиб, диний-ҳуқуқий ечимини топиш зарур бўлган янги масалалар юзага келгани сабабли вужудга келган. Ижтиҳод қилувчидан куйидаги билимлар талаб қилинган: араб тилини мукаммал билиш; Қуръонни ва З мингта яқин ҳадисларни ёд билиш; ижмо қилиш шартларини ва фиқҳдаги асосий ижтилофли масалаларни билиш; қўлланилаётган фикҳий маълумотларни тўғри талқин қила олиш; қўйилган вазифани аниқ идрок эта олиш; хуласаларни ҳолис баҳолаш; эътиқоди мустаҳкам бўлиш.

VII–XI асрларда Макка, Мадина, Куфа, Басра, Дамашқ ва Байрутда ижтиҳод йўналишида улкан назарий ва амалий ишлар амалга оширилган. Натижада сунний мазҳаблар шаклланиб, ислом мукаммал мағкуравий ва диний-ҳуқуқий тизимга эга бўлди. Шундан сўнг уламолар «ижтиҳод тўхтатилди, эндиликда илоҳиёт, ҳуқуқ, ахлоқ, ижтимоий таълимотда фақат аввалги илоҳиётчиларга тақлид қилиш мумкин», деган умумий карорга келгандар ва унга амал қилгандар.

XIX аср охирида исломда пайдо бўлган айрим оқимлар, жумладан, ислоҳотчилар, мазҳабсизликни тарғиб қилаётган салафийлар Қуръон ва ислом таълимотини пухта ўзлаштирган ҳар бир мусулмон ижтиҳод қилиши мумкин, деган даъво билан чиқа бошлаган. Бунга анъанавий ислом тарафдорлари қарши туради.

*M: Ислам: Энциклопедический словарь.– М. : Наука, 1991. – С. 30.*

**ИИСУС ХРИСТОС, Исо Масих** (қадим. яхуд. Jehsua – ҳалос этиш, греч. χριστός – силанган) – христиан динининг асосчиси. Мазкур дин таълимотига кўра, илоҳий ва инсоний табиатга эга худо-одам, муқаддас Троицадаги худо-ўғил. Вифлемда (ҳозир Бейт Лахм шаҳри, Фаластин) муқаддас рух орқали дурадгор Иосифнинг турмуш ўртоги – бокира қиз Мария мўъжизавий тарзда дунёга келтирган. Сўнгра Иосиф ва Мария гўдаги билан шоҳ Ирод таъқибидан қочиб, Мисрга боргандар. Кейинчалик улар Галилей (Фаластин)га қайтадилар. Исо Масих Иоанн Креститель томонидан чўқинтирилган. 30 ёшида Исо Масих атрофига 12 та апостолни тўплаб, яккахудоликка даъват қила бошлаган. Иисус лойдан ясалган күшга жон ато этиш, турли касалларни

силаб даволаш каби мұъжизалар құрсаған. Апостолларнинг бири Яхузо (Иуда)нинг хиёнати билан қамоққа олинган. Яхудийлар суди – синедрион Исо Масихни фитна чиқаришда айблаб, ўлим жазосига хукм қылған. Рим прокурори Понтий Пилат хукмни тасдиқлаған ва Исо Масих Голгоф тоғида хоңда чормихга тортилған. Ўлимидан сүнг тирилған. Апостолларга дин тарғиботини буюриб, ўзи арш-аълога күтарилған. Иккінчі бор ерга тушишида қиёмат бұлади. Мазкур ақидалар Никея (325) ва Константинополь (381) Бутунжақон соборида қабул қилинған бўлиб, «Никео-Царград эътиқод баёни» деб аталади.

Исо Масих Куръонда буюк пайғамбар сифатида келтирилған. Ислом таълимотига мувофиқ, Исо Масих келиши Яхё (Иоанн Креститель) томонидан башпорат қилинған («Оли Имрон» сураси, 39-оят) пайғамбар саналади. Куръонда Исо Масихни Биби Марям (Мария) томонидан мұъжизали равишида дунёға келтирилғани («Оли Имрон» сураси, 43–45- оятлар, «Анбиё» сураси, 91-оят), яккахудоликни тарғиб қылғани («Моида» сураси, 72-оят), мұъжизалар құрсағанни ва осмондан таом туширгани («Моида» сураси, 110, 112–115-оятлар) қайд этилған.

Айни вактда, исломда Исо Масих худо-ўғил экани қатыян рад этилиб, у инсон ва ўзидан олдин келтән пайғамбарларнинг давомчиси («Моида» сураси, 19, 73, 75-оятлар) хисобланади. Исо Масихга Инжил нозил қилинған, у чормихда қатл этилмаган, бу ҳодиса Исо Масихнинг душманлари құзига құринган, аслида тириклайн осмонга күтарилған, қиёмат арафасида қайтиб тушади («Зухруф» сураси, 61-оят), деб эътиқод қилинади.

Христианлар Исо Масихнинг ҳақиқатдан яшаб үтгани, ўлимидан сүнг яна тирилиб, арш-аълога күтарилғанига ишонадилар.

*M : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 185–186. 2. Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : 2003. 125–126 б. 3. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 528–529.*

**ИКОНА** (грек. εικων – қиёфа, тимсол) – православлик ва католицизмда мұқаддас сиймолар. Иконаларда Исо Масих, фаришталар, апостоллар, авлиёлар ҳамда Библия ёки черков ҳаёти билан боғлиқ воқеалар акс эттирилади. Православ ва католиклар иконаларни хурмат қилиб эъзозлайдилар, лекин уларга сиғинилмайды.

*M : Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М : Гардарики, 2000. – С. 186.*

**ИМОМИЙЛАР** – шиалиқдаги асосий оқымлардан бирининг тарафдорлари, Алиавлодигата аллуқли 12 имомнитан олувчи мұтадил шиалар. Имомийлар таълимотида 11-имом Ҳасан ал-Аскарий вафоти (873 й.)дан кейин унинг ёш үғли Мұхаммадни охирги, 12-имом дебтан оладилар. Ривоятларга кўра, бу имом йўқолган, деб ҳисобланади. Имомийлар уни «яширинган имом», яъни маҳдий деб эълон қилиб, у қайтиб келиши билан адолат тантана қиласи, деб ҳисоблайдилар. Имомийлар шиаларнинг анча кўп тарқалган қисмидир. Имомийлар таълимоти Эроннинг давлат дини ҳисобланади. Имомийлар Ирок, Баҳрайнда аҳолининг кўпчилигини ташкил этади. Ливан, Кувайт, Саудия Арабистони, Иордания, Афғонистон каби давлатларда йирик диаспоралари бор.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 111 б.*

**ИМОМЛИК, имомат** (араб. – бошқармок) – мусулмон теократик давлатининг умумий номи. Ислом эволюцияси жараёнида имомат ҳақидағи тасаввур ҳам ўзгариб борган. Илк исломда Мұхаммад пайғамбар ва халифалар мусулмонлар жамоасида маъмурий-сиёсий ҳокимият ва диний раҳнамо (имом)ликни бирга олиб борган. Кейинчалик халифалар ҳокимиятида маъмурий раҳбарлик асосий ўрин эгаллаган. Диний ҳокимият номига сақланиб қолган. Шиалиқда имомлик факат Мұхаммад пайғамбар авлодларидан бўлган (Али ва Фотима авлодлари) шахснинг диний ва маъмурий ҳокимияти ҳисобланади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 111 б.*

**ИМОН, иймон** (араб. – ишонч, эътиқод) – ислом динида Аллоҳга, унинг фаришталари, китoblари, пайғамбарлари, қиёмат куни, тақдир ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш. Бу «имони мұфассал», имоннинг тўлиқ шакли ҳисобланади. Мотурийлик таълимотига кўра, имон икрор (динга қалдан чукур ишониш) ва тасдиқ (сўзда буни тан олиш)дан иборат ҳисобланади.

Халқ анъаналарида имон сўзи виждонлилик, ҳалоллик, софлик, Ватанинни севиш маъноларида ҳам ишлатилади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 112 б.*

**ИНЖИЛ, Евангел** – (грекча εὐαγγέλιον – хушхабар) – Библияниң бир қисми, христианларнинг муқаддас китоби. 30 га яқин инжил мавжуд бўлиб, 325 йилда Никея соборида 4 та инжил ҳақиқий деб қабул қилинган: 1) Матто (Матфей) инжили энг қадимий ҳисобланиб, Исо пайғамбарнинг ўлемидан 4 йил ўтгандан сўнг иброний тилда ёзилган. Асл нусхаси йўқ. Ҳозирги нашрлари таржима ҳисобланади. Матто апостол бўлмаган, кейинроқ хоин Яхуз (Иуда)нинг ўрнига сайланган. 2) Маркос (Марк) инжили юони тилида Исо Масих ўлемидан 23 йил кейин ёзилган. Муаллифи ноаниқ. Баъзи христианлар уни апостол Пётр ёзган, бошқалари эса Маркос ёзган, дейдилар. 3) Луқо (Лука) инжили Исо Масих вафотидан 20 йил кейин ёзилган. 4) Юҳанно (Иоанн) инжили Исо Масих ўлемидан 32 йил кейин ёзилган. Инжилда Мессияниң келиши, Исо Масихнинг ҳаёти, апостолларнинг даъват фаолиятлари ёритилган.

Ислом таълимотида Аллоҳ Исо пайғамбарга Жаброил орқали оғзаки тарзда нозил қилган муқаддас китоб, унда Мухаммад пайғамбарнинг келиши башорат қилинган, бироқ уни ёзганлар Инжил матнини бузган деб ҳисобланади.

1992 йили инжил ўзбек тилида кирилл алифбосида Стокгольмдаги Библияни таржима қилиш институти томонидан нашр этилган.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – 112 б. 2. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 221.*

**ИНКВИЗИЦИЯ** (лотин. *inquisitio* – қидирув, тўлик; *Inquisitio Haereticae Pravitatis Sanctum Officium* – Бидъат гуноҳларни тергов қилиш муқаддас бўлими) – Рим папаси Луций III декрети билан 1184 йилда бидъатларга қарши кураш учун тузилган маҳсус трибуналларнинг умумий номи. Асрлар давомида Фарбий Европа ва Лотин Америкасидаги католик мамлакатларининг барчасида фаолият кўрсатган. Инквизиторлар асосан доминикан ордени аъзоларидан иборат бўлган. Католик динидан чиққанликда ва жодугарликда айблангандар, шунингдек, мусулмонлар ва яхудийларга қарши қаратилган.

Айбдор деб топилганлар кўчаларда олиб ўтилиб, омма олдида калтакланган ёки қатл этилган. Инквизиция оқибатида юз минглаб одамлар ўлдириб юборилган. Курбонлари ичида Жордано Бруно,

Галилео Галилей, Николай Коперник ва бошқа күплаб олимлар бўлган. 1481–1808-йилларда биргина Испанияда 32 мингга яқин одам халқ олдида қатл (аутодаф) қилинган. 290 мингдан зиёд одам бошқа усуллар (умрбод қамоқ, сургун, мол-мулкни мусодара қилиш ва ҳ.к.) билан жазоланган.

Инквизиция Европада XVIII–XIX асрларда, Лотин Америкасида 1810–1826-йилларда бекор қилинган. Кейинчалик католик черкови канцелярияси Конгрегацияси, 1965 йили диний таълим Конгрегацияга айлантирилган.

2000 йил март ойида Рим папаси Иоанн Павел II черков номидан инквизиция вақтидаги йўл кўйилган «гуноҳ ишлар» учун тавба қилган.

*M : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 189. 2. Кривушин И. Инквизиция. Сайт «Krugosvet.ru». URL: [http://www.krugosvet.ru/enc/kultura\\_i\\_obrazovanie/religiya/INKVIZITSIYA.html?page=0,1](http://www.krugosvet.ru/enc/kultura_i_obrazovanie/religiya/INKVIZITSIYA.html?page=0,1)*

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ** – инсоннинг эркинликлари, бурч ва мажбурияти билан боғлиқ қарашларни акс эттирувчи тушунча. Ўзбекистон Конституциясининг иккинчи бўлими V–Х бобларида фуқароларнинг шахсий ҳуқук ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари баён этилган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида давлатнинг бурч ва мажбуриятлари аниқ белгилаб кўйилган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳуқуқлар устуворлиги тамойилига амал қилинган.

*M : 1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т. : 2007. – 6–10 б. 2. Миллий гоя: тарзибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т. : «Akademiya», 2007. – 157 б.*

**«ИРОҚ ВА ШОМ ИСЛОМ ДАВЛАТИ»** (бошқа номи – «Ироқ ва Левант ислом давлати») – 2006 йилда Ироқда «Ал-Қоида» террористик ташкилотининг Ироқдаги бўлинмаси ва бошқа бир неча террорчи гурухларнинг бирлашуви асосида «Ироқ Ислом давлати» номи билан вужудга келган. Бош мақсад сифатида Ироқ, Иордания, Сурия каби мамлакатлар негизида сунний мусулмонларнинг ягона давлати – «халифалик»ни барпо этиб, уни босқичма-босқич Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари ҳисобига кенгайтиришини даъво қиласди. 2010 йилдан бўён ташкилотга Абу Бакр ал-Бағдодий номи билан танилган Абдулло Иброҳим ас-Самарий (айрим маълумотларга

кўра - Иброҳим Авад Иброҳим ал-Бадрий ал-Хусайниний) исмли шахс раҳбарлик қилмоқда.

2013 йилнинг охирида гуруҳ жангарилари Сурияning Раққа шаҳрини эгаллаб, ўз қароргоҳига айлантирган. 2014 йилнинг бошидан ушбу гуруҳ Ироқдаги фаолиятини кенгайтириб келмоқда. ИШИД мазкур мамлакатнинг шимоли ва ғарбидағи катта ҳудудда, жумладан, Мосул, Рамади, Сулейманбек, Тикрит, Фалужа шаҳарларида тўлиқ ўз назоратини ўрнатишга эришган. Ҳозир ИШИД Ироқнинг шарқида жойлашган Диёл вилоятидан Сурияning шимолидаги Ҳалаб шаҳригача бўлган катта ҳудудни эгаллаб турибди.

ИШИД энг хатарли террористик гурухлардан бирига айланган. Сўнгги вақтда ташкилот Ироқда йирик миқдорда пул маблағлари ва курол-яроғни қўлга киритгани воқеликка янада салбий таъсир қилмоқда.

Ташкилот тадбиркорларга «солик» солиши, одамларни гаровда ушлаб товоң ундириш, босқинчилик қилиш, бошқа дин вакиллари ва ўзларига эргашмаган мусулмонларнинг мол-мулкини талонтарож қилиш, шунингдек, назорат остидаги ҳудудлардан олинган нефт хомашёсини сотиши ҳисобига ўз фаолиятини молиялаштириб келмоқда. Айрим мугахассислар Форс қўлтиғи мамлакатларидағи баъзи мутаассиб шайхлар яширин тарзда ИШИДга моддий ёрдам кўрсатиб келаётгани ҳақида ҳам фикр билдирамоқда.

Гуруҳ ўз мақсадлари йўлида ўта шафқатсиз шаклларда террористик фаолиятни амалга ошириши билан ажralиб туради. ИШИД томонидан ҳарбийлар, шия йўналишидаги мусулмонлар, умуман, ўз гояларига эргашмаган фуқароларни оммавий қатл этиш, аҳоли гавжум жойларда ҳудкуш террорчилик амалиётларини ўтказиши кенг қўлланилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ёз фаслида террорчилар Ироқда язидийлик эътиқодидаги 500 нафар эркакларни, Тикрит шаҳрида жойлашган ҳарбий ҳаво кучлари билим юртининг 1700 нафар ёш курсантларини қатл қилган. ИШИД жангарилари шия ва язидий эътиқодидаги хотин-қизларни зўрлаш, жория сифатида ишлатиш ёки қул қилиб сотиши каби гайриинсоний ҳаракатларга қўл урмокда. 2014 йилнинг 14 июнь куни Мосул шаҳридаги «Ал-Исрө» масжиди ёнида ташкилотга қўшилишдан бош тортган 12 та диний уламо қатл этилган. Шунингдек, жангарилар 2 нафар АҚШ ва 1 нафар Британия фуқароси бўлган журналистларни ваҳшийларча намойишкорона сўйиб ўлдириган.

2014 йилнинг июнь ойида ИШИД назорат ўрнаған ҳудудида гўёки «халифалик» тузилгани ва эндилиқда ушбу гуруҳ «Халифалик» деб номланиши эълон қилиниб, Абу Бақр ал-Бағдодийни «халифа» этиб

сайлаганлари, барча мусулмонлар унга қасамёд қелтириши («байъат») лозимлиги эълон қилинган.

«Халифалик» эълон қилинган худудда ИШИД томонидан шариатни жорий қилиш даъвоси остида инсон ҳукуқларини бузувчи гайритабиий чекловлар ўрнатилмоқда. Масалан, эркакларга тор шим кийиш, аёллар кийими тикиладиган корхоналар ва сотиладиган дўконларда ишлаш ёки уларга кириш, соч-соқолини тараш, аёлларга эса эркак шифокорларга мурожаат қилиш, сочини турмаклаб қисқартириш, стулда ўтириш кабилар ман этилган. Кинотеатр, гўзаллик салонлари фаолияти, мусиқа тинглаш тақиқланган. Ушбу қоидаларни бузганларга дарра уриш, қўл ёки оёгини кесиш, қатл этиш каби жазо чоралари кўлланиши белгиланган.

Террорчилар эгаллаб турган худудларда истиқомат қилаётган христианларга ҳар ой 250 АҚШ доллари миқдорида солик (жизя) тўлаш, ислом динини қабул қилиш ёки мамлакатни тарқ этиш талаби кўйилган. Ироқ ва Сурияда жангарилар томонидан ўнлаб зиёратгоҳлар, шиа мусулмонларининг масжидлари, христианларнинг черков ва монастирлари вайрон қилинган.

Ташкилотнинг етакчиларидан бири Абу Туроб ал-Муқаддасий ҳатто Маккадаги Байтуллоҳни вайрон қилишдан тап тортмасликларини билдириб: «Биз Каъбани бузиб, унга сажда қилувчиларни ўлдирамиз», деб давво қилган.

2014 йил сентябрь ойида БМТ мазкур гурухнинг фаолиятини инсониятга қарши жиноят сифатида баҳолаб, ташкилот билан алоқадор шахсларга санкциялар қўллаш юзасидан маҳсус баёнот қабул қилди. Шунингдек, 2014 йилнинг июль ойида БМТ Хавфсизлик Кенгаши гуруҳ томонидан сотилаётган нефтни харид қилишни тақиқлаш юзасидан қарор чиқарди.

АҚШ, Франция кабимамлакатлар ИШИДга қарши кураш доирасида унинг Ироқ ва Сурияда жойлашган ҳарбий инфратузилмасига ҳаводан зарба бериш амалиётини ўтказмоқда. АҚШ Давлат департаменти томонидан ташкилот етакчиси Абу Бақр ал-Багдодий энг хавфли террорчилар қаторига киритилган бўлиб, уни ушлашга ёрдам берганларга 10 млн. АҚШ доллари миқдорида мукофот пули ваъда қилинган.

2014 йил 3 июнда Бутун олам мусулмон уламолари иттифоқи ИШИД томонидан эълон қилинган «халифалик»ни шаръян ботил ҳаракат деб фатво чиқарган. Фатвода ислом таълимотига мувофиқ ҳеч қайси фирмә ёки гуруҳга ўзбошимчалик билан «халифалик»ни эълон қилиш ҳукуқи берилмагани таъкидланган. Шайх Юсуф Қарзовий

**ИШИД**нинг «халифалик» ҳақидаги даъвосини қаттиқ қоралаб: «Мамлакатни босиб олиш ва ярим аҳолисини киргин қилиш исломга асосланган давлат қуриш эмас, балки терроризм ҳисобланади», деб баҳо берган.

Хозир ИШИД диний-экстремистик жангариларни урчитиш ва «малакасини ошириш» манбаи сифатига жаҳон ҳамжамиятига жиддий хавф түғдирмоқда. ИШИД томонидан Интернет тармоғи орқали Ирок ва Суриядаги жангариларнинг сафини кенгайтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Маълумотларга кўра, хозир Ирок ва Сурия худудида ИШИД каби террористик ташкилотлар таркибида 80дан зиёд мамлакатлар, шу жумладан, Марказий Осиё республикалари фуқаролари бўлган жангарилар мавжуд.

*M : Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/исламское\\_государство\\_Ирака\\_и\\_Леванта](http://ru.wikipedia.org/wiki/исламское_государство_Ирака_и_Леванта)*

**ИРҚЧИЛИК** – одамлар ўргасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат килувчи гайримиллий ва ноинсоний таълимот. Ирқчиларнинг даъволарига кўра, муайян ирқий белгиларига кўра олий ирқ деб ҳисобланадиган одамлар хукмронлик қилиши, қолганлар уларга бўйсуниши керак. Ирқчилик таълимоти бошқа халқларга нисбатан босқинчилик, талончилик, мустамлакачилик сиёсатини асослашга ҳаракат киласди.

*M : Миллий гоя: тарзибот технологиялари ва атамалар лугати.*

– T. : «Akademiya», 2007. – 161 б.

**ИСЛОМ БАЙРАМЛАРИ** — мусулмонлар томонидан нишонланадиган ва муайян диний маросимлар билан ўтказиладиган кунлар. Кўпчилик мусулмон давлатларида расмий давлат аҳамиятига эга. Курбон ҳайит (ийд ал-адҳа) ва Рамазон ҳайити (ийд ал-фитр) асосий умумбайрамлар саналади. Шиаларда имом Ҳусайнни хотирлаш куни (ашуро) ҳам асосий байрамлардан ҳисобланади. Меъроҳ (ражаб байрами), тақдир кечаси (лайлат ул-қадр), Мухаммад пайғамбар туғилган кун (мавлид) исломда муборак кунлар бўлиб, уларни байрам қилиш ихтиёрий. Байрамлар ҳижрий тақвим бўйича нишонланади. Шунингдек, мусулмонларда жума куни «ҳафтанинг улуғи» ҳисобланади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 120 б.*

**«ИСЛОМ ДАВЛАТИ»** – 1) ислом дини давлат дини ёки қонунчиликнинг асосини ташкил этиши эълон қилинган мамлакатларга ва аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан ташкил

топган давлатларга нисбатан қўлланиладиган тушунча. Ислом дини давлат дини деб эълон килинган баъзи мамлакатларда «ислом» сўзи давлатнинг номига қўшиб айтилади. Масалан, Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Афғонистон Ислом Республикаси ва ҳ.к.

2) исломий шиорлар остида фаолият юритувчи диний-сиёсий харакатлар ҳам исломда давлат ва динни ажратиш концепцияси йўқ эканини эътироф этиб, ислом давлати тушунчasi «ислом жамияти» маъносида ишлатилиб, ижтимоий адолатни ўзида мужассамлаштирувчи жамият рамзи сифатида ифодалайдилар. Ислом давлати назариётчилари фикрига кўра, бундай давлатда дунёвий ҳукумат ва шариат муайян шаклда уйғунлаштирилган бўлади. Куръон ва сунна ҳокимиятнинг бирдан-бир асоси сифатида тан олинади. Дунёвий ва диний ҳокимият ўзаро қўшилиб кетади. Сиёsat, ҳукук ва иқтисодиёт соҳалари, даромадни адолатли тақсимлаш замонавий услугблар ва шариат кўрсатмаларига мувофиқ бошқарилади. Сиёsatчи ва илоҳиётчи Муҳаммад Иқбол, Муҳаммад Али Жинна, Парвез (Покистон), Натсир (Индонезия), ал-Фасил (Марокаш), Оятуллоҳ Ҳумайнӣ, Рухулло Мусавий (Эрон) кабилар ислом давлати назариётчилари ҳисобланади.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 120 б. 2. M : Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – M : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 219.*

«ИСЛОМЛАШТИРИШ» – давлат тузилиши, иқтисодиёт, ҳукук, маориф соҳаларини ислом тамойиллари асосида қайта куришни қўзда тутувчи сиёсий концепция. Исломлаштириш кенг маънода ислом давлати, халқаро ислом ташкилотларини тузишни, барча мусулмон давлатларида шариат қонунларини қарор топтиришни ўз ичига олади. Исломлаштириш концепцияси «ислом иқтисодиёти» ёки «ислом давлати» назариялари каби Ислом олами лигаси халқаро ташкилоти доктриналарида баён этилган. Тор маънода исломлаштириш ўрта асрларда ислом динига ўтишни англатган бўлса, ҳозирги кунда ижтимоий-сиёсий жараён сифатида давлат сиёсати ва жамият ҳаётида ислом дини ғоялари ва қоидалари таъсирининг ошиб боришини назарда тутади. Айрим гарб мутахассислари мусулмон жамияти ёки Ғарб мамлакатларидаги мусулмон диаспоралари ичida исломий меъёрларга

риоя этишда талабчанликнинг ошиб боришини «реисламизация» деб ҳам атамоқдалар.

Исломлаштириш муайян давлатда «юқоридан», яъни қонунларга тегишли моддалар киритиш орқали (масалан, Покистонда ушр, закот жорий қилиниши, банк тизими шариатга бўйсундирилиши, Эронда – «исломий бошқарув» эълон қилиниши ва ҳ.к.), ёки «куйидан» – диний-сиёсий ҳаракат ва партиялар, диний-экстремистик оқимларнинг саъӣ-ҳаракати билан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига шариат қоидаларини киритиш ва фуқароларнинг қундалик ҳаётини ислом аҳкомлари талабларига бўйсундириб бориш орқали амалга оширилиши мумкин. Аксарият ҳолатларда, мутаассиб оқимлар дунёвий жамиятни қоралаш, фуқароларни динсизликда айблаш, гўёки соглом ва адолатли жамиятни қуришнинг ягона чораси шариатни жорий қилиш экани ҳақида демагогик тарғибот ўтказиш, ноқонуний диний таълим бериш, ноқонуний намозхона ва масжидларнинг фаолиятини йўлга қўйиш каби ҳаракатлар билан исломлаштириш жараёнини чукурлаштиришга ҳаракат қиласидар.

Исломлаштириш дунёвий давлатчилик асосларига, биринчи навбатда, давлат ва динни ажратиш тамойилига зид келади. Айниқса, кўпмиллатли ва кўп конфессияли давлатларда исломлаштириш жараёнлари хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Буни Миср, Сурия, Ливия, Нигер, Покистон каби мамлакатларда дунёвий давлат тарафдорлари ва ақидапарастлар, мусулмонлар ва христианлар, суннийлар ва шиалар орасида зиддиятларнинг чукурлашпуви ва қон тўкишлар рўй берадигани мисолларида кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон суверен демократик республика экани, 13-моддасида демократик ҳукуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши ҳамда 31-моддасида диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

*M : 1. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламизация>. 2. Садыхова А. Основные концепции и подходы к пониманию исламизации и реисламизации в отечественной и зарубежной науке. Сайт «Tnu.podelise.ru». URL: <http://tnu.podelise.ru/docs/index-362402.html>.*

**ИСЛОМ ОЛАМИ УЮШМАСИ** (ИОУ, араб. رابطة العالم الإسلامي, ингл. Muslim World League) – сунний мусулмонларнинг халқаро нодавлат исломий ташкилоти. 1962 йил 18 майда Макка (Саудия

Арабистони) шаҳрида бўлиб ўтган ислом арбобларининг халқаро конференциясида асос солинган. Олий орган – Таъсис кенгашида жаҳоннинг 29 мамлакати вакиллари бўлган диний уламолар фаолият кўрсатади. Мажлислар йилига бир марта чақирилади. Таъсис кенгаши ишини кўпинч Саудия Арабистонидан сайланадиган Бош котиб раҳбарлигидаги котибият бошқариб, мувофиқлаштириб туради. Ташкилотни молиялаштириш асосан Саудия Арабистони томонидан амалга оширилади.

ИОУ қарорлари тавсия характеристига эга. Низом мақсадлари қуидагилар: мусулмон мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини йўлга кўйиш; мусулмон давлатлари конституцияларига ислом тамойилларини киритиш; ислом таълимотини бутун дунёга тарқатиш; исломни тарғиб қилиш; мусулмонлар бирдамлигини мустаҳкамлаш; масжид-мадрасалар қуришга кўмаклашиш; ҳаж зиёратини ташкил этиш; бугунги куннинг долзарб масалалари юзасидан ислом шариати асосида маҳсус фатволар қабул қилиш ва ҳ.к. Ташкилотнинг жойлардаги фаолияти ишларни мувофиқлаштириш Олий қўмитаси, Бутунжаҳон масжидлар кенгаши, ислом ишлари бўйича Олий қўмита каби органлари томонидан амалга оширилади.

ИОУга 2000 йилдан буён доктор Абдуллоҳ бин Абдул Муҳсин ат-Туркӣ (Саудия Арабистони) раҳбарлик қиласи. Қароргоҳи Макка шаҳрида. Ар-Риёд, Мадина, Фаёз ва Жидда шаҳарларида бўлнимлари бор. Тўртта минтақавий ислом кенгашлари ташкил этилган: Европа (1973 й. тузилган, штаб-квартираси Лондон шаҳрида), Африка (1976 й., Дакар), Шимолий ва Жанубий Америка, Кариб қўлтиғи (1970, Нью-Йорк), Осиё (1978, Карочи). Аммон (Иордания), Жакарта (Индонезия), Куала Лумпур (Малайзия), Нуакшот (Мавритания), Дакар (Сенегал), Париж (Франция), Нью-Йорк (АҚШ) ва бошқа мамлакатларда ваколатхоналари мавжуд. Бундан ташқари, дунёдаги деярли барча мусулмон мамлакатларида ИОЛнинг маҳсус вакиллари бор.

Ҳозирда ташкилотга 29 та давлатдан 60 дан зиёд диний уламолар аъзодир. 2012 йил 13–20 июнь кунлари Маккада бўлиб ўтган 41-таъсис мажлисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов таъсис мажлиси аъзолигига қабул қилинган.

Уюшма араб тилида «Ахбор ул-олам ал-Ислам» (Ислом олами ахбороти) ҳафталик газетасини ҳамда араб ва инглиз тилларида «Робита ал-олам ал-исломий» журналини мунтазам нашр этади. Интернет сайти: [www.themwl.org](http://www.themwl.org).

Шу билан бирга, айрим мамлакатларда ташкилот ўз фаолиятида диний-маърифий фаолиятдан четга чиқиб, сиёсийлашган тадбирларда иштирок этиши ҳолатлари ҳам мавжуд бўлгани эътироф этилади.

*M : 1. Сайт «Журнальный зал». URL: [http://magazines.russ.ru/oz/2003/5/2003\\_5\\_45.html](http://magazines.russ.ru/oz/2003/5/2003_5_45.html). 2. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Всемирная\\_исламская\\_лига](http://ru.wikipedia.org/wiki/Всемирная_исламская_лига). 3. Muslim World League Web Site. URL: [www.themwl.org](http://www.themwl.org)*

**ИСЛОМ ҲАМҚОРЛИГИ ТАШКИЛОТИ (ИҲТ, араб. منظمة التعاون الإسلامي, ingl. Organization of Islamic Cooperation, OIC)** — ҳукуматларо халқаро ташкилот. 2011 йил 28 июнигача Ислом Конференцияси Ташкилоти деб аталган. 1969 йил Работ (Марокаш) шаҳрида тузилган. Низом 1973 йил Жидда (Саудия Арабистони) шаҳрида З-конференцияда қабул қилинган. 2008 йил 13-14 марта Дакар (Сенегал) шаҳрида бўлиб ўтган 11-саммитда Низомнинг янги таҳрири қабул қилинган. ИҲТ фаолиятида куйидагилар асосий мақсад сифатида белгиланган: ислом бирдамлигини рағбатлантириш; иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш; ирқий камситишни, барча шаклдаги мустамлакачиликни тугатишга ҳаракат қилиш; тинчлик ва ҳавфсизликни сақлаш учун тадбирлар белгилаш; Фаластин араб ҳалкининг ўз ҳукуқларини тиклаш ва унинг ерларини озод қилиш учун қурашини кўллаб-кувватлаш.

Ташкилотни бошқаришнинг асосий тамойиллари: ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқига рибоя этиш; аъзо давлатларнинг тенг ҳукуқларга эга экани; суверенитет, мустақиллик ва ҳудудий яхлитликни тан олиш; аъзо давлатлар орасидаги низоларни тинч йўллар билан ҳал этиш.

ИҲТнинг раҳбар органлари давлат ва ҳукумат бошликлари Конференцияси, ташқи ишлар вазирларининг Конференцияси ва бош котиб раҳбарлигидаги котибиятдир. Олий орган – аъзо мамлакатлар раҳбарларининг ислом саммити ҳар уч йилда ўтказилиб, мусулмон мамлакатларининг умумий сиёсатини белгилаб беради. Ташқи ишлар вазирлари конференцияси эса ҳар йили ёки заруратга қараб ўтказилади. Олий ижро органи Бош котиб раҳбарлигидаги Бош котибият ҳисобланади. Бош котиб аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари томонидан 4 йил муддатга сайланади. 2005–2013-йилларда ташкилотнинг Бош котиби лавозимида туркиялик Акмалиддин Эҳсонўғли (Ekmeleddin Ihsanoglu) ишлаган ўзгарган. 2014 йил 1

январдан ушбу лавозмга саудиялик Иёс Амин маданий фаолият юритмоқда. Баш қароргоҳ Жидда шаҳрида жойлашган.

ИХТ ҳузурида Ислом тараққиёт банки, Фан ва техника соҳасида ҳамкорлик бўйича доимий қўмита фаолият кўрсатади. 1975 йилдан ИХТга БМТ ҳузурида кузатувчи ташкилот мақоми берилган. Ташкилот ҳузурида куйидаги мустақил ташкилотлар мавжуд: Ислом тараққиёт банки, Ислом янгиликлар агентлиги, Ислом телерадиоэшиттиришлар уюшмаси, Иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича Ислом комиссияси, Ислом тараққиёт фонди, Ислом адолат суди, Ислом пойтахтлари уюшмаси, Илмий-техникавий ривожланиш ислом фонди, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти ва ҳ.к., жами 17 та. Интернетдаги веб-сайти: [www.oic-oci.org](http://www.oic-oci.org).

ИХТ таркибида жами 57 давлат мавжуд. Ўзбекистон ташкилотга 1996 йил 2 октябрда қабул қилинган. Босния ва Герцеговина, Марказий Африка Республикаси, Россия, Таиланд, Шимолий Кипр Турк Республикаси, шунингдек, БМТ, Араб мамлакатлари лигаси, Африка иттифоки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати ташкилоти кузатувчи мақомига эга. ИХТ эса халқаро ҳукуқ субъекти сифатида БМТда кузатувчи мақомига эга.

*M : 1. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Организация\\_исламского\\_сотрудничества](http://ru.wikipedia.org/wiki/Организация_исламского_сотрудничества). 2. Сайт ОИС. [www.oic-oci.org](http://www.oic-oci.org). 3. Сайт «Россия и ОИС». URL: [www.kazansummit.ru](http://www.kazansummit.ru). 2014 йил 1 январдан ушбу лавозимда Саудиялик Иёс Амин маданий фаолият юритилмоқда.*

**КАРДИНАЛ** – (лотин. *cardinalis* – бош) – Католик черкови иерархиясида Рим Папасидан кейинги ўринда турувчи диний мансаб (рутба). Кардинал Рим папаси томонидан консисторий (кардиналлар коллегиясининг кенгashi) розилиги билан тайинланади. Кардиналларнинг маҳсус кенгashi – Конклав янги Рим папасини сайлайди. Анъанага кўра, кардиналлар черков учун ўз қонини тўкишга тайёр эканликларини англатувчи қизил қалпок кийиб юрадилар. Кардиналлар Рим папасининг черковни бошқаришдаги яқин маслаҳатчилари ҳисобланади.

*M : Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 196.*

**КАТЕХИЗИС** (грек. *κατηχεῖσ* – ўғит берувчи, ўргатувчи) – христианлик таълимотининг қисқа баёни. Одатда савол-жавоб шаклида бўлади. Диндорларга дин бўйича илк таълим бериш учун мўлжалланган. Православлиқда катихизис дейилади. Умумхристиан

катехизисидан ташқари, православ, католик ва протестантларнинг ўзларига хос таълимотидан келиб чиқсан фарқлар экс эттирилган алоҳида катехизислар мавжуд.

Католик черковининг охирги катехизиси Ватикан томонидан 1992 йили чоп этилган бўлиб, унда эътиқод қилинувчи ақидалар, христиан сирли маросимлари, ибодатлар ва христианларга хос ҳёт кечириши масалалари баён этилган. Православликда митрополит Петр Могил (1643), митрополит Филарет Дроздов (1828), епископ Александр (Семенов-Тян-Шанский, 1961) томонларидан ёзилган катехизислар машҳур ҳисобланади. Протестантларда Лютер катехизиси (1529), Кальвин катехизиси (1536, 1642 йил Женева катехизиси номи билан қайта ишлангган) мавжуд.

*M : Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 197. 2. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 318–319 с.*

**КЛЕРИКАЛИЗМ** – диний ташкилот ва уламоларнинг жамиятдаги сиёсий-ижтимоий, маънавий-маданий соҳалардаги ўрни ва ахамиятини кучайтиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий ҳаракат. Клерикализмнинг абсолют ифодаси теократия бўлиб, у давлат раҳбари (одатда монарх) бир вактнинг ўзида мамлакатнинг диний раҳбари ҳам саналиши, давлат функцияларининг аксарияти диний уламоларнинг қўлида бўлишини назарда тутади. Ҳозирги кунда айрим ҳудудларда католик, протестант, ислом ва яхудий клерикализмининг фаоллиги кузатилади.

*M : Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 223.*

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ** – қонун ва конституция билан муҳофаза қилинган ижтимоий институтлар ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-хукукий муносабатлар тизимининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ташкилий, меъёрий-хукукий, маҳсус ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш. Давлат ва жамиятнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

*M : 1. Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма.*

*Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ».*  
*URL: http://www.cisatc.org/134/159. 2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2007. 10-бет.*

**КОНФЕССИЯ** (лат. *confessio* –эътироф қилиш, эътиқод қилиш) – у ёки бу дин доирасидаги муайян йўналишни англатади. Конфессиялар диний таълимотнинг айрим масалаларида ўзаро фарқ қиласдилар.

*M : Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 223.*

**КОСМОПОЛИТИЗМ** (грек. – «*kosmopolites*» – дунё фуқароси) – «жаҳон давлати» тузишни ва «жаҳон фуқаролиги»ни тарғиб қилувчи таълимот. Космополитизм жаҳон миқёсида ахборот айирбошлиш имкониятлари ошиб бораётган ҳозирги глобаллашув даврида «Ватан» тушунчаси гўёки нисбий характерга эга эканини рўкач қиласди. Ватанга боғланиб қолиш шахс эркинликларининг чегараланиб қолишига олиб келишини даъво қиласди. Космополитизм бир тарафдан Farbdagi айрим сиёсий доиралар, яширин жамиятлар томонидан илгари сурилаётган, гўёки ирқий, диний, миллий, маданий чегараларни йўқ қилиб, барча давлат ва халқларни бирлаштирувчи «Бутунжаҳон хукумат» тузиш ҳақидаги мондиалистик ғояларга хизмат қиласди. Ислом дунёсида космополитизм таълимоти муайян даражада барча миллий давлатчиликларга барҳам бериб, мусулмонларни ягона «халифалик» таркибида бирлаштириш шаклини олган.

Шу нуқтаи назардан, космополитизм Ўзбекистон миллий давлатчилиги, суверенитет, мустақиллик ғояларига зид келувчи таълимот ҳисобланади.

*M.: Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.*  
– Т. : «Akademiya», 2007. – 176 б.

**КОФИР** (араб. – инкор этувчи, динга ишонмовчи) – ислом таълимотида мазкур динга эътиқод қилмайдиганлар, Аллоҳга имон келтирмаганлар тоифаси. Кофирлар уч турга ажратилади: 1) Ҳақиқий кофирлар – тилида ҳам, дилида ҳам ўзининг кофириллигига икрор бўлганлар. 2) Инодий кофирлар – Аллоҳнинг ҳаклиги, Мұхаммад пайғамбар эканини била туриб, имон келтирмаганлар. 3) Ҳукмий кофирлар – шариатга зид ишларни билиб ёки билмай қилиб қўйганлар, масалан Куръонни тепиш, ҳалолни ҳаром, ёки ҳаромни ҳалол дейиш.

Ҳозирги вақтда аксарият диний-экстремистик гурӯҳлар ўз мақсадлари йўлида бошқа мусулмонларни кофирликда айблаб, уларга

қарши қурол ишлатиши «асослаш»га ҳаракат қилишлари соф ислом таълимотига зид келади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 140 б.*

**КУФР** (араб. – тұсмоқ, инкор килмок) – ислом таълимотида имонсизлик, ислом динини тан олмаслик ёки унинг амалларини бажармаслик ҳисобланади. Куфрга муносабат исломнинг дастлабки давридан бошлаб турлича бўлган. VII асрнинг иккинчи ярмида хорижийлар уларга қўшилмаган барча мусулмонлар кофир, яъни динни рад этувчи деб ҳисоблашган. Ҳозирги вақтда куфр ёки кофирга чиқариш тушунчаларидан ислом оламидаги диний мутаассиб жамоалар сиёсий мақсадларда кенг фойдаланмоқдалар.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 140 б.*

**ЛИТУРГИЯ** (грек. λειτουργία – жамоат хизмати, ибодат) – христианликдаги ибодатнинг асосий қисми. Мазкур маънода Европада XVII – XVIII асрларда амалиётга кирган. Черков анъанасида литургия Исо Масих томонидан сирли маросимларнинг «энг мўътабари» (рус. «тайство таинств») сифатида «сирли оқшом»да жорий қилинган ҳисобланади. Литургия православларда обедня деб аталади ва уч қисмдан иборат: кириш (проскомидия), чакирилганларнинг барчаси қатнашадиган ва фақат чўқинтирилганлар учун мўлжалланган қисмлар. Католикларда месса деб аталади ва икки қисмдан ташкил топган: «синаалаётганлар литургияси» ва фақат чўқинтирилганлар қатнашадиган қисм. Литургия вақти сирли маросимлардан причащение бажарилади, диний кўшиқлар куйланиб, маърузалар қилинади. Литургия черков қоидаларида белгиланган кунларда ўтказилади. Буюк ва Рождество постлари вақтида литургия ўтказилмайди.

*M : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М : Гардарики, 2000. – С. 163–164. 2. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 335–336.*

**МАВЛУД**, мавлуд ан-набий, мавлуд (араб. – туғилиш, пайғамбарнинг туғилган куни) – ислом таълимотида Мұхаммад пайғамбарнинг туғилган куни билан боғлиқ диний байрам. Ҳижрий тақвимнинг рабиул аввал ойининг 12 куни нишонланади. Мавлуд

куни дуолар, пайғамбар шаънига мадҳдан иборат саловотлар, Имом Баражий томонидан ёзилган «Мавлудун-набий» қасидаси ўқилади, садақалар берилади, диндорларнинг йиғилишлари ўтказилади.

*М : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 146 б.*

**МАЗҲАБ** (араб. мазҳаб – йўналиш, оқим, йўл, таълимот) –

1) ислом динида ижтимоий-сиёсий зиддиятлар ва ҳокимият учун кураш жараённида вужудга келган хилма-хил йўналишлар ва оқимларнинг умумий номи.

2) мазҳаб тор маънода исломдаги шариатга хос ҳуқуқ йўналишларини англатади. Мазҳаблар анъанавий диний ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда, муайян шаръий масалада енгилрок ёки қаттиқрек ҳукм чиқаришлари билан ўзаро фарқ қиласиди. Суннитикда 4 та мазҳаб мавжуд.

Ҳозир ислом мамлакатларида ҳанафийлик (Туркия, Покистон, Ҳиндистон ва ҳ.к.), моликийлик (Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия), шофиийлик (Миср, Индонезия ва ҳ.к.), ҳанбалийлик (Саудия Арабистони) мазҳаблари, шунингдек, шиалик тарқалган мамлакатлар (Эрон, Ироқ, Яман ва ҳ.к.)нинг ҳуқуқий ҳаётида жаъфарийлик мазҳаби ўз мавқеини сақлаб келмоқда.

1. **Ҳанафийлик** – Абу Ҳанифа асос солган. Кейин мазҳаб қоидалари Абу Юсуф Ёкуб (795 й. в.э.), Мұхаммад аш-Шайбон (804 й. в.э.), Кудурий (1036 й. в.э.) асарларида ишлаб чиқилган. Мазҳаб таълимотига кўра: Куръон ҳуқуқ манбаи сифатида хеч сўзсиз, тўлалигича қабул қилинади; сунна мустақил манба сифатида қаралади, бироқ ҳадислар жиддий танловдан ўтган бўлиши лозим; аввал ўтган уламолардан мерос бўлиб қолган келишилган фикр (ижмо) фақат сахих ҳадис ривоятчиларидан чиққан тақдирдагина ҳисобга олинади. Янги масалалар тадқиқ қилинаётганда ҳар қандай обруғи уламолар гуруҳининг ижмоси қабул қилинади ва шу тариқа диний ижмолар вужудга келиши имкони яратилади. Қиёс бўйича ҳукм бошқа сахих манба асосида ҳам бўлиши мумкин. Агар қиёс бўйича ҳукм зарарли ёки мавҳум натижага олиб келса, истиҳсон (энг маъқулини танлаш) бўйича қарор қабул қилинади. Ҳанафийлик мазҳаби оддий ҳуқуқ (урф)дан ҳам ҳуқуқнинг кенг мустақил ёрдамчи манбаи сифатида фойдаланишга имкон бераб, ҳаётий эҳтиёжларни ва маҳаллий одатларни ҳисобга олиб ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Ҳанафийлик мазҳаби қоидалари мўътадиллиги, юмшоклиги, кулагиллиги, ибодат масалаларида бошқа мазҳаблардан фарқли ўлароқ кўпроқ имтиёзларга йўл очиб бергани ва ҳалқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли кенг ёйилган. Кичик Осиё, Болқон, Шимолий Кавказ, Қора дengиз, Волга бўйи, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитойгача кенгликларда тарқалган. Дунё мусулмонларининг қарийб ярми ҳанафийлик мазҳабига эътиқод қиласди.

2. **Ҳанбалийлик** – Ахмад ибн Ҳанбал Бағдодда асос солган. Ҳанбалийлик ҳуқуқ тизими торлиги, ҳар қандай кўринишдаги янгиликларни «бидъат» сифатида баҳолаши, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат аҳкомларига риоя этишда ўта талабчанлиги билан ажralиб туради. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. Ўрта асрларда Эрон, Сурия, Фаластиндаги ҳанбалийлик издошлири кўп бўлган. Кейинги асрларда эса камайиб кетган. Ҳозир ушбу мазҳаб Саудия Арабистонида расман эътироф этилган, бошқа мамлакатларда кам учрайди.

3. **Шофиъийлик** – Имом Шофиъий Бағдодда асос солган. Ушбу мазҳабда Қуръон ва суннага ягона манба сифатида қаралади. Қиёс ва рабъ чеклаб кўлланилади. Шофиъийлик таълимотига кўра, сунна Қуръонни тўлдирувчи ҳисобланниб, суннанинг ўзи қиёс сифатида ҳуқм чиқариш учун асос бўла олмайди. Мадиналийк ривоятчиларнинг ҳадислари устувор ҳисобланниб, улар айтган ҳадис ёки ижмога таяниб иш кўриш мумкин, деб саналади. Миср, Индонезия, Шимолий Кавказ, қисман Шарқий Африка, Арабистон яриморолининг жанубий мамлакатлари ва Суриядаги тарқалган.

4. **Моликийлик** – Мадинада Молик ибн Анас асос солган бўлиб, унинг «ал-Муватто» («коммавий, барчага тушунарли») асари таълимотнинг асосий манбай ҳисобланади. Моликийликда ислом ҳуқуқининг асосий манбай сифатида Қуръон ва суннага таянилади, Мадинанинг саводли аҳолиси яқдиллик билан маъқуллаган қоидаларгина яқдил ижмо ҳисобланади. Шу билан бирга, мусулмонларнинг умумий манфаатларига жавоб берувчи шариат ҳуқмларига монелик килинмайди. Ҳозир бу мазҳаб Жазоир, Ливия, Марокаш, Тунис каби мамлакатларда тарқалган.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 120–121, 162, 274, 307 б.*

**МАСОНЛИК**, франкмасонлик (фран. franc-maçon – эркин ғишт терувчи) – диний-этик ҳаракат. Айрим маълумотларга кўра, XIII асрда Германияда, бошқаларида эса XVIII асрда Буюк Британияда черковлар билан боғлиқ ғишт терувчилар уюшмалари иттифоқи шаклида вужудга келган. XVI–XVII асрларда уюшмаларга олимлар, аристократия вакиллари кириши билан яширин жамиятларга айланиб, Европада кенг тарқалган. Масонлик ҳақидаги афсоналар уни Сулаймон подшо даврида курилган Куддус ибодатхонаси архитектори Хирама билан ёки тамплиерлар ордени билан боғлайди. Яна бир афсонада у Шарқдан кириб келган, дейилади.

Масонларнинг бош мақсади сифатида гўёки барча динларни уйғунлаштириб, миллий давлатчиликни бекор қилган ҳолда барча одамларни бирлаштирувчи, эркинлик, тенглик ва биродарлик тамойилларига асосланган яхлит давлат куриш эътироф қилинади. Масон жамиятларининг иттифоқи ложа деб аталиб, улар масонликдаги етакчилар, символлар ёки муҳим воқеалар билан номланади. Масонлар яширин фаолият юритиб, ҳозир ҳам дунёда, айниқса, Европада кенг тарқалган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига мувофиқ маҳфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланган.

*M : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – 207 с.  
2. Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 225.*

**МАЊНАВИЯТ** (араб. – маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, хукукий, илмий, бадиий, ахлокий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. И.А. Каримов «Мањнавият ҳақида гап кетар экан, мен, аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга дაъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг имон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, вижданини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиласман», – деганлар.

Юксак мањнавият – енгилмас куч китобидаги энг охири таърифни бериш керак.

*M : Миллий гоя: тарзибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т. : «Akademiya», 2007. – 184 б.*

**МАҲДИЙЛИК** – охир замон бўлиши ва маҳдийнинг келиши ҳақидаги диний таълимот. Маҳдий (араб. – ҳидоятга, тўғри йўлга бошловчи) ислом таълимотида қиёмат тез орада бўлишининг

даракчиси, Мұхаммад пайгамбарнинг охирғи ўринбосари саналади. Охирзамон бўлганда «яширинган имом» ерга қайтиб келиб адолатли тузум ўрнатади, деган эътиқод шиаларда алоҳида аҳамият касб этади. Маҳдийлик бошқа динларда ҳам кенг ўрин эгаллаган тасаввур бўлиб, мессианизм деб аталади.

Маҳдийлик ғояларидан айрим диний-сиёсий ҳаракат етакчилари ўз мақсадларида кенг фойдаланганлар. Жумладан, Убайдуллоҳ ал-Маҳдий Шимолий Африкада Фотимиylар сулоласи (909–1171), Мұхаммад ибн Тумарт эса Шимолий Африка ва Испанияда Алмоҳийлар сулоласини (1130–1269) барпо этишда ўзларини маҳдий деб эълон қилганлар. Шунингдек, Эронда бобийлар қўзголонининг (1848–1854) етакчиси Али Мұхаммад Шерозий ва XIX асрнинг охирида Шарқий Суданда исён кўтарган Мұхаммад ибн Аҳмад ҳам маҳдийлик таълимотидан фойдаланганлар.

*М : Ислам: Энциклопедический словарь.– М. : Наука, 1991. – С. 33, 163.*

**МАФҚУРА** (араб. – фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гурух, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.

Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғояларига асосланган мафқуралар бунёдкорлик хусусиятига эга. Вайронкор, бузгунчи мафқуралар мустабид, шовинизм, тажовузкорлик, экстремистик, ақидапарастлик ғояларга таянади.

*Миллий истиқбол мафқурасининг асосий ғоялари* ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик ҳисобланади.

**Мустақиллик мафқураси** – жамият аъзоларининг, ижтимоий гурухлар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, миллатлар ва элатлар, оммавий ҳаракатлар, диний уюшмалар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар, тадбиркорлар ва бошқа ижтимоий субъектларнинг умумий манбаат ва муддаоларини ўзида акс эттирувчи ва мужассамлаштирувчи, уларнинг хатти-ҳаракатларини, фаолиятини, фикр-зикрини ягона бир мақсадга – мустақилликка эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтирувчи ғоялар ва билимлар мажмуи саналади.

*M : Миллий гоя: таргигбот технологиялари ва атамалар лугати.* –  
– Т. : «Akademiya», 2007. – 186, 211, 225 б.

**МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ** (лотин. «immunitatis» – бирор нарсадан озод этиш) – шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамиятни турли заарали ғоявий таъсиirlардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим. Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи элементи билимдир. Иккинчи элемент ана шундай илгор билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, қадриятлар тизимиdir. Учинчи элемент ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими билан боғлиқ. Бундай аниқ мақсадлар тизими бўлmas экан, инсон, миллат ёки жамият, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазиикларга бардош бера олмайди.

*M : Миллий гоя: таргигбот технологиялари ва атамалар лугати.* – Т. : «Akademiya», 2007. – 191 б.

**МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА** – ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи. Ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш, муайян ҳудуд, қатлам, гурухда ёт ва заарали ғоялар таъсирининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

*M : Миллий гоя: таргигбот технологиялари ва атамалар лугати.* – Т. : «Akademiya», 2007. – 196 б.

**МАФКУРАВИЙ ТАЖОВУЗ** – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи. Ўзбекистонга қарши йўналтирилган мафкуравий таҳдидлар қаторида ислом халифалигини қуриш, айрим давлатларнинг шовинистик даъволари, ўзбек ҳалқи тарихини соҳталаштиришга уринишларни кўрсатиш мумкин.

*M : Миллий гоя: таргигбот технологиялари ва атамалар лугати.* – Т. : «Akademiya», 2007. – 198 б.

**МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ** – инсон, ижтимоий гурух, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён. Ўзбекистонда мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаси – жамиятнинг барча қатламларига миллий истиқлол мафкура-

сининг моҳиятини тушунтириш, айникса, ёшларнинг онгига сингдиришдан иборат.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.*  
– Т. : «Akademiya», 2007. – 199 б.

**МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИК** – шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиласидаган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдек жараёнлар назарда тутилади.

Мафкуравий хавфсизликка ташқи ва ички омиллар ўз таъсирини ўтказиб туради. Бугунги кунда турли хил носоғлом кучлар Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига олиш учун мамлакатимиз фуқароларидан «қурол» сифатида фойдаланишга интилишларида мафкуравий хавфсизлик учун реал таҳдидлар акс этмоқда. Шунингдек, кўшни давлатлардаги диний экстремизм, терроризм ва мавжуд сиёсий бекарорлик ҳам мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлигига салбий таъсир ўтказади.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.*  
– Т. : «Akademiya», 2007. – 200 б.

**МИЛЛАТ** (араб. – ҳалқ) – муайян ҳудудда истиқомат қиласидаган, умумий тил, маданият, урф-одат, қадриятлар ва рухий яқинлик билан фарқланувчи этно-ижтимоий бирлик. Маълумотларга кўра, Ер юзида 1600 дан ортиқ миллат бўлиб, уларнинг сони бир неча ўн мингдан бир неча юз миллионгачани ташкил этади. Ўзбекистонда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшамоқда. Мамлакатимизда миллатларо тотувлик ва ҳамкорлик сиёсати мазкур миллаттарнинг равнақи, гуллаб-яшнаши учун хизмат қилмоқда.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.*  
– Т. : «Akademiya», 2007. – 204 б.

**МИЛЛИЙ, ИРҚИЙ ЁКИ ДИНИЙ АСОСДА ДУШМАНЛИКНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШ** – муайян миллат, ирқ, дин вакилларини «паст табақа» сифатида қадр-қимматини ерга уриш, бошқа бир миллат, ирқ ва динни эса аксинча, «олий» эканини тарғиб этиш, мазкур ижтимоий

тоифанинг устунлигини таъминлаш мақсадида таъкиб қилинаётган миллат, ирқ, дин вакилларига нисбатан жисмоний тазиқ үтказиш, гаровга олиш, мол-мулкка ўт қўйиш, мажбуран яшаш жойидан ҳайдаб чиқариш, кирғин қилиши.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ».*  
*URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**МИЛЛИЙ МАФКУРА** – миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, эркин ва озод тараққиётини гоявий асослаш, таъминлашга қаратилган карашлартизими. Ўзбекистонда миллий мафкура республикада яшаб, фаолият юритаётган барча миллат вакилларига тегишли бўлиб, ўзбек халқининг бирлигини таъминлашга, айни вақтда, унга таҳдид солувчи кучлар, қарашларга қарши курашга йўналтирилган, ҳаётий заруратни акс эттирадиган гоявий-назарий қарашлар тизими сифатида намоён бўлади.

*M : Миллий гоя: таргигбот технологиялари ва атамалар лугати.*  
– T. : «Akademiya», 2007. – 217–218 б.

**МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК** – шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ва бошқа ҳаётий муҳим манфаатларининг муҳофазаланганлиги.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ».*  
*URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**МИЛЛИЙ ГОЯ** – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиласидиган ижтимоий гоя шакли.

*M : Миллий гоя: таргигбот технологиялари ва атамалар лугати.*  
– T. : «Akademiya», 2007. – 220 б.

**МИССИОНЕРЛИК** (лотин. missio, ингл. missionary activity, немис. missionswesen – юбориш, вазифа топшириш) – диний ташкилотларнинг ўз таълимотини бошқа диндагилар орасида тарқатишга қаратилган фаолиятлари.

Илк миссионерлик фаолияти милоддан аввалги III асрда қадимги хинд шоҳи Ашока томонидан буддавийликни Бирма, Цейлон,

Непал каби мамлакатларга тарқатиш орқали амалга оширилган. Кейинчалик, император Константин томонидан (313) христианлик Рим империясининг дини деб эълон қилингандан сўнг христианлар томонидан фаол миссионерлик ҳаракати амалга оширила бошланган. Миссионерлар империя ён-атрофидаги халқларни христианликка киритиш билан империяни мустаҳкамлашга хизмат қилганлар. 1096–1279-йилларда миссионерлар Шарққа караб амалга оширилган салб юришларида фаол иштирок этганлар. Католик йўналиши тарғиботчилари XIII асрнинг охирида Хитойга, XV асрда Хиндистонга, XVI асрга келиб эса Японияга кириб келганлар.

XVII–XVIII асрларда буюк географик кашфиётлар католик черковининг миссионерлик фаолиятини Лотин Америкасида кенг йўлга қўйиш имконини берган. Ушбу даврда Буюк Британия ва Голландия мамлакатларининг ҳам мустамлака эгаллаш сиёсатини амалга оширишлари протестант миссионерлигини бошлаб берган. XIX асрдан эса АҚШда кўплаб протестант миссионерлик жамиятлари вужудга кела бошлаган. XIX асрнинг охирида Африкада христиан миссионерлиги авж олган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Осиё ва Африкадаги мустамлака мамлакатларда миллий-озодлик ҳаракатларининг бошланиши ва ушбу давлатларнинг мустақилликка эришиши христиан миссионерлик ҳаракатининг муайян даражада сусайишига олиб келди. Кўпчилик миссионерлар ушбу худудлардан чиқариб юборилган. Католик ва протестант миссионерлик марказлари янги шароитларга мослашган ҳолда фаолиятни кўпроқ маҳаллий кадрлар орқали жонлантириш, ОАВдан кенг фойдаланиш йўлига ўтганлар.

1990-йилларда собиқ Совет Иттилоғи худудида мустақил давлатларнинг вужудга келиши билан ушбу худудларга турли ноанъанавий дин ва секта тарғиботчилари кириб кела бошладилар. Хусусан, бугунги кунда Марказий Осиё мintaқасида янги диний жамоалар, айникса, марказлари Фарб мамлакатлари ва Жанубий Кореяда жойлашган протестант жамоалари ўз сафларини туб ахоли ҳисобига кенгайтиришга ҳаракат қўлмоқдалар.

Миссионерлик фаолияти теле ва радиоканаллар, Интернет тармоғидаги диний ва ижтимоий сайтлар, форумлар орқали, шунингдек, маданий-маърифий ишлар, хайрия ёрдами кўрсатиш, турли курс ва тўтараклар очиш, текин тиббий хизмат кўрсатиш,

болалар ва ўсмирлар учун дам олиш лагерлари ташкил этиш каби усууллар орқали ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг 5-модасига мувофиқ, ҳар кандай миссионерлик фаолияти тақиқланади.

*M : 1. Сайт «Академик». URL: <http://dic.academic.ru/dic.nsf/sie/11065/> Миссионерство. URL: <http://dic.academic.ru/dic.nsf/sie/2173/> Миссионерство.*

**МИТРОПОЛИТ** (греч. μητροπολίτης – митрополия (Рим ва Византия империяларида асосий шаҳар ёки вилоят) епископи) – православ ва айрим бошқа черковларда олий диний рутба. Патриархлик жорий килинган черков иерархиясида патриархдан кейин иккинчи олий диний мартаба ҳисобланади. Митрополит юрисдикцияси 325 йилги 1 Умумжаҳон (Никея) соборида ва 341 йил Антиохия соборида кабул қилинган. Бугунги кунда католицизмда митрополит архиепископга тенглаштирилган. У ўзига бўйсундирилган вилоят ёки минтақада черковларни бошкармайди, балки уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш билан шугулланади. Православликда эса митрополит черков округи (митрополия)даги барча черков ва бошқа диний ташкилотларнинг бевосита раҳбари саналади.

2011 йилдан бўён Рус православ черковининг Марказий Осиёдаги тузилмаси Ўрта Осиё митрополия округи деб аталиб, унга учта: Тошкент ва Ўзбекистон, Бишкек ва Қирғизистон, Душанбе ва Тожикистон епархиялари ва Туркманистонда жойлашган черковлар киради. Ушбу митрополия округининг митрополити бир вактнинг ўзида Тошкент ва Ўзбекистон епархиясининг раҳбари ҳисобланади.

*M : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 211. 2. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 354–355.*

**МОНАХЛИК ОРДЕНЛАРИ** – христианликнинг католик йўналишидаги роҳиблар уюшмалари. Тарихан IV асрда Мисрда чўлларга чиқиб зоҳидона ҳаёт кечирган анохретлар жамоаси тимсоллари асносида VI асрда Италиядага вужудга келган. Низоми даромад келтирувчи мулкка эгалик қилишни ман этувчи (францискан, бернардин, капуцин, доминикан ва ҳ.к.), фақат ибодат ва давлат билан шугулланувчи орденлар ҳамда фаол диний-сиёсий тарғибот ва диний таълим каби ижтимоий фаолият билан шугулланувчи орденлар

мавжуд. Шунингдек, тамплиерлар ва муқаддас Иоанн Иерусалим госпитальерлари каби ҳарбийлашган орденлар бўлган. Ҳозир 140 га яқин орденлар мавжуд. Энг машҳур орден – Иезуитлар ордени бўлиб, 1534 йили Игнатий Лойола исмли монах томонидан ташкил этилган. Таркибига турли мамлакатларда фаолият юритадиган 177 та католик университет ва марказлар, 500 та мактаб киради.

*M : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 224. 2. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 370.*

**МОТУРИДИЙ**, Абу Мансур Мухаммад ибн Мухаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий (870–944) – фикҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси. Самарқанднинг Мотурид кишлоғи (ҳозирги Жомбой тумани)да туғилган ва умрининг охиригача шу ерда яшаган. Самарқанддаги ал-Айозий мадрасасида таҳсил олган. Кейин ўзи фикҳ ва калом илмларидан дарс берган. Самарқанддаги Чокардиза қабристонига дафн этилган.

Мотуридийнинг асосий асрлари «Китоб ат-тавҳид (Яккахудолик ҳақидаги китоб)» «Таъвилот аҳл ас-сунна (Суннийлик анъаналари шарҳи)» ҳисобланади. «Китоб ат-тавҳид» билиш назарияси баён қилинган мусулмон илоҳиётининг биринчи асари ҳисобланади. Муҳим ақидавий масалалар – жузъий ихтиёр, эътиқод, охират ҳаёти кабиларни қамраб олувчи қўплаб рисолалар, жумладан «Маъхаз аш-шариға (Шариат асослари сараси)», «Китоб ал-усул (Диний таълимот усули китоби)», «Китоб ал-жадал (Диалектика ҳақида китоб)» муаллифи. Мотуридий Абу Ҳанифа қарашларини тушунтириб бериб, уни ривожлантирган ҳамда Абул Ҳасан ал-Ашъарий ишлаб чиқкан ислом ақидаси асосларини такомиллаштирган.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 162–163 б.*

**МОТУРИДИЙЛИК** – Абу Мансур Мотуридий асос солган каломдаги икки оқимдан бири. IX асрнинг охири – X асрнинг бошида Мовароуннаҳрда исмоилийлар ақидаларига қарши жавоб тарзида вужудга келган. Салжуқийлар ҳукмронлиги даврида ҳамма жойда ислом ақидаларида мотуридийлик татбиқ қилинди. Суннийликнинг ҳанафийлик мазҳабига эътиқод қилувчиларнинг барчаси ақида бобида имом Мотуридий ва унинг издошлари ёзib қолдирган асарларга таяниб иш кўрганлар. Ислом оламининг аксарият минтақаларида,

Сурия, Ироқ, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Шимолий Африкада бу таълимот ўрта ва олий диний ўкув юртларида мустақил фан сифатида ўқитиб келинади.

Мотуридийлик билишда фақат ақлга суюниш керак, деган мұтазилийлардан фарқли ўларок, ақл билан наклни күшиб фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаганлар. Мұтазилийлар Қуръонни яратылған десалар, мотуридийлар уни қадим, азалий, деб биладилар. Мұтазилийлар имоннинг шартлари учта, яъни тил билан иқрор, дил билан тасдиқ ва амал билан ижро этиш, десалар, Мотуридийликда имоннинг шартлари иккита, яъни тил билан иқрор этиш ва дил билан тасдиқлаш, амалларнинг ўрни эса бошқа, деб таъриф қилинади. Мотуридийлик таълимотига мувоғик, ҳар бир инсоннинг тақдиди Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилганига қарамай, у ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгардир, деб билади. Инсон имтиҳонлар учун яратылған бўлса-да, унга ушбу синовлардан муваффақиятли ўтиш ва тўғри йўлни топиш учун кенг имкониятлар бериб қўйилган. У ўз хатти-ҳаракатларида ихтиёрлидир.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 163–164 б.*

**МУАЗЗИН** (араб. – «даъват этувчи», «чакиравчы», азон айтувчи) – масжидда азон айтиб, намозга чорловчи шахс. Ҳалқ тилида «сўфи» деб ҳам аталади. Муazzин намозхонларни тўплайди, имомни чақиради ва намоз бошланганлигини эълон қиласи. Муazzин вазифасини таҳоратсиз, маст, акли норасо кишилар ва аёллар бажариши мумкин эмас.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 164 б.*

**МУЖОҲИД** (араб. – ҳаракат қилувчи, уринувчи). Илк исломда ва ўрта асрларда мужоҳид худо йўлида жанг қилувчи, деб талқин этилган. Ислом таълимотида ҳарбий ҳаракатларга йирик уламолар томонидан «жиҳод» деб фатво берган ҳолда ушбу уруш қатнашчилари мужоҳид ҳисобланган. Ҳозирги даврда ислом оламида қонуний ҳукуматларга қарши қўпорувчилик ҳаракатлари олиб бораётган террористик гурӯҳ аъзолари ва ёлланма жангариilar ҳам жиноий фаолиятларини оқлаш ва тарафдорларни қўпайтириш мақсадида ўзларини гўёки мужоҳид эканини даъво қилмоқдалар.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 165 б.*

**МУНОФИК** (араб. – иккиюзлама) – ислом таълимотида динни юзаки қабул қилиб, аслида ислом динига эътиқод қилмайдиган шахс. Мунофиқлар термини Куръоннинг Макка даврига хос илк сураларида кўп тилга олинган. Мадина даврида ўзини исломни қабул қилган қилиб кўрсатиб, жангларда мусулмонларга ёрдам бермаган қабилалар ҳам мунофиқлар деб аталган.

Ҳозир мусулмон оламидаги айрим диний-экстремистик оқимлар ўз фояларига қўшилмаган мусулмонларни, дунёвий ҳукуматларни асоссиз равишда мунофиқликда айблаб келмоқдалар. Ислом таълимотига қўра, имон инсон қалбида бўлиб, қалбни фақат Аллоҳ билади. Инсон бошқа инсоннинг имони, динга қай даражада эътиқод қилишини билишга қодир эмас.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нацириёти, 2003. – 168 б.*

**МУСТАМЛАКАЧИЛИК** – кучли давлатларнинг зўрлик билан эгалланган ёки таъсир доирасига олинган мамлакат ёки худудни сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этиб, ўзига бўйсундириш, қарам қилиш фояси асосидаги ўзга халқ ёки мамлакатларни босиб олиш, талаш сиёсати. Тарихда мустамлакачилик империяларнинг вужудга келишига хизмат қилган.

Ўзбек халқи аввал Россия империяси, кейин собиқ совет империяси мустамлакачилиги даврларини бошидан кечирган. Ҳозир эришилган мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ яшаш, миллий суверенитетни авайлаб-асраш давр талаби бўлиб қолмоқда. Чунки Ўзбекистон, унинг халқи ва бойликларини ўз таъсир доирасига олиш ёки қарам қилиб олиш каби мустамлакачилик кайфиятидаги айрим сиёсий кучлар ўзларининг ғараз мақсадлари йўлидаги яширин фаолиятларини давом эттириб келмоқда.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т. : «Akademiya», 2007. – 224–225 б.*

**«МУСУЛМОН БИРОДАРЛАР»** (араб. الإخوان المسلمين, ингл. Al-Ikhwaan Al-Muslimoon, бошқа тарқалган номлари – «Ихвончилар», «Кутбчилар») — халқаро диний-сиёсий уюшма. 1928 йил Мисрнинг Исмоилия шаҳрида кишлоқ ўқитувчиси Ҳасан ан-Банно томонидан асос солинган. Мутахассислар ташкилотнинг вужудга келишига Усмонийлар халифалиги (империяси)нинг тугатилиши ва Буюк Британия Миср Араб Республикасининг ички ишларига аралаша

бошлаганини сабаб қилиб күрсатадилар. Ташкилотнинг бош гояси – босқичма-босқич мусулмонларни ягона халифалик давлатига бирлаштиришдан иборат. 1939 йилда «Мусулмон биродарлар» ўзини Куръон ва суннани жамиятни ривожлантиришнинг ягона асоси сифатида кўрувчи сиёсий ташкилот сифатида эътироф этган.

«Мусулмон биродарлар» шаклтаниш даврида фаол хайрия фаолияти билан шуғулланиш орқали аҳолининг кенг катламлари ичида тез тарқалган. Ташкилотнинг ҳар бир бўлинмасининг масжиди, мактаби ва спорт клуби бўлган. 1933 йил ташкилот маркази Қохирага кўчирилган. 1940-йилларнинг охирида «ихвончилар» сони турли араб мамлакатларида 500 мингдан ошган. Иккинчи жаҳон уруши даврида уюшманинг ҳарбий қаноти вужудга келган. 1948 йилдаги араб-исроил уруши даврида «Мусулмон биродарлар» ҳарбий ҳаракатлар кетаётган ҳудудга 10 мингта кўнгилли жангчиларни юборган.

Ташкилот террорчилик фаолиятини 1940-йилларнинг иккинчи ярмида бошлаган. Жумладан, жангарилар бош вазир Нукроши-пошшо ва Қохира полицияси бошлиғи Салим Зоқийни ўлдиргандар. 1949 йил Ҳасан ал-Баннонинг ўзи ўлдирилган. 1954 йили Миср ҳукумати «Мусулмон биродарлар» ташкилоти фаолиятини ман этган. 1950 йилдан «ихвончилар»га собиқ адабиётшунос Сайд Кутб етакчилик қилган. У 1965 йилда ёзган «Йўлдаги белгилар» китобида араб жамиятини «жоҳиляят»да айблаб, асл диндорлар жамиятдан ажралиб, алоҳида жамоалар тузишлари ҳамда жамиятни исломлаштириш учун қуролли жиҳод олиб боришлари лозим, деб ҳисоблаган. Сайд Кутб дунёвий ҳукумат ва ўзига қўшилмаган мусулмонларга нисбатан «такfir» қўллаган ҳолда фитнани ёқлаб чиқкан. «Аллоҳ – мақсадимиз, пайғамбар – етакчимиз, Куръон – конституциямиз, жиҳод – буюк орзуимиз» деган шиор илгари сурилган.

1964 йили амнистия билан озодликка чиқкан Мисрдаги «ихвончилар» томонидан қатор террорчилик ҳаракатлари, жумладан, президент Жамол Абдул Носирга сунқасдлар уюштирилиши оқибатида, ташкилот яна тазиккә учраган. 1966 йил Сайд Кутб қатл қилинган. 70–80-йилларда Мисрда диний уюшма сифатида очиқ фаолият юритган «ихвончилар»нинг жамиятдаги таъсири кенгайиб борган. Миср ҳукумати 1978 йилдаги Кемп-Дэвид ва 1979 йилдаги Вашингтон шартномалари асосида Истроил билан сулҳ тузгандан сўнг уюшма ҳокимиятга нисбатан муросасиз муҳолифатчилик позициясига ўтди.

Ушбу йилларда «Мусулмон биродарлар»нинг Суриядаги бўлинмаси ўта фаоллашган. Унинг жанговар қаноти 1970-йилларнинг охири, 1980-йилларнинг бошида қатор террористик ҳаракатлар амалга ошириб, 1982 йил Хомс шаҳрида қуролли исён кўтарган. Кўзголон хукумат томонидан бостирилган. Шунингдек, 1980-йилларда ташкилот Афғонистонда совет қўшинларига қарши жангларда иштирок этиш учун жангарилар етказиб бериш билан шуғулланган.

1984 йилдан бўён уюшма аъзолари мустакил номзодлар сифатида ва рўйхатдан ўтган партиялар орқали парламент сайловларида иштирок этишни бошлаган. 2005 йилги сайловда «ихвончилар» парламентда 88 та жой олган. 2010 йилги сайловларда эса нисбатан кам овоз олган ташкилот иккинчи босқич сайловларини бойкот қилган. 2011 йил декабрь ойида Ҳусни Муборак ҳокимиятдан кетгандан сўнг ўtkазилган парламент сайловларида «Мусулмон биродарлар» ташкилоти томонидан тузилган «Озодлик ва адолат партияси»га сайловчиларнинг 40 фоизи овоз берди. 2012 йил июнь ойида ўtkазилган президент сайловларида эса ташкилот вакили Мухаммад Мурсий ғолиб чиқди.

Мухаммад Мурсий давлат бошқарувида дунёвийлик тарафдори бўлган ҳарбийларнинг мавқенини пасайтиришга ҳаракат қилди. У конституциянинг янги лойиҳасини ишлаб чиқиб, ҳарбийлар устидан Миллий хавфсизлик кенгаши назоратини ўрнатмокчи бўлди. Айни вактда, ўзининг ваколатларини кенгайтириш бўйича қарор чиқарди. Ушбу ҳаракатлар Мисрдаги ҳукм суроғтган чукур иктиносидай инқироз билан қўшилиб, оммавий норозиликларни келтириб чиқарди. 2013 йил 3 июль куни ҳарбийлар Мухаммад Мурсийни ҳокимиятдан четлатиб, қамоққа олдилар. Ахолининг аксарият кисми буни кўллаб-кувватлади. Бунга жавобан «Мусулмон биродарлар» томонидан бошланган ғалаёнларда мингдан зиёд фуқаролар ҳалок бўлди. 2013 йилнинг 20 август куни Миср «Мусулмон биродарлари» етакчиси Мухаммад Бади бошчилигидаги бир гурӯҳ фаоллари қамоққа олинди. Партияга вактинча етакчи этиб Махмуд Эззат тайинланди. 2013 йилнинг ноябрь ойида Мухаммад Мурсий ва «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг 14 нафар етакчиси устидан суд жараёнлари бошланди. 2013 йилнинг декабрь ойида Миср ҳукумати «Мусулмон биродарлар» ташкилотини расман террорчилик ташкилоти деб эълон қилди ва унинг фаолиятини тақиқлади.

Маълумотларга кўра, «Мусулмон биродарлар» ташкилоти Европа, Америка, Осиё ва Африкада жойлашган 30 дан зиёд мамлакатларда

марказ ва бўлинмаларга эга. Европада «Ислом ташкилотларининг Европадаги федерацияси (Federation of Islamic Organizations in Europe)», «Германия ислом жамияти (Islamische Gemeinschaft Deutschland)», АҚШ да «Мусулмон талабалар уюшмаси (Muslim Student Association)», «Шимолий Америка ислом жамияти (Islamic Society of North America)» ва ҳ.к. ташкилотлар мавжуд.

Ташкилий жиҳатдан «Мусулмон биродарлар» олий раҳбар (ал-муршид ал-‘амм), унинг ўринбосари, ташкилотнинг масъул вакили (парламент спикерига ўхшаган лавозим) ва 75 аъзодан иборат Маслаҳат кенгаси томонидан бошқарилади. Маслаҳат кенгаси бир йилда икки марта чакирилади. Доимий асосдан 16 кишидан иборат раҳбарлик бюроси фаолият кўрсатади. Шунингдек, гоявий раҳнамолар сифатида фатво берувчи «саид»лар ҳам мавжуд.

Куйи бўғин «амир» етакчилигидаги, 20 га яқин аъзони ўз ичига оладиган террорчилик амалиёти, тарғибот-ташвиқот ишлари, молиявий, моддий-техник таъминот каби соҳаларга ихтисослашган гуруҳлардан иборат. Бюро ушбу гуруҳларнинг фаолиятини «усар исломия» (ислом оиласи) деб аталувчи ўрта поғона тизим орқали мувофиқлаштириб туради.

Ташкилот аъзолари тўрт даражага: тайёргарлик ўтаётган, бироқ қасамёд қабул қилмаганлар – «мусоид (ёрдамчилар)», қасам ичган аъзолар – «мутаносиб (қўшилганлар)», фаолиятда бевосита иштирок этаётганлар – «амил (фаолият юритаётганлар)» ва ташкилот ўзагини ташкил этувчи раҳбарлар ва етакчилар – «мужоҳид (жиҳодчилар)»га бўлинади.

«Мусулмон биродарлар»дан ажралиб чиқиб, ўз вақтида мустакил фаолият юритган ва юритаётган диний-экстремистик гурухлар каторида «Жамоати исломия», «ал-Жиҳод», «ат-Такfir вал-Хижра», «Жундуллоҳ» (Миср), «Куролланган ислом гуруҳи», (Жазоир), «ҲАМАС», «Ислом жиҳоди», (Фаластин), «Жумаймана ал-Утейбий» (Саудия Арабистони) ва «Ҳизбут таҳрир ал-Исломий» ташкилотларини қайд этиш мумкин.

Мутахассислар Сайд Кутбнинг асарлари ҳозирги вақтдаги террористик ташкилотлар, жумладан, «Ислом жиҳоди», «Ал-Қоида» ва ҳ.к. учун мафкуравий асос бўлиб хизмат қиласи, деб хисоблайдилар. «Ал-Қоида»нинг ҳозирги раҳбари Айман аз-Завоҳирий ўз вақтида «ихвончилар» сафида бўлган.

2011 йил баҳоридан буён Сурияда давом этиб келаётган фуқаролар урушида маҳаллий «ихвончилар» мухолифат кучлар қаторида фаол ҳаракат қылмокдалар.

«Мусулмон биродарлар» ташкилоти Тожикистон (30.03.2006), Қозогистон (15.03.2005) ва Россия (14.02.2003)да фаолияти ман этилган террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган.

*M: 1. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Братъя-мусульмане>. 2. Сайт «Lenta.ru». URL: <http://lenta.ru/lib/14163646/>. 3. Сайт «Inopressa.ru». URL: <http://www.inopressa.ru/article/21aug2013/lemonde/egypt1.html>. 4. Сайт «Национальный антитеррористический комитет, URL: <http://nac.gov.ru/document/832/edinyi-federalnyi-spisok-organizatsii-priznannyykh-terroristicheskimi-verkhovnym-sudom-r.html>. 5. Сайт «Антитеррористический центр СНГ» URL: <http://www.cisatc.org/134/160/209>. 6. Сайт «Агентство Республики Казахстан по делам религий». URL: [http://www.din.gov.kz/rus/press-sluzhba/spisok\\_terroristicheskix\\_i\\_jelek/](http://www.din.gov.kz/rus/press-sluzhba/spisok_terroristicheskix_i_jelek/). 7. Сайт «ИТАР-TACC». URL: <http://www.itartass.com/c1/940613.html>.*

**МУФТИЙ** (араб. – фатво берувчи, диний масалаларда қарор чиқарувчи) – ислом динида суннийлик йўналишидаги олий мартабали уламо. Муфтий диний-хукукий масалаларни изоҳлаш, талқин этиш, шариатни татбиқ этиш масалаларини ҳал киувчи хукукқа эга. Муфтийнинг шаръий масалалардаги хулоса ва қарорлари фатволарда баён этилиб, мусулмонлар учун шаръий кўрсатма ҳисобланади. Илк бор махсус маслаҳатчи сифатида муфтий лавозими Мисрда халифа Умар (717–720) томонидан жорий қилинган.

Ўзбекистонда муфтий бир вактнинг ўзида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси ҳисобланиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашида беш йил муддатга сайланади.

*М: Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 177.*

**«МУҚАДДАС ИШОРА»** (рус. «крестное знамение» – хочли ишора) – христианликда Исо Маҳиҳнинг хочга тортилгани ва хочнинг жонбахш кучини рамзий равишда англатувчи ҳаракат. VII асрда вужудга келган. Хочли ишора ўнг қўл билан навбатма-навбат пешонага, кўкракнинг ўртасига ва иккала елкага (православлар аввал ўнг елкага, католиклар – чап елкага) ҳаракатланишдан иборат. Православлар ушбу ҳаракатни учта бармоғи билан, католиклар очиқ кафт ва барча бармоқлар билан бажарадилар. Протестантлар хочли ишорани умуман бажармайдилар.

*M : Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 252.*

«МУҚАДДАС КИТОБЛАР» – жаҳонда кенг тарқалган динлар таълимотида худо сўзларидан иборат ёки унинг курдати билан ёзилган деб илоҳийлаштирилган диний китоблар. Буддизмда Трипитака, ҳиндуизмда ведалар ва упанишадлар, христианликда Библия, иудаизмда Таврот ва Талмуд, конфуцийликда Унзин (беш китоб) ва Сишу (тўрт китоб), синтоизмда Кодзики (Ўтмиш ҳакида ёзувлар), даоцизмда Даоцзан (Дао ҳакида таълимот), исломда Қуръон ана шундай китоблар хисобланади. «Муқаддас китоблар»нинг айримлари (Трипитака, Таврот, Инжил, Қуръон) фақат худо сўзлари деб эътиқод қилинса, бошқалари (яхудийлар ва христианлар Библиясига киритилган пайғамбарларнинг китоблари, солномалар, дуолар ва бошқалар) худонинг курдати ва амри билан инсон дилига солиниши натижасида пайғамбарлар томонидан ёзилган деб саналади.

*M : Ислом: справочник. – Т. : Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1989. – 204 б.*

**МУҚАДДАС ТРОИЦА** (русча «Святая Троица» – муқаддас учлик) – христиан таълимотининг асосий категорияларидан бири бўлиб, ушбу динда худо уч шахсиятдан: ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас руҳдан иборат эканини англатади. Таълимотга кўра, худонинг ушбу уч шахси орасидаги муносабатлар диалектикаси яратилган дунё билан боғлиқ эмас саналади. Худода ушбу уч шахсият айнан бир хилда акс этади ҳамда улар тарқатадиган илоҳий куч ўхшаш, деб эътиқод қилинади. 325 йил Никея соборида ўғил-худо ота-худога тенг ва ота-худо билан бир хил моҳият-мазмунга эга (*homoousios*) деб қабул қилинган. 381 йил Константинопол соборида шундай нисбат муқаддас руҳга берилган.

*M : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 270–271. 2. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 443–444.*

**МУҲАММАД ИБН АБДУЛЛОҲ** (570–632) – ислом таълимотида охирги пайғамбар хисобланади. Маккада курайш қабиласига мансуб ҳошимийлар оиласида дунёга келган. Ислом тарихига кўра, тахминан 40 ёшида Муҳаммад пайғамбарга Аллоҳдан мусулмонларнинг

муқаддас китоби – Куръон нозил бўла бошлаган. Муҳаммад пайғамбар ислом динини тарғиб кила бошлаган. Макка зодагонлари исломни қабул қилмай, мусулмонларга қаттиқ зуғум ўтказгандар. Тазииклар айниқса ҳошимийлар урути етакчиси, Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси бўлган Абу Толибнинг вафотидан кейин кучайган. Муҳаммад пайғамбар зулм остида қолган мусулмон жамоасининг бир қисмини Эфиопияга жўнатган. 622 йилнинг июлида эса ўзи қолган мусулмонлар билан Ясриб (кейинчалик Мадина)га кўчишга мажбур бўлган.

Мадинада ислом динининг асосий тамойиллари тўла шаклланган. Мусулмонлар ибодат уйлари – масжидлар қурганлар. Намоз ўқиши, рўза тутиш тартиби, мусулмонларнинг кундалик ҳаётини меъёрловчи қоидалар амалга татбиқ этила бошлаган. Мусулмон жамоаси мадиналиклар ва қўшни араб қабилалари хисобига кенгайиб, катта кучга айланган. Мусулмонлар ва маккаликлар орасида бир неча жанглар (624 й. – «Бадр жангиги», 625 й. – «Уҳуд жангиги», 626 й. – «Хандақ жангиги» ва ҳ.к.) бўлиб ўтган. Айни вактда, мусулмонлар Шимолий Арабистондаги Хайбар, Фадоқ каби йирик воҳаларни эгаллаганлар. Охир-оқибат Макка зодагонлари муроса қилишга мажбур бўлиб, 630 или мусулмонлар Макка шаҳрини жангиззиз эгаллаган. Муҳаммад пайғамбар Байтуллоҳ, ичидаги барча бутларни ташқарига олиб чиқиб синдириб ташлаган.

Муҳаммад пайғамбар Мадинада яшаб қолган. 632 йили охирги ҳаж амалини амалга оширган. 632 йилнинг тахминан июнь-июль ойларида Муҳаммад пайғамбар вафот этган ва Мадина шаҳрида дағн қилинган.

*M : Ислам: Энциклопедический словарь. – M. : Наука, 1991. – С. 178–180.*

**МЎМИН** (араб. – эътиқод қилувчи, динга ишонувчи) – илк ислом даврида Мадина жамоаси аъзоси. Шаръий амалларни тўқис бажарувчи шахс эса, муслим деб аталган. Мўмин ва муслим лугавий жиҳатдан бир-биридан тафовут қилган. Кейинчалик улар бир мазмунда тушуниладиган бўлган. Суннийликда «қалбан ишонган» (ақд би-л-қалб), ўз имонини очиқ, барчага эълон қилиб (икрор), чин ният билан яхши, солиҳ амалларни қилувчи мўмин ҳисобланади. Оддий халқ тилида мўмин ювош одам маъносида ишлатилиди.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 178 б.*

**НАБИЙ** (араб. – илоҳий хабар келтирувчи; форс. – пайғамбар). Барча динларда набий (пайғамбар) худонинг фармойишини инсонларга етказиб берувчи воситачи шахс сифатида тасаввур этилади, уларга ишониш диний ақидалардан бири ҳисобланади.

Ислом таълимотига кўра, маҳсус муқаддас китоб ва шариат нозил этилганлар расул, бир расулга ато этилган китоб ва шариатга амал қилишга буюрилган пайғамбарлар набий дейилади. Шунинг учун Муҳаммад пайғамбар ҳам расул, ҳам набий деб аталади. Муҳаммад пайғамбарга кадар ҳам набийлар бўлиб, ривоятларда уларнинг сони 124 мингта дейилади. Куръонда уларнинг 25 тасининг исми келтирилган. Муҳаммад пайғамбар набийларнинг энг охиргиси – «Хотам ан-набиийн» (пайғамбарлар муҳри) ҳисобланади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 179 б.*

**НАМОЗ** (форс; араб. – салот) – исломга хос, бажарилиши фарз ҳисобланган ибодат шакли. Ҳар куни беш маҳал (бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон намози) ўқиласди. Намознинг 20 га яқин тури маълум (ҳайит намози, жаноза намози ва бошқалар). Намоз Қуръон оятларини ва бошқа белгиланган дуоларни ўқиш, тик туриш, рукуъ, сажда, тиз чўкиш, ўтириш каби ҳаракатлар билан кўшиб адо этилади, намозни ҳар қандай тоза жойда, жойнамозда, у бўлмаса тоза уст кийими устида ўқиш мумкин деб ҳисобланади. Жума ва ҳайит кунларида диндорларга намозни масжидда ўқиш тавсия этилган. Намоз ўқиш илк ислом даврида киритилган.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 182 б.*

**НОҚОНУНИЙ ҚУРОЛЛИ ТУЗИЛМАЛАР** – фаолияти амалдаги қонунларда кўзда тутилмаган, муайян бошқарув тизими, жангарилар ва қурол-яроққа эга ҳарбийлашган тузилмалар.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ». URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»** – тижорат мақсадида ва оммавий истеъмол учун, паст ва ўргатча дидга мўлжалланган, мазмун ва шакл жиҳатидан бир андозага туширилган ҳолда турли жанрдаги ижодий асарлар (кино, мусиқа, адабиёт, мода ва ҳ.к.) ёрдамида ташвиқот қилинаётган маданий қадриятлар тизимини англатади.

«Оммавий маданият»ни асло халқ маданияти билан адаштирмаслик керак. Халқ маданияти муайян миллатнинг узоқ тарихга эга қадриятлари, маънавияти, урф-одат, анъаналари ва орзу-мақсадлари асосида шаклланади. Шунингдек, оммабоп, барча учун тушунарли шаклда тайёрланган, одамларни инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорликка ундовчи асарларни «оммавий маданият» унсурларига киритмаслик лозим.

«Оммавий маданият» XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган ижтимоий феномен ҳисобланади. Етакчи Farb мамлакатларида бир андозага келтирилган, эстетик ва маънавий-маданий эҳтиёжлари нисбатан тор одамга мўлжалланган ижодий асар ёки буюмларни оммавий равища ишлаб чиқариш тадбиркорликнинг бир турига айланган. Оммавий маданият бозор билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг қонунларига мувофик, доимий равища фойда келтириши керак. Бунинг учун эса «конвейер» усулида «ижод» қилинаётган фильмлар, клиплар, қўшиқлар, китоблар, турли компьютер ўйинлари катта ҳажмда ва доимий равища сотилиб туриши лозим. Шу сабабли, «оммавий маданият» жанридаги ижодий асарлар инсоннинг энг примитив, керак бўлса, биологик хис-туйгу ва инстинктларидан фойдаланишга асосланган бўлиб, ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарғиб этади.

«Оммавий маданият» жамиятнинг маданий ва эстетик талаблари савиясини пасайтиради. Маънавий-маданий қадриятлар тизими ва ижтимоий муносабатларда инсонпарварлик тамойилларини бузади. Хусусан, «оммавий маданият» истеъмолчилар, айниқса, ёшларнинг онги ва дунёқарашига телесериал, видеофильм, детектив, саргузашт асарлардаги бош қаҳрамонларнинг ичиши, чекиши, муштумзўрги, қонун ва жамиятда умумқабул қилинган ахлоқий меъёрларни менсимаслиги, ахлоқсизлиги билан ўта салбий таъсир ўтказади. Тармоқли маркетинг, замонавий ахборот-коммуникация воситаларида кенг реклама олиб бориш орқали «оммавий маданият» унсурлари одамларнинг эҳтиёжи, қадриятлар тизими, фикр юргазиш (юритиш), фаолияти ва турмуш тарзига ўз таъсирини ўтказиб, инсонларни онгли мавжудотдан бор-йўғи «истеъмолчи»га айлантиришни мақсад қиласди.

Хозир ёшларнинг муайян қисми «оммавий маданият»га хос фильм, қўшиқ ва клиплар, компьютер ўйинлари, мода таъсирига тушиб қолаётгани сир эмас. Шу нуқтаи назардан, ёшларни оила-

маҳалла-ўқув муассасаси тизимида улуғ аждодларимиз ўз даврида ишлаб чиққан комил инсоннинг ахлоқий мезонлари – ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаёй, ибо ва иффат, оилани мукаддас деб билиш, ватанпарварлик каби юксак ахлоқий туйгу ва тушунчалар асосида тарбиялашни ҳёттий муҳим масалалардан бири сифатида қайд этиш лозим. Амалий жиҳатдан ушбу йўналишдаги ишлар факат зўравонлик, ахлоқсизлик акс этган фильм, клипларни кўришни, компьютер ўйинлари ўйнашни ёки шу мазмундаги босма асарларни ўқишни ман этиш билан чегараланмаслиги, балки ёшларни комил инсон ахлоқини шакллантиришга хизмат этувчи ижодий асарлар билан таъминлаш, шахсий намуна бўлиш ҳамда ибраг бўладиган замонамиз қаҳрамонлари билан учрашувлар ташкил этиш каби усуулларни қамраб олиши лозим. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чукур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.

*M : 1. И. А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. : «Маънавият», 2008. – 116–117 б. 2. Жуков В. Основы теории культуры. Сайт «Textb.net». URL: <http://textb.net/30/62.html>. 3. Сайт «Российская Академия Естествознания». URL: <http://www.rae.ru/forum2012/232/384>. 4. Сайт «Библиотека Гумер». URL: [http://www.gumer.info/bibliotek\\_Buks/Culture/Shest/01.php](http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Culture/Shest/01.php).*

«ОПУС ДЕИ» (тўлиқ номи – рус. «Прелатура Святого креста и дела Бога», лот. Prelatura della Santa Croce e Opus Dei, кисқача лотин. «Opus Dei» – Худонинг иши) – католик черковининг ярим конспиратив фаолият юритадиган ордени. 1928 йилда Мария Эскрива де Балагер (1902–1975) исмли руҳоний Мадридда жамиятни католик черкови таълимоти асосида ислоҳ қилиш ғояси билан ташкил этган. Орден мафкураси 1930-йилларда унинг асосчиси томонидан ёзилган «Camino (Йўл)» асарида баён этилган. 2002 йилда Хоце-Мария Эскрив де Балагер Католик черкови авлиёлари қаторига киритилган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ташкилот Римга кўчган. 1950 йил «О.Д.» черковнинг расман Ватиканнинг орденлар фаолияти бўйича Конгрегациясига бўйсунувчи дунёвий ташкилоти мақомини олган. 1982 йили Рим папаси Иоанн Павел II ташкилотга шахсий прелатура мақомини берган. Унга кўра, орденнинг ҳудудий тузилмалари маҳаллий католик епархияларга бўйсунмай, факат орден марказидан бошқарилади. 1983 йилда эса католик хукукий кодексдан 2 асрдан амал қилиб келинган 2335-сонли

коида – католикларга масон жамииятларига аъзо бўлиш ман этилганлиги бекор килинган.

Хозир ташкилотнинг фаолияти Ватиканинг молиявий фаолиятини назорат килиш, хавфсизликни таъминлаш, стратегик режалаш ва йирик интеллектуал лойиҳаларни амалга оширишдан иборат. Тузилма сифатида «О.Д.» уч боскичли иерархияга эга. Орденнинг тўлаконли аъзолари (нумерарийлар) целибат ва сўзсиз итоатга асосланган қоидаларга бўйсунади. Яна икки тоифа аъзолар (аггрегат ва супернумерарийлар) «апостолат» (тақводор дунёвий одам) ҳисобланади. 1942 йил 2 февралда Рим Папаси Пий XII нинг «Она черковнинг қарамогида (Provida Mater Ecclesiae)» номли маҳсус фармони билан дунёвий одамларни орденга қабул қилишни жорий килган. Мазкур тоифага кирувчилар расман «О.Д.» билан боғлиқ бўлмаган ташкилотлар тузган ҳолда яширинча орденнинг манфаатларини илгари сурадилар.

Маълумотларга кўра, орденнинг биринчи тоифа аъзолари 85 минг киши, иккинчи ва учинчи тоифага кирувчилар билан бундан бир неча марта кўп. Ташкилот аъзолари рўйхати, молиявий фаолияти маҳфий саналади. Орденнинг «Хроника» номли нашри факат нумерарийларга тарқатилади. 1994 йил 20 апрель кунидан орденга епископ Хавъер Эчеваррия раҳбарлик килади. «О.Д.» 80 дан зиёд мамлакатларда 1650 дан зиёд марказларга эга. Орден таркибида 18 та университет бор. Ташкилот аъзолари 500 дан зиёд университетларда, 600 дан зиёд ОАВда, 52 та телерадиостанциялар, 38 та ахборот агентниклари, 12 та кинокомпанияларда ишлайдилар. Орден вакиллари катор мамлакатларда хукумат таркибида, маҳсус хизматларда, йирик банк ва корпорацияларда раҳбар лавозимларда фаолият кўрсатадилар.

*M : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 224. 2. «Opus dei». Сайт «Мир религий». URL: <http://www.religio.ru/dosje/14/136.html>. 3. О. Четверикова. Измена в Ватикане или заговор нац против христианства. URL: [http://www.e-reading-lib.com/bookreader.php/1003982/Chetverikova\\_Olga\\_-\\_Izmena\\_v\\_Vatikane\\_ili\\_Zagovor\\_nac\\_protiv\\_hristianstva.html](http://www.e-reading-lib.com/bookreader.php/1003982/Chetverikova_Olga_-_Izmena_v_Vatikane_ili_Zagovor_nac_protiv_hristianstva.html). 4. О. Четверикова. «Opus Dei» в России: политическая миссия? Сайт «Православный журнал «Благодатный Огонь». URL: <http://www.blagogon.ru/biblio/124/>*

**«ОТИНОЙИ», отин** — Ўрга Осиёда диний мактабларда қизлар ўқитувчиси. Хозирги вақтда «отинойилар» норасмий ижтимоий

институт сифатида аёллар ўртасида диний маросимларни ўтказиб келмоқдалар.

Хозирги кунда аксарият «отинойилар»нинг маҳсус диний маълумотга эга бўлмай, аёлларга ислом таълимотига зид амалларни тарғиб этиш ҳолатлари ҳам кузатилмокда. «Отинойилар»нинг аёллар билан алоҳида хонадонларда ноқонунний диний йигилишлар ўтказиши, «хўжра» очиб, диний сабоқ бериши қонунбузарлик, ҳуқуқий жавобгарликка олиб келиши мумкин.

*М : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 191 б.*

**ОХИРАТ** (араб. – охирги кун, дунёнинг тугаш куни) — аксарият динларга хос бўлган Ердаги ҳаётнинг тугаши, охирги кун келиши, барча ўлганларнинг тирилиши, инсонларнинг сўроқ қилиниши, қилган яхшилик ва ёмонликлар ўлчаниб, инсон жаннатга ёки дўзахга жўнатилиши ҳақидаги ақидавий тасаввурлар.

*М : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 192 б.*

**ПАНИСЛОМИЗМ** (қадим. грек. pan — «ҳамма», араб. islam — ислом) — диний-сиёсий мафкура. Асосида мусулмонларнинг ижтимоий келиб чиқиши, миллати, фуқаролигидан қатъи назар маънавий-рухий жиҳатдан бир экани ва уларни сиёсий жиҳатдан олий диний раҳбар (халифа) қўли остида ягона давлатга бирлаштириш лозим экани ҳақидаги тасаввурлар ётади. Панисломчилар Мухаммад пайғамбар қўли остида Арабистон яримороли, кейинчалик «хулофаи рошидинлар» даврида Шимолий Африка ва Яқин Шарқнинг катта қисми ягона сиёсий-худудий бошқаруви остида бирлашганини тарихий ибрат сифатида қўрадилар.

Мустамлакачилик даврида араб дунёсида панисломизм сиёсати-нинг кўзга қўринган тарғиботчиси Жамолиддин Афғоний бўлган. Панисломчилар мустамлакачиларга қарши фаол тарғибот олиб бориб, газеталар нашр қилганлар. Айни вақтда, панисломчилар исломни давр талабларига монанд ислоҳ қилишга интилганлар. Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши орасида Куддуснинг муфтийси Амин ал-Хусайн фашистлар Германияси ёрдамида мусулмонларни ягона халифаликка бирлаштириш ҳамда Буюк Британияни Яқин Шарқдаги, хусусан, Фаластиндаги мандат худудларидан ҳайдаб чиқаришга ҳаракат қилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда панисломчилар ҳаракати араб дунёсида кенг кузатилган. Айниқса, Мисрда панисломизм ғояларига асосланган «Мусулмон биродарлар» ташкилоти дунёвий ҳукуматга қарши кескин кураш олиб борган.

Панисломизм ғоялари муайян даражада «ислом бирдамлиги» ғояси шаклланишига назарий асос бўлган. Бугунги кунда ислом бирдамлиги ва ҳамкорлиги ғоялари халқаро миқёсда Бутунжоҳон ислом конгресси (1926 й. тузилган), Ислом олами уюшмаси (1962) ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти (1969) томонидан фаол тарғиб қилиб келинмоқда.

Шу билан бирга, панисломизм ғояларидан айрим ислом давлатлари бошқа мусулмон мамлакатларининг ички сиёсатига аралашиш ва турли диний-экстремистик оқимларни қўллаб-куватлашини яшириш учун фойдаланадилар. Айни вактда, ҳозирги кунда фаолият юритаётган диний-экстремистик оқимларнинг аксариятининг мафкурасида ҳам панисломизм ғоялари турли шакл ва қўринишларда акс этиб келмоқда.

*M : 1. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Панисламизм>. 2. Сулайманова Ф. Эволюция понятия панисламизм. Вектор науки ТГУ. – № 4(18), 2011. – С. 121–122.*

**ПАНТУРКИЗМ**, пантуранизм – миллий-шовинистик мафкура. Асосида туркийзабон халқларнинг барчаси ягона миллат экани ҳамда улар Туркия бошлилигига ягона давлатга бирлашишлари зарурлиги ҳақидаги ғоя ётади. Пантуркизм тушунчаси «Турон замини» тушунчаси билан боғлиқ. Турон Эроннинг шимолидан Кавказга қадар кенг ҳудудни камраб олган ҳудуд бўлиб, пантуркчилар томонидан урал-олтой тили оиласига кирувчи миллатларнинг тарихий юрти сифатида эътироф этилади.

Илк пантуркизм ғояларини Кримда жамоат арбоби Исмоил Гаспринский 1883 йилдан бўён чоп эта бошлаган «Переводчикъ-Терджиманъ» газетасида илгари сурган. 1902 йилдан Кохирада «Турк» журнали нашр этилиб, пантуркизм панисломизмга альтернатив сифатида тарғиб қилинган. Пантуркизм қозонлик Юсуф Акчуриннинг «Och Tarzi Seyaset (Сиёсатнинг уч шакли)» (1904), озарбайжонлик Али Хусейнзоданинг «Turkuleshmek, Islamlashmak, Zamanlashmak (Туркийлаштириш, исломлаштириш, модернизация)» (1908), туркия-лик Зиё Гёк-альпнинг «Туркизмнинг асосий тамойиллари» (1923) асарларида назарий-ғоявий жиҳатдан асослаб берилган.

Ўрта Осиёда 1917 йил воқеаларидан сўнг кечган фуқаролар уруши вактида Усмонийлар хукумати томонидан большевикларга карши курашаётган айрим куролли тузилмаларга пантуркизм ғояларини тарғиб килиш ва уларга ёрдам кўрсатиш кузатилган.

Туркия НАТО таркибига кирган вактда АҚШ етакчилигидаги Ғарб ва социалистик лагер орасидаги «совуқ уруш» доирасида пантуркизм собиқ Совет Иттифоқининг Ўрта Осиё республикалари ва Озарбайжон мусулмонларига таъсир ўtkазиш воситаси сифатида кўрилган.

Пантуркизм мафкураси туркийзабон халқлар истиқомат қилувчи мустақил давлатларнинг миллий суверенитетига қарши қаратилган экспансив ғояларни акс эттиргани сабабли хатарли ва бузғунчи ҳисобланади. Ҳозирги кунда айрим диний-сиёсий ҳаракатлар, жумладан, «Нурчилар» диний-экстремистик гурухининг мафкурасида муайян даражада пантуркизм ғоялари мавжуд.

*M: Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Пантуркизм>.*

**ПАСТОР** – Реформация давридан бўён мавжуд бўлиб келаётган протестант конфессияларида диний ходимнинг номи. Протестантлиқда уламолар ва оддий диндорлар орасидаги тафовутга деярли тўлиқ барҳам берилганига қарамай, ибодатларни бошқариш, диний ваъз қилиш, Библияни тушунтириш каби ишларни бажарувчи шахсга эҳтиёж мавжудлиги учун пасторлар институти вужудга келган. Пасторлар уйланиши мумкин. Пасторларни тайёрловчи маҳсус диний билим юртлари мавжуд. Айрим протестант конфессияларда пастор лавозимини аёллар бажаради.

*M : Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 378–379.*

**ПАСХА** (Песах – қадим. яҳуд. – ёнидан ўтмоқ) – христианликдаги Исо Масиҳнинг вафот этиб, кейин қайта тирилиши билан боғлиқ энг катта диний байрам. Эски Аҳддаги – яҳудийларнинг пасха байрами – песах уларнинг аждодлари Миср асирлигидан қутулганликлари шарафига нишонланади. «Ёнидан ўтмоқ» сўзининг ишлатилиши сабаби Эски Аҳдда («Чиқиши», 12:1-11) ёзилишича, Мисрдан кетишдан олдин барча яҳудийлар уйга кириш эшикларининг пештоқларига курбонликка сўйилган қўзичоқнинг қонини сургандар. Худонинг амри билан барча биринчи туғилган фарзандларни қириб ташлаш

учун ерга тушган «ўлим фариштаси» эшиклардаги белгини кўрганда кирмай, ёнидан ўтиб кетган.

Юҳанно (Иоанн) инжилида (Юҳанно. 18; 19) Исо Масих апостоллар билан пайшанба – 13 нисон (март-апрель) куни сирли оқшом ўтказганлар, 14 нисон куни Исо Масих хочда ўлган ва яхудийлар пасхасининг иккинчи куни тирилган, деб келтирилган. Грек тилида сўзловчи христиан илоҳиётчилари илк милодий асрларда пасха сўзини Исо Масихнинг хочда азобланганига ишора қилиб, қадимги грек тилидаги πασχειν – «азобланмоқ» сўзи билан ҳам боғлаганлар.

Черков томонидан милодий I асрдан пасхани 14 нисон кунидан кейинги биринчи якшанбада нишонлаш расм (одат) қилинган. Пасхадан аввал христианлар пост тутадилар. Пасха кунини аниқ белгилаш учун 325 йили I Умумжаҳон Никея соборида қабул қилинган махсус жадвал (пасхалия) дан фойдаланилади. Ҳозир православлар черков ишларида юлиан календаридан, католиклар эса григориан календаридан фойдаланишлари сабабли уларнинг пасхани нишонлаш куни тўғри кедмасликлари мумкин. Кўпчилик протестант черковлар пасхани католиклар билан бир кунда тантана қиласдилар.

*M : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 231–232. 2. Словарь религии: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 379–380.*

**ПРОЗЕЛИТИЗМ** (грек. «prosehtos» – янги эътиқодни қабул қилган одам) – муайян дин вакиллари томонидан бошқа динга эътиқод қилувчилар ёки даҳрийларни ўз динига киритишга қаратилган ҳаракатлар ҳисобланади. Прозелит (proselitos) атамаси Библияning Эски Аҳд қисмида узоқ вақт ҳорижий юртда яшаган одамга нисбатан ишлатилган. Янги Аҳдда эса прозелит сифатида миллати яхудий бўлмаган, лекин яхудийлик динини қабул қилганлар эътироф этилган («Ҳаворийлар фаолияти», 2:11, 6:5, 13:43).

Прозелитизм атамаси XVII асрда француз тилида пайдо бўлиб, бир одамнинг иккинчи одамга ҳийла, найранг билан таъсири ўтказишини англатувчи салбий маъно касб этди.

Ҳозирги вақтда христианликда кўпроқ протестант ва католик миссионерлари томонидан прозелитизм ва миссионерлик фаолияти амалга оширилмоқда. Ислом йўналишида фаол миссионерлик билан

шүгүлланаётган гурух сифатида «Таблиғчилар» жамоасини қайд этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисида»ғи Қонунининг 5-моддасига мувофик, бир диний конфесиядаги діндорларни бошқасига киритишта қаратылған хатты-харакаттар (прозелитизм), шунингдегі бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади.

*M : Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 396.*

**РАНГЛИ ИНҚИЛОБЛАР** – сиёсатшунослиқда умумий тарзда амалдаги ҳокимиятни ҳарбий күч ишлатмасдан ағдариб ташлаш тушунилади. Амалда рангли инқилоблар хориждан бошқарыб туриладиган нодавлат ташкилотларининг құллаб-қувватлаши орқали оммавий норозилик ҳаракатларини келтириб чиқариш орқали амалдаги ҳукуматни ҳокимиятдан четлатиш тарзидә амалга оширилади. Рангли инқилоблар муайян бир мамлакатда айрим йирик давлатларнинг манбаатларини рүёбга чиқаришга хизмат қылувчи, деструктив мухолифат күчларни ҳокимиятта келтириш учун ташкил этилади. Хорижий давлат ёки давлатлар рангли инқилобни режалаштириш, ташкил этиш ва маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этадилар. Сиёсатшуносларнинг аксарияти XX асрнинг охири, XXI асрнинг бошида рангли инқилоб йўли билан МДХ ва Шаркий Европа худудидаги қатор давлатлар, жумладан, Чехословакия (1989), Югославия (2000), Сербия (2003), Грузия (2003), Украина (2004), Қирғизистонда (2005) сиёсий ҳокимиятнинг ўзгариши рангли инқилоб йўли билан амалга ошган, деб ҳисоблайдилар.

Рангли инқилоб жамиятда сунъий равищда «инқилобий вазият» юзага келтириш билан классик инқилоблардан фарқ қиласы. Рангли инқилоблар «хукумат нөқонуний» экани ҳақидаги үйдирмани яратыш ва тарқатиш, алоҳида мухолиф гурухларни ҳукуматта қарши ягона ҳаракатта бирлаштириш, давлат органларини обрўсизлантириш, оммавий кўча норозилик ҳаракатларини амалга ошириш каби босқичларда амалга оширилади. Рангли инқилобнинг хатарли жиҳатлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

– чукур сиёсий ва иқтисодий таназзулга юз тутган, ижтимоий адолатсизлик ва фуқароларнинг амалдаги ҳокимиятдан норозилиги

энг юқори даражага етган мамлакатларда эмас, балки табий бойликлари, геостратегик жойлашуви, геосиёсий аҳамияти нуқтаи назаридан айрим етакчи давлатларнинг назарига тушган ҳудудларда амалга оширилади;

– мухолифат конструктив ғояга эга бўлмай, жамиятга янги, пухта ишланган, ушбу жамиятнинг барча қатламлари ҳаётий манфаатларини камраб олувчи, объектив воқеликка асосланган ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўли-дастурини таклиф этмайди, балки ҳокимиятни эгаллагач, ҳомийларининг манфаатларига мос сиёsat юритади холос;

– замонавий ахборот, пиар ва флешмоб\* технологиялар, тармоқли маркетинг воситаларида охирги вақтга қадар вазият барқарор бўлиб турган давлатда тарихан қисқа давр ичидан қонуний сайланган ҳукуматни ҳокимиятдан кетишга мажбур киладиган мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият вужудга келтирилади. Ушбу фаолиятда Интернет тармоғи алоҳида ўрин тутади. Хусусан, «YouTube», «Flickr» каби сайтларда ҳукуматнинг фаолиятини обрўсизлантирувчи сохта видеороликлар тарқатилади. «Facebook», «Twitter» каби ижтимоий сайтлар оломонни тўплаш ва йўналтиришда ишлатилади. Хорижий «кинсон ҳуқуқи ҳимоячилари» сайтлари иғво маълумотларни тарқатиш ҳажмини кенгайтиради ва ҳ.к.;

– ташки кучлар ҳокимиятга олиб келинаётганларга ташкилий, молиявий, ахборот-тарғибот йўналишларида кўмак бериш билан чекланиб колмай, гўёки «юмшоқ куч» сифатида қонуний ҳукуматга сиёсий ва иқтисодий дастаклар орқали ошкора тазиқ ўтказишга ҳаракат қиласи. Одатда рангли инқилоблар сайлов ёки қайта сайловлар вақтида амалга оширилиб, ташки кучлар «олий ҳакам» сифатида сайлов натижаларини тан олиш ёки олмаслик билан вазиятга таъсир ўтказишга интиладилар;

– асосий куч – ёшларни уюштирувчи ҳаракатларнинг раҳбарлари ва фаоллари хорижий нодавлат ташкилотлари томонидан маҳсус тайёрланади. Бундай ҳаракатлар мисолида «Отпор» (Югославия), «Кмар» (Етар)» (Грузия), «Пора (Етар)» (Украина), «Yox!» (Озарбайжон), «Кифайя (Етар)» (Миср) ташкилотларини кўрсатиш мумкин. Хусусан, Германиянинг «Шпигель» журналида 1999 йили «Демократияни қўллаб-кувватлаш миллий жамғармаси (NED)» ва бошқа АҚШ ННТлари «Отпор» ташкилотига 40 млн. доллар миқдорида маблағ бергани ва Будапештда семинарлар ташкил этилгани, «Фридом

Хаус» ташкилоти эса 5 минг нусхада Бостон институти профессори Ж.Шарпнинг «Қаршилик кўрсатишнинг куч ишлатмасликка асосланган усуллари» кўлланмаси билан таъминлагани ёзилган.

Алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган омил шундан иборатки, рангли инқилобларда ҳарбий куч ишлатилмаслиги даъво қилинсада, амалда ижтимоий бекарорлик ва кўп сонли курбонлар келтириб чиқарадиган кўплаб усуллар кўлланилади. Масалан, рангли инқилоблар ўтказишга «ихтисослашган» марказларнинг энг оммавий назарий кўлланмаларидан бири хисобланган Ж.Шарпнинг «Қаршилик кўрсатишнинг куч ишлатмасликка асосланган усуллари» китобида юкоридаги каби 198 услугуб қайд этилган. Улар қаторида солиқ тўлашдан бош тортиш (90-банд), ҳукуматга қаршилик кўрсатишга даъват қилиш (122), ҳарбий хизмат ўташдан бош тортиш (122), сохта ҳужжатлар тайёрлаш (140), исён (148), жараёнга ўзини тўла баҳш этиш (ўзини ёкиб юбориш, сувга ташлаш) (158), худудларни (майдон, ташкилот бинолари ва ҳ.к.) эгаллаб олиш (173), сохта пул тайёрлаш (185), қимматбаҳо буюмларни эгаллаб олиш (187) каби қонун устувор бўлган барча мамлакатларда жиноят саналадиган хатти-ҳаракатлар кўрсатилган.

Ўзбекистон ҳалқини бундай таҳдидлардан асраш барча фуқаролар, айникса, ёшлардан бугунги кунда умумбащарий даражада кечётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг асл моҳиятини чукур англаб этиш ва холис баҳолаш, алдов ва макр билан ўз оиласи, жамияти ва давлатига қарши қўймоқчи бўлаётгандарнинг хийлаларига учмаслик, ҳушёр ва огоҳ бўлиш, Ватанни ҳимоя қилиш борасидаги конституциявий бурчга содик бўлишни талаб қилади.

*M : 1. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org./wiki/Цветная\\_революция](http://ru.wikipedia.org./wiki/Цветная_революция). 2. Сайт «Свободная мысль». URL: <http://www.svom.info/entry/208-sekretы-cvetnyh-revolюcij-sovremennye-tehnologii-/>. 3. Сайт «Inosmi.ru» URL: <http://www.inosmi.ru/world/20051207/224154.html>.*

**РЕИНКАРНАЦИЯ** – айрим динлар, масалан, буддавийлик ва ҳиндуийлик таълимотидаги одам руҳининг бир танадан бошқасига кўчиб юриши ҳақидаги тасаввур. Унга кўра одамнинг руҳи нафақат бошқа одам, балки бошқа жонли мавжудотлар ва жонсиз буюмлар (дараҳт, тош ва ҳ.к.) танасига кўчиб ўтиши мумкин.

*M : Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 240.*

**РЎЗА** – (форс. – рўза, кундузги иш, араб. «савм» – бирор нарсадан ўзини тийиш) – исломдаги бешта руҳи (мажбурият)лардан бири. Ҳар

йили бир ой – Рамазон ойида тутилади. Рўза тутиш бомдод намози вақтидан күёш ботгунга кадар емаслик, ичмаслик, жинсий яқинлик қилмаслик, шунингдек, чакимчилик ва гийбат қилмаслик, исломда ҳаром қилинган нарсаларга қарамаслик билан амалга оширилади.

Ислом таълимотида рўза соғлом, сафарда бўлмаган, балоғат ёшидаги мусулмонларга фарз қилинган. Ҳомиладор, эмизикли аёллар, сафарда юрганлар, оғир беморлар рўза тутмаслиги, кейин имкон туғилганда адо (қазо) этишларига рухсат берилган. Рўза тута олмайдиган кариялар, сурункали беморлар рўза ўрнига фидя садақаси (бир муҳтожнинг бир бор қорнини тўйдириш) беришлари мумкин.

Рўза инсонни моддий ва маънавий жиҳатдан сабр-тоқатга ўргатгани боис, исломда рўза билан боғлиқ маросимлар, хусусан, ифторлик (рўзани очиш)ни камтарлик билан, кўр-кўроналикка йўл қўймаган ҳолда ўтказиш, дабдаба ўрнига муҳтожларга хайрия ёрдам кўрсатиш савобли иш саналади.

Рўза тутиш одати қадимий динларда мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда яхудийлик, христианлик, буддавийлик каби динларда ҳам турли шаклларда диний амаллар таркибиға киритилган.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 200 б.*

**САКРАЛИЗАЦИЯ** (лотин. «*sacer*» – муқаддас) ижтимоий ҳаётни, ижтимоий институтларни, ижтимоий онг ва алоқаларни, одамларнинг ҳаётий муносабатларини муайян дин таъсири ва доирасида талқин килиш, баҳолаш тушунилади. Фарбда сакрализация жараёнлари тарихан клерикализация (лотинчада «*clericalis*» – черковга оид) шаклида бўлиб, черков жамиятда ҳуқуқий ва сиёсий институт мавқеида бўлган. Мусулмон мамлакатларида сакрализация ислом таълимоти жамиятнинг барча соҳаларини мутлақ эгаллаши, ҳар қандай урф-одат, анъана, удумларга диний қиёфа бериш ва жамиятни бошқариш ишларини ҳам илоҳийлаштиришда кузатилади.

Сакрализация оқибатида Фарбда Жордано Бруно, Николай Коперник, Галилео Галилей, Шарқда Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби олимлар дунёвий илмларни ривожлантиришга уринганларни учун дин пешволари томонидан таъқиб қилинганлар.

*M : Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность: Учебное пособие. – М., 2003. С. 231.*

**САЛБ ЮРИШЛАРИ** – ўрта асрларда католик черкови ҳомийлиги остида гўёки «муқаддас ерларни озод этиш» шиори остида Фарбий

Европадан Шарққа амалга оширилган ҳарбий юришлар. Юриш катнашчилари асосан рицарлар кийимларига қызил матодан хоч (салб) белгиси тикиб олғанлари учун юриш катнашчилари салибийлар, юришлар салб юришлари деб аталган. 1095 йилда Франциянинг Клерман шаҳридаги майдонда Рим напаси Урбан II даъвати билан 1096 йили бошланган. Салибийлар асосан камбағаллашган зодагонлар ҳамда ўрта ва қуий тоифага киравчилардан таркиб топган. Бой зодагонлар эса фойда кўриш мақсадида юришларга ҳомийлик қилғанлар.

Тарихда саккизта салб юришлари маълум бўлиб, улар 200 йил давом этган. Салибийлар забт этилган Фаластин ерларида Куддус қироллигини ташкил этганлар. 1291 йили султон Бейбарснинг кўшини томонидан салибийларнинг сўнгги Сен-Жан д'Акр қальаси эгалланиши билан интиҳосига етган.

Тарихчи мутахассислар ичида салб юришларини «ўрта аср христиан дунёсининг экспансzionизми» ва «Европа колониализмининг дастлабки тажрибаси» деб баҳолаш мавжуд. Чунки салб юришлари муқаддас ғоялар билан никобланган бўлса-да, салибийлар томонидан босқинчилик мақсадида шаҳарлар талон-тарож қилингани ва ўта аёвсиз ваҳшийликлар содир этилгани ҳатто христиан манбаларида ҳам эътироф этилади. Хусусан, 1099 йили салибийлар биргина Куддусда ўн мингта яқин мусулмонларни ўлдирган. 1199 йил Рим Папаси Иннокентий III ташаббуси билан амалга оширилган тўртинчи «салб юриши» катнашчилари эса 1204 йили шарқий христианларнинг маркази – қадимги Константинополни вайрон қилиб, православ черковларини талаган. Шаҳар аҳолиси динидан қатъи назар қирғин қилинган.

Салб юришларининг фожиали тарихидан бири 1212 йилнинг баҳорида амалга ошган «болалар салб юриши» билан боғлиқ. Диний воизларнинг «фақат гуноҳсиз болалар муқаддас ерларни озод кила олади», деган сохта даъватларига учган минглаб француз ва немис болалари май ойида Мисрга жўнаб кетган. Уларнинг деярли ярми йўлда ва денгизни сузиб ўтишда ҳалок бўлган. Омон қолган болалар эса Мисрда қулликка сотиб юборилган.

Салб юришлари католик черковининг вақтинча кучайиши ва молиявий жиҳатдан бойиши, унинг таркибида ҳарбий-диний орденлар тузилишига олиб келган бўлса-да, стратегик жиҳатдан христианлар ва мусулмонлар орасидаги ҳамда католиклар ва православлар орасидаги

муносабатларда ҳозирга қадар оқибатлари сезилиб келаётган чукур зиддиятларни көлтириб чиқарған.

*M : 1. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Крестовые\\_походы](http://ru.wikipedia.org/wiki/Крестовые_походы). 2. С. И. Луцицкая. Крестовые походы. Сайт «История ордена Храма». URL: [http://www.home-edu.ru/user/f/00000754/histbibliot8.06.05/\\_krestovie\\_pohodi/Untitled-3.htm](http://www.home-edu.ru/user/f/00000754/histbibliot8.06.05/_krestovie_pohodi/Untitled-3.htm). 3. И. Кривушин. Крестовые походы. Сайт «Krugosvet.ru». URL: [http://www.krugosvet.ru/enc/kultura\\_i\\_obrazovanie/religiya/KRESTOVIE\\_POHODI.html?page=0,3](http://www.krugosvet.ru/enc/kultura_i_obrazovanie/religiya/KRESTOVIE_POHODI.html?page=0,3).*

**СЕКТА** (лотин. *secta* – фикрлаш, фаолият, ҳаёт, йұналиш шакли) – диний уюшма турларидан бири бўлиб, аввал шаклланган диний йұналишдан ажralиб чиқсан мухолиф оқим. Секта одатда муайян дин ичидан ушбу диннинг таълимотига, ташкилий тузилиши ва бошқа жиҳатларидан норози бўлиб чиқсан шахслар томонидан ташкил этилади. Аксарият секталар учун ўз таълимоти фавқулодда алоҳида аҳамиятга эга экани, буюк миссияни бажараётганликларини даъво қилиш, таълимотини ўзи ажralиб чиқсан диний йұналишга нисбатан қарама-қарши қўйиш, радикаллик, бошқа диний йұналишлар билан алоқа қилмаслик, жамият билан муносабатларни чегаралаш, диний уламолар табақаси йўқ экани хос ҳисобланади. Сектада ўзи ажralиб чиқсан диний йұналишнинг таълимоти, анъанаси, қадриятлар тизими, ибодат ва расм-русумларига муайян ўзгартиришлар киритилган бўлади. Диний раҳбарлик одатда харизматик етакчилар томонидан амалга оширилади. Секталарнинг аксарияти бошқа динларни асл ақидадан қайтганликда айблайди. Тарихий ривожланиш жараёнида диний секталарнинг айримлари йўқолиб кетган бўлса, бошқалари муайян диний конфессияга айланган. Кўпчилик секталар тоталитар шаклда бошқарилиб, секта аъзоларининг онги ва руҳияти доимий назорат остида бўлади.

*M : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 269. 2. Миронов О. Словарь религиозных терминов. – Воронеж : «Воронеж», 2002. – С. 34. 3. Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 234. 4. Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т. : «Akademiya», 2007. – 136 б.*

**СЕКУЛЯРИЗАЦИЯ** (лотин. *saecularis* – дунёвий) – 1) диний талабларнинг ижтимоий институтлар ва муносабатлар, жамият ва

алоҳида фуқаролар ҳаётининг барча соҳаларидағи ҳукмронлигига барҳам бериш, давлат ва фуқаро, фуқаролар орасидаги дунёвийлик муносабатларини шакллантиришни назарда тутади. Диннинг таъсирини камайтириш у жамиятда бажарадиган функцияларнинг доирасини торайтириш, черков мулкини давлат ёки фуқаролар ихтиёрига ўтказиш, давлат-хуқукий муносабатларда диний кўрсатмалардан асос олмаслик, диндан буткул ажратиб олиш, дунёвий давлат таълим тизимини жорий қилиш, дунёвий санъат, маънавиятни шакллантириш ва хоказолани назарда тутади. Фарбда Реформация даврида бошланиб, XVIII асрга келиб барча мамлакатларда кенг тарқалган секуляризация фан ва техниканинг мислсиз тез ривожланиши учун асос бўлган. Муайян даражада Шарқ мамлакатларида секуляризация жараёни Фарбга нисбатан кечикканлиги Фарбдан технологик қолоқликка сабаб бўлган, дейиш мумкин.

Шубилан бирга, секуляризацияни динсизлик – атеизм (дахрийлик) билан тенглаштирмаслик керак. Дунёвийлик Ўзбекистонда Конституция ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун билан кафолатлангани баробарида, дин жамиятни бирдамлик, тинчлик, эзгуликка ундовчи ва ахлоқий тарбия соҳасида мухим аҳамиятга эга омил сифатида ўз ўрнини сақлаб колади.

Бундан ташқари, секуляризацияни тор маъноларда черков мулкини дунёвий хукуматга топшириш, шунингдек, католик черкови таълимотида ҳаётини тўла черков ишига бағишлилаган руҳонийларнинг дунёвий ҳаёт кечиришга ўтишини белгиловчи ҳужжатнинг қабул қилиниши ҳам тушунилади.

*M : 1. Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 234–235. 2. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 252–253. 3. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 421–422.*

**СИРЛИ МАРОСИМЛАР** (рус. «тайинство», латин. «sacramentum» – сир, муқаддас) – христиан таълимотида диндорга худонинг алоҳида марҳамати бериладиган маҳсус диний маросимлар. Исо Масиҳ томонидан жорий қилинган ҳисобланади. Православлик ва католицизмда XII–XIII асрлардан буён еттига сирли маросим

бор бўлиб, улар қуидагича талқин қилинади: 1) чўқинтириш (рус. крещение) – диндор ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас рухни чақирган ҳолда сувга ботириб олинганда (ёки сув сепилади) гуноҳлардан фориг бўлиб, маънавий қайта туғилади; 2) тавба қилиш (покаяние, исповедь) – диндор ўз руҳонийсига гуноҳларини айтиб тавба қилганда руҳоний уларни Исо Масиҳ номидан кечиради; 3) миро мойи суриш (конфирмация, миропомазание) – диндорнинг руҳий-маънавий жихатдан чиниктирувчи муқаддас рух инъомини беради; 4) никоҳ (брак) – диндорларнинг черков вакили олдида қасамёд қилиши уларга биргаликдаги ҳаёт, худо суйган фарзандларнинг туғилиши ва христиан тарбиясини олиш марҳаматини беради; 5) покланиш (евхаристия, причашение) диндор нон ва вино тановул қилиш орқали рамзан Исо Масиҳнинг жисми ва қонини ўз танасига қабул қиласи; 6) руҳонийлик (священство) – диндор муайян диний рутба олаётган вақтда епископ унинг елкасига қўл қўйган ҳолда унга диний маросимларни ўтказиш хукуқини узатади. Ушбу маросимни фақат епископ бажариши мумкин; 7) елей мойи суриш (елеосвящение) – руҳоний томонидан елей мойи сурилганда диндорнинг жисмоний ва руҳий-маънавий қасаллари тузалади, тавба қилиб улгурмаган гуноҳлари кечирилади (католикда ушбу маросимнинг даволаш хусусияти инкор этилиб, фақат вафот этаётган шахсни тинчлантиришга хизмат қиласи, деб эътиқод қилинади).

Сирли маросимлар диндор ҳаётида бир марта бажариладиган (чўқинтириш, миро мойи суриш, руҳонийлик) ватакрор бажариладиган (қолганлари), шунингдек, барча диндорлар учун мажбурий бўлмаган (никоҳ ва руҳонийлик) ва мажбурий (қолганлари) тоифаларга ажратилади. Маросимларни руҳонийлар бажариши, аниқ белгиланган тартиб асосида ижро этилиши, диндорнинг мос ички руҳий кайфияти шарт саналади. Католицизмда мавжуд «*Opus operatum*» тамойилига мувоффик, сирли маросимни ўтказувчи учун муқаддаслаштирилган матн ва ҳаракатлар тўғри бажарилиши учун етарли саналади.

Протестант черковларининг аксариятида сирли маросимлардан илк христианликдаги каби фақат чўқинтириш ва покланиш ўтказилиб, илоҳий инъом берувчи эмас, балки рамзий маросим сифатида кўрилади.

*M : 1. Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М., 2003. С. 72–73. 2. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению.*

— М. : Гардарики, 2000. — С. 222–223, 261–262. 3. Словарь религий : иудаизм, христианство, ислам / Пер. с фран. Е. Терюковой. — СПб. : Питер, 2008. — С. 436–439.

**«СИРЛИ ОҚШОМ»** (рус. «Вечеря господня», «Тайная вечеря», лот. «сепа» – түшликдан кейинги овқатланиш) – христианликда Исо Масихнинг апостоллар билан сўнгти бор бирга нон ва вино тановул килиб овқатланган оқшоми билан боғлиқ маросим. Ушбу оқшом Инжилда баён этилган (Матто. 26:26–29; Маркус, 14:22–25; Луко, 22:14–23) бўлиб, Исо Масих апостолларга христианликдаги сирли маросимлардан бири – покланиш (причащениене)ни ўргатган. Сирли оқшом католик ва православликда фақат епископ ёки рухоний бошчилигига ўтказилса ижобат бўлган ҳисобланади. Протестант конфесияларида эса исталган христиан конфесиясига мансуб одам билан ўтказиш мумкин.

М : Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. — СПб.: Питер, 2008. — С. 249–251.

**СОБОР** (лот. concilium – чакириқ асосида йиғилиш) – христианликнинг католицизм ва православлик йўналишларида епархиялар, диоцезлар, орденлар, монастирлар ва бошқа диний ташкилотлар раҳбарларининг черков ва диний ҳаётга бағишиланган йиғилиши. Маҳаллий черковларнинг олий раҳбарлари йиғилиши Умумжаҳон собори ҳисобланади. Умумжаҳон соборларида христианлик ақидаси, илоҳиёт бўйича концептуал масалалар кўрилади. Жумладан, 325 йили ўтказилган I Никея соборида арианлик бидъят сифатида қораланганди. Христиан дини эътиқоди баёни қабул қилинган ҳамда Пасха байрамини ўтказиш вақти белгиланган. IV Константинополь соборига қадар мазкур тадбирлар императорларнинг чакириғига мувофиқ ўтказилган. 1123 йилги биринчи Латеран соборидан бошлаб йигин Рим Папасининг даъвати билан ташкил этиладиган бўлган.

Православлар ва протестантлар 325–787-йиллар оралигига бўлиб ўтган дастлабки етти Умумжаҳон соборлари, католик черкови эса 21 та собор қарорларини тан оладилар. Охирги собор – II Ватикан собори 1962 йилда ўтказилган бўлиб, католик черкови фаолиятини янги давр талабларига монанд ислоҳ қилиш масаласига бағишиланган.

М : Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. — М. : Гардарики, 2000. — С. 256.

*2. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 429.*

**СОГЛОМ МАФКУРА** – умуминсонийликнинг устуворлиги тамойилига таянадиган, ижтимоий тараққиётни таъминловчи эзгува бунёдкор ғоялар тизими. Жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатадиган, одатда, унинг таназзули, ҳалокатига сабаб бўладиган фашизм, коммунизм, диний экстремизм каби носоғлом мафкура шаклларидан фарқли ўлароқ, соглом мафкура инсоният тараққиётини тезлаштиради, ҳалқ фаровонлиги, Ватан равнакига имкон яратади.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.*  
– Т. : «Akademiya», 2007. – 265 б.

**СУВЕРЕНИТЕТ** (французча «souverainite» – олий ҳокимият) – давлатнинг ички ва ташки сиёсатдаги тўла мустақиллиги. Шарқда суверенитетнинг мазмун-моҳияти мустақиллик тушунчаси орқали ифодаланади. Истиқлол даврида Ўзбекистон суверен ҳукуқларига тўла-тўқис эга бўлган мустақил мамлакат эканлигини намоён килмоқда. Ўзбекистон Конституцияси 1-моддасига «Ўзбекистон – суверен демократик республика» эканлиги белгилаб қўйилган.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.*  
– Т. : «Akademiya», 2007. – 266 б.

**СУННА** (суннат расуллурроҳ, араб. – одат, анъана, ҳатти-ҳаракат тарзи) — ислом таълимотида мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Мұхаммад пайғамбарнинг сўзлари, қилган ишлари ва ҳатти-ҳаракатлари. Сунна ҳақидаги ривоятлар ҳадисларда (шияларда – ахбор) берилган ва улар тўплам қилинган. Сунна исломда Куръондан кейинги, уни тўлдирувчи манба, ислом илоҳиёти ва шариатнинг иккинчи асоси сифатида эътироф этилади. Суннатни чукур ўзлаштириш ислом ҳукукшуноси (факиҳ) учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

*M : Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – С. 214.*

**ТАКФИР** (араб. تکفیر – «куфр» – «инкор қилиш») – исломда одатда дин ва Аллоҳни тан олмаслиқда, диндан чикишда, кофириликда айблаш маъноларида ишлатилади. Ҳанафийлик мазҳабида имоннинг шарти яккахудоликка тил билан икрор бўлиш (шаҳодат калимаси), қалб билан тасдиқлаш ҳисобланади. Ислом таълимотига кўра, гуноҳ содир этган одам, агар қилган ишини ҳалол деб ҳисобламаса, у кофир бўлмайди.

«Таҳовий ақидаси»да «Қибла ахлидан бўлган бирор-бир мусулмонни гуноҳи туфайли коғир санамаймиз», дейилган.

Ислом мусулмон одамни коғирга чиқаришдан қайтаради. Жумладан, ҳадисда «Агар киши биродарига «эй коғир» деса, у сўз иккисидан бирига қайтади», дейилган. Аммо ҳозирги кунда турли диний-экстремистик груп аъзолари уларга эргашмаган мусулмонларни ва дунёвий ҳокимиятга нисбатан «коғир» деб асоссиз хукм чиқармокдалар. Мутаассиблар шу йўл орқали ўзлари мухолиф санаган одамларнинг жони ва молига тажовуз қилишни, давлатга қарши фитна қилишни шариат жихатидан «ҳалол» қилиб олишга, қотиллик ва босқинчлилик фаолиятини оқлаб олишга ҳаракат қиласидар.

*M : 1. Ислом маърифати: аслият ва талқин./Ўқув қўлланма/. – Т.: Тошкент ислом университети нацириёти, 2011. – 91–96 б.*

**ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ (ISESCO, араб. المنظمة الإسلامية للتربية والعلوم والثقافة ингл. International Islamic Organization for Education, Science and Culture) – ИХТ хузуридаги мустақил ташкилот. 1979 йили таъсис этилган, Низоми 1982 йил Таъсис Конференцияда (1982 йил, Фес шаҳри) қабул қилинган. Мазкур Низом 22 моддадан иборат бўлиб, унга Бош Конференциянинг маҳсус (1986 йил, Работ), тўртинчи (1991 йил, Работ), бешинчи (1994 йил, Дамашқ), олтинчи (1997 йил, Ар-Риёд) ҳамда тўққизинчи (2006 йил, ISESCOнинг доимий штаб-квартираси, Работ) сессияларида ўзгартиришлар киритилган. ISESCO фаолияти қўйидагиларга қаратилган: таълим, фан, маданият ва коммуникация соҳаларида ташкилотта аъзо мамлакатлар ўргасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кучайтириш, мазкур соҳаларни ислом цивилизацияси ютуқлари ва ислом қадриятлари доирасида ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш; инсонлар ўргасидаги ўзаро тушунмовчиликни бартараф қилиш, дунёда тинчлик ва барқарорликка ҳисса қўшиш; ислом ва ислом маданияти ҳакидаги тўғри тасаввурларни шакллантириш, цивилизациялар, маданиятлар ва динлараро мулоқотни йўлга қўйиш, шу билан бирга, ислом цивилизацияси нуқтаи назарига мос равишда инсон хукуқлари ва эркинликлари билан боғлик адолат ва тинчлик қадриятларини таргибот қилиш бўйича ишлаш; ташкилотта аъзо давлатларнинг таълим тизимлари ўргасида алоқаларни ташкил этиш ишларини амалга ошириш ва ҳ.к. Қароргоҳи Работ (Марокаш)да жойлашган.**

Ташкилотга ИХТнинг тўлиқ аъзоси бўлган давлатнинг тегишли меъёрий хужжатлар асосида ёзма равишдаги мурожаатидан сўнг аъзо бўлиши мумкин. 2013 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, ташкилотга 50 та давлат аъзо бўлган.

ISESCO Бош конференция, Ижроия кенгаши ва Бош бошқармадан иборат. Бош конференция ташкилотга аъзо мамлакатлар хукуматлари томонидан тайинланадиган вакиллардан иборат. Бош конференция ҳар уч йилда бир марта сессияга йигилади. Ижроия кенгаши ташкилотга аъзо ҳар бир давлатнинг таълим, фан, маданият ва коммуникация соҳаларидан хабардор биттадан вакилидан иборат. Бош бошқармага Бош конференция томонидан уч йиллик муддат билан сайланадиган Бош директор раҳбарлик қиласиди. Ижроия кенгаши таклифига кўра бу муддат икки марта узайтирилиши мумкин. Бош директор ISESCO маъмуриятининг бошлиги саналади ва Бош конференция ҳамда Ижроия кенгашига хисобот беради.

ISESCO ташкилотига карашли иккита минтақавийофис (Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон), иккита ваколатхона (Франция, Комор ороллари), тўртта илмий марказ (Чад, Нигер, Гвинея, Малайзия) ва аудио-видео ва мультимедиа маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи учта минтақавий марказ (Сурия, Судан, Эрон) фаолият кўрсатмоқда. ISESCO томонидан турли давлатлардаги олий ўқув юртлари қошида араб тили, ислом цивилизацияси ҳамда инсон хукуқлари бўйича тўққизта кафедра (Нидерландия, Озарбайжон, Миср, Саудия Арабистони, Нигер, Уганда, Франция, Судан, Покистон) ва битта бўлим (Россия) очилган. ISESCOнинг бюджети ташкилотга аъзо мамлакатларнинг аъзолик бадаллари асосида шаклланган. Умумий бюджетдан келиб чиқиб тўланадиган бадаллар миқдори аъзо давлатлар билан келишилган ҳолда турлича бўлиши мумкин.

ISESCO фаолиятида ҳар йили ислом маданиятининг араб дунёси, Осиё ва Африка китъалари бўйича пойтахтларини эълон қилиш ўзига хос анъанага айланиб бормоқда. 2004 йилнинг декабрь ойида Жазоир (Жазоир) шахрида бўлиб ўтган ИХТГа аъзо мамлакатлар Маданият вазирларининг IV конференцияси қарорига биноан ҳамда ISESCOнинг таклифига кўра 2007 йилда Осиё минтақасидан Тошкент шахри ислом маданияти пойтахти сифатида танлаб олинган. 2007 йил 14-15 август кунлари ISESCO ва Ўзбекистон ҳамкорлигида

Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида «Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилган.

ISESCO ташкилотининг расмий веб-сайтида ([www.isesco.org.ma](http://www.isesco.org.ma)) берилган маълумотларга кўра, 2015–2024-йиллардаги ислом маданияти пойтахтлари рўйхати тасдиқланган бўлиб, 2020 йилда Осиё минтақасидан Бухоро шаҳри ислом маданияти пойтахти сифатида танлаб олинган.

*М: 1. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламская\\_организация\\_по\\_вопросам\\_образования,\\_науки\\_и\\_культуры](http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламская_организация_по_вопросам_образования,_науки_и_культуры). 2. Сайт ISESCO. URL: [www.isesco.org.ma](http://www.isesco.org.ma). 3. Сайт «Islamrf.ru». URL: <http://www.islamrf.ru/news/culture/organizations/25239/>*

**ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ** (террористик акция, акт) – алоҳида шахс ёки шахслар гурӯҳи томонидан ҳукumat идораларини ўз талабларига мос сиёсий қарор қабул қилишга мажбур этиш мақсадида фуқароларнинг соғлиғи ва ҳавфсизлигига таҳдид солувчи, йирик иқтисодий зарар етказувчи ёки оммавий ваҳима келтириб чиқарувчи ҳаракатларнинг содир этилиши. Террорчилик ҳаракати давлат миқёсида ёки халқаро даражада аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга карши кураш тұғрисида»ги Қонунида террорчилик ҳаракатига қуйидаги ҳуқуқий таъриф берилган: террорчилик ҳаракати – гаровда ушлаб туриш учун шахсларни кўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобининг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гурӯҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик обьектларни босиб олиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, порглатишлар, ўт қўйишлар, порглатиш курилмаларини, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан қўркитиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиш, олиб қочиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима кўтариш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш, аҳоли ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш йўли билан зарар етказиш ёки ҳавф туғдириш, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуслар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни, Ўзбекистон Республика-

си конун ҳужжатларида ва халқаро ҳукукнинг умум эътироф этилган нормаларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш.

*M : 1. Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тұғрисида»ги Конуни. 2. Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ». URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**ТЕРРОРИСТИК ГУРУХ** – икки ва ундан ортиқ шахсларнинг террорчилик ҳаракатлари содир этиш учун уюшиши натижасида вужудга келган жамоа. Террористик гурух сон жиҳатдан кенгайиб ва мафқуравий жиҳатдан ривожланиб, дасгурий ҳужжатлар қабул қилиш орқали террористик ташкилотга айланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қараш кураш тұғрисида»ги Конунда террорчилик гурухыга олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик күрган ёки уни содир этишга суиқасд қилған шахслар гурухи, деб таъриф берилған.

*M : 1. Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тұғрисида»ги Конуни. 2. Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ». URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**ТЕРРОРИСТИК ТАШКИЛОТ** – террористик фаолият юритиши мақсадида тузилған ёки ўз фаолиятида терроризмдан фойдаланишини рад этмайдыған, таркиби барқарор бўлған уюшма. Террористик ташкилотнинг белгилари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин: иерархик тузилма, ташкилотда аъзоларнинг муайян функцияларни бажаришга ихтисослашуви (ёлловчи, портловчи модда тайёрловчи, жангари ва х.к.), низом ёки дастурий ҳужжатлар қабул қилинганлиги.

Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тұғрисида»ги Конунда террорчилик ташкилоти сифатида икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гурухларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви эътироф этилган.

*M : 1. Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тұғрисида»ги Конуни. 2. Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями*

*экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ». URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**ТЕРРОРИСТИК ТАХДИД** – муайян худуд ёки объектдаги вазиятни характерлаб берувчи омиллар террорчилек ҳаракати амалга оширилиши хавфи реал мавжуд эканидан дарак бериши.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ». URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**ТЕРРОРИСТИК ФАОЛИЯТ** – террорчилек характеридаги жиноятларни содир этиш билан боғлиқ бўлган қуийдаги жиноий килмишлар билан боғлиқ фаолият:

- террористик ҳаракатни ташкил этиш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга ошириш;
- террористик ҳаракатни амалга оширишни тарғиб қилиш, террористик мақсадларда куч ишлатишга даъват қилиш;
- террористик мақсадларда ноқонуний ҳарбий тузилмалар ёки жиноий гурухларни ташкил этиш ёки уларнинг фаолиятида иштирок этиш;
- террорчиларни ёллаш, қуроллантириш, тайёрлаш, улардан террорчилек ҳаракатларида фойдаланиш;
- террористик гурух, ташкилот ва террорчиларни молиялаштириш;
- террористик ҳаракатни тайёрлаш ва содир этишга амалий ёрдам бериш.

Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Конунига мувофиқ, террорчилек фаолияти – террорчилек ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилек ҳаракатига ундашдан, террорчилек ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият ҳисобланади.

*M : 1. Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Конуни. 2. Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ». URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**ТОЛИБОН ҲАРАКАТИ** (араб. طالبان اسلامی غورخنگ, пушту. طالبان, толиблар, мадраса ўкувчилари) – ультраконсерватив диний-сиёсий

ҳаракат. 1990-йилларнинг бошида Афғонистонда собиқ Совет Иттифоқи ҳарбий кучларига қарши тўқнашувларда иштирок этган пуштун миллатига мансуб жангариilar ва Покистоннинг Шимоли-гарбий чегара вилоятида (2010 йилдан – Хайбар-Пахтунхва) жойлашган афғон қочқинларининг фарзандларига мўлжалланган мадраса ўқувчилари асосида шаклланган. Ҳаракат етакчиси афғонистонлик пуштун Муҳаммад Умар (1962 й.т.) ҳисобланади. Толибон раҳбарларининг кўпчилиги деобандия мадрасаларини тутгатганлар.

Ҳаракат аъзоларининг асосий қисмини пуштунлар ташкил этади. Толибон ҳаракатининг низоми – «Лайеха» – пуштун қабилаларининг орномус кодекси саналадиган «Пуштунвали» асосида тайёрланган. У ислом таълимотини ультраконсерватив тарзда талқин этиш асосида ёзилган. Толибон ҳаракати пуштунларнинг «бадал» (ўч олиш), «мелмастия» (мехмондорчилик, меҳмонни қабул қилиш, овқат ва жой бериш, уни муҳофаза қилиш), «ҳамсоя» (кўшни қабила билан ҳамкорлик, муҳофаза ёки маҳсулот эвазига муайян хизмат кўрсатиш) каби урф-одатларидан жангариilar ёллаш, яшириниш, биргалашиб ҳужум уюштириш каби йўналишларда самарали фойдаланиб келмоқдалар.

Ташкилотнинг бош мақсади – Афғонистон ва Покистон худудида ислом амирлигини барпо этиш саналади. Маълумотларга кўра, Толибон вужудга келган вақтда Покистон томонидан қўллаб-кувватланган. 1994 йилда Толибон «тинчлик, тартиб ва қонунчиликни тиклаш, ахолини куролсизлантириш ва шариатни жорий қилиш» шиорлари остида Афғонистон президенти Бурҳониддин Раббонийга содик ҳукумат қўшинлари ва бошқа қуролли тузилмаларга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаган. Толибон жангариilar оқ кийим ва қора салла кийиш билан ажralиб турган. Қандаҳор Толибоннинг марказига айланган. 1996 йилнинг мартаиди Муҳаммад Умар Афғонистон ислом амирлиги диний раҳбари, деб эълон қилинган. 1996 йили Толибон Қобулни эгаллаган. 2001 йилнинг октябрига қадар Толибон мамлакатнинг 90 фоиз худудини ўз назоратига олган. Фақат мамлакатнинг шимолий худудлари «Шимолий алъянс» номи билан танилган маҳаллий ўзбек, тожик ва ҳазари миллатларига мансуб фуқаролардан иборат қуролли тузилмалар қўлида қолган.

Толибон ҳукуматида олий орган сифатида 40 кишилик Шўро, турли соҳалар бўйича вазирликлар ташкил этилган. Шариатга асосланган қонунчилик жорий қилинган. Жумладан, маҳсус

ҳарбийлашган хизмат – «шариат миришаблари» фуқароларнинг диний амалларни тўлақонли бажаришини назорат килган. Толибон томонидан телевидение, мусиқа, театр, тасвирий санъат, Интернет, шахмат, спиртли ичимликлар, оқ – пойабзал кийиш (оқ – Толибон ҳаракати ранги ҳисобланади) ман этилган. Эркакларга соқол кўйиш мажбурий ҳисобланган. Аёллар маҳрамсиз кўчада юриши, кизларнинг билим олиши ман этилган. Юзни тўсувчи никоб мажбурий саналган. 2001 йили мамлакатда аёл-қизларнинг фақат 1 фоизи мадрасаларда ўқиган. 2001 йил 26 февралда Муҳаммад Умар Афғонистондаги исломга қадар маданиятларга тегишли барча тарихий обьектларни йўқ килиш ҳақида буйруқ берган. Март ойида толиблар Бамиан тоғида тошлардан ўйиб ишланган, III ва VI асрларга мансуб Будда ҳайкалларини портлатиб юборгандар.

1996 йилдан Толибон У.Лодин етакчилигидаги «Ал-Қоида» ташкилотига мамлакатда паноҳ берган. Толибон ва «Ал-Қоида» турли диний-экстремистик гурухлар билан ҳамкорликда Афғонистонда кенг тармоқланган жангарилар тайёрлаш инфраструктурасини ташкил этган. Тайёргарликдан ўтган жангарилар Кавказ, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё, Якин Шарқ, Кашмир, Шимолий Африка каби ҳудудларда жойлашган мамлакатларга юборилган. Ҳаракатнинг молиявий манбасининг асосини гиёхванд моддалар савдоси, контрабанда ташкил этган. Толиблар кўкнори етиштирувчиларга 10 фоиз, опиум ва бошқа гиёхванд модда тайёрловчиларга 20 фоиз «солиқ» согланилар.

1996–2001-йилларда Афғонистонда (Афғонистон ислом амирлиги) ҳокимият тепасида турган. Ўша даврда Толибон ҳукумати Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон ва Саудия Арабистони томонидан тан олинган.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ маъмурияти Толибон ҳукуматига «Ал-Қоида» етакчиларини топшириш ҳақида шарт кўйган. Толибон раҳбарияти уни рад этган. Халқаро ҳарбий кучлар – ISAF томонидан «Шимолий алъянс» билан ҳамкорликда аксилтеррористик операцияни бошлагандан сўнг, Толибон ҳаракати бошқа террористик гурухлар билан афғон-покистон чегарасидаги тоғли ҳудудларга чекинган.

Ташкилотнинг штаб-квартираси Белужистон вилоятининг пойтахти Кветтада жойлашган деб тахмин қилинади. Шунинг учун Толибон олий органи «Толибларнинг Кветта шўроси» (Quetta

Shura-e Taliban) деб ҳам номланади. Амалда сиёсий-харбий ҳокимият кўпроқ «фронт ўролари» кўлида хисобланади. «Фронт ўролари» Афғонистонни фаолият ҳудудларига бўлиб олганлар: жануби-гарбда «Герди-Жантал шўроси» (раҳбари – мулла Абдул Қаюм Зокир), шарқда «Мирамшоҳ шўроси» (Сирай ва Бадриддин Ҳаққоний) ҳамда жануби-шарқда «Пешавор шўроси» (Абдул Латиф Мансур). Асосий молиявий манбаларни гиёҳванд моддалар савдоси, тадбиркорларга солинган «соликлар», шунингдек, Покистон ва араб мамлакатларидағи ҳомийлар томонидан бериладиган маблағлар ташкил этади.

2003 йилдан Толибон секин-аста фаоллашиб, партизан уруши олиб боришга ўтган. Ҳудкуш-террорчилик амалиёти кенг кўлана бошланган. Ҳозирга келиб эса, Толибон Афғонистоннинг кўп вилоятларида ўзларининг мавқеларини деярли тўлиқ қайта тикладилар.

Ушбу даврда покистонлик толибларнинг мустақил гурухлари шаклланган. 2000 йил ўрталарида улар Федерал бошқариладиган қабилалар ҳудудининг аксарият қисмida ҳокимиятни маҳаллий қабила етакчиларидан тортиб олиб, ўз назоратларини ўрнатганлар. 2006 йил 14 февраль куни Шимолий Вазиристон ҳудудида Вазиристон ислом амирлиги барпо этилгани эълон қилинган. Ҳудудда шариат жорий қилинган. 2007 йил 17 декабря Покистон толибон гурухлари бирлашиб, «Покистон толибон ҳаракати» (Tehrik-i-Taliban Pakistan, ТТП) тузилган. Ҳаракатга Жанубий Вазиристон ахолисининг кўпчилигини ташкил қилувчи Мақсуд қабиласи етакчиси Байтулло Мақсуд раҳбар этиб тайинланган. ФАТА таркибидаги агентликлар, чегара минтақалар, шунингдек, Покистоннинг бошқа ҳудудларидан тайинланган вакиллардан иборат Шўро тузилган. ТТП Покистон ҳукуматини асосий душманларидан бири ҳисоблайди.

2009 йили ТТП ва пуштунларнинг Афғон-Покистон чегарасининг иккала томонида ҳам истиқомат қиласидиган йирик Амадзай Вазир қабиласига мансуб икки Толибон гурухи – Мавлоно Назир (Вана) ва Ҳофиз Гул Баҳодир (Мироншоҳ) билан бирлашиб, «Мужоҳидларнинг бирлашган шўроси» (Shura Ittehadul Mujahideen) ни тузган. Бирлашган кучлар ёрдамида Мавлоно Файзулло (лақаби «Радио Мулла», ман этилган «Tehreek-e-Nafaz-e-Shariat-e-Mohammadi» ташкилот етакчиси) етакчилигига толиблар Шимоли-гарбий чегара вилояти ҳудудидаги Сват водийсида диний бошқарувни жорий қилган. Ҳудудда маданият объектлари, мактаблар ёқиб юборилган. Мусиқа, кино ман этилган.

Кейинчалик Толибон отрядлари Покистон армиясига қарши бир неча йирик террористик ҳаракатлар содир этиб, Бунер округига ҳужум уюштирган. Шундан сўнг Покистон ҳарбий кучлари кенг кўламли операция ўтказиб, Сват ва Бунердан Толибонни ҳайдаб чиқарган. Айни вақтда Федерал бошқариладиган қабилалар худудида Толибонга қарши контртеррористик операциялар авж олган. 2009 йилнинг августида Б.Мақсад АҚШнинг дрон самолёти томонидан берилган зарба натижасида ўлдирилган. Унинг ўрнига Ҳакимулло Мақсад тайинланган. 2013 йилнинг ноябрь ойида Ҳ.Мақсад дрон ҳужуми вақти ўлдирилгандан сўнг ТТПга Мавлоно Файзулло раҳбар этиб сайланган.

Таъкидлаш жоизки, Толибон ҳаракати яхлит тизим бўлмай, унинг ичидаги қабилавий, сиёсий манфаатлардан келиб чиқсан ички зиддият ва қарама-қаршиликлар мавжуд. 2011 йили ФАТА таркибидаги Куррам қабила агентлиги худудида фаолият юритувчи Ж.Ҳакқоний етакчилигидаги «Ҳакқоний тизими» номи билан аталувчи Толибон гурухи ТТПдан ажраб чиқиб, янги – «Техрике талибан ислами Пакистан» ташкилот тузганини эълон қилган. «Ҳакқоний тизими» асосини гильзойлар конфедерациясига кирувчи задран қабиласига мансуб пуштуналар ташкил этади. Ушбу қабила Афғонистонда Спера (Хост), Задран (Пактия) и Гаён (Пактика) худудларида истиқомат қилади. Ташкилот Афғонистонда амалга оширилган энг йирик террорчилик ҳаракатларига жавобгар ҳисобланади. АҚШ доимий равишда Покистоннинг Идоралараро разведкасини (ISI) яширинча «Ҳакқоний тизими»ни кўллаб келишда айблайди.

Ҳозирги кунда афғон ва Покистон толибони Афғонистон ва Покистон худудларида барқарорликни издан чиқаришга қаратилган фаол террористик ҳаракатларини олиб бормоқдалар. Бундан ташқари, айrim Толибон гурӯҳлари Суриядаги мухолифат томонида туриб ҳукуматга қарши ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмоқдалар. Мутахассислар томонидан 2010 йилда Толибон жангариларининг сони 27 мингта, деб баҳоланган. Толибоннинг асосий молиявий манбалари – рэкет, гиёҳванд моддалар савдоси, контрабанда буюмлар савдоси, ишончли шахслар бошқарувчи легал бизнес ҳисобланади. Террористик ҳаракатлар учун нафақат ҳукумат идоралари ва ҳарбий обьектлар, балки шиалар ва Толибонга қўшилмаган суннийлар, мактаблар, масжидлар, черковлар, тибиёт пунктлари, кинотеатрлар, аҳоли гавжум бўлган жойлар нишон бўлмоқда. Курбонларнинг аксариятини оддий фуқаролар, шу жумладан,

аёллар ва болалар ташкил этади. Масалан, 2013 йилнинг июнь ойида Талибон жангарилиари Афғонистоннинг Қандаҳор вилоятида 16 ва 10 ёшли икки болани жосуслиқда айблаб қатл қилганлар. 2013 йилнинг 22 сентябрь куни Покистоннинг Пешавор шаҳрида жойлашган «Барча авлиёлар» номли протестантлар черковида икки ҳудкүш террорчи амалга оширган террористик ҳаракат оқибатида 80 дан зиёд одам ҳалок бўлган.

БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан Талибон ҳаракатига қарши қатор (1267, 1333, 1390, 1455, 1617) қарорлар қабул қилинган. 1999 йили Хавфсизлик кенгаши томонидан Талибон ҳаракати ва «Ал-Қоїда»га қарши санкциялар кўллаш кўмитаси тузилган.

Шу билан бирга, 2014 йили Афғонистондан АҚШ етакчилигидағи тинчликни сақловчи иттифоқчи кучларнинг чиқиб кетиши муносабати билан Афғонистон ҳукумати ва бошқа айрим мамлакатлар Талибон билан музокаралар олиб бориб, сулҳ орқали Афғонистонда тинчликни ўрнатишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунингдек, 2013 йил май ойида Покистонда бўлиб ўтган парламент сайловларида «Мусульман лигаси (Н)» партияси ғолиб чиққанидан сўнг бош вазир этиб сайланган Навоз Шариф мамлакатдаги куролли тўқнашувларга чек қўйиш максадида Талибон ҳаракати билан музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиқкан.

Марказий Осиё республикалари учун Талибон ҳаракатининг таҳди迪 ушбу ташкилотнинг «Туркистон ислом ҳаракати», «Ислом жиҳоди иттиҳоди» каби жиҳодий жамоалар билан яқин иттифоқчи сифатида фаолият юритиши, мазкур гурухларга ҳар томонлама ёрдам бериб келаётганида намоён бўлмокда. Талибон ҳаракати Тожикистон (30.03.2006), Киргизистон (15.09.2006), Қозогистон (15.03.2005), шунингдек, Россия (14.02.2003)да террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритилган.

*M : 1. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Талибан>. 2. Сайт «РИА Новости». URL: <http://ria.ru/spravka/20110523/378564224.html>. 3. Сайт «Lenta.ru», URL: <http://lenta.ru/lib/14162689/full.htm>. 3. Сайт «PATC ШОС». URL: [http://www.ecrats.com/ru/terrorist\\_organizations/1681](http://www.ecrats.com/ru/terrorist_organizations/1681). 4. Сайт ИЦ Agentura.Ru. URL: <http://www.agentura.ru/dossier/pakistan/taliban/>. 5. Сайт «Центразия.Py». URL: <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1314082200>. 6. Military Review, May-June 2008, pp 58–73, URL: [http://unhcr.org.ua/img/uploads/docs/Taliban\\_organ%20analysis\\_Military%20review\\_May-June%202008\\_2.pdf](http://unhcr.org.ua/img/uploads/docs/Taliban_organ%20analysis_Military%20review_May-June%202008_2.pdf). 7.*

*Сайт «Constitutions.ru». URL: <http://constitutions.ru/archives/9107>. 8. Сайт «TCH.ua». URL: <http://ru.tsn.ua/svit/taliby-obezglavili-golovy-podrostkam-za-ostatki-edy-309270.html>. 9. Электронная газета «Коммерсант», 16.10.2013. 8. Сайт «ЦентрАзия», URL: <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1383415380>.*

**УММА** (араб., ўзбек тилида унинг «уммат» шакли тарқалган – маълум динга эътиқод қилувчилар жамоаси) – Мухаммад пайғамбарга эргашган ва ислом динини қабул қилган кишилар жамоаси. Шу сабабли Мухаммад уммати дейилганда ана шу жамоа аъзолари тушунилган. Ҳозир уммат умуман мусулмонлар жамоати мазмунида талқин этилади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 239 б.*

**УМРА** – ислом таълимотида Қуръон ояти ва Мухаммад пайғамбар суннатлари билан анъанага айланган амал. Умрани йил давомида бажариш мумкин. Умранинг иккита фарзи бор: эҳром ва Къабани тавоф қилиш. Бир киши Маккага борганда бир неча бор ўзи ва яқинларига умра қилиши мумкин. Бунинг учун кимга умра қилинаётган бўлса, ўша кишига ният килиб эҳром кийилади.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 241 б.*

**ФЛЕШМОБ** (ингл. Flashmob – бир зумда оломон) – бир гурух одамларнинг олдиндан келишган ҳолда бир ерга тўсатдан жам бўлиб, муайян тадбирни амалга ошириши ва тезликда тарқаб кетиши. Флешмоб тадбирлар одатда муайян ғоялар остида бирлашган ёшлар томонидан кўқкисдан ўтказилади. Флешмоб-технологиялар экстремистик ва деструктив кучлар учун қуидаги жиҳатлари билан жозибали саналади:

– флешмоб тадбирларни ташкил этиш ҳали кўпчилик давлатларда қонун йўли билан ман этилмаган;

– флешмоб тадбирларни юқори даражада яширин ташкил этиш ва ташкилотчиларнинг назардан четда қолиш имкони мавжудлиги;

– оломонга руҳий таъсир ўтказиш орқали оддий мақсадда ташкил этилган флешмоб тадбирни тартибсизликлар келтириб чиқаришга айлантириб юбориш мумкин экани;

– флешмоб тадбирларнинг асосий иштирокчиларини ҳали ҳаётий тажрибаси кам, қадриятлар тизими тўлиқ шаклланмаган ёшлар ташкил этиши, уларни алдов билан ноконуний фаолиятга йўналтириш эҳтимоли баланд экани;

— ҳозирга келиб, флешмоб тадбирлар турли мамлакатларда тажрибадан ўтказилиб, оммавий тартибсизликлар келтириб чиқаришда синаланган усуслардан бирига айлангани.

*M : 1. Тинчлик ва осойишталиқ – олий неъмат / масъул муҳаррир Абдулазиз Мансур /. – Тошкент : «Movarounnahr», 2013. 106-бет. 2. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Флешмоб>*

**ФИЛИОКВЕ** (лотин. ўғилдан ҳам) – дастлаб маҳаллий католик черкови раҳбарларининг 3-Толед соборида (589 йили) тилга олинган ва 12-Толед соборида (681 йил) христианлик эътиқод баёнига киритилган қўшимча. Унга кўра, муқаддас рух худо-ота билан бир қаторда худо-ӯғилдан ҳам таралади. 1045 йил католицизмда ақида сифатида қабул қилинган. Православлар филиоквени рад этади. Протестантлар Никея ва Константинополь Соборларида қабул қилинган эътиқод баёнларини тан олиб, филиокве масаласини муҳокама қўлмайдилар.

*M : Миронов О. Словарь религиозных терминов. – Воронеж : «Воронеж», 2002. – С. 39.*

**ХАЛИФА** (араб. – кейин келувчи, ўринбосар, ноиб) – илк исломда жамоа ҳаётини шариат бўйича тартибга солиш ва бошқариш учун сайлаб қўйилган мусулмон жамоаси раҳбари. Муҳаммад пайғамбарнинг энг яқин сафдошлари Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб дастлабки халифалар бўлган. Улар «хулафои рошидун», яъни тўғри йўлдан борувчи халифалар деб аталганлар. Али ибн Абу Толиб ва Муовия ўртасидаги кураш даврида мусулмон жамоасининг бўлиниши содир бўлган, Али ибн Абу Толиб тарафдорлари кейинчалик шиаликка асос солганлар. Улар мусулмон жамоасида ҳокимият факат Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодларига тегишли бўлиши лозим деб ҳисоблаганлар. Халифа унвонини шиалар тан олмайдилар. Али ибн Абу Толибни дастлаб қўллаб-куvvatлаганлар ичидан ажраб чиқсан хорижийлар халифани сайлаш тамойилини қатъий ҳимоя қилганлар. Суннийликни ташкил этган мусулмонлар жамоасининг аксарият қисми умавийлар сулоласидан бўлган халифаларни ёқлаб чиқсан.

VIII асрлар ўртасида ҳокимият тепасига аббосийлар сулоласи келган. Кейинги даврларда халифалар қўпроқ мусулмонларнинг диний раҳбари сифатида кўрилиб, сиёсий хукумат амалда сultonлар қўлига ўтган. XIII асрда Бағдод мўгуллар томонидан босиб олингач, халифа Қоҳирага қочган. XVI асрда турк сultonлари ўзларини халифа

деб атай бошлаганлар. Ушбу холат 1924 йилга қадар, яъни Усмонийлар салтанати тугагунча давом этган.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 256 б. 2. Ислам: Энциклопедический словарь.– М. : Наука, 1991. – С. 213, 268.*

**ХОРИЖИЙЛАР** (араб. – ажралиб чиққан, исёнчи) – исломдаги илк оқим тарафдорлари. Халифа Али ибн Абу Толиб билан умавийлар ўртасидаги кураш давомида 657 йилда вужудга келган. Тахт учун курашда Али ибн Абу Толиб Муовия тарафдорлари (умавийлар) билан музокара олиб боришига кўнглан. Бу ҳол халифа Али ҳақиқий ворислик хукукига эга, деб ҳисоблаган тарафдорларининг ўртасида норозилик туғдирган. Кўшиннинг бир кисми Алини келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб кетган ва кейинчалик Алига ҳам, умавийларга ҳам қарши кураш бошлаган.

Хорижийлар таълимотига кўра, халифа диний жамоа томонидан сайланади ва жамоага бўйсунади. Ҳар қандай такводор мусулмон халифа бўлиб сайланishi мумкин, ҳошимийлар авлодидан бўлиши шарт эмас. Агар халифа жамоа манфаатларини химоя қилмаса, вазифасидан бўшатилиши ва қатл этилиши мумкин. Эътиқод амалий фаолият билан мустаҳкамланиши лозим. Хорижийлар ўзлари «диндан қайтган», деб эълон қилган сиёсий рақиблари ва уларнинг наздида эътиқод масаласида сусткаш бўлган оддий мусулмонларга нисбатан ўта муросасиз бўлган. Оғир гуноҳ қилган мусулмонларни кофирга чиқариб, уларга қарши куролли жиҳод олиб борганлар.

Кейинчалик хорижийлар азракийлар, ибодийлар, суфритлар каби бир неча гурухларга бўлинниб кетган. Умавий ва аббосий халифалар VII-IX асрларда хорижийларга қарши кескин кураш олиб борганлар. Хорижийлар халифаликдаги кўпгина қўзғолонлар (Зинжийлар қўзғолони, Абу Муслим қўзғолони ва ҳ.к.)да қатнашганлар. Ҳозир хорижийнинг ибодийлар фирмаси мағриб мамлакатларида (Жазоир, Ливия, Тунис ва ҳ.к.), Уммон ва Танзанияда учрайди.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 260 б. 2. Ислам: Энциклопедический словарь.– М. : Наука, 1991. – С. 260.*

**ХРИСТИАН БАЙРАМЛАРИ** – христиан таълимотининг муҳим таркибий қисми. Христианлар учун аҳамиятли черков тантаналари, Библияда келтирилган ва бошқа тарихий воқеаларни

нишонлаш билан боғлиқ. Шартли равища умумхристиан ва алоҳида конфессионал байрамларга бўлиш мумкин. Умумхристиан байрамлари христианликнинг илк асрларида жорий бўлган. Улар қаторида Пасха ва Рождество байрамларини қайд этиш мумкин.

*М : Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 231.*

**ЦЕЛИБАТ** – (лат. caelebs – уйланмаган) – христианликнинг айрим конфессияларида шарт ҳисобланган диний мотивлар билан уйланмаслик. Ушбу конфессиялардаги тасаввурларга кўра, уйланмаган одам Худо йўлига ўзини тўла-тўкис баҳшида этиши мумкин. Католикларда целибат Папа Григорий VII томонидан таҳминан 1015 ва 1020–1085-йиллар оралиғида киритилган ҳамда ҳозирги Каноник ҳуқуқ кодексида (*Codex Iuris Canonici*) қайд этилган. Православларда фақат монахлар (қора рухонийлар) целибатга риоя этиб, оқ рухонийлар оила қуришлари мумкин. Протестантларда рухонийлар оила қуриши мумкин.

*М : Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 278–279.*

**ЧЕРКОВ** – (грек. κυριακός – мансублик, κυρίος – ҳокимият; оқиа – уй, εκκλησία – йигин) – 1) диний ўюшма турларидан бири бўлиб, ягона диний йўналиш асосида христианларни бирлаштирувчи ташкилот ҳисобланади. Масалан, Рим католик черкови, Православ черкови, Англикан черкови, Лютеран черкови ва ҳ.к. Черков христиан диний таълимотининг асосий ва иккиласми ақидаларининг барчасини тўла-тўкис тан олади. Черков учун муайян доктринал диний таълимот, доимий анъаналарга риоя этиш, иерархия шаклидаги бошқарув, диний уламолар табақасининг мавжуд экани хос саналади. Черковлар одатда маҳаллий (муайян давлат ёки минтақа чегараларида бирлашган) ва бутунжаҳон (маҳаллий черковлар мажмуи) даражаларига бўлинади.

2) Тор маънода черков христиан диндорлари ибодат ва бошқа диний маросимларини ўтказадиган, меҳроб ва қавм учун жойга эга бўлган бинони англатади.

*М : 1. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 269. 2. Миронов О. Словарь религиозных терминов. – Воронеж : «Воронеж», 2002. – С. 40. Зеленков М. Ю. Мировые религии: история*

*и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 240.*

**ЧҮҚИНТИРИШ** – христианликдаги сирли маросимлардан бири. Гүдакларни ёки катта ўшдагиларни сувга уч бор ботириб олиш ёки сув сепиш оркали амалга оширилади. Чүқинтиришда одам гуноҳлардан халос бўлади ва маънавий-рухий жиҳатдан кайта туғилган ҳисобланади. Христиан динини қабул қилган шахс (прозелит) нинг чўқинтирилиши мажбурий саналади.

*М : Миронов О. Словарь религиозных терминов. – Воронеж : «Воронеж», 2002. – С. 39.*

**ШАРИАТ** (араб. – тўғри йўл) – ислом таълимотида диний ҳукук тизими. Соф ҳукукий масалалардан ташқари ахлокий нормалар ва амалий диний талабларга ҳам қонун туси берилган. Ислом назариётчилари бир неча аср давомида шариат қонунларини ишлаб чиққанлар. Шариатга асос қилиб Қуръон, сунна, кейинчалик ижмо ва қиёс олинган. Суннийлик ва шиалик шариат тизимида муаяян тафовутлар бор. Суннийликда тўрттала мазҳабнинг, шиаликда эса жаъфария мазҳабининг ўзига хос ҳукукий тизимлари мавжуд. Шариатда давлат ҳукуки, мажбурият, мерос, жиноят, жазо, оила-никоҳ ҳукуклари, суд юритиш, васийлик каби кўрсатмалари берилган.

Ислом давлатларида оиласвий – никоҳ, талок, нафақа каби масалаларда ва меросда шариатга тўлиқ ёки кисман амал қилинади. Мовароуннаҳр ҳанафийлик мазҳабининг марказларидан бўлиб, шу ерлик ҳалкларнинг ҳукукий тизими шариат тамойиллари ва қоидалари асосида яратилган. Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя», Убайдуллоҳ ибн Маъсұднинг «Мухтасар» сингари китоблари мусулмон давлатларида машҳур бўлган. Улар ўз асарларида айрим ҳукукий меъёрларни маҳаллий шароитга мослаштиришга интилганлар.

Мустақиллик даврида диндорлар намоз, рўза, ҳаж каби шаръий амалларни бемалол амалга ошириш имконига эга бўлдилар.

*М : Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 267–268 б.*

**ШАРИАТ КАТЕГОРИЯЛАРИ** – ислом таълимотида мусулмон одамнинг хатти-ҳаракатларининг шариатга кўра маъқулланиш ёки маъқулланмаслиги нуқтаи назаридан таснифланиши. Даставвал хатти-ҳаракатлар ҳалол ва ҳаромга ажратилган. Кейинчалик шариат

тұлға шаклланғанидан сүнг бешта категория вужудга келган: фарз – бажарилиши қатый мажбурий бүлгап хатти-харакатлар (Қуръонда күрсатилған, ислом нұқтаи назарида Аллох күрсатмалари деб ҳисобланған диний зерткіздік, маросим, урф-одат талаблари, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар); мандуб (суннат) – мажбурий эмас, лекин маъкул, лозим деб ҳисобланған; мубох (жоиз) – ихтиёрий; макрух – номаъкул; ҳаром – қатый равишда тақиқланған хатти-харакатлар.

*М : Ислам: Энциклопедический словарь.– М. : Наука, 1991. – С. 153, 158, 167, 252, 274.*

**ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН ИСЛОМ ХАРАКАТИ** (ШТИХ, бошқа номлари – Туркистон ислом партияси, Шарқий Туркистон ислом партияси, Шинжон ислом партияси, Аллох партияси, Шимолий Туркистон халқлари инқилоб фронти) – халқаро террористик ташкилот. Таркибининг асосини үйғурлар ташкил этади. Ташкилот 1993 йилда тузилиб, тез парчаланиб кетган. 1997 йили Айса Махсум (Ҳасан Жундуллох) исмли шахс етакчилигига қайта тикланған. 2003 йил декабрида Хитой Халқ Республикасининг Жамоат хавфсизлиги вазирлиги томонидан чоп этилған террористик ташкилотлар рўй-хатига киритилған.

Ташкилот аввал бош мақсад сифатида Шинжон-үйғур автоном районида (ШУАР) мустақил «Шимолий Туркистон ислом давлати» барпо этишни илгари сурган. 2003 йил А.Махсум Афғонистонда ўлдирилған. 2004–2005- йилларда ташкилот Туркистон ислом партияси сифатида қайта шаклланиб, «Ал-Қоида» низомини қабул қылған ҳамда халқаро миёсдаги иддаоларини илгари сура бошлаган. Жумладан, 2013 йил февраль ойида ШТИХнинг араб тилида чоп этилған «Исломий Туркистон» онлайн-журналида асосий вазифалар сифатида гүёки Туркистонда мусулмонларни тұғри исломий йўлга солиш ва шариат жорий қилиш, мінтақада ва бошқа худудларда жиҳодий жамоалар билан ҳамкорлик қилиш ва коғирлар билан курашиш қайд этилған. ШТИХнинг кўп йиллик собиқ етакчиси Абдул Шакур ал-Туркистоний «Ал-Қоида» ташкилотининг дала қўмондонларидан бири бўлиб, 2012 йили Покистон ҳудудида дрон ҳужуми вақтида ўлдирилған. Ҳозирги ҳарбий-сиёсий раҳбари номаълум.

Ташкилот ШУАР ҳудудида яширин бўлинмалар орқали қўпорувчилик ва тарбибот-ташвиқот ишлари олиб боради. «Ал-Қоида»,

Толибон ҳаракати, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» билан мустаҳкам алоқаларга эга. Ташкилотнинг кўп сонли жангарилари Афғонистон ва Покистонда жанговор тайёргарликдан ўтган. Эвазига жангарилар ушбу ҳудудларда террорчилик ҳаракатларида фаол иштирок этиб келмокда. Молиявий манбалари жиноий фаолият орқали топилган маблағлар, хайрия, «Ал-Қоида», Толибон ҳаракатидан бериладиган кўмак ва ҳ.к. ҳисобланади.

1999 йили ШТИХ жангарилари Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудига Ўзбекистон ислом ҳаракати томонидан уюштирилган ҳужумларда иштирок этганлар. 1998–2000-йилларда ташкилот жангарилари Қирғизистон ҳудудида бир неча жиноят содир этганлар. Жумладан, маҳаллий уйғур жамоаси етакчиси ўлдирилган, ШУАР ҳукумат делегацияси аъзоларига сунқасд қилинган. 2006 йили Қозогистонда ташкилотнинг 9 кишидан иборат жамоатининг фаолиятига чек қўйилган. 2011 йилнинг 30-31 июль кунлари Кашкарда ташкилотнинг бир неча жангарилари ШУАР ҳудудида жойлашган портлатиш, хитой (хан) миллатига мансуб фуқароларга ҳужум уюштириш усуллари билан қатор якка тартибдаги террорчилик ҳаракатларини содир этганлар. Оқибатда 10дан зиёд фуқаро ҳалок бўлиб, 40дан ортиғи ярадор бўлган. 2011 йил 28 декабрда жангарилар Гум шаҳрида одамларни гаровга олган бўлса, 2012 йил 28 февраль куни Кашкарда террорчилик ҳаракати содир этганлар.

Умуман, ташкилот 162 одам ҳалок бўлган ва 400дан зиёди ярадор бўлган, 200дан ортиқ террорчилик ҳаракатларини амалга оширганини тан олган. 2007 йили ШТИХ жангариларининг сони 200 га яқин, деб баҳоланганди.

ШТИХ фаолияти Марказий Осиё минтақаси учун, айниқса, Қозогистон ва Кирғизистоннинг Хитой билан чегарадош ҳудудлари учун таҳдид ҳисобланади. Ташкилот Тожикистон (30.03.2006), Кирғизистон (21.11.2003), Қозогистон (15.10.2004, Туркистон ислом партияси номи остида – 17.11.2006)да террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган.

*M : 1. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламское\\_движение\\_Восточного\\_Туркестана](http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламское_движение_Восточного_Туркестана) 2. Сайт «PATC ШОС». URL: [http://www.ecrats.com/ru/terrorist\\_organizations/1685](http://www.ecrats.com/ru/terrorist_organizations/1685). 3. Сайт «Xapaktepuctku.net». URL: [http://www.xapaktepuctku.net/?category=people&altname=islamskoe\\_dvizhenie\\_vostochnoho\\_turkestana](http://www.xapaktepuctku.net/?category=people&altname=islamskoe_dvizhenie_vostochnoho_turkestana).*

4. Сайт «*Vesti.uz*». 13.07.2013. 5. Сайт «Агентство Республики Казахстан по делам религий». URL: [http://www.din.gov.kz/rus/press-sluzhba/spisok\\_terroristicheskix\\_ijk/](http://www.din.gov.kz/rus/press-sluzhba/spisok_terroristicheskix_ijk/).

**«ШАРҚЙ ТУРКИСТОННИ ОЗОД ЭТИШ ТАШКИЛОТИ»** (ШТОЭТ, иккинчи номи – Шарқй Туркистон халқ партияси) – Шарқй Туркистонда фаолият күрсатувчи террористик ташкилот. 1996 йили (баъзи манбаларда 1994 й.) Маметин Азлет (Ҳазрат) исмли шахс томонидан асос солинган. 2003 йил декабрида Хитой Халқ Республикасининг Жамоат хавфсизлиги вазирлиги томонидан чоп этилган террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган. Ташкилотнинг бош мақсади Шинжон-уйғур автоном районида мустақил давлат тузиш ҳисобланади.

ШТОЭТ Хитойда, ҳусусан, Шинжон-уйғур автоном районида содир этилган қатор террорчиллик ҳаракатларига алоқадор ҳисобланади. Амалий фаолияти Марказий Осиёнинг айрим республикаларида ҳам мавжуд бўлиб, курол сотиб олиш ва ШУАРга контрабанда йўли билан киритиш, уйғурлар ичида сепаратистик тарғибот ўтказиш, ташкилотга янги аъзоларни ёллаб, уларни хориждаги жангарилар тайёрлаш лагерларига юбориш кабиларга асосланган. Ташкилотнинг молиявий асосини босқинчилик асосида топилган маблағлар, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ савдоси ташкил этади.

ШТОЭТ «Ал-Қоида» ва Толибон ҳаракати билан ҳамкорликда Афғонистон ва Покистон худудида ўз жангариларини мафкуравий, услугубий ва тактик тайёргарликдан ўтказади. Жангарилар ушбу мамлакатларда амалга оширилаётган террорчиллик ҳаракатларида иштирок этади. 1998 йилнинг март ойида ШТОЭТ ва Шимолий Туркистон ислом ҳаракати кўшма баёнот имзолаб, «Шимолий Туркистон мужоҳидлари уюшмаси»ни тузганлар.

2002 йил 29 июнь куни ташкилот жангариси томонидан Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ХХР элчихонаси ходими отиб ўлдирилган. Қозоғистон худудида ШТИҲ айрим фуқаролар ичида тарғибот ишлари олиб бориш, Хитойдан келган тадбиркорларга нисбатан рэкет қўллаш, курол савдоси каби ноқонуний фаолият билан шуғуллангани кузатилган.

ШТОЭТ Ўзбекистон ислом ҳаракати билан яқин иттифоқчилик алоқаларига эга. Ташкилот Қирғизистон (21.11.2003) ва Қозоғистон (17.11.2006)да террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган.

*M : 1. Сайт «Википедия», URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Организация\\_освобождения\\_Восточного\\_Туркестана](http://ru.wikipedia.org/wiki/Организация_освобождения_Восточного_Туркестана) 2. Сайт «PATC*

*ШОС*. URL: [http://www.ecrats.com/ru/terrorist\\_organizations/1680](http://www.ecrats.com/ru/terrorist_organizations/1680). 3. Сайт «Агентство Республики Казахстан по делам религий» URL: [http://www.din.gov.kz/rus/press-sluzhba/spisok\\_terroristicheskix\\_i\\_jek/](http://www.din.gov.kz/rus/press-sluzhba/spisok_terroristicheskix_i_jek/).

**ШАХИД** (араб. شهيد – гувох) – ислом динида ҳак йўлда ҳалок бўлган ва жаннатта кириши шаҳодат (ваъда) қилинган мусулмон ҳисобланади. Муҳаммад пайғамбардан ривоят қилинган ҳадисда вабодан ўлган, қорин оғриғидан ўлган, гарқ бўлган, вайронада қолиши билан ўлим топган кишилар ҳам шаҳид бўлиши айтилган. Ислом манбаларида бундай одам «хўжмий шаҳид» саналади.

Эътиқод йўлида ҳалок бўлганларга жаннатда жой ҳозирлаб қўйилиши, унинг худога яқин инсон бўлиши ғоялари диний-экстремистик оқимлар томонидан жангариларни маънавий-руҳий илҳомлантиришда, айниқса, худкуш террорчилик ҳаракатлари содир этишни ташкил этишда кенг қўлланиб келинмоқда. Бугунги кунда Афғонистон, Ироқ, Покистон, Сурғия каби мамлакатларда ўнлаб ёш ўсмирлар, аёллар террористик гуруҳ даъватчиларининг соҳта алдовларига учиб, ўзларини портлатиб юбормоқдалар.

Аслида, мусулмон одамнинг ўзини-ўзи ўлдириши, айниқса, ўзини портлатиб юбориши гарчи нияти дин йўлида деб эълон қилинса ҳам, шаҳид деб ҳисобланмай, балки «ўз жонига сункасад» деб баҳоланади. Чунки Куръон ва ҳадисларда ўзини ўлдириш қатъиян ман этилган. Худкуш-террорчиликни ёқлаб чиқадиган мутаассиб шахслар саҳобийларнинг айримлари жанг вақтида ўлиши эҳтимоли муқаррар эканини била туриб душман сафига ёриб кирганликларини келтиради. Бироқ ушбу саҳобаларнинг бирортаси ҳам ўзини ўлдирмаганини яширадилар. Муҳаммад пайғамбар ҳатто жанг вақтида ҳам ўзини ўлдиришни ман этган. Ислом таълимотига кўра, худкуш-террорчилар ўзини ва бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлгани учун оғир гуноҳга ботиб, охиратда дўзахда жазоланадилар.

*M : 1. Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – С. 296. 2. Ислом маърифати: аслият ва талқин. Ўқув қўлланма. – Т. : Тошкент ислом университети нашриёти, 2011. – 67–73 б. З. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 2 китоб / Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. 1-китоб. 2829-ҳадис. – Т. : Тошкент ислом университети нашриёти, 2008. – 494 б.*

**ШИАЛИК** (араб. – гуруҳ, тарафдорлар) – исломдаги асосий ўйналишлардан бири. Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг қарийб 8

фоизи шиаликка мансуб ҳисобланади. Шиалик VII аср ўрталарида халифа Али ибн Абу Толиб ҳокимияти тарафдорларидан иборат сиёсий гурух сифатида вужудга келган. VII аср охирларига келиб, Ирок ва Эронда кенг тарқалган ва исломдаги мустакил диний йўналишга айланган. Шиалик даставвал фақат сиёсий ҳаракат сифатида намоён бўлган. Кейинроқ диний ихтилофлар, ақидавий фарқлар вужудга келган.

Шиалар Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодларидан иборат ўникки имом ҳокимиятини тан олиб, даствлабки халифалардан Абу Бакр, Умар ва Усмонни ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олган шахслар сифатида қоралайдилар. 874–878-йиллар орасида 7-9 ёшида бедарак йўколган 12-имом Мұҳаммад ал-Маҳдийни улар «яширинган» ҳисоблади. Охир замон бўлганда унинг қайтиб келиши ва адолат ўрнатишига эътиқод қилинади.

Шиа илоҳиётчилари Куръоннинг мазмунини мажозий талқин килиш йўли билан ўз таълимотларини асослайди. Ҳадислар масаласида эса, улар факат Али ибн Абу Толиб ва унинг тарафдорлари номи билан боғлиқ ҳадисларни тан олган ва шундай ҳадислардан иборат мустакил тўпламлар (ахбор) тузган. Умуман, баъзи ақида ва шариат нормалари, урф-одат ва маросимларда шиалик билан суннийлик ўртасида маълум тафовутлар бор. Уларнинг асосийлари сифатида қўйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Ақида: суннийлар ақидасининг асосини Аллоҳга, фариштларига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, охиратга, қиёматда қайта тирилишга, тақдирга ишониш ташкил қиласи; шиалар тавҳид, адл, нубувват, имомат, қиёматдан иборат бешта ақидага эътиқодқиласи. Булардан тўрттаси – тавҳид, адл (адолат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир ақидаси), нубувват (пайғамбарлик), қиёмат ёки маъод (охират кунининг келиши ва ўлганларнинг тирилиши), асосан, суннийлик таълимоти билан мос тушса, бешинчи ақида, яъни имомат – имомлар ҳокимиятини эътироф этишни имоннинг таркибиға киритиши эса, суннийликка зид экани билан фарқ қиласи.

2. Куръон: суннийлар Куръонни илоҳий ва тўлиқ нозил бўлган деб эътироф этадилар; шиалар ҳам Куръонни илоҳий эканини эътироф этишлари билан бирга айрим ўта мутаассиб руҳдаги оқимлар халифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблади;

3. Ҳадислар тўплами: суннийлар 6 та ҳадислар тўпламини энг ишончлилар қаторига киритадилар: «Сахиҳ ал-Бухорий», «Сахиҳ Муслим», «Сунан Ибн Можа», «Сунан Абу Довуд», «Сунан ат-Термизий», «Сунан ал-Насаиӣ»; шиаларда умум эътироф этилган, Али ибн Абу Толиб ва унинг тарафдорлари номи билан боғлиқ ҳадислардан иборат тўртта тўпламлар (ахбор) мавжуд: «Ал-кофий» (Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Ёқуб ибн Исҳоқ Кулайний Розий), «Ман ла йаҳдуруху ал-факиҳ» (Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Али ибн Ҳусайн ибн Мусо Бобовейх Кумий), «Таҳзиб ал-аҳқом фи шарҳи ал-макнаати лиш-шайх ал-муғид» ва «Ал-истибсor» (Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Ҳасан ибн Али Тусий).

4. Муқаддас жойлар: суннийлар учун Байтуллоҳи (Макка) ҳаж қилиш фарз, «Масжиди Набавия» (Мадина) ва «Ал-Ақсо» (Куддус) масжидларини зиёрат қилиш савобли амал ҳисобланади; шиалар суннийлар каби Макка ва Мадинадан ташқари Карбало, Нажаф шаҳарларида жойлашган шиа имомлари қабрларини ҳам зиёрат қиласдилар.

5. Байрамлар: суннийлар асосий диний байрам сифатида Рӯза ва Қурбон ҳайитларини нишонлайдилар; шиалар юқоридаги икки байрамдан ташқари хижрий тақвим бўйича мұхаррам ойининг ўнинчи куни (Ашуро) имом Ҳусайнга мотам тутиб, шахсей-ваҳсей деб ном олган мотам юришлари ўтказадилар, ўзларига тан жароҳати етказадилар.

6. Халифалик: суннийлар халифа сайланади деб ҳисоблади ҳамда дастлабки тўрт халифанинг ҳокимиятга келишини конуний ҳисоблади; шиалар ҳокимият фақат Али ибн Абу Толиб ва Мұхаммад пайғамбар нинг қизи Фотиманинг авлодларига берилиши лозим ва дастлабки учта халифани ҳокимиятга ноқонуний келган, деб ҳисобладилар.

7. Вактинча никоҳ (муъта): суннийларда ман этилган; шиаларда рухсат этилган.

8. Мазҳаблар: суннийларда умумэътироф этилган тўртта мазҳаб: ҳанафийлик, шофеъийлик, моликийлик ва ҳанбалийлик мавжуд; шиаларда кўпроқ жаъфарийлик мазҳаби тарқалган.

9. Ижтиҳод: сунний мазҳабларда «ижтиҳод дарвозалари ёпилган» ҳисобланади; шиалиқда юқоридаги хулоса инкор қилинади.

10. Имомларнинг гуноҳсизлиги: суннийларда пайғамбарлардан бошқа барча инсонлар гуноҳкор ҳисобланади; шиаларда имомлар гуноҳсиз саналади.

11. Яширин имом: суннийларда яширин имом гоясига эътиқод қилинмайды; шиалар 12-имом Мұхаммад ал-Маҳдий қиёматда қайтиб келиши ва адолат ўрнатишига эътиқод қиласылар.

Үрга асрларда шиалар ичида ихтилофлар юз беріб, зайдилар, жаъфарийлар, ибодийлар каби фирмалар вужудға келганды. Шиалик ҳозир Эронда ҳукмрон эътиқод ҳисобланады. Ирок, Баҳрайн, Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистонда шиаларнинг йирик диаспоралари бор. Озарбайжон ва Тожикистанда (Помир исмоилийлари) аҳолининг муайян қисми шиаликка эътиқод қиласы. Ўзбекистонда оз сонли шиалар асосан Бухоро, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари худудларида истиқомат қиласылар. Ҳозир шиалик йұналишида Бухоро шаҳрида 2 та ва Самарқанд шаҳрида 2 та масжид фаолият құрсатмоқда.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедиясы» Давлат илмий национальный, 2003. – 270–272 б. 2. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламские\\_течения](http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламские_течения).*

**ШОФЕЙЙ**, Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Идрис ибн Аббос аш-Шофеъий (767–820) – шофеъийлик мазҳабининг асосчысы, сайдидлардан. 2 ёшида онаси Маккага олиб келганды шу ерда Куръони каримни ёд олган. Макка муфтийиси Мұслим Холид аз-Занжий ва Мадина мунавварада Имом Молик ҳузурларидан таълим олган. Ирок, Ҳижоз ва Қохирада мұким яшаб, фаолият юритған. Бағдодда Имоми Аъзамнинг шогирди Мұхаммад ибн Ҳасанга шогирд бүлганды шу ерда ўз мазҳабини тузған. Шофеъийлик мазҳаби, асосан, Миср, Ҳинд океани буйи мусулман давлатлари ва айрим оролларда тарқалған.

Имом Шофеъий «Усул ал-ғиққ» илмiga асос солған. Унинг «ар-Рисола», «ал-Умм» асарлары ислом оламида машҳур бўлиб, шофеъий уламолар учун энг зарур манба бўлиб хизмат қиласы.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедиясы» Давлат илмий национальный, 2003. – 274 б.*

**ЭКСТРЕМИСТИК ТАШКИЛОТ** – ўта муросасиз гоя ва кескин ҳаракатлар тарафдори бўлганды, мақсад йўлида куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиш усулларидан фойдаланадиган шахслардан иборат, барқарор ва доимий таркибга эга гурух.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ». URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**ЭКУМЕНИЗМ** (грек. олам) – христианликдаги эътиқод, ташкилий масалаларда хусусий жиҳатларни сақлаб қолган ҳолда «ягона Исо Масих черкови»га бирлашишга қаратилган ҳаракат. 1948 йили экумен ҳаракатининг бошқарув органи – Бутунжаҳон черковлар кенгаши тузилган бўлиб, унинг таркибига 100 дан зиёд мамлакатда жойлашган 300 дан ортиқ диний ташкилотлар киради.

*M.: Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – С. 242.*

**ЭЪТИҚОД БАЁНИ** (русча «символ веры», грек. «sumbalo» – бирлашмок) – христианликда диний таълимотнинг асосини ёритиб берувчи асосий ақидаларнинг қисқа баёнлари тўплами. Дастребки эътиқод баёни Библияда («Иккинчи қонун», 6:4) худони тан олиш ва Исо Масихни худонинг ўғли («Филиппийларга мурожаат», 2:1) деб иқорор бўлиш сифатида келтирилган. Кейинчалик черков барча христианларни бирлаштириш мақсадида «Эътиқод баёни» номини олган хужжат тузган. Ҳозир христианлар учун умумий эътиқод баёни Никея (325) ва Константинополь (381) Бутунжаҳон соборида қабул қилинган бўлиб, «Никео-Царград эътиқод баёни» деб аталади. Шу билан бирга, католик, православ ва протестант йўналишларининг эътиқод баёнида айрим фарқлар мавжуд. Хусусан, 1045 йили Рим Папаси томонидан ибодатга филиокве ҳақидаги ақидани қўшгани православлар томонидан рад этилади. Протестантларда анабаптистларнинг Шляйтхайм (1527), лютеранларнинг Аугсбург (1530), кальвенистларнинг Галликан (1571) эътиқод баёnlари мавжуд. Эътиқод баёnlарининг шархи одатда христиан йўналиш ва конфесияларининг катехизисларида берилади.

*M.: 1. Яблоков И. Н. Религиоведение: Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – С. 253. 2. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб. : Питер, 2008. – С. 301–302, 424–425.*

**ҚАДРИЯТЛАР** – нарса ва воқеалар, жамият, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини ифодалаш учун қўлланиладиган тушунча. Қадриятлар ахлоқий қоида ва меъёрлар, идеаллар ва мақсадларни баҳолаш мезони ва усулларини ҳам ўзида акс эттиради. Улар ҳалоллик, поклик, ўзаро ёрдам, адолатлилик, ҳақиқаттўйлик, эзгулик, тинчлик, шахс эркинлиги, меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик

каби фазилатлар, бурч, виждон, ор-номус, масъулият каби ахлокий тушунчалар шаклида намоён бўлади.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.  
– Т. : «Akademiya», 2007. – 330–331 б.*

**ҚЎПОРУВЧИЛИК** – давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини пасайтириш мақсадларида портлатиш, ўтқўйиш, эпидемия тарқатиши каби бузғунчи усуслар билан фуқароларнинг ҳаётига таҳдид солиш, ташкилотлар, корхоналар, инфратузилмалар ва коммуникацияларнинг фаолиятини издан чиқариши. Объектив жиҳатдан қўпорувчилик терористик характердаги жиноятларга ўхшайди.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма.  
Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ».  
URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**ФАЙРИКОНСТИТУЦИЯВИЙ Даъват** – алоҳида шахс ёки ташкилотларнинг ошкора равища, ёзма, оғзаки ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда фуқароларга мурожаат қилиб, уларнинг онги ва хатти-ҳаракатларига таъсир ўтказиб, фуқароларни конституциявий тузумни ағдариб ташлашга қаратилган экстремистик ҳаракатларга даъват қилишлари.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма.  
Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ».  
URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**ФОЯ** – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.  
– Т. : «Akademiya», 2007. – 335 б.*

**ФОЯВИЙ БЎШЛИҚ** – муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгига содир бўладиган гоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолати. Одатда жамиятда муайян ақидалар, сиёсий қарашлар, фикр ва фоялар замон танқидига учраганда, ёки янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан инкор этилганда, давр талабига жавоб берадиган ғоя ва мафкура ҳали тўла шаклланиб ултурмаган ҳолатларда юзага келади. Фоявий бўшлиқ жамият учун хавфли саналади. Хусусан,

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларида, ҳали миллий истиқбол мағкураси ҳалқ онгига тўлақонли сингиб кетмаган даврда ғараз мақсадли кучлар томонидан турли ёт ғоялар, жумладан диний мутаассиблик ғояларини жамиятнинг муайян қатламлари ичida тарқатишга ҳаракатлар қилинди. Бугунги кунда бутун ҳалқ ва алоҳида фуқароларнинг манфаатига мос келувчи мустақиллик, истиқбол ғоялари жамиятни жиспласhtiришга, келажакка умид ва ишонч ҳиссини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.*  
— Т. : «Akademiya», 2007. — 336 б.

**ГОЯВИЙ МУТААССИБЛИК** – тўғри деб ҳисоблаган муайян фикр, ғоя, ақида ва йўлдан бошқа ҳамма нарсани нотўғри, ёлғон деб билишга, кўр-кўронга инкор этишга асосланган қарашлар ва амалиёт. Ғоявий мутаассиблик диндорлар ичida ҳам мавжуд. Баъзи мутаассиблар динни Муҳаммад пайғамбар даврларидағи ҳолатга келтириш керак, деса, айrimлар ўрта асрлардаги халифаликни барпо қилиш керак, деган нотўғри қарашни илгари суради.

Ғоявий мутаассибликка карши курашнинг энг самарали йўли маърифат, хурфиқрилик бўлиб, унинг асосида одамларнинг қалбларига эзгулик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, тотувлик тушунчаларини сингдириш ётади.

*M : Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.*  
— Т. : «Akademiya», 2007. — 338 б.

**ҲАДИС** (араб. ҳабар, янгилик) – ислом таълимотида Муҳаммад пайғамбарнинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлар. Куръонда барча ҳукукий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва изоҳлаб уқтириш учун Муҳаммад пайғамбар ўз ҳадисларини айтган. Пайғамбар ҳаётлиги вақтида унинг издошлари ҳадисларни ёдда сақлашган. Вафотидан кейин Муҳаммад пайғамбарнинг айтганларига бегона сўз аралашиб қолишининг олдини олиш мақсадида ҳадислар ёзма шаклда тўплана бошлаган. Ҳадис тўпламларини тайёрлашда мовароуннаҳрлик олимлар катта хизмат қилган.

Ислом оламидаги энг обрўли ва ишончли ҳадис тўпламлари куйидагилар ҳисобланади: 1) «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» ёки қисқача «Саҳиҳи Бухорий»; 2) «Саҳиҳи Муслим»; 3) «Сунани Термизий»; 4) «Сунани Абу Довуд»; 5) «Сунани Насойй»; 6) «Сунани Ибн Можа»; 7) «Муснад» (Ибн Ҳанбал).

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 302 б. .*

**ҲАЖ** (араб. мақсад килиш, ният қилиш) – ислом таълимотида Маккани зиёрат қилиш. Исломнинг беш асосий рукнларидан бири ҳисобланади. Ҳаж моддий ва жисмоний имконияти бўлган мусулмонларга бир марта фарз саналади. Ҳаж хижрий тақвимнинг зулхижжа ойида амалга оширилади.

Ҳаж бажариш тартибига кўра уч хил бўлади: ифрод, таматтұв ва қирон. Ўзбекистон ҳожилари ҳажнинг таматтұв турини бажаради. Бунда аввал умра қилиш ният қилиниб, ушбу амал бажарилгандан сўнг эхромдан чиқилади. Ҳаж бошланганда Маккада ҳаж учун ният қилиниб, эхромга кирилади.

Исломда ҳаж амаллари фарз (адо этилиши шарт), вожиб (бажарилмаса қурбонлик қилиш лозим) ва суннат (қилса савоб олинади, қилмаса гуноҳ ҳисобланмайди)га бўлинади. Фарз амаллар эхромга ният билан кириш, Арофотда туриш ва тавофи ифоза қилиш ҳисобланади. Вожиб амалларга Муздалифада туриш, тош отиш, сочни олдириш ёки кисқартириш, Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъй қилиш, қурбонлик сўйиш ва тавофи видо қилиш киради. Суннат амаллар ичida тавофни Ҳажарул-асвад тўғрисидан бошлаш, тавофдан кейин икки ракаат намоз ўқиши, саъйнинг етти марта бориб келишини кетма-кет қилиш, биринчи тош отгандан сўнг қурбонлик қилиш ва ҳ.к. ни кўрсатиш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон мусулмонларига ҳаж амалини адo этиш учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Юртимизда фуқароларнинг ҳаж сафари ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши етакчилигида уюшқоқлик билан ва юқори савияда амалга ошириб келинмоқда. Саудия Арабистони Жидда шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош консулигига «Ҳаж» ва «умра» ишлари бўйича атташе фаолият кўрсатмоқда.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 303 б. 2. Ҳаж зиёрати қўйланимаси. Ўзбекистон мусулмонлари идораси. – Т. : Тошкент ислом университети нашириёти, 2013. – 6–12 б.*

**ХАЛҚАРО ТЕРРОРИСТИК ТАШКИЛОТ** – ўз олдига кўйган сиёсий мақсадларга террорчилик ҳаракатларини содир этиш

орқали эришишга харакат қилувчи, икки ёки ундан кўп мамлакат фуқароларидан иборат бўлган ёки икки ва ундан кўп мамлакат худудида фаолият юритувчи, таркиби барқарор террористик гурух.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ».*  
*URL: http://www.cisatc.org/134/159*

**ҲАШШОШИЙЛАР** (араб. – гашш чекувчилар, гиёхвандлар) – исмоилийлар ичидағи яширин террорчилик билан шуғулланган фирмә тарафдорлари. XI аср охирида Эронда исмоилийлар ҳаракатининг бўлиниб кетиши натижасида пайдо бўлган. Асосчиси – Ҳасан ибн Саббоҳ (1124 й. в. э.). Эроннинг шимоли-ғарбидаги тоғлар орасида жойлашган Аламут қалъаси ҳашшошийлар жамоасининг маркази бўлган. Сурия, Ливан, кейинчалик Ҳиндистонда ҳам тарқалган. Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидағи қарматлар ҳаракати билан боғлиқ. Ҳашшошийлар халифалик ва салжуқийларга қарши курашган. Ўта маҳфий иш кўрадиган ва тармоқланган террорчилик ташкилотини вужудга келтирган. Ўз мақсадларини амалга ошириш (хукмдорлар, подшоҳлар, кироллар ва йирик намояндаларни ўлдириш) да фидойилар (қашшоқ дехқон ва шаҳарлик ёшлар)дан фойдаланган. Террорчи (фидойи)ларга гиёхванд моддаларни истеъмол қилдириб, агар ўлса, шубҳасиз жаннатга тушишига ишонтирилган. 1256 йили мўғул истилочилари Аламутни босиб олиб, Эронда ҳашшошийлар жамоасига барҳам берган. 1273 йилда мамлуклар қўшини Сурия ва Ливандаги ҳашшошийларнинг охирги ташкилотларини тугатганлар.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 310 б.*

**ҲИЖОБ** (араб. – парда, ёпингич) – мусулмон аёлларнинг кўчага чиққанда танасининг маълум қисмини беркитиб турадиган ёпингичи. Ислом таълимотида ёпинчиқ дастлаб Мұхаммад пайғамбарнинг аёлларига, кейинчалик бошқа озод мусулмон аёлларга жорий бўлган. Турли мазҳабларда ёпинчиқ тананинг қайси қисмларини беркитиб туриши, қайси рангда ва шаклда бўлиши лозимлиги юзасидан ягона ёндашув йўқ. Ҳанафийлик ва моликийлик мазҳабларида аёлнинг юзи, икки қўли ва оёклари тўтифининг ости аврат ҳисобланмаса, ҳанбалийлик асосчиси Аҳмад ибн Ҳанбал аёлнинг барча аъзосини

аврат санаган. Шу боисдан ҳанбалийлик мазҳабига эътиқод киладиган аёллар қора ёпинчиқларга бурканиб юрадилар. Ҳанафийлик мазҳабида эса аёллар юзлари очик ҳолда юриши жоиз, дейилган.

Аммо айрим диндор аёллар араб дунёсидан чиқкан сохта салафий ғоялар таъсирида шаклланган диний-экстремистик оқимлар вакилларининг тарғиботи остида, ёки ҳаж ва умра сафари давомида ҳанбалийлик мазҳабидаги аёлларни кўриб, уларга тақлидан миллий урф-одат ва ҳанафийлик мазҳабига зид равишда юз ва қўлларини тўсган ҳолда ёпинчикка ўраниб юришлари кузатилмоқда.

*M : 1. Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти, 2003. – 311 б. 2. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга – юз жавоб). – Т. : Тошкент ислом университети, 2009. – 99 б.*

**ХИЖРАТ** (араб. ажраш) – ислом таълимотида мусулмонларнинг Муҳаммад пайғамбар бошчилигида Маккани тарк этиб, Мадинага борганликлари назарда тутилади. Мусулмонларнинг яшаб турган ерларидан бошқа юртларга кўчиб кетишлари мажбуран бўлиб, уларнинг жони ва эътиқодларига нисбатан жисмоний ва бошқа шаклдаги тажовуз ўта кучайганлиги сабаб бўлган.

Кейинчалик, мусулмонлар Макка шаҳрини жангсиз қўлга киритганларидан сўнг Муҳаммад пайғамбар «Хижрат тўхтатилди», деб таъкидлаган. Муҳаммад пайғамбар ва ундан кейин ислом давлатини бошқарган хулафои рошидинлар ўзга юртларда яшаётган мусулмонларни ҳеч қачон мусулмон давлати ҳудудига кўчиб келишларига даъват қилмаган ва уларнинг ўз юртларида яшашларига эътироz билдиrmаганлар.

Ислом уламолари хижратни маконий кўчиш ҳамда гуноҳларни тарк этиш каби икки турга ажратадилар. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда «Аллоҳ таоло қайтарган нарсаларни тарк (хижр) килган инсон ҳақиқий муҳожирдир», дейилган.

Ўрта асрларда хорижийлар, азрақийлар каби ўзларини ислом ислоҳчилари деб эътироф қилувчи мутаассиб гурухлар ўз тарафдорларининг улар турган қароргоҳга кўчиб келишларини хижрат деб даъво қилганлар.

Бугунги кунда диний-экстремистик оқим ёлловчилари ҳам тинч давлатда яшаб келаётган ёшларни хориждаги жангари тайёрловчи лагерларига жўнатиш мақсадида дунёвий давлат ва жамиятни

динсизлиқда айблаб, гүёки «хижратга» чиқиш фарз амал экани, бунинг учун ҳеч кимдан, ҳатто, ота-онанинг рухсатини олиш керак эмас, деган сохта тушунчаларни динга мойиллиги бор ёшларга сингдиришта ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Аслида, ислом таълимотига мувофиқ, Ўзбекистон каби мусулмончилик амалда бўлган, ислом арконлари эмин-эркин бажариб келинаётган ҳудуддан «хижрат» қилинмайди. Ватанни сотиш, ўз юрти ва ватандошларига зарар етказиш билан ота-онани норози қилиб «оқ» бўлиш эса оғир гуноҳ ҳисобланади.

Шу билан бирга, ноқонуний йўллар билан хорижий давлатларга чиқиб кетиши ва диний-экстремистик гуруҳлар таркибида фаолият юритиши Ўзбекистондаги амал қилинаётган қонунларга кўра жиноят ҳисобланиб, бундай ҳаракатларни содир этган шахсга нисбатан ҳукуқий чоралар кўрилади.

*M : 1. Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – С. 278. 2. Ислом маърифати: аслият ва талқин. Ўқув қўлланма. – Т. : Тошкент ислом университети нашириёти, 2011. – 63–67 б.*

**ХИЖРИЙ ТАҚВИМ** – иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб томонидан жорий қилинган мусулмонлар йил ҳисоби. Мұхаммад пайғамбар ва сафдошларининг Маккадан Мадинага кўчишлари билан боғлиқ. Ҳижрий тақвим ҳижрий-қамарий ва ҳижрий-шамсийга бўлинади. Қамария бўйича тақвим 622 йил 16 июлидан бошланади. Ойлар тартиби бўйича мұхаррам, сафар, рабиул аввал, рабиул охир, жумодил аввал, жумодил охир, ражаб, шаърон, рамазон, шаввол, зулқаъда, зулҳижжа деб аталади. Қамарий йил милодий тақвимдан 12 кун қисқа. Қамарий тақвим Яқин ва Ўрга Шарқнинг кўп мамлакатларида кўлланилади. Шамсий йил ҳисоби 622 йилнинг баҳорги тенгкунлик куни – 21 марта бошлаб ҳисобланади. Шамсий бўйича ойлар номлари хут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула, мезон, ақраб, қавс, жадӣ ва далв бўлиб, бу ойлар доимо йилнинг маълум бир вақтларига тўғри келади. Шамсий тақвимдан Афғонистон, Туркия, Эрон каби мамлакатларда фойдаланиб келинади.

Ўрга Осиёда милодий тақвим кенг оммалашгунга қадар шамсий ва қамарий ҳисоби ишлатиб келинган. Ҳозир қамарий тақвим ислом йўналишидаги урф-одат ва байрамларни нишонлашда фойдаланилмоқда.

*M : Ислом. Энциклопедия: А-Х. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий науриёти, 2003. – 311–312 б.*

**ХУДКУШ-ТЕРРОРЧИЛИК** – ижрочи ўзини ўлдириши билан амалга ошириладиган террорчилик ҳаракати. Худкуш-террорчилар одатда террорчилик ҳаракати содир этишда портловчи модда ва шикаст етказувчи буюмлар тўлатилган нимча, сумка, рюкзак ёки транспорт воситасидан фойдаланадилар.

*M : Словарь основных терминов и понятий в сфере борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ».*  
*URL: <http://www.cisatc.org/134/159>*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ХАЛҶАРО  
ШАРТНОМАЛАРИ ВА АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ  
ДИНИЙ СОҲАГА ОИД НОРМАЛАР  
(қўчирмалар<sup>440</sup>)**

**I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНЛАРИ ВА  
ҚОНУН ОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси
5. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси
6. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси
9. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси
11. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни
12. Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни
13. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни
14. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни
15. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни
16. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни
17. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни
18. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуни

<sup>440</sup> Матни давлат тилида мавжуд бўлмаган хужжатлардан қўчирмалар рус тилида берилади.

19. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни
20. Ўзбекистон Республикасининг «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонуни
21. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни
22. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни
23. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида »ги Қонуни
24. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни
25. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни
26. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни
27. Ўзбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни
28. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни
29. Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни
30. Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни
31. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни
32. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низом
33. Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҖАРШИ КУРАШ СОҲАСИДАГИ ИМЗОЛАНГАН АЙРИМ ХАЛҚАРО ШАРТНОМА ВА ҲУЖЖАТЛАР**

34. Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларацияси
35. Инсон ҳукуклари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция
36. Декларация о ликвидации всех форм нетерпимости и дискриминации на основе религии или убеждений

37. Выписка из международной конвенции о ликвидации всех форм расовой дискриминации
38. Закон Республики Узбекистан «О ратификации конвенции Шанхайской Организации сотрудничества против терроризма»
39. Конвенция Шанхайской Организации сотрудничества против терроризма

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ КОНСТИТУЦИЯСИ**

**1-модда.** Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади.

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил хукуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

**31-модда.** Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласлик хукуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

**57-модда.** Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфизлигига, фуқароларнинг конституциявий хукуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

**61-модда.** Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилгандан ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятига аралашмайди.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ**

**21.12.1995 йил 163-I, 29.08.1996 йил 256-I**

**511-модда. Хайр-эҳсон**

Умумфойдали мақсадларда қилинган ҳадя хайр-эҳсон ҳисобланади.

Хайр-эҳсон фуқароларга, даволаш, тарбия, ижтимоий ҳимоя муассасалариға ва ўнга ўхшаш бошқа муассасаларга, хайрия, илмий ва ўкув муассасалариға, фондларга, музейлар ва бошқа маданият муассасалариға, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларга, шунингдек давлатга ва бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектларига қилиниши мумкин.

Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Хайр-эҳсон қилувчи мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилганида бу мол-мулқдан маълум бир мақсадда фойдаланишни шарт қилиб қўйиши лозим, юридик шахсларга хайр-эҳсон қилганда эса бу шартни қўйиши мумкин. Бундай шарт бўлмаганида мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилиш оддий ҳадя деб ҳисобланади, колган ҳолларда эса хайр-эҳсон қилинган мол-мулқдан ҳадя олувчи унинг вазифасига мувофиқ фойдаланади.

Аниқ мақсадда фойдаланишга мўлжалланган хайр-эҳсонни қабул қилиб олаётган юридик шахс хайр-эҳсон қилинган мулқдан фойдаланиш бўйича амалга оширилган операцияларнинг алоҳида рўйхатини юритиши лозим.

Агар хайр-эҳсон қилинган мулқдан хайр-эҳсон қилувчи кўрсатган мақсадда фойдаланиш вазият ўзгарганлиги туфайли мумкин бўлмай қолса, мулқдан бошқа мақсадда фақат хайр-эҳсон қилувчининг розилиги билан, мол-мулкни хайр-эҳсон қилган фуқаро вафот этган бўлса ёки мулкни хайр-эҳсон қилган юридик шахс қайта ташкил этилган ёхуд тутатилган бўлса — суд карорига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Хайр-эҳсон қилинган мулқдан хайр-эҳсон қилувчи кўрсатган мақсадга зид ҳолда фойдаланиш ёки ушбу мақсадни мазкур модда олтинчи қисмининг қоидаларини бузган ҳолда ўзгартириш хайр-эҳсон қилувчига, унинг меросхўрларига ёки бошқа ҳуқуқий ворисига хайр-эҳсонни бекор қилиши талаб ҳуқуқини беради.

Ушбу Кодекс 507 ва 510-моддаларининг қоидалари хайр-эҳсонга нисбатан қўлланмайди.

### **1060-модда. Асарларни омма олдида эркин ижро этиш**

Чоп этилган мусиқа асарларини расмий, диний ва дағн маросимларида бундай маросимларнинг хусусиятига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда омма олдида ижро этишга йўл қўйилади.

(1060-модда матни Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январдаги ЎРҚ-79-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2007 й., 3-сон, 21-модда)

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ**

30.08.1997 йил №477-I

**6-модда. Одил судловнинг факат суд томонидан ҳамда фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши**

Фуқаролик ишлари бўйича одил судлов факат суд томонидан ҳамда барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чикиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ СОЛИҚ КОДЕКСИ**

25.12.2007 йил № ЎРҚ-136

**8-модда. Солиқ солишининг адолатлилиги принципи**

Солиқ солиши умумийdir.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар камситиш хусусиятига эга бўлиши мумкин эмас ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиқсан ҳолда қўлланилиши мумкин эмас.

**159-модда. Солиқ солинадиган фойдани камайтириш**

6) диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташкари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар фойдасидан шу бирлашмалар ва жамғармаларининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига.

**171-модда. Жисмоний шахсларнинг жами даромади таркиби**

Юридик шахслар амалга оширадиган қўйидаги харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди:

4) диний расм-руслар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл

карточкаларини олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар;

ЎзР 29.12.2008 й. ЎРҚ-196-сон Конуни таҳриридаги банд.

**208-модда. Соликдан озод этиладиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти**

Кўшилган қиймат солиғидан агар ушбу Кодекснинг 212-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, куйидаги реализация қилиш оборотлари озод этилади: (ЎзР 30.12.2009 й. ЎРҚ-241-сон Конуни таҳриридаги хатбоши)

4) дафн этиш бюролари ва қабристонларнинг маросим хизматлари, диний ашёларни реализация қилиш, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишига доир хизматлари.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ОИЛА КОДЕКСИ**

30.04.1998 йил № 607-I

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2007 й., 14-сон, 133-модда; 2008 й., 16-сон, 117-модда; 2009 й., 37-сон, 401-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 313-модда; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 51-сон, 542-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда)

**3-модда. Оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳукуқлилиги**

Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳукуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга караб, ҳукукларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашишга йўл қўйилмайди.

**13-модда. Никоҳ тузиш тартиби**

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳукукий аҳамиятга эга эмас.

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.

Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин.

Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунишига кўра юкори турувчи органга мурожаат қилиниши мумкин.

### **15-модда. Никоҳ ёши**

Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёкатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпич билан бир йилга камайтириши мумкин.

(15-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРК-352-сонли Қонуни таҳририда — ЎР КХТ, 2013 й., 18-сон, 233-модда)

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕҲНАТ КОДЕКСИ**

21.12.1995 йил № 161-I

### **6-модда. Мехнатга оид муносабатларда камситишининг тақиқланиши**

Барча фуқаролар меҳнат хуқуqlariga эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга

ёки имтиёзлар белгилашга йўл кўйилмайди ва булар камситиш деб хисобланади.

Қаранг: *ФКниг 985, 1021, 1022-моддалари; ФПК II бўлимининг 2-кичик бўлими, III бўлими.*

**131-модда. Байрам (ишланмайдиган) кунлари**

Куйидаги кунлар байрам (ишланмайдиган) кунларидир:

1 январь — Янги йил;

8 март — Хотин-қизлар куни;

21 март — Наврӯз байрами;

9 май — Хотира ва қадрлаш куни;

(131-модданинг бешинчи хатбоиси *Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги 772-I-сон Қонуни таҳририда — Олий Маъжлис Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 124-модда*)

1 сентябрь — Мустақиллик куни;

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни;

(131-модда *Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 367-I-сон Қонунига мувофиқ еттинчи хатбоши билан тўлдирилган — Олий Маъжлис Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 65-модда*)

8 декабрь — Конституция куни;

Рўза ҳайит (Иид ал-Фитр) диний байрамининг биринчи куни;

Курбон ҳайит (Иид ал-Адҳа) диний байрамининг биринчи куни.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ**

22.09.1994 йил № 2013-XII

### **16-модда. Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш**

Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

Конституция 18-моддасининг биринчи қисми; «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрирда) б-моддаси. ОС Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2-сон Қарорининг 2-банди.

### **603-модда. Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб беришни рад этиш**

Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб беришга куйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди, агар: ...

Ўзига нисбатан сўров келиб тушган шахсга уни сўраётган давлатда ирқи, диний эътиқоди, фуқаролиги, миллати, муйян ижтимоий гурӯҳга мансублиги ёки сиёсий эътиқодига кўра таъқиб этилиши мумкинлиги сабабли Ўзбекистон Республикасида бошпана берилган бўлса.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИ

25.04.1997 йил № 409-I

**12-модда. Маҳкумларнинг виждан эркинлигини таъминлаш**  
Маҳкумларга виждан эркинлиги кафолатланади. Улар ҳар қандай динга эътиқод килишга ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка ҳакли.

Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахслар ҳузурига, уларнинг илтимосига кўра, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг руҳонийлари таклиф этилади. Маҳкумларга диний расм-руsumларни адо этишга, ибодат учун керакли нарсалардан ва диний адабиётлардан фойдаланишга руҳсат этилади.

Диний расм-руsumларни адо этиш ихтиёрий бўлиб, бу нарса жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб коидаларини бузмаслиги, шунингдек бошқа шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги лозим.

*«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрирда) 3-моддаси; ИИВ Буйргузи (хўжисжат рус тилида келтирилган) билан тасдиқланган «Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиши муассасаларидаги Ички тартиб қоидалари» 76-бандининг ўн учинчи, ўн тўртингчи хатбошилари (хўжисжат рус тилида келтирилган).*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

22.09.1994 й. 2015-XII

**184-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш**

ЎзР 01.05.1998 й. 621-I-сон Қонуни таҳриридаги модда

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик гоялари билан йўғрилган, кирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб

юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида вахима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш,

– материалларни ҳамда уларни тайёрлаш ва тарқатишнинг тегишли воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан юз эллик бараваригача микдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурӣ қамоққа олишга сабаб бўлади. (ЎзР 28.12.2005 й. ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳриридаги санкция)

«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 19-моддасининг тўртинчи қисми; «Ноширик фаолияти тўғрисида»ги Қонун 4-моддасининг биринчи қисми; «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 6-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбоши.

**184-1-модда. Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши**

ЎзР 01.05.1998 й. 621-I-сон Қонунига мувофиқ киритилган модда

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари, – энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурӣ қамоққа олишга сабаб бўлади.

«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 14-моддасининг бешинчи қисми.

**184-2-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш**

ЎзР 22.06.2006 й. ЎРҚ-37-сон Қонунига мувофиқ киритилган модда

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ёки тарқатиш,

– материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – эллик бараваридан юз эллик бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунинг (янги таҳрирда) 19-моддаси.

**184-3-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш**

ЎзР 22.06.2006 й. ЎРҚ-37-сон Қонунига мувофиқ киритилган модда

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш максадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш,

– материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

«Вижедон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрирда) 19-моддаси; «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун 4-моддасининг биринчи қисми; «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 6-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбоши.

**200-1-модда. Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш**

ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонунига мувофиқ киритилган модда

Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш

– фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ВМ 2003 йил 13 январдаги 15-сон Қарори билан тасдиқланган «Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари».

**201-модда. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш**

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш,

– энг кам иш ҳақининг олтмиш бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. (ЎзР 28.12.2005 й. ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳриридаги санкция)

ОС Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида»ги 38-сон қарори.

Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш,

— энг кам иш ҳақининг саксон бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. (ЎзР 28.12.2005 й. ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳриридаги санкция), (Олдинги таҳририга қаранг)

«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрирда) 14-моддаси.

**202-модда. Рұхсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказиш учун шароитлар яратиш**

Рұхсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар катнашчиларига бинолар ёки бошқа мулк (алока воситалари, кўпайтирадиган ва бошқа хил техник ускуналар, транспорт) ни бериш ёки шундай тадбирларни ўтказиш учун бошқа шароитларни яратиш,

(ЎзР 28.12.2005 й. ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳриридаги диспозиция)

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етмиш бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ЎзР 28.12.2005 й. ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳриридаги санкция.

**202-1-модда. Файриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш**

ЎзР 28.12.2005 й. ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳриридаги модда

Ўзбекистон Республикасида файриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш

— энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 3-моддасининг иккинчи-учинчи қисмлари.

**240-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш**

ЎзР 01.05.1998 й. 621-I-сон Қонуни таҳриридаги модда

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишидан бош тортиши, диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг маҳсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гурухларни ташкил этиш ва ўтказиш,

— «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўгрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 11-моддасининг еттични қисми.

энг кам иш ҳакининг эллик бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. (ЎзР 28.12.2005 й. ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳриридаги санкция)

Бир конфесияга мансуб диндорларни бошқасига киритишига қаратилган хатти-харакатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти,

— энг кам иш ҳакининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. (ЎзР 28.12.2005 й. ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳриридаги санкция)

«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўгрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 5-моддасининг учинчи қисми.

#### **241-модда. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш ЎзР 01.05.1998 й. 621-I-сон Қонуни таҳриридаги модда**

Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худли шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш,

энг кам иш ҳакининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўгрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 9-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ**

22.09.1994 йил 2012-XII

### **97-модда. Қасдан одам ўлдириш**

Қасдан одам ўлдириш

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ОС Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўгрисида»ги 13-сон қарорининг 1-5, 25-27, 29-банлари.

Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам үлдириш, яни:

- е) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- к) миллий ёки иркий адоват замирида;
- м) диний таассублар замирида;

ОС Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам үлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўгрисида»ги 13-сон қарорининг 17-банди

ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

*ЎзР 11.07.2007 й. УРҚ-99-сон Қонуни таҳриридаги санкция.*

#### **104-модда. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш**

Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиши ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишга ёки умуман соғлиги бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўтгиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса,

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *ЎзР 29.08.2001 й. 254-II-сон Қонуни таҳриридаги санкция.*

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш:

- г) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- ж) миллатлараро ёки иркий адоват замирида;
- з) диний таассублар замирида;

ОС Пленумининг 2007 йил 27 июнданги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўгрисида»ги 6-сон қарорининг 14-банди

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*ЎзР 29.08.2001 й. 254-II-сон Қонуни таҳриридаги санкция.*

#### **141-модда. Фуқароларнинг teng ҳуқуқлилигини бузиш**

Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқукларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш

– энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум килиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*ЎзР 29.08.2001 й. 254-II-сон Қонуни таҳриридаги санкция.*

*Конституциянинг 18-моддаси; «Фуқароларнинг мурожсаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрирда) 11-моддаси; «Фуқаролар соғлигини сақлаши тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси; «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси; «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси.*

Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб содир этилган бўлса,

– икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*ЎзР 29.08.2001 й. 254-II-сон Қонуни таҳриридаги санкция.*

#### **145-модда. Виждон эркинлигини бузиш**

Диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишига тўқсинглик қилиш

– энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*ЎзР 01.05.1998 й. 621-I-сон Қонунига мувофиқ иккинчи қисм тегишинча иккинчи ва учинчи қисмлар билан алмаштирилган*

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш

– энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўқсинглик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-руслар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар ўтказиши ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса,

– энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Конституциянинг 31-моддаси; «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конун (янги таҳрирда).*

### **153-модда. Геноцид**

Геноцид, яъни миллӣ, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гурӯҳ шахснинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасддан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гўрухидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида бўйруқ бериш

– ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (ЎзР 12.12.2003 й. 568-II-сон Қонуни таҳриридаги санкция), (Олдинги таҳририга қаранг)

*«Геноцид жисноятининг олдини олии ва бундай жисноят учун жисазо тўғрисида»ги Конвенция (09.12.1948 й., Нью-Йорк).*

### **154-модда. Ёлланиш**

Ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. ЎзР 29.08.2001 й. 254-II-сон Қонуни таҳриридаги санкция.

*Халқаро қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилишига тааллуқли, 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенциясига доир 1977 йил 26 сентябрдаги қўшимча протокол (I протокол)нинг 47-моддаси (хужжесат рус тилида келтирилган).*

Ёлланма шахсни ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди шунингдек ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш

– етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЎзР 30.08.2003 й. 535-ІІ-сон Қонунiga мувофиқ киритилган қисм.

«Ёлланма жиноячиларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиявий таъминлаш ва ўқитишига қарши кураш тўғрисида»ги Ҳалқаро Конвенция (04.12.1989 й., Нью-Йорк) (хужжат рус тилида келтирилган).

### 155-модда. Терроризм

Терроризм – ҳалқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, худудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, ҳалқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳди迪, шунингдек террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига қўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблаг-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар қўрсатишига қаратилган фаолият

– саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. ЎзР 29.08.2001 й. 254-ІІ-сон Қонуни таҳриридаги қисм.

«Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун 2-моддасининг учинчи хатбоши, 28-моддасининг биринчи қисми; «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришига ва терроризмни молиялаштиришига қарши курашии тўғрисида»ги Қонун 3-моддасининг иккинчи қисми.

Вазиятни бекарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир қўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш

– ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. ЎзР 29.08.2001 й. 254-ІІ-сон Қонуни таҳриридаги қисм.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмida назарда тутилган ҳаракатлар:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, -

*ОС Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 15-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши, 5-бандининг тўртминчи хатбоши.*

ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

**ЎзР 11.07.2007 й. ЎРҚ-99-сон Қонуни таҳриридан санкция.**

Терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

**ЎзР 29.08.2001 й. 254-II-сон Қонунига мувофиқ киритилган қисм.**

*«Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун 28-моддасининг иккинчи қисми.*

**156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш**

**ЎзР 22.06.2006 й. ЎРҚ-37-сон Қонуни таҳриридан модда**

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, шундай қиммишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

- энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*МЖТКнинг 184-3-моддаси; «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Конун 4-моддасининг биринчи қисми; «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Конун (янги таҳрирда) 6-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбоши; «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конуннинг (янги таҳрирда) 19-моддаси.*

Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гурӯҳларига нисбатан адovat, муросасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишига, диний эътиқодига ёки даҳрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳисстуйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасдан қилинган ҳаракатлар,

шунингдек миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзаликлар бериш,

– беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда;
- б) баданга оғир шикаст етказган ҳолда;
- в) фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;
- г) масъул мансабдор шахс томонидан;
- д) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,  
– беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**173-модда. Мулкии қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш**

Ўзганинг мулкини қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш анча миқдорни ташкил этса,

– энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) миллатлараро ёки иркий адоват ёхуд диний таассублар замирида;  
энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билағ жазоланади.

*ЎзР 29.08.2001 й. 254-II-сон Қонуни таҳриридаги санкция.*

**216-модда. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишида тузиш**

*ЎзР 15.04.1999 й. 772-I-сон Қонуни таҳриридаги модда номи*

Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишида тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек бундай бирлашмалар ёки ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш – (*ЎзР 15.04.1999 й. 772-I-сон Қонуни таҳриридаги диспозиция*)

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум

қилиш билан жазоланади. (ЎзР 01.05.1998 й. 621-І-сон Қонуни таҳриридаги санкция)

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 3, 21-моддалари; «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 5-моддасининг бешинчи-еттинчи қисмлари, 12, 13-моддалари.

**216-1-модда. Файриконуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш**

ЎзР 15.04.1999 й. 772-І-сон Қонуни таҳриридаги модда номи

Ўзбекистон Республикасида файриконуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, - (ЎзР 15.04.1999 й. 772-І-сон Қонуни таҳриридаги диспозиция)

энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

МЖТКнинг 202-1-моддаси; «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 3. 21-моддалари; «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 5-моддасининг бешинчи-еттинчи қисмлари, 12, 13-моддалари.

**216-2-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш**

ЎзР 01.05.1998 й. 621-І-сон Қонунига мувофиқ киритилган модда

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишидан бош тортиши, рухонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг маҳсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гурухларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилимешлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

– энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

МЖТК 240-моддасининг биринчи қисми; «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 3-моддасининг учинчи қисми, 11-моддасининг еттинчи қисми.

Бир конфесияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-харакатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

– энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*МЖТК 240-моддасининг иккинчи қисми; «Вижсон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конун (янги таҳрирда) 5-моддасининг учинчи қисми.*

**217-модда.** *Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш*

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини уларнинг ташкилотчиси томонидан бузиш шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

– энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (ЎзР 28.12.2005 й. ЎРҚ-18-сон Конуни таҳриридаги санкция)

*МЖТК 201-моддасининг биринчи қисми.*

Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

- энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (ЎзР 28.12.2005 й. ЎРҚ-18-сон Конуни таҳриридаги санкция), (Олдинги таҳририга қаранг))

*МЖТК 201-моддасининг иккинчи қисми; «Вижсон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конунинг (янги таҳрирда) 14-моддаси.*

**229-2-модда.** *Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш*  
ЎзР 01.05.1998 й. 621-I-сон Конунига мувофиқ киритилган модда)

Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг руҳсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ

бериш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

– энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*МЖТКнинг 241-моддаси; «Вижедон эркинлиги ва диний ташикимматлар тўғрисида»ги Конун (янги таҳрирда) 9-моддасининг учинчи ва тўртингчى қисмлари.*

**235-модда. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш**

*ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Конуни таҳриридаги модда*

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор-бир ахборот, жиноят содир этганлигига икрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган килмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиши

– уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*ЖПКнинг 17-моддаси; «Судлар тўғрисида»ги Конун (янги таҳрирда) 10-моддасининг тўртингчى қисми.*

**Ўша ҳаракатлар:**

6) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

содир этилган бўлса,

– уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса,

– муайян хуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан саккиз йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **244-1-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш**

*ЎЗР 01.05.1998 й. 621-1-сон Қонунига мувоғиқ киритилган модда*

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга дაъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

– энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (ЎЗР 28.12.2005 й. ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳриридаги санкция), (Олдинги таҳририга қаранг)

*МЖТКнинг 184-моддаси; «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун 4-моддасининг биринчи қисми; «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 6-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбоши; «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 19-моддасининг тўртинчи қисми.*

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошка құлмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш,

- энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (ЎЗР 28.12.2005 й. ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳриридаги санкция), (Олдинги таҳририга қаранг)

Қаранг: «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 6-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбоши; «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 5-моддасининг олтинчи қисми, 19-моддасининг тўртинчи қисми

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

- а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;
- б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;
- в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилган бўлса,

– беш йилдан саккиз йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (ЎзР 29.08.2001 й. 254-II-сон Қонуни таҳриридаги санкция)

**244-2-модда.** Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиши

ЎзР 15.04.1999 й. 772-I-сон Қонунига мувофиқ киритилган модда

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиши

– беш йилдан ўн беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (ЎзР 29.08.2001 й. 254-II-сон Қонуни таҳриридаги санкция)

*«Вижедон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳтирида) 5-моддасининг бешинчи қисми; Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун 3-моддасининг иккинчи, учинчи қисмлари.*

Ўша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса,

– ўн беш йилдан йигирма йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (ЎзР 29.08.2001 й. 254-II-сон Қонуни таҳриридаги санкция)

Башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишига ёрдам берган бўлса, у ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилинади.

**244-3-модда.** Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш

ЎзР 22.06.2006 й. ЎРҚ-37-сон Қонунига мувофиқ киритилган модда

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қиммишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*МЖТКниг 184-2-моддаси; «Вижедон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 19-моддасининг тўртинчи қисми.*

### **246-модда. Контрабанда.**

Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона хужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган хужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсири қилувчи заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроф, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш - (ЎзР 01.05.1998 й. 621-І-сон Қонуни таҳриридаги диспозиция)

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. ЎзР 29.08.2001 й. 254-І-сон Қонуни таҳриридаги санкция.

Ядрорий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишида фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда контрабанда қилиш - (ЎзР 30.08.1996 й 281-І-сон Қонуни таҳриридаги диспозиция)

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2012 й., 15-сон, 164-модда)

**3-модда.** Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун хужжатлари

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатларидан иборат.

Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишнинг, улар фаолиятининг, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг хусусиятлари маҳсус қонунлар билан тартибга солинади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасининг у ёки бу муносабатлари маҳсус қонунлар билан тартибга солинмаган ҳолларда ушбу Қонуннинг нормалари қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**25-модда.** Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш, агар:

нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига путур етказишни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни, фуқароларнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса;

нодавлат нотижорат ташкилотининг номи ёки рамзий белгилари маънавиятга, фуқароларнинг миллий ва диний туйғуларига дахл қилас; рад этилиши мумкин.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИИНИГ ҚОНУНИ**

### **«ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-б-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қиласди:

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991

йил, № 8, 186-модда; 1993 йил, № 9, 334-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,

1998 йил 1 май,

618-I-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ  
ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР  
ТЎҒРИСИДА**  
(янги таҳрири)

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод хуқуқини, динга муносабатидан қатти назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.

**2-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар фаолиятини таъминлашга оид муносабатлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, ҳалқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Виждон эркинлиги хуқуқи**

Виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий хукуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда

катнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаетган пайтда уни ўёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, хукуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равища виждан эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги хукуқидан фойдаланадилар ҳамда виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

*Батафсил маълумот учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 240-моддасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 145 ва 216<sup>2</sup>-моддаларига қаранг.*

**4-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг хукуқлилиги**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Расмий хужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг хукуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки дахрийлик эътиқоди билан боғлиқ хис-туйғуларини хақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

*Батафсил маълумот учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 141 ва 156-моддаларига қаранг.*

Хеч ким диний эътиқодини рўйиҳа қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қонунга мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

*Батафсил маълумот учун Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 37-моддасига қаранг.*

## **5-модда. Диннииг давлатдан ажратилғанлиги**

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва хурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-харакатларга йўл қўймайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни кўллаб-кувватлади. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-харакатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 240-моддаси иккинчи қисмига, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 216<sup>2</sup>-моддаси иккинчи қисмига қаранг.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда дахрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларирига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб борища, душманлик, нафрат, миллатлараро адovat уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузища, бўхтон, вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатища, аҳоли ўртасида вахима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қаратилган

бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноягчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазиик ўтказишга каратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

*Кўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 240-моддасига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 216<sup>2</sup>-моддасига қаранг.*

**6-модда.** Давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабат борасидаги ваколатлари

Давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатлари изжросини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юкланди. Кўмитанинг хуқукий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланди.

*Кўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 196-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисида»ги Низомга қаранг.*

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлклари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли худудларда виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши учун қонун бўйича жавобгардирлар.

**7-модда. Таълим тизими ва дин**

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўкув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш хуқуки уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъмин этилади.

## **8-модда. Диний ташкилотлар**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўкув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.

Тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона марказий бошқарув органлари (бундан кейин — марказий бошқарув органлари деб юритилади) тузилиши мумкин.

Марказий бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта ҳудудий тузилмасида (вилоят, Тошкент шахри, Коракалпогистон Республикаси) фаолият кўрсатаётган, тегишли конфессияларнинг рўйхатга олинган диний ташкилотлари вакиллари таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан тузилади.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўtkazilganдан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

*Батофси маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 июндаги 263-сон «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўtkazish тартиби тўғрисида»ги қарорига қаранг.*

Тегишли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари бўлишлари мумкин. Диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинади.

## **9-модда. Диний ўқув юртлари**

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

*Кўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартағи 99-сон қарори билан тасдиқланган, «Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низомга қаранг.*

Олий ва ўрта диний ўкув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний ўкув юртларида диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлишлари ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг рухсати билан амалга оширишлари лозим.

Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади.

#### **10-модда. Диний ташкилотнинг устави**

Диний ташкилотнинг устави қўйидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

диний ташкилотнинг номи, тури, жойлашган манзили, қайси динга мансублиги;

мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари;

фаолиятни ташкил этиш ва тутатиш тартиби;

тузилиши ва бошқарув органлари;

маблаглари манбаи ҳамда ушбу ташкилот ичидағи, шунингдек ундан ташқаридаги мулкий муносабатлар;

уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

ушбу диний ташкилотта тааллуқли бошқа маълумотлар.

Марказий бошқарув органларига эга бўлган диний ташкилотларнинг уставлари мазкур бошқарув органлари билан келишилган бўлиши керак.

#### **11-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олиш**

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларни эса тегишли равишда Коргаҳпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Диний ташкилотларни рўйхатга олиш учун қуидаги хужжатлар тақдим этилади:

диний ташкилот тузиш ташаббускорлари бўлган, юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза;

диний ташкилотнинг устави;

таъсис йигилишининг баёни;

тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи хужжат;

давлат божи тўлангани тўғрисидаги хужжат.

(11-модданинг иккинчи қисми олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРК-197-сонли Конуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 513-модда)

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органини рўйхатга олиш учун қуидаги хужжатлар тақдим этилади:

таъсис йигилиши (конференцияси)нинг раиси ва котиби имзо қўйган ариза;

диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг устави;

таъсис йигилиши (конференцияси)нинг баёни;

таъсисчилар ваколатини тасдиқловчи хужжатлар;

раҳбар орган жойлашган манзилни тасдиқловчи хужжат;

давлат божи тўлангани тўғрисидаги хужжат.

(11-модданинг учинчи қисми еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРК-197-сонли Конуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 513-модда)

Диний ташкилотлар ҳамда уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

Адлия органлари қўшимча материаллар талаб қилиб олишга ҳамда тегишли органларнинг эксперт хulosасини олишга ҳақли. Бундай ҳолда қарор рўйхағдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч ойлик муддатда қабул қилинади.

Диний ташкилотнинг уставига киритилган қўшимчалар ва ўзгартишлар диний ташкилотни рўйхатга олиш каби тартиб ва муддатларда рўйхатга олиниши лозим.

Диний ташкилотлар раҳбарларининг ташкилот уставини давлат органларидан рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 240-моддаси биринчи қисмига, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 216<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисмига қаранг.

Диний ташкилотнинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкилотни рўйхатга олган орган томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишига йўл кўйган мансабдор шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

### **12-модда. Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этиш**

Агар диний ташкилот уставининг қоидалари ва бошқа хужжатлари ушбу Қонун ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун хужжатларининг талабларига зид бўлса, уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганда рад этиш асослари кўрсатилган қарор ёзма равишда аризачиларга юборилади. Диний ташкилот тузиш ташаббускорлари уставларини қонун хужжатларига мувофиқ ҳолга келтирганларидан сўнг, уставни рўйхатдан ўtkазиш тўғрисидаги ариза билан тегишли тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органларига қайтадан мурожаат этиш хукуқига эга.

Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этилганлиги ёхуд адлия органлари томонидан ушбу Қонун талаблари бузилганлиги усгидан судга шикоят қилиш мумкин.

### **13-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тугатиш**

Диний ташкилотнинг фаолияти у ўзини ўзи тарқатиб юборганда ёки ушбу Қонуннинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун хужжатларининг қоидалари бузилган тақдирда тугатилиши мумкин.

Кўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 июндаги 263-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўtkазиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқши» Қоидаларининг 3-бандига («Диний ташкилот фаолиятини тугатиш») қаранг.

Диний ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор уни рўйхатга олган орган томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

### **14-модда. Диний урф-одатлар ва маросимлар**

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаб туриш, шунингдек зиёратгоҳларни сақлаб туриш хукуқига эгадир.

Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар шу ердаги фуқароларнинг илтимосларига биноан ўтказилади.

Диний маросим ва ибодат биноларидан ташқарида ўтказиладиган оммавий ибодатлар, диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*Батафсил маълумот* учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган «Оммавий тадбирларни ўтказиши» Қоидаларига қаранг.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл кўйилмайди.

Диний ташкилотлар диндорлар мажбурий пул йигимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-кимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақди эмас.

### **15-модда. Диний ташкилотларнинг мулки**

Диний ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотларнинг мулкий хукуқлари қонун билан муҳофаза қилинади.

*Кўшимча маълумот* учун Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонунининг VII-бўлимига («Мулкий хукуқнинг кафолати ва ҳимоя қилиниши») қаранг.

### **16-модда. Давлат мулки бўлган мол-мулқдан фойдаланиш**

Диний ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишига ҳақлидир.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмларини диний ташкилотларга фойдаланиш учун бериш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

*Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасига мувофиқ давлат мулкида турган маданий мерос объекти диний ташкилотларга текин фойдаланиш шартномаси шартларида берib қўйилиши мумкин.*

Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат бинолари қуриш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **17-модда. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти**

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари уставдаги мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ, ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-курилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналарни, шунингдек хайрия муассасаларини (етимхоналар, касалхоналар) таъсис этишга ҳақлидир.

### **18-модда. Фаолиятини тутатган диний ташкилотларнинг мол-мулкини тасарруф этиши**

Диний ташкилотларнинг фаолияти тутатилгандан кейин уларга фойдаланиб туриш берилган мол-мулк ўз эгаларига қайтарилади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти тутатилган тақдирда, уларга қарашли мол-мулкка эгалик қилиш уларнинг устави ва қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Кредиторларнинг талабларини қондириш учун ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган ибодатга оид мол-мулк рўйхатидиний ташкилотларнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ҳуқуқий ворислари бўлмаган мол-мулк давлат мулки ҳисобига ўтади.

### **19-модда. Диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар**

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир.

Чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун хужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 196-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисида Низомнинг 7-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита Республикада чиқариладиган ёки чет эллардан келтирилаладиган диний тусдаги маҳсулотларни (матбуот ва электрон нашрларни, аудио, видео кассеталарни, CD, DVD ва бошқа дискларни) экспертизадан ўтказади ва мазкур фаолиятни мувофиқлаштиради.*

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари тегишли лицензия олгандан сўнг диний ибодат буюмларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш хукукига факат улар эга бўладилар.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастилик гоялари билан йўғрилган матбая нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, саклаш ва тарқатиш қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

*Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 184-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 244<sup>1</sup>-моддасига қаранг.*

## **20-модда. Диний ташкилотларнинг хайрия фаолияти**

Диний ташкилотлар хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

## **21-модда. Диний ташкилотларда меҳнатга оид хукукий муносабатлар**

Диний ташкилотларда меҳнат шартномалари (контрактлари) бўйича ишлаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари татбиқ этилади.

## **22-модда. Диний ташкилотларнинг ҳалқаро алоқалари**

Диний ташкилотлар мұқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадың қонун хужжатларига мувофиқ ҳалқаро алоқалар үрнатыш ва олиб боришига ҳақлидір.

**23-модда. Виждон әрқинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисидаги қонун хужжатларини бузганлық учuu жавобгарлик**

Виждон әрқинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисидаги қонун хужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Кўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодексининг 240-моддасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 145 ва 216<sup>2</sup>-моддаларига қаранг.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ  
ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТҰҒРИСИДА**

15.12.2000 й. № 167-II

Мазкур Қонунга ЎзР 30.04.2004 й. 621-II-сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

**I. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари**

Ушбу Қонуннинг мақсади терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солищдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни саклашдан иборат.

**2-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

гаровга ушлаб турилган шахс – қўлга олинган ёки ушлаб турилган шахсни озод этиш шартлари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, ҳалқаро ташкилотларни, шунингдек айрим шахсларни бирон-бир ҳаракат содир этишга ёки бундай ҳаракат содир этишдан тийилишга мажбур қилиш мақсадида террорчилар томонидан қўлга олинган ёки ушлаб турилган жисмоний шахс;

терроризм – сиёсий, диний, мағкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф түғдирувчи, мол-мулк

ва бошқа мөддий объектларнинг йўқ килиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, куролли можаролар чиқаришни кўзлаб ивогарликлар қилишга, ахолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар;

террорчи – террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этайтган шахс;

террорчилик гурӯҳи – олдиндан тил бириктириб террорчилик харакатини содир этган, бундай харакатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гурӯҳи;

террорчилик ташкилоти – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви;

террорчиликка қарши операция – террорчилик ҳаракатига чек кўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш, шунингдек жисмоний шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда террорчиларни заарарсизлантиришга қаратилган, келишилган ва ўзаро боғлиқ маҳсус тадбирлар мажмуи;

террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зона - жойнинг ёки акваториянинг алоҳида участкалари, ҳаво бўшлиғи, транспорт воситалари, бинолар, иморатлар, иншоотлар, хоналар ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказиладиган доирадаги уларга туаш ҳудудлар;

террорчилик фаолияти – террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молиялаштириш ва мөддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият;

террорчилик ҳаракати – гаровда ушлаб туриш учун шахсларни кўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобининг, ахолининг миллий, этник, диний, бошқа гуруҳлари, чет эл давлатлари

ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик обьектларни босиб олиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, портлатишлар, ўт қўйишилар, портлатиш курилмаларини, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан кўркитиши, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини кўлга олиш, олиб қочиши, шикастлантириш, йўқ қилиш, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима кўтариши ва тартибсизликлар келтириб чиқариш, аҳоли ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиши йўли билан зарар етказиши ёки хавф туғдириш, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуслар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва халқаро ҳукуқнинг умум эътироф этилган нормаларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш;

халқаро терроризм – бир давлат худуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризм.

**3-модда. Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**4-модда. Терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари**

Терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари қуидагилардан иборат:

қонунийлик;

шахс ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

терроризмнинг олдини олиш чоралари устуворлиги;

жазонинг муқаррарлиги;

терроризмга қарши кураш ошкора ва ноошкора усусларининг ўйғунлиги;

жалб этиладиган кучлар ва воситалар томонидан террорчиликка қарши ўтказиладиган операцияга раҳбарлик қилишда яккабошчилик.

## **5-модда. Террорчилик фаолиятининг олдини олиш**

Террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иктисодий, хукуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмууни ўtkазиш орқали амалга оширилади.

Куйидагилар тақиқланади:

терроризмни тарғиб қилиш;

террорчилик гурухлари ва ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўrsatiши;

террорчилик фаолиятига дахлдор юридик шахсларни, уларнинг бўлинмалари (филиаллари) ва ваколатхоналарини (шу жумладан, чет эл ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини) аккредитация қилиш, рўйхатдан ўtkазиш ва уларнинг фаолият кўrsatiши;

террорчилик фаолиятига дахлдор чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши;

тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларига оид маълумотлар ва фактларни яшириш.

## **6-модда. Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш**

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашадилар ва зарур ёрдам берадилар.

## **7-модда. Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги**

Терроризмга қарши кураш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатлари билан, уларнинг хукуқни муҳофаза қилувчи органлари, маҳсус хизматлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

## **П. Давлат органларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

### **8-модда. Терроризмга қарши кураш бўйича давлат органлари**

Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органлари куйидагилардан изборат:

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;  
ЎЗР 30.04.2004 й. 621-II-сон Қонуига мувофиқ түртинчи хат боши чиқарib ташланган

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Терроризмга карши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг терроризмға қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати:

террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш йўли билан терроризмга, шу жумладан, ҳалқаро терроризмга қарши курашни амалга оширади;

террорчилар, террорчилик гурухлари ва террорчилик ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ҳамда таҳлил қиласи, улардан келиб чиқаётган таҳдиднинг миллий хавфсизликка қай даражада хавфли эканлигини баҳолайди, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга зарур ахборотлар тақдим этади;

террорчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришидан давлат чегарасининг ҳимоя қилиниши ва қўриқланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали қурол, ўқдорилар, портловчи, радиоактив, биологик, шунингдек кимёвий ёки бошқа заҳарловчи моддаларнинг, террорчилик ҳаракатини содир этиш мақсадида ишлатилиши мумкин бўлган предмет ёки материалларнинг ноқонуний олиб ўтилиши олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш чораларини кўради;

чегара олди минтақасида ва чегара олди зonasида террорчиларни, террорчилик гурухларини аниқлайди, заарсизлантиради, қаршилик кўрсатилган тақдирда эса уларни йўқ қилиш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва категорияланган обьектларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида жойлашгандавлат муассасаларини, ушбу муассасаларнинг ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, шунингдек чет эл давлатлари, ҳукуматлари бошликлари ва ҳалқаро ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган даврда мазкур давлат (ҳукумат) бошликлари ва ҳалқаро ташкилот раҳбарларининг хавфсизлиги ҳамда кўриқланишини таъминлайди;

халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида чет эл давлатларининг тегишли органлари ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди;

террорчиликка қарши курашувчи бўлинмаларнинг террорчиларни, террорчилик гуруҳларини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш ҳамда террорчилик ташкилотларини тугатиш ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади. (ЎзР 30.04.2004 й. 621-П-сон Қонуни таҳриридаги модда), (Олдинги таҳририга қаранг)

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек кўйиш ҳамда унинг оқибатларини минималлаштириш йўли билан терроризмга қарши курашни амалга оширади;

алоҳида муҳим, категорияланган ва бошқа обьектларнинг кўриқланишини ва хавфсизлигини таъминлайди;

давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларига террорчилик фаолиятига алоқадор шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар тўғрисида ахборот тақдим этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**ЎзР 30.04.2004 й. 621-П-сон Қонунига мувофиқ 11-модда чиқариб ташланган**

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита:

*террорчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришидан Давлат чегарасининг қўриқланиши ва ҳимоя қилинишини таъминлайди;*

*Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали қурол, ўқдорилар, портловчи, радиоактив, биологик, шунингдек кимёвий ёки бошқа заҳарловчи моддаларнинг, террорчилик ҳаракатини содир этиши воситаси сифатида ишлатилиши мумкин бўлган предмет ёки материалларнинг ноқонуний олиб ўтишишини аниқлаш ва унга чек қўйиш чораларини кўради;*

*чегара олди минтақасида ва чегара олди зонасида террорчиларни зарарсизлантиради, қаршилик кўрсатилган тақдирда йўқ қилиш чораларини кўради;*

*қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.*

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

*Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:*

*Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўtkазиш пунктларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, курол-яроғлар, куроллар ва ўқ-дорилар, ядро-вий, биологик, кимёвий ёки бошқа турдаги ялпи қирғин куроллари, террорчилик ҳаракатларида ишлатилиши мумкин бўлган материаллар ва асбоб-ускуналарни ноқонуний олиб ўтишга уринишларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради;*

*қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.*

**13-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

*Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:*

*Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғи хавфсизлигини, мамлакат маъмурий, саноат-иктисодий марказлари ва худудлари, муҳим ҳарбий ва бошқа обьектларнинг ҳаводан бериладиган зарбадан ҳимоя қилиниши ва қўриқланишини таъминлайди;*

*ўз тасарруфидаги ҳарбий обьектларнинг қўриқланиши ва мудофаа қилинишини амалга оширади;*

*террорчиликка қарши операцияларда иштирок этади;*

*қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.*

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

фавқулодда вазиятлардан аҳолини ҳимоя қилиш, террорчилар ҳаракат қилаётган зонада жойлашган алоҳида мухим, категорияланган ва бошқа обьектлар барқарор ишлашини, шунингдек террорчилик ҳаракатлари оқибатларини тугатиш юзасидан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда тадбирлар ўтказади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **III. Террорчиликка қарши операциянинг ўтказилиши**

#### **15-модда. Террорчилик ҳаракатига чек қўйиш**

Террорчилик ҳаракатига чек қўйиш учун қонун хужжатларига мувофиқ зарур чоралар қўлланилади, шу жумладан, террорчиликка қарши операциялар ўтказилади.

#### **16-модда. Террорчиликка қарши операцияга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш**

Террорчиликка қарши операцияга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш ҳар бир муайян ҳолатда террорчилик ҳаракати таҳди迪 ва хавфининг кўламларини инобатга олган ҳолда белгиланади ҳамда мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тегишли тузилмалар зиммасига юкландади.

Терроризм таҳдидини заарсизлантириш ва тугатиш учун жалб этиладиган тузилмалар ва бўлинмаларнинг сайди-ҳаракатларини мувофиқлаштириш бўйича заруратга қараб штаблар тузилади.

#### **17-модда. Террорчилар билан музокаралар олиб бориш**

Террорчилик ҳаракатининг хусусиятига қараб жисмоний шахслар ҳёти ва соғлигини, моддий бойликларни сақлаш, гаровда ушлаб турилган шахсларни озод этиш, шунингдек куч ишлатмасдан террорчилик ҳаракатига чек қўйиш имкониятини ўрганиш мақсадида террорчилар билан музокаралар ўтказилиши мумкин.

Террорчиликка қарши операция ўтказиш раҳбари томонидан маҳсус ваколат берилган шахслар террорчилар билан музокаралар олиб боришига руҳсат этилади.

Террорчилар билан музокаралар олиб бориши уларни содир этган жиной қилмишлари учун жавобгарликдан озод этишнинг асоси ёки шарти бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Агар террорчилар билан музокаралар ўтказиши натижасида улар террорчилик ҳаракатини түхтатишига рози эмаслиги сабабли музокаралардан кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлмаса ҳамда жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғига аниқ таҳдид сакланиб турган бўлса, террорчиларни заарсизлантириш ва йўқ қилиш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

#### **18-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонанинг чегаралари**

Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонанинг чегаралари террорчиликка қарши операция ўтказиши раҳбарлари томонидан жойнинг хусусияти ва шароитларини, шунингдек террорчилик ҳаракатининг кўламлари ҳамда ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

#### **19-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказаётган шахсларнинг операция ўтказиладиган зонадаги ҳукуқлари**

Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонада мазкур операцияни ўтказаётган шахслар кўйидаги ҳукуқларга эга:

зарурат бўлганда транспорт воситалари ва йўловчиларнинг кўча ва йўлларда ҳаракатланишини вақтингчалик чеклаш ёки тақиқлаш, транспорт воситаларини, шу жумладан, дипломатия ваколатхоналарининг, консуллик муассасаларининг ва фуқароларнинг транспорт воситаларини жойнинг айрим участкаларига ва объектларга киритмаслик, фуқароларни жойнинг айрим участкаларидан ва объектлардан чиқариб юбориш, шунингдек маҳсус руҳсатномаси бўлмаган транспорт воситаларини шатакка олиб чиқариб ташлаш чораларини кўриш;

жисмоний шахсларнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса уларнинг шахсини аниқлаш учун ушлаб туриш;

ҳукуқбузарликлар содир этган ёки террорчиликка қарши операция ўтказувчи шахсларнинг қонуний талабларига тўсқинлик қилишга қаратилган, шунингдек террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонага руҳсатсиз кириш ёки киришга уриниш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этган шахсларни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш;

агар кечикириш жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлигини, жамият ва давлат хавфсизлигини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлса, террорчилик ҳаракатига чек қўйиш, уни содир этганликда гумон

қилинаётган шахсларни таъқиб этиш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳудудига ҳамда хоналарига, тураржой ва бошқа жойларга, ер участкаларига, транспорт воситаларига сутканинг исталган вактида монеликсиз кириш (ошиб тушиш);

террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонага кираётган (транспорт билан киришда) ҳамда мазкур зонадан чиқаётган (транспорт билан чиқишда) жисмоний шахсларни шахсан кўриқдан ўтказиш, улардаги ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда бу воситаларда олиб ўтилаётган юкларни, шу жумладан, назорат қилишнинг техник ва бошқа воситаларидан фойдаланган ҳолда кўриқдан ўтказиш;

жисмоний ёки юридик шахсларга тегишли бўлган алоқа воситаларидан, шу жумладан, маҳсус алоқа воситаларидан, шунингдек транспорт воситаларидан (чет эл давлатлари дипломатия ваколатхоналари ҳамда бошқа муассасаларининг, халқаро ташкилотларнинг алоқа ва транспорт воситаларидан ташқари) террорчилик ҳаракатининг олдини олиш, террорчилик ҳаракатини содир этган ёки содир этишда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш ва ушлаш, ҳодиса рўй берган жойга етиб бориш, тез тиббий ёрдамга муҳтоҷ бўлган шахсларни даволаш муассасаларига олиб бориш учун хизмат мақсадларида фойдаланиш;

террорчиларга нисбатан курол ва жанговар техниканинг мавжуд турларини ҳамда маҳсус воситаларини қўллапи.

## **20-мода. Оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик**

Террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонада оммавий ахборот воситалари вакилларининг фаолияти жойлардаги террорчиликка қарши операция ўтказиш раҳбарлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Қуйидаги ахборотлар тарқатилишига йўл қўйилмайди:

террорчиликка қарши операция ўтказишнинг маҳсус техникавий усууларини ҳамда тактикасини очиб берадиган;

террорчиликка қарши операция ўтказилишини қийинлаштириб қўядиган, жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлигига ҳавфни келтириб чиқарадиган;

террорчиликни тарғиб қилишга ёки оқлашга кўмаклашадиган;

террорчиликка қарши операция ўтказилаётганда бўлинмаларнинг ходимлари тўғрисидаги, шунингдек уни ўтказишга кўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги.

## **21-модда. Террорчиликка қарпи операциянинг тугатилиши**

Террорчилик ҳаракатига чек қўйилган (тугатилган) ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонадаги жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғига бўлган хавф бартараф этилган тақдирда террорчиликка қарши операция тугалланган ҳисобланади.

## **IV. Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган заарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси**

### **22-модда. Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган заарни қоплаш**

Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган заарни қоплаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **23-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказиши натижасида етказилган заарни қоплаш**

Террорчиликка қарши операция ўтказиши натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган заар қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Шахсга унинг террорчилик ҳаракатидаги иштирокига чек қўйилиши муносабати билан етказилган заар қопланмайди.

### **24-модда. Террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси**

Террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси уларни нормал ҳаётий фаолиятга қайтариш мақсадида ўтказилади ҳамда мазкур шахсларга хукуқий ёрдам беришдан, уларнинг руҳий, тиббий, касбий реабилитациясидан, уларни ишга жойлаштиришдан, зарур ҳолларда уларга обод тураржой ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ёрдам беришдан иборат бўлади.

Террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитациясини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **V. Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган шахсларнинг хукуқий ва ижтимоий ҳимояси**

### **25-модда. Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган, хукуқий ва ижтимоий ҳимояланиши зарур бўлган шахслар**

Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган шахслар давлат ҳимоясидадир.

Куйидагилар хукуқий ва ижтимоий ҳимояланиши лозим:

терроризмга қарши курашда бевосита иштирок этәётган ҳарбий хизматчилар, давлат органларининг ходимлари ва мутахассислари;

террорчилик фаолиятининг олдини олишда, уни аниқлашда, унга чек қўйишда, уни тергов қилишда ҳамда унинг оқибатларини минималлаштиришда терроризмга қарши курашни амалга ошираётган давлат органларига доимий ёки вақтинча кўмаклашаётган шахслар;

ушбу қисмнинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг оила аъзолари, агар уларнинг ҳимояланишини таъминлаш зарурати мазкур шахсларнинг терроризмга қарши курашдаги иштирокига боғлиқ бўлса.

Терроризмга қарши курашда бевосита иштирок этәётган, терроризмга қарши курашга кўмаклашаётган шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзоларига, башарти уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид юзага келган тақдирда, илтимосларига кўра уларнинг ташки қиёфаси, фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек иш ва яшаш жойлари терроризмга қарши кураш органлари таъминотига ажратиладиган маблаглар хисобидан ўзгартирилиши мумкин.

#### **26-модда. Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахслар ҳаёти ва соғлиғига ўтказилган зарарни қоплаш**

Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахс террорчиликка қарши операция ўтказишда ҳалок бўлган тақдирда ҳалок бўлган шахснинг оила аъзоларига ҳамда унинг қарамоғидаги шахсларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланади ҳамда бокувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахс террорчиликка қарши операция ўтказишда майиб бўлган ва бу унинг меҳнат лаёқатини йўқотишига ҳамда ногиронликка олиб келган тақдирда унга бир йўла бериладиган нафақа тўланади ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ногиронлик пенсияси тайинланади.

Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахс террорчиликка қарши операция ўтказишда ярадор бўлган тақдирда бу унинг меҳнат лаёқатини йўқотишига олиб келмаса, унга қонун ҳужжатларига мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланади.

#### **27-модда. Кўп йил ишлаганликни имтиёзли хисоблаш**

Терроризмга қарши курашни бевосита амалга ошираётган бўлинмаларда хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга ҳамда давлат органларининг ходимларига пенсия тайинлашда хизматнинг бир куни

икки кунга, террорчиликка қарши операция ўтказишда иштирок этган даврда хизматнинг бир куни уч кунга ҳисобланади.

Террорчиликка қарши операция ўтказишда иштирок этишга жалб қилинган мутахассислар ва бошқа шахсларга пенсия тайинлашда мазкур операцияда иштирок этишнинг ҳар бир куни уч кунга ҳисобланади.

Кўп йил ишлаганликни имтиёзли ҳисоблаш тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади.

**VI. Террорчилик фаолиятида иштирок этганлик ҳамда терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

**28-мода. Террорчилик фаолиятида иштирок этганлик учун жавобгарлик**

Террорчилик фаолиятида иштирок этаётган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Шахс террорчилик фаолиятида иштирок этишдан ўз ихтиёри билан кайтган, бу ҳақда тегишли давлат органларига хабар берган ҳамда оғир оқибатлар юзага келишининг ва террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган тақдирда, қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

**29-мода. Террорчилик фаолияти учун ташкилотнинг жавобгарлиги**

Ташкилот суднинг қарори асосида террорчилик ташкилоти деб топилади ва тугатилади.

Террорчилик ташкилоти деб топилган ташкилот тугатилганда унга тегишли мол-мулк мусодара этилади ҳамда давлат мулкига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган халқаро ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) Ўзбекистон Республикасининг суди томонидан террорчилик ташкилоти деб топилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси худудида мазкур ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) фаолияти тақиқланади ва бу ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) тугатилади, унга (унинг бўлинмасига, филиалига, ваколатхонасига) тегишли, Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган мол-мулк мусодара этилади ва давлат мулкига ўтказилади.

**30-мода. Етказилган зарар учун жавобгарликдан озод этиш**

Террорчиликка қарши операцияда иштирок этаётган ҳарбий хизматчилар, мутахассислар ва бошқа шахслар бундай операция

ўтказилаётганда мажбуран заар өтказғанлик учун жавобгарлиқдан озод этилади.

**31-модда. Терроризмга қарши қураш тұғрисидаги қонун хужжатларини бузғанлик учун жавобгарлик**

Терроризмга қарши қураш тұғрисидаги қонун хужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланған тартибда жавобгар бўладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ  
ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ  
ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШ-  
ТИРИШГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ТҰҒРИСИДА**

26.07.2004 й. № 660-II

(Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари түплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда; 2007 й., 17-18-сон, 172-модда; 2009 й., 17-сон, 210-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда)

**I. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашиш тұғрисидаги қонун хужжатлари**

Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашиш тұғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашиш тұғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланған бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш**

Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиной фаолият натижасида

топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини ёхуд пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳукуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир саклашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмишдир.

Терроризмни молиялаштириш – террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар, ресурслар беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш.

(3-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2009 й., 17-сон, 210-модда)

**II. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишни ташкил этиш**

**4-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларга куйидагилар киради:

махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат;

(4-модданинг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2009 й., 17-сон, 210-модда)

ички назорат;

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар;

*(4-модданинг тўртминчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Конуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 17-сон, 210-модда)*

**5-модда. Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат**

Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этадиган ахборотни текшириш ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар мажмуюи.

*(5-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Конуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 17-сон, 210-модда)*

**6-модда. Ички назорат**

Ички назорат пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятидир.

Ички назорат амалга оширилаётганда зарур ахборотни расмийлаштириш, унинг маҳфийлигини таъминлаш тартиби, кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари, шунингдек махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни аниқлаш мезонлари ва уларнинг аломатлари белгиланади.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда, бундай органлар бўлмаган ҳолда эса, махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

Ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат мазкур қоидаларни тасдиқлаган органлар, шунингдек махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

*(6-модда матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Конуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 17-сон, 210-модда)*

## **7-модда. Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар:

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда хўжалик, фуқаровий ҳукуқий муносабатлар аниқланганда;

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бир марталик операциялар амалга оширилганда;

шубҳали операциялар амалга оширилганда;

мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан шубҳалар мавжуд бўлганда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустакил чора-тадбирлар кўришлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар куйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали мулкдорни ёки юридик шахс бўлган мижозни назорат қилувчи шахсни идентификациялашни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишни.

(7-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Конуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2009 й., 17-сон, 210-модда)

## **8-модда. Махсус ваколатли давлат органи**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ўтказилиши устидан ушбу Конунда белгиланган тартибда назоратни амалга оширади.

## **9-модда. Махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари**

Махсус ваколатли давлат органи:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан бөглиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органларнинг ишини мувофиқлаштиради;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан бөглиқ операциялар бўйича ушбу Қонунга мувофиқ равишда олинадиган ахборотлар таҳлил қилинишини амалга оширади;

етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан бөглиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан бөглиқ операцияларни, агар бундай операциялар тўғрисидаги ўзи олган хабар текшириш натижаларига кўра асосли деб топилган бўлса, икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатмалар йўллади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан сўрайди ва бепул олади;

*(9-модданинг тўртинчи—олтинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2009 й., 17-сон, 210-модда)*

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**10-модда. Махсус ваколатли давлат органи қарорларининг мажбурийлиги**

Махсус ваколатли давлат органининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларига доир қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийdir.

**III. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ва уларни амалга оширувчи ташкилотлар**

**11-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка нисбатан ўз мулкий хукуқлари ва мажбуриятларини белгилашга, ўзgartириш ёхуд туғатишга қаратилган ҳаракатлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялардир.

**12-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар кўйидағилардир:

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

(12-модданинг иккинчи хатбоиси *Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳтирида — ЎРҚХТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;

биржা аъзолари;

сугурталовчилар ва сугурта воситачилари;

лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар;

пул ўтказмалари, тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотлар;

ломбардлар;

лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;

қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи шахслар;

кўчмас мол-мулкнинг олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизматлар кўрсатувчи ва иштирок этувчи шахслар;

мижозлар номидан битимлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда нотариал идоралар (нотариуслар), адвокатлик тузилмалари (адвокатлар) ҳамда аудиторлик ташкилотлари.

**13-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, маҳсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлған операциялар**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ички назоратни ўтказиш

давомида шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланыётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар маҳсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назорат қоидаларида белгиланган мезонлар ва белгиларга мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция шубҳали операция, деб топилади.

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операциялар ҳам маҳсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

**14-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, алоҳида ҳолларда маҳсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операциялар**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулқдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, ушбу Қонунга мувофиқ маҳсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак.

**15-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуидагиларни бажаришлари шарт:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, маҳсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак бўлган шубҳали операциялар аниқланган тақдирда, маҳсус ваколатли давлат органига бу операциялар бўйича улар аниқланган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай белгиланган тартибда ахборот тақдим этиш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган операцияларни, юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварагига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида маҳсус ваколатли давлат органини хабардор килиш. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида маҳсус ваколатли давлат органининг кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган муддат ўтгач, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга оширувчи ташкилот тўхтатиб турилган операцияни бажаришга киришади;

ички назорат тартиб-таомилини жорий этиш ва амалга ошириш»;

(12—15-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2009 й., 17-сон, 210-модда)

**16-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни бажаришни рад этиш**

Идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган юридик ёки жисмоний шахсларга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар мазкур операцияларни бажаришни рад этади, юридик ёхуд жисмоний шахс ҳисобварагига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш операциялари бундан мустасно.

**17-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ чет эл валютасидаги операция**

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция чет эл валютасида амалга оширилаётган бўлса, унинг миллий валютадаги миқдори конун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

**IV. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборот**

## **18-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиш**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этиш, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларни террорчилик ёхуд бошқа жиноий фаолиятда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёхуд жисмоний шахслар ҳақида хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялари тўғрисидаги ахборотни ёхуд бошқа маълумотларни маҳсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда тақдим этиш тижорат, банк сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни бузиш ҳисобланмайди.

(18-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎРҚХТ, 2009 й., 17-сон, 210-модда)

## **19-модда. Маълумотларнинг маҳфийлигини ва сақланишини таъминлаш**

Маҳсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари ўзларига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сири ёки бопқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг маҳфийлигини ва сақланишини таъминлашлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг, маҳсус ваколатли давлат органининг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи бошқа органларнинг ходимлари юридик ва жисмоний шахсларни уларга нисбатан ўtkазилаётган назоратдан хабардор қилишга ҳақли эмас.

(19-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2009 й., 17-сон, 210-модда)

## **20-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланишини чеклаш ҳамда бундай ахборотни тарқатмаслик**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар, маҳсус ваколатли давлат органи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашишда иштирок этувчи бошқа органлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашиш билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланишини қонун хужжатларида белгиланган тартибда чеклайдилар ҳамда бундай ахборотнинг тарқатилмаслигини таъминлайдилар.

**21-модда.** Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни сақлаш

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун хужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашпари шарт.

(21-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2009 й., 17-сон, 210-модда)

#### **V. Якунловчи қоидалар**

**22-модда.** Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашиш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашиш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ҳамда ҳалқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Маҳсус ваколатли давлат органи зарур ахборот тақдим этиш тўғрисида чет давлатларнинг ваколатли органларига сўровлар юбориш ва чет давлатлар ваколатли органларининг сўровларига жавоб қайтариш хуқуқига эга.

(22-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎРҚХТ, 2009 й., 17-сон, 210-модда)

## **23-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## **24-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА**

**29.08.1997 № 464-I**

**3-модда.** Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари куйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишини танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рагбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

#### **4-модда. Билим олиш ҳуқуқи**

Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавкеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси худудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

### **СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТЎҒРИСИДА**

26.12.1996 й., № 337-I

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 36-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2007 й., 15-сон, 153-модда; 2008 й., 52-сон, 510, 513-модда; )

#### **3-модда. Сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши принциплари**

Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиши-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равищда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Кўйидаги сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади:

– конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи;

Ўзбекистон Республикаси суворенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чикувчи;

– урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи;

– халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи;

– миллий ва диний руҳдаги партиялар.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА**

## **МУЛКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА**

*(ўзгартиришлар билан)*

31.10.1990 йил № 152-XII

### **4-модда. Мулкий ҳуқуқ субъектлари**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жамоалар, уларнинг бирлашмалари, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг оиласиий ва ўзга бирлашмалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, халқ депутатларининг барча бўғиндаги Кенгашлари ҳамда улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар, бошқа давлатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар мулкий ҳуқуқ субъектлари. Турли юридик шахслар ва фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар айнан битта мулкнинг субъектлари бўлиши мумкин.

### **8-модда. Умумий қоидалар**

1. Ширкат (жамоа) мулки оиласиий мулкни, маҳалла мулкини, шунингдек кооперативларнинг, ижара, жамоа корхоналарининг мулкини, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг, турли хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, ассоциациялар ва юридик шахс ҳисобланган бошқа бирлашмаларнинг мулкини ўз ичига олади.

### **17-модда. Диний ташкилотларнинг мулки**

1. Диний ташкилотларнинг мулкида бинолар, диний буюмлар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ҳайрия аҳамиятига эга бўлган обьектлар, диний ташкилотларнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз маблағига сотиб олган ва барпо этган, фуқаролар, ташкилотлар эҳсон қылган ёки давлат томонидан берилган ва қонунда ман этилмаган бошқа асосларга биноан кўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқаридан бўлган мол-мулкка эгалик қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ҳайрия мақсадларида мол-мулк беришга йўл қўйилади.

Диний ташкилотлар ихтиёрий суратда молиявий ва бошқа ҳайр-эҳсон қилишни сўраб мурожаат этишга ва уларни олишга ҳақлидирлар.

2. Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мол-мулк тарзидаги хайр-эҳсонлар, шунингдек фуқаролардан келадиган пул тушумларининг ҳамма турларига солик солинмайди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

02.07.1992 йил № 632-XII

### 2-модда. Тенг фуқаролик

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги фуқароликни олиш асосларидан қатъи назар барча учун тенгдир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқишиларидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъи назар, конун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенгхукуқлилиги иктисадий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида таъминланади.

Коракалпогистон Республикасининг фуқароси айни бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг ҳам фуқаросидир.

### 4-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублик

Куйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар:

1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва сажиясидан қатъи назар, ушбу Конун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

### 17-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра ушбу Конунга биноан келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин. ...

Агар шахс:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик ишлатиб ўзгартиришни ёқлаб чиқаётган бўлса;

...  
уни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаси рад этилади.

## УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА

12.12.2002 йил 436-II

**22-модда. Муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан озод этиш**

Тинчлик даврида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан қўйидагилар озод этиладилар:

1) саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган чақирилувчилар;

2) яқин қариндошларидан бири (ака-укаси, опа-синглиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар;

3) рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчилар.

Ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган шахслар ўз розиликлари билан ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин.

Жиной жавобгарликка тортилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилмайдилар.

## МУҚОБИЛ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА

03.07.1992 й. № 646-XII

**3-модда. Муқобил хизматни ўташ ҳукуқи**

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, ҳарбий хисобда турадиган, муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролари, башарти улар:

— хизматга чақирилаётган шахсдан ташқари 16 ёшга тўлмаган тўрт ва ундан ортиқ болали оиласдан бўлсалар;

— ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси ёки ака-ука (опа-сингил)лари бўлса;

— диний таълимоти қурол ишлатишга ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл кўймайдиган рўйхатдан ўтгай диний ташкилотларнинг аъзоси бўлсалар, муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг ўзга тоифаларини ҳам белгилаши мумкин.

Муқобил хизматни ўтаётган шахслар муқобил хизмат хизматчилари деб аталадилар.

**СУДЛАР ТЎҒРИСИДА**  
*(янги таҳрири)*

02.09.1993 й. № 924-XII

**6-модда. Қонун ва суд олдидағи тенглик**

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенгдир. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенгдир.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА**  
*(янги таҳрири)*

28.12.1993 й. № 990-XII

**3-модда. Тенг сайлов ҳуқуқи**

Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга.

Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

**25-модда. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар  
Куйидагилар:**

содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмагаи ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар; (ЎзР 25.12.2008 й. ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнida Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

## **ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИФА САЙЛОВ ТҮҒРИСИДА**

05.05.1994 йил № 1050-XII

### **3-модда. Тенг сайлов ҳуқуқи**

Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, ёзтиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

*ЎзР 29.08.2003 й. 520-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм.*

### **23-модда. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар Куйидагилар:**

– содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар; (ЎзР 25.12.2008 й. ЎРҚ-194-сон Қонуни таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

– сайлов кунига қадар сўнгти беш йил мобайнida Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшамаган шахслар; (ЎзР 29.08.2003 й. 520-II-сон Қонуни таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

– Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизматининг, Ички ишлар вазирлигининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

– диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

*ЎзР 25.12.1998 й. 729-I-сон Қонуни таҳриридаги модда.*

**«ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР  
КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ТЎГРИСИДА» ГИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИҒА ЎЗГАРТИШЛАР ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

29.08.2003 йил № 520-II

2) 3-модданинг иккинчи қисми қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машгулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар».

**ФУҚАРОЛАР САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ  
КАФОЛАТЛАРИ ТЎГРИСИДА**

05.05.1994 йил № 1051-XII

3-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машгулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

**ФУҚАРОЛАР СОҒЛИГИНИ САҚЛАШ ТЎГРИСИДА**

29.08.1996 йил № 265-I

**13-модда. Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар.

Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди.

**44-модда. Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамёди**

Шифокор дипломини олаётган шахслар қуидаги мазмунда қасамёд қабул қиласди:

«Шифокор деган юксак унвонни олиб, тиббиёт фаолиятига киришар эканман:

ўзимнинг бор билим ва маҳоратимни беморни даволашга ҳамда инсон соғлигини сақлашга бағишлишга;

ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир беморга куч-ғайратим ва вақтимни аямай тиббий ёрдам кўрсатишга;

беморнинг соғлигини шахсий манфаатларимдан юкори қўйишга, камтар ва ҳалол бўлишга, ўз билим ва маҳоратимни доимо ошириб боришга;

шифокор сирини сақлашга;

кишиларга ҳамиша меҳр-мурувват ва шифо топишларига ишонч ҳадя этишга;

Букрот, Абу Али ибн Сино сингари улуғ табибларнинг шонли анъяналарини давом эттиришга тантанали қасамёд қиласман.

Ушбу қасамёдга умримнинг охиригача содик қолишга қасамёд қиласман».

Шифокорлар қасамёдни бузганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

## НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

30.08.1996 йил № 274-І

### 2-модда. Ноширлик фаолиятининг эркинлиги

Ноширлар ўз фаолиятларида, шужумладан, ноширлик йўналишини, мавзуларини, ихтисослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллифни танлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонун ҳужжатлари доирасида мустақиллар.

Конституциянинг 67-моддаси; «Аҳборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6, 7-моддалари; «Вижсон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) 19-моддасининг биринчи қисми.

Ношир ва буюртмачи ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

### 4-модда. Ноширлик фаолияти эркинлигини сунистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги

Матбаа маҳсулотида конституциявий тизимни зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, давлат аҳамиятига молик сирларни ошкор қилиш, уруш, зўравонлик ва беҳаётликни тарғиб қилиш, диний ва миллий нифоқ солиш, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситиш, туҳмат қилиш ман этилади.

«Аҳборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 7, 14, 15-моддалари.

## **ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТҮӨРСИСИДА (яңги таҳрири)**

26.12.1997 йил № 541-I

**6-модда. Оммавий ахборот воситалари эркинлигини сүистеммол қилишга йўл қўйилмаслиги**

Оммавий ахборот воситаларидан:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, худудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастилик ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзгатувчи ахборот тарқатиш;

агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни тарғиб этиш;

қонунга мувофиқ жиной ва ўзга жавобгарликка сабаб бўладиган бошка ҳаракатларни содир этиши мақсадида фойдаланишига йўл қўйилмайди.

## **МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТҮӨРСИСИДА**

09.10.2009 йил N ЎРҚ-228

**3-модда. Асосий тушунчалар**

ЎзР 09.10.2009 й. ЎРҚ-228-сон Қонуни таҳриридаги модда матни

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ансамбллар – тарихан таркиб топган худудда аниқ қўзга ташланадиган, атроф манзараси билан умумийлиги ёки алоқадорлиги тарихий, археологик, меъморий, эстетик ёки ижтимоий-маданий кимматга эга бўлган, ижтимоий, маъмурий, диний, илмий, ўкувтаълим, истеҳком, сарой, турар жой, савдо, ишлаб чиқариш ва бошқа аҳамиятга молик ҳамда рассомлик, ҳайкалтарошлиқ, амалий безак санъати, меъморчилик асарлари билан боғлиқликда алоҳида ёки ўзаро биргаликда турган ёдгорликлар, иморатлар ва иншоотлар гурухлари, шунингдек тарихий тарҳларнинг ҳамда манзилгоҳлар иморатларининг

қолдиклари, ландшафт архитектураси ва боғ-роғ санъати асарлари (боғлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар).

**«МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ  
ҲАҚИДА**

09.10.2009 йил № ЎРҚ-228

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 2 апрелда қабул қилинган Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги 269-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 180-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 309-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 3-модданинг матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ансамбллар – тарихан таркиб топган ҳудудда аниқ кўзга ташланадиган, атроф манзараси билан умумийлиги ёки алоқадорлиги тарихий, археологик, меъморий, эстетик ёки ижтимоий-маданий қимматга эга бўлган, ижтимоий, маъмурий, диний, илмий, ўкувтаълим, истеҳком, сарой, турар жой, савдо, ишлаб чиқариш ва бошқа аҳамиятга молик ҳамда рассомлик, ҳайкалтарошлиқ, амалий безак санъати, меъморчилик асарлари билан боғлиқликда алоҳида ёки ўзаро биргаликда турган ёдгорликлар, иморатлар ва иншоотлар гурухлари, шунингдек тарихий тарҳларнинг ҳамда манзилгоҳлар иморатларининг қолдиқлари, ландшафт архитектураси ва боғ-роғ санъати асарлари (боғлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар).

**ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА**

31.08.2000 йил № 123-II

**12-модда. Рухий ҳолати бузилган шахсларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш**

Рухий ҳолатнинг бузилганлик ташхиси умум эътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда таснифларга мувофиқ қўйилади ва

фуқаронинг жамиятда қабул қилинган ахлоқий, маданий, сиёсий ва диний қадриятларга қўшилмаслигига ёхуд унинг руҳий соғлиғи ҳолатига бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга асосланиши мумкин эмас.

**34-модда.** Психиатрия стационарида даволанувчиларнинг хукуқлари

Даволанувчига уни психиатрия стационарига жойлаштириш асослари ва мақсадлари, унинг хукуқлари ва стационарда ўрнатилган қоидалар тушунтирилиши керак. Бу ҳақда тиббий ҳужжатларга ёзib кўйилади.

Психиатрия стационарида даволанаётган ёки текширувдан ўтаётган даволанувчилар:

– адвокат ва руҳоний билан ёлғиз учрашишга ҳакли.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА**

18.11.1991 йил 414-XII

### **2-модда. Фуқароларнинг сайлов ҳукуқи**

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳукуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллый мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг сайлов ҳукуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

**25-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш**

Куйидагилар:

қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар; ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги  
ПҚ-1602-сон қарорига 1-ИЛОВА  
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тұғрисида**  
**НИЗОМ**

**8.3. Мамлакатимизда рўйхатдан ўтказилга маҳаллий, шунингдек чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятида қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторингни амалга ошириш соҳасида:**

нодавлат нотижорат ташкилотларни, шу жумладан, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, сиёсий партиялар, халқаро ва хорижий нодавлат (ноҳукумат) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил  
1 марта 99-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Диний таълим муассасаларининг фаолиятини  
лицензиялаш тұғрисида**  
**НИЗОМ**

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом диний таълим муассасалари (диний ўқув юртлари) нинг фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тұхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тұғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг диний таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

(2-банднинг биринчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонлы қароры таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)

Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

3. Комиссиянинг ишчи органдар функциясини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бүйича құмита (кейинги ўринларда ишчи орган деб юритилади) амалга оширади.

4. Факат юридик шахслар лицензия талабори бўлишлари мумкин.
5. Диний таълим соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.
6. Диний таълим соҳасида фаолиятни амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади.

(банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарори таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон, 181-модда)

## II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Куйидагилар диний таълим соҳасида фаолиятни амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мажбурий риоя килиш;

лицензия талаборида лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган талабларга жавоб берувчи мулкий ёки бошقا ашёвий ҳуқуқ билан унга тегишли бўлган бинолар (хоналар) мавжуд бўлиши;

диний фанларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ўқув концепцияси, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ўқитилиши;

вояга етмаган шахсларни уларнинг иродасига, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (vasiyilar)нинг хоҳишига хилоф равишда ўқитишга, таълим жараёнида уруш, зўравонлик, прозелитизм ва ҳар қандай миссионерлик фаолияти тарғиб қилинишига, мамлакат хавфсизлиги ва ижтимоий-сийёсий барқарорлик, жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари, фуқаролар тинчлиги, миллатлараро ва динлараро тутувлик бузилишига, Ўзбекистон тўғрисида нотўри ахборотлар тарқатилишига ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий бойликлари бузуб кўрсатилишига йўл қўймаслик;

диний таълим муассасаларида диний фанларнинг диний маълумотта ҳамда диний ташкилотларни бошқариш тегишли марказий органининг рухсатномасига эга бўлган шахслар томонидан ўқитилиши;

битирувчилари диний фанларни ўқитишга қўйилиши мумкин бўлган диний таълим муассасалари, шу жумладан хорижий диний таълим муассасалари рўйхатини ишчи орган билан келишиш;

диний фанларни ўқитаётган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган муддатларда даврий аттестациядан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасида белгиланган давлат таълим стандартлари ва талабларига мувофиқ дунёвий фанларни ўқитиши;

ўкув жараёнини таъминлаш учун зарур моддий маблағлар (ёки уларнинг аниқ манбалари) мавжуд бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридан Дин ишлари бўйича кўмитага, унинг талабига кўра, лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотлар бериш;

ўкув жараёнинда чет элда нашр этилган, белгиланган тартибда экспертизадан ўтган диний адабиётдан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказилганда лицензияни назорат органларига кўрсатиш.

8. Лицензия битимида ушбу Низомнинг 7-бандида санаб ўтилганлардан келиб чикувчи аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

### **III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар**

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-хукуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, лицензияланадиган фаолият тури кўрсатилган лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

(9-банднинг учинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонли қарори таҳририда — ЎР КХТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)

диний ташкилотларни бошқариш марказий органининг илтимосномаси;

Комиссия томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича диний таълим муассасаси паспорти;

лицензияланадиган фаолият амалга ошириладиган бинолар (хоналар)га мулк хукуқини ёки бошқа ашёвий хукукни, шунингдек кўрсатиб ўтилган бинолар (хоналар)нинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига ва санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги тўғрисида

ёнгиндан сақлаш ва санитария-эпидемиология органларининг хуласалари;

ўкув концепцияси, ўкув режалари ва дастурлари;

ўкув жараёнини таъминлаш учун зарур бўлган моддий маблағлар (ёки уларнинг аниқ манбай)нинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

битирувчилари диний фанларни ўқитишига қўйилиши мумкин бўлган диний таълим муассасалари, шу жумладан хорижий диний таълим муассасалари рўйхати;

диний фанларни ўқитувчи шахсларнинг диний маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларнинг ва мазкур фаолиятни амалга оширишга диний ташкilotларни бошқариш марказий органи руҳсатномалари нусхаси;

ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

10. Лицензия талаборидан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишига йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар лицензия талабори томонидан ишчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи органнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул килинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талаборига юборилади (топширилади).

12. Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### **IV. Аризаларни кўриб чиқиши ва лицензия бериши ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши**

13. Лицензия талабори аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида йиғим ундирилади.

(13-банднинг биринчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)

Лицензиатнинг лицензия бериши тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига

ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йигим суммаси қайтарилмайди.

14. Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи орган ариза олинган кундан бошлаб йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда хужжатларни кўриб чиқади ва улар бўйича эксперт хуносаси тайёрлайди ҳамда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун Комиссияга таклиф тақдим этади.

Комиссия ишчи органинг таклифи олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ҳамда қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган тегишли қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

15. Ишчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қиласди.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (тотширилади).

Лицензия бериш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро хукуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битими ишчи орган билан лицензиат ўргасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;  
лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун  
томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари  
бажарилишини ишчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи  
орган учун бир нусхадан тузилади.

16. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган  
хужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва  
ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкаси намунаси  
ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан  
тасдиқланади ва ишчи орган буюртманомасига кўра «Давлат белгиси»  
давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Лицензия  
бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши  
учун масъулият ишчи орган раҳбарига юкланди.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва  
Комиссия раиси томонидан имзоланади.

17. Лицензия лицензия талабори томонидан давлат божи  
тўланганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этилгандан ва лицензия  
битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул  
қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган)  
вактдан бошлаб уч ой мобайнида ишчи органга лицензия берилганлиги  
учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни тақдим  
этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса Комиссия лицензияни  
бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш  
тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида  
назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабори ишчи органнинг лицензия беришни рад этиш  
тўғрисидаги қарори, шунингдек ишчи орган мансабдор шахсининг  
хатти-харакати (харакатсизлиги) юзасидан қонун хужжатларида  
белгиланган тартибда шикоят қилиш хукуқига эгадир.

20. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган  
тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига  
рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган  
сабабларни бартараф этиб хужжатларни такроран кўриб чиқишга

тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (тоширилади). Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

(20-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)

21. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, хужжатларни тақороран кўриб чиқиши лицензия талабгорининг аризаси барча зарур хужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи орган хужжатлар тақороран тақдим этилгандан кейин етти кун мобайнида улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун Комиссияга таклиф тақдим этади.

Комиссия ишчи органнинг таклифи олингандан кейин уч кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари тақороран кўриб чиқишига учун йифим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқиша илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл кўйилмайди.

(21-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли қарорига асосан бешинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда)

Лицензия бериш рад этилганини тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

## V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиши муддатиниузайтириш, дубликат бериш

22. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг хукукий

вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

(22-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонли қарори таҳририда --- ЎР ҚҲТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)

23. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сўмманинг ярми миқдорида йигим ундирилади. Йигим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш ҳақидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

26. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроксиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сўмманинг ярми миқдорида йигим ундирилади. Йигим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

## **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя етилишини назорат қилиш**

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида кўйидаги хукуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва лицензия битимлари шартларига риоя этилишини режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганилигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтагиши ёхуд уни бекор қилиш тўғрисида Комиссияга таклиф киритиши.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда ишчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

## **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Ишчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, ишчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган заарар миқдорида жавоб беради.

31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган заарар миқдорида жавоб беради.

32. Лицензияни бекор килиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор килиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган заарар миқдорида жавоб беради.

### **VIII. Лицензиялар реестри**

33. Ишчи орган лицензиялар реестрини юритади.

Реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-хуқуқий шакли, почта манзили, телефоны;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асоси ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асоси ва санаси;

дубликат бериш асоси ва санаси.

34. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиши учун очик бўлади.

(34-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)

## IX. Давлат божи тўлаш тартиби

35. Диний таълим муассасаларига лицензия берилганинига ва унинг амал қилиш мuddати узайтирилганини учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Давлат божи республика бюджети даромадига ўтказилади.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Бош Ассамблейнинг 1948 йил 10 декабрдаги  
217А (III)-сонли резолюцияси билан  
қабул қилинган ва эълон қилинган

Ўзбекистон Республикаси мазкур Декларацияга  
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
1991 йил 30 сентябрь N 366-XII Қарори билан  
қўшилган

## МУҚАДДИМА

Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг teng, ажralmas ҳукуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлитини эътиборга олиб;

инсон ҳукуқларини менсимаслик ва уни поймол этиш инсоният виждан қийналадиган ваҳшиёна ишлар содир этилишига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган ҳамда қўрқув ва муҳтоjлиқдан холи шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу интилишидир, деб эълон қилинганлигини эътиборга олиб;

инсон охирги чора сифатида зулм ва истибоддага қарши исён кўтаришга мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон

хукуқлари қонун кучи билан ҳимоя этилиши зарур эканлигини эътиборга олиб;

халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш зарурлигини эътиборга олиб;

Бирлашган Миллатлар халқлари инсоннинг асосий хукуқларига, шахснинг қадр-қимматига, эркак ва аёлнинг тенг хукуқлилигига, ўз эътиқодларини Уставда тасдиqlаганликлари ҳамда янада кенгроқ эркинликда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишга аҳд қилғанликларини эътиборга олиб;

аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон хукуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб;

мазкур хукуқлар ва эркинликларнинг характерини ялпи тушуниш ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ адо этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлишини эътиборга олиб;

Бош Ассамблея,

мазкур Инсон хукуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қиласар экан, бундан муддао ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳукуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги худудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур.

### 1-модда

Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳукуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждан ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак.

### 2-модда

Ҳар бир инсон ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, молмулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳукуқ ва барча эркинликларга эга бўлиши зарур.

Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки худуднинг сиёсий, хукукий ёки халқаро мақомидан, ушбу худуд мустақиллиги, васийлиги, ўзини ўзи идора кила олиши ёки бошқа тарзда чекланганлигидан қатъи назар ҳеч қандай камситиш бўлмаслиги керак.

### **3-модда**

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик хукуқларига эгадир.

### **4-модда**

Ҳеч ким қулликда ёки эркисиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади.

### **5-модда**

Ҳеч ким қийнокқа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак.

### **6-модда**

Ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзини хукуқ субъекти сифатида тан олинишига ҳақли.

### **7-модда**

Барча одамлар қонун олдида тенгдирлар ва ҳеч қандай тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш хукуқига эгадирлар. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай уринишлардан тенг ҳимоя қилиниш хукуқига эгадирлар.

### **8-модда**

Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий хукуқлари бузилган ҳолларда ваколатли миллий судлар томонидан бу хукуқларнинг самарали тикланиши хукуқига эга.

### **9-модда**

Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас.

### **10-модда**

Ҳар бир инсон хукуқ ва бурчларини белгилаш ва унга кўйилган жинойи айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши хукуқига эга.

## **11-модда**

1. Жиноят содир этганлиқда айбланаётган ҳар бир инсон ҳимоя учин барча имкониятлар таъминланған ҳолда, очық суд мажлиси йүли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир.

2. Ҳеч ким содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳукуқға кўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки фаолиятсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда кўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас.

## **12-модда**

Ҳеч кимнинг шахсий ва оиласи ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмалари сирига ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ҳудди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳукуқига эга.

## **13-модда**

1. Ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойи танлаш ҳукуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳукуқига эга.

## **14-модда**

1. Ҳар бир инсон таъқиб туфайли бошқа мамлакатлардан бошпана излаш ва ўша бошпанадан фойдаланиш ҳукуқига эга.

2. Бу ҳукуқдан сиёсий бўлмаган жиноят содир этилганда ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига зид хатти-ҳаракат туфайли таъқиб пайтида фойдаланиш мумкин эмас.

## **15-модда**

1. Ҳар бир инсон фуқароликка эга бўлишга ҳақли.

2. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш ҳукуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

## **16-модда**

1. Балоғат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила куришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳукуқлардан фойдаланадилар.

2. Никоҳ ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина тузилиши мумкин.

3. Оила жамиятнинг габиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли.

### **17-модда**

1. Ҳар бир инсон якка тартибда, шунингдек бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳукуқига эга.

2. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

### **18-модда**

Ҳар бир инсон фикр, виждан ва дин эркинлиги ҳукуқига эга; бу ҳукуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русларни маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига якка тартибда, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади.

### **19-модда**

Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳукуқига эга; бу ҳукуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва гояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

### **20-модда**

1. Ҳар бир инсон тинч йигинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳукуқига эга.

2. Ҳеч ким бирор бир уюшмага киришга мажбур қилинип мумкин эмас.

### **21-модда**

1. Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳукуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматига киришда teng ҳукуқка эга.

3. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирова даврий ва сохталаштирилмаган, умумий ва teng сайлов ҳукуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа teng қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим.

## **22-модда**

Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий куч-ҳаракатлар ҳамда халқаро ҳамкорлик воситасида ва ҳар бир давлатнинг тузилиши, шунингдек, ресурслариға мувофиқ ижтимоий таъминотга ва ўзининг қадр-қимматини сақлаш, шахсининг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқини амалга оширишга ҳақли.

## **23-модда**

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

3. Ҳар бир ишчи ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилувчи даромад олиш ҳуқуқига эга.

4. Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга.

## **24-модда**

Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуки ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга.

## **25-модда**

1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қариллик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.

2. Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳдан ташқарида туғилишидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак.

## **26-модда**

1. Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда, ҳеч бўлмаганда, бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим.

Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва касб-хунар таълими ҳаммага очик бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун тенг имконият доирасида бўлмоғи керак.

2. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳукуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гурӯҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, бағрикенглик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-нинг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига кўмаклашиши керак.

3. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёзли ҳукуққа эгадирлар.

### **27-модда**

1. Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳукуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўзи муаллифлик қилган илмий, адабий ёхуд бадиий асарларнинг натижасида келиб чиқадиган маънавий ва моддий маңбаатларини ҳимоя қилиш ҳукуқига эга.

### **28-модда**

Ҳар бир инсон ушбу Декларацияда баён этилган ҳукуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартиб бўлиши ҳукуқига эгадир.

### **29-модда**

1. Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳукуки ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳукуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, фақат ахлоқ, жамоат тартиби, умумий фаровонликнинг одилона талабларини қондириш мақсадида қонунда белгиланган чеклашларга риоя этиши керак.

3. Ушбу ҳукуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига ҳеч зид бўлмаслиги керак.

### **30-модда**

Ушбу Декларациядаги ҳеч бир нарса бирор-бир давлат, кишилар гурухы ёки алоҳида шахслар мазкур Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликларни йўқ қилишга йўналтирилган фаолият билан шугулланиши ёки ҳаракат қилиши мумкин деб талқин этилмаслиги керак.

## **ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА АСОСИЙ ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ТҮҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ**

**Рим, 1950 йил 4 ноябрь**

*(21.09.1970 й., 20.12.1971 й., 01.01. ва 06.11.1990 й.,  
11.05.1994 й. даги ўзгартишлари билан)*

*ETS N 005*

1, 4, 6, 7, 9, 12, 13-сонли Протоколларнинг тегишли моддаларига мувофиқ ушбу Протоколларнинг моддалари Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини химоя қилиш түғрисидағи Конвенцияга қўшимча моддалар ҳисобланади.

Ушбу Конвенцияга 11.05.1994 й. 11-сон Протокол билан ўзгартишлар киритилган

Муқаддима

1-модда. Инсон ҳуқуқларига риоя этиш мажбурияти

І бўлим. Ҳуқуқлар ва эркинликлар

II бўлим. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди

III бўлим. Турли қоидалар

Ушбу Конвенцияни имзолаган, Европа Кенгashi аъзоси бўлган  
Хукуматлар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини эътиборга олиб,

бу Декларация ўзида эълон қилинган ҳуқуқларнинг ялписига ва самарали тан олиниши ҳамда амалга оширилишини таъминлаш мақсадига эга эканлигини хисобга олиб.

Европа Кенгашининг мақсади унинг аъзолари ўргасида муштарак бирликка эришишдан ҳамда бу мақсадга эришиш воситаларидан бири инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва ривожлантиришдан иборатдир деб хисоблаган холда.

адолат ва ялпи тинчликнинг асоси бўлган ҳамда уларга риоя этиш, бир томондан, чинакам демократик сиёсий тузум орқали ва, иккинчи томондан, ялпи тушуниш ва ўзлари тарафдор бўлган инсон ҳукуқларига риоя этиш орқали энг яхши тарзда таъминланадиган асосий эркинликларга ўзларининг ниҳоят даражада содик эканликларини тасдиқлаган холда.

ягона интилиш билан ҳаракат қилаётган ҳамда сиёсий анъаналар, гоялар, ҳукуқ эркинлиги ва устунлиги ягона меросига эга бўлган Европа давлатлари Ҳукуматлари сифатида Умумжаҳон декларациясида баён қилинган ҳукуқлардан айримларининг биргалиқда амалга оширилишини таъминлаш йўлида дастлабки қадамларни қўйишда қатъият килган холда.

куйидагилар ҳакила келишиб олдилар:

#### **1-модда. Инсон ҳукуқларига риоя этиш мажбурияти**

Мўътабар Аҳдлашувчи Томонлар ўз юрисдикциялари остидаги ҳар бир кишига ушбу Конвенциянинг I бўлимида белгиланган ҳукуқлар ва эркинликларни таъминлайдилар.

## **I БЎЛИМ. ҲУҚУҚЛАР ВА ЭРКИНЛИКЛАР**

....  
**9-модда. Фикрлаш, виждан ва дин эркинлиги**  
....

#### **9-модда. Фикрлаш, виждан ва дин эркинлиги**

1. Ҳар ким фикр, виждан ва дин эркинлиги ҳукуқига эга; бу ҳукуқ ўз дини ёки эътиқодини алмаштириш эркинлигини ҳамда ўз дини ёки эътиқодига якка тартибда ҳам, бошқалар билан оммавий ёки хусусий тартибда ибодат қилиш, таълим олиш, диний ва сажда маросимларини адо этишда ҳам амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади.

2. Ўз дини ёки эътиқодига амал қилиш эркинлигига қонунда назарда тутилган ҳамда демократик жамиятда жамоат хавфсизлиги манфаатларида, жамоат тартибини, соғлиқни саклаш ёки маънавиятни муҳофаза қилиш ёхуд боинқа шахсларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чеклашларгина белгиланади.

## **14-модда. Камситишининг тақиқланиши**

Ушбу Конвенцида эътироф этилган хукуқлар ва эркинликлардан фойдаланиш жинси, ирқи, терисининг ранги, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллый ёки ижтимоий келиб чиқиши, кам сонли миллатларга мансублиги, мулкий ҳолати, туғилиши ёки ҳар қандай бошқа белгиларига кўра бирон-бир камситишсиз таъминланиши керак.

1950 йил 4 ноябрда Римда инглиз ва француз тилларида тузилди, иккала матн бир хил кучга эга, Европа Кенгаши архивида ягона нусхада сақланади. Бош котиб тасдиқланган кўчирма нусхаларни Конвенцияни имзолаган барча давлатларга юборади.

### **ДЕКЛАРАЦИЯ о ликвидации всех форм нетерпимости и дискриминации на основе религии или убеждений**

25 ноября 1981 г.

Принята Резолюцией 36/55 Генеральной  
Ассамблеи Организации Объединенных Наций

Одобрена Постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан  
от 30 августа 1997 года N 505-I

Генеральная Ассамблея,

принимая во внимание, что согласно одному из основных принципов Устава Организации Объединенных Наций достоинство и равенство присущи каждому человеку и что все государства-члены обязались предпринимать совместные и самостоятельные действия в сотрудничестве с Организацией Объединенных Наций для содействия и поощрения всеобщего уважения и соблюдения прав человека и основных свобод для всех, без различия расы, пола, языка или религии,

принимая во внимание, что во Всеобщей декларации прав человека и в Международных пактах о правах человека провозглашаются принципы недискриминации и равенства перед законом и право на свободу мысли, совести, религии или убеждений,

принимая во внимание, что игнорирование и нарушение прав человека и основных свобод, в частности, права на свободу мысли, совести, религии или убеждений любого рода являются прямо или косвенно причиной войн и тяжелых страданий человечества, особенно когда они служат средством иностранного вмешательства во внутренние дела других государств и приводят к разжиганию ненависти между народами и государствами,

принимая во внимание, что религия или убеждения являются для каждого, кто их придерживается, одним из основных элементов его понимания жизни и что свободу религии или убеждений следует полностью соблюдать и гарантировать,

считая важным содействовать пониманию, терпимости и уважению в вопросах свободы религии и убеждений и добиваться недопущения использования религии или убеждений в целях, несовместимых с Уставом Организации Объединенных Наций, другими соответствующими документами Организации Объединенных Наций и с целями и принципами настоящей Декларации,

будучи убеждена в том, что свобода религии или убеждений должна также содействовать достижению целей всеобщего мира, социальной справедливости и дружбы между народами и ликвидации идеологии и практики колониализма и расовой дискриминации,

отмечая с удовлетворением принятие нескольких и вступление в силу некоторых конвенций, под эгидой Организации Объединенных Наций и специализированных учреждений, о ликвидации различных форм дискриминации,

будучи обеспокоена проявлениями нетерпимости и наличием дискриминации в вопросах религии или убеждений, все еще наблюдающимися в некоторых районах мира,

преисполненная решимости принять все необходимые меры к скорейшей ликвидации такой нетерпимости во всех ее формах и проявлениях и предупреждать дискриминацию на основе религии или убеждений и бороться с ней,

проводит настоящую Декларацию о ликвидации всех форм нетерпимости и дискриминации на основе религии или убеждений:

### Статья 1

1. Каждый человек имеет право на свободу мысли, совести и религии. Это право включает свободу иметь религию или убеждения

любого рода по своему выбору и свободу исповедовать свою религию и выражать убеждения как единолично, так и сообща с другими, публичным или частным порядком, в направлении культа, выполнении религиозных и ритуальных обрядов и учении.

2. Никто не должен подвергаться принуждению, умаляющему его свободу иметь религию или убеждения по своему выбору.

3. Свобода исповедовать религию или выражать убеждения подлежит лишь ограничениям, установленным законом и необходимым для охраны общественной безопасности, порядка, здоровья и морали, равно как и основных прав и свобод других лиц.

### Статья 2

1. Никто не должен подвергаться дискриминации на основе религии или убеждений со стороны любого государства, учреждения, группы лиц или отдельных лиц.

2. В целях настоящей Декларации выражение «нетерпимость и дискриминация на основе религии или убеждений» означает любое различие, исключение, ограничение или предпочтение, основанное на религии или убеждениях и имеющее целью или следствием уничтожение или умаление признания, пользования или осуществления на основе равенства прав человека и основных свобод.

### Статья 3

Дискриминация людей на основе религии или убеждений является оскорблением достоинства человеческой личности и отрицанием принципов Устава Организации Объединенных Наций и осуждается как нарушение прав человека и основных свобод, провозглашенных во Всеобщей декларации прав человека и подробно изложенных в Международных пактах о правах человека, и как препятствие для дружественных и мирных отношений между государствами.

### Статья 4

1. Все государства должны принимать эффективные меры для предупреждения и ликвидации дискриминации на основе религии или убеждений в признании, осуществлении и реализации прав человека и основных свобод во всех областях гражданской, экономической, политической, социальной и культурной жизни.

2. Все государства прилагают все усилия по принятию или отмене законодательства, когда это необходимо для запрещения любой подобной дискриминации, а также для принятия всех соответствующих

мер по борьбе против нетерпимости на основе религии или иных убеждений в данной области.

### Статья 5

1. Родители или, в соответствующих случаях, законные опекуны ребенка имеют право определять образ жизни в рамках семьи в соответствии со своей религией или убеждениями, а также исходя из нравственного воспитания, которое, по их мнению, должен получить ребенок.

2. Каждый ребенок имеет право на доступ к образованию в области религии или убеждений в соответствии с желаниями его родителей или, в соответствующих случаях, законных опекунов и не принуждается к обучению в области религии или убеждений вопреки желаниям его родителей или законных опекунов, причем руководящим принципом являются интересы ребенка.

3. Ребенок ограждается от любой формы дискриминации на основе религии или убеждений. Он должен воспитываться в духе понимания, терпимости, дружбы между народами, мира и всеобщего братства, уважения к свободе религии или убеждений других людей, а также с полным осознанием того, что его энергия и способности должны быть посвящены служению на благо других людей.

4. Если ребенок не находится на попечении своих родителей или законных опекунов, то принимаются должным образом во внимание выражаемая ими воля или любые проявления их воли в вопросах религии или убеждений, причем руководящим принципом являются интересы ребенка.

5. Практика религии или убеждений, в которых воспитывается ребенок, не должна наносить ущерб ни его физическому или умственному здоровью, ни его полному развитию, с соблюдением пункта 3 статьи 1 настоящей Декларации.

### Статья 6

В соответствии со статьей 1 настоящей Декларации и соблюдением положений пункта 3 статьи 1 право на свободу мысли, совести, религии или убеждений включает, в частности, следующие свободы:

- а) отправлять культы или собираться в связи с религией или убеждениями и создавать и содержать места для этих целей;
- б) создавать и содержать соответствующие благотворительные или гуманитарные учреждения;

- c) производить, приобретать и использовать в соответствующем объеме необходимые предметы и материалы, связанные с религиозными обрядами или обычаями или убеждениями;
- d) писать, выпускать и распространять соответствующие публикации в этих областях;
- e) вести преподавание по вопросам религии или убеждений в местах, подходящих для этой цели;
- f) испрашивать и получать от отдельных лиц и организаций добровольные финансовые и иные пожертвования;
- g) готовить, назначать, избирать или назначать по праву наследования соответствующих руководителей согласно потребностям и нормам той или иной религии или убеждений;
- h) соблюдать дни отдыха и отмечать праздники и отправлять обряды в соответствии с предписаниями религии и убеждениями;
- i) устанавливать и поддерживать связи с отдельными лицами и общинами в области религии и убеждений на национальном и международном уровнях.

#### Статья 7

Права и свободы, провозглашенные в настоящей Декларации, предоставляются национальным законодательством таким образом, чтобы каждый человек мог пользоваться такими правами и свободами на практике.

#### Статья 8

Ничто в настоящей Декларации не должно истолковываться в смысле ограничения или отхода от любого права, как оно определено во Всеобщей декларации прав человека и в Международных пактах о правах человека.

**ВЫПИСКА ИЗ МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНВЕНЦИИ  
о ликвидации всех форм расовой  
дискриминации**  
21 декабря 1965 г.

Принята и открыта для подписания и ратификации  
Резолюцией 2106 А (XX) Генеральной Ассамблеи  
Организации Объединенных Наций

Республика Узбекистан присоединилась к настоящей  
Конвенции в соответствии с Постановлением Олий Мажлиса РУз  
от 31 августа 1995 года N 129-I

Вступила в силу для Республики Узбекистан  
с 28 октября 1995 года

Государства-участники настоящей Конвенции,

считая, что Устав Организации Объединенных Наций основан  
на принципах достоинства и равенства, присущих каждому человеку,  
и что все государства-члены Организации обязались предпринимать  
совместные и самостоятельные действия в сотрудничестве с  
Организацией Объединенных Наций для достижения одной из целей  
Организации Объединенных Наций, состоящей в поощрении и развитии  
всеобщего уважения и соблюдения прав человека и основных свобод  
для всех, без различия расы, пола, языка или религии,

...

согласились о нижеследующем:

**ЧАСТЬ 1**

...

**Статья 5**

В соответствии с основными обязательствами, изложенными в  
статье 2 настоящей Конвенции, государства-участники обязуются  
запретить и ликвидировать расовую дискриминацию во всех ее формах и  
обеспечить равноправие каждого человека перед законом, без различия  
расы, цвета кожи, национального или этнического происхождения, в  
особенности в отношении осуществления следующих прав:

...

VII) права на свободу мысли, совести и религии;

**Закон Республики Узбекистан  
О РАТИФИКАЦИИ КОНВЕНЦИИ ШАНХАЙСКОЙ  
ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА ПРОТИВ ТЕРРОРИЗМА**

(Екатеринбург, 16 июня 2009 года)

(Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2011 г.,  
№ 50, ст. 511)

Принят Законодательной палатой 30 ноября 2011 года

Одобрен Сенатом 6 декабря 2011 года

Ратифицировать Конвенцию Шанхайской Организации сотрудничества против терроризма (Екатеринбург, 16 июня 2009 года) со следующими уведомлениями и оговоркой:

1) по пункту 2 статьи 6 Конвенции: «Республика Узбекистан уведомляет, что компетентными органами, ответственными за выполнение Конвенции, являются Служба национальной безопасности, Министерство внутренних дел, Министерство обороны, Министерство по чрезвычайным ситуациям и Государственный таможенный комитет Республики Узбекистан»;

2) положения Конвенции, в части возможности применения конфискации имущества юридических и физических лиц как меры уголовного наказания, в Республике Узбекистан не применяются, как несоответствующие ее нациальному законодательству.

Президент Республики Узбекистан И. КАРИМОВ  
г. Ташкент,  
16 декабря 2011 г.,  
№ ЗРУ-309

**КОНВЕНЦИЯ  
ШАНХАЙСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА  
ПРОТИВ ТЕРРОРИЗМА**

*Екатеринбург, 16 июня 2009 года*

Вступила в силу для Республики Узбекистан 15 февраля 2012 года  
Государства-члены Шанхайской организации сотрудничества,

– будучи глубоко обеспокоенными эскалацией терроризма, который представляет угрозу международному миру и безопасности, территориальной целостности государств, развитию дружественных отношений между государствами, а также осуществлению основных прав и свобод человека,

– руководствуясь целями и принципами Устава Организации Объединенных Наций и Хартии Шанхайской организации сотрудничества от 7 июня 2002 года,

– развивая положения Шанхайской Конвенции о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом от 15 июня 2001 года, Концепции сотрудничества государств-членов Шанхайской организации сотрудничества в борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом от 5 июля 2005 года,

– признавая, что преступления, охватываемые настоящей Конвенцией, ни при каких обстоятельствах не могут быть оправданы, а физические и юридические лица, виновные в совершении таких деяний и (или) причастные к их совершению, должны быть привлечены к ответственности,

– учитывая изменения, произошедшие в содержании терроризма, масштабах и характере террористических актов, и важность активизации сотрудничества,

– понимая необходимость наращивания усилий против терроризма и вновь подтверждая, что все меры по предупреждению терроризма и борьбы с ним должны приниматься при соблюдении верховенства права и демократических ценностей, основных прав и свобод человека, а также норм международного права,

– осознавая, что только совместными усилиями можно добиться эффективного предупреждения терроризма и борьбы с ним,

договорились о нижеследующем:

## Статья 1

Настоящая Конвенция заключается с целью повышения эффективности сотрудничества против терроризма.

## Статья 2

1. Для целей настоящей Конвенции, используемые в ней термины и понятия означают:

1) «Страна» – государство-участник настоящей Конвенции;

2) «терроризм» – идеология насилия и практика воздействия на принятие решения органами власти или международными организациями путем совершения либо угрозы совершения насильственных и (или) иных преступных действий, связанных с устрашением населения и направленных на причинение ущерба личности, обществу и государству;

3) «террористический акт» – деяние, связанное с устрашением населения и создающее опасность жизни и здоровью человека, направленное на причинение значительного имущественного ущерба, либо наступление экологической катастрофы или иных тяжких последствий, для достижения политических, религиозных, идеологических и иных целей путем воздействия на принятие решения органами власти или международными организациями, а также угроза совершения указанных действий;

4) «террористическая организация»:

а) преступная группа, незаконное вооруженное формирование, банда, преступное сообщество, создаваемые для совершения преступлений и (или) совершающие преступления, охватываемые настоящей Конвенцией;

б) юридическое лицо, от имени, по указанию или в интересах которого осуществляется планирование, организация, подготовка и совершение хотя бы одного из преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией;

5) «юридическое лицо» – организация, которая создана и осуществляет деятельность в порядке, установленном национальным законодательством Сторон.

2. Настоящая статья не наносит ущерба какому-либо международному договору или национальному законодательству любой из Сторон, которые содержат или могут содержать положение о более широком применении терминов и понятий, используемых в настоящей статье.

### Статья 3

Настоящая Конвенция применяется в случае, когда выявление, предупреждение и расследование преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией, затрагивают юрисдикцию более чем одной Стороны.

## Статья 4

Стороны осуществляют свои права и обязательства согласно настоящей Конвенции в соответствии с принципами суверенного равенства, территориальной целостности государств и невмешательства во внутренние дела других государств.

## Статья 5

1. Стороны принимают необходимые меры для того, чтобы установить свою юрисдикцию в отношении преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией, если:

1) преступление совершено на территории этой Стороны;

2) преступление совершено на борту судна под флагом этой Стороны или на борту воздушного судна, зарегистрированного в соответствии с законами этой Стороны;

3) преступление совершено гражданином этой Стороны.

2. Каждая Сторона может также установить свою юрисдикцию в отношении преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией, если:

1) преступление было направлено или привело к совершению террористического акта на территории или в отношении гражданина этой Стороны;

2) преступление было направлено или привело к совершению террористического акта в отношении объекта этой Стороны за рубежом, включая помещения дипломатических представительств и консульских учреждений;

3) преступление было направлено или привело к совершению террористического акта с целью принудить эту Сторону к совершению или не совершению каких-либо действий;

4) преступление совершено лицом без гражданства, постоянно проживающим на территории этой Стороны;

5) преступление совершено на борту судна, эксплуатируемого этой Стороной.

3. Каждая Сторона принимает такие меры, которые могут потребоваться для установления своей юрисдикции в отношении преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией, в случае, если предполагаемый преступник находится на ее территории и она не выдает его той или иной Стороне.

4. Настоящая Конвенция не исключает осуществления любой уголовной юрисдикции в соответствии с национальным законодательством Стороны.

5. Если более чем одна Сторона претендует на юрисдикцию в отношении преступления, охватываемого настоящей Конвенцией, соответствующие Стороны при необходимости проводят консультации.

### Статья 6

1. Сотрудничество, предусмотренное настоящей Конвенцией, осуществляется определяемыми каждой из Сторон компетентными органами.

2. При сдаче документа о ратификации настоящей Конвенции или уведомления о присоединении к ней Сторона предоставляет депозитарию перечень своих компетентных органов, ответственных за выполнение настоящей Конвенции, который депозитарий препровождает другим Сторонам. Стороны незамедлительно сообщают депозитарию обо всех изменениях в перечне своих компетентных органов, о чем депозитарий уведомляет другие Стороны.

3. Компетентные органы Сторон по вопросам, предусмотренным настоящей Конвенцией, взаимодействуют друг с другом непосредственно в пределах своих полномочий. Территориальные и иные подразделения компетентных органов Сторон в целях выполнения настоящей Конвенции могут устанавливать непосредственные контакты в порядке, определяемом компетентными органами Сторон.

4. Взаимодействие между компетентными органами Сторон осуществляется в двустороннем и многостороннем форматах на основании запроса об оказании содействия, а также путем информирования по инициативе компетентного органа одной из Сторон.

5. В процессе взаимодействия могут быть использованы дипломатические каналы, каналы Международной организации уголовной полиции или Исполнительного комитета Региональной антитеррористической структуры Шанхайской организации сотрудничества.

### Статья 7

1. Стороны поощряют межрелигиозный и межкультурный диалог, охватывающий, где это необходимо, неправительственные организации и другие институты гражданского общества, при условии соблюдения национального законодательства в целях предупреждения ситуаций напряженности, которые могут привести к совершению преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией.

2. Каждая Сторона в соответствии с основополагающими принципами ее правовой системы разрабатывает и осуществляет меры на национальном уровне по противодействию терроризму, которые могут включать:

1) периодическую оценку правовых документов, регулирующих противодействие терроризму, и практических мер с точки зрения их эффективности;

2) взаимодействие с соответствующими международными и региональными организациями в разработке и осуществлении мер по противодействию терроризму, включая проведение учений по пресечению террористических актов;

3) создание органа или органов, осуществляющих координацию деятельности соответствующих органов Стороны по противодействию терроризму;

4) повышение профессионального уровня сотрудников правоохранительных и иных органов, осуществляющих противодействие терроризму, а также надлежащее финансовое, материальное и иное обеспечение деятельности этих органов и их сотрудников;

5) выплату надлежащего вознаграждения лицам, оказывающим содействие государственным органам в предупреждении и пресечении преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией, и установление лиц, готовящих или совершивших такие преступления;

6) законодательное определение ограничений, введение которых допустимо в целях предупреждения террористических актов;

7) улучшение защиты физических лиц и объектов, включающее повышение эффективности сотрудничества правоохранительных органов с соответствующими юридическими лицами, внедрение стандартов, предназначенных для повышения защищенности физических лиц и объектов;

8) защиту потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного судопроизводства, а также, при необходимости, иных лиц по вопросам противодействия терроризму;

9) создание и внедрение критериев идентификации физических и юридических лиц, причастных к совершению преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией;

10) обеспечение юридических лиц достаточными возможностями по оказанию помощи государству в предупреждении и выявлении

готовящихся или совершаемых преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией, на их объектах;

11) оказание содействия участию неправительственных организаций, отдельных групп и лиц в противодействии терроризму и в формировании в обществе неприятия терроризма;

12) просвещение общественности об опасности терроризма и его негативных последствиях, а также об ответственности за совершение преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией;

13) обеспечение возможности населению информировать государственные органы, в том числе анонимно, о любых деяниях, которые могут рассматриваться в качестве преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией.

3. Стороны могут принимать более строгие меры, чем те, которые предусмотрены настоящей Конвенцией.

#### Статья 8

Стороны с учетом основополагающих принципов своих правовых систем принимают необходимые законодательные и иные меры по противодействию финансированию терроризма, которые, в частности, включают:

1) регистрацию данных о клиентах, финансовых операциях и хранение этих сведений;

2) представление в уполномоченные Стороной органы сведений о подозрительных и экономически нецелесообразных операциях и сделках;

3) приостановление по предписанию правоохранительных или иных определенных Стороной органов финансовых операций, имеющих незаконный, подозрительный или экономически нецелесообразный характер;

4) представление сведений и документов по запросам суда, органов прокуратуры, предварительного расследования и иных уполномоченных Стороной органов.

#### Статья 9

1. Стороны принимают необходимые законодательные меры для того, чтобы признать в качестве уголовно наказуемых следующие умышленные деяния:

1) террористический акт;

2) какое-либо деяние, признаваемое как преступление в одном из международных договоров в области противодействия терроризму, участниками которых являются все Стороны;

3) создание и использование юридического лица в целях планирования, организации, подготовки и совершения хотя бы одного из преступлений, указанных в подпунктах 1, 2 и 4-10 настоящего пункта, или создание для таких же целей преступной группы, незаконного вооруженного формирования, банды, преступного сообщества;

4) публичные призывы к терроризму или публичное оправдание терроризма, то есть распространение какого-либо обращения к общественности в целях побуждения к совершению хотя бы одного из преступлений, указанных в подпунктах 1-3 и 5-10 настоящего пункта, либо публичные заявления о признании терроризма нуждающимся в поддержке и подражании;

5) вербовка или иные способы привлечения лиц для участия в подготовке либо совершении хотя бы одного из преступлений, указанных в подпунктах 1-4 и 6-10 настоящего пункта;

6) подготовка лиц для совершения или содействия в совершении хотя бы одного из преступлений, указанных в подпунктах 1-5 и 7-10 настоящего пункта;

7) участие в террористической организации;

8) финансирование терроризма, то есть сбор либо предоставление средств или финансовых услуг, заведомо предназначенных для финансирования деятельности по организации, подготовке и совершению хотя бы одного из преступлений, указанных в подпунктах 1-7, 9 и 10 настоящего пункта, либо обеспечения деятельности террористической организации;

9) обеспечение лиц оружием, взрывчатыми веществами и другими средствами для совершения преступлений, указанных в подпунктах 1-8 и 10 настоящего пункта;

10) предоставление лицам, подозреваемым или обвиняемым в совершении какого-либо из преступлений, указанных в подпунктах 1-9 настоящего пункта, укрытия, финансовой помощи и содействия в побеге, а также дача ложных показаний в отношении их.

2. Стороны могут в соответствии со своим национальным законодательством признавать также уголовно наказуемым деянием умышленные укрывательство, транспортировку, покупку или

посредничество при продаже имущества, принадлежащего лицам, подозреваемым или обвиняемым в совершении какого-либо из преступлений, указанных в пункте 1 настоящей статьи.

3. Деяния, указанные в подпунктах 3-10 пункта 1 настоящей статьи, являются преступлениями независимо от фактического совершения террористического акта или осознания вербованным и (или) обучаемым лицом террористического характера своих действий.

4. Стороны также обязаны принять необходимые законодательные меры для того, чтобы определить в качестве уголовно наказуемого деяния соучастие, приготовление и покушение на совершение какого-либо преступления, предусмотренного пунктом 1 настоящей статьи.

#### Статья 10

1. Стороны принимают необходимые законодательные и иные меры с учетом своих правовых принципов для того, чтобы не допускать на своей территории причастности юридических лиц к действиям, являющимся хотя бы одним из преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией.

2. Каждая Сторона принимает такие меры, какие могут потребоваться для установления ответственности юридических лиц за случаи их причастности хотя бы к одному из преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией.

3. При условии соблюдения правовых принципов Сторон ответственность юридических лиц может быть уголовной, гражданско-правовой или административной.

4. Установление ответственности юридических лиц не исключает уголовной ответственности физических лиц, участвующих в его деятельности, совершивших преступления, охватываемые настоящей Конвенцией.

5. Стороны обеспечивают применение в отношении юридических лиц, привлекаемых к ответственности за причастность к преступлениям, охватываемым настоящей Конвенцией, в частности, таких мер, как:

- 1) предупреждение;
- 2) штраф;
- 3) конфискация имущества юридического лица;
- 4) приостановление деятельности юридического лица;
- 5) запрет на отдельные виды деятельности юридического лица;
- 6) ликвидация юридического лица.

6. Стороны принимают законодательные меры, позволяющие признавать юридическое лицо террористической организацией и ликвидировать его по решению суда или иного уполномоченного национальным законодательством Стороны органа, когда юридическим лицом осуществляется планирование, организация, подготовка и совершение деяний, образующих хотя бы одно из преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией. Такие же меры могут быть приняты в случаях, если планирование, организация, подготовка и совершение преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией, осуществляются лицом, контролирующим реализацию юридическим лицом его прав и обязанностей.

7. Положения настоящей статьи распространяются на случаи причастности к преступлениям, охватываемым настоящей Конвенцией, структурных подразделений (представительств, филиалов) иностранных юридических лиц, действующих на территории Стороны.

### Статья 11

1. Стороны рассматривают деяния, охватываемые настоящей Конвенцией, в качестве преступлений, влекущих выдачу, а также передачу осужденных и оказание правовой помощи.

2. В любом договоре о выдаче, действующем между любыми Сторонами, преступления, охватываемые настоящей Конвенцией, рассматриваются как преступления, влекущие выдачу. Стороны обязуются признать такие преступления в качестве преступлений, влекущих выдачу, во всех договорах о выдаче, которые будут впоследствии заключаться между ними.

3. В случае если Сторона, которая обуславливает выдачу наличием договора, получает запрос о выдаче от другой Стороны, с которой она не имеет договора о выдаче, запрашиваемая Сторона рассматривает настоящую Конвенцию в качестве правового основания для выдачи в связи с преступлениями, охватываемыми настоящей Конвенцией. Выдача осуществляется с соблюдением других условий, предусмотренных законодательством запрашиваемой Стороны.

4. Стороны, не обуславливающие выдачу наличием договора, рассматривают в отношениях между собой преступления, охватываемые настоящей Конвенцией, в качестве преступлений, влекущих выдачу, с соблюдением условий, предусмотренных законодательством запрашиваемой Стороны.

5. Когда применительно к вопросам выдачи и правовой помощи требуется соблюдение принципа обоюдного признания соответствующего деяния преступлением, этот принцип считается соблюденным независимо от того, включает ли законодательство запрашиваемой Стороны соответствующее деяние в ту же категорию преступлений или описывает ли оно его с помощью таких же терминов, как запрашивающая Сторона, если данное деяние, в связи с которым запрашивается правовая помощь или выдача, признано уголовно наказуемым в соответствии с национальным законодательством Сторон.

6. Преступления, охватываемые настоящей Конвенцией, для целей выдачи рассматриваются как совершенные на территории соответствующей Стороны независимо от места фактического совершения этих преступлений в пределах юрисдикции данной Стороны, установленной в соответствии со статьей 5 настоящей Конвенции.

7. Определение преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией, и оснований ответственности юридических лиц, причастных к их совершению, входит в сферу национального законодательства Сторон.

8. По запросу Стороны, вынесшей приговор, или Стороны, гражданином которой является лицо, осужденное хотя бы за одно из преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией, это лицо с его согласия может передаваться на основании действующих договоров или взаимной договоренности для отбывания наказания Стороне, гражданином которой оно является.

9. Если запрашиваемая Сторона, на территории которой находится лицо, совершившее хотя бы одно из преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией, не выдает такое лицо лишь на том основании, что оно является ее гражданином, то эта Сторона обязана на основании имеющихся у нее материалов, в том числе материалов уголовного дела, переданных запрашивающей Стороной, осуществить уголовное преследование данного лица в соответствии со своим законодательством.

## Статья 12

1. В целях предупреждения терроризма и борьбы с ним компетентные органы Сторон по запросу или по своей инициативе предоставляют друг другу информацию (документы, материалы, иные данные) о вопросах, охватываемых настоящей Конвенцией.

2. Информация, указанная в пункте 1 настоящей статьи, предоставляется по запросу компетентного органа запрашивающей

Стороны при условии, что она не будет передана кому бы то ни было без предварительного письменного согласия компетентного органа запрашиваемой Стороны.

3. Компетентные органы Сторон не разглашают факт запроса и его содержание и используют его только в целях выполнения запроса, если это оговорено компетентными органами запрашивающей Стороны, а также обеспечивают конфиденциальность переданных запрашиваемой Стороной сведений и используют их лишь в той мере, которая необходима для осуществления расследования, судебного разбирательства или для выполнения процедур, предусмотренных запросом.

### Статья 13

1. Исполнение запроса осуществляется на основании настоящей Конвенции и законодательства запрашиваемой Стороны.

2. По запросу компетентного органа запрашивающей Стороны при его исполнении может быть применено законодательство этой Стороны, если иное не установлено законодательством запрашиваемой Стороны. Применение законодательства запрашивающей Стороны не должно наносить ущерб суверенитету и национальной безопасности запрашиваемой Стороны.

### Статья 14

1. Запрос составляется в письменной форме и должен содержать:

1) наименование компетентных органов запрашивающей и запрашиваемой Сторон;

2) предмет и основание запроса;

3) существо дела, включая относящиеся к делу факты (дата, место и обстоятельства преступления), по которым проводятся оперативно-разыскные мероприятия, расследование или судебное разбирательство;

4) тексты соответствующих нормативных правовых актов или, если это невозможно, изложение их положений, а также заявление о том, что запрашиваемая мера или любая другая мера, ведущая к аналогичным результатам, может быть принята на территории запрашивающей Стороны в соответствии с ее законодательством;

5) указание о степени его ограничения доступа, если это необходимо.

2. Запрос о применении мер ответственности в отношении юридических лиц кроме информации, указанной в пункте 1 настоящей статьи, должен содержать:

1) наименование юридического лица, информацию о его месте нахождения, юридический адрес, данные о руководителях;

2) меры ответственности;

3) данные о конкретной процедуре, которой по запросу запрашивающей Стороны было бы желательно следовать;

4) информацию об имуществе, которое может быть подвергнуто аресту или конфискации (его местонахождение, связи с соответствующим преступлением, а также любые имеющиеся сведения о правах других лиц на это имущество);

5) заверенную копию решения суда или иного компетентного органа запрашивающей Стороны и изложение оснований для этого решения;

6) изложение фактов, на которых основывается запрашивающая Сторона, и которые должны быть достаточными для того, чтобы запрашиваемая Сторона могла ставить вопрос о принятии решения для исполнения на основе своего законодательства.

3. В случае запроса о проведении допроса лиц в качестве подозреваемых или обвиняемых к нему должны прилагаться заверенные копии необходимых материалов уголовного дела.

4. Запрашиваемая Сторона информирует запрашивающую Сторону не позднее 30 дней со дня поступления запроса, если в каждом конкретном случае не будет согласовано иное:

1) о действиях, предпринятых по запросу и их результате;

2) о любых обстоятельствах, препятствующих исполнению запроса или существенно задерживающих его исполнение.

5. Запрашивающая Сторона безотлагательно информирует запрашиваемую Сторону:

1) о пересмотре решения или других обстоятельствах, в связи с которыми решение о применении мер ответственности в отношении юридических лиц полностью или частично утрачивает силу;

2) об изменениях, в силу которых действия в соответствии с настоящей Конвенцией становятся неоправданными.

6. Сторона, ходатайствующая о применении мер ответственности на основании одного и того же решения в отношении юридического лица перед несколькими Сторонами, уведомляет об этом все Стороны, заинтересованные в исполнении данного решения.

2. Направленные сотрудниками компетентных органов запрашивающей Стороны могут участвовать в оперативно-разыскных мероприятиях и следственных действиях на территории запрашиваемой Стороны в соответствии с законодательством запрашиваемой Стороны и международными договорами, участниками которых являются Стороны.

3. Запрашиваемая Сторона определяет порядок выдачи разрешений для участия сотрудников запрашивающей Стороны в оперативно-разыскных мероприятиях и следственных действиях на основании запроса, оформленного в соответствии со статьями 14-18 настоящей Конвенции.

4. В случае направления сотрудников компетентных органов для участия в оперативно-разыскных мероприятиях и следственных действиях дополнительно в запросе о направлении должны содержаться следующие сведения:

1) данные о направленных сотрудниках;

2) цель командирования, перечень оперативно-разыскных мероприятий и следственных действий, порядок и сроки их исполнения;

3) в случае использования транспорта, сведения о нем, включая вид транспортных средств, их количество и регистрационные номера;

4) другая необходимая информация.

5. Решение по запросу принимается компетентным органом запрашиваемой Стороны не позднее 5 дней с даты поступления запроса, о чем сообщается незамедлительно компетентному органу запрашивающей Стороны. Такое решение может быть оговорено условиями, определенными компетентным органом запрашиваемой Стороны.

6. Если запрос на получение разрешения составлен без учета требований, указанных в пункте 4 настоящей статьи, или информация представлена не в полном объеме, то компетентный орган запрашиваемой Стороны вправе запросить дополнительные данные.

7. Сотрудники компетентных органов запрашивающей Стороны, прибывшие в установленном порядке на территорию запрашиваемой Стороны, выполняют свои функции согласно законодательству Стороны пребывания и условиям, регламентирующим их пребывание и выполнение задания.

8. Сотрудники компетентных органов запрашивающей Стороны, участвующие на территории запрашиваемой Стороны в оперативно-

разыскных мероприятиях и следственных действиях, проводимых сотрудниками компетентных органов запрашиваемой Стороны, обязаны:

1) соблюдать законодательство Стороны, на территории которой они находятся, а также подчиняться законным требованиям органов Стороны пребывания;

2) предоставлять запрашиваемой Стороне полученную ими информацию.

9. Участие в оперативно-разыскных мероприятиях и следственных действиях прекращается, как только компетентный орган Стороны, на территории которой они осуществляются, выдвинет об этом требование.

10. По положениям, предусмотренным настоящей статьей, Стороны могут заключать между собой отдельные соглашения.

#### Статья 19

Доказательства, полученные компетентными органами запрашиваемой Стороны в результате исполнения запроса в соответствии с ее законодательством, имеют такое же доказательственное значение и в запрашивающей Стороне.

#### Статья 20

1. При исполнении решения о конфискации имущества физических или юридических лиц, причастных к совершению преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией, запрашиваемая Сторона признает судебное решение, вынесенное запрашивающей Стороной в отношении прав третьих лиц.

2. В таком признании может быть отказано в одном из следующих случаев:

1) если трети лица не имели достаточных возможностей, чтобы заявить о своих правах;

2) если трети лица однозначно и обоснованно заявляют о своих правах;

3) если решение противоречит решению, уже вынесенному запрашиваемой Стороной по этому же вопросу;

4) если решение противоречит законодательству запрашиваемой Стороны;

5) если решение было вынесено вопреки положениям, касающимся исключительной юрисдикции, предусмотренной законодательством запрашиваемой Стороны.

## Статья 21

1. Документы, направляемые в соответствии с настоящей Конвенцией, освобождаются от всех формальностей по их легализации.

2. Документы, которые на территории одной из Сторон выданы или засвидетельствованы компетентным органом либо специально на то уполномоченным лицом в пределах его компетенции и по установленной форме, а также скреплены гербовой печатью, принимаются на территориях всех других Сторон без какого-либо специального удостоверения.

3. Документы, которые на территории одной из Сторон рассматриваются как официальные документы, имеют на территориях других Сторон доказательную силу официальных документов.

## Статья 22

1. Компетентные органы Сторон по вопросам, входящим в сферу охвата настоящей Конвенции, могут направлять официальные документы по физическим и юридическим лицам, находящимся на территории другой Стороны, по дипломатическим каналам либо иным способом, а также через компетентные органы другой Стороны.

2. Компетентные органы Сторон по вопросам, входящим в сферу охвата настоящей Конвенции, оказывают друг другу помошь во вручении официальных документов физическим и юридическим лицам.

## Статья 23

Стороны принимают необходимые меры по недопущению предоставления статуса беженца и подтверждающих его документов лицам, причастным к преступлениям, охватываемым настоящей Конвенцией.

## Статья 24

1. Сторона принимает по запросу другой Стороны необходимые меры обеспечения ответственности юридического лица, причастного к преступлениям, охватываемым настоящей Конвенцией, в частности:

1) наложение ареста на имущество, которое впоследствии может стать объектом конфискации;

2) приостановление (замораживание) финансовых операций;

3) приостановление отдельных видов деятельности юридического лица (радио и телевещания, издания средств массовой информации, в том числе электронных).

2. Меры, предусмотренные пунктом 1 настоящей статьи, осуществляются в соответствии с законодательством запрашиваемой Стороны и настоящей Конвенцией.

3. Прежде, чем отменить меры, предусмотренные настоящей Конвенцией, запрашиваемая Сторона предоставляет запрашивающей Стороне право изложить свои доводы в пользу выполнения этой меры.

#### Статья 25

1. Сторона, получившая запрос, связанный с применением мер ответственности в отношении юридического лица (его структурного подразделения), причастного к совершению хотя бы одного из преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией, и находящегося или имеющего имущество, или осуществляющего деятельность на ее территории:

1) либо исполняет решение суда или иного компетентного органа запрашивающей Стороны о применении запрашиваемых мер ответственности;

2) либо на основании фактов и выводов, представленных в решении запрашивающей Стороны, осуществляет судебное разбирательство в соответствии со своим законодательством о применении запрашиваемых мер ответственности.

2. Меры ответственности в отношении юридического лица применяются в соответствии с законодательством запрашиваемой Стороны.

#### Статья 26

Стороны в соответствии с национальным законодательством в целях обеспечения конфискации принимают меры для того, чтобы:

1) налагать арест на денежные средства, ценные бумаги, ценности, оружие, его составляющие (запасные) части, боеприпасы, взрывчатые вещества и иное имущество, предназначеннное для использования (или использовавшееся) в качестве орудия совершения преступлений, или для финансирования одного из преступлений, охватываемых настоящей Конвенцией;

2) обеспечивать изъятие денежной суммы, соответствующей стоимости такого имущества, если арест имущества, указанного в настоящей статье, невозможен.

#### Статья 27

1. Запрос, связанный с конфискацией имущества физических или юридических лиц, направленный в соответствии с настоящей

Конвенцией, не затрагивает право запрашиваемой Стороны исполнить свое решение о конфискации в отношении имущества этих же физических или юридических лиц.

2. Общая стоимость конфискуемого по запросу имущества не может превышать сумму, указанную в решении о конфискации. Если та или иная Сторона приходит к выводу, что это может произойти, то Стороны проводят консультации с целью недопущения таких последствий.

3. Оставшееся после удовлетворения требований кредиторов имущество юридического лица, ликвидируемого по основаниям, предусмотренным настоящей Конвенцией, также подлежит конфискации.

4. Сторона, конфисковавшая по запросу имущество, обеспечивает его сохранность и распоряжается конфискованным имуществом в соответствии со своим законодательством.

5. Конфискованное имущество или денежная сумма, соответствующая стоимости такого имущества, может быть по согласованию соответствующих Сторон передано полностью или частично Стороне, которой вынесено решение о конфискации.

#### Статья 28

Стороны самостоятельно несут расходы, связанные с выполнением ими настоящей Конвенции, если не будет согласован иной порядок.

#### Статья 29

1. Если подается иск о возмещении ущерба, нанесенного неправомерным действием или бездействием в связи с сотрудничеством в соответствии с настоящей Конвенцией, Стороны рассматривают возможность проведения консультаций друг с другом с целью договориться о распределении сумм, подлежащих уплате в счет возмещения этого ущерба.

2. Сторона, которой предъявлен иск о возмещении ущерба, информирует об этом другие заинтересованные Стороны.

#### Статья 30

Настоящая Конвенция не ограничивает права Сторон заключать другие международные договоры по вопросам, являющимся предметом настоящей Конвенции и не противоречащим ее целям и объекту, а также не затрагивает права и обязанности Сторон, вытекающие из иных международных договоров, участниками которых они являются.

### **Статья 31**

1. Настоящая Конвенция заключается на неопределенный срок.
2. Настоящая Конвенция подлежит ратификации подписавшими ее государствами. Ратификационные грамоты сдаются на хранение депозитарию. Конвенция вступает в силу на тридцатый день с даты сдачи на хранение депозитарию четвертой ратификационной грамоты.
3. Для Стороны, ратифицировавшей настоящую Конвенцию после даты сдачи на хранение депозитарию четвертой ратификационной грамоты, она вступает в силу на тридцатый день с даты сдачи на хранение депозитарию своей ратификационной грамоты.
4. Депозитарием настоящей Конвенции является Секретариат Шанхайской организации сотрудничества.

### **Статья 32**

1. Настоящая Конвенция открыта для присоединения других государств, разделяющих ее положения, с согласия всех государств-членов Шанхайской организации сотрудничества путем передачи депозитарию уведомления о таком присоединении.

2. Для присоединяющегося государства настоящая Конвенция вступает в силу на тридцатый день с даты сдачи на хранение депозитарию уведомления о присоединении.

### **Статья 33**

Настоящая Конвенция в соответствии со статьей 102 Устава Организации Объединенных Наций подлежит регистрации в Секретariate Организации Объединенных Наций.

### **Статья 34**

В настоящую Конвенцию могут быть внесены изменения и дополнения, являющиеся ее неотъемлемой частью, которые оформляются отдельными протоколами. Изменения и дополнения могут быть предложены любой из Сторон путем передачи соответствующего уведомления депозитарию, который незамедлительно направляет их на рассмотрение другим Сторонам.

### **Статья 35**

Каждая Сторона может выйти из настоящей Конвенции, направив письменное уведомление об этом депозитарию не менее чем за шесть месяцев до предполагаемой даты выхода. В течение тридцати дней с даты получения уведомления о выходе, депозитарий извещает об этом другие Стороны.

### **Статья 36**

В случае возникновения между Сторонами споров и разногласий, связанных с применением или толкованием положений настоящей Конвенции, заинтересованные Стороны разрешают их путем консультаций и переговоров.

### **Статья 37**

1. Рабочими языками при осуществлении сотрудничества Сторон в рамках настоящей Конвенции являются русский и китайский языки.

2. Подлинный экземпляр настоящей Конвенции сдается на хранение депозитарию, который рассыпает заверенные копии настоящей Конвенции всем подписавшим ее государствам.

Совершено в городе Екатеринбурге 16 июня 2009 года в одном экземпляре на русском и китайском языках, причем оба текста имеют одинаковую юридическую силу.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **Китоблар**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т. : «Ўзбекистон», 1997. – 219 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т. : «Ўзбекистон», 1999. – 686 б.
3. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. – Тошкент : Ўзбекистон, 1999. – 335 б.
4. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент : Маънавият, 2008. – 173 б.
5. Муқаддас динимизга юксак эътибор ва эҳтиром. Имом Бухорий халқаро маркази. – Т. : Тошкент ислом университети нашриёти, 2010. – 31 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т. : Ўзбекистон, 2007. – 40 б.
7. Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси. 12 жиљдли. 3-жилд. – Т. : «Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. – 704 б.
8. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур – Т. : Тошкент ислом университети, 2006. – 6 б.
9. Абу Абдулоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомій ас-саҳіҳ (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. – Т. : «Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 712 б.
10. Абу Абдулоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомій ас-саҳіҳ (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 2-китоб. – Т. : «Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 624 бет.
11. Абу Бақр Муҳаммад Ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи / Форс-тохик тилидан таржима муаллифи А. Расулов. – Т. : Фан, 1966. – 108 бет.

12. А. Али-заде. Исламский энциклопедический словарь. – М. : Ансар, 2007. – 396 с.
13. «Ақоид матнлари» / А.Мансуров таржимаси. – Т. : Тошкент ислом университети, 2011. – 55 б.
14. Бодански Йозеф. Талибы, международный терроризм и человек, объявивший войну Америке / Перевод Быстрова В. А. – Москва : Вече, 2002. – 207 с.
15. Бранхам У. М. Изложение семи периодов церкви. – Р. О. Box 325, Jeffersonville, Indiana 47131 U.S.A. – 324 с.
16. Бурхониддин Ал-Маргиноний. Ҳидоя. 1-жилд / Таржимонлар гурухи. Бош таржимон Салоҳиддин Муҳиддин. – Т. : Адолат нашриёти, 2001. – 848 б.
17. Васильев А. Пуритане ислама? Ваххабизм и первое государство Саудидов в Аравии (1744/45–1818). – М. : Наука. – 261 с.
18. Гараджа В. И., Руткевич Е. Д. Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии. М. : Наука, 1994. – 202 с.
19. Абдулла аль-Кахтани. Кто они неохариджты. Ваххабиты – «салафиты»? Ҳауляи хум аль-хаваридж / Перевод Р. Адыгамова. – Казань, Иман, 2006. – 360 с.
20. Гордиенко Н. С. Православие. Словарь атеиста. – М. : Политиздат, 1988. – 272 с.
21. Дервиши в мусульманском мире. Исследование Петра Поздняева. Оренбург : типография В. Бреолина, 1886. – 334 с.
22. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб). Масъул мұхаррир О. Юсупов. – Т. : Тошкент ислом университети, 2013. – 156 б.
23. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тошкент ислом университети. Т. : Тошкент ислом университети, 2013. – 246 б.
24. Диншунослик асослари. Ўқув қўлланма / маъсул мұхаррир: И. Усмонов. – Т. : Тошкент ислом университети нашриёти, 2013. 319 б.
25. Добаев И. П. Современный терроризм: региональное измерение. – Ростов-на-Дону : СКНЦ ВШОФУ, 2009. – 164 с.
26. Дронзина Т. Терроризма женский лиц (результаты международного исследования). Книжная серия журнала «Международные исследования. Общество. Политика. Экономика». – Астана, 2011. – 236 с.
27. Емельянов В. П. Терроризм и преступления с признаками террорирования: уголовно-правовое исследование. – СПб. : Издательство «Юридический центр Пресс», 2002. – 291 с.

28. Алиев Ж. Зулмат гирдоби. – Т. : Тошкент ислом университети, 2009. – 32 б.
29. Зеленков М. Ю. Мировые религии: история и современность : Учебное пособие. – М. : Юридический институт МИИТ, 2003. – 252 с.
30. Зейно Баран. Хизбут тахрир. Политическая радикализация ислама. – Вашингтон : Центр Никсона, 2004. – 134 с.
31. Иванов В. А., Трофимов Я. Ф. Религии в Казахстане: справочник. – 2 изд. перераб. и доп. – Алматы : Аркаим, 2003. – 238 с.
32. Иванов М. В. Веруем. Катехизис для церквей евангельских христиан-баптистов. – М. : Отдел богословия и катехизации Российского союза евангельских христиан-баптистов, 2006. – 135 с.
33. Игнатенко А. А. Ислам и политика: Сборник статей. – М. : Институт религии и политики, 2004. – 256 с.
34. Имом Термизий. Ал-жомес ал-кабир. Байрут : Дорул-гарб ал-исламий, 1996. – 576 б.
35. Информационно-методические материалы о религиозных организациях и межконфессиональных отношениях в Казахстане. Министерство культуры и информации Республики Казахстан. – Астана, 2009. – 67 с.
36. Ислам: Энциклопедический словарь. – М. : Наука, 1991. – 315 стр.
37. Ислом маърифати: аслият ва талқин. Ўкув кўлланма. – Т. : Тошкент ислом университети, 2011. – 158 б.
38. Ислом: справочник. Усманов М. А. таҳрири остида. – Т. : Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1989. – 333 бет.
39. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. З. Ҳусниддинов таҳрири остида. – Т. : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – 313 б.
40. «Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадрияллар уйғунылиги». – Т. : Тошкент ислом университети, 2011. – 271 б.
41. История Узбекской ССР. В 4-х томах. Т. 2. – Т. : Фан, 1967. – 664 с.
42. К истории христианства в Средней Азии (XIX–XX вв.) / Сост. Л. И. Жукова. – Т. : Ўзбекистон, 1998. – 270 с.
43. Коровиков А. В. Исламский экстремизм в арабских странах. – М. : Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1990 . – 170 с.
44. Доктор Раҳман. Краткая история ислама. Хронология событий 570 – 1000 гг. от Рождества Христова. / Перевод Д. Хайретдина. – Москва : «Ummah», 2006. – 407 стр.
45. Криминология: Учебник для вузов / под ред. проф. В. Д. Малкова – 2 изд., перераб. и доп. – М. : ЗАО «Юстицинформ», 2006. – 528 стр.
46. Книга для наставника. ХМЛ. Дейв и Элфрида Лоуэн. Издание 5-е / Пер. А. Харитонова. – Санкт-Петербург, 2002. – 213 с.

47. Кудрявцев О. В. Трансформация идеологии терроризма. Материалы Первой всероссийской научно-практической конференции «Формирование устойчивой антитеррористической позиции гражданского общества как основы профилактики терроризма». – М. : МЦНМО, 2009. – 512 с.
48. Маънавий ва диний етуклик – давр талаби/тўпловчилар: З. Исломов, Ш.Шожалилов. – Т. : Тошкент ислом университети, 2009. – 444 б.
49. Материалы международной конференции «Суфизм в Иране и Центральной Азии». – Алматы, 2006. – 330 с.
50. М. Зухайлий. «Ал-фиқҳ ал-исломий ва адиллатуху». Дорул фикр., 2-китоб.
51. Мелиқүзиев Ж. Ҳалокат тузоги. – Т. : Тошкент ислом университети, 2010. – 31 бет.
52. Миллый ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т. : «Akademiya», 2007. – 352 б.
53. Миронов О. Словарь религиозных терминов. – Воронеж: «Воронеж», 2002. – 42 с.
54. Митрополит Московский Филарет. Православный катехизис. – Т. : «GLOSSA». – 173 с.
55. Мовароуннаҳр мұхаддис ва фақиҳларининг жаҳон ҳукуқий маданиятига қўшган ҳиссаси. Ўзбекистон ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси. /Халқаро конференция тезислар тўплами/. Тошкент-Самарқанд. –Т.: Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. – 496 бет.
56. Муслим ибн Ҳажжож. Саҳихи Муслим. Дор Тойба, 2006.
57. Мұхаммад Саид Рамазон Бутий. Мазҳабчилик ислом шариатига таҳдид солувчи энг хатарли бидъатдир. – Т. : «Hilol-Nashr», 2013. – 200 б.
58. Нарбеков А. В. Диншунослик асослари: Ўкув кўлланмаси. – Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – 211 б.
59. Новые религиозные организации России деструктивного и оккультного характера. Справочник. Миссионерский отдел Московского Патриархата Русской Православной Церкви. Информационно-аналитический вестник №1. – Изд-е 2-е, перераб. и допол. – Белгород : Белгород, 1997. – 459 с.
60. Олтин силсила: 2-жуз : Саҳиҳул Бухорий. Т. : «Hilol-nashr», 2013. – 672 б.
61. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга юз жавоб). – Т. : Тошкент ислом университети, 2013. – 198 б.

62. Пиз А., Пиз Б. Новый язык телодвижений. Расширенная версия. – М. : Эксмо, 2007. – 416 с.
63. Приближайся к Иегове. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc. Brooklin, U.S.A., 2002. Сделано в Германии. – 319 с.
64. Профилактика (предупреждение) экстремизма и терроризма. Методическое пособие для пропагандистов. / Под общей ред. Л. Н. Панковой, Ю. В. Таранухи. – М. : Университетская книга, 2010. – 312 с.
65. Ревуненкова Н. Религии мира. Протестантизм. – Санкт-Петербург : «Питер», 2007. – 224 с.
66. Яблоков И. Н. Религиоведение : Учебное пособие и учебный словарь-минимум по религиоведению. – М. : Гардарики, 2000. – 536 с.
67. Стернин И. Практическая риторика. – Воронеж : Издательско-полиграфическая фирма «Воронеж», 1993. – 138 с.
68. Суслонов П. Е., Губина Е. С. Религиозная ситуация и основные религиозные направления на территории Уральского региона. Научно-практическое пособие. – Екатеринбург: Уральский юридический институт МВД России, 2010. – 111 с.
69. Сборник докладов международной научной конференции «Исламские ценности Центральной Азии: толерантность и гуманизм». – Т., 2008. – 208 с.
70. Кабак Д., Эсенгальдиев А. Свобода вероисповедания в Кыргызской Республике: обзор правового обеспечения и практики. – Бишкек : Общественный фонд «Открытая позиция», 2011. – 76 с.
71. Священное писание – Перевод нового мира. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc. Brooklin, U.S.A., 2007. Сделано в Италии.
72. Словарь религий: иудаизм, христианство, ислам / Под ред. В. Зюбера, Ж. Потэна / Пер. с фран. Е. Терюковой. – СПб : Питер, 2008. – 656 с.
73. Сохраняйте себя в божьей любви. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc. Brooklin, U.S.A., 2007. Сделано в Германии. – 223 с.
74. Страны Востока: социально-политические, социально-экономические, этноконфессиональные и социокультурные проблемы в контексте глобализации. Памяти А. М. Петрова. – М. : ИВ РАН, Центр стратегической конъюнктуры, 2012. – 282 с.
75. Таевский Д. Секты мира. – Ростов н/Д. : Феникс, СПб. : ООО Издательство «Северо-Запад», 2007. – 571 с.
76. Тинчлик ва осоиышталик – олий неъмат / масъул муҳаррир Абдулазиз Мансур. – Тошкент : «Movarounnahr», 2013. 144 б.

77. Тимошук А. С., Федотова И. Н., Шавкунов И. В. Введение в религиоведение : Учеб. пособие. ВЮИ ФСИН России. – Владимир, 2011. – 136 с.
78. Тўйчибоев А. Исломга ёт жамоа. – Т. : Тошкент ислом университети, 2010. – 30 б.
79. Устинов В. Обвиняется терроризм. – М. : ОЛМА-ПРЕСС, 2002. – 279 с.
80. Йўлдошхўжаев Х. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т. : Тошкент ислом университети, 2010. – 80 б.
81. Цыганов В. МЕДИА-ТЕРРОРИЗМ: Терроризм и средства массовой информации. – К. : Ника-Центр, 2004. – 124 с.
82. Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. «Сиррул асрор», «Мактубот». Таржимон О. Жўрабоев. – Т. : Мовароуннахр, 2005. – 224 б.
83. Энциклопедия суфизма. Юсуф Хаттар Мухаммад. / Пер. с арабс. Р. Адыгамов. – М. : Издательский дом «Ансар», 2005. – 480 с.
84. Юлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д. Комилов М. Диншунослик. Маърузалар матни. – Т : ФТДХ, 2000. – 132 б.
85. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Тузувчи У. Уватов. – Т. : Маънавият, 2010. – 395 б.
86. Ўзбекистон ССР тарихи. 1 том. 1 китоб. – Т. : Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1956. – 571 б.
87. Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат. Илмий мақолалар тўплами. Тузувчи, нашрга тайёрловчилар: Ағзамходжаев А. А., Зияева Д. Х., Аширов А. А. – Т. : Тошкент ислом университети, 2011. – 255 б.
88. Ўзбекистон этноконфессионал атласи. Муаллифлар гурухи. Т. : «Картография» илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси, 2011. – 67 б.
89. Ҳасанов А. А. Қадимги Арабистон ва илк ислом: I китоб. Жоҳилия асри. – Т. : Тошкент ислом университети, 2001. – 256 б.
90. Ҳидоят ортига яширинганд залолат. Тузувчилар: А. Очилдиев (ва бошк.). – Т. : Тошкент ислом университети, 2010. – 136 б.

#### **Даврий нашрлар**

1. Адвентистский вестник. Электронное издание. № 1 – 2008.
2. ВОСТОК (ORIENS) 2013 № 3.
3. ВОСТОК-ЗАПАД. Вестник Служений и Церквей. Электронное издание. 2009. Том 17, №3.
4. ВОСТОК-ЗАПАД. Вестник Служений и Церквей. Электронное издание. 2010. Том 18, № 4.
5. ВОСТОК-ЗАПАД. Вестник Служений и Церквей. Электронное издание. 2011. Том 19, № 2.

6. Илмий-тахлилий ахборот. – Т. : Тошкент ислом университети, 2003. 2-сон. – 50 бет.
7. Илмий-тахлилий ахборот. – Т. : Тошкент ислом университети, 2011. 1-сон. – 62 бет.
8. Интернет-журнал «Новое Восточное Обозрение». URL: <http://ru.journal-neo.org/2013/03/17/the-new-role-of-the-arab-league-in-regional-and-international-relations/>
9. История и современность. М., 2010 . №1.
10. Международная политика. М., 2011. № 1(6).
11. Электронный журнал «Полития», 2007. № 4 (47).
12. Расы и народы. Ежегодник. Вып. 32. – М : Наука, 2006. – 343 с.
13. Центральная Азия и Кавказ. 1999. № 1(2).
14. «Ўзбекистон овози» газетаси, 2013 йил 10 май.
15. «Ҳалқ сўзи» газетаси, 2013 йил 4 май.
16. Military Review, May-June 2008, pp 58–73, URL: [http://unhcr.org.ua/img/uploads/docs/Taliban\\_organ %20analysis\\_Military% 20review\\_May-June%202008\\_2.pdf](http://unhcr.org.ua/img/uploads/docs/Taliban_organ %20analysis_Military% 20review_May-June%202008_2.pdf)
17. The Muslim 500: The 500 most influented muslims. The Royal Islamik Strategik Studies Centre. Jordan, 2013.

### **Интернет материаллари**

1. Сайт Агентства по делам религий Казахстана. URL: [http://www.din.gov.kz/rus/dejatelnost\\_agentstva/religioznye\\_obedinenija/?cid=0&rid=451](http://www.din.gov.kz/rus/dejatelnost_agentstva/religioznye_obedinenija/?cid=0&rid=451)
2. Сайт Адвентистов седьмого дня «Школа неба» Принципы вероучения. URL: <http://adventist-co.ucoz.ru/index/0-23>
3. Сайт «Академик». URL: <http://dic.academic.ru/dic.nsf/enc3p/139270>
4. Сайт «Александр Князев». URL: <http://www.knyazev.org/biblio/Femida2.pdf>
5. Сайт «Антитеррористический центр государств-участников СНГ». URL: <http://www.cisatc.org/134/159>
6. Сайт «Армянская апостольская церковь». URL: <http://armhak.narod.ru/index.html>
7. Сайт «Afghanistan.ru», 25.07.2012. URL: <http://www.afghanistan.ru/doc/23384.html>
8. Сайт «Afghanistan.ru», 19.02.2013. URL: <http://www.afghanistan.ru/doc/57360.html>
9. Сайт «Би-би-си», 14.05.2013. URL: [http://www.bbc.co.uk/uzbek/central\\_asia/2013/05/130514\\_cy\\_hizbut\\_tahrir\\_members\\_in\\_kyrgyzstan\\_latest.shtml](http://www.bbc.co.uk/uzbek/central_asia/2013/05/130514_cy_hizbut_tahrir_members_in_kyrgyzstan_latest.shtml)

10. Сайт «Богословия и жизни». URL: <http://theologian.msk.ru/history/194-chto-polagalos-za-otstuplenie-ot-pravoslaviya-v.html>
11. «Бхагавад-гита как она есть» А .Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада. Электронная библиотека «RoyalLib.ru»
12. Сайт «Vesti.uz», 13.07.2013. URL: [www.royallib.ru](http://www.royallib.ru). URL: [http://www.vesti.uz/index.php?option=com\\_content&view=article&id=37890:2013-07-13-03-17-31&catid=19:politics&Itemid=39](http://www.vesti.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=37890:2013-07-13-03-17-31&catid=19:politics&Itemid=39)
13. Сайт «Война и мир», URL: <http://www.warandpeace.ru/ru/news/view/57271>
14. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Адвентисты\\_седьмого\\_дня](http://ru.wikipedia.org/wiki/Адвентисты_седьмого_дня)
15. Сайт «Википедия», URL: <http://ru.wikisource.org/wiki/Лентапедия/Аль-Каеда>
16. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Арабо-израильская\\_война\\_\(1947—1949\)](http://ru.wikipedia.org/wiki/Арабо-израильская_война_(1947—1949))
17. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Библия>
18. Сайт «Википедия», URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Братья-мусульмане>
19. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Брейвик\\_Андерс\\_Беринг](http://ru.wikipedia.org/wiki/Брейвик_Андерс_Беринг)
20. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org.\\_/wiki/Ветвь\\_Давицова](http://ru.wikipedia.org/wiki/Ветвь_Давицова)
21. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Всемирная\\_исламская\\_лига](http://ru.wikipedia.org/wiki/Всемирная_исламская_лига)
22. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/\\_/wiki/Гуманитарная\\_интервенция](http://ru.wikipedia.org/wiki/Гуманитарная_интервенция)
23. Сайт «Википедия», URL: [http://ru.wikipedia.org/\\_/wiki/Исламское\\_движение\\_Восточного\\_Туркестана](http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламское_движение_Восточного_Туркестана)
24. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/\\_/wiki/Исламское\\_движение\\_Узбекистана](http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламское_движение_Узбекистана)
25. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/\\_/wiki/Исламская\\_организация\\_по\\_вопросам\\_образования,\\_науки\\_и\\_культуры](http://ru.wikipedia.org/wiki/Исламская_организация_по_вопросам_образования,_науки_и_культуры)
26. Сайт «Inosmi.ru». URL: <http://www.inosmi.ru/world/20051207/224154.htm>
27. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/\\_/wiki/Крестовые\\_походы](http://ru.wikipedia.org/_/wiki/Крестовые_походы)
28. Сайт «Википедия», URL: [http://ru.wikipedia.org/\\_/wiki/Лига\\_арабских\\_государств](http://ru.wikipedia.org/_/wiki/Лига_арабских_государств)
29. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/\\_/wiki/\\_Международный\\_терроризм](http://ru.wikipedia.org/_/wiki/_Международный_терроризм)
30. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/\\_/wiki/Миссионерство](http://ru.wikipedia.org/_/wiki/Миссионерство)

31. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Организация\\_исламского\\_сотрудничества](http://ru.wikipedia.org/wiki/Организация_исламского_сотрудничества)
32. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Организация\\_освобождения\\_Восточного\\_Туркестана](http://ru.wikipedia.org/wiki/Организация_освобождения_Восточного_Туркестана)
33. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org./wiki/Панисламизм>
34. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org./wiki/Пантюркизм>
35. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org./wiki/Первородный\\_грех](http://ru.wikipedia.org./wiki/Первородный_грех)
36. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Православие>
37. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Салафия>
38. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Свидетели\\_Иеговы](http://ru.wikipedia.org/wiki/Свидетели_Иеговы)
39. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Сунниты>
40. Сайт «Википедия», URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Талибан>
41. Сайт «Википедия». URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Террорист-смертник>
42. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org./wiki/Храм\\_народов](http://ru.wikipedia.org./wiki/Храм_народов)
43. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Христианская\\_миссия](http://ru.wikipedia.org/wiki/Христианская_миссия)
44. Сайт «Википедия». URL: [http://ru.wikipedia.org./wiki/Цветная\\_революция](http://ru.wikipedia.org./wiki/Цветная_революция)
45. Сайт «Власти.нет», 21.01.2013. URL: <http://vlasti.net/news/158509>
46. Сайт «Военное обозрение», 24.01.2013. URL: <http://topwar.ru/23379-afrikanskie-uranovye-voyny.html>
47. Сайт «Всемирная Церковь Христиан Адвентистов Седьмого Дня. Община г. Архангельска». URL: <http://asdarh.ru>
48. Сайт «Геополитика.ру», 27.02.2012. URL: <http://www.geopolitica.ru / Articles/ 1382/>
49. Сайт «Геополитика.ру», 8.07.2013. URL: <http://www.geopolitika.ru/news/ciriyskim-boevikam-postavlyalos-oruzhie-iz-livii>
50. Сайт «Древо». Открытая православная энциклопедия. URL: <http://drevo-info.ru/ articles/10330.html>
51. Сайт «Евразийская группа по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма». URL: [eurasiangroup.org/ru/news/typ\\_14.pdf](http://eurasiangroup.org/ru/news/typ_14.pdf)
52. Сайт «Жизнь без террора». URL: <http://counter-terror.kz/ru/article/view?id=199>

53. Сайт «Журнальный зал». URL: [http://magazines.russ.ru/oz/2003/5/2003\\_5\\_38.html](http://magazines.russ.ru/oz/2003/5/2003_5_38.html)
54. Сайт «За правовое государство». URL: <http://www.lawfulstate.ru/index.php/zashitaprav/2010-03-28-13-27-47/q-q/extrajudicial-historical-religion-research-about-qtabligi - dzhamaatq. html>
55. Сайт «InoSMI», 05.02.2013. URL: [http://www.inosmi.ru/leral\\_net/20130214/ 205785090.html](http://www.inosmi.ru/leral_net/20130214/ 205785090.html)
56. Сайт «Институт Ближнего Востока». 03.11.2007. URL: <http://www.iimes.ru/ rus/stat/2007/03-11-07b.htm>
57. Сайт «Институт Ближнего Востока». 20.01.2011. URL: [www.iimes.ru/ rus/stat/ 2011/20-01-11b.htm](http://www.iimes.ru/ rus/stat/ 2011/20-01-11b.htm)
58. Сайт «Институт Ближнего Востока». 27.11.2011. URL: <http://iimes.ru/ rus/stat/ 2011/27-11-11b.htm>
59. Сайт «Институт религии и политики». 18.05.2008. URL: <http://i-r-p.ru/ page/ stream-event/index-20056.html>
60. Сайт «Институт религии и политики». 01.10.2008. URL: <http://i-r-p.ru/ page/ stream-mark/index-21912.html>
61. Сайт «Институт религии и политики». 24.12.2009. URL: <http://i-r-p.ru/ page/ stream-document/index-25312.html>
62. Сайт «Интерфакс». 23.10.2012. URL: <http://www.interfax-religion.ru/ krz/?act =news &div=48523>
63. Сайт «Информационно-аналитический центр». URL: <http://www.ia-centr.ru/ expert/4063/>
64. Сайт «Информационно-аналитический центр». URL: <http://www.ia-centr.ru/ expert/4799/>
65. Сайт «Islam-wasatiya.ru». URL: <http://islam-wasatiya.ru/index.php?id=68>
66. Сайт «История ордена Храма». URL: [http://www.home-edu.ru/ user/f/00000754/ histbibliot8.06.05/krestovie\\_pohodi/Untitled-3.htm](http://www.home-edu.ru/ user/f/00000754/ histbibliot8.06.05/krestovie_pohodi/Untitled-3.htm)
67. Сайт «Kazakhstan Today», 19.09.2011. URL: [http://kt.kz/rus/power\\_structures/v\\_aeroporto\\_almati\\_s\\_krupnoj\\_summoj\\_nezadeklarirov\\_annih\\_dollarov\\_zaderzhan\\_pastor\\_cerkvi\\_blagodatj\\_kim.sam.son\\_1153544894.html](http://kt.kz/rus/power_structures/v_aeroporto_almati_s_krupnoj_summoj_nezadeklarirov_annih_dollarov_zaderzhan_pastor_cerkvi_blagodatj_kim.sam.son_1153544894.html)
68. Сайт «Календарные даты». URL: <http://www.calend.ru/holidays/evangelical/>
69. Сайт «Календарь событий». URL: <http://www.calend.ru/holidays/katolic/>
70. Сайт «Klikovo.ru». URL: <http://klikovo.ru/db/msg/8663>
71. Сайт «Ковчег спасения». Календарь евангельских христиан-баптистов. М. Иванов руководитель отдела богословия и катехизации Российского Союза ЕХБ. URL: <http://kovcheg-spasenya.ru>

72. Сайт «Комитет по санкциям против «Аль-Каиды». URL: <http://www.un.org/russian/sc/committees/1267/information.shtml>
73. Сайт «Конституция Российской Федерации». Об отделении церкви от государства и школы от церкви [Декрет Совета Народных Комиссаров]. URL: <http://constitution.garant.ru/history/act1600-1918/5325/>
74. Сайт «Krugosvet.ru». URL: [http://www.krugosvet.ru/enc/kultura\\_i\\_obrazovanie/ religiya/KRESTOVIE\\_POHODI.html?page=0,3](http://www.krugosvet.ru/enc/kultura_i_obrazovanie/ religiya/KRESTOVIE_POHODI.html?page=0,3)
75. Сайт «Lawmix.ru». URL: [http://www.lawmix.ru/docs\\_cccp/5380/](http://www.lawmix.ru/docs_cccp/5380/)
76. Сайт «Lenta.ru», 19.01.2013. URL: <http://lenta.ru/news/2013/02/19/trillion./>
77. Сайт «Logoslovo.ru». URL: [http://www.logoslovo.ru/forum/all/topic\\_4905/](http://www.logoslovo.ru/forum/all/topic_4905/)
78. Сайт «Narodru.ru». URL: <http://www.narodru.ru/article9465.html>
79. Сайт «News.RU», 05.06.2013. URL: [http://newsru.co.il/mideast/05jun2013/syria\\_103.html](http://newsru.co.il/mideast/05jun2013/syria_103.html)
80. Сайт «МАРАНАФА» 888», 02.05.2011. URL: [http://chmm888.ru/news/khristianskie\\_missionery\\_vychishhajut\\_musulmanskij\\_mir/2011-02-05-5](http://chmm888.ru/news/khristianskie_missionery_vychishhajut_musulmanskij_mir/2011-02-05-5)
81. Сайт «Международная жизнь». 28.05.2012. URL: <http://interaffairs.ru/read.php?item=8496>
82. Сайт «Министерство иностранных дел Узбекистана». URL: [mfa.uz/rus/mej\\_sotr\\_uzbekistan\\_i\\_voprosi\\_mejdunarodnoy\\_beziopasnosti](http://mfa.uz/rus/mej_sotr_uzbekistan_i_voprosi_mejdunarodnoy_beziopasnosti)
83. Сайт «Monarch-party.ru». URL: <http://monarch-party.ru/evangel/>
84. Сайт «Новое Восточное Обозрение». URL: <http://ru.journal-neo.org/2013/03/17/the-new-role-of-the-arab-league-in-regional-and-international-relations/>.
85. Сайт «PanARMENIAN.Net». URL: <http://www.panarmenian.net/rus/news/160559/>
86. Сайт «Oktes.ru»». URL: [www.oktes.ru/internet-konf-2012-2/uploads/file-1351654990.doc](http://www.oktes.ru/internet-konf-2012-2/uploads/file-1351654990.doc)
87. Сайт «Politictime.ru». URL: <http://www.politictime.ru/potis-405-1.html>
88. Правительственный портал РУ. URL: [www.gov.uz/ru/business/international/membership/273](http://www.gov.uz/ru/business/international/membership/273)
89. Сайт «Православный журнал «Благодатный Огонь». URL: <http://www.blagogon.ru/biblio/124/>
90. Сайт «Псифактор». URL: <http://psyfactor.org/expan10.htm>
91. Сайт «Радио голос России», 10.10.2012. URL: [http://rus.ruvr.ru/2012\\_10\\_10/Velikaja-missija-amerikanskikh-mormonov-kod-Romni/](http://rus.ruvr.ru/2012_10_10/Velikaja-missija-amerikanskikh-mormonov-kod-Romni/)
92. Сайт «PATC ШОС». URL: <http://www.ecrats.com/ru/terrorist organizations/1680>

93. Сайт «PATC ШОС». URL: [http://www.ecrats.com/ru/terrorist\\_organizations/1682](http://www.ecrats.com/ru/terrorist_organizations/1682)
94. Сайт «PATC ШОС». URL: [http://www.ecrats.com/ru/terrorist\\_organizations/1685](http://www.ecrats.com/ru/terrorist_organizations/1685)
95. Сайт «Religiocivilis.ru». URL: <http://religiocivilis.ru/islam/islamb/180-vsemirnyi-islamskii-kongress-.html>
96. Сайт «РИА Новости». URL: [http://ria.ru/politics/20030212/318192.html#ixzz2V\\_KoHxEoY](http://ria.ru/politics/20030212/318192.html#ixzz2V_KoHxEoY)
97. Сайт «РОДОН». URL: <http://www.rodon.org/polit-111202110013>
98. Сайт «Россия и ОИС». URL: [www.kazansummit.ru](http://www.kazansummit.ru).
99. Сайт «Российские тенденции», 05.05.2013. URL: <http://rostend.su/?q=node/664>
100. Сайт «Русский переплет». URL: [http://www.pereplet.ru/history/Russia/Imperia/\\_Alexandr\\_III/pol1892.html](http://www.pereplet.ru/history/Russia/Imperia/_Alexandr_III/pol1892.html)
101. Сайт «Русское агентство новостей», 06.05.2013. URL: [http://ru-an.info/news\\_content.php?id=2274](http://ru-an.info/news_content.php?id=2274)
102. Сайт «Sedmica.orthodoxy.ru», 14.08.02. URL: <http://www.sedmica.orthodoxy.ru/ 50-21-08-02.php>
103. Сайт «Седмица.py». URL: <http://www.sedmitza.ru/news/312272.html>
104. Сайт «Свободная мысль». URL: <http://www.svom.info/entry/208-sekrety-cvetnyh-revoljucij-sovremennye-tehnologii-/>
105. Сайт «CBS», 10.10.2009. URL: [http://www.cbsnews.com/2100-202\\_162-5376458. html](http://www.cbsnews.com/2100-202_162-5376458. html)
106. Сайт «Справочник по религии. Религиозный справочник – словарь». URL: <http://sr.artap.ru/protestantism.htm>
107. Сайт «Средняя Азия в Интернете», 22.03.2013. URL: <http://centralasiaonline.com/ru/articles/caii/features/pakistan/main/2013/03/22/feature-01>
108. Сайт «Средняя Азия в Интернете», 23.05.2013. URL: <http://centralasiaonline.com/ru/articles/caii/features/pakistan/main/2013/05/23/feature-01>
109. Сайт «Средняя Азия в Интернете», 26.06.2013. URL: <http://centralasiaonline.com/ru/ articles/caii/features/pakistan/main/2013/06/ 26/ feature-02>
110. Сайт «Stringer», 16.08.2011. URL: <http://stringer-news.com/publication.mhtml? Part= 48&PubID=17531>
111. Сайт «Textb.net». URL: <http://textb.net/30/62.html>
112. Сайт «Узбекское агентство по печати и информации». URL: <http://www.api.uz/ ru/top/uzbekistan/>

113. Сайт «Умма информ», 28.08.2012. URL: <http://umma.ua/ru/article/article/2012/08/28/16468>
114. Сайт «Управления внутренней политики Акмолинской области». URL: [http://uvp.akmol.kz/home/relig\\_101](http://uvp.akmol.kz/home/relig_101)
115. Сайт «Управление Минюста России по Республике Татарстан», 04.06.2012. URL: [to16.minjust.ru/sites/to16.minjust.ru/.../eksp\\_zakl.\\_ot\\_04.06.2012.doc](http://to16.minjust.ru/sites/to16.minjust.ru/.../eksp_zakl_ot_04.06.2012.doc)
116. Сайт «Facenews.ua». URL: <http://www.facenews.ua/articles/2013/170014/>
117. Сайт «Фергана.Ру», 13.02.2009. URL: [www.fergananews.com/articles/6066](http://www.fergananews.com/articles/6066)
118. Сайт «Фергана.ру», 22.01.2013. URL: <http://www.fergananews.com/articles/7598>
119. Сайт «ЦентрАзия», 08.11.2012. URL: <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1352355240>
120. Сайт «ЦентрАзия», 09.03.2013. URL: <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1362834300>
121. Сайт «Элитариум». URL: [www.elitarium.ru.](http://www.elitarium.ru/) [http://www.elitarium.ru/2010/11/19/priemy\\_publichnogo\\_vystuplenija.html](http://www.elitarium.ru/2010/11/19/priemy_publichnogo_vystuplenija.html)
122. Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: [http://etnolog.ru/religion.php.](http://etnolog.ru/religion.php) Адвентисты
123. Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: [http://etnolog.ru/religion.php.](http://etnolog.ru/religion.php) Армянская апостольская церковь
124. Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: [http://etnolog.ru/religion.php.](http://etnolog.ru/religion.php) Баптизм
125. Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: [http://etnolog.ru/religion.php.](http://etnolog.ru/religion.php) Бахаизм
126. Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: [http://etnolog.ru/religion.php.](http://etnolog.ru/religion.php) Иудаизм
127. Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: [http://etnolog.ru/religion.php.](http://etnolog.ru/religion.php) Международное общество сознания кришны
128. Сайт «Энциклопедия народов мира». URL: [http://etnolog.ru/religi3on.php.](http://etnolog.ru/religi3on.php) Пятидесятники
129. The Global Religious Landscape. Pew Research Center. Washington, D.C. 2012. –P. 43.
130. Site «Ammanmessage.com». URL: <http://ammanmessage.com/index.php?lang=ar>
131. Muslim World League Web Site. URL: [www.themwl.org](http://www.themwl.org)



ISBN 978-9943-39092-8

9789943390928

A standard linear barcode is positioned vertically next to the ISBN number.